ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

”ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ф а н и д а н ўқ у в – услубий м а ж м у а

ГУЛИСТОН -2017

“Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанидан ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 7январда № БД 5230100 билан рўйхатга олинган ва 2015 йил 2 февралдаги №32 сонли буйруғи билан тасдиқланган “иқтисодий таълимотлар тарихи” фанининг ўқув дастурига мувофиқ тайёрланган.

Тузувчилар: М.Нурмухамидова, О.Юсуфалиев ГулДУ “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчилари
Тақризчилар:
А.А. Маматов ТМИ, Менежмент ва маркетинг кафедраси профессори, и.ф.д.
А.Бурхонов ГулДУ, Иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н.

“Иқтисодий таълимотлар тарихи”фани бўйича ўқув-услубий мажмуа Гулистон давлат университети Ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил 27 августдаги № 1 сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун тавсия этилган.

Иқтисодиёт, 2017 йил

МУНДАРИЖА

I.	**Ўқув материаллари**	
1.1.	**Маъруза материаллари**	
1.2.	**Амалий машғулот мавзулари**	
	а) Асосий матн	
	б) Топшириқлар (мисоллар, кейслар, тестлар)	
	в) Назорат савоолари	
	г) Адабиётлар рўйхати	
II.	**Мустақил таълим машғулотлари**	
III.	**Глоссарий**	
IV.	**Иловалар**	
4.1.	**Фан дастури**	
4.2.	**Ишчи ўқув дастури**	
4.3.	**Тарқатма материаллар**	
4.4.	**Рейтинг тизими асосида баҳолаш мезонлари**	

I.ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ
МАЪРУЗА МАТЕРИАЛЛАРИ
1-Мавзу. Фан предмети ва ўрганиш усуллари. Қадимги дунё, феодал жамияти иқтисодий таълимотлари

РЕЖА

1. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанининг предмети.
2. Фаннинг ўрганиш услубиёти (методологияси)
3. Қадимги шарқдаги иқтисодий ғоялар.
4. Антик дунё иқтисодий қарашлари.
5. Араб ва Ғарбий Европа давлатларида феодализм давридаги иқтисодий ғоялар.
6. IX-XV асрларда Ўрта Осиёдаги иқтисодий фикрлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Иқтисодиёт, эҳтиёж, иқтисодий ресурслар, иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг предмети, иқтисодий қонунлар,иқтисодий категориялар,услубият,диалектик усул.

1. «ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

«*Тарихий хотирасиз келажак йўқ*» деган эди Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти, академик И.А.Каримов. Ҳар қандай тарихни ўрганиш аввало ҳозирги кун ва келажак учун аҳамиятлидир. Таниқли ёзувчи ва адибимиз Абдулла Қодирий айтганидек: «*Мозийга қараб иш тутиш хайрлидир*». Шу сабабли иқтисодий таълимотлар тарихини ўрганиш катта назарий, амалий ва тарбиявий аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт тарихи (халқ хўжалиги тарихи) ва иқтисодий таълимотлар тарихи иқтисодиёт фанининг фактология ва методология асосларини таъминловчи ва яратувчи асос сифатида аҳамиятлидир. Шу сабабли бу фанлар иқтисодиёт фанининг ажралмас ва таркибий қисмидир.

Айниқса ҳозирги даврда иқтисодиёт ҳар бир инсон ҳаётига жўшқинлик билан кириб бормоқда ва одамлар иқтисодиёт тўғрисида имкони борича кўпроқ билишга интилмоқдалар. Хўш, уммон каби кенг иқтисодиёт фанини ўрганишда нимадан бошламоқ керак, деган савол туғилиши табиий.

Бизнингча, бу ишни, шифокор даволанувчини тузатишни унинг касаллик тарихидан бошлагани каби, тарихдан бошлаш зарур. Албатта, бугунги ва эртанги кун муаммоларини тўла ҳал этишда ўтган аср иқтисодчиларидан барча саволларга тайёр жавоб топиш қийинлиги аниқ, аммо ўтган донишмандларнинг фикр-мулоҳазалари ҳозирги ва келажак тўғрисида тўғри хулоса чиқариш учун яхши имконият беради. аниқроғи, *велосипедни қайта кашф қилиш*га хожат қолмайди, тарихий тажриба шуниси билан ҳам қимматлидир.[1]

Аммо шундай бўлдики, охирги 25-30 йил давомида бу фанларга кам эътибор берилди, хатто «**Иқтисодий таълимотлар тарихи**» катағонга учради, фақат мустақиллик йиллари бу фанни олий ўқув юртларида қайтадан ўқитиш бошланди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.

[1] James H. The End of Globalization: lesns from the great Depression. Harvard College, 2014y

Шўротлар тузуми даврида кўпгина фанлар, шу жумладан, иқтисодиёт фани синфийлик, партиявийлик мафкураси асосида ўрганилди, марксизм-ленинизм ғоялари бирдан-бир тўғри таълимот деб қабул қилинди ва барча масалалар ечилган, тарихга, узоқ ўтмишга ҳеч қандай хожат йўқ, деган умумий кайфият юзага келди. Социалистик ва коммунистик жамият қуришда дастуриламал бўлган мафкурага муқобил, мухолиф бўлган барча фикрлар танқидга учради; асосий эътибор марксча-ленинча, иқтисодий таълимотни ўрганишга, капитализм, бозор муносабатларининг келажаги йўқлигини зўрма-зўраки «исботлаш»га қаратилди.

Аммо бу йўл тарих синовидан ўтмади. Иқтисодиётда синфий, мафкуравий тамойиллар эртаклардаги қум саройлари каби вайрон бўла бошлади. Табиатнинг ёмон об-ҳавоси бўлмаганидек, тарих ҳам бўлиб ўтган яхши ёки ёмон воқеалар учун ҳеч ким олдида тавба-тазарру қилмайди.

Ҳозирги давр олимлари аввалги муаллифлардан кўра кўпроқ биладилар, бу объектив жараён, аммо шуниси ҳам айни хақиқатки, биз улар туфайли ҳам шу нарсаларни биламиз.

Яна шуни ҳам алохида таъкидлаб ўтиш керакки, собиқ СССР даврида қайси фанни ўқиш, қандай дастур ва дарслик асосида ўқитиш «марказ»нинг тўла ихтиёрида бўлган. Таржима қилиш ҳам шу йўсинда олиб борилган. Охир-оқибат ўзбек тилида бирор жиддий асар яратишга йўл берилмаган. Айниқса, Шарқ, хусусан ўрта осиёлик олимлар, донишмандлар ва алломаларнинг иқтисодиёт ва бошқа фанларга қўшган ҳиссаси доимо камситиб келинган.

Мустақил тараққиёт йўлига ўтган ўзбекистонлик олимлар олдида, кўпгина фанлар каби, иқтисодиёт фани борасида ҳам катта ишларни амалга ошириш вазифаси турибди. Янги дастур, ўқув қўлланма ва дарсликлар яратиш энг муҳимдир. Иқтисодиёт инсоният тарихи каби қадимийдир. Иқтисодиётга оид фикр, ғоя, қараш, назария ва таълимотлар ҳам кўп минг йиллик тарихга эга. Лекин уларнинг асосий қисми ёзув пайдо бўлганидан сўнг, ёзма манбалардан бизгача етиб келган. Бу манбалар, улардаги ғоялар аввало инсониятнинг муқаддас мулкидир, уни топиш, ўрганиш ва келажак учун сақлаш савобли бўлса, улардаги нодир фикрларни ҳаётга тадбиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади, катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт байналмилал ходиса бўлиб, унинг олдида турган вазифалар барча халқлар ва мамлакатлар учун бир хил, аммо улар ривожланиш давомида турлича натижаларга эришганлар. Ҳозирги даврда ҳам бозор иқтисодиётининг принциплари ҳамма учун бир хил бўлишига қарамасдан натижалар турличадир. XVIII аср охирида классик иқтисодий мактаб вакиллари Адам Смит ва Давид Рикардо объектив, яъни инсон хоҳишига боғлиқ бўлмаган, аммо улар томонидан ўрганилиши мумкин бўлган қонунлар асосида амал қилувчи хўжалик тизими тўғрисидаги таълимотни яратдилар. Уларнинг фикрича, давлатнинг иқтисодий сиёсати бу қонунларга хилоф бўлмай, аксинча бу қонунларга суяниши керак, ана шунда иқтисодиёт равнақ топади ва аксинча. Демак, бу қонун ва қонуниятларни билиш, улардан амалиётда тўғри фойдаланиш ҳаёт талаби бўлиб бормоқда. Узоқ ўтмишдаги кўпгина ўгитлар, ҳаётий тажрибалар, алломаларнинг фикри ва ғоялари ҳозирги кунда асқотмоқда, уларни ўрганиш ва энг муҳими ҳаётга тадбиқ этиш зарур.

Иқтисодий таълимотлар тарихи деярли тўрт минг йиллик ривожи давомида бир қанча босқичларни босиб ўтди. Уларнинг турли йўналишлари ва мактаблари мавжуд.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасидаги 60 дан ортиқ олий ўқув

юртларининг кўпчилигида, иқтисодиёт университети, институти, айрим факультет ва гуруҳларида «*Иқтисодий таълимотлар тарихи*» иқтисодий зарур фан сифатида ўқитилмокда. Айрим академия, коллеж, иқтисодий йўналишдаги лицей, ўрта мактабларда «Иқтисодиёт тарихи» ва «Иқтисодий таълимотлар тарихи» ҳам махсус фан сифатида ўқитилмоқда. Аммо бу фанларни ўқиш ва ўқитиш билан боғлиқ бўлган услубий ишлар аслини олганда бир кафедрада олиб борилмоқда.

2. ФАННИНГ ЎРГАНИШ УСЛУБИЁТИ (МЕТОДОЛОГИЯСИ)

«Иқтисодий таълимотлар тарихи» курси иқтисодий фанлар тизимида муҳим ўринни эгаллайди.

Инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида катта иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Ҳар бир даврда у ёки бу мамлакатда айрим шахслар (олим ёки ҳоқимлар) томонидан шундай иқтисодий аҳамиятга молик фикр, ғоя, назария, концепциялар илгари сурилган ва амалга оширилганки, бир ҳолда шулар туфайли давлат ва халқлар равнақ топган, баъзида тушкунликка учраган. Ана шу иқтисодий ғояларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, улар орасидан умумбашарий аҳамиятлиларини ажратиб олиб, ҳозирги даврга, яъни ҳаётга тадбиқ этиш ниҳоятда ҳам амалий, ҳам назарий фойдалидир, чунки уларда кўп йиллик тажриба мужассамлашган бўлади.

«Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанининг *предмети бўлиб*, маълум даврлардаги у ёки бу ижтимоий қатламлар, инсонлар манфаатини ифода этувчи иқтисодий ғоялар ва ижтимоий концепцияларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва алмашинувининг тарихий жараёни ҳисобланади.

Бу ғоялар айрим иқтисодчи олимлар, назарий мактаблар, оқимлар ва йўналишларга тегишлидир. Иқтисодий таълимотлар тарихи мустақил фан сифатида энг қадимги даврдан бошлаб то ҳозирги замонгача вужудга келган асосий иқтисодий фикр, ғоя, қараш, назария ва таълимотларни ўз ичига олади.

Методик жиҳатдан бу фан иқтисодий таҳлилнинг илғор методлари йиғиндисидан иборат бўлиб, тарихий, индукция, мантиқий абстракция ва бошқа усуллардан кенг фойдаланади.

«Иқтисодий таълимотлар тарихи» фани «Иқтисодий назария» фани билан чамбарчас боғлиқ, лекин ундан катта фарқ қилади. «Иқтисодий назария» фанида энг муҳим иқтисодий категорияларнинг сўнгги давр учун таҳлили берилади, аммо бу назариялар ҳар доим ҳам турғун бўлмайди ва вақт давомида, айниқса кескин ўзгаришлар даврида эволюцияда бўлади. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанида айрим олимлар, давлат арбоблари томонидан илгари сурилган ғоя, қараш, назария, қонун, таълимот, концепциялар инсоният тараққиётининг турли босқичларидаги ижтимоий қатламлар, синфлар ва бошқа гуруҳларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан тарихий ривожланиши тадқиқ этилади.

Иқтисодий тафаккур тарихи фанининг амалий хўжалик объекти билан чамбарчас боғлиқлигини намоён этади. «Эскирган назарияларни улар фақат инкор этилганлиги сабабли принципда илмий эмас дейиш мумкин эмас» деб ёзади таниқли иқтисодчи Т.Кун. Чунки кейинги, нисбатан янги қарашлар аввалгилар асосида, уларни қабул қилиш, ривожлантириш ёки инкор этиш натижасида пайдо бўлган. Баъзи мутахассислар фақат янги назарияларнигина ўрганишни таклиф этишади, аммо бу сўнгги назария аввалги кўп йиллик илмий, амалий тадқиқотларнинг якуний хулосаси сифатида намоён бўлади ёки бугун биз «янги»

деган фикр маълум вақтдан кейин ўзгариши мумкин.

Бу фан бошқа иқтисодий ва тарихий, айниқса иқтисодиёт назарияси фани билан бевосита боғлиқ. Иқтисодий таълимотлар тарихи анча кенг даврни қамраб олган ва мустақил характерга эга. Бу фанни ўрганиш орқали экономикс, халқ хўжалиги тарихи, иқтисодий тарих ва иқтисодий концепциялар ҳамда аниқ иқтисодий предметларни ўзлаштириш осонлашади, у ёки бу иқтисодий ўзгаришнинг шарт-шароитлари ва оқибатларини тахлил этишга катта кўмак беради.

Масалан, бизга бугун янгидек туюлган бозор иқтисодиёти тўғрисидаги фикрлар *Адам* ***Смит*** томонидан 1776 йили чоп этилган ***«Халқлар бойлиги»*** асарида асосан тўла таҳлил этиб берилган. Баъзи иқтисодий ғоялар эса қадимдан маълум. Уларни ўрганиш ва энг муҳими ҳаётга тадбиқ этиш яхши самара беради, кўп ҳолларда *Американи янгидан кашф этиш*га хожат қолмайди.

Ҳозирги пайтда дунёдаги илғор ғояларни ўрганиш давомида хур фикрлиликка (плюрализмга) кенг ўрин бериш, ҳар қандай фикрни атрофлича тахлил этиш кераклиги аниқ бўлиб қолди.

Бу фанни чуқурроқ ўрганиш туфайли бир қанча ечимини кўтаётган назарий масалаларга ойдинлик киритиш имкони туғилади. Масалан, бозор муносабатларининг ибтидоси ханўзгача аниқ ечимга эга эмас. Айрим олимлар бу жараённи хусусий мулк, синфий жамият юзага келиши билан боғласалар, айримлари (Р.Хейлбронер, Л.Туроу) уни капитализм билан, аниқроғи, «ишлаб чиқариш омиллари» пайдо бўлиши билан изоҳлайдилар (меҳнат, ер ва капитал товарга айлангач, бозор тизими юзага келган экан). Кейинги фикр буйича бозорнинг ибтидоси XVIII асрда Англияда бошланди.

Ўз даврида илғор Шарқнинг ортда қолиш, Ғарбнинг илгарилаб кетиш сабаблари, келажак тўғрисидаги прогнозлар ҳам муаммо бўлиб турибди.

Фанни ўрганиш манбалари

«Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанини ўрганиш манбалари турли туман бўлиб, қадимги археологик топилмалар, моддий неъматлар, қоя ва бино деворларидаги расмлар, чизмалар ва халқ оғзаки ижоди намуналари муҳим аҳамиятга эга. Аммо бу фаннинг энг муҳим манбалари бўлиб, қўлёзмалар, давлат арбоблари, олим, донишманд, мутафаккирларнинг ёзиб қолдирган китоблари халқ қилувчи ўринни эгаллайди. Жаҳон иқтисодий тафаккурида қадимги қўлёзмалар ўта аҳамиятлидир. Масалан, Ўзбекистон фанлар академияси шарқшунослик институтида араб, форс, қадимги турк тилларида ёзилган йигирма беш мингдан ортиқ қўлёзма мавжуд. Лекин бу қўлёзмаларни ўрганишда маълум объектив ва субъектив камчиликлар мавжуд. Худди сутнинг қаймоғини олиш осон бўлганидек, бу қўлёзмалардаги энциклопедик ғоялардан муҳимларигина ўрганилган, иқтисодиёт тафаккури билан боғлиқ бўлган материаллар ҳали ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. 1997 йили ва 2002 йили нашр этилган китобларимизда ва 2004 йили чиққан монографияда Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари маълум даражада ўз аксини топган. Асосий иқтисодий ғоялар, айниқса ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари маълум шахслар томонидан ёзилган асарлари орқали бизгача етиб келган, уларни ўрганиш, тахлил қилиш, хулоса чиқариш орқали иқтисодий таълимотлар мажмуаси юзага келган.

Етакчи ғарб олимлари кўп ҳолларда бир нечта буюк шахснинг ғояларига алоҳида урғу беришади: бу *Смит, Маркс, А.Маршалл* ва *Кейнс*дир.

Бу олимларнинг иқтисодий ғояларида мавжуд таълимотларнинг кўпчилиги ўз **инъикосини** топган ва улар жаҳон иқтисодий ғоялари ривожига алоҳида ҳисса

қўшган шахслардир.

Иқтисодий таълимотлар тарихи фани бўйича яратилган адабиётларга тухталадиган бўлсак, бу масала ўзбек ўқувчилари учун энг нозиқ масала дейиш мумкин.

1997 йили «Фан» нашриёти томонидан эълон қилинган ўқув қўлланмадан (2000 нусха) сўнг, 2001 йилда Тошкент молия институти томонидан ҳам қўлланма (300 нусха) босилиб чиққан.

2001 й. К.Йулдошев ва К. Муфтойдиновлар томонидан «Иқтисодий таълимотлар тарихидан» номли қўлланмада Шарқ иқтисодий ғоялари таҳлил этилади. Ю.Б.Юсуповнинг рус тилида (1999) чоп этилган маърузалар матни ҳам диққатга сазовардир.

2002 й. Дастлабки дарслик ҳам яратилди.

Илмий даврлаш

Иқтисодий таълимотлар тарихини ўрганишда маълум даврлаш тизимидан фойдаланилади.

Таниқли иқтисодчи олим Ж.К.Гэлбрейт: «Амалда иқтисодий ғоялар ўз даври ва вужудга келиш жойининг махсули бўлиб, улар билан чамбарчас боглангандир; бу ғояларни улар тушунтириб бераётган дунёдан мустақил равишда ажратиб қараш мумкин эмас; бу дунё эса доимо ўзгаришда бўлади, агар бу ғоялар ўз максадларига тўла жавоб беришни кўзласалар, доимо шунга мос равишда ўзгариб туришлари керак», деб ёзган эди.

Капитализм, бозор муносабатлари даврида хўжалик ва ижтимоий ҳаётда байналмилаллик (интернационализм) кучайганлиги туфайли, иқтисодий фикрнинг ривожланиши ҳам ягона жаҳон жараёнига айлана бошлади. Окибатда, классик иқтисодий мактаб асосчилари В.Петти, А.Смит ва Д.Рикардонинг қарашлари қисқа вақт ичида бутун жаҳонга маълум бўлди, ваҳоланки ундан аввалги кўпгина назариялар айрим мамлакатларда кўпчиликка маълум бўлмасдан «ўлик мол» сифатида ётган.

Ғарб мамлакатларида юзага келган «Экономикс» ва бошқа тадқиқотлар барчанинг диққат-эътиборини жалб килмокда.

Қадимдан то ҳозирги давргача минглаб турли-туман иқтисодий ғоя, қараш, концепция, назария, таълимотлар вужудга келганлиги аниқ. Уларнинг барчасини тўла ўрганиш алоҳида мавзу, махсус муаммо. Шу мақсадда янги-янги тадқиқотлар олиб бориш, таҳлил этиш ва умумлаштириб эълон қилиш зарур, бу якин келажак вазифаси сифатида қабул қилиниши мумкин.

Аммо ҳозирги давргача жамланган барча иқтисодий ғояларни маълум системага солиш ва шу асосда ўрганиш мақбулдир. Аммо ўтган давр ҳодисалари ва ғояларини ҳозирги замон қарашлари «қолипи»га зўрма-зўраки келиштириш, мослаштириш мумкин эмас. Бу тарихни вульгар замонавийлаштиришга, ўрганилаётган даврнинг хусусиятларини инкор этишга олиб келади.

Бу фан доим ривожланишда бўлиб, бир-бирини тўлдирувчи эволюцион (мавжуд ғояларнинг янада чуқурроқ такомиллашуви) ва инқилобий (бутунлай янгича концепциялар вужудга келиши) йўллари мавжуд. Инқилобий ўзгаришга мисол сифатида А.Смит ва унинг издошлари ғоялари, маржиналистик тўнтариш, янги классик йўналиш (А.Маршалл), Ж.М.Кейнснинг иқтисодий қарашларини келтириш мумкин. Ўтиш даври иқтисодиёти бўйича ғоялар ҳозирги даврнинг муҳим қарашлари мажмуасига киради ва ниҳоятда долзарбдир, бу масала бизда Ўзбекистон мисолида қараб чиқилди.

Таниқли давлат арбоби Уинстон Черчилл (1874-1965) «Қаерга боришимизни

билиш учун, қаердан чиққан эканлигимизни билишимиз керак», деб айтган эди. Бу ғоя ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, босиб ўтилган йўлни тўғри баҳолаш ва келажак истиқболини кўзлаш ҳакида гап боради.

Иқтисодчиларнинг тадқиқотларидаги асосий бош ғоя - жамият, инсоният, айрим шахсларнинг бойлиги масаласидир. Мақсад бир, лекин унга элтадиган йўллар ниҳоятда хилма-хил эканлигини кўрамиз. Илк капиталистик муносабатлар вужудга келган давргача (XV аср) бўлган иқтисодий ғоялардаги умумийлик шуки, барча донишмандлар ва уларнинг ёзган асарларида меҳнат ва ер бойликнинг асосий воситаси эканлиги турли йўллар билан талқин этилади, уларда ишлаб чиқариш соҳаси асосий деб ҳисобланган.

XV-XVII асрларда (қисман XVIII аср бошларида) янги иқтисодий таълимот - *меркантилизм* вужудга келди. Меркантилизм тўғрисида қисқа маълумот берадиган бўлсак, унинг моҳияти иқтисодий сиёсатда мамлакатда ва давлат хазинасида нодир металларни кўпроқ тўплаш, таълимотда эса муомала (савдо, пул обороти) соҳасидаги иқтисодий қонуниятларни излашдир, яъни аввалги даврдаги ғоялардан кескин фарқ қилади.

Кейинги муҳим ўзгариш, бу классик иқтисодий мактабнинг юзага келишидир (XVIII аср). Бу иқтисодий таълимот ичида *физиократизм* ҳам вужудга келдики, унинг умри унча узоқ бўлмади. Классик мактаб ғоялари ҳозирги даврда ҳам турли шаклларда қайта намоён бўлмокда (неоклассик, либерал, неолиберал...). Маркс номи билан боғлиқ бўлган марксизм таълимоти (нобозор иқтисодиёт) ҳам тарихда муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги даврда бу таълимот тўғрисида имкони борича гапирмасликка ва айниқса ёзмасликка ҳаракат кучайиб бормоқда, кўпроқ унинг фақат салбий томонларини тилга олиш «мода»га кирган. Бунда «жон» бор албатта, шуни 1917 йили Россияда бошланган марксизмни ҳаётга тадбиқ этиш жараёни самарасиз тугади. Кейинчалик шу йўлга ўтган бир қанча мамлакатларда ҳам эксперимент самарасиз якунланди. Лекин тарих учун инсониятга бу сабок жуда муҳим, шу сабабли уни четлаб ўтиш адолатдан эмас, деб ҳисоблаймиз. Хаёлий социалистлар ва марксчиларнинг иқтисодий ғоялари ҳам ўрганилиши зарур.

XIX аср 2-ярмида аввалги ғояларга, марксизмга муҳолиф равишда вужудга келган ва умумлаштирилган ҳолда *маржинализм* деб аталадиган таълимот ҳозирги замоннинг асосий иқтисодий ғояси хисобланади. Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бирор таълимот доимо соф ҳолда амалда деярли қўлланилмайди. Ҳар бир таълимотнинг кўплаб турли оқим ва йўналишлари мавжуд. Одатда соф эркин бозор муносабатлари деярли учрамайди. Бозор муносабатларининг унсурлари, улар ўртасидаги нисбат ҳам доимо ўзгариб туради. Демак, иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг муҳим хусусиятларидан бири, бу унинг доимо ҳаракатда, ўзгариш, ривожланишда эканлигидир. Бир мамлакат чегарасида иқтисодий таълимот таъсири остида иқтисодий сиёсат ҳар доим ривожланишда бўлиши керак.

90-йилларда тарихий жараёнларда яна бир ҳолат қайд этилмокда. Бу «социалистик» деб аталган ва иқтисодиёти маъмурий-буйруқбозликка асосланган («режали иқтисодиёт» ҳам дейилади) мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даври амалга ошмоқда («ўтиш *иқтисодиёти*» деб ҳам номланади). Бу тарихда биринчи марта рўй бермокда, охирги ун йилликлар тажриба бор. Аммо бу ҳолат кўп мунозараларга сабаб бўлмокда.

Маърузаларимизда Ўзбекистон мисолида бозор муносабатларига ўтиш иқтисодиёти концепцияси хусусиятлари баён этилади.

Фанни ўрганиш вазифаси ва аҳамияти

Иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг бошқа фанлардан фарқли яна бир муҳим хусусияти шуки, ҳар бир ғоя, таълимот уни яратган бир ёки бир гуруҳ инсонлар, олимлар, давлат раҳбарларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда берилади.

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Милтон Фридменнинг фикрича, фанни ўрганишда олимларнинг «автобиография ва биографияларига мурожаат қилиш, шу йўл билан олимларни афоризм ва мисоллар ёрдамида рағбатлантириш керак, фақат силлогизм (дедуктив фикрлаш) ва теоремалар билан чекланмаслик зарур».

Шарқ, хусусан Марказий Осиё донишмандларининг иқтисодий ғояларини ўрганиш, аслини олганда, энди бошланди, шу сабабли маърузалар бу б8лими янги материаллар билан тўлиб боришига ишончимиз комил.

Етакчи мамлакатлар тараққиётининг асосий омилларидан бири, бу давлатлар иқтисодиётининг бўлаётган ўзгаришларга тез адаптациясидир, яъни мослашувидир.

АКШ давлати тарихида қисқа вақт давомида иқтисодий сиёсат бир неча бор алмашди ва иқтисодий равнақ сақлаб қолинди. Буюк депрессия (1929-1933 йй.)дан кейинги даврда АҚШ президенти *Д.Рузвельт* «янги йўл» курси билан Ж.М.Кейнснинг иқтисодий ғояларини амалда қўллади (давлатнинг иқтисодиётдаги роли кескин ошди, ваҳоланки ундан аввалги йиллари хусусий мулк (99 фоиз) асосий ва етакчи бўлган). Кейинроқ президент Р.Рейган даврида давлатнинг иқтисодиётдаги роли анча камайтирилиб, либерал (эркин) иқтисодиётга кенг йўл очиб берилди (*рейганомика*), оқибатда бу президент даврида қўшимча 14 миллион киши тадбиркорлигига йўл очиб берилди, янги-янги миллионерлар вужудга келди. Худди шундай ҳолат Б.Клинтон президентлик даврида ҳам қайд этилди.

Буюк Британия иқтисодиётида ҳам буни кўриш мумкин (*тетчеризм*). Иқтисодий сиёсат ва иқтисодий ғояларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини исботловчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Айниқса, «социалистик» деб аталган ривожланиш йўлидан воз кечмаган Хитой ва Вьетнам давлатларининг иқтисодий тараққиёти ҳам диққатга сазовордир. Бозор иқтисодиёти унсурларининг кенг ривожланишига имкон берувчи иқтисодий ислоҳотлар туфайли катта ютуқларга эришилди.

Иккинчи жаҳон уруши туфайли иккига ажратилган ГФР ва ГДРларнинг бу давлатлар қайта бирлашгандан кейинги иқтисодий ривожи ҳам жуда ибратлидир. «Социалистик» лагерь вакиллари ичида етакчи бўлган ГДРнинг тўла эркин бозор муносабатларига ўтиши учун хийла катта маблағ ва вақт талаб этилиши аниқ бўлиб қолди. Ваҳоланки, Россиянинг таниқли иқтисодчи олимлари бозор иқтисодиётига ўтишнинг «500 кунлик», хатто «100 кунлик» дастурларини таклиф этдилар (Шаталин, Явлинский...). Бу йўл ўзини оқламади.

Иқтисодий таълимотлар тарихига, балки бошқа фанларга ҳам хос бўлган яна бир хусусият шуки, иқтисодий ғоялар доимо диалектик ривожланишда бўлиб, уларнинг таҳлилига сўнгги нуқта қуйиш қийин. Бундан бир неча юз йил аввал юзага келган фикр ва ғояларнинг маъноси устида тортишув ва бахслар ҳали ҳам давом этиб келмокда. Масалан, ханузгача К.Марксниг қиймат (русча - «*стоимость*») тўғрисидаги фикри аслида қиммат (русча - «*ценность*») бўлган, деган фикр мавжуд. Маркс асарларини немис тилидан таржимада йўл қўйилган хато туфайли жиддий тушунмовчилик юзага келган, дейилган (Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе.М. ,1994).

Бу фан тарихи шуни аниқ исботламоқдаки, кўпгина иқтисодий ғоялар объектив хўжалик амалиёти билан чамбарчас боғлиқ. Кўпгина олимлар авваллари (ҳозир ҳам учраб туради) ўз қарашларини мутлоқ универсал беками-кўст деб кўрсатишга уринганлар. Албатта, «абадий» қонуниятлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни исталган тизимда кузатиш мумкин, аммо кўп ҳолларда олимлар бугунги хақиқатнинг тарихийлигини илғаб олишга ҳар доим қодир эмас.

Яна бир муҳим масала устида тўхтаб ўтиш керакки, аввал юзага келган иқтисодий ғояларга шу кунги ўлчовлар билан баҳо берилади ва одатда илгариги ғоядаги «хато» ва «камчилик»лар аниқланиб, янги ғоянинг ундан афзаллиги «исботланади».

Бунда диалектик мантиқ бор албатта, лекин юқорида таъкидланганидек, аввалги ғоялар туфайли одатда янги ғоялар юзага келади, шунинг учун бу ғоя «яхши», униси «ёмон» каби баҳолаш адолатдан бўлмайди. А.Смитнинг машҳур асарида ўзидан аввалги даврда юзага келган антик дунё, меркантилизм, физиократизм таълимотлари таҳлил этилган, Европанинг иқтисодий тарихи синчиклаб ўрганилган ва янги гоя вужудга келган.

3. ҚАДИМГИ ШАРҚДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАР

Иқтисодий фан манбаларини аввало жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлган қадимги Шарқдан изламоқ мантиқан тўғридир.

Иқтисодий ғояларнинг шаклланиши инсониятнинг пайдо бўлиши билан бошланган. Аммо ҳозирги пайтда қўлёзмаларда акс эттирилган ғояларгина таҳлил қилинган. Шу сабабли иқтисодий таълимотлар тарихи қулдорлик жамияти, аниқроғи, хусусий мулк пайдо бўлиши билан бошланади, дейиш ўринлидир.

Дастлаб қулдорлик жамияти Шарқда синфий ажралиш бошланган жойларда, Месопотамия (*Тигр* ва *Ефрат* дарёлари оралиғида) ва Мисрда эрамиздан аввалги IV минг йилликда юзага келади. Бунга асосий сабаб шуки, бу ерда технологик инқилоб рўй берди, металл қуроллар ишлатила бошланди, қишлоқ хўжалигида интенсив, кўп ҳолларда суғорма деҳқончиликка ўтилди, шу асосда нисбатан турғун қўшимча маҳсулот олиш имкони туғилган. Оқибатда жамиятда меҳнат тақсимотини ривожлантиришга, кўпгина ҳунармандчилик соҳаларининг ажралиб чиқишига, синфий табақаланишга туртки бўлди.

Бу даврда қўшимча маҳсулот олишнинг асосий усули жамоага бирлашган деҳқонларни эксплуатация қилиш йўли билан рента - солиқ олиш (Осиёда) бўлса, қулларни (давлат ёки хусусий) беаёв ишлатиш билан ҳам (Европада) катта бойлик орттирилган. Шарқда давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражасига қараб, айрим «эркин» аҳолининг ахволи қулларникидан деярли фарқ қилмаган (умуман, Шарқ мамлакатларида қулчилик масаласи ҳали узил-кесил ҳал этилган эмас. Академик *В.В.Струвье* уни тан олади. Лекин кўпгина олимларнинг фикрича, Шарқда қулдорлик классик шаклда ривож топмаган, патриархал, яъни уй хўжалигида устун бўлган.

Шарқ, жумладан Марказий Осиё мамлакатларидаги хўжалик фаолиятида нисбатан эркин одамлар иштирок этган. Масалан, деҳқончилик, ҳунармандчилик, қурилиш соҳасида қуллар меҳнатидан фойдаланилмаган. Антик дунё (Ғарбий Европа)даги айрим регионларда халқаро савдони олиб бориш билан боғлиқ равишда товар-пул муносабатлари ҳам анчагина ривожланган (масалан, Грециянинг айрим шаҳарлари). Шу асосда қулчиликка асосланган хусусий мулкчилик ривож топди. Ўз маҳсулотини сотишга мўлжаллаб ишлаб чиқарган

қулчилик хўжаликлари эксплуатацияни кучайтиришни талаб этган. Оқибатда классик ёки антик қулчилик юзага келди (Греция ва Италия).

Бизгача етиб келган энг қадимги қўлёзмада (Қадимги Миср, эрамиздан аввалги XXII аср) ноиб ва аҳоли ўртасидаги муносабатлар тўғрисида фикр юритилади. Бу даврда синфий ажралиш тўла шаклланмаган бўлиб, бошқарув ишига ишбилармонларни таклиф этиш (юқори табақали ёки оддий аҳолидан бўлишидан катъи назар) керак дейилган.

Қадимги Мисрдан фарқли равишда Месопотамияда хусусий мулкчилик ва товар-пул муносабатларининг нисбатан тез ривожланиши ҳарактерлидир. Инсон шахси озодлигининг кафолати йўқ бўлган уша шароитда қарздор кулчилик хўжалик ривожига олиб келар эди. Бундай жараёнлар солиқ тўловчилар ва ҳарбийлардан ажралиб қолиши мумкин бўлган давлатнинг кучсизланишига олиб келган. Сақланиб қолган ёдгорликларда, ёзма қонунларда иқтисодий ғоялар ҳам мавжуд, унда мустақил ишлаб чиқарувчилари ҳуқуқлари ҳимоя этилган, аҳоли ерини сотиш манъ этилган (м.а. 1792-1750) Хаммурапи қонунлари (282 та) бўйича Судхўрлик фаолияти чекланган, унинг миқдори пулда 20, маҳсулотда 33 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

Асосий мақсад ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўлган, яъни меҳнатсиз даромад топишга қарши курашилган. Қарзни қарз ҳисобига уч йилдан ортиқ ушлаб туриш мумкин бўлмаган. Умуман, хусусий мулкчилик, шу жумладан ерга ҳам тан олинган. Бировнинг хусусий мулкига кўз олайтирган, унга зарар етказганлар иқтисодий жиҳатдан жазоланган. Бу қонунлар тўплами давлатнинг мамлакатни иқтисодий бошқариш соҳасидаги дастлабки тажрибасини кўрсатади. Оқибатда шу даврда мамлакат ҳам сиёсий жипслашди, ҳам иқтисодий равнақ топди.

Қадимги Хиндистоннинг «**Ману қонунлари**»да (м.а. IV-III асрлар) ижтимоий меҳнат тақсимотининг, хукмронлик ва бўйсуниш институтларининг мавжудлиги айтилади.

Хиндистондаги иқтисодий ғояларни акс эттирувчи қадимги ёдгорлик «**Артхашастра**» (м.а. IV-III асрлар оралигида)дир (том маъноси бўйича ифода, амалий ҳаёт тўғрисидаги фан, бу асар м.а. III-II асрларда тўлдирилган). Бу қадимий ва муҳим тарихий ёдгорликдир (у **Чандрагупта I** подшолиги даврида подшо маслахатчиси **Каўтилье Бишнугупта** томонидан ёзилган деган фикр бор). Унда қулчиликни мустаҳкамлаш асосий вазифа қилиб қуйилган. Қулчилик энг паст табақаларга хос нарса деб саналади. Бу асарда «*буюмнинг қиймати*» муаммоси кўтарилган, қиймат миқдори «иш кунлари» билан белгиланган, рағбатлантириш эса меҳнат натижаларига мос равишда белгиланиши керак, дейилади.

Бу асарда давлатни бошқариш бўйича таклифлар берилган бўлиб, бир қанча иқтисодий ғоялар ҳам илгари сурилган. Масалан, унда маҳсулотнинг бозор баҳоси билан унинг табиий қиймати ўртасидаги фарқ айтилган. Товарга бўлган эҳтиёж ортганда, унинг баҳоси қийматидан ошиб кетиши мумкин, дейилган. Савдо билан шуғулланувчиларга алоҳида урғу берилган бўлиб, фойда масаласи кўтарилган, фойданинг миқдори товар баҳосига (бошқа ҳаражатлар қаторида) қўшилиб, маҳаллий маҳсулот учун 5, четдан келган товарлар учун 10 фоиз (импорт уша даврда ҳам афзал) қилиб белгиланган.

Давлатнинг иқтисодий ишларга аралашуви қўллаб-қувватланган. Қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берилган, буш ерлар хаққа бўлиб берилиши ва солиқ тўлаш зарурлиги, суғориш иншоотлари қуришга эътибор ҳақида сўз юритилади.

Умуман, давлат мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириши керак, деган ғоя марказий ўринни эгаллайди. (Ҳозирги даврдаги Ж.М.Кейнс ва институционализм тарафдорлари фикри билан солиштиринг.)

Молия соҳасида даромад солиғига катта эътибор берилган. Давлат баъзи ишларни ривожлантириши учун моддий ва маънавий ёрдам бериши керак, дейилган. Маҳсулотга баҳо белгилаш, давлатнинг бойишини таъминлаш (фойдани ошириб, сарф-ҳаражатни камайтириш), ҳисоб-китобни тартибга солиш, ҳар хил ўғирликларга қарши курашиш кераклиги белгиланган. Шу тамойилларни амалга ошириш туфайли жамиятдаги норозилик, тенгсизлик йўқолади, дейилган.

Қадимги Ҳиндистонда яратилган «**Веда**»ларда ҳам бир қанча муҳим иқтисодий ғоялар келтирилган.

Республикамиз олимларининг тадқиқотларига кўра, *зардуштийлик (зороастризм*) динининг (исломгача) муқаддас китоби бўлган «**Авесто**» яъни «ҳаёт йўриқномаси» (асли «*Оваста*») да ҳам муҳим иқтисодий фикрлар баён этилган. Жумладан, сунъий суғориш асосида деҳқончилик юритиш, она табиатни эъзозлаш, ҳайвонларни асраш, уларни ноўрин сўймаслик, унга зуғум қилмаслик, тупроқ шароитини яхшилаш масалалари ёритилган. Бу китоб эрамиздан аввалги II минг йиллик охири - I минг йиллик бошларидаги воқеаларни акс эттиради ва жуда қадимий ёдгорликдир (2700 йиллиги байрам қилинди).

Бу диннинг таъсир доираси жуда кенг бўлиб, ҳозирги Эрон, Марказий Осиё, Кавказорти юртлари (айниқса Озарбайжон) ва бошқа жойларда тарқалган. М.а. II минг йиллик охири - I минг йиллик бошида пайдо бўлган «Авесто»нинг тулиқ асл нусҳаси сақланмаган, унинг айрим қисмлари топилган, у қадимий парфян, *оромий* ёзувида битилган, ҳозирги даврда рус ва ўзбек тилларига таржима этилган, айрим булаклари «Санъат», «Ўзбек тили», «Фан ва турмуш» журналларида эълон қилинди.

Зороастризмнинг асосий ғояси *дуализм*га, яъни бир томондан Яхшилик ва Ёруғлик (худоси Ахура Мазда), иккинчи томондан Ёвузлик ва Қоронғилик (худоси Анхра Ману) кучлари ўртасидаги курашдир.

Китобда инсон хўжалик фаолиятида табиий муҳит билан чамбарчас боғлиқ деб уқтирилади, аммо инсонга алоҳида эътибор берилади. Инсонга танлаш ҳуқуқи берилган бўлиб, у Яхшилик ёки Ёмонлик томонларни олиши ва шунга мос ҳаракат қилиши кераклиги айтилади.

Яхшилик одамнинг фаолияти яхши ғоя, яхши сўз ва яхши ишлар билан боғланган бўлиши керак. Моддий бойликларни кўпайтириш ёруғ дунёдаги яхши ишларнинг асосийси ҳисобланган. Шу сабабли «Авесто» матнларида натурал-хўжалик фаолияти кенг тарғиб этилиши ва амалий маслаҳатлар берилиши тасодиф эмас.

Авестода «Ўз ҳаёти давомида гўзаллик ва яхшилик, нур ва қувонч йўлида ҳизмат қилган одам парсо ва ҳақгўй, пок ва адолатли бўлиб, меҳмонларни беғараз кутган. Хотинини севиб, ерни, молларни парвариш қилган, одамларнинг молу мулкига кўз олайтирмаган, табиатни асраб-авайлаб ундан завқ олгани учун унинг жони ҳам битмас-туганмас роҳат ва фароғатга бурканади» деб ёзилади.

Қадимги Хитойдаги иқтисодий ғоялар м.а. VI-III асрларда шаклланган. Бу мамлакатдаги дастлабки қулдорлик давлатлари э.а. II минг йилликда пайдо бўлган. *Конфуцийлик* ғояси муҳимдир. Унинг муаллифи **Конфуций** ёки *Кун-Цзи* (м.а. 551-478 йй.) «**Лунь юй**» тўпламида («*Сухбатлар ва мулоҳазалар*») ўз ғояларини жамлаган. Олим келажак ривожини ўтмишдан излайди. Шу даврда обрўси пасайган зодагонларнинг манфаатини ҳимоя қилади (бу ғоялар кейинчалик *Кен-*

Цзи (м.а.312-289 йй.), *Сюнь-Цзи* (313-278 йй.) ва бошқалар томонидан давом эттирилган). Ёшларнинг қарияларга ҳурмати, уларга қарши чикмаслик ғояси асос қилиб олинган. Давлат бу катта оила, подшо эса *«халқлар отаси»*дир, бойликлар нисбатан текис тақсимланиши керак, солиқларни меъёрида сақлаш, ер ишларини яхши бажариш, ҳаммани ўз вазифаларини бажонидил ато этиши зарур дейилади («Халқлар отаси» тушунчасининг ибтидосига эътибор беринг).

Бу ғоялар Хитойдаги муҳим иқтисодий ўзгаришлар даврига тўғри келади. Темир қуроллар туфайли деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривож топди, товар-пул муносабатлари усди, савдо-сотиқ кучайди. Синфий муносабатлар кескинлашди. Шу шароитда конфуцийлик ижтимоий, аҳлоқ ва ҳуқуқ доирасида табиий ҳуқуқ назариясини илгари сурди. Мамлакатдаги аристократия ва халқ ўртасида вужудга келган қулдорлик ва хусусий мулк ҳимоя қилинади. Конфуций «*буюк жамоа мулки*» (деҳқонлар жамоаси) ва хусусий эгалик (қулдорлар мулки)ни фарқлайди, сўнггисини кўпроқ қўллайди. Жамиятнинг турли қатламлари худо томонидан белгиланганлигини таъкидлайди ва уни табиий хол, дейди. Бойликнинг манбаи меҳнат бўлиб, ҳоқимлар бойлиги халқ бойлигига асосланади. У халқ хисобига қулдорлар бойлиги ортиши тарафдори эди, халқни кўпроқ ишлаб, камроқ истеъмол қилишга чакирди.

Сюнь-Цзи давлатнинг иқтисодий жиҳатдан кучайиши тарафдори эди, одамларнинг бойликка интилишини қораламаган (улар қонун асосида иш юритишса бас). Аммо инсон бир вақтнинг ўзида кўп касб эгаси бўла олмайди, деган фикр пайдо бўлди, яъни олим меҳнат тақсимоти зарурлиги ғоясини илгари суради (бу жуда муҳимдир). Давлатнинг иқтисодий сиёсати учта асосий тамойилга асосланиши керак:

1. Ҳаражатларни иқтисод қилиш, яъни тежаб-тергаб сарфлаш;
2. Халқ тўқлигини таъминлаш;
3. Ортиқча маҳсулотларни сақлаш зарурлиги.

Етарлича таъминот тамойили инсоннинг жамиятдаги ўрнига боғлиқ ҳолда белгиланган (яъни синфийлик тамойили мавжуд). Эксплуатация қуллаб-қувватланади, жамиятда ҳамманинг ўз аниқ жойи бўлиши керак, дейилган, яъни ҳукмдор, тобеъ, ота, ўғил. Бошқариш маълум қонун асосида эмас, балки оддий одат бўйича бўлиши, оғир солиқ ва мажбуриятлар бўлмаслиги таъкидланади.

Милоддан аввалги VI-III асрларда *легист*лар (қонуний дегани) оқими пайдо бўлди, улар бошқаришни аниқ қонунлар асосида (оддий одатларга қарши) олиб бориш тарафдори эдилар (намояндалари Цзи-Чап, Ли-Куй), марказий давлат кучли, мамлакат эса ягона бирлашган бўлишини қуллаб-қувватлашган. Легистлар (Шан Ян) айниқса қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, дончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришган. Дон масаласини ҳал этиш бош масала деб билинган. Шан Яннинг фикрича, давлат равнақи учун икки масалани хал этиш зарур: дон ва уруш (атрофдаги ерларни босиб олиш). Деҳқонлар рўйхатини ўтказиш, қонун йўли билан йиғилган дон микдорига боғлиқ ягона солиқ тизимини киритиш таклиф этилади. Қонун йўли билан турли «ишёқмаслар»ни «ерга қайтариш», яъни деҳқончилик билан шуғулланишга, меҳнат қилишга мажбур этиш сиёсатини қўллаш керак деганлар (Хитойдаги 1960 йиллар давомида рўй берган маданий инқилоб даврида шу сиёсат амалга оширилди). Ундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилишни қатъий чеклаш ҳам талаб қилинган (гўёки савдогарлар бундан катта фойда олишлари мумкин). Савдогарлар савдони ташлаб, деҳқончиликка интилишлари керак. Эркин соҳибкорлик тақиқланган, умумий ер эгалиги ва жавобгарлик жорий этилган (м.а. 351 й.)

«**Гуан-Цзи**» (м.а. IV а.) асарида ҳам хўжаликни давлат томонидан тартибга солишнинг тизимлари анча мукаммал баён этилган. Бунда легистлардан фарқли, товар-пул муносабатларини чеклашга интилмасдан, бу муносабатларни ўрганиб, ундан хўжаликни барқарорлаштиришда маълум механизм сифатида фойдаланиш таклиф этилади. Халқ хўжалигини барқарор сақлаш учун товарлар баҳоларини ушлаб туриш ғояси илгари сурилади. Давлат ҳоқими нон, пул, металлни тартибга солиш йўлини қулида сақласа, мамлакат ривожи нисбатан текис боради, дейилган. Бу асарда ҳам аграр соҳа, айниқса дончиликка алоҳида урғу берилган. Агар легистлар ҳунармандчилик, айниқса савдони бефойда соҳа деб ҳисоблаган бўлсалар, бу асарда эса ўша соҳаларга ҳам ижобий баҳо берилган. «Ерни бошқариш» учун давлат ернинг табиий хусусиятларини яхши билиши керак. Ер майдонлари нисбатан текис тақсимланиши зарур, деҳқонларни иш қизиган даврда бошқа юмушларга жалб этмаслик, солиқ тизими шароитига қараб (ер унумига боғлиқ равишда) бўлиши таклиф этилган. Бу ерда гап *Ер кадастри*ни тузиш тўғрисида боради, яъни бу ишда ҳисоб-китоб бўлиши қайд этилади. Асарда ер ва сув (тоғ ва денгиз) ларни давлат ихтиёрига ўтказиш ва улардан даромад йўлида фойдаланиш, баҳоларни тартибга солиш йўли ва бошқа кўпгина иқтисодий ғоялар илгари сурилади. Бу ғоялар амалда ҳам қўлланилди ва яхши самара берди.

Қадимги Хитой ижтимоий ҳаётида *даосизм* (айнан - йўл) ғоялари алоҳида ўринни эгаллайди, унинг асосчиси **Ляо-Цзи** бўлиб, Конфуций даврида яшаб, ижод этган (м.а. IV-III асрлар). У тақиқловчи қонунларга амал қилмасликни таклиф этди, қонунлар кўплиги туфайли «*халқ камбағаллашмоқда*», деган эди у. Даосизм ғоялари конфуцийликка қарама-қарши бўлиб, инсоният аввалги мажбуриятларидан воз кечиши, оддий табиий ҳаётга қайтиши керак, деган фикрни илгари суради. Бу ғояга кўра инсон ибтидоий даврга кайтиши, янги меҳнат қуролларидан фойдаланмаслиги керак. Кўриниб турибдики, унда реакционлик элементлари бор, аммо бу ғояда халқ оммасининг норозилиги ҳам акс этган, чунки цивилизация ютуқлари эксплуатация манфаатларига ҳам ҳизмат килаётган эди. Бунда курашдан воз кечиш, давлатнинг халқ ҳаётига аралашувини инкор этиш фикрлари устун келган.

4. АНТИК ДУНЁ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Антик дунё мамлакатларида қулдорлик классик шаклда ривож топди ва м.а. II-I минг йилликлар даврида шаклланди. Қадимги Греция (Юнонистон) да ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қулдорлик бевосита ишлаб чиқарувчиларни эксплуатация қилишнинг асосий шаклига айланган эди. Ишлаб чиқариш асосан қулдорлик муносабатларига асосланиб олиб борилди, қул асосий ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланган (Шарқ билан солиштиринг).

Милоддан аввалги VII-VI асрларда полис (шаҳар) системаси шаклланиб бўлгач, қулчилик кенг тус олади, уруғчилик мулки хусусий мулкчилик томонидан сиқиб чиқарилади, савдо, судхурлик тез ривожланади. **Солон** (м.а. 640/635-559 йй.) ислоҳотлари пул хўжалигининг афзаллигини кўрсатиб берди (м.а. 594 й.). Ислоҳот туфайли қулни қарзга бериш тақиқланди. Афинада **Перикл** (м.а. 444/443-429 йй.) томонидан олиб борилган ишлар муҳим ахамият касб этди. Қурилиш, ҳунармандчилик, савдо ўсди. Шу даврда фуқаролар ва фуқаро бўлмаган аҳолини бир-бирига қарама-қарши қуядиган қонунлар қабул қилинди. Бу ишлар қулларни ҳунармандчилик ва савдо соҳаларида беаёв эксплуатация қилиш, савдо ва пул хўжалигини ривожлантириш ҳисобига амалга оширилди.

Қулчилик ўз табиатига кўра инсонга ёт, у мажбурийликни талаб этган, оқибатда маълум даврдан инқирозга учрай бошлаган. Шу даврда иқтисодий ғоялар тобора реакционлашиб, давлатни, аристократияни ҳимоя қилиш, натурал хўжаликни ёқлаш йўлини танлайди, яъни синфий ҳарактерга эга бўла боради. Бу йўналиш **Ксенофонт** (тахминан м.а. 430-354 йй.), **Платон** (***Афлотун***, тахминан м.а. 427-347 йй.), **Аристотель** (***Арасту***, м.а. 384-322 йй.)ларнинг иқтисодий қарашларида яққол намоён бўлди.

«**Экономия**» сўзи («*ойкономия*»: - «*ойкос*» - уй, хўжалик ва «*номос*» - қонун, қоида) том маънода уй хўжалиги тўғрисида қоида мазмунига эга бўлиб, Ксенофонтнинг махсус асарининг сарлавҳаси бўлган.

Ксенофонт қулдорлар мафкурасининг ҳимоячиси ҳисобланади, қулчиликни табиий, объектив жараён деб баҳолайди, қул меҳнатига асосланган натурал хўжаликни улуғлайди. У айниқса қишлоқ хўжалиги, деҳқончиликни фаровонлик манбаи деб билган. Деҳқончилик туфайли одамлар ўзларига ҳаёт учун керакли ҳамма нарсани оладилар. Далада ишлаш соғлик учун ҳам фойдали (тоза ҳаво), ҳам иқтисодий наф келтиради (физиократизм).

У раҳбарлар ва ижрочилар меҳнатини фарқлайди. Унингча ижрочилар жисмоний меҳнат билан шуғулланадилар. Рахбарлар меҳнати билан эркин одамлар, жисмоний меҳнат билан эса қуллар банд бўлишлари керак. Хўжалик фаолияти давомида фойдали буюмлар, яъни истеъмол қийматлари яратилади. Қадимги юнон олимлари ичида биринчи бўлиб, меҳнат тақсимотининг аҳамиятини тушунди, кўпроқ, ортиқча фойда олиш, «хўжаликни бойитиш» учун қуллар талабини имкон борича камроқ қондиришни тавсия этган. Меҳнат тақсимоти билан бозор катталиги, маҳсулотнинг алмашув қиймати орасида узвий боғланиш борлигига эътибор берган. Пулнинг муомала воситасидан ташқари, капитал сифатида жамғариш функциясини ҳам тан олган (пулнинг бошқа функциялари инкор этилади).

Платон (*Афлотун*) «**Давлат**» ва «**Конунлар**» асарларида идеал давлат қандай бўлиши кераклигини очиб бермоқчи бўлди. Унингча бу даврда хусусий мулк ва эркин хўжалик ташаббусига ўрин йўқ. У аҳолини уч тоифага ажратган:

1. *Файласуфлар* - давлатни бошқарувчилар;

2. *Ҳарбийлар* - давлатни бошқариш аппаратининг бир қисми бўлиб, улар бирор мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эга эмас, истеъмол қилиш эса ижтимоий ҳарактерга эга бўлиши керак.

3. «*Қора*» *тоифа* - деҳқон, ҳунарманд ва савдогарлардан бўлиб, улар мулк эгаси бўлиши керак.

Бу олимнинг меҳнат тақсимоти, товар, пул ва савдогарларнинг ажралиб чиқиши ўртасидаги алоқадорлик тўғрисидаги фикрини ўша давр учун буюк кашфиёт деб баҳолаш мумкин. Аммо Афлотун қулчиликка асосланган натурал хўжаликни ҳимоя қилди, пул функциясини муомала доирасидагина деб билишга ҳаракат қилди, пулни жамиятдаги душманликнинг бош сабабчиси деб билди; у судхўрлик операцияларини инкор этди ва баҳоларни меъёрда сақлаш йўли билан савдогарларнинг фойдасини чегаралашни талаб қилди. Афлотун қулларни фуқаролар деб тан олмади ва уларни бирор тоифага киритмади (демак, улар мулк эгаси ҳам бўлиши мумкин эмас). Қуллар майда ишлаб чиқарувчилар ва савдогарлар билан бирга 2-тоифа аҳлининг чекланмаган талаб-эхтиёжларини тўла-тўкис қондиришлари керак эди. Шундай қилиб, Афлотун ўзининг идеал, яъни бекаму-кўст давлатини барпо этар экан, қулчиликни абадий сақлаш тарафдори эди.

Аристотель қадимги Грециядаги қулдорларнинг энг йирик мафкурачиси

эди. Уни жаҳонгир *Искандар Зулқарнайн*нинг тарбиячиси ва ўқитувчиси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Аввал Македонияда яшаган олим, кейин Афинага кўчиб ўтган. Олимнинг иқтисодий ғоялари «***Никомахов аҳлоқи»*** ва ***«Сиёсат***» китобларида мавжуд. У «*Қул - тирик қурол, қандайдир тирик мулк*» деган эди. Унинг фикрича, жамиятнинг қулдор ва қулларга бўлиниши - бу табиий ва қонуний аҳвол бўлиб, одамларнинг табиатан турли-туманлигидандир. У «*ҳақиқий бойлик*» (қиймат) ни тан олган, уни истеъмол қийматларининг йиғиндиси деб билган ва бу билан боғлиқ фаолиятни иқтисодиётга тегишли соҳа деб билган. Қулдорлик хўжалигини мустаҳкамлаш учун ўртача таъминланган қулдорлар синфини юксалтириш керак, бунинг учун давлат томонидан одил алмашинувни таъминлаш зарур. Олим масалани аҳлокий равишда ҳал этишга уринса-да, биринчи марта алмашув қийматини таҳлил этди ва қийматнинг меҳнат назарияси куртакларини яратди. Товарларнинг алмашув қиймати товар баҳосининг яратилиш шакли эканлигини тушуниб етди. К.Марксниг формулаларини қўллайдиган бўлсак, Т-Т муносабати Т-П-Т га айланади ва 5 та «ложа» 1 уйга ёки маълум микдордаги пулга тенглаштирилиши мумкин. Платонга нисбатан Аристотель пулнинг моҳиятини кенгроқ ва чуқурроқ англаб етди. Аммо у товар ишлаб чиқаришининг ривожланмаганлиги ва қийматни тўла тушунмаганлиги туфайли товарлар пул туфайли бир-бири билан солиштирилиши мумкин деган хато хулосага келди. Натурал хўжалик тарафдори бўлган олим муомаланинг Т-П-Т шаклинигина тан олган (талабни қондиришга мўлжалланган ҳолат), савдо ва судхўрлик табиатга зид бўлиб, буларни пул қилиш санъатига хос нарса деб билган ва уни **хрематистикага** тегишли деган.

Аристотель учун идеал (бекаму-кўст) хўжалик - бу унча катта бўлмаган деҳқончилик хўжалиги (унда албатта қуллар ишлаган) бўлиб, у деярли керакли барча маҳсулотни яратувчи (натурал хўжалик) бўлиши шарт эди. Айрим етишмаган нарсаларни эса қўшнилардан «*одил алмашув*» асосида олиш керак.

Бу олимнинг хизмати шундаки, у биринчилардан иқтисодиётнинг айрим категорияларини берди ва маълум даражада улар ўртасидаги ўзаро боғланишни аниқлади. Аристотелнинг иқтисодий тизими билан А.Смитнинг «*Халқлар бойлиги*» асаридаги фикрлар ҳамохангликини қуриш, қиймат қонунининг ҳосил бўлиши механизмини тушуниш мумкин.

Қиймат (қиммат) иқтисодиётнинг асосий категорияси ҳисобланади. Тарихан уни талқин этишда икки йўналиш бор. Биринчи йўналишда товар қиймати объектив бўлиб, унинг манбаи шу товарни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат микдори ҳисобланади. Иккинчи йўналишда қиймат тушунчаси субъектив нарса бўлиб, одамлар томонидан товарнинг фойдалилиги бошқа бирон фойдалилик билан солиштириш туфайли юзага келади (маржинализм).

Аристотелнинг ғояларида иккала йўналиш куртаклари мавжуд. У қиймат қонуни муаммосини қўяди, лекин унга тўла жавоб топа олмайди. У алмашувда товар қийматлари тенглаштирилишини кўради. «Никомахов ахлоки» асарида у шундай фикр юритади: «*Жамият икки врачдангина ташкил бўлмайди, балки врач ва деҳқондан, умуман бир хил ва тенг бўлмаганлардан ташкил топади. Ана шундай одамларни бир-бирига тенглаштириш зарур. Шунинг учун алмашувга учрайдиган барча нарсаларни тенглаштириш, солиштириш зарур. Хуллас, ҳамма нарса бирор нарса билан улчаниши керак. Этикдўз маҳсулотининг деҳқон маҳсулотига, деҳқон маҳсулотининг этикдўз маҳсулотига бўлган тўғри муносабати, тўғри тенгламаси топилиши керак*». Лекин ўша нарса нима эканлиги айтилмайди. Саволга жавоб излаб у ўз фикрини шундай давом эттиради: «*биз нима учун алмашамиз, чунки*

менга сенинг товаринг, сенга эса менинг товарим керак», деган оддий хулосага келади. Товарларнинг тенглиги пул туфайли амалга ошади, дейди у. Ҳамма нарса бирон нарса билан ўлчаниши керак. Бу аввало эҳтиёж, у барча нарсани боғловчи асос. Эҳтиёжни алмаштириш учун (одамлар келишуви билан) пул - чака пайдо бўлди. Аристотелнинг бу фикрида ҳозирги замон маржинализм ғоялари ётади, яъни товарларнинг фойдалилиги асосий ўринга чиқади.

Бу олимнинг иқтисодиёт (экономика) ни хрематистикага қарама-қарши қўйиши ҳарактерлидир. У ўйлаб топган «***хрематистика***» матни «*хрема*» сўзидан олинган бўлиб, мулк, эгалик мазмунига эга. Аристотель иқтисодиёт (экономика) деганда ҳаёт учун зарур бўлган маҳсулотлар (истеъмол қийматлари) ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган табиий хўжалик фаолиятини тушунади (деҳқончилик, ҳунармандчилик ва майда савдо). Бу алмашувни ҳам ўз ичига олади, аммо зарур шахсий талаб-эҳтиёжларни қондириш чегарасидан чиқмаслиги керак. Бу фаолият чегаралари ҳам табиий соҳа бўлиб, инсоннинг онгли шахсий истеъмоли доирасида бўлиши керак.

Хрематистика эса (амалиётда кам қўлланилади) «*мулк орттириш санъати*», яъни айниқса пул шаклида фойда орттириш, бойлик (пул) тўплашга йўналтирилган фаолиятдир. Бошқача айтганда, хрематистика - бу капитал қўйиш, судхўрлик ва жамғариш «санъати»дир.

Антик даврда ҳали саноат капитали мавжуд эмас эди, аммо савдо ва судхўрлик (пул) капитали сезиларли ролни ўйнаган. Шуларни ҳисобга олиб, олим савдо билан боғлиқ бўлган мол-мулк орттириш санъатида мақсадга эришиш борасида ҳеч қачон чегара бўлмайди, чунки чексиз бойлик ва пулга эгалик асосий мақсаддир, дейди. Пул обороти билан шуғулланувчиларнинг ҳаммаси ўз капиталини чексиз ўстиришга интиладилар (нотабиий соҳа).

Аристотель буларни нотабиий деб ҳисоблаган, аммо соф «экономика» ҳам бўлмаслигини етарли тушунган, минг афсуслар бўлсинки, экономикадан доимо хрематистика ўсиб чиқади ва бу аста-секин табиий ҳолатга айланган. Аристотелнинг бу ғояси тарих синовидан ўтмади. Олимлар қанчалик уринмасинлар (бу ҳаракат ўрта асрда ҳам бўлган), хрематистикани қанчалик нотабиий деб ҳисобламасинлар, капитализм муносабатлари ривожи билан у «табиий ҳуқуқ»ка айлана бошлади. Хатто XVII-XVIII асрларда «иқтисодий одам» етишиб чиқди, унинг барча хатти-ҳаракатлари фақат бойиш билан боғлиқ эди.

М.а. III асрда Қадимги Рим (ҳозирги Италия) да қулдорлик муносабатлари ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган эди. Римнинг бошқа ерларни босиб олиш учун олиб борган урушлари туфайли йирик империя юзага келди, кўплаб қабила ва халқлар қулликка маҳкум этилди. Асосан асирлардан иборат бўлган қулларнинг аҳволи Греция қулларининкидан оғирроқ бўлган. Яна бир ўзига хос ҳусусият шундаки, агар Грецияда қуллар кўпроқ ҳунармандчилик ва савдода эзилган бўлса, Римда куллар асосан қишлоқ хўжалигида эксплуатация қилинган. Ишлаб чиқаришнинг қулдорлик усулидаги қарама-қаршиликлар шу ерда энг кескин тус олди ва охир-оқибатда *колонат*нинг пайдо бўлишига олиб келди. Аҳолининг камбағал табақалари асрлар давомида ерга эгалик қилиш учун кескин кураш олиб бордилар. Бу ҳолат Римдаги иқтисодий ғояларга таъсир этмай қолмади, қулликка асосланган йирик латифундиялар билан бирга қулдорлик хўжаликлари - *вилла*лардан самарали фойдаланиш муаммолари бош масала эди.

Шу даврдаги олим ва мутахассисларнинг асарларида бир қанча янги иқтисодий ғоялар илгари сурилди. Бу ғояларнинг ривожига эътибор берилса, қулдорлик тизимининг емирилиши билан унга бўлган муносабат ҳам ўзгарди.

Катон Старший (м.а. 234-149 йй.) йирик ер эгаси бўлган, «**Деҳқончилик**» номли асарида у қулликка асосланган натурал хўжаликни ҳимоя қилди. Катон ўз талабларини ўзи таъминловчи ёки асосан истеъмол қиймати ишлаб чиқарувчи хўжаликларни тан олар эди (натурал хўжалик ҳимоя қилинади). У фақат ортиқча маҳсулотнигина сотиш керак, хўжаликда ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган нарсаларнигина сотиб олиш зарур, деган ғояни қўллайди. У қул меҳнати асосида хўжаликни юритишнинг янги услубларини ҳам ишлаб чиқди. Унинг фикрича, қуллар ёшлигидан сотиб олиниш керак, шунда қулларни тарбиялаш, ишга ўргатиш осон бўлади (ёши катталарда бу иш қийин кечади), қуллар орасида адоват уруғи сепилса, уларда эгасига нисбатан иғволар йўқолади. Қуллар қаттиқ интизом асосида ишлатилиши, арзимас гуноҳ учун жазоланиши, ишига қараб боқилиши ва қийинтирилиши таклиф этилади.

Бу даврда натурал хўжалик билан бирга бозор муносабатлари ҳам ривожланаётган эди. Бозорни қўллаган Катон шу билан бирга ёлланма меҳнатга душман бўлган. У қул меҳнатини тўғри ташкил этишга алоҳида аҳамият беради. Байрам кунлари иш ҳайвонларига дам берилган ҳолда, қуллар ишлашга мажбур этилган. Касалланган хўкиз даволанган, қулни эса «эски арава» сифатида сотиб юбориш тавсия этилган.

Деҳқончиликда қул меҳнати тобора кам самарали бўлаётганлигини кўрган Катон яйлов хўжалигини, кейинчалик савдо ва судхўрликни қўллаб-қувватлаган. Қийматдан ортиқ маҳсулотни фойда деб билган ва уни тўла равишда ишлаб чиқариш ҳаражатларига қўшган (хато фикр). «*Юқори фойда олиш учун юқори баҳолар куни келишини бамайлихотир кутиш керак*», дейди у.

Деҳқонлар қўлидаги ерлар тортиб олиниб, йирик латифундиялар вужудга кела бошлади, эркин Рим аҳолиси, деҳқонлар ва армия солдатлари ерсизланди. Бу ҳолат йирик ер эгалари - *патрций*лар ва деҳқон-*плебей*лар ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтирди, охир-оқибатда ака-ука **Гракхлар**нинг аграр ислоҳотига сабаб бўлди. Улар ерсиз ёки кам ерли деҳқонларнинг йирик ер эгаларига қарши курашини ҳимоя қилдилар. Аммо бу ишни қулдорлик тузумини сақлаган ҳолда ва йирик ер эгаларини чеклаш йўли билан ҳал этмоқчи бўлдилар. Ер эгаларининг қўлидаги ернинг бир қисмини кесиб ва давлат фондидаги ердан фойдаланиб кам ерли деҳқонлардан озод деҳқонлар табақаси барпо этиш кўзда тутилган, энг муҳими бу тоифа қулдорларнинг ишончли таянчи бўлиши керак эди.

Ака-ука Тиберий ва Гай Гракхларнинг аграр ислоҳоти бўйича, давлат еридан фойдаланувчиларнинг ҳар бири 500 югер (125 гектар), ҳар йўли учун 250 югер, аммо бир оила учун 1000 югердан ортиқча ер олиш тақиқланган. Ундан ортиқ ерлар мусодара қилинган ва 30 югердан бўлиниб, камбағал фуқароларга берилган, лекин бу ерни бировга сотиш ман этилган. Бу қонун қабул қилинди, аммо уни амалга оширишга йирик ер эгалари ва сенат қаршилик қилди. Тиберий Гракх м.а. 132 йилда қасддан ўлдирилди, Гай (укаси) Гракх м.а. 123-122 йй.да бу ислоҳотни амалга ошириш учун ишни давом эттирди, бир қанча демократик ўзгаришларни амалга оширди (Римда арзон нон сотиш), оқибатда 80 минг фуқаро ер участкаси олди. Ислоҳот вақтинча муваффақият келтирди, м.а. 111 й. давлат ерларини сотишга йўл берилди, ерлар хусусий мулкка айланди (м.а. 121 й.да Гай ҳам жангда ҳалок бўлган).

Қулдорлик тузуми инқирозга учраган ва тушкунликка тушган даврда римлик агрономлар **Варрон** (м.а. 116-27 йй.) ва **Люций Колумелла** (I аср) лар қулдорлик хўжалигини рационаллаштириш муаммоларини ишлаб чиқдилар. Шу билан бирга олим ва археолог бўлган Варрон «*Қишлоқ хўжалиги тўғрисида*» деган

китобида бу соҳанинг аҳамиятига катта ўрин беради, қишлоқдан шаҳарга интилганларни қоралайди. У деҳқончилик билан чорвачиликни бирга ривожлантиришни маъқул деб билади. Варрон улар ўртасидаги «*буюк иттифоқ*» тарафдори эди. Бунинг асосий сабаби шундаки, Италияда дон нисбатан арзон эди, чорвачиликнинг фойдаси эса анча юқори бўлган. Шу билан бирга, Варроннинг фикрича, ҳар бир хўжалик ўз-ўзини таъминлаши керак, у бозор муносабатларига кам эътибор қилган, қуллар эксплуатацияси тарафдори бўлган ва уларни «*гапирувчи қуроллар*» деб билган. У қулларнинг сиёсий жиҳатдан хавфли эканлигини тушунган ва имениёларда бир миллатга тегишли қулларни кўп сақламаслик керак деб тавсия этган (чунки бирлашиб ҳаракат қилишлари осон).

Колумелла ўзининг қишлоқ хўжалигига оид йирик асарида қуллар меҳнатининг самараси пастлигини таъкидлайди (бировга ишлайди-да!). Унинг фикрича, қуллар ерни яхши ишламайдилар, ер юқори ҳосил бериши учун қайғурмайдилар. У эркин майда ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати қулларникидан юқори бўлишини исботлаб берди, йирик қулдорлик латифундияларига нисбатан майда деҳқончиликни афзал деб ҳисоблади. Бу даврда йирик латифундияларнинг инқирози аниқ бўлиб қолди, ривожланиш фақат экстенсив йўл билан борди, яъни ҳосил қўшимча ер ҳисобигагина ошди. Қуллар имкони борича ерни ишламасликка интилган. Колумелла бундай ерларни эркин колонларга бўлиб бериш яхшироқ самара беради, деган тўғри хулосага келди, унингча майда ишлаб чиқаришга ўтиш керак эди (ҳозирги даврга солиштириб кўринг).

Цицерон Марк Туллий (м.а. 106-43 йй.) таниқли давлат арбоби ва машҳур нотиқ бўлган. У яшаган даврда давлат анча марказлашган бўлиб, савдо-сотиқ анча ўсди, судхўрлик бойиш манбаига айланди. У қишлоқ хўжалигини қўллаган ҳолда (чунки бу соҳа бозор учун ҳам маҳсулот етказар эди), йирик савдо ва судхўрликни бойиш манбаи деб ҳисоблади. Демак, Цицерон бошқалардан фарқли равишда қулдорлар билан бирга савдогар ва судхўрларнинг манфаатини ҳам ҳимоя қилди.

Қулдорлик тузумининг ички қарама-қаршилиги тобора ўсди, қуллар қўзғолони рўй берди. Тарихда **Спартак** бошчилигидаги (м.а. 73-71 йй.) қуллар қўзғолони катта аҳамиятга эга, у беаёв бостирилган бўлса ҳам, тузум заминига жиддий зарба бўлди. **Луций Сергей Каталина** м.а. 63-62 йй. камбағал аҳоли ёрдамида ҳокимиятни эгалламоқчи, қулчиликни йўл қилмоқчи ва бойимоқчи бўлди, аммо унинг ҳаракатлари ҳам зое кетди.

Янги эрамизнинг I-II асрларида Рим империясида нисбатан барқарорлик даври бўлди, лекин қулдорлик эксплуатациясининг самарасизлиги тобора аён бўлиб қолди, колонат ўсди. Аристотель ғояларида қулчилик табиий зарурат дейилган бўлса, эндиликда бунга шароит тақозоси туфайли келинган, деган фикрлар юзага чиқа бошлади.

Луций Анней Сенека (м.а.3-мил.65 йй.) қулчиликнинг сиёсий хавфини тушунди ва қуллар билан юмшоқроқ муносабатда бўлишни таклиф этди, улар ҳам табиатан озод одам эканлигини тан олдилар.

Шу даврда колонатга, крепостнойликка ўтиш кучайди. Ана шундай бир пайтда милоднинг I асрида (2-ярмида) янги диний мафкура - *христианлик* вужудга келди. Унинг асосий ақидалари *Инжил*да келтирилган. Бу муқаддас китобда бир қанча иқтисодий ғоялар ҳам берилган. Оддий хўжалик фаолияти (меҳнат) зарур ва улуғ иш деб қаралади. Дастлаб оғир қуллар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилган бу дин, бу аҳволдан қутулиш йўли юқоридан, худодан деб билган. Уша даврда бу диннинг бошқа динлардан афзаллиги шу бўлдики, халқлар ўртасидаги этник ва социал тафовутлар инкор этилди, дин олдида ҳамма баробар деб эълон қилинди.

Кейинчалик бу дин бошқа тоифалар орасида ҳам тарқалди. Дастлаб христианлик мулки умумий бўлиб, эксплуатация инкор этилган, одатда садақа ҳисобига кун қурилган. Биринчи христианлар таъкиб остига олинган, аммо 325 йили Никей Соборида христианликка Рим империясининг давлат дини мақоми берилди, оқибатда қулдорлик ва булажак феодал жамиятининг мафкурасига айланди.

Милодий йилнинг бошида илк христианликнинг иқтисодий ғоялари **Аврелий Августин Блаженний** (353-430) асарларида ҳам берилган. У ҳамманинг меҳнат қилиши зарурлигини, «*ишламаган тишламайди*» (апостол **Павел**нинг фикри) ғоясини илгари сурди (социализмнинг асосий тамойилини эсланг), деҳқончилик энг фахрий касб эканлигини айтди, савдони эса фақат фойда, наф олиш учун қилинадиган иш деб қоралади. Ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат каби баҳолаш муҳим эди. Аммо Августин қулларни озод қилишни қатъий талаб этган эмас, у диннинг бош вазифаси аҳолининг аҳлоқий такомиллашувига ёрдам бериш, деган хулоса чиқарган. Бу динда одил баҳо тамойили, маҳсулотларни шахсий эмас, балки ижтимоий баҳолаш, мулк, бойлик ва бошқа кўпгина иқтисодий муаммоларга тегиб ўтилган. Августин Блаженний «*Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун аввало унинг тарихини уйготиш зарур*», деган буюк фикрни ифода этган.

5.АРАБ ВА ҒАРБИЙ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИДА ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАР

Шарқ мамлакатларида феодал муносабатлар III-VIII асрларда шакллана бошлади. Бу ерларда пул, меҳнат муносабатлари бироз енгиллашди. Давлат хусусий эгалик ва фойдаланиш учун ер ажрата бошлади. Хусусий ер эгалигининг турли шакллари сақлангани ҳолда давлат асосий ва унумдор ернинг эгаси сифатида, зарур пайтда хусусий хўжаликларнинг барча ишларига бемалол аралашиш, ер солигини йиғиш ҳуқуқини йўқотган эмас. Шу сабабли Шарқда «давлат феодализми»нинг турли шакллари сақланди ва иқтисодий қарашларда ҳам ўз аксини топди. Иклим ва турар-жой шароити туфайли, бу ерларда деҳқончилик асосан сунъий суғориш асосидагина олиб борилиши мумкин эди (Ғарбий Европа билан солиштиринг). Баъзи олимларнинг фикрича, Шарқда ерга хусусий мулкчиликнинг йўқлиги ва бунинг асосий сабаби сунъий суғориш эканлигини айтади. Ер бор бўлгани билан суғоришсиз ҳосил олиш мумкин эмас эди. Суғориш иншоотлари қуриш, таъмирлаш жамоа ихтиёрида бўлган, қишлоқ жамоаси сақланган. Шарқда ерга хусусий мулкчилик бўлганми, деган муаммо ханузгача ҳал этилмаган. Бизнингча, кўпроқ ердан фойдаланиш ҳуқуқи бўлган. Бу минтақада ерни сувдан ажратиб бўлмайди.

Илк феодал муносабатлар ва шу даврдаги иқтисодий ғояларнинг асоси Қуръони каримда (арабча қироат, яъни ўқиш) акс этган (VII-VIII асрлар). VI асрнинг охири-VII асрнинг бошларида Арабистонда феодал муносабатларнинг шаклланиши туфайли ягона давлат барпо этишга даъват кучайди. Бу ҳаракат сўнгги дин - ***Ислом***да ўз аксини топди. Ислом таълимоти пайғамбаримиз **Муҳаммад алайҳиссалом**га Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган *Қуръони каримда* мужассамланган. Исломдаги йўл-йуриқлар ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, шу жумладан иқтисодиётга доир масалаларга ҳам кенг ўрин берилган. Қуръони каримдаги асосий ғоялардан бири барча мусулмонларнинг бардошлиги бўлиб, араб қабилалари шу байроқ атрофида бирлашди. Ҳалол меҳнат, деҳқон, ҳунармандлар меҳнати улуғланди, барча бойлик шу асосда пайдо бўлиши уқтирилди. Бу муқаддас китобда Аллох таоло савдога катта аҳамият берган,

судхўрликни, яъни *рибоъ* (судхўрлик фоизи) ни ҳаром қилган, мулкнинг муқаддаслигини, бировнинг мулкига хиёнат ва хатто хасад қилишни катта гунох деган. Исломда жамиятнинг тенгсизлиги тақдири азалдан деб тан олинади, аммо ҳалоллик ва тўғриликка буюрилади ва ёлғон ишлатиш, ўғрилик ва меҳнатсиз даромад топиш ман қилинади. Аллох таолонинг Қуръони каримда қарз олиш ва бериш, меросни тақсимлаш (*4-сура, 8-оят*), етим-есирларга мурувват, хайр-эхсон қилиш (*3-сура, 128-оят*) ҳақидаги ояти карималаридан келиб чиқадиган ғоялар ҳамда солиқ турлари ва миқдори ҳам катта аҳамият касб этади. Етимлар хақига хиёнат қилиш энг катта гуноҳлардан деб эълон қилинган. Шунингдек, ўзаро ёрдам ҳам (*5-сура, 3-оят*) зарур, лекин ёмон ишларда ва душманликда эмас дейилади. Ояти карима ва ҳадиси шарифларда турли касбларни эгаллаш, айниқса деҳқончилик, қўйчилик билан шуғулланиш, меҳнат қилиш зарурлиги марҳамат қилинган.

Ислом ақидасида исрофгарчиликка қарши кураш Қуръони каримдаги «***Енглар, ичинглар, хадя қилинглар, аммо исроф қилманглар***» деган оятлар асосида олиб борилади (бу ҳозирги даврда энг актуал масалага айланган). «*Дарё бўйида тахорат қилсаларингиз ҳам сувни исроф қилманглар*» каби қоидалар айнан ҳозирги замон иқтисодиёти ва экологияси учун ниҳоятда аҳамиятли.

Ислом ҳуқуқшунослигида фойданинг энг юқори миқдори *10 фоиз* қилиб белгиланган (буни бошқа фикрлар билан солиштиринг).

Шарқ иқтисодий тафаккурининг ривожланишида араб мутафаккири **Ибн Халдун Абдурраҳмон Абу Зайд** (1332-1406)нинг ҳиссаси бениҳоя катта (*Тунисда туғилган, Фес султонида хаттот-котиб бўлган*). 1382 йили Қоҳирага келиб мударрислик қилган, кейинроқ қози бўлган. Асосий асари «***Китоб-ул-ибар***» («*Ибратли мисоллар китоби*»-1370й.). У биринчилардан бўлиб тарихий ижтимоий тараққиётнинг моддий тамойилларга асосланиши ҳақида фикр юритди, ғарб олимлари *Макиавелли, Монтескьега* катта таъсир кўрсатди.

Олимнинг концепцияси «ижтимоий табиат»га яқин, жамият ривожи (эволяцияси) оддийликдан цивилизация саридир.

Ибн Халдуннинг бу асаридан таржима «Ижтимоий фикр» журналининг 1998 йил 1-сонида (158-165-бетлар) келтирилади. Асарнинг «Китоби аввал» қисмида «инсон жамоасининг фарқли томонларини: шохлик ҳоқимияти, одамларнинг даромадлари»ни ўрганиш асосий вазифа қилиб қўйилган. Олим: «Инсонга хос бўлган жиҳатларга яшаш учун маблағ, нарса топишга интилиш, бу учун меҳнат қилиш зарурияти ҳам киради», деб ёзади. Давлатнинг яшаш давр ва босқичлари келтирилади, у бешга бўлинади ва ниҳоятда ибратлидир. Меҳнат қилинмаса «бозор муносабати ҳам барҳам топади».

«Давлатнинг кучи ва қудрати, аҳолининг сони бойлик ва фаровонликка боғлиқдир», деб ёзади олим (Смит гояси). Солиқлар зарурлиги уқтирилади, солиқлар яна аҳолининг ўзига қайтиб келади. «Аҳолининг бойлик манбаини бозор ва савдо муносабатлари ташкил этади», деганда олим худди бугунги иқтисодий ғояни қўллаб-қувватлайди. Меркантилистик ғоя классик мактаб фикрлари билан тўлдирилади. «Савдогар молига нарх қўйишда барча сарф-ҳаражатларни ҳисоблаб нарх ёзади». Олимнинг бехосият, мевасиз дарахтлар экишдан четланиш хақидаги фикри ҳам қимматлидир.

Солиқларни фақат давлат, айрим хукмдорлар фойдасига йиғиш жамият таназзулига олиб келиши айтилади.

Ибн Халдун дастлаб биргаликда «ишлаб чиқариш» фаолиятига катта эътибор берди, жамият моддий қийматлар «ишлаб чиқарувчилар» жамоасидан

иборат дейди. У «*Одамнинг келиб чиқишида меҳнатнинг ўрни*»ни очиб беришга ҳаракат қилган. Ҳунармандчилик, фан ва санъатнинг ривожи бевосита «меҳнат унумдорлигининг ўсиши» билан боғлиқ дейди. «Оддий» ва «мураккаб» меҳнат фарқланган, меҳнат бўлмаса, буюм ҳам бўлмас эди, деган муҳим хулоса чиқарилади. Олим фикрларида «зарурий» ва «қўшимча маҳсулот», «зарурий ва қўшимча меҳнат» тушунчалари фарқланади. У «*товарнинг истеъмол қиймати*» ва «*қиймат*» тушунчаларини таърифлади. Замон ва маконда ўз замондошларидан анча илгари бу ғояларни берди.«*Олди-сотди битими асосида тенг айирбошлаш қоидасига амал қилиниши керак, бунда сарфланган меҳнатнинг тенг ярми айирбошланади*», «*агар бу ҳунармандчилик маҳсули бўлса - унга сарфланган меҳнатига тенг*», «*даромад қиймати эса сарфланган меҳнат ушбу буюмнинг бошқа буюмлар ичида тутган ўрни ва унинг одамларга зарурлиги билан белгиланади*». Бунда товарларни тенглаштириш меҳнатни тенглаштириш шаклида юзага чиқади, яъни меҳнатнинг роли ва товарнинг фойдалилиги ҳам ҳисобга олинмоқда, бу жуда муҳим (маржинал ғоя бор).

Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик билан бирга савдони ҳаёт учун табиий зарурат деб билган ва физиократлардан илгарилаб кетган.

Товар қийматига хомашё қиймати, меҳнат воситалари, оралиқ товар ишлаб чиқарувчилар меҳнатининг қиймати киради. У айтадики, айрим ҳунарлар бошқа ҳунарларни ўз ичига олади: масалан, дурадгор ёғочдан ишланган буюмларни, тўқувчи йигирилган ипни ишлатади ва ҳоказо, яъни ишлаб чиқаришнинг ижтимоийлиги исботлаб берилади. Товар-пул муносабатлари таҳлил этилган, нархлар бозорга олиб чиқилган товарлар массаси (талаб-таклиф)га боғлиқлиги айтилган. Нонга баҳоларни мўътадил ушлаб туриш, фарованлик манбаи эканлиги кўрсатилади. Солиқ тизимини тартибга солиш кераклиги қайд этилади; унингча солиқ пасайиши ижтимоий ҳаётни юксалтиради.

Бундан деярли 600 йил аввал бозор тушунчасига изох берилади. Ибн Халдун фикрича: «Бозор - бу ҳунармандчиликни мукаммаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг гаровидир».

Классик ўрта аср давридаги иқтисодий ғоялар каноник, яъни қонуний доктриналар асосида ривож топди. Бу соҳада черков, руҳонийлар катта фаолият кўрсатдилар. XII асрнинг ўрталарида болониялик монах-рохиб **Гроциан** «***Каноник ҳуқуқлар тўплами***»ни тузди, унда бир қанча иқтисодий ғоялар ҳам берилган. Улар умумий мулкчиликни идеал деб баҳолаб (эътибор беринг, хусусий мулк эмас), хусусий мулкчилик худо томонидан одамларнинг гунолари учун вужудга келтирилган, деган ғояни илгари сурдилар. Бойлар хайр-садақа беришга чақирилади. Худога маъқул бўлган фаолиятларга фақат деҳқончилик ва ҳунармандчилик киритилиб, судхўрлик, айниқса, фойда олиш учун савдо қораланади (Ислом динидаги ғоя билан солиштиринг).

Канонистларнинг бош иқтисодий ғояси асосида худо томонидан белгиланган «адолатли баҳо» тўғрисидаги таълимот ётади.

Италиялик рохиб **Фома Аквинский** (1225-1274) таълимотида иқтисодий ғоялар маълум тартибга солинган. У ўзининг асарларида қуллик ва крепостнойликни оқлайди, бунда у Аристотель ва муқаддас китобларга асосланади. У худони барча бойликлар эгаси деб эълон қилади, лекин хусусий мулкчилик ҳам ҳимоя қилинади, чунки бунда инсоннинг ўз тоифаси, табақасига мос равишда яшашига имконият яратилади. Давр тақозосига мос (натурал хўжалик ҳукмрон) равишда давлат ўз-ўзини таъминлаш ғоясини қўллайди, натура шаклидаги бойликка асосий эътиборни қаратади, олтин ва кумушларни сунъий

бойлик деб билади. Меҳнатсиз яратилган бойлик (савдо, судхўрлик) ҳаром деб ҳисобланган.

Асосий ва худо томонидан белгиланган бу нарса «адолатли баҳо» масаласи эди. Канонистлар амалда баҳони меҳнат сарфларининг йиғиндисидан иборат деб тан олганлар. Агар пропорционал тенглик сақланмаса жамият емирилиши мумкин, деган тўғри хулоса чиқарилади. Савдо фойдаси ва фоиз олиш «адолатли баҳо» бўйича алмашувни бузади, шу сабабдан йирик савдо ва судхўрликни тақиқлаш талаб этилади. Фома Аквинский «адолатли баҳо» масаласини фойдалар, тўғрироғи наф, манфаатлар тенглиги асосида ҳал этди ва уни субъектив вақт деб баҳолади. У айтадики, агар нарса бирор одам фойдасига, лекин бошқа одам зиёни ҳисобига ўтса, бу ҳолда буюмни ўзининг ҳақиқий баҳосидан юқорироқ сотиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Шу билан бирга бу буюм барибир ҳақиқий эгасидалигидан қимматроқ сотилмайди, чунки қўшимча баҳо, шу буюмдан холи бўлган зиённи қоплайди. Ф.Аквинский юқори табақа аҳолисини меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилувчилар қилиб кўрсатади. Шу сабабли бу табақага буюмларни ўз ҳақиқий баҳосидан қимматроқ сотишга рухсат беради. *Процент* (фоиз)ни таваккалчилик тўлови ёки қарз олувчига бериладиган «*беғараз совға*» деб тушунтиради. У рентанинг эксплуататорлик моҳиятини бўяб кўрсатади ва рента ер эгасига ўз қўл остидагиларни бошқаришдаги меҳнати учун тўланадиган хақ деб баҳолайди. Бу билан черков (ери бор) ва феодалларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Бундай иқтисодий ғоялар Францияда (*Никола Орем*), Англияда (*Джон Болл*) ҳам вужудга келди. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бу иқтисодий қарашлар синфий ҳарактерга эга бўлган, юқори табақаларнинг фаолиятини маъқуллаган. Иккинчи томондан норози деҳқонлар ҳаракати ҳам кучайган. Англияда **Уат Тайлер** (1381), Германияда **Томас Мюнцер** (1524-1525) раҳбарлигида деҳқонлар қўзғолони бўлган, улар крепостнойликни, бошқа мажбуриятларни бекор қилишни талаб этганлар. Шу даврда черков бойлиги ҳам кескин ошган. Тенглик тўғрисидаги ғоя бузилганлигини кўрган халқнинг бир қисми руҳонийларнинг шохона ҳаёт кечираётганига қарши чиқди.

Шу даврда феодализм йўлидан бораётган Россияда ҳам иқтисодий ғоялар вужудга келди. IX асрда ташкил топган Қадимги Рус давлати - Киев Русида чоп этилган «***Русская правда***» қонунлар тўпламида дастлабки ёзма фикрлар берилган. Унда жамиятнинг синфий дифференциацияси, ер эгалари, савдогарлар манфаати ҳимоя қилинади, князлик манфаати учун савдогарлар, судхўрлар, қарздорларни ноўрин сарф-ҳаражатлардан тийиш зарурлиги ҳақида гапирилади.

Маълумки, XII-XIV асрларда Россияда феодал тарқоқлик рўй берди (13 га яқин алоҳида князлик). Бу даврда черков ер эгалиги атрофида диний шаклда кураш борди. XVI асрдан бошлаб ижтимоий-сиёсий кураш публицистик тус олди. Шундай публицистлардан бири Ермолай эди, монах - рохиблигида Еразм номини олган. **Ермолай Еразм** ўз асарларида дворянликни ҳимоя қилди ва йирик савдо ҳамда судхўрликка қарши чиқди. У боярларни бошқалар ҳисобига доим байрамдагидек ҳаётини танқид қилди, ерни эса фақат давлатга ҳизмат қилаётган (яъни дворян) одамларга бериш керак, деган тўғри ғояни илгари сурди (боярлар марказлашган давлатга бўйсунишни истамаган ва вотчина эгаси, тарқоқликнинг асосий сабабчиси эдилар). Ҳақиқатда ҳам **Иван Грозный**, ҳатто **Петр I** даврида ҳам вотчинани (яъни боярларни) йўқ қилиш учун кураш борди, охир-оқибатда дворянлик ва помешчиклик ютиб чиқди ва Россия ягона давлатга айланди.

Ермолай Еразмнинг иқтисодий қарашларида деҳқон меҳнати бойлик манбаи деган қоида ётади. Шу сабабли у давлатда деҳқонлар тоифасини биринчи ўринга

қўяди ва уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш зарур деб ҳисоблайди. Аммо у деҳқонлар эксплуатациясининг асоси пул мажбуриятларида деб билган, шу сабабли бу мажбуриятлар натурал рента ҳолида бўлиши ва ҳосилнинг бешдан бир қисми (20 фоизи) билан чеклаш, ём (почта) мажбуриятларини эса савдогарлар зиммасига юклашни таклиф этди. У меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисида қайғурса-да, товар муносабатлари ривожига қарши бўлган, яъни ўзи ўзига қарши эди, чунки у эркин бой савдогарлар савдоси тарафдори эди. Е. Еразм натурал мажбуриятларни чеклаш синфий курашга чек қўяди, деган нотўғри фикрда бўлган.

XVI асрнинг ўрталарида яратилган **«Домострой»** асарида шаҳарликларнинг фаолиятига оид қонун-қоидалар мажмуаси берилган. Унда ҳоқимият ва черков, оила, хизматкорларга муносабат қоидалари келтирилади. Кўпгина маслаҳатлар ичида хўжалик юритиш, савдо, солиқ тўлаш қоидалари бор. Асарда рўй берган социал-иқтисодий ўзгаришлар, бой шаҳарлик психологияси ўз аксини топган.

Бозор билан яқин муносабат (савдо-солиқ)лар қатори, маҳсулотларни кўплаб захира қилиш (запас) кераклиги (натурал хўжалик белгиси) уқтирилади. Ҳунар ва савдони ўрганиш, хўжаликни бошқариш, меҳнат ва шахсий ташаббус рағбатлантирилади.

Россияда XVII-XVIII асрнинг бошларида йирик ўзгаришлар рўй берди, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари пайдо бўла бошлади. Ғарбий Европадаги меркантилистлардан (қуйида кўрилади) фарқли равишда рус иқтисодчилари муомала соҳасига кам эътибор қиладилар, пул - бойлик деган фикрга қўшилмадилар. Улар мамлакат ичида товар алмашувини кучайтириш тарафдори эдилар, ташқи савдони эса асосан саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қуроли деб қараганлар. Бу ғоялар **А.А.Ордин-Нашчокин** (тахм. 1605-1680), **Ю.Крижанич** (1617-1683), **И.Т.Посошков** (1652-1726) асарларида баён этилган.

6. IX-XV АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАРИ

X-XII асрларга келиб Ўрта Осиё илғор ижтимоий тафаккурнинг Шарқдаги йирик марказларидан бирига айланди. Бу даврда феодал давлат марказлашган ва энг ривожланган паллага кирди. Ўрта Осиё Европани Осиё билан боғловчи йирик моддий, маданий ва савдо марказига айланди. Бу жараёнлар бир-биридан минглаб чақирим узоқликдаги давлатлар, халқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни шакллантирди.

Бу даврда бутун дунёга танилган **Ал-Фаргоний, Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Низомулмулк** ва бошқа кўплаб мутафаккирлар яшаб, ижод қилишди. Уларнинг асарларида иқтисодий ғоялар ҳам ўз аксини топган. Шарқ ренессанси давридаги олимлар шу даврдаги тижорат, мулкдорлик ҳунари сирларини баён этганлар. Уларнинг асарларидаги умумбашарий иқтисодий таффаккур бугунги кунда ҳам долзарблиги билан муҳим ўрин тутади.

Ибн Сино (980-1037)нинг фикрича: «*Ҳайвон табиат неъматларига қаноат қилади, одамларга эса табиат неъматлари камлик қилади, у овқат, кийим-кечак ва уй-жойга эхтиёж сезади. Ҳайвон табиат неъматларини ўзлаштириб олади, одам эса ўз меҳнати билан ўзига овқат, кийим, жой яратади. Шу мақсадда инсон деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиши керак*».

Форобий (873-950) Ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий

билимларнинг қарийиб барча соҳаларини ўз ичига олувчи 160 дан ортиқ рисола яратган «қомусий олим сифатида тан олинади. Унинг Шарқ оламидаги шуҳрати шу даражага етдики, уни Аристотель (Арасту)дан кейинги йирик мутафаккир- «муаллимас -«соний» - «иккинчи муаллим» деб атай бошладилар.

Олимнинг айниқса «Фозил одамлар шаҳри» асари диққатга сазовар бўлиб, унда мамлакатни бошқариш, хоқимлар фаолияти, иқтисодиётни олиб бориш билан боғлиқ бўлган муҳим ғоялар келтирилади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Форобий ўз устози Арасту ғояларини ҳар томонлама талқин этади ва уни тўлдиришга ҳаракат қилади, жамият шаклланиши учун моддий эҳтиёжларнинг аҳамияти ҳақидаги таълимотни яратди, иқтисодиёт фанида муҳим бўлган «Эҳтиёж» ни таърифлаб берди. У моддий бойликлар яратишда меҳнатнинг ва меҳнат қуроллари ўрнини аниқлаб берди. Айниқса, «меҳнат тақсимоти» масалалари мутафаккир асарларида яхши ёритиб берилган. Меҳнат тақсимоти туфайли ишлаб чиқариш ривожланади, чунки вақтдан ютилади, ишловчиларнинг касб-маҳорати ортади, техник мосламалар киритиш учун асос юзага келади, яъни ўз даврида ҳамма ишни бир одам (уста) бажариши мумкин бўлган ҳолатдан, ҳар бир операцияни махсус кишиларга бўлиб бериш афзаллиги кўрсатилади («Қушни сўйса ҳам, қассоб сўйсин»). Меҳнат тақсимоти тўғрисидаги ғоя таниқли иқтисодчи Адам Смит таълимотининг (XVIII аср) асосидир.

Форобийнинг фозил (идеал) давлат, ҳоқимлар тўғрисидаги ғоялари ниҳоятда аҳамиятлидир, ўзаро ёрдам ва дустликнинг зарурлиги кўрсатилади. Масалан, шаҳар тартиботида энг асосий нарса мулк, ноз-неъматларни тўғри тақсимлаш эканлиги қайд этилган. Арасту ғоялари ривожлантирилиб, аввало ер ва жойларнинг миқдори, кейин уларнинг эгалари ва тутган ўринлари, сўнгра ниҳоятда зарур ҳисобланувчи озиқ-овқат, экин экиладиган ерлар, сарой ва шахсий уйларнинг миқдори ҳисобга олиниши кераклиги кўрсатилади.

Фозиллар шаҳри хоқимининг фазилатлари ҳақидаги фикрлар ниҳоятда қимматлидир. Форобий тадқиқотларининг яна бир муҳим жиҳати шуки, у кўп (юнон, араб ва б.) тилларни билган, бошқа олим асарларини таҳлил этган, шархлаган ва изоҳлаган.

Тарихда шундай воқеа бўлиб ўтганлиги қайд этилади. Қомусий олим Ибн Сино Арастунинг «Метафизика» асарини 40 марта ўқиб ҳам тушуна олмаган экан. У сурункали мутаоладан чарчаган , бозор айланишни ихтиёр этади. Бахтли тасодифни қарангки, бозордан ҳарид қилган китоби Форобийнинг Арасту асарига ёзган шархлари экан. Ибн Сино китобни бир марта ўқиб чиқишдаёк Арастунинг «Метафизика» асари моҳиятига тўла тушуниб етади.

Донишманд ҳикматларида инсоннинг касб-ҳунар, санъатдаги фазилатлари ҳар доим ҳам туғма бўлавермаслиги, кўпинча улар меҳнат машаққати ва ирода йўли билан руёбга чиқиши қайд этилади. Шубҳасиз, бу икки қобилият ўзаро уйғунлашганда ривожланиш бўлади.

Форобий фикрича , бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирига ёрдам беришса, бутун ер юзи фазилатли бўлади. Ўйлашимизча, янги XXI асрда турган деярли барча давлатлар ҳам шу тўхтамга келмоқдалар.

«Ким раҳбар бўла олади?»деган савол бундан минг йиллар аввал ҳам буюк донишмандларни қизиқтирган экан. Абу Наср ибн Муҳаммад Форобий «Фозил одамлар шаҳри» номли асарида бўлажак раҳбарларнинг асосий фазилатлари тўғрисида оқилона мушохада юритган, 12 фозилат берилган.

Мусулмон ҳуқуқшунослигида товарнинг истеъмол қиймати тан олинган,

товарнинг қиймати билан сўралаётган баҳо (бозор нархи) фарқланган. Йирик дин пешвоси **Баҳоуддин Нақшбанд**нинг (1318-1389) «*Дил ба ёру, даст ба кор*», яъни *«дил ёр (Аллох) билан, қўл иш билан (банд бўлсин)»* деган тезиси ўша давр ва ҳозирги кун учун муҳим эди, чунки илгари худога фақат эътиқод қилишнинг ўзи кифоя деб билинган. **Низомулмулк** (1018-1092) «***Сиёсатнома***» асарида ҳукмдорлар, амирлар, амалдорлар ва қозиларнинг мансабни суиистеъмол қилишини, солиқларнинг оғирлиги, давлат маблағларини сақлаш ва сарфлашда ҳисоб-китоб зарурлигини қайд этган. Салжуқийлар давлати арбоби сифатида *иктоъ*ни танқид қилган. Иқтоъ - ўрта асрларда Ўрта Шарқ, шу жумладан Ўрта Осиёда ҳукмдор томонидан айрим шахсларга катта хизматлари эвазига инъом қилинган чек ер (Темурийлар давлатида *суюрғол*).

XIII асрнинг бошидан XIV асрнинг 70-йилларигача бўлган давр бу муғуллар истилоси даври бўлиб, кўп соҳаларда орқага қайтиш (регресс) бўлди. Аммо босқинчилар маҳаллий халқ урф-одати, маданияти, тили, динини, хўжалик тарзини қабул қилишга ва улар билан аралашиб кетишга мажбур бўлдилар. Шу даврда бож, божхона, божхона солиғи юзага келди. Ҳозирги русча «*таможня*» сўзи аслида муғулча, кейинчалик туркчадаги «*тамға*» сўзидан олинганлиги маълум.

Буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний (973-1048) 150 дан ортиқ асар яратган бўлиб, уларда меҳнат бойликнинг асоси эканлиги тўғрисидаги ғоя асосийдир. Унинг кўпгина фикр ва қарашлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Олим яшаган даврдаги муносабатлар, ишлаб чиқаришнинг юксалганлиги, савдо-сотиқнинг ривожланиши, суғориш иншооатларининг ишга туширилиши ана шу давр учун хос эди.

Шу асосда Берунийда кишилик эҳтиёжларининг пайдо бўлиши ва уни қондириш асослари, меҳнат ва хунарга муносабатлари уйғунлашиб кетади. Унинг фикрига кўра, кишилар ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган холда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар. Эҳтиёжлар турли-туман ва кўп бўлганлиги учун инсонлар бирлашган холда турар жой ва шаҳарлар яратишга интиладилар, деб хисоблайди. Шунингдек, у давлатнинг пайдо бўлишини ҳам эҳтиёж туфайли деб уйлаган. Энг муҳим ғоя шуки, барча қимматли нарсалар инсон меҳнати билан яратилади ва инсоннинг қадр-қиммати унинг авлод-аждодларининг ким бўлганлиги эмас, балки унинг меҳнати, ақлий ва жисмоний махорати билан белгиланади. Ҳар бир даврнинг урф-одатлари ўзига хос бўлади ва инсон ахли уларга риоя қилмоғи даркордир, акс холда низом ва бир хиллик йўқолса, тартиб ҳам йўқ бўлади, деб уқтиради буюк донишманд.

Олимнинг фикрларига таяниб шундай муҳим хулоса чиқариш мумкинки, инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Инсон аввало халол меҳнати билан улуғланади, кишилик жамиятининг асл ибтидоси ҳам меҳнатдандир.

Беруний қайд этишича, билимларни эгалламоқ ва хунар ўрганмоқ учун меҳнат қилиш зарур, бу эса доим давом этадиган ва такомиллашиб борадиган жараёндир. У меҳнатни турларга ажратиб, уларнинг ҳар қайсиси алохида талаб ва эҳтиёжлар асосида вужудга келишини кўрсатиб берди. Бинокор, кўмир қазувчи, ҳунарманд, фан соҳиблари меҳнатини оғир меҳнат деб билади. Илм, маърифат заҳматкашлари меҳнатига таъриф бериш, илм олиш, ўқиш энг керакли меҳнат эканлигини исботлайди. Шунга кўра олимларнинг меҳнатини қадрлаш турли илмлар кўпайишига олиб келади. Олим жамиятнинг асосини моддий неъматлар учун бўлган ҳаракатларда, меҳнатда деб билади.

Қўл меҳнати, мажбурий меҳнатдан эркин кишиларнинг фаолияти

усутунлиги исботлаб берилади (эркин бозор муносабатларининг асоси). Меҳнаткашларнинг хоҳиш-иродасига қарши, уларни мажбурлаб ишлатишга қарши бўлган, чунки бундай меҳнат самараси пастдир. Мерос бўлиб авлоддан авлодга ўтиб келадиган ҳунарлар юқори баҳоланган.

Беруний оғир жисмоний меҳнат қилувчилар, яъни конда ишловчилар, ер остида гавҳар қидирувчилар, деҳқонлар тўғрисида, уларга берилиши керак бўлган имтиёзлар ва иш ҳақи хақида «Минерология» асарида кенг мулоҳаза юритади. Айниқса очиқ ва ер остидаги кон ишларига алоҳида эътибор берилади, ер ости конларини мустаҳкамлаш (фалокат олдини олиш учун), ер ости сувларини чиқариб ташлаш, олинган рудани юқорига олиб чиқиш учун махсус мосламалардан фойдаланиш тавсия этилади. Кон атрофида кончилар қишлоғини барпо этиш зарурлиги кўрсатилади.

Ер ости бойликларини қазиб олиш ишлари катта жисмоний меҳнат, ихтирочилик, ақлий меҳнат ва билим сарфлашни талаб этади. Бу мураккаб ва оғир ишларни бажариш махсус мактаб, уларда таълим-тарбия бериш асосида йўлга қўйилмоғи керак, дейди олим. Худди шу ўринда Беруний илм аҳллари, олимлар, тарбиячиларнинг меҳнати жамият учун нақадар керакли ва зарурлигини алоҳида уқтиради. Беруний усталарнинг аҳволи, шогирдларнинг фаолияти, иш ҳақлари борасида ҳам қимматли ғояларни илгари суради, иш ҳақи миқдори самарадорлик билан бевосита боғланади.

Олимнинг ёзишича: «Басрада биллурдан идиш-товоқ ва бошқа нарсалар ясайдилар. Иш жойида белгилаб-ўлчаб берувчи уста бўлиб, унинг олдида биллурнинг майда ва катта бўлакчалари тўпланган. У ана шулардан чиройли ва кераклисини олиб, ундан энг чиройли ва яхши буюм ясашни уйлаб улчаб белгилаб чиқади. Шундан кейин уни ясовчи ҳунармандга беради, бу биринчи уста айтганидек қилиб буюмларни ясай бошлайди. Олим шу ерда меҳнат тақсимоти ва унинг аҳамиятини кўрсатади.

Олим ва мутахассислар меҳнатини мамлакат бошқарувчилари томонидан рағбанлантириб туриш фойдали эканлиги алоҳида таъкидланади. Бу аслини олганда манфаатдорлик тамойилининг худди ўзидир. Унингча, айниқса, ерга ишлов бериб, ризқ-рўз яратувчиларга мехрибон бўлиш кераклиги кўрсатилади. Ана шу ғамхўрлик оқибатида ерга яхши ишлов берилади ва ер ҳосилдор бўлади, моддий неъматлар яратилади, ишловчи ва жамият манфаатлари баб-баравар ҳимоя қилинади (бу фикр XVIII асрда Адам Смит томонидан тўлароқ исботлаб берилган). Моддий неъматлар эса тириклик асосидир.

Ана шундай қилинганда ҳоқимият ҳам мустаҳкам бўлади, дейди олим (бу ерда давлатнинг иқтисодиёт билан муносабати масаласи кўтарилади). Агар кишилар тўқ бўлса, давлат ҳам кучлидир. Ҳукмдорларнинг вазифаси юқори табақалар билан қуйи табақалар ўртасида хақиқатни, кучли билан кучсиз ўртасида тенгликни ўрнатишдан иборатдир, деб уқтиради олим. Меҳнатнинг ихтиёрийлиги, озодлиги, эркинлиги кишилар ўртасида хулқ-атвор, ҳурмат-эътибор учун муҳим ва зарурдир. Бозор иқтисодиётининг энг зарур тамойилларидан бири-бу танлаш ва тадбиркорлик эркинлиги масаласи илгари сурилган.

Атоқли давлат арбоби, илк туркий достоннавис **Юсуф Хос Хожиб** 1020 йили Қорахонийларнинг марказий шаўарларидан бири Боласоғунда туғилди(оламдан ўтган йили номаълум). Бўлажак мутафаккир ўз давридаги барча билимларни, араб ва форсий тиллар ҳамда ундаги адабиётларни пухта эгаллайди.

У 1069-1070 йиллар орасида «Қутадғу билиг» (қутга, яъни бахт- саодатга элтувчи билим) асарини турк тилида ёзиб, Қорахонийлар ҳукмдори Табғочхон

Буғрохонга тақдим этади. Хон Юсуфга «Хос Ҳожиб» (эшик оғаси) деган мартабани инъом этади. Бу фалсафий дидактик асарда марказлашган давлат тузиш, уни мустаҳкамлаш, низо ва адолатга барҳам бериш каби маъмурий-хўжалик ҳамда маърифат, ободончилик, моддий-маънавий ва бошқа адолатли ҳукмрон, давлатни тадбир билан бошқариш ишини ўрганиш, касб-ҳунар эгаллаш, халқ ғамини ейиш ҳақидаги фикрлар илгари сурилади.

Бизгача донишманднинг фақат бир асари етиб келган, аммо бу асарда шундай дурдоналар тўпланганки, уларга қойил қолмай илож йўқ. Асар 13 минг мисра (насрий ва назмий муқаддимадан ташқари)-73 бобдан иборат. Унда инсон тафаккурининг барча жабҳалари бўйича сўз юритилади ва ниҳоятда қимматли фикрлар баён этилган. Китобда берилган бу ғоялар ўз даври учун ҳам , ҳозирги давр учун ҳам ниҳоятда қадрлидир.

Айниқса иқтисодиёт масалалари бўйича давлат ва раият муносабатлари синчиклаб ўрганилган. Асар 18 ой-бир ярим йилда ёзиб тугалланган (Боласоғунда бошланган ва Қашқарда ниҳояланган) бўлса ҳам, уни яратиш учун жуда узоқ вақт тайёргарлик кўрилган. Донишманд фикрича, эзгу орзуларга фақат тоат- ибодат билангина етишиб бўлмайди. Бунинг учун талай эзгу ишлар қилиш, фойдали фаолият кўрсатиш керак, деган фикрни илгари сўради.

Борлик ҳақидаги билимларга тўқнашиб, одам билиши мумкин бўлмаган нарса, билим билан ечилмайдиган жумбоқ йўқ, билим туфайли осмон сари ҳам йўл очилади, дейди. Билиш учун эса тинмасдан ўрганиш лозим, деб уқтиради.

Таниқли иқтисодчи Адам Смитнинг иқтисодий таълимотига кўра (XVIII аср), мамлакатни иқтисодий бўхрондан чиқариш учун 3 нарса:
Тинчлик-осойишталик;
Меъёридаги солиқлар ва
Иқтисодий эркин фаолият юритиш имкони талаб этилади. Ана шу ғоя аслида бизнинг мутафаккир томонидан етти аср аввал баён этилган.

Халқ, раият (солиқ тўловчилар) мамлакат ҳукмдоридан уч нарсани кутади, деб уқтиради Юсуф Хос Хожиб, булар: 1) пулнинг қадрини кўтариш ёки (ушлаб туриш); 2) халқка хусусий мулк ҳуқуқини таъминловчи қонунларни жорий этиш ва 3) йўлларни ўғри-қароқчилардан муҳофаза қилиш. Шох эса фуқаролардан солиқни вақтида тўлашни (ҳозирги кунда ҳам ниҳоятда долзарб), чиқарган фармон қонунларини бажариш ҳамда дўстига дўст, душманга душман бўлишни талаб қилади, деб ёзади. Кўриниб турибдики, бунда жамият ва сиёсий ҳоқимият ўзаро мутаносиб бўлиши зарурлиги ғояси аниқ ифода этилади.

Пулнинг қадрли бўлиши ҳақидаги ғоя, аслини олганда инфляция муаммоси билан чамбарчас боғлиқ, баҳоларнинг мўътадиллиги ҳам таъмин этилади. У ўз навбатида инҳирозсиз иқтисодиёт, эркин муомаладаги валюта масалаларига бориб тақалади.

Хусусий мулк ҳуқуқини таъминлаш бозор муносабатларининг бош унсуридир, мулкка эгалик ҳисси тараққиёт омили сифатида бутун жаҳон ривожи асосида исботланган ва ҳозирги даврда республикамизда ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда. Давлат, умумхалқ мулкига оммавий ўтишнинг салбий оқибатларини собиқ шўролар даврида бошимиздан кечирганмиз.

Йўлларни ўғрилардан муҳофаза қилиш ички ва айниқса ташқи савдо (экспорт-импорт)ни таъминлаш ва қўллаб-қувватлашнинг ўзгинасидир. Бу ерда савдонинг халқ хўжалиги учун устувор аҳамияти тўғрисида гап юритилади. Ҳозирги даврда бу ғоялар мустақил Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади. Бу ғояларнинг амалий аҳамияти айниқса Соҳибқирон Амир Темур

фаолиятида ёрқин намоён бўлган.

Юсуф Хос Ҳожиб барча имтиёзлардан махрум камбағал табақалар аҳволига ачиниш ҳиссини изҳор қилади. Донишманд ҳоқимларни қуйи табақа вакилларини уларга нисбатан меҳр-шафқатли, инсоф-адолатли, марҳаматли бўлишига, айни пайтда раиятни хоқимларга бўйсунувчи, садоқатли бўлишига чақиради. Мана шундай келиштириш йўли билан осойишта ҳаётга эришишга умид билдирилади (бу эса иқтисодий ривож учун ҳам зарурий шартдир).

Китобдаги ғоялар дунёдаги ҳамма ишларда қўл келади. Унда мулк тўтишнинг сиру-асрорлари, мамлакатни идора қилиш тартиби, шарти, шунингдек, молу-мулк, эл-юртнинг мангу қолиши, гуллаб- яшнаши ва унинг ҳароб бўлиш белгилари берилган.

Мутафаккир айниқса касб-хунар аҳлининг фаолиятини юқори баҳолайди. «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» боби худди шу масалага бағишланган.

Вазир, қўмондон, элчи ва бошқа ҳукмдорларнинг фаолият мезонлари диққатга сазовордир. Масалан, «Вазир кўзининг тўқ бўлиши уни ҳар хил мол-мулк олдида суқланишдан асрайди. Кўзи оч одам бор оламни еса ҳам тўймайди», дейди олим.

Деҳқон, савдогар, чорвадор, оддий меҳнаткаш аҳли тўғрисида нодир фикрлар билдирилади. «Булар билан яқин бўлгин ҳамиша, то томоқ ташвишин билмасдан яша», деб айтилади.

Айниқса билим ва ақл-идрокка, шу соҳа соҳибларига катта эътибор берилади. «Одамзод наслининг улуғлиги билимдан. У ақл-идрок туфайли не-не тугунларни ечишга қодир», деб ёзади аллома.

Амир Темур ва унинг авлодлари даврида марказлашган давлат барпо этилди, иқтисодиётнинг барча соҳаларида (ҳунармандчилик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, айниқса савдода) муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Бунга тўғри танлаб олинган иқтисодий ғоялар ва иқтисодий сиёсат ёрдам берди.

Амир Темур (1336-1405) давлат ва иқтисодиётни бошқаришда ўзига хос мактаб яратганди. Соҳибқирон давлатида *девони бузург (бош вазир*) дан ташқари ҳар бир вилоятда *Девон* дейилувчи бошқарма бўлган. У давлатнинг буткул ишларини: солиқ йиғиш, тартиб сақлашни, ижтимоий бинолар - бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қиларди. Халқнинг хулқ-атвори кузатиб туриларди. Унинг ходимлари вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш ва тергов ишларини олиб боришарди. Айниқса, тошу-тарози тўғрилиги, одил баҳо текширилган, қаллоб ва товламачилар қатъий жазоланган, энг муҳими бу иш тўппа-тўғри бозорда, халқ олдида амалга оширилган. Савдогарларга олиб келинган мол устига 10 фоизгача нарх қуйиш мумкин бўлган. Темур салтанатини идора қилиш учун турли вазирлар фаолият кўрсатган. Шундай вазирлардан биринчисига ер солиқлари, бож, ўлпон-солиқ ундириш ҳамда миршаблик юмушларини бошқариш юклатилган. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни ҳал қилган, раият аҳволини кузатган, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ, ўлпонларни тақсимлаган.

Иккинчи вазир сипох вазири ҳисобланиб, сипохийларнинг маошлари ва *танхо* (бу ерда - тожу-тахт учун қилган хизматлари эвазига бериладиган инъом маъносида)ларни бошқарган.

Учинчи вазир эса эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётганлар, савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорвасини бошқариб, буларнинг барчасида тўпланган даромадларни омонат тарзида сақлаган. Агар ғойиб бўлганлар ва вафот

этганларнинг мол-мулки бўлса, уларни ўз меросхўрларига топширган.

Тўртинчи вазир салтанат ишларини юритувчи вазир бўлиб, у салтанатдаги жами идораларнинг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган ҳаражат, хатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинган ҳаражатлардан огох бўлиб борган. Вазирлар Девонбегига буйсунган.

А.Темурнинг давлат ва иқтисодиёт соҳасидаги асосий фикрлари «***Темур тузуклари***»да тўла баён этилган. Тузуклар Амир Темурнинг 1342-1405 йиллар оралиғидаги фаолиятини акс эттиради ва икки қисмдан (мақоладан) иборат. Биринчи қисмда асосан ягона давлат барпо этиш, уни мустаҳкамлаш, қўшни (27) юрт ва мамлакатларни забт этиш масалалари ёритилган бўлса, иккинчи қисмда соҳибқирон номидан айтилган ўзига хос васият, панд-насиҳат, турли соҳалардаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодиётга оид фикр-мулоҳазалар келтирилган.

А.Темур мамлакатда гадойлар бўлмаслиги керак, деган қатъий қоидага амал қилган ва унинг йўлини ҳам белгилаб берган. Гадойларнинг барчаси тўпланган ва уларга бир йиллик керакли емиш, кийим-кечак берилган, уларни бирор фойдали иш билан шуғулланишга жалб этилган. Одатда, кўпчилик гадойликни тарк этиб, бирор фаолият билан кун кўрган. Гадойликни тарк этмаганлар қул қилиб сотилган ёки мамлакатдан чиқариб юборилган.

А.Темур вафотидан кейин **Шохрух ва Улугбек** (1394-1449) подшолиги (1409-1449) даврида иқтисодиёт яхши ривожланди. Айниқса қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ муносабатлари ўсди. Бу Мовароуннаҳрда (арабча «дарё ортидаги» (мамлакат) дегани) 1428 йилда Улуғбек томонидан ўтказилган пул ислоҳоти билан боғлиқдир. Жамиятда пулнинг аҳамиятини яхши тушунган ҳолда унинг қадр-қимматини ошириш учун ҳаракат қилинган. Ўша даврда муомаладаги фулусий чақа пуллар енгил вазнда бўлиб, савдо ривожига тўсиқлик қилган. Улуғбек енгил вазнда зарб этилган ва муомалада юрган барча олтин ва кумуш чақа пулларни ман этди. Эски чақаларни янгисига алмаштириб, ички савдонинг майда мис пулларга бўлган талабини қондириш учун у бир вақтнинг ўзида Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шохрухия ва Андижон шаҳарларида зарбхоналар ташкил этиб, бир хил вазндаги салмоқли мис фулусларни зарб эттириб, муомалага киритди. Эски чақалар қисқа вақт давомида янги пулларга алмаштирилиб олингач, мис пуллар зарбини марказлаштириш мақсадида бошқа шаҳарлардаги зарбхоналарга барҳам берилди. Фақат Бухоро зарбхонаси (пойтахт Самарқандда эмас) сақлаб қолинди. Халқ орасида «фулуси адлия», яъни адолатли чақа номи билан шуҳрат қозонган бу янги мис фулуслар мамлакатнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг муомалага кириб, давлатнинг ички савдосини накдина билан тўла таъминлай бошлади. Ички чакана савдо-пул муносабатларидаги танқисликни фулуснинг вазни ва қийматини ошириш билан ҳал этилиши ўрта асрлар шароитида нодир ва фавқулодда воқеа бўлса-да, ҳар ҳолда Улуғбекнинг бундай ислоҳоти мамлакатда ҳунармандчилик буюмларининг ички чакана савдоси учун кенг йўл очиб берди. Айни вақтда ташқи савдодан келадиган даромадни ошириш мақсадида «тамға» божи ҳам бирмунча оширилди, яъни ҳозирги тил билан айтилганда протекционизм сиёсатидан фойдаланилди.

Буюк мутафаккир **Алишер Навоий** (1441-1501) ижодида ҳам иқтисодий ғоялар муҳим ўринни эгаллайди. Унинг асарларида ва фаолиятида айниқса тижорат, савдо масалалари анча мукаммал ёритилган. А.Навоий асарларида савдогарлик иши маъқулланади, лекин товламачи ва чайқовчи фаолияти қаттиқ танқид қилинади. А.Навоий давлат арбоби сифатида мамлакатни тинч сақлаш, ободонлаштириш ишига катта ҳисса қўшди. У тириклигида мингта иншоот

қуришга ваъда берган ва ваъдасининг устидан чиққан, кўпгина мадраса, шифохона, ҳаммом, кўприк, работ ва бошқаларни ўз ҳисобидан қурдирган. Меҳнатнинг инсон ва жамиятдаги ўрнига, дўстликка юксак баҳо берган.

Давлат арбоби ва қомусий олим **Захириддин Муҳаммад Бобур** (1483-1530) ва унинг авлодлари томонидан ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларда катта ишлар амалга оширилганлиги бизга тарихий битиклардан маълум. Хусусан, Бобурнинг «Бобурнома» асарида, «Мубаййин» каби тўпламларида иқтисодиётга оид маълумотларга, шу жумладан солиқ сиёсатига катта ўрин берилган. «Закот тўғрисидаги катта китоб» да эса ўша даврдаги солиқ, унинг турлари тўғрисида қимматли фикрлар билдирилади. Бу асарларни мутаола қилар эканмиз, улардан мамлакатимизнинг бугунги ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ислоҳотларни, ўзгаришларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва амалиётда фойдаланиш учун янги фикрлар, маслаҳатлар топамиз. Айниқса, иқтисодиётга оид, унинг умумий асослари бўлмиш ишлаб чиқариш, шунингдек савдо ва тижоратга оид, солиқ ва бож тўловлари билан боғлиқ бўлган қарашлари бизни қизиқтиради. Эътироф этиш керакки, гарчи бизнинг ҳаётимизда Бобурнинг давлатни бошқариш, ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этиш масалаларига доир алоҳида асари ёки унинг ўз ҳукмронлиги даврида юргизган иқтисодий сиёсатига оид бирламчи манбалар бўлмаса ҳам, илмий билиш ва идрок этиш кучига суянган ҳолда шундай хулосага келамизки, у буюк мутафаккир, қомусий олим сифатида иқтисодий қонунларнинг моҳиятини, иқтисодиётнинг жамият ва давлат ҳаётидаги белгиловчи аҳамиятини чуқур тушунган. Шунинг учун ҳам у долзарб ва адолатли фармонлар ва хукмлар чиқариб, илмий жиҳатдан асосланган иқтисодий сиёсат юргизган, бунинг оқибати ўлароқ у ҳукмронлик қилган даврда давлатда осойишталик, миллий тотувлик, сиёсий-ижтимоий тараққиёт қарор топган. Шу боис ҳам Бобур асос солган салтанат бир неча аср давомида яшади ва тарихда ўчмас из қолдирди. Бобур ва унинг ворислари даврида солиқ масалалари муҳим ўринни эгаллаган .

Бобурнинг «Мубаййин» асари тўла равишда қонунлар ва иқтисодий масалаларга бағишланган. Асарнинг номи ҳам «қонунлар изоҳи» маъносига эга.

Ўрта аср утопиялари

Капиталистик, яъни муносабатларининг шаклланиш даврини мануфактура ишлаб чиқариши ва дастлабки капитал жамғарилиши билан боғлаш мумкин, бу давр XIV-XV асрларни ўз ичига олади, яъни ер эгалиги сусайиши билан боғлиқ.

Бу муносабатларнинг шаклланиши *дастлабки капиталнинг жамғарилиши* жараёни билан ҳам боғлиқ. Адам Смитнинг фикрича, кўп сонли ишлаб чиқариш тармоқларининг ўзаро боғланиш йўли билан ривожида меҳнат унумдорлиги ўсишининг шарти дастлабки капитал жамғарилишидир. Бу жараён объектив, оддий бир воқеа сифатида таърифланади. Тўғри, бу жараён реал тарихий воқеадир, аммо у амалда бешафқат синфий кураш, аҳолининг бир қисмини иқтисодий ва ижтимоий эзиш, зўрлик ва алдов билан боғлиқ бўлди. Бу жараён давомида объектив тарихий қонуният ўзига йўл очди, натижада ишлаб чиқариш нисбатан ўсди, саноат ва савдо шаҳарлари кўпайди, фан ва техника ривож топди. Бу уйғониш даври бўлиб, минг йиллик турғунликдан сўнг иқтисодиёт маданият ва санъатнинг равнақига олиб келди.

Эски феодал муносабатлар емирилиб, янги буржуа-капиталистик муносабатлар туғила бошлади, бу эса осонлик билан бўлмади. Айниқса, деҳқонларнинг ўз ерларидан сиқиб чиқарилиши, мустамлакачилик, иқтисодий экспансия, урушлар оддий хаққа катта офат келтирди. Оқибатда капитализмнинг шаклланиши билан уни танқид қилиш ҳам бошланади, буни илк социал-

утопистлар **Томас Мор** (1478-1535) ва **Томмазо Кампанелла** (1568-1639) амалга оширди.

Идеал (фозил) жамият тўғрисидаги аввалги ғоялар дастлабки социалистик концепциялар билан давом эттирилади.

Т. Мор «**Утопия**» (лот. йўқ жой) (1516) асарида Англияда дастлабки капиталнинг жамғарилиши жараёнида деҳқонларнинг оммавий қашшоқланиши жараёнини акс эттирган. Т.Мор гуманист, давлат арбоби ва ёзувчи бўлган (*1529-32 йилларда Англия канцлери*). У Уйғониш даврининг атоқли арбоби **Эразм Роттердамский**нинг дўсти эди. Католик бўлган. Қиролни инглиз черковининг Олий бошлиғи деб қасамёд қилмаганлиги учун Т.Мор давлат хоини сифатида ҳисобланиб, қатл этилган. Католик черкови томонидан муқаддаслаштирилган (1535). У «***қўйлар одамларни еб қуйди***» иборасининг муаллифидир. Шу даврда деҳқонларни чеклаш, яъни ердан сиқиб чиқариш сиёсати амалга оширилди. Бу жараён мануфактура, кейинроқ эса фабрика ривожи билан боғлиқ эди. Мато тўқиш, жун, айниқса қўй жунига бўлган эҳтиёжни ошириб юборди. Дастлаб ботқоқ, чакалакзор ерлар ўраб олинди ва қўй боқиш учун яйловга айлантирилди, кейинчалик деҳқончилик қилинаётган ерлар ҳам тортиб олиниб, деҳқонлар - *йомен*лар синф сифатида тугатилди. Улар ердан маҳрум қилинди ва кўчага ҳайдалди. Бу ўзига хос аграр инқилоб - саноат тўнтарилиши учун сабаб бўлди, лекин миллионлаб аҳоли қашшоқликка маҳкум этилди. Шу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган Т.Мор қаердаки хусусий мулк ҳукмрон бўлса, асосий бойлик бир қучоқ одамлар қўлига тўпланади, деган хулосага келди. Яна социал офатнинг асоси пулдир, деган эди у. Хаёлий «утопия» мамлакатида ижтимоий мулкчилик (хусусий мулк бўлмаган), умумий меҳнат бўлган, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовўт йўқ эди, ишлаб чиқариш тартибга солинган, иш куни олти соат билан чекланган, пул йўқ қилинган, тақсимот текис ва босқинчилик урушлари йўқ эди. Т.Мор шундай жамиятни қуриш мумкин деб ўйлаган.

Т.Кампанелла Неаполь (Италия) меҳнаткашларининг қашшоқлигини кўрган. У ўзининг «**Офтоб шаҳри**» (1602 й. ёзилган, 1623 йилда чоп этилган) китобида золимларнинг шохона ҳаётини танқид қилади, у ҳам Т.Мор каби, бу тенгсизликнинг асосий сабаби хусусий мулкчилик, дейди. У келажак жамият тўғрисидаги ўз тасаввўрини ҳам беради, улар Т.Морга ухшаш: ижтимоий мулкчилик мавжуд, ҳамманинг меҳнат қилиши зарур, машина меҳнати қўлланилганлиги туфайли иш кунлари чекланган (4 соат), ақлий меҳнат жисмоний меҳнат билан алмаштириб турилади, бунда ҳунармандчилик, чорвачилик ва деҳқончилик билан нисбатан текис шуғулланиш шарт қилиб қўйилади, текис, пулсиз тақсимот амалга оширилади. У файласуф, шоир, сиёсий арбоб бўлган, кейинчалик эса (1582) рохиб бўлган. Испания босқинчиларига қарши исён уюштиргани учун қамоққа олинган, 27 йил камокда ётиб, фалсафа, фалакиёт, сиёсат, медицинага оид ўнлаб асарлар ёзган. Унинг «Офтоб шаҳри» асари денгизчининг ҳикояси шаклида берилган. Янги жамиятда олим кохинлар табақаси томонидан бошқарилувчи идеал жамоа бўлади, хусусий мулк ва оила бўлмайди, болалар давлат томонидан тарбияланади, фан ва маориф тараққий этади (Галилейни ҳимоя қилган).

Файласуфларнинг берган баҳосига кўра, бу олимларнинг жамияти «*хомаки ишланган» «қўпол коммунизм*»дир. Улар асосан ҳунармандчилик ва деҳқончиликка асосланган тенглаштириш хусусиятига эга. Аммо шунисига эътибор берингки, бу кишилар ҳар жиҳатдан таъминланган, билимли давлат арбоби бўлганлар, коммунистик жамият ғояси К.Маркс ва Ф.Энгельсларнинггина ғояси эмаслигини

ҳам эслатиб ўтиш зарур. Хаёлий социализм тўғрисидаги дастлабки ғоялар Осиёда **Абу Наср ибн Муҳаммад Форобий**, Германияда **Томас Мюнцер** (1420-1525)лар томонидан ҳам илгари сурилган. Инжил ва Қуръони каримда ҳам унинг элементлари бор. Марказий Осиёдаги *сарбадорлар* (бошини дорга тикканлар) давлати ҳам шу тамойилларга асосланган (Самарқандда Абу Бакр Калавий, Мавлонозода, Хурдаки Бухорий ва бошқалар).

Кейинчалик Абдурахмон Жомий ва А.Навоий, асарларида ҳам бундай ғоялар бор.

ХУЛОСА

Дастлабки иқтисодий ғоялар инсониятнинг пайдо бўлиши билан шаклланган, аммо бизгача етиб келганлари м.а. 2-минг йилликка тўғри келиб, кўпроқ қадимий Осиё халқларининг хўжалик фаолиятини акс эттиради.

Феодал ер эгалиги даврида натурал хўжалик, айниқса қишлоқ хўжалиги асосий эди, аммо шу билан бирга бу пайтда шаҳарлар сони ўсди, товар-пул муносабатлари ҳам анча ривожланди, нисбатан эркин ва самарали ишлаб чиқариш усули бўлган крепостнойликка ўтилди. Аввалги даврдаги натурал хўжалик ишлаб чиқариши (Т-Т) аста-секин Т-П-Т муносабатлари билан алмаша борди (аграр йўналиш ҳал қилувчи), истеъмол қийматларини яратиш барибир асосий мақсад бўлган ва шу ғоя ҳимоя этилган, меҳнат қуроллари такомиллашмаган даврда бу табиий бир хол эди.

Феодал муносабатлар Шарқда нисбатан эрта таркиб топди ва узоқроқ давом этди. Араб мамлакатларининг иқтисодиётига ислом ақидалари фаол ижобий таъсир этди. Қуръони карим ва хадисларда келтирилган иқтисодиётга алоқадор қонун-қоидалар «Хидоя» ва шу каби бошқа фиқх китобларида кенг ўрганилиб, амалга оширилди, натижада муҳим иқтисодий ғоялар илгари сурилди. Меҳнат, айниқса, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо қўллаб-қувватланди. Исрофгарчилик, меҳнатсиз даромад, айниқса судхўрлик ҳаром деб эълон қилинди.

Миллий иқтисодий тафаккурнинг шаклланишида Марказий Осиёдаги донишмандларнинг ҳамда, халқ оғзаки ижоди намуналарининг аҳамияти шубҳасиз муҳим ўрин тутади. Бундай ғоялар шаклланишининг асосини «Авесто» даги тарихий бой манба ташкил этади. Кейинги босқични эса ислом таълимотининг Ўрта Осиёга ёйилиши билан боғлаш мумкин. Жумладан, Марказий Осиёдаги иқтисодий ғояларнинг равнақ топишида Бурхониддин ал-Марғинонийнинг «Хидоя» асаридаги иқтисодий фикрлар аҳамиятлидир. Кейинги босқичда эса, 9-10-асрдаги иқтисодий ғоялар ривожида муҳим ҳисса қўшган қомусий алломалар Форобий, Ибн Сино, Беруний ҳамда Юсуф Хос Хожибнинг фикр ва қарашлари муҳим ҳисобланади.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср тарихий ижтимоий сабоқлар даври ҳисобланади. Бу даврда Амир Темур бошчилигида ягона туғ остида марказлашган кучли ва мустақил давлат ташкил топди. Бу давлатни идора этиш ва бошқариш учун Амир Темур асосий қонун-қоидалар тўплами «Тузуклар»ни яратди. «Тузуклар» ислом дини мафкурасига асосланган бўлиб, мамлакатни обод этишга ҳизмат қилди. Хўжалик асоси бўлган деҳқончилик ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо кенгайди, фан ва маданиятнинг равнақи учун маълум шарт-шароитлар яратилди.

Амир Темурдан кейин унинг ўғли Шохрух Мирзо ва набираси Мирзо Улуғбек давридаги ислоҳотлар иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва равнақ

топишига шарт-шароит яратди. Айниқса, 1428 йилда Улуғбек томонидан ўтказилган пул ислоҳоти катта ижобий аҳамият касб этди. XV асрдаги иқтисодий ғоялар мажмуасида буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг иқтисодий қарашлари муҳим ўрин тутади. Навоий дастлабки иқтисодий қарашлари «Хилолия» (1469) асарида ўз аксини топган. кейинроқ «Вақфия» (1482) асарида ҳам бойликнинг тўпланиши ва тақсимланишидаги адолатлилик ва ҳақгўйлик жамиятнинг фаровонлигига бевосита таъсири айниқса ижтимоий манфаатларнинг устуворлиги мамлакат ижтимоий иқтисодий тараққиётининг асоси эканлиги алоҳида таъкидланган. «Махбуб-ул қулуб» асарида эса ижтимоий табақаларга тавсиф берилган. Ҳар бир касб ҳунарнинг жамият ижтимоий тузилишидаги ўрнига баҳо берилган. Бобур ва бобурийлар давридаги иқтисодий ғояларнинг негизини ислом таълимотидаги мезонлар ташкил этади. «Закот тўғрисидаги катта китоб», «Мубаййин» каби асарлар шулар жумласидандир. 1601 йилда чоп этилган «Акбарнома» китобида солиқ тартиби ҳамда мураккаб иқтисодий муаммолар ечимига қаратилган қатор фикрлар илгари сурилган.

Ана шундай шароитда хаёлий (утопик) социализм ғоялари таркиб топди. Аслида бу ғояларнинг элементлари илгариги даврда ҳам бўлган. Янги йўналиш тарафдорлари барча офат хусусий мулк ва пулдан келиб чиқади, деб ўйлашган. Улар бойлик ҳамманинг меҳнати асосида, ижтимоий мулкчилик шароитида ҳосил қилинса, хусусий мулк эса текис тақсимот йўли билан (пулсиз) амалга оширилса, барчанинг фаровонлиги таъминланади деган фикрда эдилар.

Адабиёт

Асосий адабиёт

1.James H. The End of Globalization: lesns from the great Depression. Harvard College, 2014

Қўшимча адабиёт

Йўлдошев К, Муфтайдинов К. Иқтисодий таълимотлар тарихидан. Т., Ўқитувчи, 2000

Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. Т., ТМИ, 2003

Раззоқов А. Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари. Т., 2004

Таянч тушунча ва иборалар

Иқтисодий ғоя, қараш, назария, қонун, концепция, таълимот; фан предмети; услуби (методи); манбалар; илмий даврлаш; меркантилизм; классик мактаб; социалистик йўналиш; маржинализм; ўтиш даври иқтисодиёти.

Хаммурапи қонунлари; конфуцийлик; «Артхашастра»; сўдхурлик; экономика; ислом; рибо; Ибн Халдун; «Домострой»; «Авесто»; «Хидоя» асари; исломдаги фарз ва суннат амаллари; закот; ҳалол меҳнат, ҳалол луқма, эхсон, садақа; эхтиёж, бойлик, мулк, давлат; Темур ва Улуғбек ислоҳотлари; Навоий, Бобур; «Утопия»; «Офтоб шаҳри»; илк хаёлий социализм; «қўйлар одамларни еб қўйди».

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанининг ўрни нимадан иборат?
2. Мазкур фаннинг предмети нима?
3. Бу фанни ўрганиш услуби қандай?
4. Фаннинг асосий манбаларини таърифлаб беринг
5. Ушбу фаннинг илмий даврлаш услублари нимадан иборат?
6. Бу фанни ўрганишнинг асосий вазифаси ва аҳамиятини изоҳлаб беринг?
7. Дастлабки иқтисодий ғоялар қачон ва қаерда пайдо бўла бошлади?
8. Хаммурапи қонунлари қачон ва қайси давлатда юзага келди, унинг асосий мазмунини айтиб беринг?.
9. Конфуций ғояларининг асосий мазмуни нимадан иборат?
10. Афлотун иқтисодий ғоялари нимадан иборат, у алмашувнинг қандай шаклини тавсия этади?
11. Ислом динида қандай иқтисодий ғоялар қўллаб-қувватланган? Рибо нима?
12. Ибн Халдуннинг бош иқтисодий асари ва унинг асосий ғояларини таърифлаб беринг?
13. Ғарбий Европа, жумладан Россиядаги иқтисодий ғояларнинг асосини нималар ташкил этади?
14. «Авесто»даги иқтисодий ғояларда ижтимоий меҳнат тақсимотининг қайси жихатларига кўпроқ эътибор берилган?
15. Илк уйғониш даврида Ўрта Осиё олимларининг иқтисодий ғояларининг асосий моҳияти нимадан иборат?
16. Темур ва темурийлар давридаги иқтисодий ғояларнинг асосини изоҳлаб беринг?
17. Хаёлий утопик социализмнинг асосчилари ким?
18. «Қўйлар одамларни еб қўйди» ибораси мазмуни нима, бу ибора қачон ва ким томонидан айтилган?

Асосий адабиёт

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998
Қуръони Карим. Т., Чўлпон. 1992
Темур тузуклари. Т., 1991
Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т., 2002 (1- 4- боблар)
Раззоқов А, Тошматов Ш, Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 1997
Раззоқов А, Тошматов Ш, Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т., Молия, 2002

Қўшимча адабиёт

Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993
Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. Т., Адолат. 1997
Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. М., 1996
Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., ТМИ. 2003
5.Раззоқов А.Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари. Т., 2004.

2-Мавзу. МЕРКАНТИЛИЗМ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ (2 соат)

РЕЖА

1. Меркантилизм иқтисодий таълимотининг моҳияти
2. Илк меркантилизм таълимоти намоёндалари
3. Ривожланган меркантилизм хусусиятлари
4. Меркантилизм ва ҳозирги замон
5.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Меркантилизм, монетаризм, савдо баланси, физиократизм

1. МЕРКАНТИЛИЗМ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ МОҲИЯТИ

Аввалги даврдаги иқтисодий ғояларда натурал хўжалик муносабатларига оид фикрлар устунлик қилган. Янги бозор муносабатлари шаклланиши туфайли, шунга оид иқтисодий таълимот пайдо бўлди, бу меркантилизм таълимотидир.

«***Меркантилизм***» ибораси биринчи бўлиб Адам Смитнинг асарларида ўз ифодасини топди. Луғавий маъносига кўра бу сўз итальянча бўлиб, савдогар мазмунига эга. Бу сўз янги таълимотнинг мазмун ва моҳиятини ўзида акс эттиради.

Узоқ йиллар давомида бойликнинг, халқ моддий фаровонлигининг асоси меҳнат, ер, деҳқончилик ва чорвачилик, ҳунармандчилик деб келинар эди, биз буни юқорида кўрдик. Лекин XV асрга келиб аҳвол кескин ўзгарди. Бу таълимотнинг келиб чиқишига бир қанча социал-иқтисодий сабаблар туртки бўлди. Аввало феодал тузумнинг емирилиши, товар-пул муносабатларининг ўсиши, фан ва маданиятнинг ривожи, айниқса, янги ерларнинг очилиши, буюк географик кашфиётлар, мустамлакачилик тизимининг пайдо бўлиши, савдо-сотиқнинг ривожига туртки бўлди. Ноэквивалент алмашув савдо туфайли метрополия колониялар ҳисобига беқиёс бойиди. Ана шу ўзгаришларни асослаб берувчи иқтисодий таълимот - меркантилизм юзага келди ва муомала сохасини ўрганиш билан шугулланди. Меркантилизм синфий жиҳатдан савдо капиталини ҳимоя қилди. Шу даврга келиб Европада олтин ва кумуш қахатчилиги бошланди. Ҳиндистонда нодир металлар кўп, деган миш-мишлар ва у ердаги мавжуд зираворлар инсонларни янги ерлар очиш, янги бойлик маконларини излаб топишга отлантирди.

Пул вазифасини бажарган нодир металлар (хали қоғоз пул йўқ), уларнинг оханграбо куч-қудрати ҳаммани оёққа турғазди, инсонни ўйлашга, ихтиролар қилишга, ҳаракатга ундади. Оқибатда, денгизда кемалар орқали хавфли йўлга отланиш тараддуди бошланди, ҳариталар тузилди, *компас* кашф этилди, керакли одамлар, асбоб-анжом, сув, озиқ-овқат, қурол-яроғ тўпланди.

Меркантилистик сиёсат ҳам ишлаб чиқилди. Унинг бош вазифаси давлатга кўпроқ олтин ва кумуш келтириш деб аниқланди. Бу даврда пул сифатида қимматбаҳо металлар-олтин ва кумуш ишлатилган, шу сабабли олтин ва кумуш заҳираларини кўпайтириш борасида маълум иқтисодий сиёсатлар ишлаб чиқарилди.

1492 йилда португалиялик **Христофор Колумб** учта кемаси билан тасодиф туфайли *Америка* қитъасини очди (у ўзини Ҳиндистондаман деб ўйлаган, шунинг учун қитъа номи бошқа денгизчи - **Америго Веспуччи**га насиб этди, тарихнинг бу

хатосини тўғрилаш учун бу қитъадаги бир давлатга *Колумбия* номи берилди). Аммо Америка кўпчилик ўйлаганидек олтин-кумушга унчалик бой эмас экан. Ҳиндистонни қидириш яна давом этди ва 1498 йилда **Васко да Гама** томонидан кўпчилик интизорлик билан кутган бу диёрга йўл очилди. Бошқа денгизчи Магелланнинг бутун дунё бўйлаб қилган саёҳати туфайли янги ер, ороллар кашф этилди, улар қисқа вақт ичида Европа давлатларининг мустамлакасига айлантирилди, у ерларда олтин-кумуш конлари очилди, янги хом ашё, экин, ҳайвон турлари очилди, уларнинг Европага кириши бошланди (*пахта, маккажўхори, тамаки, кофе, какао*). Европадаги давлатлар ўртасида (Португалия, Испания, Нидерландия-Голландия, Франция ва Англия) ўртасида кураш ҳам қизиди.[2]

Шаклланиб келаётган янги иқтисодий муносабатларнинг ривожи учун муҳим моддий туртки пайдо бўлди. Капитализмнинг шаклланиши ва ривожи учун капиталнинг дастлабки жамғарилиш жараёни кучайди, унга қулай имконият яратилди. Айниқса савдо ривож топди, босиб олинган ерлардаги арзон-гаров хом ашёлар Европага оқиб кела бошлади, бу ерда тайёрланган тайёр маҳсулотлар эса у ерларга олиб бориб сотилди. Савдо капиталининг роли беқиёс ўсди. Тарихан эса бу капитал умуман капиталнинг дастлабки шакли бўлиб қолди. Ундан кейин эса саноат капитали ажралиб чиқди.

Меркантилизм ривожида икки даврни ажратиш мумкин:

1. *Илк меркантилизм* ёки *монетаризм* (XV-XVI аср ўрталари).

Ривожланган меркантилизм, савдо баланси (ёки мануфактура системаси) (XVI-XVIII аср ўрталари).

Янги таълимот вужудга келиши мануфактура билан бевосита боғлиқдир. Иқтисодиёт тарихида саноатнинг уч хил шаклини ажратиш мумкин: уй ҳунармандчилиги, мануфактура ва фабрика.

Меркантилизмнинг биринчи даври ўша давр ибораси билан айтганда монетар, яъни олтин ва кумуш пуллар, жавоҳирларни тўплаш билан боғлиқ эди. Бунда пул баланси сиёсати олиб борилган, четдан имкони борича кам тайёр товар сотиб олишга ўринилган. Қимматбаҳо металлни ташқарига, четга олиб кетиш тақиқланган. Савдогарларга олиб чиқиладиган маҳсулотнинг бир қисмига пул олиб келиш мажбурияти юкланган (қолгани товар бўлиши мумкин). Чет эллик савдогарларни эса сотилган мол пулининг ҳаммасига янги товар сотиб олишга мажбур қилинган (пул олиб чиқиб кетмасликлари учун). Бу сиёсат назорат кучли бўлишини талаб этган, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожини сусайтирган.

Таниқли иқтисодчи Н.Д.Кондратьев фикрича, меркантилистларнинг иқтисодий тизими амалий сиёсат бўлиб, халқ хўжалиги қаднай бўлиши керак ва унга нисбатан давлат ҳоқимиятининг муносабати масаласи асосийдир.

Меркантилизмни қисқача қилиб қуйидагича таърифлаш мумкин: иқтисодий сиёсатда: мамлакатда ва давлат хазинасида имкони борича нодир металларни (олтин, кумуш, жавоҳир, зар ва дурларни) кўпроқ тўплаш; назария ва таълимотда: савдо, пул оборoти, яъни муомала соҳасида иқтисодий қонуниятларни излаб топиш. «*Инсонлар металл учун қурбон булмоқда*», яъни олтин фетишизми бутун капиталистик жамият ривожига ҳамоханг бўлган янги ҳаёт тарзи ва фикрлашнинг таркибий қисмидир. Айниқса, савдо капитали даврида бу ёрқин намоён бўлди. Савдо капиталининг асосий тамойили - қимматроқ сотиш учун сотиб олиш (бу ҳодиса Ўзбекистонда ҳам ҳозирги давр ўзгаришларида учраб туради). Уларнинг,

[2] Kenen P.B. The International Economy. Cambridge: Cambridge University Press, 2012y.

яъни сотиб олиш ва сотиш фарқи эса сариқ металл шаклида намоён бўлади. Фарқ, яъни фойда фақат ишлаб чиқаришда, фақат меҳнат йўли билан юзага келиши мумкинлиги ҳақида ўйланмайди. Чет элларга кўпроқ чиқариш ва улардан камроқ олиш сиёсати ҳам давлат сиёсатига айланди. Агар давлатда пул кўп бўлса, ҳамма нарса яхши бўлади деган фикр асосий бўлган ва бу давлатнинг, дворянларнинг ва буржуазиянинг талаб-эҳтиёжларига мос тушган. Бу капиталнинг дастлабки жамғарилиши билан бевосита боғлиқдир.

Ҳақиқатдан ҳам ҳар қандай тадбиркорлик пулдан бошланади ва пул капиталга айланади, чунки унга ишчилар ёлланади, қайта ишлаш ёки сотиш учун товарлар сотиб олинади. Уни амалга ошириш ниҳоятда примитив (содда) йўллар билан амалга оширилади, бу ишлар одатда давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви билан, маъмурий йўллар билан бажарилган. Бу жараёнда эса давлатнинг иқтисодиётга аралашуви анча чекланган бўлиб, ривожланган меркантилизм тарафдорлари давлат аралашувини табиий ҳуқуқ тамойилларига мос бўлишини истайдилар.

Қадимги Шарқда пайдо бўлган табиий ҳуқуқ фалсафаси антик дунёда (Арасту ва бошқа олимлар томонидан) ривожлантирилди ва айниқса уйғониш даврида юксалди. Бу ҳуқуқ лар абстракт «инсон табиати» ва унинг «табиий ҳуқуқлари»дан иборат деб қабул қилинган ва кўп ҳолларда Ўрта асрдаги черков ва дунёвий (давлат) деспотизмига қарама-қарши бўлган прогрессив(ижобий) элементлардан иборат.

Файласуфлар ва уларнинг ақидаларига амал қилган меркантилизм амалиётчилари давлатга мурожаат этиб, инсонларнинг табиий ҳуқуқларини таъминлашни талаб этганлар. Ана шу талаблар орасида мулкчилик ва хавфсизлик бор. Бу таълимотнинг ижтимоий маъноси шуки, давлат янги жамият бойлиги ўсишини таъминловчи шароитни яратиши ва қўллаши шарт эди. Иқтисодий таълимотларнинг табиий ҳуқуқ билан алоқаси кейинчалик меркантилизмдан классик иқтисодий мактабга ҳам ўтди. Лекин бу алоқа мазмуни кейинги даврда анча ўзгарди (Франциядаги физиократизм, Англиядаги Смит), чунки бу даврда буржуазия давлат ҳомийлигига унчалик мухтож эмас эди, хатто у давлатнинг имкони борича иқтисодиётга аралашувига қарши бўлган.

М.Блауг фикрича, меркантилистлар илмий дунёқарашининг етакчи тамойиллари қуйидагилар: 1)олтин ва бошқа қимматбаҳо металлар бойликнинг асоси сифатида қаралади; 2) мамлакатга олтин ва кумушларнинг оқиб келишини таъминлаш мақсадида ташқи савдони тартибга солиш; 3)арзон хом ашёни импорт қилиш йўли билан саноатни қўллаб-қувватлаш; 4) импорт қилинадиган тайёр саноат товарларига протекционистик (юқори) таърифлар; 5) экспортни, айниқса тайёр саноат маҳсулот экспортини рағбатлантириш; 6) иш ҳақининг паст даражасини ушлаб туриш учун аҳоли сонининг ўсиши. Шак-шубхасиз, миллий фаровонликнинг асосий шарти сифатида актив савдо баланси ҳисобланган ва бу меркантилизм ғоясининг юраги эди (экспорт импортдан катта).

Таҳлил методи (услуби) сифатида асосан эмпиризм (тажриба)дан фойдаланилади, бунда иқтисодий ҳодисаларнинг ташқи кўринишларигина таърифланиб, иқтисодиётнинг барча соҳаларини ўз ичига олган маълум тизим асосида таҳлил этиш истисно этилади;

Пулнинг кашф этилиши инсонларнинг сунъий кашфиёт оқибати деб ҳисобланади, пулнинг ўзи эса айнан бойлик деб қаралади;

Пул қиймати (қиммати) келиб чиқишини олтин ва кумушнинг «объектив (жонли) табиати» дан ва уларнинг мамлакатдаги миқдори билан белгиланади;

Меҳнатга таклифнинг ўсиши иш ҳақининг юқори эмас, паст бўлиш зарурати билан боғланади;
Давлатнинг тартибга солиши туфайли иқтисодий ўсиш мамлакат пул бойлигининг кўпайиш оқибати сифатида қаралади, бунда ташқи савдо ва савдо баланси сальдосининг ижобий (актив) бўлиши таъминланиши керак.

Мануфактураларнинг ривожи мустамлакалардан келтирилган арзон, кўп ва сифатли хом ашё ҳисобига рўй берди, тайёр моллар эса ўша ва бошқа мамлакатларга олиб борилиб, анча қимматга пулланган. Ноэквивалент алмашув оқибатида метрополия бойиб борган. Бу соҳада Англия юксак ютуқларни қўлга киритди. Агар Англия худудини 1 деб олсак, у ўзидан 120 марта катта бўлган ерни колонияга айлантирган ва ундан усталик билан фойдаланган.

Демак, меркантилизм бўйича бойликнинг асоси пул (давлатда қанча пул кўп бўлса, у шунча бой деб ҳисобланган) ва пул миқдорини давлат ҳоқимияти ёрдамида ошириш мумкин. Аслида меркантилизм буюк географик кашфиётлардан олдинроқ пайдо бўлди ва XVI асрнинг ўрталаригача (асосий олтинлар йиғиб олингунча) яшади.

2. ИЛК МЕРКАНТИЛИЗМ ТАЪЛИМОТИ НАМОЁНДАЛАРИ

Илк меркантилизм даврида чақалар атайлаб ишдан чиқарилган, чунки бу пуллар билан фақат ички савдо оборотини олиб бориш мумкин (ташқи савдода эса мумкин эмас), мақсад - пулни мамлакатда сақлаб қолиш.

Бу сиёсатнинг муҳим намояндалари Англияда **У.Стаффорд**, Италияда **Г.Скаруффи** ва бошқалардир. Масалан, флоренциялик (Италия) банкир **Б.Диванзетти** (1529-1606) пул (чақа)ни иқтисодий организмнинг қонига ўхшатади, демак, агар чақа (пул) бўлмаса (қон каби), организм ўлади. Капитализмнинг ўсиши, савдонинг ривожи туфайли бу сиёсат ўзини оқламади (XVII асрдан бошлаб XVIII асргача), пул баланси сиёсати савдо баланси сиёсати билан алмашди. Бунда давлатдан пул олиб чиқишга рухсат берилди. Албатта олтин ва кумуш пулларнинг аҳамияти йўқолмаган, аммо энди имкон борича четга кўпроқ маҳсулот сотиб, аксинча четдан камроқ келтириш сиёсати олиб борилди, яъни фаол ва ижобий савдога амал қилинди. Буни *протекционизм сиёсати* дейилади (эркин савдога қарама-қарши). Бу сиёсатни айниқса Англия кенг қўллаган.

3. РИВОЖЛАНГАН МЕРКАНТИЛИЗМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ривожланган меркантилизм ёки савдо баланси назарияси XVI асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди ва XVII асрнинг ўрталарида асосан Англияда авж олди. Унинг асосий мафкурачиси **Томас Манн** (1571-1641) эди. Унинг фикрича, пул ташқи савдо оборотида бошлангич масканнни ташкил этади, яъни П-Т-П. Т.Манннинг фикрича ҳар бир савдо капиталисти ўз пулини маълум фойда олиш учун оборотга қўяди. Шундай йўл билан, яъни савдо йўли билан бойиш керак. Товар чиқариш миқдори (экспорт), уни киритиш (импорт) дан ортиқ бўлиши зарур. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш савдони кенгайтириш воситаси сифатида қаралади. Товар, пул, фойда ва капитал орасидаги алоқадорликнинг сабабини топишга ҳаракат қилинган. У Македония подшоси **Филипп Македонский**нинг «*Куч натижа бермаган жойда пулни ишга солиш керак*», деган иборасини яхши кўрган.

Савдо балансини ошириш учун ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга эътибор берилди, бунда биринчи навбатда ёлланма ишчиларнинг иш ҳақини чеклаш ва умуман, халқнинг турмуш даражасини пасайтириш керак, деб топилди. Иш ҳақини чеклаш зарурлиги ғоявий асосда ҳал этилди. Т.Манн ёзишича, «*мўл-кўлчилик ва куч халқни қанчалик бузса, эҳтиёжсиз қилиб қўйса, қашшоқлик ва мухтожлик уни шунчалик ақлли ва меҳнатсевар қилади*» эмиш. Бу албатта, савдо капитали ходимлари ҳар қандай йўл билан имкони борича кўпроқ бойиши учун йўл очиб бериш, демакдир. XV-XVII асрларда меркантилизм ғоялари (пул тўплаш сиёсати, протекционизм, хўжалик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқалар) Европанинг деярли барча мамлакатларида, Португалиядан то Масковиягача ёйилди. Францияда бу ғоя XVIII асрнинг иккинчи ярмида молия министри *Кольбер* томонидан ривожлантирилди. Францияда судхўрликнинг ривожланиши шу сиёсат билан чамбарчас боғлиқ, унинг таъсири асрлар давомида сақланиб қолди ва миллий хусусият касб этди (П-П). Италия иқтисодчилари ҳам (*А.Серра*) бу таълимотни кенг тадқиқ этдилар. Агар инглизларда бу таълимот кўпроқ «савдо» билан боғлиқ бўлса, италияликларда у кўпроқ «пул», «чақа» шаклида намоён бўлган. Германияда меркантилизм камералистика шаклида бўлиб, XIX аср бошларигача расмий иқтисодий доктрина эди.

Аммо меркантилизмнинг иқтисодий ғоялари ва унинг назарий асоси Англияда ишлаб чиқилди. Ўз даври учун бу таълимот анча ижобий воқеа бўлди.

Меркантилизмнинг назарий ва сиёсий сиёсат сифатида миллий ҳарактерда эканлиги ўзининг асосига эга эди. Капитализмнинг тез ривожи фақат миллик рамкаларда мумкин эди ва кўп ҳолларда давлат ҳоқимиятига боғлиқ бўлган, чунки давлат капитал жамғарилишига ёрдам берган ва шу билан хўжалик ўсишини таъминлаган. Меркантилистларнинг қарашлари шу даврдаги иқтисодий ривожнинг ҳақиқий қонуният ва талабларини изхор этган. Нима учун «бойлик», яъни истеъмол қилинаётган ва жамланаётган бойликлар (яъни истеъмол қийматлари) бир мамлакатда бошқасиникидан тезроқ ўсади?

Корхона ва айниқса давлат миқёсида бойлик тезроқ кўпайиши учун нима қилиш мумкин ва зарур? деган савол туғилади. Меркантилистлар шу саволга жавоб беришга ўриндилар.

Давр тақозоси туфайли саноат ҳали феодалистик, аниқроғи капитализмгача бўлган шаклда эди ва саноат капитали ҳали етакчи эмас эди, асосий капитал савдода тўпланди. Шу даврда Ост-Индия, Африка ва бошқа колонияларнинг асосий мақсадлари савдо билан боғлиқ эди. «Миллий бойликка» асосан ва кўпроқ савдо капитали сифатида қаралган ва асосий иқтисодий категория - алмашув қийматига катта эътибор берилган.

Арасту, Ибн Халдун ва бошқа олимларга тегишли бўлган эквивалент (тенг) алмашув тамойили меркантилистларга ёт эди. Аксинча уларнинг фикрича алмашув табиатан тенгсиз, яъни ноэквивалентдир. Бу ғоянинг келиб чиқиши тарихан бўлиб, улар алмашув деганда биринчи навбатда ташқи савдо алмашувини тушунишган, айниқса ривожда ортда қолган халқлар ва мустамлакалардаги алмашув олдиндан тенг бўлмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқа йўналиш (Арасту), ўрта асрдаги тадқиқотчилардан фарқли равишда меркантилистлар қийматнинг меҳнат назариясини ривожлантирмадилар. Уларнинг фикрича, капиталнинг ўсиши ва жамғарилиши алмашув туфайли, айниқса ташқи савдо туфайли рўй беради, лекин улар кўп масалаларни тўғри ҳал этишга интилганлар. Меркантилизм бу даврда

халқ манфаатларидан йирок сиёсатни олиб бораётганлиги очиқдан-очиқ маълум бўлиб қолди. Баъзи бир инглиз муаллифлари, масалан *Ж.Чайлд, У.Темл* бошқача йўл, яъни ссуда капитали миқдори (фоиз)ни камайтиришни таклиф этган. Меркантилистларнинг ғоялари буржуа сиёсий иқтисодининг аввалги давр қарашларини акс эттиради, чунки улар асосий эътиборни муомала соҳасига қаратган эдилар (бойлик асосан ишлаб чиқариш соҳасида юзага келади, буни кейинроқ кўрамиз). Меркантилизм турли давлатларда асосий соҳаларда бир хил намоён булса ҳам ўзига хос миллий хусусиятларга ҳам эга. Капиталистик ишлаб чиқаришга имкони борича кўпроқ аҳолини жалб этиш муҳим деб ҳисобланган, чунки реал иш ҳақи паст бўлган шароитда фойда келиши ошади ва капитал жамғарилиши тезлашади.

Пул тизимини тартибга солиш, бу борада давлатнинг ролини ошириш қўлланган. Айрим мутахассислар, Т.Манн четга нодир металлар чиқаришга рухсат бериш тарафдори эди. Унинг фикрича, деҳқон ҳосил олиш учун ерга дон сепиши керак бўлгани каби, савдогар ҳам четга пул олиб чиқиши ва унга чет эл товарларини сотиб олиши, уни кўплаб олиб келиб, яна қайтадан сотиши ва янги қўшимча пул ишлаб, миллатга фойда келтириши керак. Мамлакат қуйидаги халқаро алмашув йўллари билан фойда олиши мумкин: товарлар, хизматлар, нодир металлар экспорти ёки инвестиция шаклида капитал импорти (чет элдаги капитал фойдаси шаклида ҳам бўлиши мумкин). Давлат сарфлари қуйидагича: товарлар импорти, яширин импорт, нодир металлар импорти ва чет эл активлар шаклидаги капитал экспорти. Одатда бу икки ҳолат тенг бўлади. Аммо меркантилистлар шу йўл билан фойда олиш мумкинлигига ишонганлар, бу бироз хато фикрдир (қуйида кўрилади).

Меркантилизм таълимот сифатида ҳам, иқтисодий сиёсатдаги йўналиш сифатида ҳам турлича эди: эскираётган феодал муносабатларга қарама-қарши ва янги буржуазияни қўллаш орқали ўз даври учун прогрессив бўлган илк капитализмнинг шаклланишига яхши имконият яратди. Аммо Францияда Людовик XIV («Давлат бу мен» деган) ва Кольбер томонидан мануфактураларни кўпайтириш усули миллий саноатни ривожлантириш учун эмас, абсолютизмни мустаҳкамлаш, қирол хонадонининг сарф-ҳаражатларини қоплашга қаратилди. Германиядаги **камералистлар** ҳам мавжуд ҳоқимиятни қўллаш, аҳолини эса уларга сўзсиз буйсундиришга ҳаракат қилдилар. Меркантилизм билан бирга ***сиёсий иқтисод*** тушунчаси ҳам кириб келди. Бу тушунча франциялик **Антуан Монкретьен Сьер де Ваттевиль** томонидан киритилди (1565-1621). У 1615 йилда «**Сиёсий иқтисод трактати**» китобини ёзди. Бундаги асосий ғоя - «*кўп сотишу, кам сотиб олиш*». Олим ўз ғоялари буйича фаол меркантилист эди.

«Сиёсий иқтисод» тушунчаси ва шу номли фан XX асрнинг 90-йилларигача яшаб келди, айниқса собиқ социалистик деб аталган мамлакатларда бу ном машхур эди, чунки давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувини қонуният даражасига кўтарган эди. Ғарбда XIX аср охирида (А.Маршалл) бу ибора «экономикс» шаклида қўлланила бошланган (бу ҳақида қуйида гап боради). Англияда қишлоқ хўжалиги ва саноатда капиталистик ўзгаришлар эрта амалга ошган ва бунга меркантилизм ҳам ёрдам берган бўлса, Францияда аҳвол ўзгача эди. Францияда янги меркантилизм сиёсати (Людовик XIV) ҳукумат аъзоси (молия назоратчиси ва денгиз ишлари вазири) Жан Батист Кольбер (1619-1683) томонидан кенг олиб борилди (бу сиёсат **кольбертизм** деб аталади). Бу давлатда феодал муносабатлар (айниқса майда деҳқончилик) кенг тарқалгани учун Кольбер асосий эътиборни саноатга қаратди ва аграр соҳани деярли эътиборга олмади. Масалан, четдан

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари келтириш қўлланган, чиқариш эса чекланган, дон нархи давлат томонидан паст ушлаб турилган.

Бу сиёсатда саноат биринчи ўринга қўйилади ва айниқса қишлоқ хўжалигининг пасайишига олиб келди, бу эса норозиликларга сабаб бўлди. Шундай ҳақиқатга яқин ривоят борки, унга кўра ишбилармонлар Кольберга шикоят қилишган, шунда у «нима истайсизлар» деб сўраганда французча «laisser faier» (қилишга рухсат беринг, яъни ўз-ўзидан давом этаверсин) деган эканлар, яъни «бизга эркинлик беринг» дегани. Бу ибора ҳозирги даврда ҳам соф эркин иқтисодиёт принципларини, биринчи навбатда, давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслигини талаб этади (либерализация, лэссэ-фэрр).

Меркантилизмнинг яна бир шакли **камералистика** (лотинчада-хазина) бўлиб, айниқса, Германияда кенг тарқалган. Бу ғоя тарафдорлари йирик феодаллар хўжаликларини бошқариш масаласини юқори қўядилар ва буни идора доирасида ҳал қиладилар. Демак, янги таълимот бўйича иқтисодиётда давлат роли биринчи ўринга қўйилади. Амалда эса турли-туман фармон, фармойиш, қонунлар юзага келиб, эркин рақобатга йўл берилмас эди. Ҳунармандчилик буйича цех тизими, феодалларнинг имтиёзларини ҳимоя қилувчи қоидалар сақлаб қолинди (тенглик йўқ). Бу тизим Францияда XVIII аср охиригача, Англияда XIX аср бошларигача сақлаб келинди.

Меркантилизм бозор иқтисодиётининг биринчи таълимоти эди. Бу таълимот барча мамлакатларда тарихан прогрессив ҳарактерга эга. Меркантилистлар биринчи марта бойлик сифатида истеъмол қийматини эмас, балки алмашув қийматини қабул қилдилар. Улар қийматни ва демак бойликни пул билан тенглаштириб, оддий тил билан айтганда кўпол, содда шаклда бозор-капиталистик иқтисодиётнинг сири, унинг алмашув қийматига тўла тобеъ эканлигини очиб қўйдилар. Хуллас, меркантилистлар қийматнинг меҳнат назариясидан анча узоқда эдилар. Меркантилизм (протекционизм) сиёсати капиталнинг дастлабки жамғарилишини ва демак, феодализмдан капитализмга ўтишни тезлаштирди.

4. МЕРКАНТИЛИЗМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

XVIII асрнинг охирида меркантилизм иқтисодий таълимот йўналиши сифатида тарих саҳнасидан тушди. Саноат инқилоби (тўнтариши) шароитида бу таълимот ва унга асосланган сиёсат ҳаёт талабига жавоб бермай қўйди. Хуш, бу таълимот нега тарих синовидан ўта олмади, унинг «бўш жойлари» нималардан иборат?

Бу таълимотнинг хатоларини классик мактаб вакиллари, хатто айрим меркантилистлар ҳам тан олган. А.Смитнинг фикрича, бу «бизнинг савдогар ва саноатчилар томонидан сотқин парламентга ўтказилган протекционистик англашилмовчиликнинг қоришмасидан иборат ва бойлик бу пулга эгалик билан боғлиқ энг оддий тушунчадан иборат. Агар ўз бойлигини ошираман деса, ҳар бир индивид каби давлат ҳам олаётганидан кам сарфлаши керак. Истеъмол этилганидан ташқари қайси моддий шаклда бўлади? Оддийроқ айтганда, даромад ва буромаднинг фарқи нимада ифодаланади? Меркантилистлар уни мустаҳкам пул ёки олтин, зеб-зийнатлардан иборат деб билганлар. Пул ва капитал ўртасида тенглик қўйилиши хато эди. Шунингдек, савдо балансининг актив сальдоси билан йиллик фойданинг истеъмолдан ортиқчаси ҳам тенглаштирилган. А.Смит ва унинг издошлари бу таълимотнинг хатоларини шундай изоҳлайдилар.

Ўша даврдаги (ва ҳозирги) олимларнинг фикрича, мамлакат бойлиги олтин ва кумуш заҳираларидангина иборат бўлмай, ер, қурилиш ва бошқа кўплаб истеъмол молларидан иборатдир. Масалан, В.Петти Англиянинг XVIII аср охиридаги пул миқдорига баҳо бериб, бу пуллар барча мулкнинг 3 фоизидан камроқ эканлигини исботлаб берди. Актив савдо баланси фақат вақтинча самара беради. 1630 йилда Т.Манн ўзи ҳам мамлакатга қимматбаҳо металларнинг оқиб келиши ички баҳолар кўтарилишига олиб келишини ва «*қимматроқ сотиш, арзонроқ олиш*» доктринаси мамлакатнинг ўзига қарши эканлигини тушунди.

Таниқли инглиз иқтисодчиси **Р.Кантильон** (1680-1734) ва **Д.Юм** (1711-1776)лар ҳам меркантилистлар ғоясининг нотўғри эканлигини исботлаб бердилар. Соф автоматик механизмлар савдо килаётган давлатлар ўртасидаги «пул металларининг табиий тақсимланиши»га ва ички баҳолар даражасининг шундай ўрнатилишига олиб келадики, ҳар бир мамлакат экспорти унинг импортига тенг бўлади. Алоҳида мамлакатда ҳар бир қўшимча олтин қазиб олиш ҳажмлари бошқа мамлакатларга нисбатан ички баҳолар даражасини оширади. Импортнинг экспортдан ортиқлиги оқибатида олтиннинг оқиб кетиши билан қопланиши керак. Бу жараён савдо қилаётган барча давлатларда экспорт ва импорт ўртасида олтинга юқорироқ талабга мос бўлган янги тенглик пайдо булгунча давом этади. Ташқи савдо ва олтин, туташ идишлардаги сув бир сатҳда бўлишига интилгани каби, актив савдо баланси ортидан қувиш ўз-ўзини инкор этади.

1690 йили **Жон Локк** баҳоларнинг муомаладаги пулнинг миқдорига маълум пропорцияда ўзгаришини аниқ кўрсатиб берди. Лекин импорт капитал кўпроқ қўлланиладиган хом ашё ва ярим фабрикатлардан, экспорт ва меҳнат интенсив қўлланиладиган охирги маҳсулотдан бўлиши умумий қоида сифатида қабул қилинган, чунки меҳнатнинг соф экспорти мамлакат ичида аҳолини иш билан бандлигини қуллайди ва чет эл манбаларидан фойдани кўпайтиради. Меркантилистлар ўзларининг юқоридаги яхши маълум ғояларига ҳарбий ва стратегик соҳани ҳамда ҳали мустаҳкам оёққа турмаган саноатни ҳимоя қилиш кераклигини ҳам қўшадилар.

Шундай килиб, классик иқтисодий мактаб вакиллари (*В.Петти, П.Буагильбер, А.Смит* ва бошқалар) меркантилизмни қаттиқ танқид остига олдилар ва бу ҳукм асрлар давомида сақланиб келди. Меркантилизмнинг ғояларини амалда жорий қилиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги *Жон Лолоу* тарихий тажрибаси мисолида ибратлидир. Эслатма. Бу масала талабалар томонидан мустақил ўқиш учун берилади. Европада протекционизмнинг тикланиши (Англияда протекционизм, Францияда континентал қамал (блокада) ва бошқалар) ва немис тарихий мактаби (бу ҳақда қуйида гап боради) вужудга келиши билан меркантилизм ғоялари яна тилга олина бошланди. Аввал *Рошер* ва *Шмоллер*, сўнгра уларнинг инглиз издошлари *Каннингем* ва *Эшли*лар меркантилизм ғояларини тўла рационал ва маълум истак-натижаларига эришувда, масалан, миллий автаркия ва давлат ҳоқимиятини кучайтиришда ярокли сиёсат деб қарадилар.

А.Смит машҳур асарининг бир жойида оҳистагина *«Мамлакат хавсизлиги фаровонликдан муҳимроқ»* деб ёзиш билан шундай нуқтаи назарни илгари сурдики, унга кўра меркантилистлар жиддий қабул қилиниши керак эди. Бу муносабат меркантилизм давридаги бош масалалардан бирига ойдинлик киритишга имкон берди: давлат қурилишининг мақсади кушни давлатлар иқтисодий куч-қудратини пасайтириш ҳисобига ҳам эришилади, бунда ушбу давлат қудратининг ошиши рўй беради. Локкнинг фикрича, бу шундай рўй беради: «бойлик» олтин ва кумушнинг

оддий кўплигинигина англатмайди, балки бошқа давлатларникидан ортиқроқ бўлади. Ҳақиқатдан ҳам, кўпчилик меркантилистлар шундай нуқтаи назарни ҳимоя қилганларки, унга кўра миллатларнинг иқтисодий манфаатлари антагонистик, яъни қарама-қаршидир, гўёки дунёда чекланган миқдордаги ресурслар мавжуд, уларни эса бир давлат иккинчи давлат ҳисобига олиши мумкин. Бу меркантилистларнинг «*кушнингни талон-торож қил*» деган сиёсатини уялмасдан ҳимоя қилишини тушунтириб беради. Ундан ташқари бу ғояда ички истеъмолни камайтириш миллий сиёсатнинг мақсади қилиб кўрсатилади. Меркантилизмни қайтадан қўллаш, классик мактабни (бу ҳақда қуйида гапирилади) тан олмаслик, капитализм йўлига кейинроқ ўтган давлатларда рўй берди. Янги давлатлар иқтисодиётда тўла эркинликка қарши эди, ёки бу эркинлик фақат кучли Англия учун кулайлик ва устунлик беради деб бежиз ўйламаганлар. Шу сабабли бу ерда меркантилистларнинг давлатнинг иқтисодиётни бошқариш, протекционизм, мамлакатда пул мўл-кўллигини таъминлаш ва бошқалар ҳукуматлар сиёсатига айлантирилди.

ХХ асрда монополистик жараёнлар ривожи билан давлатнинг иқтисодиётдаги роли тобора ошиб борди. Инқирозлар тез-тез такрорланиб турди. Айниқса, 1929-1933 йиллардаги иқтисодий инқироз бутун дунёни ларзага солди. Шу даврда *Ж.М.Кейнс* номи билан боғлиқ таълимот юзага келди. У «**Меркантилизм тўғрисидаги мулоҳазалар»** ва **«Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси**» (1936й.) номли асарларида меркантилизмнинг айрим ғояларини қўллайди, унда «амалий донолик» куртаклари борлиги таъкидланади. Экспортнинг импортдан кўплиги, олтинларнинг оқиб келиши эса пулга таклифни кучайтириб, фоиз ставкаларини пасайтиради ва шу билан инвестиция ва бандликни рағбатлантиради. Кейнс шуларни «*меркантилизм доктринасидаги илмий хақиқат уруғлари*» деб атайди. Умуман, Ж.М.Кейнс мавжуд шароитларда классик мактаб ақидалари иш бермаслигини таъкидлайди, ҳозирги тил билан айтганда бозор муносабатлари автоматик равишда барча зиддиятларни ҳал эта олмайди, шу сабабли давлатнинг иқтисодиётга фаол иштирок этиши таклиф этилади (булар ҳақида тўла маълумот кейнс берилади).

Кейнс ўзини меркантилистлар билан яқинлаштирувчи тўрт соҳани берди:

1. Меркантилистлар мамлакатдаги пул массасини оширишга интилиб, ссуда фоизини пасайтириш ва инвестицияларни рағбатлантиришни ўйлаганлар;

2. Меркантилистлар баҳолар ошувидан қўрқмаганлар ва юқори баҳолар савдо ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришини рағбатлантирган. Кейнснинг фикрича, «мўътадил инфляция» иқтисодий фаолликни қўллаб-кувватлайди;

3. Меркантилистлар «пулнинг етишмаслиги ишсизликнинг сабабчиси эканлиги» тўғрисидаги тушунчанинг асосчилари бўлганлар. Кейнснинг фикрича, банк ва давлат бюджети камомадини кредит экспансиясини ошириш йўли билан пул микдорини ошириш ишсизликка қарши кўрашишда муҳим қурол бўлиши мумкин. Ишсизлик бир қанча объектив сабабларга боғлиқ эди, масалан аграр соҳада у кўпинча мавсумий эди, яъни қишлоқ хўжалиги ишларининг тугашига ёки кам ҳосилли йилларга тўғри келади. Хатто саноатда ҳам бу холат қайд этилади, яъни дарёдаги қишки музлар ёки баҳорги тошкинлар сув тегирмонларини тўхтатиб қуйганидек;

4. Меркантилистлар ўз сиёсатларининг миллий ҳарактери ва унинг урушлар очиш йўналишини очиқдан-очиқ намоён қиладилар. Кейнс протекционизм мазкур мамлакатда ишсизлик муаммосини ҳал этишга ёрдам бера олади деб ҳисоблаган ва иқтисодий миллатчилик тарафдори бўлган.

Бунга яна бир масалани, бешинчи моддани ҳам қўшмоқ керак, чунки давлат бу ҳолатда иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди. Буни Кейнс ўз-ўзидан равшан нарса деб тушунган бўлса эҳтимол. Маълумки, XX аср 60-70-йиллари мустамлакачилик тизимининг емирилиши ва кўплаб янги мустақил давлатларнинг вужудга келиш даври ҳисобланади. Бу даврда «номеркантилизм» ғоялари илгари сурилмоқда. Ёш, ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигида иқтисодиётда давлат секторининг катталиги, халқ хўжалигида режа ва дастурлар мавжудлиги, миллий саноатни божхона тарифлари билан ҳимоя қилиш ва бошқа чоралар «номеркантилистик» ҳисобланади. Икки томонлама савдо шартномалари, давлат заёмлари йўли билан индустриализацияни молиялаш, баҳоларни тартибга солиш ва монополиялар даромадини чеклаш ҳам шу таълимотга тўғри келади.

90-йилларда бошланган, илгариги социалистик ривожланиш йўлидан бораётган давлатларнинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий сиёсати ҳам кўп жихатдан юкорида келтирилган ҳолатларга жуда ўхшашдир. Айниқса, тадрижий (эволюцион) йўлни танлаган давлатларда бу сиёсат анча кучлидир (бу тўғрида керакли маълумотлар кейин берилади). Шу сабабли меркантилизм таълимотини ҳар томонлама ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

XV аср охири - XVIII асрлар давомида янги иқтисодий таълимот - меркантилизм ва у билан боғлиқ сиёсат пайдо бўлди. Бу таълимот бўйича миллат (халқ) бойлигининг асоси муомала соҳасида юзага келади (аввалги қарашлардан принципиал фарқ қилади). Бу таълимотда икки даврни ажратиш мумкин:

1. Илк меркантилизм ёки монетаризм (яъни пул дегани) XV-XVI асрларда (қисман XVII асрда) мавжуд бўлди ва бойлик асосан олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо жавоҳирлардан иборат бўлади, деган ғояни илгари сурди. Шунга оид сиёсат ҳам олиб борилган, унда четдан имкони борича кўпроқ нодир металлар келтириш ва уларни четга камроқ чиқариш тарғиб қилинган.

2. Ривожланган меркантилизм таълимотида бойлик савдо-сотиқ соҳасида савдо баланси асосида юзага келган, имкони борича кўпроқ экспорт қилиш ва мумкин қадар камроқ импорт қилиш ғояси илгари сурилган.

Меркантилизмнинг айрим мамлакатлардаги кўриниши миллий хусусият касб этган, айниқса Францияда *кольбертизм*, Германияда *камералистика* шакллари яхши маълум. Бу таълимот янги туғилаётган жамият - капитализм ривожи учун ижобий прогрессив ҳарактерга эга бўлди. Капиталнинг дастлабки жамғарилишига имкон яратди, мустамлакачилик тизимини қўллаб-қувватлади, товар-пул муомаласи ривожига олиб келди, молия тизимининг ривожи туфайли иқтисодиёт жонланди. Меркантилизм таълимотида давлат иқтисодиётга фаол иштирок этиши шарт, шунга оид иқтисодий сиёсат ҳам юзага келди.

Меркантилизм тарихан чекланган бўлса ҳам (у XVIII асрда тўғри ва қаттиқ танқидга учради), таълимотлар тарихидан муносиб ўринни эгаллайди. Лекин бу таълимот ва унга асосланган сиёсатни тўла амалга ошириш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги Жон Ло тажрибасидан маълум. Маърузанинг бу қисми талабаларга мустақил тайёргарлик қуриш учун берилади. Меркантилизм молия тизими ва савдо ривожига муҳим ҳисса қўшди.

Таянч тушунча ва иборалар

Меркантилизм; монетаризм; мануфактура; савдо капиталининг асосий тамойили; кольбертизм; камералистика; протекционизм; «сиёсий иқтисод»; актив савдо баланси.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Меркантилизм таълимотининг мазмуни ва унинг босқичлари, умумийлик ва фарқлари нимадан иборат?
2. Бу таълимот вужудга келишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари.
3. Меркантилизм бўйича бойликнинг асоси нима?
4. Бу таълимотнинг айрим мамлакатлардаги миллий кўринишлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни айтиб беринг.
5. Мамлакатда қимматбаҳо металлар миқдорини кўпайтириш учун қандай чоралар курилган?
6. «Актив савдо», «савдо сальдоси» иборалари нимани англатади?
7. Меркантилизм таълимотининг таниқли намояндалари кимлар?
8. «*Капиталнинг дастлабки жамғарилиши*» нимани англатади, унинг асосий манбалари нима? Санаб беринг.
9. Жон Ло тизимининг моҳияти, аҳамияти, инқирозининг сабаблари.
10. Акционер жамиятларининг молия тизимида «Пирамида» усулининг моҳияти.
11. Меркантилизм таълимотининг тарихий аҳамияти ва тақдири.
12. Бу таълимотнинг ҳозирги давр иқтисодий таълимотларига таъсири.

Адабиёт

Асосий адабиёт

Kenen P.B. The International Economy. Cambridge: Cambridge University Press, 2012y.
Всемирная история экономической мысли. ТТ.1-2. М., Мысль, 1987
Майбурд. Введение в историю экономической мысли. М., 1996
Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т., 2002 (5-боб)

Қўшимча адабиёт

Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., ТМИ. 2003
Марк Блауг. Экономическая мысль в ретроспективе. М., 1996
Ядгаров Я.С. История экономических учений. М., 2009
Новиков А.А. История экономических учений. М. Издательство: МИЭМП, 2010
Автономов В.С., Ананьин О.И., Макашева Н.А. История экономических учений: Учебник Серия: «Высшее образование»., М.: Инфра-М, 2010 г.

3-Мавзу. Илк классик мактабнинг вужудга келиши давридаги таълимотлар (2 соат)

РЕЖА

1. Англия ва Францияда классик иқтисодий мактаб вужудга келишининг шарт-шароитлари
2. В.Петти - Англия классик иқтисодий мактабининг асосчиси

3. XVII-XVIII асрларда Франция тараққиётининг хусусиятлари ва унинг П.Буагильбер қарашларида акс этиши
4. Физиократизм. Ф.Кенэ ва А.Тюргонинг иқтисодий таълимотлари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ташқи савдо, классик , мануфактура, йоменлар, фермерлар, солиқ

1. АНГЛИЯ ВА ФРАНЦИЯДА КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБ ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

XVII-XVIII асрларда Ғарбий Европада саноатнинг тез ривожланиши мануфактура давридаги (ташқи савдо ривожига тўсиқ) протекционизм сиёсати ва (тадбиркорлик ташаббусини бўғувчи) давлатнинг иқтисодий ҳомийлигига муҳтожлик йўқолди. Англиядаги XVIII аср ўрталаридаги саноат инқилоби жамоатчилик диққатини савдодан индустрияга жалб этди. Ишлаб чиқариш тадбиркорларни даромад олишнинг асосий манбаи сифатида янада кўпроқ қизиқтира бошлади. Аввалдан маълум инқилобий ғоялар амалий талабларга жавоб бермай қолди. Иқтисодий эркинлаштириш концепцияси янги ғоянинг асоси эди.

Меркантилизм ўрнига **классик** (лот. намунали, ҳақиқий) иқтисодий мактаб вужудга келди. Чунки аввалги таълимот саноатлашаётган соҳибкорлар талабларига жавоб бермай қўйди («Классик мактаб» атамаси К.Маркс томонидан берилган). Пайдо бўлаётган янги муаммоларни ҳал этиш янги йўналиш тарафдорлари зиммасига тўғри келди. Унинг намояндалари ўз илмий тадқиқотларининг асоси қилиб кишиликнинг ишлаб чиқариш соҳасини олдилар ва капитализмни илмий таҳлил қилиш бўйича дастлабки муҳим қадамни қўйдилар. Классик мактаб ишлаб чиқаришнинг янги усули шаклланаётган ва мустаҳкамланаётган даврда вужудга келди. Капитализм айрим мамлакатларда тарихий шарт-шароитларга мос равишда феодал муносабатларнинг сақланганлик даражасига қараб турлича ривожланди. Бу жараёнлар дастлаб XVI асрда Англияда рўй бера бошлади. Феодализм емирилиб, унинг заминида капиталистик, яъни бозор муносабатлари шакллана борди. Уй ҳунармандчилиги урнига ***мануфактура***нинг кириб келиши катта ижобий воқеа бўлди. Тарих, халқ хўжалиги тарихи ва бошқа ижтимоий фанларни ўқиганда ҳунармандчилик, цех ва мануфактура нима эканлиги баён этилади, уй ҳунармандчилигида ҳамма асосий ишлар бир одам ёки оила томонидан бажарилган (хом ашёни тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш...), унда аниқ меҳнат тақсимоти йўқ, мануфактурада эса (*manu* - қул, *facture* - тайёрлаш) меҳнат тақсимоти, кооперация, ёлланма ишчи кучи, демак, капиталистик ишлаб чиқаришнинг куртаклари пайдо бўлди. XVI асрдан бошлаб дастлаб Англияда деҳқонларнинг ердан маҳрум қилиниши (ер йирик лендлордлар қўлига ўта бошлади) рўй берди, **йоменлар** - деҳқон синфи тугатилди, оқибатда капиталистик **фермерчилик** юзага келди (улар ерни лендлордлардан узоқ муддатли ижарага олган), улар ёлланма меҳнатдан (крепостнойлик эмас) кенг фойдаланган, кейинчалик техникани, илмий техника янгиликларини кенг қўллаганлар. Аграр инқилоб, ислоҳот номини олган бу ўзгариш мануфактура саноатининг ривожи билан боғлиқ. Дастлабки пайтларда бу соҳада мато тўқиш асосий эди. У ниҳоятда фойда келтирувчи соҳага айланди. Матога талаб ошди, уни қондириш учун, саноат учун керакли хом ашё базасини яратиш талаб қилинди. Хом ашё эса жун бўлиб, қўйлардан олинарди. Мануфактура ривожига жун керак, бунинг учун қўйлар сонини ошириш талаб этилди, кўп қўй бокиш учун эса янги кенг яйловлар зарур, оқибатда чакалакзор, ботқоқ, бўз ерлар чегараланиб

(«ерларни чегаралаш» деган ибора шундан келиб чиққан) яйловга айлантирилди, деҳқон (йомен)лар ўз ерларидан ҳайдаб чиқарилдилар, ерлари эса тортиб олиниб, яйловларга айлантирилди. Бу жараённинг муҳим аҳамияти бор: 1. мануфактура (саноат) учун хом ашё кўпайди; 2. саноатга кўп ва арзон ишчи кучи етказиб берилди (ердан маҳрум бўлган, ҳайдалган деҳқонлар иш қидириб шаҳарларга борганлар). Оқибатда саноат тез ўса бошлади, янги синфлар пайдо бўлди. Демак, саноатдагина эмас (мануфактура), қишлоқ хўжалигида ҳам капиталистик муносабатлар ғалаба қозонди. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига йўл очиб берилди. Лекин кўплаб деҳқонларнинг *экспроприация* қилиниши (ерсизлантирилиши), уларни зўрлик йўли билан ёлланма меҳнатга жалб этилиши (чунки бошқа илож йўқ) қарама-қаршиликни кучайтирди, оқибатда 1641-1660 йилларда Англияда инқилоб бўлиб ўтди. XVII асрдаги Нидерландиядан кейинги иккинчи бу инқилоб буржуа инқилоби бўлиб, у Англиядаги феодал жамиятга чек қўйди. Англия республика деб эълон қилинди, парламент вужудга келди, демократик жараён кучайди.

Англия иқтисодиётида, соҳибкорларнинг бойишида мустамлакачилик сиёсати катта ўрин эгаллади. Голландия, кейинчалик Франция устидан денгизда эришилган ғалаба туфайли Англия жаҳондаги энг йирик ва кучли денгиз давлатига айланди. Инқилобгача ва то 1830 йилларгача бу ерда протекционизм (савдода четга кўпроқ чиқазиб, четдан камроқ киритиш) сиёсати (экспорт импортдан кўп) ўтказилган, бу эса савдонинг (айниқса ўз мустамлакаларига) кескин ўсишига олиб келди. Демак, савдо, товар-пул муносабатлари ҳам кескин ошди.

Халқ хўжалигининг юксак ривожи илмий кашфиётларни тақозо этди. Шу даврда Англияда табиий фанлар, айниқса механиқа, астрономия ва физика тез ривож топди. Бу даврнинг энг буюк вакили **Исаак Ньютон**дир (1643-1727йй.), **Томас Гобс** (1588-1679йй.) инглиз файласуфи, механистик материализм системасининг асосчиси сифатида катта аҳамиятга эга. Унинг фикрича, жамият механизмга ўхшаш нарса, унинг оддий элементи инсон деган ғоя ётади. «*Инсон инсонга бўри*» ибораси шу олимга тегишли, унингча эгоизм инсонни ҳаракатлантирувчи кучдир (бу фикр Смитда яхши берилган). Бу олимда тарихга зид фикрлар мавжуд бўлишига қарамай , унинг фикрича, ижтимоий ҳаётда ҳам худди табиатдаги каби объектив қонуниятлар мавжуддир. Ана шундай шароитда классик иқтисодий мактаб шаклланди ва ривожланди. Бу даврда меркантилизм таълимоти талабга жавоб бермай қўйди ва унинг бузилиши рўй берди.

Меркантилистлардан фарқли равишда (улар иқтисодиётнинг фақат муомала соҳасинигина таҳлил этганлар), классик мактаб намояндалари феодализм ўрнига келган нисбатан прогрессив капиталистик бозор муносабатларнинг ички иқтисодий алоқаларини ўргандилар ва ўз тадқиқотларини асосан ишлаб чиқариш соҳасига кўчирдилар. Классик иқтисодий мактаб деганда *В.Петти*дан бошланадиган иқтисодий тадқиқотлар тан олинади, бу таълимот ишлаб чиқаришдаги бозор муносабатларининг ички алоқадорлигини ўрганади ва таҳлил этади. В.Петти классик мактаб отаси ва статистиканинг кашфиётчисидир. Англияда В.Петти, Францияда *П.Буагильбер* шу мактабнинг бошловчилари бўлса, Францияда шу мактабнинг бир йўналиши бўлган физиократлар вужудга келди (*Ф.Кенэ, А.Тюрго*) ва у *А.Смит, Д.Рикардо*лар билан якунланади. Бу давр капиталистик муносабатлар ривожига йўл очиб берди. *Р.Хейлбронер* ва *Л.Туроу*ларнинг фикрича («*Экономика для всех*»), ишлаб чиқариш омиллари вужудга келди: меҳнат, ер ва капитал товарга айлантирилди, бунгача улар товар бўлмаган. Ҳозирги давр тили билан айтганда, бозор тизими, бозор жамияти барпо

этила бошланди.

Янги таълимотнинг классик (мумтоз) деб аталишига сабаб аввало шуки, ҳозирги иқтисодиётнинг асосида ётувчи кўпгина назария ва методологик қоидаларнинг ҳақиқий илмий ҳарактери билан изоҳланади. Мана шу мактаб намоёндаларининг хизматлари туфайли иқтисодий назария илмий фан даражасига кўтарилди. Эркин хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти исботлаб берилди. П.Самуэльсон фикрича, янги таълимот тўла laisser faire (яъни тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг мутлақ аралашмаслиги) шароитига ўтишга ва воқеаларнинг бошқача ривожига олиб келади ва фақат XIX асрнинг охирларида деярли барча мамлакатларда давлат иқтисодий функцияларининг доимий кенгайиши рўй берди. Бу таълимот намоёндалари Англияда В.Петтидан то Д.Рикардогача, Францияда П.Буагильбердан С.Сисмондигача (XIX асрнинг ўрталаригача) янги жамиятнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш муносабатларини тадқиқ этдилар. Уларнинг фикрича, эркин хўжалик фаолиятида шу даврдаги тузум мукаммал деб қаралади.

Я.С.Ядгаров классик мактаб ривожланишида (маълум шарт билан) 4 босқични ажратади: 1-босқич XVII аср охири – XVIII аср бошига тўғри келади. Бу босқичда меркантилизм таълимотининг хатолари ёритиб берилади ва унинг асосчилари В.Петти ва П.Буагильбер бир-биридан бехабар қийматнинг меҳнат назариясини илгари сурдилар ва ҳар қандай қийматнинг манбаи ва ўлчови сифатида товар маҳсулот ёки бошқа бойликни яратиш учун сарфланган меҳнат миқдори ҳисобланади. Бойлик ва фаровонлик муомала соҳаси эмас, балки ишлаб чиқариш соҳасида яратилиши кўрсатилади.

Бу босқич XVIII аср ўрталарида ва 2-ярмида франциялик Ф.Кенэ ва А.Тюрголар томонидан илгари сурилган физиократизм билан якунланади. Соф маҳсулот (миллий даромад) манбаини қидириш орқали асосий эътиборни меҳнат билан ерга қаратдилар. Меркантилизм танқид қилиниб, таҳлилда ишлаб чиқариш асоссиз равишда муомала соҳасидан тўла ажратиб қўйилган.

2-босқич XVIII аср охири ва XIX аср бошига тўғри келиб, А.Смит асарларидаги иқтисодий ғояларда акс этган.

3-босқич XIX асрнинг 1-ярмига тўғри келиб франциялик Ж.Б.Сэй ва Ф.Бастия, инглизлар Д.Рикардо, Т.Мальтус ва Н.Сениор, америкалик Г.Кэри ва бошқалар асарларидаги ғоялар билан боғлиқ.

4-якунловчи босқич XIX асрнинг 2-ярмига тўғри келади ва Ж.С.Милль ғояларида ўз ниҳоясига етади. К.Маркс ҳам шу босқич вакили сифатида қаралади лекин бизнинг фикримизча, бу унчалик тўғри эмас. Бу босқичларнинг ҳусусиятлари тегишли мавзуларда ёритилади.

Бизнинг маърузада социалистик ғоя вакиллари бозор иқтисодиётига муҳолиф таълимотлар гуруҳида қараб чиқилади, чунки бу олимларнинг асосий фикри хусусий мулкчиликка ва бозор стихиясига қарши чиқиб, янги социалистик ва коммунистик жамият яратиш бўлган.

2. В.ПЕТТИ - АНГЛИЯ КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБИНИНГ АСОСЧИСИ

Умумий баҳога кўра, классик мактаб XVII аср охири - XVIII аср бошларида В.Петти (Англия) ва П.Буагильбер (Франция) асарларида яратилди.

Вильям Петти (1623-1687) Ромси шаҳрида туғилган, Англия классик иқтисодий мактабининг асосчисидир. Кўпчилик бу олимнинг иқтисодиёт фани соҳасидаги фаолиятига юксак баҳо бериб, уни буюк ва такрорланмас иқтисодчи-

тадқиқотчи деб баҳолаган эди. В.Петти фавқулодда ҳар томонлама ва юксак билимли инсон бўлган. У майда ҳунарманд-маточи оиласида туғилди. Лейден, Париж ва Оксфорд университетларида медицина соҳасида таҳсил кўрди. У жуда кенг қобилиятли талаба бўлган, 1647 йилда нусха кўчирадиган машинани (*ксерокс*) ихтиро қилди, 1649 йилда физика доктори илмий даражасига эга бўлди. У денгизчи, врач сифатида ҳам ишлади. Петти шу билан бирга йирик ер эгаси ҳам эди, у йирик инглиз лендлордлар (йирик ер эгаси) сулоласининг асосчиси бўлиб қолди. 1652 йилда Кромвель ҳукуматининг топшириги-га кўра Ирландиянинг «ер обзори» (кадастри)ни ўтказди. У XVII асрдаги Англия буржуа инқилобларидан кейин кучайган инглиз тадбиркорлар мафкурачиси сифатида танилди.

У тадбиркорлар мулкини, яъни хусусий мулкни «муқаддас» ва «дахлсиз» деб билди ва уни турлича йўллар билан ҳимоя қилди. Иш ҳақини чеклаш тарафдори сифатида ишчиларга физик жиҳатдан минимум ҳақ тўлаш ва шу билан бирга янги синфнинг бойишига ёрдам беришни қўллади. У меҳнатнинг капитал томонидан эксплуатациясини ёқлаб чиқди. Худди шунингдек, Англиянинг мустамлакачилик сиёсатини ҳам қонуний деб ҳисоблади. В.Петти капиталга солиқ солишга қарши эди, чунки бу ишлаб чиқаришни чеклаши мумкин эди. Шу билан бирга у меҳнаткашларнинг даромадларидан солиқ олиш тарафдори эди. У иқтисодий муаммоларга бағишланган «**Солиқлар ва йиғимлар тўғрисида рисола**» (1662й.), «**Сўз донишмандларга**» (1665й.), «**Ирландиянинг сиёсий анатомияси**» (1672й.), «**Сиёсий арифметика**» (1683й.) ва бошқа шу каби асарларни ёзди.

В.Петти XVII асрдаги энг таниқли шахслар қаторидан ўрин олади (Мак-Куллохнинг 1845 йилда берган баҳоси). У иқтисодиётни ўрганишда янги усулни қўллади, кўриниб турган воқеаларни шархлашдан уларнинг моҳиятини таҳлил этишга ўтди. В.Петти тадқиқот предмети сифатида ишлаб чиқариш соҳасини олди. Унинг фикрича, бойлик пайдо бўлиши ва кўпайиши фақат моддий неъматлар яратиш соҳасида рўй беради, бу жараён савдо ва савдо капиталининг ҳеч қандай иштирокисиз бўлади.

Олимнинг тадқиқот усулида эмпиризм элементлари (унсурлари) бўлишига қарамасдан (бу масалан, ер баҳосини талқин этишда кўринади), давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашувини қисман қўллайди (мамлакатдаги савдогарлар сонини қисқартиришни талаб этади), у асосан эркин иқтисодиёт (laisser faire) принципларини қўллайди ва меркантилистлардан фарқли равишда пул муомаласи ва савдони эркинлаштириш тарафдори бўлган. У ўз тадқиқотларида бир қанча методик (шартли) соддалаштиришлардан фойдаланилади:

муомала соҳасининг ишлаб чиқаришга тескари таъсири инкор этилади;

пул ва товар бозорларининг ўзаро боғлиқлиги кўзда тутилмайди;

товарлар ва хизматлар қиймати (қиммати) пайдо бўлиш табиатида ҳаражатлар ҳарактеристикаси (сабаб-оқибат принципи) қўлланилади;

иш ҳақини ишчи меҳнати баҳоси сифатида талқин этиш, оқибатда эркин рақобат шароитида иш ҳақининг минимал бўлиши ва бошқалар.

У иқтисодий жараёнларга хос ички қонуний алоқалар ва уларнинг сабабий муносабатларини кўрсатишга интилди. Уни «*фақат табиатда кўринарли асосга эга бўлган сабабларгина*» қизиқтирар эди. Петти иқтисодиётга табиатшуносликда қўлланиладиган усулни киритиб, шу билан бирга иқтисодий таҳлилнинг статистик усулидан ҳам кенг фойдаланди.

В.Петтининг дастлабки асарларида меркантилистларнинг таъсири анча кучли бўлган, аммо кейинги «**Пул тўғрисида бир неча оғиз сўз**» (1682й.)

китобида у меркантилизмдан бутунлай воз кечди. Бошида у фаол (актив) савдо сиёсатини, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қўллади, аммо бу ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам бериши керак, деган фикрда бўлган. У бойлик ва қашшоқликка баҳо бериб, бу ҳаётнинг абадий ва ўзгармас, шафқатсиз қонунидир, деган хулосага келди. «*Баъзи одамларнинг бошқасидан кўпроқ қашшоқлиги доим бўлган ва доим бўлади*» деган эди у. Аммо Петти ортиқча зеб-зийнатга берилишдан тийилиш зарур деб билган.

Меркантилизм нуқтаи назаридан амалий, аниқ масалаларни ечиш борасида у ўз асарларида бўлаётган воқеаларни таърифлашга кўпроқ ўрин берган. Аммо иқтисодий жараёнларни тадқиқ қилиш давомида ҳодисаларнинг ички моҳиятига кириб борди, уларни изоҳлашга ўринди, иқтисодиётда табиий фан методларини қўллади, айниқса математикани кенг тадбиқ этди. У ўзининг тадқиқотларида айрим одамларнинг фикри, хоҳиши ва эхтиросига оид барча нарсаларни четда қолдириб, иқтисодий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатишга интилди. Шу йўл билан у иқтисодиётда илмий абстракт методни қўллашда дастлабки қадамни қўйди. Шундай қилиб, В.Петти иқтисодий таҳлилда статистик метод, янги методологияни қўллай бошлади. Шуниси диққатга сазоворки, В.Петти иқтисодий масалаларни ёритганда табиий фанлар, айниқса медицина, анатомия (ахир, В.Петтининг ўзи врач-да!) матнлари ва ўхшатмаларидан усталик билан фойдаланган. У масалани ечиш учун тўғри йўлни топиш, «сиёсий жонивор»нинг соғлигини таъминлаш учун фақат унинг анатомиясини ўрганиш орқали ҳал этиш мумкинлигини исботлаб берди. У меркантилистлар каби иқтисодий текширишларни муомала соҳасидаги воқеаларни умумлаштириш билан чеклаш мумкин эмас деган хулосага келди. У хўжаликнинг асосини ишлаб чиқариш жараёни ҳал этади, жамият бойликлари моддий неъматлар яратиш давомида юзага келади, дейди. Савдогарчиликни унумсиз касблар қаторига қўшади. Петтининг фикрича, улар ҳеч қандай маҳсулот яратмайдилар ва фақат қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини худди инсондаги вена ва артерияларга уҳшаб жамият танасидаги қон тўйинтирувчи шарбатларни тақсимлагандек тақсимлайдилар. Ишлаб чиқаришни хўжаликнинг асоси сифатида ўрганиб, баҳонинг табиатини, иш ҳақи ва ер рентаси, ер баҳоси миҳдорини белгиловчи сабабларни аниқлашга интилди. В.Петтининг пулга бўлган муносабатини кўриб чиқадиган бўлсак, у қимматбаҳо металл ва тошларни бошқа товарларга солиштириб, улар айнимайди ва ўзгармайди, ҳар ерда ва ҳар қачон бойлик сифатида сақланади, деган. Шу сабабли бундай товарларни ишлаб чиқариш ва савдо қилиш керак, чунки бу бошқа ишлаб чиқариш ва савдодан қулайроқдир. Шу билан бирга олим ҳар қандай йўл билан олтин ва кумуш, яъни пул тўплашга қарши эди.

1682 йилда ёзилган «**Пул тўғрисида бир неча оғиз сўз**» китоби 32 та савол ва жавоб тариқасида Англияда пул чақасини қайтадан зарб этиш масаласига бағишланган. Бу аслида кичик бир парча пул назариясининг устуни эди. Унда Петти меркантилизмдан бутунлай воз кечади ва пулни умумий эквивалент вазифасини бажарувчи махсус товар деб ҳисоблайди. Пулнинг қиймати ҳам бошқа товар каби сарфланган меҳнат миқдори билан аниқланади, алмашув қиймати эса қимматбаҳо металлни қазиб олишга кетган меҳнат сарфлари билан белгиланади. Энг муҳим масала, бу мамлакатдаги пулнинг миқдори, яъни оборотдаги пул масаласи эди.

Муомаладаги пулнинг миқдори товар-тўлов оборотлари ёки охир-оқибатда реализация қилинаётган товарлар, уларнинг баҳоси (тўғри пропорция) ва пулнинг муомала частотаси (тескари пропорция) билан аниқланади. Ўша даврда қимматли

металлардан қилинадиган чақа пуллар банк томонидан чиқариладиган қоғоз пуллар билан (маълум чегарада) алмаштирилиши мумкин деган тўғри хулоса чиқарилади.

Унинг фикрича, пул инсон организмидаги ёғга ўхшайди, чунки ёғнинг ортиғи ҳам, ками ҳам зиёндир, яъни унинг меъёрда бўлгани яхши (унинг врачлигини эсланг).

В.Петти давлатнинг иқтисодиётга аралашувига ҳам эътибор берди, бу аралашув ривожланишга ёрдам бериши керак, лекин бошқа пайтда давлат иқтисодиётдан узоқ бўлиши керак. Унинг фикрича, врач касални даволаганда иложи борича сунъий дорилардан камроқ фойдалангани, кўпроқ объектив омилларни ишлатгани маъқул (давлат аралашуви зарур холда ва меъёрда бўлгани яхши).

В.Петти ўзининг табиий баҳо тўғрисидаги таълимотида *қийматнинг меҳнат назариясига* асос солди. Бу классик мактабнинг асосий нишонаси (белгиси) сифатида қаралади. У вақт ва тасодифий омиллар таъсирида ўзгариб турувчи бозор баҳоси («сиёсий баҳо»)га табиий баҳони (қиймат деб билган) қарама-қарши қўйди. Табиий баҳо ички бозор баҳосига тенг бўлиши керак. Чунки у меҳнат миқдори билан ўлчанади. У нон баҳоси билан кумушни солиштиради ва уларнинг баҳоси сарфланган меҳнат миқдори билан тенглаштирилади. Бу мисолда, яъни нон кумушга алмаштирилганда алмашув пропорцияси асосида шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат ётади, демак қиймат меҳнат билан аниқланади. Ундан ташқари, товарнинг қиймати кумушни қазиб олишдаги меҳнат унумдорлигига тўғри пропорционалдир, сарф-ҳаражат усули қўлланилади. Шундай қилиб, В.Петти иқтисодиёт тарихида қийматнинг меҳнат назарияси куртакларини таърифлади. Бу олимнинг катта илмий хизматидир. Аммо Петти қийматни алмашув қиймати билан қориштириб юборади ва алмашув қийматини алмашув жараёнида қандай шаклда бўлса, шундай, яъни пул шаклида ифода қилади. У қийматнинг бевосита манбаи сифатида фақат конкрет меҳнатнинг аниқ бир кўринишини, олтин ва кумуш қазишдаги меҳнат (яъни пул материали)ни кўрган, холос. Унингча, тармоқлардаги ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулотларининг қиймати шу маҳсулотларни нодир металларга алмашуви натижасида аниқланади. Олимнинг меркантилистик қарашлари бу ерда ҳам сақланган (камчилиги). У абстракт меҳнат билан конкрет меҳнатни фарқламайди. Унда қиймат билан истеъмол қиймати тушунчалари ўртасида аниқ фарқ кўринмайди, айрим холда улар қориштириб юборилади. Конкрет меҳнат истеъмол қийматини яратса, абстракт меҳнат умумий қийматни яратади.

Петти меркантилистлардан фарқли равишда бойлик бу пул ҳақида қимматбаҳо металл ва жавоҳирлардангина иборат эмас, балки мамлакатдаги ерлар, уйлар, кемалар, товарлар хатто уй жихозларини ҳам бойлик деб ҳисоблайди.

Мамлакат бойлигини ошириш учун одамларни қамоқхоналарга ташлаш эмас, пуллик жарималар киритиш керак дейди. Йирик ўғриларни эса «қуллик»ка сотиб, ишлатиш зарур. Шу билан бирга пулнинг жамиятдаги роли тўғри талқин этилмаган (савдогарларни қисқартириш таклиф этилади).

«*Меҳнат бойликнинг отаси ва ниҳоятда фаол принципидир, ер эса унинг онасидир*» деган фикр ҳам В.Петтига тегишлидир. Бу ғоянинг шуниси тўғрики, меҳнат бойликнинг яккаю-ягона манбаи эмас, чунки гап моддий бойлик, истеъмол қийматлари ҳосил қилиш устида борганда фақат меҳнат эмас, балки табиат ҳам иштирок этади, аммо тўғри қоида товарнинг қийматига ҳам хато равишда ноўрин қўлланилади. Шундай қилиб, В.Петти ўзининг қийматнинг меҳнат назариясига

қарама-қарши уларок, қиймат манбаи сифатида меҳнат билан бирга табиатни ҳам қабул қилишни талаб этади. Бунинг сабаби шуки, у истеъмол қиймати манбаи сифатида ҳам, қиймат манбаи сифатида ҳам бир хил гавдаланган.

Қиймат назарияси билан даромадлар, иш ҳақи ва рента тўғрисидаги назариялар бевосита бир-бирига боғлиқ. В.Петти бошқа (Д.Рикардо, Т.Мальтус) классик мактаб вакиллари каби, иш кучини эмас, балки меҳнатни товар деб ҳисоблади (аслида иш кучи ҳам товардир).

В.Петти меҳнатни таҳлил этишга киришади. Ҳар бир конкрет меҳнат аниқ нарсани (бахт-саодатни), истеъмол қийматини яратади. Қиймат икки қисмдан иборат: 1) истеъмол қиймати, 2) алмашув қиймати - маҳсулот алмашса ёки сотилса юзага чиқади. Масалан, деҳқон меҳнатида шундай умумийлик борки, унга кўра барча меҳнатларни бир-бири билан солиштириш (чоғиштириш) мумкин, нарсалар (бахт-саодат) - товарларни алмашув қиймати билан, иш вақтини сарфлаш, умуман ишчиларнинг унумли энергия сарфлаши билан аниқлаш мумкин. Бундан абстракт меҳнат тушунчаси келиб чиқади ва буни биринчилардан бўлиб В.Петти тушуна бошлади. У меҳнатнинг табиий баҳосини иш ҳақи деб билади ва унинг миқдорини аниқлашни ўзининг вазифаси қилиб қўяди. Ўша даврда Англияда иш ҳақи қонун билан тартибга солинган, унинг энг юқори поғонаси ишчиларнинг ҳаёти учун зарур бўлган *жисмоний минимум маблағлардан* иборат эди (соғлом одамнинг кунлик ўртача овқати). Петти ҳар бир ишчи «*яшаш, меҳнат қилиш ва кўпайиш учун*» керакли нарсани олса бас, деган хулосага келади. Бу ҳолатни В.Петти назарий жиҳатдан исботламоқчи бўлди. У ўйладики, агар ишчиларга кўрсатилган минимумдан, масалан, икки ҳисса кўп ҳақ тўланса, улар икки марта камроқ ишлайдилар.

Тирикчилик учун зарур маблағлар назарияси хато бўлиб, аввало ишчи кучи қийматига кирувчи тарихий ва аҳлоқий элементларни ўз ичига олади. Шу билан бирга бу назариянинг ижобий томони ҳам мавжуд бўлиб, ишчилар ўзлари яратган қийматнинг фақат бир қисмини (тирикчилик учун керакли минимум маблағни) олаётгани маълум бўлиб қолди. Меҳнат туфайли юзага келган қийматнинг бошқа қисми эса қўшимча меҳнат натижаси сифатида намоён бўлади, бу қўшимча қиймат унингча рентадир.

У ишлаб чиқармайдиган аҳолига - диндорлар, адвокат, амалдорларга салбий муносабатда бўлди, худди шунингдек у сотувчилар сонини ҳам кескин камайтириш тарафдори эди. Тадбиркорлар ва ер эгаларининг даромадларини белгилаш учун умумий бўлган «рента» тушунчаси киритилади.

В.Петти *рента назариясини* ишлаб чиқди (сиз ҳам рентани бир эсланг). Унинг фикрича, рента маҳсулот (натура) кўринишида иш ҳақи ва уруғликни ажратгандан кейин қоладиган маҳсулот миқдорига тенг бўлиши керак. Демак, бу ҳолда рента қўшимча маҳсулотга тенг. Пул ҳолидаги рента қўшимча маҳсулотнинг кумуш миқдорига тенг қийматидир.

В.Петтида фойда тушунчаси алоҳида категория шаклида йўқ, рента барча қўшимча қийматга тенг миқдор деб баҳоланади. Шу сабабли рента тўғрисидаги назарияда амалда қўшимча қиймат ҳақида гап боради. Қийматни меҳнат сарфлари сифатида қараб, В.Петти бирин-кетин рента (қўшимча қиймат)ни қўшимча меҳнат натижаси эканлигини аниқлайди. Буни фермернинг фойдаси сифатида ҳам қарайди.

Иш ҳақи ва рентани меҳнат асосида юзага келган қийматнинг бир бўлаги сифатида таҳлил этиб, Петти муҳим хулоса чиқарадики, унга кўра иш ҳақи ва рента бир-бирига қарши. Масалан, дейди у, бир бушель (36.4 кг) буғдой 60 пенсдан

сотилади, ундан 20 пенси ер рентасига, 40 пенси ер эгасининг иш ҳақи сифатида берилса ва иш ҳақи 1/8 га ёки кунига 8 дан 9 пенсга кўтарилса, ер эгасининг 1 бушель буғдойдаги ҳиссаси 40 дан 45 га кўтарилади, ер рентаси эса 20 дан 15 пенсга (яъни 5 пенсга) камаяди.

В.Петти рентанинг келиб чиқиши тўғрисида ҳам муҳим ва қизиқарли фикрларни беради (умуман, рента *абсолют* ва *дифференциал* бўлади). Дифференциал рентанинг келиб чиқишини у ернинг камлиги ва ер участкаларининг турлича жойлашганлиги билан тушунтиради (биринчи сабаб, яъни бозорга узоқ-яқинлиги, табий унимдорлиги масофа, транспорт сарфлари). У рентанинг иккинчи сабабини ҳам аниқлаб, ер табиий унумдорлигининг турлича эканлигини кўрсатган (ўзбек халқида ҳам «*Ердан ернинг фарқи бор, етмиш икки хил нархи бор*», деган яхши мақол бор). Олимларнинг фикрича, В.Петти дифференциал рентани Адам Смитдан ҳам яхши баён этган.

Абсолют рента ҳақида гап борганда шуни айтиш керакки, бу рента ерга хусусий мулкчилик бўлганда намоён бўлади. В.Петти ер баҳоси масаласини жуда қизиқ ва ноёб равишда ҳал этишга ўринган. Унинг фикрича, ерни сотиб олувчи ҳар йили рента олиш ҳуқуқини кулга киритган шахсдир. Шу сабабли ернинг баҳоси бир йиллик рентани маълум бир сонга кўпайтириш орқали аниқланади. Ҳамма масала шунда бўлиб, уни танлаш талаб этилади. Хўш, у нима бўлиши мумкин?

В.Петти бу саволга жавобан шундай дейди: ер сотиб олувчи ўзи ва ўзига яқин авлод-аждодларининг манфаатларини эътиборга олиб иш юритади. Унингча, одатда уч авлод вакиллари бир вақтда ҳамкорликда яшайдилар: бува (50 ёш), уғил (28 ёш) ва набира (7 ёш). У шу уч авлоднинг ҳамкорлик даврида яшаган йиллар рентаси йиғиндисини ер баҳоси деб қабул қилади. У Англия учун бундай сон 21 йилга тенг эканлигини аниқлайди. Демак, ернинг баҳоси шунча бир йиллик ренталар йиғиндисига тенг, деган хулоса чиқарилади.

В.Петти ерни сотиб олувчи учун ер йиллик даромад манбаи эканлигини тушунган. Шунга мувофиқ у ернинг баҳоси шундай суммага тенг бўлиши керакки, бу сумма ҳар йили олинадиган рента ҳуқуқини берадиган бўлиши керак, деб тўғри ҳисоблаган. Амалда ернинг баҳосини капиталлашган рентадек ҳисоблаш орқали В.Петти масаланинг моҳиятини тўла ва тўғри тушунган.

Аммо *ернинг баҳоси* масаласи ҳали тўла ҳал этилмади, чунки ернинг баҳоси икки омилга боғлиқ: 1) ер рентасининг миқдори, 2) процент (фоиз) даражаси. В.Петти эса юқорида қайд этилганидек, ссуда процентини ер баҳосидан чиқарган. Бу қийин аҳволдан чиқиш учун у ер баҳоси рентанинг 21 га кўпайтирилганига тенг деб ҳисоблаган (уч авлод - бува, ота ва невара биргаликда 21 йил яшайдилар ва ердан бирга фойдаланадилар, деган хулоса). Ернинг асл баҳоси масаласини бошқа олимлар тўғри хал этдилар.

В.Петтининг «**Сиёсий арифметика**» асари тўла равишда унинг вафотидан кейин босилиб чиқди (китоб унинг уғли лорд *Шелберн* томонидан нашр этилган). Бунинг сабаби шуки, унда Англия ва Францияни чогиштирувчи маълумотлар бор эди. Бу асар янги фан - статистикага асос солди. Бу даврда ҳали бу тушунчанинг ўзи йўқ эди («*статистика*» сўзи XVIII аср охирида пайдо бўлди).

В.Петти биринчилардан бўлиб давлат статистика хизмати тузиш зарурлиги масаласини кўтарди ва маълумот тўплашнинг айрим йўналишларини белгилаб берди. Унингча, мамлакатдаги аҳолининг умумий сони, жойлашуви, ёши ва касби ҳамда бошқа маълумотлар муҳимдир. Иқтисодий кўрсаткичлардан асосий товарларнинг ишлаб чиқилиши ва истеъмоли, аҳоли даромади, бойлик тақсимоти хақидаги маълумотлар керакли ҳисобланган. Петтининг кузатишларича,

мамлакатда фақат солиқ ва ташқи савдо бўйича айрим маълумотлар бор эди, холос. Бирор масала хақида гап очилар экан, Петти «*аввал ҳисоблаб қуриш керак*» деган фикрни айтишни яхши кўрар эди. Статистика билан шуғулланганлиги туфайли маълум маънода «режалаштириш» масалалари ҳам кўтарилган. Масалан, у «ишчилар кучи баланси» билан шуғулланиб, мамлакатга шунча врач ва адвокат керак, демак, олий ўқув юртларига йилига шунча талаба қабул қилиш керак, деган ҳисоб-китобларни келтирар эди. Одатда у Англия ва Франциянинг иқтисодий аҳволини солиштириб, қайси давлат бойроқ эканлигини аниқ фактлар билан кўрсатишга интилган.

«Сиёсий арифметика» китобининг мукаддимасида у ўз услубининг янги эканлигини таъкидлаб, қиёсий (озрок, кўпроқ, яхширок, ёмонрок) кўрсаткичлардан аниқ статистик рақамлар - сон, оғирлик билан бошқа ўлчовлар тилига ўтиш кераклигини айтади. У миллий даромад, миллий бойлик хақида гапиради ва Англиянинг миллий бойлигини ҳисоблаб чиқади (маълумки, бу кўрсаткичлар ҳозирги кунда жуда муҳим кўрсаткич ҳисобланади). Масалан, у Англиянинг моддий бойлигини 250 миллион фунт стерлинг деб баҳолайди, аммо аҳолининг 417 миллион фунт стерлинг пулини ҳам шунга қўшиш керак, дейди.

В.Петтининг иқтисодий таълимоти аҳолининг сони ва таркибидан бошланиши ниҳоятда муҳимдир. Унинг ғояси ўзидан кейинги Мальтусдан кескин фарқ қилади, агар Петтининг фикри буйича «*аҳоли - бойликнинг асоси*» бўлса, Мальтусда аҳолининг тез ўсиши камбағалликнинг асосидир. В.Петти Англиянинг миллий даромадини ҳам ҳисоблаб чиқди. Унинг ҳисобига кўра, Англиянинг пул шаклидаги бойлиги барча бойликнинг фақат 3% тенг экан. Худди шундан ҳозирги даврнинг миллий ҳисоб счетлари юзага келди, унга қараб ишлаб чиқариш ҳажмини, бу бойликнинг аҳоли ўртасида тақсимотини (истеъмол, жамғарма, экспорт, аҳоли, асосий синфлар, гуруҳлар даромади) ва бошқаларни билиб олиш мумкин. Албатта, ҳозирги давр билан солиштирганда бу ҳисоб-китобларда жиддий услубий хатоликлар бор эди. Масалан, у миллий даромадни аҳолининг истеъмол сарфлари йиғиндиси деб билган, яъни жамғарма, бино, қурилиш, асбоб-ускуна, ерни яхшилашга кетган капитал қўйилмалар ҳисобга олинмаса ҳам бўлаверади, деб нотўғри ўйлаган. Аммо XVII асрдаги Англия учун бундай йўл анча реалистик эди, чунки жамғарма нормаси паст бўлган, Англиянинг моддий бойлиги нисбатан секин ўсаётган эди. Сал кейинроқ В.Петтининг бу хатолари унинг издоши *Грегори Кинг* томонидан тўғриланди ва XVII аср охиридаги Англия миллий даромади ниҳоятда тўғри ҳисоблаб чиқилди.

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, В.Петтининг сўнгги асарлари кўпроқ аҳоли, унинг ўсиши, жойлашуви ва иш билан бандлиги масалаларига бағишланган. В.Петти замондоши ва дўсти, майда савдогар Жон Граунд билан биргаликда демографик статистика фанига асос солди. 1662 йилдан бошлаб Англия аҳоли сонининг умумий сони, туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш масалалари бўйича китоблар юзага кела бошлади.

3. XVII-XVIII АСРЛАРДА ФРАНЦИЯ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ П.БУАГИЛЬБЕР ҚАРАШЛАРИДА АКС ЭТИШИ

Агар Англияда классик иқтисодий ғояларнинг бошланиши В.Петти номи билан боғлиқ бўлса, Францияда П.Буагильбер билан бошланади, бу ғоялар Англияда Рикардо билан интихосига етган бўлса, Францияда Сисмонди билан

якунланади.

Франциядаги ижтимоий-иқтисодий мухит Англияникидан кескин фарқ қилар эди. Францияда феодал муносабатлар ҳали ҳам кучли бўлиб, қироллар («*қирол - қуёш - Людовик XIV*») ва унинг атрофидагилар томонидан қаттиқ ҳимоя қилинган. Кольбер томонидан олиб борилган сиёсат мамлакат иқтисодиётининг умумий ривожига олиб келмади. У саноатни, молияни тараққий эттириш тарафдори эди, аммо бу иш қишлоқ хўжалигининг зиёнига ўтказилди, феодал муносабатлар тўла сақлаб турилди (эсланг, Англия буржуа инқилоби XVII асрда бўлиб ўтди, ваҳоланки Францияда бу инқилоб XVIII аср охирида рўй берди), бу эса иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга тўсиқ эди. Мануфактуралар пайдо бўлди, аммо ривож топмади. Цех тизими сақланган бўлиб, ривожга тўсиқ эди.

Ер масаласи тўла ҳал этилмади, «*Сеньорсиз ер йўқ*» тамойили сақланди, майда ер эгалиги, деҳқонларнинг турли солиқ ва йиғимларга маҳкум этилганлиги уларни бу тизимда ерни яхшилаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантирмас эди, ваҳоланки аҳолининг 3/4 қисми деҳқонлар бўлиб, улар бу соҳада тушкунликда эди. Шу сабабли бу соҳада ислоҳотлар ўтказиш зарур бўлган, аммо унга шу даврдаги тизим халақит берарди. Ички бозор тор бўлиб, капиталистик тадбиркорликнинг ўсишига йўл бермасди. Бу синф асосий солиқ тўловчи синф эди, дворянлар ва диндорлар умуман солиқ тўламаган, шаҳар буржуазияси ҳали нисбатан кам сонли, солиқлардан усталик билан бош тортар эди.

Яна бир муҳим тўсиқ - бу урушлар эди. Франция олиб борган урушлар туфайли маблағларнинг асосий қисми шу урушларга сарфланарди. Қирол саройидаги базми жамшидлар ҳам давлат хазинасига катта зиён келтирар эди.

Демак, Францияда XVII асрнинг иккинчи ярмида феодал муносабатлар ўзининг чуққисига чиққан эди (Англия билан солиштиринг), ваҳоланки Англияда буржуа инқилоби бўлиб, капиталистик муносабатлар тез шакллана бошлади. Францияда юқори табақа барча ернинг эгасига айланди, деҳқонлар шахсан озод булсалар ҳам, феодал мажбуриятлар ниҳоятда кўп эди. Хўжаликдаги капиталистик уклад ниҳоятда секин ривожланди, ички бозор хийла тор эди, халқ хўжалигида натурал хўжалик асосий бўлиб, саноат ривожи паст бўлган. Фақат зеб-зийнат буюмлари ва парфюмерия маҳсулотлари тайёрлаш бўйичагина Франция Европада юқори ўринда эди.

Ана шундай шароит Франциянинг XVII аср охири - XVIII аср бошидаги социал-иқтисодий аҳволи классик иқтисодиётнинг Франциядаги асосчиларидан бири бўлган ***Пьер Буагильбер*** (1646-1714) нинг иқтисодий қарашларига катта таъсир кўрсатди. *Пьер Лепезан* - иқтисодчининг асл фамилияси бўлиб, *де Буагильбер* - бу оила ер поместьесининг номи эди. Лекин тарихда Пьер Буагильбер номи сақланиб қолди. **Пьер Лепезан де Буагильбер** дворян норманд оиласидан чиққан, у яхши маълумот олгач, адабиёт билан шуғулланди, кейинчалик Руан округида оилавий касб-ҳунар судья (ҳакам) лавозимини эгаллади; деҳқонлар ишини олиб борди; ўз кўзи билан уларнинг ночор аҳволига гувох бўлди; у бу лавозимни умри охиригача сақлаб қолди ва катта углига топширди; ўзини «*қишлоқ хўжалигининг адвокати - ҳимоячиси*» деб атади.

Олимнинг тадқиқот предметини қисқача қилиб жамоат бойлиги концепциясидан иборат дейиш мумкин. Бу бойлик пулнинг физик массаси билан эмас, балки турли-туман фойдали бойлик ва буюмлардан, масалан, нон, вино, гўшт, кийим-кечак ва бошқалардан иборатдир. Ҳатто ерга ва пулга эгаликнинг ўзи бойликни таъминлайди. Агар ер ишланмаса, пул эса ҳаёт учун зарур ашёлар (масалан, озиқ-овқат ва кийим-кечак)га алмаштирилмаса бундай «бойлик» эгаси

қашшоқликка маҳкум этилади.

Шу сабабли жамиятда пулни кўпайтириш эмас, балки ишлаб чиқаришни ўстириш масаласи иқтисодий фаннинг асосий вазифаси ҳисобланиши керак.

Олимнинг тадқиқот услубига қуйидагилар хос:

эркин рақобат шароитида иқтисодиётда автоматик мўътадиллик мавжуд бўлади;

товарлар ва хизматлар қиймати (қиммати) ни белгилашда ҳаражатлар қоидасига амал қилинади;

миллий иқтисодиёт манфаатлари учун шахсий манфаатнинг жамоат манфаатларидан устунлиги тан олинади;

хўжалик ҳаётида пулнинг мустақил ва аҳамиятли ролига етарли баҳо берилмайди ва бошқалар.

Буагильбер саноат ва савдони камситиш йўли билан қишлоқ хўжалигининг роли атайлаб мутлақлаштирган.

Адам Смитдан анча олдин шахсий манфаат (эгоизм)нинг жамият учун аҳамиятини кўра билди.

1691 йилда у Францияни оғир иқтисодий аҳволдан чиқариш тизимини таклиф этди. Дастлабки фикрлари буйича турли ислоҳотлар ўтказиб (улар буржуа-демократик характерга эга бўлиши керак эди), 1707 йилда эса унинг ғоялари етилиб, қуйидаги уч қисмдан таркиб топди:

1. Солиқ тизимини ўтказиш. Солиқ тизимининг деҳқонлар меҳнатидан манфаатдорлик тамойилига асосланиши, ундан ташқари солиқ барчага тегишли бўлиши керак эди.

2. Ички савдони ҳар ҳил чеклашлардан озод қилиш (ички савдо эркинлиги); бу чора ички бозорни кенгайтириш, меҳнат тақсимотининг ўсишини таъминлаш, товар-пул муомаласини кучайтириши керак эди;

3. Доннинг эркин сотилишига йўл бериш, донга табиий баҳо таъсирини чекламаслик. Гап шундаки, мамлакатда донга сунъий равишда баҳо белгиланган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳаражатлари қопланмас эди, дон етиштириш ўсмай қўйган эди. Буагильбернинг фикрича, иқтисодиёт эркин ракобат шароитида ривожланиши ва товарлар бозорида «ҳақиқий қиймат»га эга бўлиши керак эди. У давлат бу соҳада деҳқонларга хомийлик қилиши зарур, деб ҳисоблади.

Бу ислоҳотлар мамлакат ва халқ фаровонлигини ошириш ва хўжаликни ривожлантиришнинг бошланғич шартлари бўлиши керак эди. Буагильбер ўз ғоясини реклама қилиш мақсадида бу ислоҳот бир ойда қиролга керак бўлган суммани етказиб беради, деган фикрни тарқатди. Вазирлар эса икки соат давомида керакли қатор қонунларни тайёрлаши мумкин ва хўжалик «*худди ҳамиртурушдаги каби*» тез ўсади, дейди у. У ўз таклифлари билан бир неча бор мурожаат қилди. Аммо унинг бу ҳаракатлари зое кетди. У ўз ғояларини китобларда баён этди ва бу китобларни нашр эттирди. Унинг асосий иқтисодий асарлари «**Франциянинг тўла тавсифи**», «**Франция тўғрисида варақа**», «**Бойликлар табиати тўғрисида трактат**» ва бошқалардир. Унинг айрим асарлари, масалан, 1707 й. 2 жилдда чиқарилган «Франция айблари» китоби таъқиқланган. Уларда Франциянинг шу даврдаги оғир иқтисодий аҳволи тўла ёритиб берилган, айниқса қишлоқ хўжалигининг орқада қолиш сабаблари тўғри берилган. Халқ хўжалиги орқада қолишининг бош сабаби - олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг, *Кольбер* (молия бошлиғи) ва бошқаларнинг меркантилистик қарашлари фош этилган. У фақат саноат ривожини бир томонлама қўллаб-қувватлашга қарши чиқди. Қишлоқ хўжалиги манфаатларини ҳимоя қилди, дон экспортини чеклашга қарши чиқди, солиқ тизимини ислоҳ қилиш тарафдори бўлди, у эзилган халқ оммасининг

аҳволини яхшилаш тарафдори эди (В.Петти билан солиштиринг). Олиб борилаётган иқтисодий сиёсат хўжалик ҳаётининг табиий ривожига тескари эди. Буагильбер айтадики, аввалги даврдаги тўкин-сочинликни қайтариш учун мўъжиза яратиш шарт эмас, табиат устидан бўлаётган доимий зўравонликка чек қуйиш етарлидир. Олимнинг фикрича, шундай солиқ ва иқтисодий сиёсат тадбирлари керакки, улар табиатга қарама-қарши бўлмаслиги керак. Бу ғоя шундан иборатки, унга кўра иқтисодиётда шундай қонунлар борки, уларни бемалол, жазосиз бузиш мумкин эмас (экологияда ҳам шундай).

Шунга мос равишда у табиатнинг талаблари нимадан иборат эканлигини очиб беришга ўринган, объектив қонуниятларни ўрганишга киришиб, илмий таҳлил қилиш йўли сари йирик қадам ташлаган. Аммо шу билан бир вақтда у хўжаликдаги ҳодисаларни табиий ва табиий бўлмаганларга ажратиб, аввалгисини ҳимоя қилди ва кейингисини қоралади. Буагильбер ўзи таклиф этган сиёсатни амалда исботловчи назарияни яратишга интилди. Унинг иқтисодий қарашлари кўп жиҳатдан В.Петтига ўхшаб, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши нима билан боғлиқ деган саволга жавоб топиш эди. Буагильберни кўпроқ ва асосан Франция иқтисодининг турғунлик ҳолати ва унинг орқага кетиши сабаблари қизиқтирарди. Бундан у умуман назарий масалалар, масалан, халқ хўжалигида қандай қонуниятлар ҳаракат қилади ва унинг ривожини таъминлайди, деган масалага ўтди.

Буагильбер бу муаммога жавоб беришда бош эътиборни «оптимал баҳо пайдо бўлиши» масаласига қаратди. Унингча иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг энг муҳим шарти пропорционал ва нормал баҳолар ҳисобланади. Хўш, бу баҳолар нимадан иборат? Аввало, бу баҳолар ўртача ҳар бир соҳадаги ишлаб чиқариш ҳаражатларини қоплашга ёрдам бериши ва маълум кирим, соф фойда келтириши керак. Акс ҳолда ишлаб чиқариш бўлмайди, ундан сўнг, бу шундай баҳоларки, унда товарларни реализация қилиш жараёни бекаму-кўст давом этиши ва барқарор истеъмол талаби қондирилиши керак. Ва нихоят, бу шундай баҳоларки, пулларнинг «ўз ўрни бўлиб», улар тулов оборотини бажариши ва одамлар устидан ҳукмронлик, зўравонлик қила олмаслиги зарур.

Халқ хўжалиги пропорционаллиги ифодаланган баҳолар қонунини, аслида эса қиймат қонунини тушуниш янги ва илғор ғоя эди. Олимнинг асосий асарлари шу ғоялар билан боғлиқ. Иқтисодиётда «оптимал баҳолар»ни қандай таъминлаш мумкин? Буагильбернинг фикрича, баҳоларнинг бундай структураси (таркиби) рақобат эркинлиги шароитида стихияли равишда таркиб топади.

Эркин рақобат шароитининг бузилиши Францияда донга максимал баҳоларнинг қўйилганлигидир, дейди у. Унингча, донга эркин баҳолар белгиланса, баҳолар бирмунча ошади, бу деҳқонларнинг даромадини оширади ва уларнинг саноат товарларига талабини кўтаради, оқибатда бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ортади ва ҳоказо. Бундай занжирли реакциялар бир вақтнинг ўзида «пропорционал баҳолар» ўрнатилишига ва хўжаликнинг равнақига олиб келади.

Демак, Буагильбер иқтисодий эркинлик тарафдори эди ва талабга қарши чиқмасликни таклиф этади. Шу билан бирга, у давлатнинг иқтисодий функциясини инкор этмади: бу ўша давр учун, реал ҳаётни тушунган амалиётчи олим учун табиий эди. Унингча, давлат тўғри солиқ тизими орқали мамлакатда истеъмол ва талабни юқори даражада таъминлаши мумкин. Агар истеъмол сарфлари оқими пасайса, товарларни сотиш ва ишлаб чиқариш кескин камаяди. Агар камбағаллар кўпроқ ишлаб топсалар, солиқларга кам сарф қилсалар, улар ўз даромадларини тез сарфлашга мойилдирлар. Бойлар эса, аксинча, ўз даромадларини сақлашда ва,

демак, маҳсулотни сотишда қийинчилик туғдиришига олиб келади.

Буагильбернинг бу мулоҳазалари иқтисодий таълимотларнинг кейинги юз йилликдаги ривожига катта таъсир этди. Жамият бойлиги ва иқтисодий ўсиш буйича принципиал жиҳатдан икки хил қараш мавжуд.

Биринчиси буйича ишлаб чиқаришнинг ўсиши жамғариш ҳажми (яъни жамғарма ва капитал қўйилмалар)га боғлиқ. Бунда тўловларга талаб автоматик равишда (стихияли) амалга ошади. Бу концепцияга кўра, ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари бўлиши инкор этилади.

Иккинчи позиция буйича истеъмол талаби ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда ўсишини қўллайдиган омил сифатида қаралади. Буагильбер маълум маънода мана шу позиция тарафдори эди ва у қонуний равишда иқтисодий инқирозлар муаммосини келтириб чиқарган.

Буагильбер инқироз ҳодисасини хўжаликнинг ички қонуниятлари билан эмас, балки ёмон давлат сиёсати билан боғлайди. Унингча, яхши сиёсат олиб бориш йўли билан талаб камомадини ҳал этиш ва инқирозларни четлаб ўтиш мумкин. Бу масала жуда мураккаб бўлиб, *Сэй*га тегишли (буни кейин қараб чиқамиз) «бозорлар қонуни»га асос бўлган дейиш мумкин, яъни эркин маҳсулотлар алмашуви тизимида маҳсулотларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши мумкин эмас (инқирозлар бўлмайди). Аксинча, *Шумпетер*нинг фикрича, Буагильбер истеъмол талабининг етарли эмаслиги ва жамғарма ортиқчалиги сабабли, ўша даврдаги тизим учун инқироз хавфи бўлиб, тизим барқарорлигига шубҳа билдирган, яъни Сэй қонунини олдиндан танқид қилган.

Буагильбер ўзининг «**Бойлик, пул ва ўлпонларнинг табиати тўғрисида мулоҳаза**» асарида иқтисодий инқироз даврида нима рўй беришини ёрқин ва образли ифодалаб беради, унингча, одамлар фақат етишмовчиликдангина эмас, ортиқча бойликдан ҳам ўлишилар мумкин экан. Тасаввур қилингки, дейди у, 10-12 одам бир-биридан ажратилиб, занжирбанд қилинган. Бирида озиқ-овқат кўп, аммо бошқа ҳеч нарса йўқ; иккинчисида эса кийим-кечак сероб, учинчисида ичимликлар кўп ва ҳоказо, аммо улар бу маҳсулотларни алмаша олмайдилар. Занжирлар бу оддий инсонларга тушунарсиз инқирозларни келтириб чиқарувчи иқтисодий кучлардир. Буагильбер инсоният тарихида XX асрда бир неча бор рўй берган йирик иқтисодий инқирозларни олдиндан кўра билгандек (маълумки, ишсизлик ва қашшоқлик шароитида сутлар денгизга тўқилган, экин майдонларига ўт қўйилганлиги аниқ).

Меркантилистлардан фарқли равишда у бойликнинг манбаи алмашув соҳаси эмас, балки ишлаб чиқариш деган эди. Алмашувни эса ишлаб чиқариш ривожининг шарти сифатидагина қарайди.

Буагильбер В.Петтидан ҳоли, мустақил равишда қийматнинг меҳнат назариясига асос солди, у бозор баҳоси ва «ҳақиқий баҳо»ни фарқлаган, «*ҳақиқий баҳо меҳнат сарфи билан белгиланади*», деган. У ҳақиқий баҳо деганда, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари ўртасида меҳнат тақсимотининг тўғри пропорциясини тушунган. Шундай пропорционал тақсимотнинг зарурий шарт-шароити сифатида ишлаб чиқарувчилар орасидаги эркин рақобат ётади.

В.Петтидан фарқли равишда (қийматни пул шаклида ифодалашни таклиф этган) Буагильбер қийматнинг пул шаклини қатъий равишда инкор этган, шундай заруратга эҳтиёж йўқ деган. Агар В.Петтининг диққат марказида пуллар в бошқа товарлар ўртасидаги алмашув муносабатлари турган бўлса, Буагильбернинг эътибори товарларнинг товарга бевосита муносабати, яъни товарларнинг тўғридан-тўғри алмашувига қаратилган эди. Буагильбер учун шу нарса характерли эдики, у

пулга кескин қарши бўлган, пулда барча ёвузлик ва офатларнинг манбаи мужассамланган, товарларнинг «ҳақиқий баҳо» асосида алмашуви бузилишининг сабаби ҳам шунда дейди у. У олтин ва кумушни буюк ёвузлик деб баҳолайди, пулга қарши мутаассиблик (фанатизм) билан курашади. Пулнинг ягона яхши томони шундаки, у алмашувни осонлаштиради. Олтин ва кумуш ўрнини ғоғоз пул бемалол қоплайди. Кўриниб турибдики, олим пулнинг барча функцияларини тушуниб етмайди. Пул умумий эквивалент бўлиб, унинг ролида қийматга эга бўлган товарларгина ҳизмат қилиши мумкин. Шу сабабли унингча, товар ишлаб чиқарилишини сақлаган холда, пулни йўқ қилиш керак. Шу ерда у иқтисодий муносабатларнинг икки шакли ўртасидаги чамбарчас алоқани тушунмади, унинг бир шаклини (товар) сақлаб, иккинчи (пул) шаклини йўқ қилмоқчи эди, бу эса мункин эмас.

Олим товар ишлаб чиқаришнинг асл мақсади фақат истеъмолни қондиришда деб хато ўйлаган (тавар истеъмол ва алмашув учун керак).

Демак, Буагильбернинг энг буюк хизмати шундаки, у қийматни сарфланган иш вақтига тенглаштирди. Лекин у товар ишлаб чиқаришнинг қулай томонини сақлаган холда унинг салбий томонларини тугатишни орзу қилади. Агар Петтининг иқтисодий таълимотида алмашув қиймати асосий бўлса, Буагильберда истеъмол қиймати бош ролни ўйнайди. Аслида уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Буагильбер қарашларидаги чекланганлик (фақат деҳқонларни ҳимоя қилиши, саноат ва савдони етарлича баҳоламаслиги), бизнингча тарихан бўлиб, Франция капитализми ривожининг хусусиятларидан келиб чиқади, назарий жиҳатдан орқага қараш бор. Агар Англияда саноат, савдо ва хатто қишлоқ хўжалигида капиталистик муносабатлар тўла ғалаба қозонган бўлса, унинг иқтисодиёти меҳнат тақсимоти, рақобат, капитал ва ишчи кучларининг фаоллиги билан характерланар эди; Францияда эса бу муносабатлар энди шакллана бошлаган эди, холос.

4. ФИЗИОКРАТИЗМ. Ф.КЕНЭ ВА А.ТЮРГО ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ

Франсуа Кенэ (1694-1774) ҳар томонлама кенг билимли олим бўлиб, Версаль яқинида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди, у ёшлигидан медицинага хавас қўйди, қишлоқ жарроҳидан дарс олди, медицина амалиёти унга шуҳрат келтирди. Дворян унвонига эга бўлди ва Версаль саройига (Людовик XV қирол саройига) ўтди. 1718 йилда врачлик касбини олди. 1744 йилда медицина доктори илмий даражасига эришди, 1752 йилдан эса Людовик XV хонадонида табиблик қилди (лейбмедик). Медицина ва биологияга оид кўпгина асарлар яратди. Энг муҳими шуки, у олтмиш ёшидан бошлаб иқтисодиёт муаммолари билан бевосита шуғуллана бошлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ф.Кенэнинг иқтисодий ғоялари қирол саройида - Версалда юзага келди. Бу ерда у умрининг деярли охиригача яшади ва ижод қилди. Бизнингча, бу ерда объектив иқтисодий информация етарли бўлган ва олим улардан яхши фойдаланиб ўз таълимотларини яратган. 1766 йилда *Адам Смит* ҳам унинг меҳмони ва суҳбатдоши бўлган эди. *Дидро* ва *Д`Аламбер* томонидан чоп этилган «**Қомус**»да Ф.Кенэнинг дастлабки иқтисодий мақолалари: «**Фермерлар**», «**Дон**», «**Аҳоли**», «**Солиқлар**» пайдо бўлди (1756-1757йй). 1758 йилда унинг асосий ва энг муҳим асари - «**Иқтисодий жадвал**» китоби дунёга

келди. Ф.Кенэ бу асарларида физиократизм мактаби асосларини яратди, унинг назарий ва сиёсий дастўрини таърифлаб берди. Унинг ишини ва тадқиқотларини XVIII асрнинг иккинчи ярмида Франциянинг таниқли давлат арбоби *А.Тюрго* (1727-1781 йй.) давом эттирди. Физиократизм ғояларини (айниқса Ф.Кенэ таълимотини) *Дюпон де Немур, Д`Аламбер, В.Мирабо, Г.Летрон* ва бошқалар кенг тарғиб этдилар. Шундай қилиб, ҳақиқий физиократлар мактаби ёки ўша давр тили билан айтганда «иқтисодчилар мактаби» таркиб топди. Унинг энг ривожланган даври XVIII асрнинг 60-70 йилларига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муаммолари *тадқиқот предмети* сифатида қаралади. Шу билан бирга, халқ хўжалиги тармоқларининг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги деярли эътиборга олинмайди.

Ф.Кенэ «*табиий тартиб*» концепциясини илгари сурди, бу олимнинг услубий платформаси эди («табиий ҳуқуқ » концепциясини эсланг), бунда у пайдо булаётган ва тобора мустахкамланаётган дахлсиз хусусий мулкни тушунди, иқтисодиёт эркин рақобат асосида ривожланишини, бозор

Физиократлар (лотинча *physio* - табиат ва *kratos* - ҳоқимият) XVIII асрда Франция ижод этган классик иқтисодий мактаб намояндаларидир. Физиократлар мактаби феодализмдан капитализмга ўтиш даврида ривожланди, бу иқтисодий йўналиш Францияда вужудга келди ва бу тасодифий эмас эди. Франция иқтисод ва айниқса саноат буйича Англиядан анча ортда бўлишига қарамай, бу ерда ҳам саноатнинг капиталистик тури - мануфактура ривожлана бошлади (бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди). Аммо мамлакат ҳали ҳам аграр ҳолатда эди. Аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшар, миллий бойликнинг 2/3 қисми шу соҳада юзага келтирилар эди. Деҳқонларнинг аҳволи тобора ёмонлашди, қишлоқ хўжалигининг тушкунлиги эса энг юқори чуққига кўтарилди. Асосан майда деҳқон хўжаликларидан иборат Францияда янги, нисбатан самарали капиталистик синф - фермерлар ҳам пайдо бўлиб, тобора ривожланди. Ислоҳотларни амалга ошириш суст борди, феодал мажбуриятлар тобора ошди. Оқибатда деҳқонларнинг норозилик ҳаракати кучайди. Мамлакатнинг молиявий ахволи фожиали эди. Мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг ривожи феодал иқтисодий муносабатлар билан қарама-қаршиликка учради. Буржуа инқилобига олиб келадиган омиллар кўпайди. Феодал тузумга қарши кураш ғояси физиократлар ва уларнинг асосчиси Ф.Кенэнинг иқтисодий таълимотида асосий ўринни эгаллади.

Бу таълимот фермерлар синфини ҳимоя қилди, ишлаб чиқаришни, асосан қишлоқ хўжалигини мамлакатни оғир ахволдан чиқаришнинг бош йўли деб белгилади. Табиий қонун-қоидаларга амал қилиш кераклиги, шу йўл билан мамлакат бойлигини орттириш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

Франциядаги қишлок хўжалигининг ахволи ва уни яхшилаш тадбирлари тадқиқотларнинг асоси бўлди (П.Буагильбер ҳам шу масалага катта эътибор берган эди). Эксплуатациянинг асосий шакли оброк бўлиб, у пул ва натурал маҳсулот шаклида олинган. Деярли барча ҳайдаладиган ер, яйлов ва ўрмонларнинг 80 фоизи дворянларга тегишли эди. Оброк шампар - дон сифатида тўланган ва ҳосилнинг 25 фоизини ташкил этган. Ижарага олинган ернинг ярим ҳосили ер эгаларига (помешчикка) тўланган. 1789 йилда (инқилоб бошланган йил) Францияда икки миллион хонавайрон бўлган деҳқон бор эди, бу пайтда солиқ доимо ошиб борган.

Аграр масалани ҳал этиш физиократларнинг асосий вазифаси бўлиб қолди. Улар қишлоқ хўжалигини мамлакат бойлигининг асоси деб тушундилар.

Физиократларнинг муҳим томони шуки, улар меркантилистлардан фарқ қилиб, ўз тадқиқотларини иқтисодиётнинг муомала соҳасидан ишлаб чиқариш

соҳасига кўчирдилар. Олимлар ибораси билан айтганда, улар «*замонавий сиёсий иқтисоднинг ҳақиқий оталари*» эдилар. Уларнинг хизмати шундаки, ўша давр дунёқараши доирасида капиталнинг дастлабки таҳлилини беришди. Бу уларни бошқалардан ажратиб турувчи асосий масала эди. Аммо физиократлар ишлаб чиқариш соҳасини фақат қишлоқ хўжалиги соҳаси билан чеклаб қўйган эдилар (Франциянинг таъсири), улар саноат (ҳунармандчилик)ни самарасиз соҳа деб билганлар.

Бу таълимот, гарчи унинг кўпгина хатолари бўлса ҳам (бу ҳақда қуйида гапирилади), ҳақиқатга якинлашиш борасида навбатдаги муҳим қадам ҳисобланади. Ўша даврда Францияда олиб борилган иқтисодий сиёсат

(Кольбернинг меркантилизми) қаттиқ танқид қилинади. Людовик XIV ўрнига келган янги қирол Людовик XV ҳам эски сиёсатни давом эттирди, Франция Англия билан етти йиллик уруш олиб бориб, унда енгилди, Канададан ва Шарқдаги бир қанча мустамлакаларидан ажралди, оқибатда Европадаги иккинчи даражали давлатга айланди. Шу шароитда бу аҳволдан чиқиш йўли табиатдан қидирилди.

Физиократларнинг дастури бўйича Франциядаги феодализм қолдиқлари тугатилиши, фискал (солиқ) тизимни рационализация қилиб, рентадан ягона солиқ олиниши, майда ер участкалари бирлаштирилиб, дон савдосидаги барча протекционистик тўсиқлар бартараф этилиши керак эди, оддийроқ қилиб айтганда, Англиядаги қишлоқ хўжалигига хос иш юритиш таклиф этилди. Иқтисодий ривожланиш одамларнинг истак-хоҳишига боғлиқ бўлмаган табиий жараён бўлиб, унинг маълум қонуниятларга бўйсунишини тан олиш физиократларнинг сўзсиз ютуги эди. Бу қонунлар уларнинг фикрича тарихий бўлмай, абадий қонунлар деб қаралган эди. Шу сабабли ишлаб чиқаришнинг капиталистик (бозор) шакли табиий ва абадий ишлаб чиқариш шакли деб ҳисобланган (ҳозирги ривожланиш буни кўп жиҳатдан исботламоқда).

Ф.Кенэ алмашувнинг эквивалентлиги таълимотини илгари сурди. У алмашув ёки савдо бойлик яратмайди, демак, алмашув жараёни ҳеч нарса ишлаб чиқармайди, деб ҳисоблаган. Эркин рақобат шароитида алмашув соҳасида тенг миқдорли қийматларнинг алмашуви рўй беради. Бу қиймат товарларда улар бозорларга кирмасдан олдин ҳам мавжуд бўлади (В.Петтининг товар қиймати фақат алмашув пайтида пайдо бўлади, деган фикри нотўғридир). Бундан келиб чиқадики, алмашув жараёнида бойлик яратилмайди ва фойда пайдо бўлмайди. Алмашувнинг эквивалентлиги тўғрисидаги таълимот меркантилистларнинг қарашларини инкор этиш учун назарий асос бўлди. Бу холат шу билан бирга физиократлардан бойлик манбаини муомала соҳасидан ташқарида излашни тақозо этди. Аммо Ф.Кенэ миқдорли қийматларнинг алмашуви сабабини тўғри тушунтириб бера олмади, чунки қиймат назарияси ҳали тўла ишлаб чиқилмаган эди ва у қийматни ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан айнан бир деб ҳисоблади.

Физиократларнинг иқтисодий тизимида «*соф маҳсулот*» тўғрисидаги таълимот марказий ўринни эгаллайди. Ф.Кенэ ялпи ижтимоий маҳсулот ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари ўртасидаги фарқни соф маҳсулот деб билган, бошқача қилиб айтганда бу ишлаб чиқариш чиқимларидан ошиқча маҳсулотдир. Ф.Кенэ «соф маҳсулот» фақат қишлоқ хўжалигида, деҳқончиликда яратилади, бу соҳада табиат кучлари таъсирида истеъмол қийматлари миқдори кўпаяди, деб таъкидлайди. Саноатда эса истеъмол қийматлари фақат турли комбинацияларга учрайди, меҳнат жараёнида деҳқончиликда яратилган маҳсулотнинг шакли ўзгаради, лекин унинг миқдори кўпаймайди, шунинг учун «соф махсулот» пайдо бўлмайди ва бойлик

яратилмайди (кучли, аммо нотўғри мантиқ бор).

А.Смитнинг фикрича, шу асосда ҳунармандлар (саноатчилар) унумсиз, фойда бермайдиган синф деб қаралган. Аслида эса физиократлар бу синфнинг борлигини тан оладилар, уни унумсиз эмас, балки фойдага соф қўшимча даромад келтирмайдиган синф деб қараганлар. А.Тюрго эса бу синфга юқори баҳо бериб, «ҳақ тўланадиган синф» деб қарайди.

Физиократлар қийматни истеъмол қийматига, хатто табиат маҳсулотига тенглаштирганлар (алмашув қиймати ҳам бор). Уларни фақат миқдорий соҳа, яъни ишлаб чиқариш жараёнида олинган истеъмол қийматларининг ортиқча қиймати (истеъмол қилингандан ортиғи) қизиқтирган. Бу нарса асосан деҳқончиликда аниқ намоён бўлади. Аммо Ф.Кенэ таълимотининг бошқа томони ҳам бор, унинг фикрича «соф маҳсулот» миқдори ишлаб чиқариш чиқимларининг миқдорига боғлиқдир, бу чиқимларга хом ашё сарфлари, материаллар ва иш ҳақи киради. Материалларнинг қиймати белгиланганлиги туфайли, иш ҳақи тирикчиликнинг минимум ҳаражатларига келтирилган экан, «соф маҳсулот» (қўшимча қиймат) қўшимча меҳнатнинг самараси сифатида юзага келади. Шундай қилиб, физиократларда қўшимча қиймат тушунчаси қарама-қарши характерга эга. Улар уни табиатнинг соф хадяси ҳамдир, яъни деҳқонларнинг қўшимча меҳнати натижасидир, деб қараганлар (қўшимча қиймат яратишда табиат ҳам иштирок этади). Физиократларнинг бундай фикрлаши қийматнинг ижтимоий табиатини тушунмасликдан ва қиймат тушунчасини истеъмол қиймати билан қориштириб юбориш оқибатида юзага келди. Фойда тушунчаси мустақил категорияга ажратилмаган, хатто инкор этилган. Рента қўшимча қийматнинг ягона шакли сифатида қабул қилинган экан, фойда ишлаб чиқариш чиқимларининг фақат ажралмас қисми бўлиши мумкин эди. Улар фойдани иш ҳақининг шакли сифатида қараганлар, фойда гўёки одатдаги иш ҳақидан ўзининг каттароқ миқдори билан фарқ қилган ва у капиталистлар томонидан фойда сифатида тўла истеъмол қилинган.

Физиократларнинг «*унумли*» ва «*унумсиз*» меҳнат тўғрисидаги таълимоти «соф маҳсулот» тўғрисидаги таълимот билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг мантиқий давоми деб ҳисобланади. Меркантилистлардан фарқли равишда улар «соф маҳсулот» яратувчи меҳнат унумли бўлади, яъни қўшимча қийматни яратади, деган эдилар. Бу унумли меҳнатнинг табиати тўғрисидаги масалага принципиал тўғри ёндашиш йўли эди. Аммо рента қушимча қийматнинг яккаю-ягона аниқ шакли сифатида тан олинганлиги сабабли деҳқон меҳнати бирдан-бир унумли меҳнат деб ҳисобланади, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидаги (саноатда ҳам) меҳнат «унумсиз», яъни самарасиз дейилади. Бундан деҳқончилик меҳнатини бошқа меҳнат турларига қарши қуйиш асоссиздир, чунки ёлланма меҳнат ишлаб чиқаришнинг қайси соҳасида қўлланшмасин, қўшимча қиймат яратади, демак бу ҳам меҳнат, бу соҳа ҳам унумли меҳнатдир.

Ф.Кенэ «соф маҳсулот» тўғрисидаги ўз қарашлари асосида жамиятни уч синфга бўлади: *унумли синф* (фермерлар), *ер эгалари синфи* ва *унумсиз синф* (бу синфни у саноатчилар синфи деб ҳам атайди). Унумли синфга деҳқончиликдаги барча ходимлар, қишлоқ хўжалик ишчилари ҳам, фермерлар ҳам, яъни унингча «соф маҳсулот» яратувчиларнинг ҳаммаси киради. Ер эгалари «соф махсулот» яратмаганлигига қарамасдан, шу билан бирга бу махсулотнинг истеъмолчилари ҳисобланади, чунки улар уни ижара тўлови сифатида оладилар. Самарасиз, «унумсиз» синф вакиллари эса деҳқончиликдан бошқа тармоқларда ишлайди (саноат, савдо, ҳизмат соҳаси). Улар «соф маҳсулот» яратмайдилар.

Жамиятнинг синфий тузилиши тўғрисидаги бу таълимотнинг асосий камчилиги шуки, Ф.Кенэ янги жамиятнинг асосий синфларини кўра билмайди, тўғрироғи бунга тарихий шароит халақит беради. Бу тизимда ёлланма ишчилар билан капиталистлар бирлаштирилган. Францияда ўша даврда кам бўлса ҳам, пролетариат синфи мавжуд эди, лекин капиталистик муносабатлар яхши ривожланмаганидан буржуа жамиятининг бошқа синфларга қарши тура оладиган мустақил синфига ажралмаган эди. Синфлар тўғрисидаги таълимотнинг бу камчиликларидан қатъий назар, жамиятни синфларга бўлишнинг иқтисодий белгиларини аниқлаш ва иқтисодий асосларини кўрсатишга ўриниш ижобий воқеа ҳисобланади.

Физиократларнинг муҳим хизматларидан бири шуки, улар биринчилардан бўлиб, капитал тушунчасини таҳлил қилишган. Асарларида бевосита «*капитал*» сўзи қўлланилмаган, аммо ерларнинг захини қочириш, яъни ер сифатини яхшилаш, қурилиш, от, плуг, борона учун маълум типдаги дастлабки аванс (бўнак) ҳамда уруғлик ва ишчи-батракларга бериладиган аванс бошқача эканлиги аниқ белгиланади. Чунки биринчисига қилинган ҳаражат бир неча йилда бир марта бўлиб, ўз-ўзини аста-секин қоплайди (асосий капитал), иккинчиси эса йилига ёки доим бўлиб, ҳар бир ҳосил туфайли қопланган. Шу сабабли Ф.Кенэ уларни дастлабки аванс (ҳозирги замон нуқтаи назаридан асосий капитал) ва йиллик аванс (айланма капитал) деб атади. Бу ғоя А.Смит томонидан ривожлантирилди. Бу ўша давр учун буюк кашфиёт эди. Шуниси муҳимки, айланма капитал билан бирга асосий капитал ҳам доим ҳаракатда деб қаралади. деҳқончиликда қўлланиладиган капиталнинг моддий элементларига қишлоқ хўжалиги қуроллари ва инвентарь, мол, уруғлик, одамларнинг тирикчилик воситалари ва бошқалар киритилган. Ф.Кенэ меркантилистлардан фарқли равишда (улар капитални пул билан айнан бир деб ҳисоблаганлар), пулларнинг ўзи эмас, балки пулга олинадиган ишлаб чиқариш воситалари капитал ҳисобланади, дейди. Аммо капиталнинг бу моддий элементлари умумий меҳнат жараёнининг оддий элементлари сифатида, капиталистик ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган ижтимоий шаклидан ажралган ҳолда қаралади, оқибатда капитал абадий, яъни тарихий бўлмаган категория деб кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш чиқимлари (ҳаражатлари)ни тадқиқ қилиш орқали капиталнинг ташкил этувчи қисмларини ажратиш имкони пайдо бўлди, бунда капиталнинг (оборот) айланиш ҳарактери ҳисобга олинди. Капиталнинг бир қисми бошлангич аванс (бўнак) ҳисобланиб, унга қишлоқ хўжалик инвентари, қурилиш, мол ва бошқаларга кетган сарфлар киради, шулардан 10 фоизи йиллик амортизация ҳисобланган, йиллик аванс деб аталган капиталнинг бошқа қисмига уруғлик олиш, асосий қишлоқ хўжалик ишлари, ишчи кучи учун ҳаражатлар киради (иш ҳақи).

Бошлангич аванс билан боғлиқ капитал сарфи ишлаб чиқариш цикли бир қанча (қатор йиллар) ичида тўла айланса, йиллик авансга сарфланган капитал эса бир ишлаб чиқариш цикли (бир йил) давомида тўла айланади. Бу ерда амалда доимий ва айланма капитал тўғрисидаги ғоя берилган, аммо бу тушунчалар бошқа сўзларда ифода этилган, холос. Шуниси диққатга сазоворки, Ф.Кенэ капитални асосий ва айланма капиталга бўлганда фақат ишлаб чиқариш капитали билан боғлаган ҳолда берган, уни муомала капитали (савдо капитали) билан қўшиб юбормаган. Шу сабабли у пул ва товарни ишлаб чиқариш капиталининг бирор таркибий қисмига киритмасдан, тўғри фикр юритган. Шундай килиб, физиократлар асосий ва айланма капиталга оид муаммони назарий жиҳатдан ечишга асос солдилар.

Ф.Кенэ иқтисодиёт тарихида *такрор ишлаб чиқариш* жараёнини ва ялпи ижтимоий маҳсулот муомаласини бутунича кўрсатиш учун биринчилардан бўлиб ўриниб кўрди. У уша давр жамияти фуқароларини уч синфга бўлади: биринчиси - унумли синф (фермерлар); иккинчиси - мулкдорлар синфи (помешчик, черков...) ва учинчиси - унумсиз синф (ҳунарманд, ишчи ва савдо ходимлари). Бу жараён схематик равишда «Иқтисодий жадвал»да тасвирланган. Унда мамлакатда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг айланиши орқали қандай тақсимланиши кўрсатилган, бунинг оқибатида ишлаб чиқаришнинг аввалги ҳажмида қайта бошлаш учун шарт-шароитлар яратилади.

Ф.Кенэнинг ғоялари **Анн Робер Жак Тюрго** (1727-1781 йй.) томонидан давом эттирилди ва чуқурлаштирилди. Аммо у ўзини Ф.Кенэ шогирди ёки давомчиси деб ҳисобламаган. У Парижда норманд дворянлар оиласида туғилди, Сарбоннанинг Теология (диний) факультетини тугатди, аммо бу соҳада ишламади. 1751 йилдан Париж парламентининг чиновниги, 1761-1774 йилларда Лиможда интендант (ҳарбий қисмда хўжалик мудири), 1774-1776 йилларда молия бош назоратчиси, қирол Людовик XVI даврида молия вазири сифатида бир қанча антифеодал ислоҳотлар ўтказди (дон савдосидаги чеклашни йўқ қилди, савдо гильдияларини тугатди...), аммо бу ўзгаришлар Тюрго истеъфога чиққач, бекор қилинди. У ҳам Ф.Кенэ сингари Дидро, Д`Аламбер ва уларнинг ёрдамчилари томонидан чиқарилаётган « **Қомус**»га бир нечта фалсафий ва иқтисодий мақолалар ёзди.

А.Тюрго ҳаёти ва ижодида прогрессив чиновник Венсан Гурнэ катта роль ўйнади. У физиократлардан анча фарқли равишда саноат ва савдонинг мамлакат равнақидаги ролини тўғри тушунди. Соф бозор иқтисодиётидаги машҳур ***laissez faire, laissez passer*** (бу тамойилга кўра, иқтисодиёт давлат аралашувисиз ривожланиши керак) тамойили биринчи бор шу тадқиқотчи томонидан илгари сурилган деган фикр бор. У бошқалар қатори ҳунармандчиликдаги цех чеклашларига қарши чиқди, эркин рақобатни қўллаб-қувватлади.

А.Тюрго *В.Гурнэ* (у 1759 йилда вафот этди) билан Ф.Кенэ хузурида кўп бўлган, у улар билан асосий масалаларда маслакдош бўлса ҳам, кўп соҳаларда бошқача фикр юритар эди. А.Тюрго Парижда А.Смит билан ҳам учрашган.

А.Тюргонинг иқтисодий қарашлари унинг 1766 йилда ёзилган (1769-1770 йилларда чоп этилган) «**Бойликнинг пайдо бўлиши ва тақсимланиши тўғрисидаги мулоҳазалар**» асарида нисбатан тўла ёритилган. У Кенэ фикрларини фақат тарғибот қилиш билан чекланмади, уни ривожлантирди. У капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини анча чуқур тушунди, феодализмни ислоҳотлар ўтказиш йўли билан яхшилаш мумкин деган фикрга ишонмади (Кенэ ишонган), капитализм феодализм қобигида вужудга келади ва ғалаба қилади деган ғояни илгари сурди.

Бу китоб аслида Парижга ўқишга келган икки хитойлик учун дарслик сифатида ёзилган ва 100 та аниқ тезисдан иборат (В.Петти услуби), аммо баъзи қоидалар аксиома (исбот талаб этмайдиган қоида)дан иборат. Бу иқтисодий теоремалар аниқ уч қисмга бўлинади. 31 та тезис (теорема) физиократик ғоялар мажмуидан иборат (устоз Ф.Кенэнинг таъсири). Аммо «соф маҳсулот» назарияси Ф.Кенэдан бошқачароқ талқин этилади, аслини олганда бу ерда қўшимча қиймат ҳақида гап боради ва бу маҳсулот табиатнинг соф инъомидан деҳқон меҳнати билан юзага келадиган ортиқча маҳсулот сифатида қаралади ҳамда асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер эгаси томонидан ўзлаштирилади.

Кейинги 17 та теорема қиймат, баҳо ва пулга бағишланган. А.Тюргонинг бу

соҳадаги фикрлари ўзига хос ҳарактерга эга ва қийматнинг меҳнат назариясидан анча йироқ. Унингча алмашув қиймати ва товарнинг баҳоси товарлар нисбати, алмашувда иштирок этаётган шахслар, сотувчи ва олувчи истагининг интенсивлиги билан аниқланади (маржиналистик талқин). Аммо А.Тюргонинг бу ғояси унинг таълимотига ҳеч ҳам мос келмас эди.

Охирги 52 та теоремада А.Тюргонинг тарихий аҳамиятга эга бўлган асосий иқтисодий ғоялари келтирилади. Юқорида айтилганидек, Ф.Кенэ, жамиятни уч синфга бўлади. А.Тюрго эса жамиятни синфларга бошқачароқ ажратади, «унумсиз» саноатчилар синфини у икки қисмга бўлади: биринчисига тадбиркор мануфактуристлар, фабрика эгалари киради, улар катта капитал эгалари сифатида намоён бўлиб, ўз аванс, яъни бўнаклари ёрдамида иш жойи яратадилар ва уни фойда олиш учун сарфлайдилар. Иккинчилари - бу оддий ҳунармандлар бўлиб (ишчилар), улар ўз қўл кучлари ҳисобига иш ҳақи оладилар (ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум). А.Тюрго иш ҳақини В.Петти ва Ф.Кенэ каби тирикчилик учун зарур минимум маблағлар асосида ҳал этади, аммо Кенэдан фарқли равишда нега шундай бўлиши кераклигининг механизмини тушунтириб бермоқчи бўлади. Унинг асосий далили шуки, меҳнатга талаб таклифга нисбатан камайиб боради, ишчилар ўртасида рақобат боради.

Худди шу каби ер эгалари синфи ҳам фабрикантлар каби икки разрядга ажратилади, булар аванс берувчи тадбиркорлар ёки капиталистлар ва фақат иш ҳақи олувчи оддий ишчилардир. Бу катта ижобий воқеа, чунки Францияда бу синфлар мавжуд эди.

Демак, А.Тюрго бўйича жамиятда *беш синф* мавжуд, бу ҳақиқатга яқиндир. У ёлланма ишчида қўл кучидан бошқа ишлаб чиқариш воситалари йўқлигини очиб беради, кун кечириш учун у ўз меҳнатини бошқаларга сотиши зарурлигини кўрсатади. А.Тюргонинг бундай фикрга келишида вақтнинг ҳам таъсири бор, чунки у Кенэдан кейинроқ яшади.

Тюргонинг таълимотида пул, қиймат, синфлар ва даромад назариялари таҳлил этилади.

А.Смит ўз вақтида «*физиократизм тизими қанчалик номукаммал бўлмасин, шу даврга ча чоп этилган иқтисодий ғоялар ичида ҳақиқатга энг яқини эди*», - деб айтган эди. Бу таълимотнинг меркантилизмни инкор қилиши, меҳнат билан ер бойликнинг асоси эканлигини тан олиши, савдо-сотиқда божхона чеклашларини олиб ташлашни таклиф этиши ниҳоятда муҳимдир. Физиократлар бойлик тезиси тўғрисида фикр юритиб, бойлик - бу жамият меҳнати билан ҳар йили яратиладиган истеъмол қийматларидир, дейдилар. Бу тезис ҳам А.Смит томонидан қабул қилинган. Ишлаб чиқариш ва тақсимот жараёнига хос умумий меҳнат доктринаси, ишлаб чиқаришнинг такрорийлигига алоҳида урғу берилиши катта ютўқ ҳисобланади.

Капитал ва унинг икки қисмга ажратилиши (асосий ва айланма), такрор ишлаб чиқариш, эркин соҳибкорлик тўғрисидаги ғоялар, жамиятнинг синфларга ажратилиши иқтисодий таълимотларнинг ривожида кейинги муҳим қадамдир. Ҳозирги замон тили билан айтганда, физиократлар соф бозор муносабатларининг унсурларини асосан тўғри ҳал этиб бердилар. Меҳнат билан бирга ернинг бойлик асоси деб қабул қилинишида давр таъсири кучлидир. Чунки мамлакатдаги асосий синф деҳқонлар бўлиб, асосий бойлик қишлоқ хўжалигида яратилаётган эди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун эркин бозор муносабатларига ўтиш ва айниқса деҳқонларни турли-туман солиқ ва йиғимлардан озод қилиш зарурлиги, ягона солиқ тизимига ўтиш кераклиги тўғрисидаги фикр ниҳоятда

қимматлидир. Собиқ, СССРда янги иқтисодий сиёсатда бу усул қўл келган. Чунки, ҳар бир соҳибкор ва тадбиркор шахсий манфаатдорлик бўлган тақдирдагина ишлаб чиқаришни ривожлантиришга интилади (Россияда ҳам 13 солиқ).

Такрор ишлаб чиқариш ва реализация жараёни узлуксиз давом этиши, халқ хўжалиги тармоқларининг маълум пропорцияларини сақлаган ҳолда рўй бериши мумкинлиги аниқлаб берилди. Ф.Кенэ мисолида уч сектор ўртасидаги муносабатлар келтирилган.

Амалда, айниқса ҳозирги даврда эса бу секторлар миқдори хийла кўп бўлиб, улар ўртасидаги алоқалар Нобель мукофоти лауреати В.Леонтьевнинг «харажатлар - чиқариш» тизимида N та тармоқ учун ишлаб чиқилган. Кўриниб турибдики, бу ғоянинг куртаклари физиократларнинг асарларида кўринган. Ҳозирги даврда буни тармоқлараро баланс деб юритилади ва у макроэкономик таҳлилда ва умуман иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўша пайтда бўлажак иқтисодий моделларнинг асослари вужудга келган эди. Бу ғоя классик иқтисодий мактаб таълимоти занжирининг муҳим ажралмас қисми сифатида муҳим ўринни эгаллайди

Шу билан бирга ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари нуқтаи назаридан физиократизм ғоялари ўз аҳамиятини тезда йўқотди ва ўткинчи ҳарактерга эга бўлди, чунки жаҳондаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар нисбатан мукаммал ғоялар ишлаб чиқилиши зарурлигини тақозо этди ва бу амалда рўй берди. Айниқса бойликнинг асоси (соф маҳсулот) фақат қишлоқ хўжалиги соҳаси билан чамбарчас боғлиқ қилиб чеклаб қўйилганлиги тўғрисидаги хато тез намоён бўлиб қолди, саноат инқилоби натижасида рўй берган ўзгаришлар туфайли физиократизм ғоялари унутилаёзди. Бу ҳолат иқтисодиёт осмонидаги ёрқин юлдузнинг сўнишини эслатади.

ХУЛОСА

XVII-XVIII асрларда қулай ижтимоий-иқтисодий шароитларда дастлаб Англияда классик иқтисодий мактаб куртаклари пайдо бўла бошлади. Бу янги иқтисодий ғоялар В.Петти номи билан боғлиқ (буржуа инқилоби, мануфактура ва савдонинг ривожланганлиги, аграр ислоҳот, деҳқонларнинг чегараланиши, мустамлакачилик сиёсати, қулай тарихий, табиий ва географик ҳамда иқлимий шароитлар).

Классик иқтисодий мактабнинг шаклланиши аввалги ғоя меркантилизмдан принципиал фарқ қилади, агар меркантилизмда бойликнинг асоси муомала соҳаси (жавоҳир, олтин, кумуш, пул, савдо сальдоси)да вужудга келади деб қаралган бўлса, энди бойлик ишлаб чиқариш соҳасида вужудга келади деб исботлаб берилди. В.Петти янги капиталистик жамиятни, эркин тадбиркорликни, капиталистларни ҳимоя қилди, хусусий мулкни «муқаддас» ва «дахлсиз» деб билди. У иқтисодий тадқиқотда табиий фанларни, яъни абстракт усулларни қўллаб ҳар бир масаланинг ички боғлиқлигига асосий эътиборни қаратди, математик ва статистик усуллардан енг фойдаланди.

В.Петти «табиий баҳо» (қиймат), «сиёсий баҳо» тушунчаларини киритди, товар қийматининг унга сарфланган меҳнат миқдори билан ўлчаниши ғоясига, яъни қийматнинг меҳнат назариясига асос солди. «Меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онасидир» деган фикрни билдирди. Қийматни айнан алмашув қиймати (пул) шаклида тушунди.

Иш ҳақи ишчиларга тирикчилик учун зарур бўлган жисмоний минимум, яъни «яшаш, меҳнат қилиш ва кўпайиш» учун керак даражада тўланса бас, деган

ғояни илгари сурди. Капиталистларнинг фойдасини имкони борича оширишни, ишчиларнинг солиқ тўлашларини зарур деб билди.

Пулнинг роли ва унинг мамлакатдаги миқдори масалаларини асосан тўғри ҳал этди, яъни пул миқдори ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига тўғри, пулнинг айланиш оборотига эса тескари пропорционаллигини аниқлади. Пулнинг меъёрда бўлишини қўллаб-қувватлади.

Ер ва рента масалаларини анча пухта ишлаб чиқди. Иш ҳақи ва рентанинг бир-бирига қарама-қаршилигини исботлади (ер баҳосини тўғри хал этмади).

Петти «Сиёсий арифметика» ва бошқа асарларида статистика, аниқроғи демографик статистика фанига асос солди. «Аҳоли - бойлик асоси» масаласини тўғри қўйди. Миллий даромад масаласини кўтарди ва уни қисман ҳал этди.

Франциядаги классик иқтисодий мактабнинг дастлабки вакили П.Буагильбер ҳам муҳим ғояларни илгари сурди. Бу мамлакат аҳволи Англияникидан анча катта фарқ қиларди. Шу сабабли иқтисодий қарашларда ўзига хослик сезилади. Агар Петти кўпроқ саноат ва савдони қўллаган бўлса, Буагильбер асосан қишлоқ хўжалиги соҳасини тадқиқ этди ва ўзининг муҳим хулосаларини чиқарди. Қийматни айнан истеъмол қиймати шаклида тушунди. «Пропорционал баҳолар» тарафдори эди, эркин тадбиркорлик, рақобат ва эркин баҳоларни қўллади. Ортиқча ишлаб чиқариш инқирозини тўғри тушунтириб берди, пулга салбий муносабатда бўлди, олтин ва кумушларни ёвузлик сабаби деб билди. Нотўғри равишда фақат қишлоқ хўжалигини қуллаб-қувватлади, саноат ва савдога кам эътибор қилди. Буагильбернинг иқтисодий ислоқотлари бўйича таклифлари ўз даври учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

XVIII асрнинг ўрталарида Францияда иқтисодий таълимотлар тарихида физиократизм йўналиши юзага келди. Бу таълимот классик иқтисодий мактабнинг таркибий, бутун занжирнинг ажралмас қисми сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу оқимнинг асосий вакиллари Ф.Кенэ ва А.Тюрго мамлакатдаги ўша давр иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама таҳлил этиб, иқтисодиётнинг муҳим категориялари буйича қимматли фикрларни бердилар. Улар фермерларни ҳимоя қилган ҳолда аввало меркантилизмдан воз кечиб, бойликнинг асосий манбаи меҳнат ва ер эканлигини кўрсатдилар. «Табиий тартиб» концепцияси асосида «унумли меҳнат», «соф маҳсулот», капитал тўғрисидаги таълимотлар илгари сурилди.

Капиталистик муносабат, хусусий мулк, эркин баҳолар, эркин рақобат, давлатнинг иқтисодга кам аралашуви «табиий ҳол» деб тан олинди. Уларнинг фикрича, қиймат истеъмол қиймати бўлиб, хатто табиат, ер инъоми сифатида талқин этилади. Шундан деҳқончиликдан бошқа саноат, савдо ва ҳизмат тармоқлари унумсиз соҳа деб қаралади. Бундай нотўғри фикрнинг пайдо бўлиши Франциянинг ўша даврдаги иқтисодий аҳволи (аграр мамлакат) билан боғлиқдир.

Капитал тушунчасининг киритилиши ва унинг бошланғич ва йиллик бўнак каби икки қисмга бўлиниши иқтисодиёт тарихида муҳим қадамдир. Шундан доимий ва айланма капитал ғоялари ҳам келиб чиқади.

Ф.Кенэнинг асосий «Иқтисодий жадвал» асарида жамиятдаги синфлар масаласи кўтарилади, аммо бунда баъзи камчиликлар бор, уни А.Тюрго ривожлантириб, ўша давр учун тўғри хулосалар чиқаради. Такрор (узлуксиз) ишлаб чиқариш жараёни ва ялпи ижтимоий маҳсулот муомаласи биринчи бор кун тартибига қўйилади. Оддий такрор ишлаб чиқариш чизмаси берилади ва тайёр маҳсулотнинг айланиш тамойиллари кўрсатилади, бу ўша давр учун катта кашфиёт эди. Тармоклар, яъни секторлараро тақсимотнинг аниқ пропорциялари бўлиши

зарурлиги қайд этилади, маълумки бу тамойил ҳозирги даврда ҳам муҳим.

Олим ва давлат арбоби А.Тюргонинг иқтисодий ғоялари анча мукаммал бўлиб, ўша даврдаги жамият ва иқтисодиётдаги жараёнларни анча изчил таҳлил этади ва саноатда капиталистлар ва ёлланма ишчилар мавжудлиги ҳамда бешта синф борлиги эътироф этилади. Бу хулоса тўғри хулосадир. А.Тюрго саноат ва ҳизмат соҳаларига ижобий ёндашади. У капитал ва қўшимча маҳсулот (қиймат) масалаларини анча мукаммал ҳал этади, саноат, ссуда ва капитал ҳақида фикр юритади, лекин охир-оқибатда физиократизм кобиғидан чиқа олмайди, қўшимча маҳсулотнинг асосий шакли яна ерга, ер рентасига қайтади. А.Тюрго давлат чиновниги, аниқроғи молия вазири сифатида ҳам бир қанча иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга эришади. Аммо мамлакатдаги ижтимоий тузум бу ислоҳотларга тўсиқ эди.

Ҳозирги давр тили билан айтганда, физиократлар соф бозор муносабатларини қўлладилар, аммо уларнинг ғояси асосан қишлоқ хўжалиги билан чеклаб қўйилди, барча фикрларда мукаммаллик етишмас эди. Бу вазифалар эса кейинги олимлар томонидан ҳал этилди.

Таянч тушунча ва иборалар

Классик (намунавий) мактаб; меҳнат бойлик манбаи; табиий ва сиёсий баҳолар; пулнинг миқдори; (истеъмол ва алмашинув); В.Петтининг иш ҳақи, рента назариялари; ер баҳоси; статистика; инсон ресурслари; П.Буагильбер; истеъмол қиймати; ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги; бойлик ва қашшоқлик; физиократизм; Ф.Кенэ; табиий тартиб концепцияси; эркин бозор муносабатлари; унумли ва унумсиз меҳнат; соф маҳсулот; капитал; «Иқтисодий жадвал»; оддий такрор ишлаб чиқариш; А.Тюрго; қиймат таркиби; соф бозор иқтисодиёти; синфлар.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Классик иқтисодий мактаб вужудга келишининг шарт-шароитлари. Бу мактабнинг меркантилизмдан асосий фарқи нимадан иборат?
1. В.Петтининг иқтисодий қарашлари, унинг услуби.
2. В.Петтининг қарашларидаги чекланганлик. Қийматнинг меҳнат назарияси нима?
3. Франциянинг шу даврдаги иқтисодий аҳволи ва унинг П.Буагильбер қарашларига таъсири.
4. П.Буагильбер нима учун қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлади?
5. Пропорционал баҳолар, иқтисодий инқироз тўғрисидаги ғоялар.
6. Нима учун П.Буагильбер пулга қарши эди?
7. Мўл-кўлчилик даврида ҳам қашшоқлик бўлиши мумкинлиги қандай исботланади?
8. Физиократизмнинг моҳияти ва хусусиятлари нимадан иборат?
9. Ф.Кенэнинг «Иқтисодий жадвал» асаридаги иқтисодий ғоялар мазмуни
10. А.Тюргонинг бош асари ва ундаги иқтисодий ғояларни шархлаб беринг?
11. Физиократизмнинг аҳамияти ва тарихий тақдири тўғрисида нима дея оласиз?

Адабиёт

Асосий адабиёт

Майбурд Е.М. Введение в история экономической мысли. М., 1996
Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., 2002 (6-7 боблар)

Қўшимча адабиёт

Иқтисодий таълимотар тарихи. Т., ТМИ. 2003
История экономических учений. М., 2010

4 - Мавзу. А.Смит ва Д. Рикардоларнинг иқтисодий таълимотлари (2 соат)

Режа

1. А.Смит мануфактура даврининг иқтисодчи-назариётчиси
2. Смитнинг қийматнинг меҳнат назарияси
3. А.Смит ва ҳозирги замон
4. Д.Рикардо саноат тўнтариши даврининг назариётчиси
5. Д.Рикардо таълимотининг аҳамияти

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: мануфактура, қиймат, социал, феодализм, капитал, жамғарма.

1. А. СМИТ МАНУФАКТУРА ДАВРИНИНГ ИҚТИСОДЧИ-НАЗАРИЁТЧИСИ

XVIII асрнинг иккинчи ярмида классик иқтисодий мактаб британиялик олимлар А.Смит ва Д.Рикардо асарларида энг юксак чўққига кўтарилди. Бу ҳол тасодифий эмас эди, чунки бу олимлар яшаб ижод этган даврда Англияда чуқур иқтисодий, социал ва сиёсий ўзгаришлар рўй бераётган эди.

Англия жаҳонда энг ривожланган ва саноатлашган давлатга айлана бошлади, иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда капиталистик муносабатлар хал қилувчи ўринларни эгаллади. Мамлакатда юксак ривожланган қишлоқ хўжалиги ва тез ўсаётган саноат мавжуд эди, фаол ташқи савдо олиб бориларди. Янги жамиятга хос синфий ажралиш яққол бўлиб, ишчилар, соҳибкорлар, ер эгалари - лендлордлар ва фермерлар бор эди.

Капиталнинг дастлабки жамғарилиши натижасида йирик марказлашган мануфактуралар ва капиталистик фермалар тобора муҳим аҳамият касб эта бошлади. Агар XVIII аср бошида мамлакат хали аграр ҳолатда бўлса, саноатнинг иқтисодиётдаги ҳиссаси тобора тез ўсиб борди. Англия индустриал аграр давлатга айланди. Мануфактуралар сони ошди, улардаги ишчилар сони кўпайди, ишчиларнинг аҳволи ниҳоятда оғир бўлиб, қаттиқ эксплуатацияга дучор қилинди.

Аср ўртасида Англия бошқа мамлакатларга нисбатан мануфактурадан фабрикага ўтишга яқин турар эди. Англия саноат инқилоби арафасида эди. Мамлакатнинг саноат маҳсулотлари жаҳон бозорида юқори баҳоланган ва талаб тобора ортган, аммо давлат томонидан киритилган савдо-сотиқдаги протекционизм сиёсати, феодализм давридаги бир қанча тартиб ва чеклашлар, қонунлар давр талабига жавоб бермай қўйди, уларнинг борлиги капитализм ривожига тўсқинлик қилар эди.

Англия саноати эгалари эркин соҳибкорлик фаолиятини кучайтиришни, феодализм қолдиқларини тугатишни талаб қиларди. Шу сабабли соҳибкорлар синфи янги капиталистик ишлаб чиқариш усулини илмий жиҳатдан тўла таҳлил қиладиган иқтисодий таълимотларга муҳтож эди.

Шундай қилиб, XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи чорагида Буюк Британияда бошқа давлатларга нисбатан иқтисодий ғояларнинг ривожланиши учун ниҳоятда қулай шароитлар юзага келди, бу ғоялар А.Смит ва Д.Рикардо таълимотларида ўз аксини топди.

Бу олимлар ўзларидан аввалги меркантилизм, илк классик мактаб ва физиократизм ғояларини мукаммал ўрганиб, шулар асосида янги иқтисодий мактабнинг шаклланишини ниҳоясига етказдилар. Аслини олганда улар бозор иқтисодиёти асосини яратдилар.

Саноат инқилоби дастлаб енгил саноатда, хусусан, тўқимачилик соҳасида бошланди ва машинасозлик вужудга келиши билан ниҳояланди. **Ж.Кей** тўқув мокисини, 1733 йилда **Ж.Ҳаргривс** ўз қизининг номи билан атаган «***Женни***» механик тўқув дастгоҳини кашф этди. Механик **К.Вуд** уни 1772 йилда такомиллаштирди, 1783 йилда эса **С.Кромптон** «мюль-машина»ни яратди, 1785 йилда **Э.Картрайт** механик тўқув станогини ижод қилди, бу дастгоҳ 40 одамнинг ишини бажарарди. **Р.Аркрайд**нинг тўқув машинаси эса бу соҳанинг унумдорлигини кескин оширди.

Ишлаб чиқаришнинг энергетик базаси кул ва сув оқимидан 1782 йилда **Ж.Уатт** томонидан ишлаб чиқилган буғ машинаси иҳтиёрига ўтиши муҳим ўзгариш бўлди, бу машина асосида 1805 йилда буғ кемаси-пароход яратилди, 1811 йилда **Ж.Стефенсон** паровоз ясади, 1830 йилда эса Манчестер-Ливерпуль темир йўли қурилди.

Металлургия соҳасида 1735 йилда **А.Дерби** пистакўмир ўрнига тошкўмирдан фойдаланиб, домна печидан нисбатан сифатли ва кўпроқ миқдорда металл олиш йўлини топди. **Ж.Уилкинсон** ҳамма нарса, кўприк, қувур ва ҳатто пароход ҳам металлдан бўлиши керак, деган ғояни илгари сурди. Темирдан пароход ясалганида унинг сувда сўза олишига хеч ким ишонмади.

Саноат инқилоби иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётда кескин ўзгаришларга олиб келди. 1701-1802 йиллар оралиғида тўқимачилик ривожи туфайли Англияда пахта толасидан фойдаланиш 6000 фоизга ўсди. 1788-1838 йилларда чўян эритиш 68 минг тоннадан 1347 минг тоннагача ошди.

Сиёсий соҳада ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди, демократик, парламентар институтлар юзага кела бошлади. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу инқилобий ўзгаришларни ҳамма ҳам тўла тушуниб етмади. Масалан, А.Смит машина ва фабрикаларни кўргани ҳолда мануфактурани қўллади, Англия келажаги қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ деб ўйлади.

Адам Смит (1723-1790) Шотландиянинг Керколди шаҳрида божхона амалдори оиласида дунёга келди. Глазго ва Оксфорд университетларида таълим олди, у ерда фалсафа, адабиёт, тарих фанлари билан бирга физика ва математикани ҳам ўрганди. А.Смит 1748 йилда Эдинбургда оммавий лекциялар ўқий бошлади. Глазго университетининг профессори лавозимига сайланди, кейинчалик ижтимоий фанлар кафедрасини бошқарди. А.Смит 1759 йилда ўқиган лекциялари асосида этиканинг фалсафий муаммоларига бағишланган ўзининг биринчи «**Аҳлоқий ҳиссиёт назарияси**» китобини яратди. Унинг иқтисодчи бўлишига Глазгодаги ўзига хос сиёсий иқтисод клубидаги иштироки, қисман философ ва иқтисодчи Давид Юм билан дўст бўлганлиги таъсир этди. Аммо у 1764 йилда университетдаги ишини ташлаб, бир инглиз аристократнинг оиласига тарбиячи бўлиб келди (герцог *Баклю*). Ўз тарбияланувчиси билан Европа бўйлаб саёҳатга чиқди, Швейцарияда Вольтер, Францияда Дидро, физиократлар Ф.Кенэ ва А.Тюрго, Д`Аламбер, Гельвеций, Гольбах ва бошқа таниқли прогрессив олимлар

билан учрашди, уларнинг ишлари билан танишди. Бу учрашувлар олимнинг дунёқарашини шакллантиришга катта таъсир қилди.

У 1766 йилда ўз юртига қайтди ва ўзининг бош асари - «**Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқот**»ни ёзишга киришди, бу асар 1776 йил мартда Лондонда чоп этилди. Асарда инсоният томонидан илгари яратилган иқтисодий билимлар мужассамлаштирилди ва умумий назарий принциплар асосида нисбатан батартиб иқтисодий фанлар тизимига айланди.

А.Смитнинг бу асари беш китобдан иборат бўлиб, биринчисида қиймат ва қўшимча даромад муаммолари тадқиқ этилди, иккинчисида - капитал жамғарилишининг шаклланиши даврида Европанинг иқтисодий ривожланиши, учинчисида - турли халқларда фаровонлик, капитализм тараққиётининг тарихий шарт-шароитлари, тўртинчисида - меркантилизм ва физиократларнинг таълимотига муносабати, бешинчисида эса давлат молия тизими тадқиқ этилган. Бу ажойиб асар А.Смит тириклигидаги даврда тўрт марта, ўлимидан кейин аср охиригача уч марта такроран нашр этилди. Бу асардаги хулосалар кенг жамоатчиликни фақат Англиядагина эмас, балки чет элларда ҳам қизиқтириб қолди. Россияда бу асарнинг таржимаси биринчи марта 1802-05 йилларда чоп этилди.

Ўсиб бораётган соҳибкорлар учун бу асар айниқса асқотди, феодализм қолдиқларини тугатиш учун қимматли қурол бўлди. Янги капиталистик, яъни бозор иқтисодиётининг классик таълимоти яратилди.

А.Смит томонидан тадқиқ этилган инсоннинг табиати, инсон ва жамият орасидаги муносабат классик мактаб қарашларининг асосини ташкил этади. Бунда «*иқтисодий одам*» тушунчаси кейинроқ пайдо бўлишига қарамасдан, унинг кашфиётчилари А.Смитга таянганлар.

А. Смит услуби, унинг ўзига хос хусусиятлари

Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши ва унинг моддий-турмуш даражасини ошириш муаммолари А.Смит тадқиқотининг предметини ташкил этади. Қандай шарт-шароитлар ва қандай қилиб инсонлар юқорироқ моддий турмуш даражасига эриша оладилар деган фикр асарнинг асосий ғоясини акс эттиради.

Иқтисодиёт ривожланиши билан саноат товарларни нархи пасайиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи эса ўсиш тенденциясига эга деб ҳисоблайди. Демак, шундай хулоса қилиш мумкинки, аграр соҳа устун (бу хато).

Методологик жиҳатдан бу тадқиқот иқтисодий либерализм концепциясига, яъни физиократларнинг табиий тартиби, янада аниқроқ бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланади.

Олим ўз асарлари ва тадқиқотларида одамлар баъзи бир шундай табиий хусусиятларга эгаки, улар ижтимоий тузумга боғлиқ эмас, деган хулосага асосланади. Ана шундай хусусиятлардан бири - эгоизм (худбинлик) бўлиб, одамлар ўз хўжалик фаолиятларида унга амал қиладилар. Аммо айрим шаҳснинггина манфаатлари жамият манфаатларига мос тушади, деб уқтиради у. Ҳар бир одам ўз шаҳсий манфаатини кўзда тўтади, аммо бу ҳолатда кўп бошқа ҳолатлардаги каби, у *«кўринмас қўл»* томонидан унинг ниятида ҳам бўлмаган мақсад сари йуналтирилади...

Ҳозирги даврда барчага яхши маълум бўлган «кўринмас қўл» ибораси билан бирга *«иқтисодий одам»* тушунчаси ҳам киритилди. Унга кўра , шаҳсий манфаатлар туфайли савдо ва алмашув жараёни амалга ошади. «Менга керак бўлган нарсани берсанг, мен сенга керак бўлган нарсани бераман», қабилида, яъни шаҳсий манфаатларнинг талабини қондириш йўли тутилади, яъни гап кимнингдир

саҳийлигида эмас.

Иқтисодий ривожланишнинг шаҳсий манфаат ва стихияли қонунларнинг ўзаро ниҳоятда самарали ҳаракати шароитларини А.Смит «*табиий тартиб*» деб атаган. А.Смит ва унинг издошлари бу тушунча бир томондан иқтисодий сиёсатнинг тамойили ва мақсади бўлса, иккинчи томондан бу иқтисодий ҳаракатни ўрганиш учун назарий конструкция ёки моделдир. Демак, жамиятга наф келтирувчи фаолиятни бирор ҳаракат билан чекламаслик керак, деган хулоса чиқарилади. Бу тамойилга кўра қуйидагилар таклиф этилади:

Ишчи кучининг эркин ҳаракати;

Савдода (ер савдосида ҳам) тўла эркинлик;

Саноат ва ички савдони хукумат томонидан регламентация қилишга қатъий қаршилик;

Эркин ташқи савдо (*протекционизм*га қарши).

Олимнинг бу ғоялари кейинчалик тўла амалга ошди.

А.Смит капиталистик жамиятни табиий тузум билан бир деб тушунган, шунинг учун капиталистик муносабатлар абадий, капиталистик хўжалик намояндаларининг хусусиятлари одамнинг табиий хусусиятлари кабидир, деб изоҳлайди (бу фикрнинг қанчалик тўғрилигини тарих кўрсатади). А.Смитнинг тушунчаси бўйича иқтисодий ҳаёт шундай жараёнки, у айрим кишиларнинг ҳоҳишига боғлиқ бўлмаган объектив қонунларга бўйсунади. Бу қонунлар табиийдир, инсоннинг табиатидан келиб чиққан хўжаликнинг «табиий» қонунларини очишга интилган олим амалда капиталистик ишлаб чиқаришни тадқиқ этди.

А.Смит иқтисодий ҳақиқатга оид фактларни қандай бўлса шундай ҳолда, бевосита кўзатувчига қандай кўринса шундай ўрганиш билан чекланмасдан, «табиий баҳо», «табиий норма», иш ҳақи ва бошқаларнинг нимага боғлиқ эканлигини аниқлашга ўринди. Бунинг учун у мантиқий абстракция ёрдамига таяниб иш юритди. У тасодифий воқеалардан ҳоли равишда капиталистик хўжаликнинг айрим хусусиятлари тўғрисида қатор муҳим хулосалар чиқарди. Шу билан бирга у бошқа вазифа - аниқ иқтисодий ҳаётни изоҳлашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У шу мақсадда шундоққина кўриниб турган капиталистик хўжалик воқеаларини изоҳлади ва маълум системага солди.

А.Смит абстракция усулидан фойдаланиб қатор чуқур илмий хулосаларга келди, ҳодисаларнинг ички боғланиши масалаларига кириб борди. Шунга параллел равишда у бошқа йўлдан ҳам борди, капиталистик хақиқат тўғрисидаги бевосита кўзатиш натижаларини умумлаштирди. Биринчи метод *изотерик*, иккинчиси - *экзотерик* усуллар деб аталади.

Н.Г.Чернишевский А.Смит методига аниқ ҳарактеристика берган. Иккала методни бир вақтда қўллашнинг афзаллиги билан бирга, катта камчилиги ҳам бор: олинган натижаларни бевосита солиштириш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Илмий таҳлил асосида олинган хулосалар, юзаки умумлашмалар билан бир қаторга қўйилади. Мазмун ва ходиса шакллари доим ҳам ўзаро мос келавермаганидан бу хулосалар баъзида бир-бирига зид ҳам бўлган, аммо А.Смит буни охиригача тушуниб етмади.

Ишчи капиталнинг иложсиз қўшимчасига айланиб боради, ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат объекти ва шароитидан маҳрум бўла боради. Инсоннинг алмашувга мойиллиги унинг психологияси ва хулқ-атворига хос бўлиб, меҳнат тақсимотининг ривожига ҳам таъсир этади. Бундан кейин, меҳнат тақсимотининг ўсиши ва алмашувнинг кенгайиши параллел боради ва улар бир-бирининг

ривожланишига туртки бўлади. Бу жараёнда пулнинг муҳим роли бор. Смит товар дунёсининг пулнинг стихияли равишда, узоқ ривожланиш жараёни натижасида ажралишини кўрсатиб беради. Пулнинг пайдо бўлишини айрим талантли одамларнинг кашфиёти ёки одамларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлаш мумкин эмас. Смит пулнинг муомала воситаси функциясини бошқаларга нисбатан (бу принциплар Смитда бешта, Ғарб олимларида эса асосан учта) алоҳида таъкидлайди. Оқибатда Смитнинг фикрича, пул техник қурол бўлиб, иқтисодий жараёнларни енгиллаштиради, уни «*муомаланинг буюк ғилдираги*» деб баҳолайди. А.Смит олтин ва кумуш пулларни қоғоз пул билан алмаштириш мақсадга мувофиқ, уни эса банклар чекланган миқдорда чиқариши зарур деб ҳисоблаган, аммо бунга унча катта эътибор бермаган. А.Смитнинг қарашларида анча чалкашликлар бўлса ҳам, лекин у пул ва кредитни ишлаб чиқариш асосидан чиқарди, уларнинг ишлаб чиқаришга нисбатан тобелигини кўрсатиб берди. А.Смит пул-кредит омилларининг мустақиллигини етарли баҳолай олмади, уларнинг ишлаб чиқаришга тескари таъсирини тушунмади.

2.СМИТНИНГ ҚИЙМАТНИНГ МЕҲНАТ НАЗАРИЯСИ

А.Смитнинг иқтисодий қарашлари асосида шундай ғоя ётадики, унга кўра жамият бойлиги ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат туфайли пайдо бўлади (меркантилистлардан кескин фарқи бор). Эсланг, физиократлар ва илк классик мактаб вакиллари меҳнат фақат қишлоқ хўжалигидагина самарали бўлади, десалар, А.Смит меҳнатни барча соҳаларда (саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳизмат кўрсатиш соҳалари) бойликнинг асоси деб билди. У капиталистик ишлаб чиқаришниг мануфактура босқичини таҳлил қилиш асосида иқтисодий прогресснинг муҳим омили *меҳнат тақсимотидир*, деган хулосага келди ва буни ўз тадқиқотларининг бошланғич пункти деб қабул қилди.

А.Смит ўз тадқиқотида нина-тўғноғич мануфактурасидаги кўпчиликка маълум бўлган меҳнат тақсимотини мисол қилиб келтирди, у ердаги ишчиларнинг ихтисослашуви ва меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини кўп марта ошириш имконини берди. Меҳнат тақсимоти бўлмаган ҳолатда ҳар бир ишчи ўртача 20 та тўғноғич ясаши мумкин экан. Ўн киши ишлайдиган устахонада меҳнат тақсимоти ўрнатилади: бири симни тортади, 2-си тўғрилайди, 3-си кесади, 4-си учини ўткирлайди ва ҳокозо. Бу кунига 4800 та тўғноғич ясаш имконини беради, демак, меҳнат унумдорлиги 240 марта ошган. Меҳнат тақсимотининг аҳамияти тўғрисидаги бу мисол классик бўлиб кетган ва ҳамма ерда ишлатилади. Меҳнат унумдорлиги уч усул билан амалга оширилади:

1. Меҳнат тақсимоти туфайли айрим ишчиларнинг чаққонлиги ва моҳирлиги ошади;

2. Бир турдаги ишдан бошқасига ўтиш учун кетадиган вақт иқтисод қилинади (дастгоҳдан дастгоҳга бориш вақти ва янги турдаги ишга психологик мослашиш учун кетадиган вақт иқтисод қилинади);

3. Меҳнат тақсимоти машиналар ихтиро қилишга имкон туғдиради, яъни такрорланадиган жараёнлар машина қўллашга қулайлик яратади. Ундан ташқари ишчиларнинг бир хил ишни доим такрорлаши туфайли маҳсулотнинг сифати ҳам яхшиланиши керак, бу эса товарнинг баҳоси, рақобат қувватини оширади. Шундай қилиб, А.Смит мануфактурада меҳнат тақсимотининг роли ва машина саноати сари ривожланиш тенденциясини тўғри ёритган. Унингча ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот истеъмоли икки омил: *аҳолининг унумли меҳнат билан шуғулланаётган*

қисми ва меҳнат унумдорлигининг даражаси билан белгиланади. Фарқли равишда иккинчи омил муҳимроқ бўлиб, у меҳнат тақсимоти билан бевосита боғлиқдир.

А.Смит асарида меҳнат тақсимотининг салбий томонлари ҳам берилган. Бир хил операцияни механик равишда такрорлайвериш оқибатида ишчи бефаросат ва нодон бўлиб ҳам қолиши мумкин. Ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқ одамларнинг табиий кўрсаткичлари билангина аниқланмайди, балки уларнинг ҳаёти ва фаолияти оқибатиддир. Файласуф аравакашдан туғма хусусиятлари билан эмас, балки бошқа турдаги меҳнат ва ҳаёт тарзи билан фарқ қилади. Меҳнат тақсимоти қанча мукаммал ва бозор қанча кенг бўлса, меҳнат тақсимоти, ихтисослашув учун шунча кенг шароит бўлади, тор бозорда бу имкониятлар чекланган бўлади ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳам қийинлашади.

А.Смит қийматнинг меҳнат назариясини В.Петтига нисбатан анча чуқур ва тўлароқ ишлаб чиқди (шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кейинги Ғарб тадқиқотларида қиймат ўрнига қиммат тушунчаси кўпроқ қўлланилмоқда, маржинализм назариясида ҳам шундай). У товарнинг бозор ва табиий ёки ҳақиқий баҳоларини фарқлайди, ҳақиқий баҳони қиймат билан айнан бир деб тушунади. «Қиймат» сўзи унингча икки хил мазмунга эга. Бу сўз билан буюмнинг фойдалилиги (балки қиммати) ҳамда уни бошқа буюмга алмашиш қобилияти белгиланади. Демак, у истеъмол ва алмашув қийматларини фарқлаган. Масалан, сув ва олмосни олиб, бу товарларнинг алмашув қийматини уларнинг фойдалилиги ёки истеъмол қиймати билан тушунтириш бемаъни эканлигини кўрсатиб беради. Қийматнинг ягона манбаи ва охирги ўлчови шу товарни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат бўлиб, бу меҳнат сарфлари жами учун зарур ўртача сарфга тенгдир. Смит малакали ва мураккаб меҳнатдан оддийга ўтишга маълум коэффициентлар ёрдамида бажарилишини уқтиради.

Алмашув қиймати товарнинг табиий хусусияти эмас, товарларнинг табиий хусусияти, уларнинг истеъмол қийматлари ҳисобланади. Агар табиий хусусиятларни инкор этсак, товарларда ягона хусусият қолади: товарлар инсон меҳнатининг маҳсулидир. А.Смит В.Петтидан фарқли равишда (у меҳнат фақат олтин ёки кумуш ишлаб чиқаришда қиймат ҳосил қилади, деган эди) меҳнат барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларида қийматни ҳосил қилади, деган фикрда эди. У иш вақти ва қиймат миқдори орасидаги тўғридан-тўғри алоқадорликни аниқлади, меҳнат қийматнинг ҳақиқий асоси эканлигини исботлашга ўринди.

А.Смит меҳнатнинг иккиёқлама ҳарактерини, яъни абстракт ва конкрет меҳнат борлигини тушунмади, қиймат ўз табиатига кўра ижтимоий ҳарактерга эга, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ижтимоий муносабатларини акс эттиради ва бир товарнинг иккинчисига муносабати алмашув қиймати орқали аниқланади.

Смитнинг фикрича, қийматни сотиб олинадиган меҳнатга қараб аниқлаш шу товарларни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат билан аниқлаш усулига қарама-қарши эмас.

Эквивалентлик товар алмашувининг қонуни: бир хил миқдордаги меҳнат акс этган товарлар алмашади. Шундан Смит товар ишлаб чиқувчи бир товарни бошқасига алмашганда кенг миқдордаги меҳнатни сотиб олади, шу сабабли товар қийматини сарфланган ва сотиб олинган меҳнат билан баб-баравар аниқлаш мумкин, деган хулоса чиқаради. Бу ҳолда қиймат ўлчови деб иш вақти ўрнига меҳнатнинг алмашув қиймати келтирилади.

Сотиб олинадиган меҳнат назариясида қиймат тушунчаси ишлаб чиқариш фаолиятидан алмашув соҳасига кўчирилган (бу эса хато), алмашув қиймати эса ўз ҳисобига фақат маълум миқдордаги меҳнатни олиш қобилияти сифатида

изоҳлаган, ҳолос.

А.Смит капиталист ва ишчи ўртасидаги муносабатни таҳлил этиб, бунда эквивалентлик қонунининг бўзилганлигини кўрди. Капиталист ишчига иш ҳақи сифатида ишчи меҳнати томонидан яратилган қийматнинг фақат бир қисмини тўлайди. Бу қийматнинг иккинчи қисмини эса капиталист фойда сифатида ўзлаштиради. Олим капитализм даврида қиймат қонуни бўзилаётир, деб эълон қилди ва қийматнинг меҳнат назарияси капитализмгача бўлган шароитларда қўлланилиши мумкин, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, қиймат фақат «жамиятнинг дастлабки ҳолатида», капиталист ва ёлланма ишчилар бўлмаган, яъни оддий товар ишлаб чиқарилиши шароитларидагина меҳнат билан аниқланади (эквивалентлик тўла мавжуд).

Маълумки, оддий товар ишлаб чиқарувчилар меҳнат маҳсулотини сотадилар ва сотиб оладилар, ишчи кучи у ерда товар эмас. Тушунарлики, у шароитда бегона меҳнат фақат меҳнатнинг моддийлашган шаклида «сотиб олинади». Капитализмда эса ишчилар ишчи кучини товар сифатида, сотувчилар сифатида, капиталистик ишлаб чиқариш воситалари эгаси сифатида бу товарни сотиб олувчилар сифатида иш юритадилар, оқибатда жонли ва моддийлашган меҳнат ўртасида доимий алмашув рўй беради. А.Смит ишчи кучи деган категорияни билмаган, у ишчи ўз меҳнатини сотади деб ўйлаган. Шу сабабли у капитализмда ҳақ тўланмаган меҳнатнинг ўзлаштирилишини қийматнинг меҳнат назарияси асосида тушунтириб бера олмаган.

А.Смит қийматни даромад билан ҳам тенглаштиришга уринган. У айтадики, иш ҳақи, фойда ва рента ҳар қандай даромаднинг, худди шунингдек ҳар қандай алмашув қийматининг дастлабки уч манбаидир. Демак, Смит капитализмга хос яна бир қиймат - даромад назариясини ўйлаб топди, бу ерда даромад иш ҳақи даражаси, фойда ва рента билан аниқланади. Қийматни даромадлар асосида тушунтириш олимнинг қийматнинг меҳнат назариясига қарама-қаршидир. Бу ғайри илмий концепция бошқа сиёсий иқтисод намояндалари томонидан кенг фойдаланилади.

А.Смит капиталистик жамиятнинг синфий структурасини баҳолашда физиократларга нисбатан анча илгарилаб кетди. У ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатига кўра уч синфни ажратиб берди: ишчилар, капиталистлар ва ер эгалари. Ҳар бир синф ўзининг асосий даромадини: ишчилар иш ҳақи, капиталистлар фойда, ер эгалари эса рента оладилар. Смит турли қатлам ва оралиқ гуруҳлар мавжудлигини ҳам аниқлади ва асосий синфлар деб аталмиш даромадни оладилар, барча бошқа гуруҳларнинг даромади эса қайта тақсимланган ёки иккиламчидир.

Иш ҳақи, яъни ишчининг даромади Смитнинг фикри бўйича меҳнат маҳсулоти бўлиб, меҳнат учун тўланадиган табиий мукофотдир, оддий такрор ишлаб чиқаришда ҳам меҳнат ҳақи мавжуддир. У оддий ишлаб чиқарувчи билан ёлланма ишчининг даромадларини бир деб билди. Оддий такрор ишлаб чиқаришда «иш ҳақи» ишчининг бутун меҳнат маҳсулотига тенг.

Смит иш ҳақи масаласини илк классик мактаб вакили ва физиократларидан, яъни Ф.Кенэ ва В.Петтилардан бошқачароқ хал этди. Маълумки, В.Петти тирикчилик учун зарур бўлган минимум ҳаражатлар назариясини илгари сурган, физиократлар ҳам шундай фикрда эдилар. Смит «табиий баҳо» тушунчасини ишлатган ва иш ҳақи тирикчилик учун зарур минимум ҳаражатлардан анча ортиқ бўлиши, болалар ҳаёти ва тарбиясига оид ҳаражатлар ҳам ҳисобга олиниши керак, иш ҳақи миллий бойлик ўсишига бевосита боғлиқ деган фикрда эди.

Смит таълимотида ишчи кучи деган категория йўқ, у капиталист ва ишчи ўртасидаги муносабатда ишчи меҳнати сотилади деб ҳисоблайди. Аммо иш ҳақининг нормал даражасини аниқлашда у амалда ишчи кучининг ҳийматидан фойдаланган, иш ҳақининг миқдори тўғрисида гап борганда эса тирикчилик ҳаражатлари қиймати ҳисобга олиниши керак, дейди. У шунингдек, иш ҳақи миқдори ўзгаришининг механизмини ўрганиб, унинг қуйи чегараси жисмоний тирикчилик минимуми бўлиш керак деган хулоса чиқарди.

Қийматнинг меҳнат назариясидан келиб чиҳиб, фойда ёлланма ишчи меҳнатига тўланмаган маҳсулотдир, деган хулоса чиқарилади. А.Смит қўшимча қиймат келиб чиқишининг ҳақиқий сабабини аниқлашга якинлашган, чунки фойда капиталист билан бевосита боғланган, бунда ишчи ўз меҳнат самарасини капиталист билан бўлишишга мажбур бўлади. Бу ҳолатда фойда янги пайдо бўлган ҳиймат билан иш ҳақининг фарқи айирмасидир; ишчига у ҳосил қилган товарнинг бир қисми тегади, холос. Қолган қисмини капиталист фойда сифатида олади. Амалда фойда қўшимча қийматдир. Физиократлардан фарқли равишда, А.Смит қўшимча маҳсулот фақат қишлоқ хўжалигида, истеъмол қийматларнинг ортиши ҳисобигагина эмас, балки ходимнинг меҳнати яратган янги қийматдир, деган тўғри хулосага келди (бу ерда ишлаб чиқариш соҳасининг, яъни бу соҳа саноатми ёки аграр соҳами, ҳизматми - аҳамияти йўқ). Аммо бошқа ҳолатда у фойдани бошқача тушунади: ер эгасига рентани тўлагандан кейин саноат капиталистида қоладиган даромад, пул капитали эгаси ссуда фоизини тўлагандан кейин қоладиган даромад. Бу ерда фойда ҳизматчи капиталистнинг корхона даромади сифатида амал қилади. Смит бу холдаги фойдани корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа кўринишдаги иш ҳақи деб эълон қилишга қарши чиқди. У фойда миқдори корхонани бошқаришдаги меҳнатнинг миқдори ва мураккаблигига эмас, балки аванс (бунак) қилинган капиталнинг хажмига боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Смит қўшимча қийматга илмий изоҳ бера олмади ва унинг пайдо бўлиш механизмини тушунмади. У фойда барча авансланган капитал туфайли туғилади, деб ўйлади. Фойда нормасининг текисланиб боришини, ўртача фойда пайдо бўлиши жараёнини сезган олим бу орада юзага келадиган қарама-қаршиликни кўра олмади. Агар қўшимча қиймат тўланмаган меҳнат маҳсули бўлса, у капиталга пропорционал бўла олмайди. Смит тарихий ривожланиш тизими «ўзгарувчи капитал - қиймат - қўшимча қиймат»дан «ялпи авансланган капитал - ўртача фойда - ишлаб чиқариш баҳоси» тизимига ўтилганлигини инкор этиб, ўртача фойдани қўшимча қиймат билан қориштириб юборди. Оқибатда Смит қийматга капиталнинг унуми натижаси ёки капиталистга унинг фаолияти учун тўланадиган ҳақ сифатида қарайдиган бўлди. Шу фикр билан боғлиқ равишда у фоизни тўлагандан кейин қоладиган фойданинг бир қисми капитални қўллаш билан боғлиқ бўлган меҳнат ва таваккалчилик учун тўланадиган мукофот кўп ҳолларда арзимас мукофот ёки ҳақ деб гапира бошлади.

Смит фойда нормаси ва процентнинг паст даражасини иқтисодий ривожланиш ва «миллатнинг равнақи» кўрсаткичи деб ҳарактерлади, аммо фойда нормасининг пасайиб бориш тенденциясини тушунтириб бера олмади. У бой давлатларда капитал ортиқлиги, капиталистлар рақобатини фойда нормаси пасайишига сабаб деб кўрсатди.

Қийматнинг меҳнат назарияси асосида рентанинг ҳақиқий табиати очиб берилади. Ер капитал каби ўзга мулк сифатида меҳнаткашларга қарши турадиган моддий шароит ҳисобланади. Ер хусусий мулкка айлангач, ходим, яъни ишчи ўз меҳнати якунларининг бир қисмини ер эгасига қайтаришга мажбур. Рента ерга

хусусий мулкчилик монополияси пайдо бўлишининг оқибатидир. Ер унуми ва жойлашувининг турли бўлиши ҳам рентага сабаб бўлиши мумкин, дейди Смит. Аммо абсолют ва дифференциал рента тушунчаси унда бўлмаган (абсолют рента ерга хусусий мулк бўлгандагина пайдо бўлади, дифференциал рента эса ҳар доим мавжуд). Физиократлардаги каби табиий куч таъсири ҳам эътиборга олинган. Бу вариантда рентани ҳосил қилишда қишлоқ хўжалиги ишлари ва ишчи ҳайвонлари иштирок этади. Деҳқончилик капитал қуйиш учун энг фойдали, самарали соҳа деб ҳисобланган. Смит Англиянинг келажаги шу соҳада , деб нотўғри ўйлаган. Унинг рента тўғрисидаги бошқа бир қанча фикрлари бор, лекин улар масалани ўта чалкаш ва нотўғри талқин этади. Петтининг рентани Смитдан яхшироқ таҳлил этганини ҳаёт исботлади.

Меҳнат унумдорлиги – бу қайта ишланаётган материал қийматининг ошувига олиб келадиган меҳнатдир.

Смитда бу масала анча мукаммал таҳлил этилган. Физиократларда қийматнинг манбаи у ёки бу конкрет меҳнат шакллари эмас, қайси соҳада бўлишининг фарқи йўқ, балки умуман меҳнат эканлигини кўрсатиб берди.

Смитнинг фикрича, қиймат ва фойда умумий ижтимоий меҳнат билан яратилади.

Аввало капиталга алмашувни, яъни фойда яратувчи меҳнат унумли деб эълон қилинади, мақсадидан қатъи назар одамларнинг бошқа турдаги фаолияти унумсиз меҳнат ҳаражатлари деб айтилади. Унумли ва унумсиз меҳнатнинг фарқи шундаки, биринчиси капиталга алмашса, иккинчиси даромадга алмаштирилади.

Бу тушунчадан бошқа фикр ҳам келиб чиқади. Меҳнат метафизик равишда қаралиб, тарихий бўлмаган ҳамма даврларга хос категория деб тушунилади. Моддий бўлмаган ишлаб чиқаришнинг ҳаммаси унумсиз меҳнат деб қаралади, масалан, ҳизмат соҳалари . Унга давлат амалдорлари, армия, флот, шунингдек, рухоний, ҳуқуқшунос, врач, ёзувчи, ҳар хил актёрлар ва бошқалар шу гуруҳга бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тоифа вакиллари қўшилади. Демак, товарда ўз аксини топган меҳнат унумли, ҳизмат соҳалари унумсиз меҳнат бўлиб чиқади. Смитнинг тасдиқлашича, давлат даромадининг деярли ҳаммаси унумсиз элементларни таъминлаш учун сарф бўлади (бу гапда жон бор), шу сабабли жамиятда бундай гуруҳлар имкон борича кам бўлиш керак, дейди у.

А.Смитнинг капитал ва такрор ишлаб чиқариш тўғрисидаги назариясида анча катта зиддиятлар мавжуд. У баъзида капиталга тўғри баҳо бериб, капитал ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш туфайли фойда келтирувчи қиймат, дейди. Бошқа ҳолларда масалага тарихдан ташқарида туриб қаралади ва капитал бу ишлаб чиқариш воситалари заҳираси (запаси) бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш учун керакли дейилган. Физиократлар фақат қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган капитални унумли деб атаган бўлсалар, Смит саноат капиталини ҳам унумли деб уқтиради (бу унинг прогрессив томони). У савдо капитали ҳам унумли деб ҳисоблайди, чунки у саноат капиталдан ажралиб қолган эмас, балки моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган қўшимча қиймат - савдо фойдасининг манбаи.

Смитнинг капитал ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун заҳира керак эканлиги тўғрисидаги қоидаси <u>асосий ва айланма капитал</u> ҳақидаги тушунчанинг боши эди, бу атамаларни ҳам у киритган. Физиократлар (Ф.Кенэ) бошланғич ва йиллик аванс (бунак) тушунчаларини деҳқончилик капиталига қўллаган булсалар, Смит асосий ва айланма капитални соҳасидан қатъи назар барча амалдаги капиталга хос деб тушунтиради. Аммо у айланма капитал деганда товар ва пул

капиталини хато тушунган (бу муомала соҳасига хос капитал). Бу капитални ҳосил қилувчи моддий элементларга сотувчилар қўлидаги озиқ-овқат, материаллар ва тайёр буюмлар ҳамда кўрсатилган тақсимлаш ва муомалага киритиш учун керак бўлган пуллар ҳам кирган. Унинг фикрича, айланма капитал доимо муомалада бўлиши керак.

Шундай қилиб, Петтидан кейин Смит ҳам асосий капиталга ходимларнинг меҳнат малакаси ва қобилиятини қўшди. Бу масалани анча чигаллаштирди, чунки малака ва қобилият капитал деб эълон қилинди. Унинг эгаси эса фойда олувчи бўлиб қолади (ишчи ҳар доим ҳам фойда эгаси бўла олмайди, уни капиталист ёки ер эгаси олади). Асосий **С** ва айланма **Y** капитални солиштириб, улар ўртасидаги фарқ шундаки, дейди Смит, биринчи **С** бир эгадан иккинчисига ўтмай ва яна айланмай фойда келтиради, иккинчи **Y** эса эгаси қўлидан бир шаклда кетиб, бошқа шаклда қайтиб келади ва фойда келтиради. Шундай қилиб, асосий капитал умуман айланмайди, айланма (оборот) капитал эса доимо муомалада бўлади.

Ҳақикатда асосий ва айланма капитал ишлаб чиқариш капиталининг икки кўринишидир. Улар бир-бирларидан қийматларининг айланиш усуллари билан фарқ қилади. Асосий капиталнинг қиймати конкрет меҳнат билан бўлаклар буйича ишлаб чиқарувчи товарга кўчирилади, айланма капиталнинг қиймати эса тўлалигича шу товарга ўтади. Ижтимоий капитални доимий ва ўзгарувчан капиталга бўлиш масаласи Смитга номаълум бўлиб қолаверди.

Смитнинг бутун ижтимоий капитални такрор ишлаб чиқариш назарияси унинг қиймат назариясига асосланган. У ижтимоий маҳсулот қийматининг таркибий қисмлари тўғрисида хато таълимот яратди. Олимлар буни «*Смит догмаси*» деб атайдилар. Смитнинг фикрича, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг қиймати иш ҳақи, фойда ва рента йигиндисига тенг, яъни даромадлар суммасидир. Ишлаб чиқариш жараёнида жонли меҳнат билан бирга ишлаб чиқариш воситалари ҳам қўлланилишини тушунган ҳолда, Смит шунга қарамай ишлаб чиқариш воситалари қийматини охир-оқибатда иш ҳақи, фойда ва рента каби даромадларга бўлиш мумкин, деб ўйлади. Шундай қилиб, у ялпи ижтимоий маҳсулот «қиймати»дан доимий капитал **С** ни чиқариб ташлаган. Қийматдан унинг таркибий қисми бўлган доимий капитални инкор этиш такрор ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилиш имконини йўққа чиқаради. Ҳар йили ишлаб чиқарилган маҳсулот гўё ҳар йили тўла истеъмол қилинган бўлиб чиқади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай шароитда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эмас, хатто оддий ишлаб чиқариш мумкин бўлмай қолади (доимий капитал **С** кўп йиллар иш беради).

Смит такрор ишлаб чиқариш муаммосини ечиш учун йўл қидириб ўз назариясига ялпи ва соф даромад ўртасидаги фарқни киритади. Муайян мамлакатнинг йиллик барча маҳсулоти ялпи даромад бўлса, соф даромад ялпи даромаднинг шундай бир қисмики, уни шу мамлакат аҳолиси ўз капиталини сарфламай истеъмол заҳирасига қўйиши мумкин.

Смитнинг хатоси шуки, у йиллик маҳсулот қийматини шу йили янгидан ҳосил қилинган қиймат билан айнан бир деб ўйлаган (миллий даромад). Лекин янгидан ҳосил қилинган қиймат даромадларга ажралади, йиллик маҳсулот қиймати ишлатилган ишлаб чиқариш воситалари қиймати, яъни доимий капитални ҳам ўз ичига олади. Бу хатолик Смитнинг қиймат тўғрисидаги таълимотининг камчилиги ва чекланганлигидан келиб чиққан.

Умуман, бу ерда гап кенгайтирилган эмас, балки оддий таркор ишлаб чиқариш тўғрисида фикр юритилади.

Смит меҳнатнинг иккиёклама ҳарактерини тушунмасдан, абстракт меҳнат

янги қиймат ҳосил қилишини, конкрет меҳнат эса ишлаб чиқариш воситалари қийматини янги яратилган маҳсулотга ўтказишини кўрсата олмади. Ижтимоий маҳсулот қийматидан доимий капитал қийматини йўқотиб қўйган Смит капитал жамғарилишини бутун қўшимча қийматнинг қўшимча иш хақига айланиши билан тенг деган ҳато ҳулоса чиқарди. У ўйлардики, капиталистик ишлаб чиқариш ривожи билан ишчилар ва уларнинг истеъмолига талаб ҳам бир ҳил суръатда ошади, чунки даромад ва шаҳсий истеъмол ишлаб чиқариш билан параллел ўсади (бир қанча мамлакатларда шундай булмоқда).

3. А. СМИТ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

А.Смит эркин рақобат давридаги Буюк Британиядаги иқтисодий сиёсатни асослашга катта эътибор берди. У ишлаб чиқарувчиларга иқтисодий эркинлик таъминлашни, давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашмаслигини талаб қиларди. Аммо мамлакатнинг мудофаа манфаатлари иқтисодиётдан устун ҳам бўлиши мумкин деган фикри ҳам бор, яъни бу баъзи пайтларда давлатнинг иқтисодга аралашуви зарур деганидир. Смит иқтисодиётда давлат секторининг самарасизлигини кўрсатиб, «хукумат ҳар доим ва истизносиз буюк исрофгарчидир» дейди. Шу сабабли давлатнинг фақат уч функцияси тан олинади: 1) ҳуқуқ - тартибот; 2) мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш; 3) жамиятга зарур бўлган (аммо хусусий сектор томонидан тўзилмаган) ижтимоий корхона ва муассасаларни таъминлаш.

Умуман тўғри бўлган бу фикрлар, яъни давлатнинг иқтисодиётга аралишиш чегаралари кейинги пайтда қайта кўриб чиқилмоқда.

У цех тартиб-қоидалари, эскирган қонунлар, корпорациялар ва савдо монополиялари имтиёзларига қарши чиқди, яъни ҳамма учун бир хил имкониятни ёклади. Ҳодисаларнинг стихияли боришини ва рақобатни ҳар қандай чеклаш иқтисодий ривожланишни албатта секинлаштиради. Аммо Смит давлатнинг айрим функцияларини ижобий баҳолади, масалан, мамлакат ички тартибини сақлаш, ташқи ҳарбий хавф-хатардан асрашни хўжалик ривожининг зарурий шартлари деб ҳисоблади.

Давлат молиявий фаолиятига алоҳида аҳамият берилган. Смит ўз асарининг бешинчи, охирги китобини давлат бюджети ва давлат қарзларига бағишлаган. У фақат бутун жамият манфаатларига мос келадиган давлат ҳаражатларинигина қўллаб-қувватлади, «арзон давлат» тезисини илгари сурди.

Смит замонавий давлатнинг солиқ сиёсатининг назарий асосларини яратди. Солиқлар фуқароларнинг кучи ва имкониятига мос келиши, ишга яроқли ҳар бир кишига алоҳида белгиланиши керак, солиқ имкони борича арзон, унинг шакли ва олиниш вақти эса тўловчи манфаатига мос келиши зарур (шу ғояларга тўла амал қилаётган давлатлар ривож топаётир).

Саноатчилар манфаатларини ҳимоя қилган олим лендлордлар, яъни йирик ер эгаларига белгиланган солиқ иммунитетига (имтиёзга) қарши чиқди. Ер рентаси давлат солиғи қўйиладиган энг қулай объектдир. Смит фойдадан олинадиган солиқ самарасиз деган хулоса чиқарди. Корхона эгаси фойдани сақлаш учун ўз маҳсулотига юқори баҳо қуйиш билан солиқ оғирлигини истеъмолчи устига юклайди. У иш ҳақидан олинадиган солиқ ҳам маҳсулотга лойиқ эмас деб ҳисоблайди. Бу солиқни ҳам корхона эгаси тўлайди, чунки тирикчилик минимумини таъминлаши керак.

Смит меркантилизмга, шу билан бирга савдодаги протекционизмга (давлат

томонидан чеклашлар, солиқ, божхона ва бошқалар), ташқи савдодаги ҳар қандай чеклашларга қарши эди. Олимнинг сиёсати феодализм қолдиқларига катта зарба бўлди.

Смит ночор аҳволга тушиб қолган иқтисодиётни ривожлантириш учун қуйидаги уч омилни кўрсатиб берган эди: 1) мамлакатда тинчлик, осойишталик бўлиши ва сақланиши; 2) меъёрдаги енгил солиқлар тизими; 3) давлат иқтисодиёт ишларига ҳадеб аралашавермаслиги зарур, иқтисодиёт табиий равишда амалга ошаверади.

Бу қоидалар бизнинг мамлакат хўжалигига ҳам бевосита оид фикрлар ҳисобланади.

А.Смит эркин савдо (инг. «free trade») концепциясини илгари сурди (Фритредерлик). Халқаро ташқи савдода қайси маҳсулотларни чиқариш (экспорт) ва келтириш (импорт) масаласи қўйилади. Агар бирор бир давлат бизни биз ишлаб чиқара оладиганга қараганда нисбатан арзонроқ товар билан таъминлай олса, уни сотиб олиш анча қулайроқдир, унинг ўрнига баъзи соҳалардаги афзалликка эга бўлган товарни чиқариш яхши натижа беради. Бу ҳолат А.Смитнинг мутлақ афзаллик принципи асосида ётади. Бунда табиий шароит, иқлим, ер-сув, қазилма бойликлар кўзда тутилади.

4.Д.РИКАРДО САНОАТ ТЎНТАРИШИ ДАВРИНИНГ НАЗАРИЁТЧИСИ

Англияда бошланган саноат тўнтарилиши капитализмнинг мануфактура ишлаб чиқаришдан машина ишлаб чиқаришига ўтишини билдирди. Бу тўнтариш жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга катта таъсир ўтказди. Меҳнатнинг капиталга амалда буйсуниши ўзил-кесил нихоясига етиб саноат тўнтариши натижасида саноат қишлоқ хўжалигидан бутунлай ажралиб чиқди. Бундай ўзгариш ўз навбатида жамиятдаги асосий синфлар ўртасидаги зиддиятларни ошкор этиб, ишчилар синфининг ўз ҳуқуқлари учун уюшиб ҳаракат қилишларига асос солди.

Саноат тўнтариши даврида жамият тараққиётининг юқори поғонага кўтарилганлиги шу даврда ижод қилган олимларнинг асарларидаги назарий таҳлилнинг анча чуқур даражасини ҳам белгилаб берди. Классик иқтисодий мактабнинг доимий анъаналарини давом эттириб, Д.Рикардо ўз асарлари ва хулосалари билан ушбу мактабни ривожланишига катта ҳисса қўшди. Д.Рикардо сиёсий иқтисоднинг бош вазифасини ўртага қўяр экан унинг услубиятини ҳам белгилайди. Олимнинг фикрича ҳамма тадқиқотлар ягона асосга негизланиши лозим. У қийматни иш вақти билан белгилашни мана шундай ягона асос қилиб олади. Шунингдек бошқа иқтисодий муносабатлар ва категориялар мана шу қиймат таърифига тўғрими ёки зидми деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Д. Рикардо ишлаб чиқариш жараёнидаги ички боғлиқликларни таҳлил қилишда илмий абстракция усулидан кенг фойдаланади. Барча иқтисодий категорияларни қиймат негизида изоҳлашга интилиш Рикардо таълимотининг энг муҳим хусусиятидир. Бир қанча иқтисодий категорияларни кўриб чиқиш вақтида миқдорий тахлилнинг устунлиги Рикардо усулининг хусусиятидир. Олим капитализм ривожланиб борган сайин чуқурлашган ва кескинлашган бир қанча зиддиятларни очиб бериб, уларни умуман инсоният жамиятининг зиддиятлари деб изоҳлайди. У ўз жамиятининг синфий зиддиятлари асосини кўрсатишга интилган бўлса ҳам, аммо бу масалани охиригача ечиб бера олмади.

Д.Рикардо услуби, унинг ўзига хос хусусиятлари

Д.Рикардо 1817 йилда «Сиёсий иқтисоднинг ва солиқ солишнинг бошланиши» номли иқтисодий мавзудаги асосий асарини нашрдан чиқарди. Бу асарда олим А.Смитнинг иқтисодий назарияларини ривожлантирибгина қолмай, шу билан бирга унинг айрим камчиликларини ҳам очиб берди. У вақтга келиб бойликни яратиш эмас, балки унинг жамиятнинг асосий синфлари ўртасида тақсимланиш муаммоси сиёсий иқтисоднинг марказида турар эди. Д.Рикардо бу муаммони сийсий иқтисод мавзуи деб белгилади. Сиёсий иқтисоднинг бош вазифаси, деб ёзган эди у, -шу тақсимотни бошқарадиган қонунларни белгилаб беришдан иборат. Рикардо тақисимот қонунларини ишлаб чиқариш шароитларига асосланиб белгилашга ўринди. У тақсимотни ишлаб чиқариш била чамбарчас боғлаб, бойлик ишлаб чиқаришни маҳсули бўлиши мумкин деб ҳисоблади. Рикардо қийматнинг меҳнат назариясини ривожлантириб истеъмол қиймати билан айирбошлаш қийматини бир-биридан фарқ қилди. Бироқ айирбошлаш қиймати қиймат намоён бўлишининг бир шакли эканлигини тушунмади. Чунки қиймат одамлар ўртасидаги муносабат эканини, бу нарса товарлар муносабати замирига яширинганини пайқамади. У қиймат миқдори ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат миқдори билан белгиланади деб ҳисоблади. Рикардонинг катта хизмати шундан иборат бўлдики, у товарлар қийматига бевосита уларни ҳосил қилиш учун сарфланган меҳнат туфайли вужудга келган қийматнигина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқаришда банд бўлган капиталнинг қийматини ҳам қўшди. Бироқ Смит каби Рикардо ҳам аниқ меҳнат билан мавҳум меҳнатни бир-биридан ажратмади.

*Тадқиқот усули*_сифатида табиий тартиб концепцияси олинади ва мамлакат бойлиги сифатида ишлаб чиқаришнинг физик хажмларини кўпайтириш деб ҳисобланади. Бунинг учун эса эркин рақобат ва иқтисодий либерализмнинг бошқа принципларини қўллаш даркордир. Масалан, мамлакатга эркин озиқ-овқат киритиш («нон қонунлари»га қарши) даромад нормасини камайтирмай ва ер рентасини унча оширмаган ҳолда капитал жамғаришни ўстиришга олиб келади деб ҳисоблайди.

А.Смит каби Д. Рикардо ҳам мантиқий абстракция усулини ҳам кенг қўллаган.

Д. Рикардонинг асарлари иқтисодиёт фанининг предмети ва методини аниқлашда, иқтисодий тадқиқот методологиясини амалий ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнади. Унинг фикрича, жамиятнинг синфий тўзилиши унинг иқтисодий фаолиятида хал қилувчи ўринни эгаллайди. Сиёсий иқтисоднинг асосий вазифаси «ер маҳсулоти» (яъни миллий даромад ва миллий бойлик)ни уч асосий синф ўртасидаги тақсимоти қонунларини аниқлашдан иборат. Бу тақсимот ишлаб чиқариш шароити ва манфаатларидан келиб чиқиши керак эди ва бу Рикардонинг ютуғи эди, аммо унинг хатоси шуки, у тақсимот усулини моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули билан боғлиқ қилиб қўйган. У мантиқий абстракция методидан фойдаланди, ижтимоий фанларда аниқ фанларнинг усули, айниқса илмий дедукцияни кенг қўллади. У ўз концепцияси асосига қиймат қонунини, яъни товарларнинг қийматини сарфланган меҳнат билан аниқлашни қуйди. Фақат бир омил - «Меҳнат» қийматининг асосида ётади, деб ёзади олим. Бошка иқтисодий категориялар шу қонунга қанчалик мос келиш-келмаслигини ўрганди. Рикардо капитализмни жамиятни ташкил этишнинг яккаю-ягона табиий ва абадий шакли деб ўйлаган.

Д. Рикардо томонидан оддий ва мураккаб меҳнатнинг таҳлили

Д. Рикардо қиймат қонунини ишлаб чиқишда Смитнинг хулосаларига, гарчи уларни қисман рад этса-да, суянди ва уларни ривожлантирди. У товарнинг

икки фактори: истеъмол ва алмашув қийматларини янада аниқроқ ўрганди (масалан, нонни епиш ва сотиш мумкин). Фойдалилик (истеъмол қиймати) алмашув қийматининг зарурий шарти, аммо унинг ўлчови бўла олмайди. Барча товарларнинг алмашув қиймати (баъзи холлар бундан мустасно, масалан илгариги рассомларнинг картиналари, ноёб вино) ва уларни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат сарфлари ва чиқимлари билан аниқланади. Алмашув қиймати ҳар доим нисбий бўлиб, бошқа товар ёки пулнинг маълум миқдорида ўз аксини топиши туфайли Рикардо абсолют қиймат ҳам бўлиши керак, деган масалани қўйди. Бу қиймат субстанцияси меҳнатдаги меҳнат миқдоридир. Алмашув қиймати абсолют қиймат рўёбга чиқа оладиган зарурий ва ягона мумкин бўлган шаклдир. Лекин Рикардо бу ғояни умрининг охирида тугалланмаган асарининг «*Абсолют ва нисбий қиймат*» бобида берган, яъни фикр мантиқий охирига етказилмаган. Маркснинг фикрича, Рикардо қийматни фақат миқдорий текширди, тарихдан ташқарида ўрганди, яъни меҳнатни қиймат билан яралувчи махсулотнинг табиий хусусияти ва бу жараённи барча ижтимоий тузумларга хос деб ўйлади.

Рикардо, Смитнинг ғояларини тўлдирди. Агар Смитнинг ғояси бўйича қиймат оддий товар ишлаб чиқаришда сарфланган меҳнат билан аниқланса, капиталистик ишлаб чиқаришда бу қиймат реализация қилинадиган даромадлардан иборат эди. Рикардо қийматни аниқлашда сарфланган меҳнатдан фойдаланди. Рикардо иш ҳақининг товар қийматига таъсирини рад этди. Масалан, дейди у, агар меҳнат унумдорлиги ошмай туриб иш ҳақи кўтарилса, бундан товар қиймати ўзгармайди. Бошқа шароитлар ўзгармаган ҳолда, бу холат товар баҳосига ҳам таъсир этмаслиги керак, фақат иш ҳақи ва товар баҳосидаги фойда ўртасидаги нисбатни ўзгартириши мумкин. Капиталистлар эркин рақобат шароитида иш ҳақи ўсишини баҳога кўчира олмайди ва фойданинг бир қисмидан маҳрум бўлишга мажбур. Бу қоида катта ижтимоий-сиёсий характерга эга, чунки Смит ишчиларнинг иш ҳақини ошириш учун кўраш бефойда, негаки иш ҳақи ошса, баҳолар ҳам ошади, деган фикрда бўлган (реал даромад ўзгармайди). Иш ҳақи ошганда баҳолар ўзгармайди, капиталистларнинг фойда нормаси камаяди.

Рикардо Смит каби қийматнинг меҳнат назариясини капиталистик ишлаб чиқариш шароитида қўллашда катта қийинчиликка учради. Қийматнинг ишлаб чиқариш баҳосига айланиш муаммосига эътибор берди ва уни ҳал этишга ўринди. Реал ҳаётда капиталдан олинадиган фойда шу капиталнинг миқдори билан аниқланади ёки фойда нормаси муътадиллашиш тенденциясига эга. Аммо товарлар уларни ишлаб чиқаришга сарф бўлган жонли меҳнат сарфларига мос равишда бир-бирига алмашса, бундай бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолда капиталнинг органик тўзилиши (**C / Y**) паст бўлган ёки капитали тез оборот бўладиган тармоқлар бошқа органик тўзилиши юқори бўлган ва капитали секинроқ оборот бўладиган тармоқларга нисбатан устунликка эга бўладилар. Биринчилари кўпроқ меҳнат сарфлаганлари учун товар баҳоси нисбатан юқори бўлади ва каттароқ фойда олади. Аммо бунда капитал шу тармоқларга оқиб ўтар эди ва иккинчи тармоқларга оқиб ўтмас эди, натижада иккинчи тармоқлар ривожланмасди. Бу қарама-қаршиликни хал этиш учун Рикардо Смитнинг қиймат назариясини модификациялаштирди (ўзгартирди). Аммо ишлаб чиқариш баҳоси ва ўртача фойдани оралиқ звеноларни таҳлил қилиш ва қиймат қонуни асосида хал этиш ўрнига бу категорияларни қиймат қонунига келтиришга уринади. Бу этапда Рикардо аввалги, иш ҳақи товар қийматига амалда таъсир этмайди, деган тезисидан воз кечди. У капитал таркиби ва оборотидаги фарқлар меҳнатга турлича ҳақ тўлаш туфайли қийматга ҳам таъсир этади, деган фикрни берди. Аммо бу ғоя мантиқий ечимга эга эмас эди.

Рикардо иш ҳақи, фойда ва рента масалаларини ечишга катта ҳисса қўшди. У Смит каби асосий уч синфнинг дастлабки даромадлари масаласига эътибор берди. У меҳнатни товар деб (аслида ишчи кучи товар) ҳисоблаб, меҳнатнинг бозор баҳоси (иш ҳақи) табиий баҳо бўлади ва шу атрофда ўзгаради; табиий баҳо деганда ишчи кучининг қийматини тушунган. Рикардо масалага тарихий анъаналар асосида ёндашишга ўринса ҳам меҳнатнинг табиий баҳосини жисмоний минимумга тенглаштиради. *Масалан, ноннинг баҳоси ва иш ҳақининг пул миқдори ўртасида бевосита боғлиқлик бор,*- дейди у, - *агар ноннинг баҳоси ошганда иш ҳақи ўзгармаса, ишчилар оч қолади ва ўлимга маҳкум этилади.*

Рикардо Мальтус каби (бу олимнинг фикрлари қуйида берилади) ишчиларнинг ҳақлари очлик даражасида ушлаб турилиши капитализмга хос қонун эмас, барчага тегишли табиий қонунлар туфайлидир, дейди. Маълум қулай шароитлардагина ишлаб чиқариш кучлари аҳоли ўсишини таъминлай олади ва ишчилар кам ҳақ олганликларидан норози бўлмасликлари керак, деган фикр илгари сурилади. Рикардо қўшимча қийматни унинг конкрет шакллари - фойда, суда фоизи, рента сифатида таҳлил этади.

Ишчи ўз меҳнати билан иш ҳақи сифатида оладиган миқдордан кўпроқ қиймат яратиши ўз-ўзидан равшан, дейди у. Аммо уни иш ҳақи ва фойда нисбати, яъни ишчининг қанча олиши ва капиталистга қанча қолиши қизиқтиради. У қиймат структураси ва товар баҳосини аниқлаганда «Смит догмаси»даги хатога йўл қўяди, яъни доимий капитал С нинг янги маҳсулотдаги ҳиссасини инкор этади. Товар қиймати иш ҳақи ва фойдадан иборат бўлганлиги сабабли, фойда иш ҳақига тескари пропорционал ва унга боғлиқ. Фойда амалда қўшимча қиймат сифатида қаралади. Рикардо фойданинг ер рентасини тўлагандан кейинги ҳолатни ўрганади. Ундан ташқари фойда аванс қилинган капитал миқдорига пропорционал деб ҳисоблайди. У фойда нормасининг пасайиш тенденциясига алоҳида эътибор берди. У бунинг бош сабаби капитализмга хос нарса бўлмай, табиий фактордир, деган. Фойда нормасининг пасайиши охир-оқибатда капитал жамғарилишининг камайишига олиб келиши мумкинлиги уни ташвишга солган. У капитал деб ишлаб чиқариш воситалари ва капиталистнинг ишчиларга иш ҳақи сифатидаги ҳаражатларни тушунган. У капитални натура ҳолда ва тарихдан ташқари тушунган. Унингча, ибтидоий овчи ва балиқчи капитал эгаси бўлган (бу албатта хато фикр).

Рикардо ер рентасини таҳлил қилишда муҳим ютуқларга эришди. У рента назариясини қийматнинг меҳнат назариясига асосланиб текширди. Рентанинг манбаи ернинг қандайдир сахийлиги эмас, балки маълум мулкий муносабатлар шароитида ерга қилинадиган меҳнатдир, деб ҳисоблади. Ер ресурслари чекланган бўлиб, унумдорлиги ва жойлашуви турлича бўлган ерлар ишланиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қиймати ёмон участкалардаги меҳнат сарфлари билан аниқланади. Бундай ерлар сохибкорга ўртача фойда беради ва рента бермайди. Нисбатан яхши ерларда фойда ўртача нормадан юқори бўлади, ана шу ортиқча фойда рента сифатида ер эгаси томонидан олинади. Ёмонроқ ерлар хўжалик ҳисобига жалб этилиши орқали ер эгаларининг оладиган рентаси ўз-ўзидан ортади, ваҳоланки улар бирор иш қилмайди, сарф-ҳаражат ҳам қилмайди.

Рикардо бу ерда дифференциал рента ҳосил бўлишини кўрсатиб берди. У хусусий мулкчилик шароитида ёмон ерлар ҳам маълум рента келтириши мумкинлигини инкор этди. Лекин шундай рента бор, у абсолют рента бўлиб, уни Маркс ва бошқа олимлар атрофлича ўрганганлар.

Рикардо пул ва пул муомаласи масалаларига катта эътибор қилди. У

дастлабки асарларида пулни ички қийматга эга бўлган товар деб қараган. Пул қиймати унга сарф қилинган меҳнат билан аниқланган. Рикардо пулнинг хусусияти шуки, у алохида товар, бошқа товарларнинг қиймат ўлчови ва муомала воситаси сифатида ҳаракат қилади, дейди. У қоғоз пулларнинг миқдорида муомалада бўлган товар массаси қийматига мос (яъни пропорционал) бўлиши керак, ортиқчаси банк томонидан истеъмолдан чиқарилиши зарур, дейди.

Аммо у ўзининг бош асарида бу концепциядан чекинади, аввал пулларнинг ички қиймати бор, деб гапирган бўлса, кейинроқ у пулни техник восита деб изоҳлади ва пулнинг миқдорий назариясини ишлаб чиқа бошлади. Унинг фикрича, муомаладаги пулнинг миқдори турлича ва эркин бўлиши мумкин, пулнинг қиймати эса муомала соҳасида белгиланади ва унинг миқдорига боғлиқ бўлади. Рикардо эркин савдо тарафдори бўлган, у меркантилистлардан фарқли равишда товар ишлаб чиқариш товар киритишдан ортиқ, яъни экспорт кам ва импорт кўп бўлишидан, мамлакатдан олтин чиқиб кетишидан ҳавфсирашга ҳожат йўқ, дейди, чунки эркин импорт автоматик равишда олтин муомаласи ва баҳо ўзгаришини тартибга солади, шунинг учун иқтисодий танглик таъминланишига ёрдам беришига Рикардонинг ишончи комил эди.

5.Д.РИКАРДО ТАЪЛИМОТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Д.Рикардо ягона иқтисодий концепция асосида пул муаммоси ва кредит, халқаро иқтисодий муносабатлар, солиқ, ер рентаси, халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисида фунадаментал фикрлар берди. Иқтисодчи Ж.С.Милль билан дўстона муносабатда бўлган.

Смитдан кейинроқ яшаган Д.Рикардо саноат инқилоби натижаларини тўлароқ тушунди, унинг фикрлари нисбатан теран бўлиб, классик иқтисодни ниҳоясига етказди; у саноат даврининг иқтисодчиси эди. Унинг дастлабки «**Олтин аждаҳоси тўғрисида уч хат**» (1809 й.) ва бошқа асарлари пул ва пул муаммоларини таҳлил қилишга бағишланди. 1824 йилда ёзилган «**Миллий банк тузишнинг режаси**» асари эса унинг вафотидан кейин босилиб чиқди.
Рикардо умрининг охирги 4 йилини Англия парламенти аъзоси сифатида ўзинииг иқтисодий ғояларини амалга ошириш учун сарфлади. Парламентда «нон қонунлари»ни бекор қилиб, иқтисодиётни эркинлаштириш, эркин савдо ва эркин матбуот, йиғилишлар эркинлигини қўлловчи нўтқлар билан чиққан. 1821й. у томондан сиёсий иқтисод клуби ташкил этилган.

У Смитнинг ғояларини қўллаш билан бирга уни тўлдирди ва қарши фикрларни ҳам илгари сурди. У капиталистлар ва ишчиларнинг манфаатлари бир-бирларига қарама-қарши эканлигини очиб берди, маълумки Смитда бу манфаатлар бир эди, Рикардо ер эгаларининг манфаати ишчи ва капиталистларникига қарши деб уқтиради.

Рикардодаги бу ўзгаришларга тарихий, иқтисодий ва социал омиллар мавжуд, улардан энг муҳими шуки, XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларида Англияда саноат тўнтарилиши рўй берди ва бу жараён асосан ниҳоясига етказилди. Оқибатда Англия кўп йиллар давомида «дунё фабрикаси» номини олди, саноат айниқса тез ўсди, ишчилар сони ортди, шаҳарлар кўпайди, лекин меҳнаткашларнинг қашшоқланиши ва эксплуататор синфларнинг бойиши кучайди, яъни дифференциация юз берди. Машина саноатининг ривожи туфайли иш куни 12-13 соатгача ўзайди, меҳнат шароити эса ёмонлашди, ишчилар машинанинг қўшимча қисмига айланди, халқ оммаси кўрашга отланди, *луддит*лар (машина

синдирувчилар) ҳаракати кучайди, фабрикаларга ўт қўйилди. Аммо саноат инқилоби даврида пролетариат хали ягона, уюшган синфга айланмаган эди. Капитализм эса ривожланаётган тузум эди, буржуазия-сохибкорлар ҳам феодализм қолдикларига қарши чиқиб, прогрессив роль ўйнаган эди.

Рикардонинг 1815 йилда ёзилган «**Нонга бўлган паст баҳонинг капитал фойдасига бўлган таъсири тўғрисидаги тажриба»** номли памфлетида синфларнинг иқтисодий муносабатлари ва капитализм ривожланиш назарияси қисқа, аммо лўнда тарзда баён этилган. Унинг асосий хулосалари қуйидагилардан иборат: агар иқтисодиёт ривожи ўз ҳолига қўйилса, аҳолининг ўсиши ва кам унумдор ерларга ишлов беришга ўтилиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳоси ошиб боради. Бунинг барча фойдаси ер эгалари бўлган лендлордларга ўтади. Ваҳоланки капиталга бўлган фойда нормаси пасаяди. Бундан эса ишчилар ҳам зиён кўради, чунки уларнинг меҳнатига талаб пасайиб боради. Хўш, бу тенденциянинг олдини олиш мумкинми? Хусусан, хориждан арзон дон импорт қилиш керак, демак, бундан «Нон қонунлари»ни бекор қилиш керак деган хулоса чиқарилади (*Англияда нон ва донга юқори баҳо қўйган махсус қонун бор эди, уни «**Нон қонунлари**» деб аталарди, бу қонунлар 1830 йилда тўла бекор қилинди*). Рикардо парламент аъзоси сифатида доим эркин савдо учун кўраш олиб борди. Тарих бу ғоянинг тўғрилигини амалда исботлади.

XVIII асрнинг охирида (1789-1794 йиллар) Ғарбий Европадаги энг йирик буржуа инқилоби Францияда рўй берди. Бу инқилоб мамлакатдаги феодал муносабатларга тўла барҳам берди ва капитализм (бозор)нинг тез ривожи учун йўл очиб берди, аммо бу ўзгаришлар текис ва равон амалга ошмади. Саноат тўнтарилиши машина индустриясини бошлади. Капиталистик муносабатларнинг бир қанча позитив томонлари билан бирга анчагина негатив оқибатлари ҳам кўрина бошлади. Ана шундай шароитда классик мактаб вакиллари яратган таълимотларни ҳар томонлама тўлдириш ва қайта кўриб чиқишга киришилди, бу жараён Франция, Англия ва АКШда XVIII аср охири - XIX аср 1-ярмида рўй бера бошлади. Бу даврдаги таълимотларга хос хусусият шу эдики, уларда барча иқтисодиёт категориялари тўлалигича эмас, балки қисман, яъни уларнинг айримлари олиниб, тадқиқ қилинди. Францияда Сэй, Бастиа, Англияда Мальтус, Сениор, АКШда Кэри ва бошқалар классик иқтисодий мактабни қайта кўриб чиқиш, уни тўлдириш, замонга мослаш истаклари билан ўзига хос таълимотлар юзага кела бошлади.

ХУЛОСА

XVIII аср охири - XIX аср бошларида классик иқтисодий мактаб тўла шаклланди, бу британиялик олим А.Смит томонидан амалга оширилди. Бу тасодифий воқеа бўлмай шу даврда Англияда объектив шарт-шароитлар мавжуд эди: буржуа инқилоби мануфактурадан фабрикага ўтилиши, аграр ислоҳот, капиталнинг дастлабки жамғарилиши, синфий ва мулкий дифференциация ва бошқалар. Мантиқий абстракция услуби асосида иқтисодий воқеа ва жараёнларнинг моҳияти асосан тўғри талқин этиб берилди. Янги буржуа жамияти ҳар томонлама объектив асосда тахлил қилиниб, унинг прогрессив томонлари кўрсатиб берилди. Хусусий мулкнинг абадийлиги ва дахлсизлиги қўллаб-қувватланди.

Классик мактаб вакиллари инсон ҳоҳишига боғлиқ бўлмаган объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлигини тан оладилар. Бу қонунлар иқтисодий

тизимда табиий турғунликни таъминлашга, ўз-ўзини бошқаришга қодир эканлиги тан олинади, шу сабабли давлатнинг иқтисодиётга аралашуви иложи борича инкор этилади ва эркин савдо-сотиқ қўлланади. «Кўринмас қўл» ёрдамида автоматик иқтисодиёт эркин бозор муносабатлари доимо ривожланиш қобилиятига эгадир.

Биринчи бор эркин бозор иқтисодиёти тараққиётининг асосий тамойиллари аниқлаб берилди. Меҳнат тақсимоти иқтисодий тараққиёт асоси сифатида тўғри кўриб чиқилган. Меҳнат тақсимоти фақат тармоқлараро эмас, балки мамлакатлар ўртасида ҳам катта наф келтириши исботлаб берилди (Д.Рикардо), мутлоқ ва нисбий устунлик принциплари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқариш соҳасидан қатъий назар (саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва ҳизмат...), меҳнат жамият бойлигининг асоси эканлиги аниқланди. Жамиятнинг синфий тузилиши асосан тўғри кўриб чиқилди, улар ўртасида кескин қарама-қаршилик йўқлиги кўрсатилган, бу жамиятда иқтисодиёт автоматик бошқарилгани туфайли иқтисодий инқирозлар инкор этилди.

Иқтисодиётнинг муҳим категориялари бўлган қиймат, пул, баҳо, фойда, иш ҳақи, рента, капитал ва бошқаларга асосан тўла ва тўғри таъриф берилган. Янги жамиятнинг прогрессив томонлари билан бирга бозор иқтисодиётининг бекаму-кўст эмаслиги, унинг бир қанча жиддий камчиликлари борлиги ҳам қайд этилган. Қуйидаги А.Смитнинг мамлакат миллий бойлигини кўпайтириш омиллари чизмаси келтирилган.

Таянч тушунча ва иборалар

А.Смит; «Халқлар бойлиги»; меҳнат тақсимоти; «иқтисодий одам»; эгоизм; «кўринмас қўл»; «муомиланинг буюк ғилдираги»; қийматнинг меҳнат назарияси; синфлар; ишлаб чиқариш омиллари ва даромадлар тўғрисидаги назария; унумли ва унумсиз меҳнат; миллий бойлик ва «Смит догмаси»; иқтисодиётнинг ривожланиш босқичлари; мутлоқ афзаллик назарияси.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Классик иқтисодий мактабнинг Англияда вужудга келиши қандай ижтимоий ва иқтисодий шароитларда рўй берди?
2. Саноат тўнтарилиши билан боғлиқ бўлган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар нималардан иборат?
3. А.Смитнинг бош иқтисодий асари қачон ёзиб тугалланди ва ундаги асосий иқтисодий ғоялар нима? Олимнинг тадқиқот методологияси нимага асосланади?
4. Нима учун А.Смит мануфактура ишлаб чиқаришининг мафкурачиси бўлиб қолди?
5. Меҳнат тақсимотининг устунлик томонлари нима ва камчилиги нимада?
6. А.Смитнинг пул, қиймат, даромадлар, иш ҳақи, капитал ва такрор ишлаб чиқариш тўғрисидаги таълимотларига қисқача изоҳ беринг.
7. «Смит догмаси» нима? Унинг камчилиги нима?
8. «lassez faire» ва «кўринмас қўл» тамойиллари нимани англатади?
9. Халқ бойлиги қандай омилларга боғлиқ?
10. Ночор аҳволга тушган иқтисодиётни ривожлантириш учун нима қилмоқ керак?

Адабиёт
Асосий адабиёт

Раззоқов А, Тошматов Ш, Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. 2002 й, (8- 9-боб)

Қўшимча адабиёт

Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. М., 1996
Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., ТМИ. 2003

5 - Мавзу. Классик иқтисодий мактабга мухолиф ғояларнинг вужудга келиши (2 соат)

Режа

1. XIX асрнинг II-III чорагидаги ижтимоий иқтисодий вазият
2. Англиядаги намоёндаларининг ғоялари
3. Франциядаги намоёндаларнинг ғоялари

1. XIX АСРНИНГ II-III ЧОРАГИДАГИ ИЖТИМОИЙ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

XVIII-XIX аср бошларидаги саноат тўнтариши катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга олиб келиш билан бирга, А. Смит таълимотини турлича танқид қилувчи назарий мактабларни шаклланишига етарли замин тайёрлади. Бу назарий мактаблар умуман классик иқтисодий мактабга мухолиф бўлиб уч асосий йўналишда: иқтисодий романтизм, хаёлий социолизм, немис тарихий мактаби (ижтимоий-тарихий) йўналишида ривожланди. Буларнинг асосий вакиллари классик иқтисодий мактабга қарши чиқиш билан бирга улардан ўзгача жамиятнинг нисбатан идеал ижтимоий-иқтисодий тузилиш моделини таклиф қилдилар.

Маърузанинг шу ва кейинги соатларида классик иқтисодий мактабга қарама-қарши ғояларнинг баъзилари билан яқиндан танишамиз.

Капиталистик ривожланишдан орқада қолган ва майда товар ишлаб чиқариш устун бўлган шароитда саноат тўнтариши даврига кираётган мамлакатларда бу тузумни танқид қилиб, унга майда ишлаб чиқарувчилар манфаатини нисбатан берган иқтисодчиларни пайдо бўлиши табиий бир хол эди. Майда ишлаб чиқарувчилар назарётчилар классик иқтисодий мактабга ҳам, ҳаёлий-социалистларга ҳам баб-баровар тенг қарши турувчи иқтисодий таълимотни илгари суришга интилдилар. Улар капиталистик жамиятнинг майда товар ишлаб чиқаришни сқиб чиқариш ёлланма меҳнатни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган кўпгина белгиларини танқид қилиб, хусусий мулкчиликни соҳибкорлик эркинлигини ёқлаб чиқадилар.

XIX асрнинг 1- чорагида иқтисодий таълимотларда, шунингдек, илк бор ишчилар синфининг аҳволи асосий муаммо қилиб ажратиб кўрсатила бошланди. Чунки айнан мана шу даврдан бошлаб саноат ишчилари расман шаклланди ва уларга хос муаммолар кўзга ташлана бошлаган эди.

Майда ишлаб чиқариш назариётчилари «иқтисодий романтизм» га хос

ислохотчилик ҳаракатларини тарғиб қилиб, ўз ривожида бир неча босқични босиб ўтди. Агар биринчи босқични вакили ҳали капитализмдан воз кечишни орзу қилган, уни чеклаб қўйишга интилган ишчиларнинг кулафатлари хусусида астойдил кўз ёши қилган бўлса, иккинчи босқич мактаби вакили эса капитализмни ислоҳ қилиш лойиҳасини илгари суриб «кичик капитализм» ни сақлаб қолиш тарафдори эди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, марксча-ленинча таълимотдан фарқ қилиб, «Иқтисодий таълимотлар тарихи»да алоҳида йўналиш ҳисобланган ислоҳотчиликка хос бу мактаб вакиллари ижодини, таълимотларини ўрганиш ниҳоятда зарурдир. Чунки илмий мактаб вакиллари ўз даврларида классик иқтисодий мактаб вакилларини танқид қилиб, ҳаёлий социалистлар ғояларига қарши курашдилар, марксизм таълимоти оммалашувига қаршилик қилишга уриндилар.

2. АНГЛИЯДАГИ НАМОЁНДАЛАРНИНГ ҒОЯЛАРИ

Инглиз иқтисодчиси **Томас Роберт Мальтус** демография муаммолари тўғрисида биринчилардан бўлиб фикр юритган бўлмаса-да, «Нуфус назарияси»ни илк бор у яратди. Бу муаммо бўйича барча мунозараларда унинг номи биринчилардан тилга олинади. Масалан, Аристотель (м.а. 384-322) «**Сиёсат**» асарида аҳолиси кам сонли мамлакатни идеал давлат деб ҳисоблаган, чунки шунда социал гармония бўладики, аҳоли меъёрдан кўп бўлса социал зиддият келиб чиқади. Т. Мальтус У никоҳ тўғрисида қонун таклиф этган, унда эркакларга 37, аёлларга 18 ёшгача фарзанд қуриш тақиқланган, унингча аҳоли кўплиги ер етишмаслигига олиб келади ва у қашшоқликка маҳкум этилади.

Ф.Кенэ (1694-1774) «**Аҳоли**» (1756й.) мақоласида инсонлар «бойлик» манбаи эканлигига анча яқин фикрларни илгари сурди. «*Мамлакатнинг буюклиги унинг аҳолиси билан*», деган эди у. Аҳоли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, одамлар меҳнатидан фойдаланиш масалалари давлатнинг бош иқтисодий сиёсати объекти бўлиши керак. Бу фикр А.Смит томонидан ривожлантирилди.

В.Петти ҳам аҳолини айниқса унинг меҳнат қиладиган қисмини улуғлаган, бойлик яратувчи деб ҳисоблаган, биринчи бўлиб «инсоний капитал» тушунчасини киритган.

Т.Р.Мальтус (1766-1834) дворян оиласида туғилди, 1788 йил Кембридж университетини битиргач, қишлоқ руҳонийси сифатида ишлай бошлади, илоҳиёт фанидан илмий даражага эга бўлди. 1807 йилдан бошлаб «Ост-Инд» компанияси коллежида сиёсий иқтисод профессори лавозимида лекциялар ўқиди.

Диққатга сазовор томони шундаки, Мальтус анча кеч, 39 ёшида турмуш қурди, уч уғил ва бир қиз отаси бўлган. Агар образли айтадиган бўлсак, ўз таълимоти ва таклифларига амал қилган. Таниқли иқтисодчи Д.Юм ва бошқалар билан дўст бўлган.

Т.Мальтус яшаган давр Англияда саноат инқилоби амалга ошаётган йиллар бўлиб, қайта ишлаб чиқарувчилар оммавий қашшоқлашди, ишсизлар армияси кўпайди, ишчиларнинг иқтисодий аҳволи тобора ёмонлашди. Худди шу ҳолатларга баҳо бериш, уни изоҳлаш, бу аҳволнинг сабаби нимада эканлигини тушунтириш Мальтусга насиб этди. Унинг асосий асарлари қуйидагилар: «**Аҳоли нуфуси қонуни тўғрисидаги тажриба**» (1798), «**Ер рентасининг табиати ва ўсиши тўғрисидаги тажриба**» (1815), «**Сиёсий иқтисод принциплари**» (1820 йилда ёзилган ва аввалги китобни қайта ишлаб, икки жилдли асарга айлантирилган). Бу асар унинг дўсти Д.Рикардонинг «Сиёсий иқтисоднинг бошланиши» асаридан уч

йил кейин чиққан бўлиб, назарий методологик жиҳатдан ундан кескин фарқ қилмайди. Бу асарларда Мальтус лендлордлар манфаатини ҳимоя қилади, аммо ер эгалари ва капиталист-фабрикантларнинг манфаатлари мос келса ва ишчиларга қарши қўйилса, уларнинг иккаласини қўллаб-қувватлади, хукмрон синфларни оқлади, омманинг оч-яланғочлиги ва оғир аҳволида уларнинг ҳеч қандай айби йўқлигини исботламоқчи бўлди. Мавжуд тизимни такомиллаштириш кераклигини у ҳаёлига ҳам келтирмади, буни ўзига хос утопия деб ҳисоблади.

Асосий иқтисодий масалаларни ягона бир омил асосида оддийгина тушунтиришга ҳаракат қилинади.

Тадқиқот предмети сифатида аввало ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш йўли билан жамиятнинг моддий бойлигини янада кўпайтириш масаласи қаралади. Шу билан бирга, биринчи марта иқтисодий ўсиш муаммосини аҳолининг ўсиши билан боғлашга ҳаракат қилинган. Аввалги тадқиқотларда аҳоли ўсиши ўз-ўзидан миллий хўжалик ривожига олиб келиши (ва аксинча) масаласи қўйилган бўлса, бу олим муаммога ўзига хос равишда ёндошади.

Тадқиқот усулида иқтисодий либерализм концепциясини тан олган ҳолда, иқтисодий ўсиш суръатлари билан аҳоли сони ўртасида ўзаро алоқадорликни илмий жиҳатдан исботлашга ўринишнинг ўзига хос йўллари мавжуддир.

Жаҳонга маълум бўлган Ч.Дарвин, Д.Рикардо ва бошқаларнинг қарашлари унга методологик асос сифатида ҳизмат қилди.

Бу олим методологиясининг янгилиги ва аҳамияти шундаки, ундан миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва қашшоқлик сабабларини аниқлаш ва ундан чиқиш учун амалий хулосалар чиқариш мумкин, яшаш минимуми сифатида белгиланадиган тирикчилик воситалари ва аҳоли ўсиш сони ўртасидаги оддий нисбатни исботлашга харакат қилинади.

М. Блаугнинг таъкидлашича, Мальтус буйича инсоний жамиятни социал қонунлар (социал ислоҳотлар) ёрдамида ҳар қандай онгли такомиллаштиришга уриниш енгиб бўлмас инсонлар оммаси томонидан суриб ташланади ва шу сабабли ҳар бир одам ўзи ҳақида ўзи жон куйдирмоғи ва ўзининг хатолари учун тўла жавоб бериши керак.

Аҳоли нуфуси назарияси Мальтус гуёки тарихий манбаларга асосланиб, инсониятнинг ниҳоятда тез ўсганлигини исботлашга ўринади. Бу ўсиш тирикчилик воситалари, камчилиги касалликлар, урушлар, чақалоқларни ўлдириш, туғилишни иҳтиёрий тартибга солиш йўли билан секинлаштирилмаганда аҳвол бундан ҳам ёмон бўлар экан.

Мальтус табиат билан ҳамоҳанг ўсимлик ва хайвонларнинг чексиз кўпайиши ва яшаш учун керакли маблағлар ўсиши йўналишларини тадқиқ этади. Агар инсонлар ҳар 25 йилда икки марта кўпайиб, геометрик прогрессия асосида ортиб борса (1, 2, 4, 8, 16, 32, 64, 128, 256 ва ҳоказо), тирикчилик воситалари энг қулай шароитларда ҳам арифметик прогрессия асосидагина кўпайиши мумкин (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 ва ҳоказо).

Бундай шароитда 200 йилдан сўнг аҳоли сонининг тирикчилик воситаларига нисбати 256 : 9, 300 йилдан сўнг эса 40096 : 13 бўлади ва ҳоказо.

Т.Р.Мальтус «Нуфус қонуни»нинг математик ифодаси

Аҳолининг ўсиши	Геометрик прогрессия	1,2,4,8,16,32,64, 128 ва ҳоказо
Тирикчилик воситаларининг ўсиши	Арифметик прогрессия	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10

200 йилдан сўнг	Аҳолининг ўсиши 256 марта	Тирикчилик воситалари 9 марта
300 йилдан сўнг	Аҳолининг ўсиши 9096 марта	Тирикчилик воситалари 13 марта

Тирикчилик воситаларига нисбатан доимо тезроқ кўпайишга интилиши «*аҳолининг нуфус қонуни*»дир, бу қонун жамият пайдо бўлгандан буён мавжуд бўлиб, доим ва қудратли ҳаракатдадир. Аҳолининг ортиқча қисми зарурат туфайли очлик, яланғочлик ва қирилишга маҳкум этилган.

Мальтуснинг фикрича, қашшоқликнинг асосий ва доимий сабаби, бошқариш тарзи ёки мулкнинг нотекис тақсимланишига хеч ҳам боғлиқ эмас; бу жараён «табиий қонунлар ва инсоний хирс» табиатнинг ночорлиги ва инсониятнинг фавкулодда тез кўпайиши билан боғлиқдир. Шу сабабли халқ ўз азоб-уқубатлари учун ўзини ўзи айблаши керак». Уни тўғрилашга хеч қандай инқилоб ва социал ислоҳотлар ёрдам бера олмайди. Бунда фақат бир тўғри йўл бор - бу аҳоли сонини қисқартириш. Ўта кўпайишнинг олдини олиш воситаси, чораси сифатида «аҳлоқий чидам» (камбағаллар никоҳдан ўзларини тийишлари, кеч турмуш қуришлари), оғир меҳнат ёки турли бахтсизликлар (очлик, қашшоқлик, касаллик, эпидемия, уруш ва бошқалар) таклиф этилади.

Мальтуснинг фикрича, табиий биологик инстинктга кўра инсоният кўпайиш имкониятига эга ва доимо шунга интилади, аммо жонивор ва ўсимликлар қарама-қарши равишда бу жараённи чеклаш имконига ҳам эга бўлиб, хайвонот дунёсидан ажралиб туради. Қуйидаги жадвалда ана шу имкониятлар акс этган.

Авлодни давом эттириш инстин-кти	**Аҳолининг ўсиш потенциали**		**Аҳоли ўсишини чекловчи омиллар**	
	Олдини олиш чоралари: туғилиш камайиши		**Реал омиллар: Ўлим ортиши**	
	Аҳлоқий ҳарактердаги чеклашлар	**Соғлиқ пастлиги**	**Ноўрин ҳаёт**	**Камбағаллик**
	Тирикчилик воситаларининг чекланганлиги			

Шундай қилиб, Мальтус таълимоти бўйича, жамият иллатлари инсониятнинг беихтиёр қисматидир. Назарий жиҳатдан бу фикрларда ҳеч қандай илмийлик ва янгилик йўқ. Бу «қонун»даги асосий ғоялар унгача бўлган олимлардан тўғридан-тўғри уғриланган (*плагиат*), чунки ўз даврида Стюарт, Уоллес, Таунсенд ва бошқалар бу масалани ёритган эдилар. Мальтуснинг бу ниҳоятда реакцион хулосалари қаттиқ танқидга учради. Туғилишни камайтириш учун у никоҳ ёшини оширишни, давлат томонидан болаларга бериладиган нафақаларни бутунлай бекор қилишни таклиф этди.

Мальтус бу танқидлардан хулоса чиқариб, 1820 йилда ўз асарини қайта ишлаб чиқди ва унда ўз фикрларини анча юмшатишга интилди; айниқса устига дам-бадам ёғилиб турадиган ва аҳолини ўлимга маҳкум этадиган бало-офатларни зарурий деб ҳисоблашдан воз кечди ва кечирим сўради, уни нотўғри

тушунганликларини айтиб ўтди, аммо у ўзининг бош фикрини инкор этмади.

Мальтус марказий ғояси, яъни аҳоли сони ўсиш суръатларининг жамият фаровонлигига таъсири принципда тўғри ва долзарбдир. Аммо олим томонидан берилган прогноз (истиқбол) лар бахтимизга нормал бўлиб чиқди. Ҳар 20-25 йилда аҳолининг икки марта кўпайиши инсониятни тўла қашшоқликка маҳкум этиши керак эди.

Мальтус «доктринаси» аввало методологик жиҳатдан хато эди, чунки ҳеч қандай исботсиз табиат қонунлари жамият ҳаётида қўлланилади, ваҳоланки инсонлар ўсимлик ва хайвонот дунёсидан фарқли ўлароқ фақат истеъмол қилмайдилар, балки ўзлари ишлаб чиқарадилар ва тирикчилик воситасини кўпайтириш имкониятларига эгадирлар. Шуни эслаб ўтиш жоизки, ўз даврида Петти ва Смит мамлакат бойлигининг асоси унумли меҳнат билан шуғулланувчи аҳоли эканлигини исботлаб берганлар. Мальтус классикларнинг бу фикрини инкор этади. Ундан ташқари, Мальтус ўзи очган қонунни абадий деб эълон қилади. Аслида эса капитализм даврида ортиқча ишчи кучи ҳисобига аҳолининг нисбий ортиқчалиги юзага келади, бу ерда аҳолининг нисбий ортиқчалиги аҳолининг абсолют ортиқчалиги деб кўрсатилган.

Мальтус прогрессиялари эса статистик ва амалий (фактик) материалларни очиқдан-очиқ соҳталаштиришдир (фальсификация). Унда берилган маълумотлар АҚШнинг XVI-XVIII асрлардаги аҳоли ўсишига нисбат сифатида келтирилади, бу мамлакат аҳолисининг асосан Европа аҳолисининг эммиграцияси ҳисобига кўпайганлиги ҳақидаги «арзимас» факт эса ҳисобга олинмаган (табиий ўсиш бор, эммиграция бор).

Мальтус ўз фикрини «исботлаш» учун «*тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши*» назариясидан фойдаланади. Бу назарияга кўра, ерга сарфланган қўшимча капитал гўёки маҳсулотни пропорционал тарзда кўпайтиришга имкон бермас эмиш, бинобарин одамлар ўзларини озиқ-овқат ва бошқа товарларга бўлган этиёжларини қондирадиган маҳсулотларни тўла ҳажмда етиштира олмайдилар. Шу тарика маҳсулотларнинг етишмаслиги табиатнинг табиий-биологик қонунлари билан изоҳлаб берилади. Бу «қонун»да жон бор албатта, масалан бир гектар ер билан дунёни боқиб бўлмайди, лекин илмий-техника тараққиёти туфайли кўпгина давлатлар ердан ниҳоятда унумли фойдаланиб озиқ-овқат ва бошқа муаммоларни хал этмоқдалар. Демак, бу «қонун» ҳам назария, ҳам амалиёт томонидан инкор қилинади. Бунга «кўк инқилоб»ни мисол келтириш мумкин.

«Кўк инқилоб» 1960 йилларнинг охирида пайдо бўлди, у қишлоқ хўжалигида илмий-техника тараққиётини қўллаш йўли билан унинг махсулдорлигини оширишни англатади. Бу жараён 1950 йилларнинг ўрталарида доннинг юқори хосилли гибрид навлари кашф қилиниши билан боғлиқ.

Бир қанча мамлакатлар «кўк инқилоб»дан фойдаланиб анча катта ютуқларни қўлга киритдилар. Масалан, Ҳиндистон 70 йилларнинг охири ва 80 йилларнинг бошида ўзини ўзи дон билан таъминлашга эришди. Бу ерда 1976 йилда 120 миллион тонна дон олинди, бу 1950 йилга нисбатан 2.5 марта кўпдир, 1989 йилда эса 200 миллион тоннага яқин дон олинди, шундан 165 миллион тоннаси гуруч ва буғдойдир.

Филиппинда 1965-89 йилларда шоли хосилдорлиги бир неча марта, яъни 1.7 млн тоннадан 9.5 млн тоннага ўсган бўлса, Индонезияда бу кўрсаткич гектарига 18.1 центнердан 42.3 центнерга ўсди. ХХР да йилига 430-465 млн тонна дон олиниши натижасида бу ерда 1 млрд 250 млн кишилик аҳоли учун озиз-овқат муаммоси асосан ҳал этилган.

Қиймат ва даромад назарияси.

Мальтус иқтисодиётнинг бир қанча бошқа масалалари бўйича ҳам ўз фикрларини беради, унинг айниқса қиймат, даромад, фойда ва реализация буйича ғоялари диққатга сазовордир. Мальтус бу масалаларни ҳал этишда Д.Рикардонинг ғояларига қарши чиқди ва бунда А.Смитдан фойдаланди. Унингча товарнинг қиймати шу товарни сотиб олишга кетган меҳнат билан аниқланади. Мальтус ғоясининг «янгилиги» шу «қиммат ўлчови»ни изоҳлашдир. Смитнинг фикрича, товарни сотиб олиш учун сарфланган меҳнат, уни ишлаб чиқаришга кетган меҳнатга тенгдир. Мальтуснинг фикрича, товарлардаги меҳнат миқдори уни ишлаб чиқаришга кетган ҳаражатлардан иборат билиб, бу кўрсаткич тирик ва жонсиз меҳнат плюс авансланган капиталга фойдадан жамланади. Бунда қийматнинг ҳосил бўлиши ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига кўчирилади, истеъмол қиймати эса алмашув қиймати билан қориштириб юборилади. Мальтус товарнинг қийматини ишлаб чиқариш ҳаражатларидангина иборат деб кўрсатади ва ҳаридор товар сотувчига иш ҳақидан ташқари фойдани ҳам тўлаши керак, деб уйлайди, фойда товарнинг қийматига номинал қўшимча, деб ҳисобланади. Фойда меҳнатдан ажратиб қўйилади, яъни капиталистнинг фойдаси қўшимча эмас, балки товарни ўз қийматидан ортиқча сотиш туфайли пайдо бўлади, ноэквивалент айирбошлашнинг мавжудлиги исботланади. Шундай қилиб, аслида меркантилизм ғояларига қайтиш рўй беради, қийматнинг ҳосил бўлишида меҳнатнинг роли иккинчи даражали қилиб кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари концепциясидан реализация назарияси (такрор ишлаб чиқариш) ҳам келиб чиқади ва унда жамиятда ер эгалиги, руҳоний, чиновник, солдат ва бошқа шаҳсларнинг мавжудлиги оқланади. Аслини олганда бунда инқирозлар муаммоси изоҳланиб, *«учинчи шаҳслар»* назарияси юзага келади, ундан шуни тушуниш мумкинки, капиталист ва ишчилар ишлаб чиқарилган ҳамма товарларни сотиб олишга қодир эмаслар, чунки қийматнинг таърифига кўра жами иш ҳақи ишлаб чиқарилган барча махсулотнинг қийматидан фойда миқдорига камдир. Бу ҳолатдан чиқиш йўли жамиятда ишлаб чиқармайдиган синфлар, яъни «учинчи шаҳслар»нинг борлигидир, ортиқча маҳсулотлар улар томонидан сотиб олинади. Мальтус етарли талабни қондириш учун ер аристократиясини улуғлайди, юқори рента, солиқ ва бошқа йиғимларни оқлайди.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш чегаралари мавжуд эмас, дейди Т.Мальтус. ортиқча ишлаб чиқариш (инқирозлар) тўғурисида фикр юритиб, бу жараён умумий бўлиши, ёки иқтисодиётнинг айрим тармоқларида перманент (узлуксиз) ёки вақтинча бўлиши мумкинлиги айтилади. Охир-оқибат шуни айтиш мумкинки, Д.Рикардо ва бошқа классик мактаб вакилларидан фарқли равишда, Т Мальтус бўйича нафақат хусусий, балки умумий инқирозлар бўлиши башорат қилинади (бу тарихан исботланди). Аммо барча инқирозлар вақтинча бўлиб, улар ўткинчи деб қаралади.

Мальтус «Нуфус назарияси»га кўра, ишчиларнинг сонини камайтиришни таклиф этган бўлса, ишламай ейдиганларнинг сонини оширишни жамият учун фойдали деб ҳисоблайди.

Бу ғоялар аслида Сисмондига тегишли эканлиги кейинги бобларда изоҳланган. Фақат Сисмонди капитализмдан воз кечиш ва майда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таклиф этган бўлса, Мальтус капитализмдан воз кечмаган ҳолда, аввало йирик ер эгалари ва руҳонийлар манфаатини таъминлашни қўллайди.

Мальтус ғояларидаги бу илмий чалкашликларга қарамасдан, унда бир қанча ижобий фикрлар мавжуд. Ҳозирги даврда ривожланаётган мамлакатлардаги оғир

аҳволни тушунтиришда бу олимнинг қарашлари тўғри келади. Айниқса, Корея Республикаси ривожи ҳарактерлидир. Агар бу ерда 1950-60 йилларда аҳолининг ўсиши йилига 3 фоизни ташкил этган пайтда иқтисодий рвожланиш паст бўлган бўлса, 90 йилларда аҳолининг ўсиши 1 фоизга тушган пайтга келиб иқтисодий ўсиш кескин ошди. Марказий Осиё мамлакатларида ҳам аҳолининг ўсиши катта бўлиб, иқтисодий ривожланиш муаммоларини хал этишда бу олимнинг баъзи ғояларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Мальтуснинг «Нуфус назарияси» XIX асрда жуда кенг тарқалди ва машҳур бўлиб кетди. Ҳозирги даврда ҳам янги замонавий мальтусчилар Г.Бутуль, Н.Чемберлен, П.Эрлих, У.Фогтлар Мальтуснинг «икки прогрессия» тўғрисидаги дастлабки қарашларини бироз ўзгартириб, «аҳолининг қариб бориши», «аҳолининг энг мақбул миқдори», «қимматли» ва «арзон» кишилар каби турли-туман ғояларини илгари сурмоқдалар. Бу концепцияларда илмий-техника тараққиётининг оқибатлари, атроф-муҳитни мухофаза қилиш баҳонаси билан, Ер куррасида «ортиқча» одамлар кўпайиб кетди, деб уларнинг сонини турли йўллар билан камайтириш режалари таклиф қилинди.

XXI аср бошида планетамизда 6 *млрд* дан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда (1945 йилда аҳоли сони 2.5 *млрд* эди) ва бу кўрсаткич тобора ортиб бормоқда. Энг муҳим ва аянчли томони шундаки, кам ривожланган ва қолоқ давлатларда бу ўсиш тез бўлиб, аҳолининг 75 фоизи шу давлатларга тўғри келади. Шунинг учун демография муаммоси ҳозирда ҳам ниҳоятда долзарбдир. Бугунги кунда бу муаммони хал қилиш мақсадида ҳатто оилани режалаштириш чора-тадбирлари таклиф қилинмоқда.

Лондон дорилфунунининг сиёсий иқтисод профессори **Жон Рамсей Мак-Куллох** (1789-1864) ҳам классик мактабнинг сўнгги номоёндаларидан ҳисобланади. У «**Сиёсий иқтисоднинг бошланиши**» (1825) китобида қийматнинг меҳнат назариясини расман тан олса ҳам, аммо ишчигина эмас, шамол ҳам, буғ ҳам, кокс ҳам, машина ҳам меҳнат қилади, деган ғояни илгари сурди. Бунга аосоланиб у фойда қийматнинг жамғарилган меҳнат ёки капитал «иши» туфайли яратилган қисмидир, деб тушунтиради. Меркантилистлар каби у ҳам фойда айирбошлаш жараёнида вужудга келади, деб даъво қилади. Ж.Мак-Куллох Мальтуснинг «Аҳоли нуфуси» қонунини тўла қувватлади.

Агар аввалги иқтисодчилар классик мактабни турлича шарҳлашга интилган бўлсалар, XIX асрнинг 30-50 йилларида иқтисодчилар ўртасида классик мактабдан очиқдан-очиқ алоқани ўзишга интилиш пайдо бўлди. Бу даврда саноат тўнтарилиши ниҳоясига етди, синфий дифференциация амалга ошди.

Синфий кўраш кескинлашаётган шароитда (Англияда чартизм, Францияда Лион ткувчиларининг қўзғолони, 1848 йил инқилоби ва бошқалар) хукмрон синфлар учун социалистлар томонидан капитализмни танқид қилиш ва ишчиларнинг ижтимоий талабларини асослаб бериш учун кўпинча фойдаланадиган қийматнинг меҳнат назарияси, Рикардонинг фойда, капиталист ва ишчилар иш ҳақининг қарама-қаршилиги таълимоти ва бошқа ғоялари катта хавф туғдирар эди.

Нассау Вильям Сениор (1790-1864) Лондондаги машҳур Оксфорд университетининг сиёсий иқтисод кафедраси профессори, «тийилиш» ва «сўнгги соат» назарияларининг муаллифи сифатида машҳур бўлди.

Н.Сениор ғоялари «**Сиёсий иқтисод фани очерклари**» (1836) ва «**Фабрика қонунчилиги тўғрисидаги хатлар**»да баён этилган.

У ўзининг қиймат назариясида қийматни баҳо билан бир нарса деб ҳисоблайди ва қиймат талаб билан таклифга боғлиқ, дейди. У меҳнат

(ишчиларнинг «қурбони») билан бир қаторда капиталистнинг «тийилиши»ни ҳам қийматнинг манбаи деб эълон қилади.

«Тийилиш» назарияси. Бу назарияда Н.Сениор капитални капиталистнинг бераётган «қурбони» деб ҳисоблади. Унинг таъкидлашича капиталист ўз капиталини ишлаб чиқариш соҳасига қўйганда (инвестиция) ўзининг шаҳсий истеъмолидан гўё маълум давр «тийилиб» туради, меҳнат эса ўз навбатида ишчининг дам олиш ва тинчлик эвазига қилган «қурбони» деб қабул қилинади. Шунинг учун иш ҳақи ва фойда капиталист ва ишчи берган тегишли «қурбонлар» учун баб-баравар мукофот эмиш. Н.Сениор Рикардонинг қийматни иш вақти билан белгилашига қарши чиқади, унингча фойда капиталистнинг «меҳнати»дан, фоиз эса унинг сабр-қаноатидан ҳосил бўлишини кашф қилди.

Н.Сениорнинг яна бир «кашфиёти» унинг *«сўнгги соат»* назариясидир. Саноат тўнтарилиши ва машиналарнинг кириб келишига қарамасдан, ишчиларнинг иш соатлари ниҳоятда юқори бўлиб, шу сабабли XIX-асрнинг 30 йилларида Англияда 10 соатлик иш куни учун кўраш кучайиб кетди. Н.Сениор эса ўша даврда мавжуд бўлган 11.5 соатлик иш кунини қисқартиришнинг «иложсизлигини» назарий жиҳатдан асослашга уриниб, шу иш кунининг 10.5 соатида сарфланган капиталнинг қиймати янгидан вужудга келади, фақат охирги бир соатидагина фойда яратилади, деб уқтирди. Шу сабабли иш кунини 10 соатгача қисқартириш фойданинг йўқ бўлиб кетишига, бу билан бирга эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳар қандай қизиқишнинг йўқ бўлиб кетишига олиб борган бўлар эди, деб даъво қилди. Бу билан у соҳибкорларни очиқдан-очиқ ҳимоя қилади.

Англияда классик мактабни бошқа тарзда изоҳловчилар орасида **Жеймс Милль** (1773-1836) муҳим ўринни эгаллайди. Бу олимни *Жон Сюарт Милль* ўғли билан адаштириб юбормаслик керак, унинг иқтисодий ғоялари ҳам қуйида кўрилади.

«*Рикардо мактабининг таназзули,* - деб ёзган эди К.Маркс, - *мана шу қимсадан бошланади*».

Ж.Милль қиймат, иш ҳақи ва фойдани ўзига хос йўл билан талқин этди. У ишчиларнинг иш ҳақини ошириш йўлидаги иқтисодий кураши ўринсизлигини иқтисодий жиҳатдан асосламоқчи бўлади.

Ж.Милль капиталистнинг фойдаси билан ёлланма ишчининг маоши ўртасидаги қарама-қаршиликни рад этиб, ер рентасини танқид қилган эди. У Рикардонинг рента тўғрисидаги назариясини давом эттириб, ер рентасининг давлат томонидан қўшиб олиниши, яъни ҳақиқатда ерни миллийлаштириш (национализация) қилинишини талаб қилиб чиқди (Совет даврини эсланг). Ж.Милль ўзининг «**Сиёсий иқтисод элементлари**» (1821) асарида қийматнинг меҳнат назариясига бўтунлай қарши чиқди ва қийматнинг манбаи сифатида фақатгина жонли меҳнатни эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларида мавжуд бўлган меҳнатни ҳам ҳисобга олишни талаб қилди. Бу хулосага асосланиб капиталистлар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги эксплуатация инкор қилиниб, уларни «тенг товар эгалари» сифатида қабул қилишни таклиф қилди, бу эса уларнинг ҳар бири ишлаб чиқарилган махсулотнинг ўзига тегишли фойда улушини олишининг тўғри эканлигини исботлашга асос бўлди.

Инглиз **Жон Стюарт Милль** (1806-1873) классик мактабнинг сўнгги номоёндаларидан бири деб қаралади. Унинг отаси Жеймс Милль (1773-1836) ҳам иқтисодчи бўлган ва уғлининг тарбияси билан жиддий шуғилланган, оқибатда ёшлигидаёк дастлабки тадқиқотлари эълон қилинди. Аммо 1848 й. босиб чиқарилган «Сиёсий иқтисод асослари» (5 жилддан иборат) китоби унга шуҳрат

келтирди. Амалий ҳаётда Милль Ост-Индия компанияси билан боғланган эди (1858 й ёпилган). 1865-1868 й. Парламент аъзоси бўлган (Д. Рикардони эсланг). Сўнгги йилларда Франциянинг Авиньон шаҳрида яшаб ижод этди.

Тадқиқот предметида Д. Рикардо ғояларига яқин туради ва биринчи ўринга «ишлаб чиқариш қонунлари»ни қўяди, бу масалани «Тақсимот қонунлари»га қарама-қарши деб билади. Классик мактаб вакиллари каби, иқтисодий ривожланишда «Қишлоқ хўжалиги имкониятлари» билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Тадқиқот усулида пулнинг «нейтроллик» концепциясига амал қилади, аммо пулнинг миқдорий назариясини ҳам қўллайди. Бойлик тўғрисида анча содда фикрда бўлиб, бойлик бу бозорларда сотиб олинадиган ва сотиладиган нарсаларнинг суммаси сифатида қаралади. Бу олимнинг методологиясида 1) ишлаб чиқариш қонунларини 2) тақсимот қонунларига қарши қуйиш ҳарактерлидир. Биринчилари ўзгармас бўлиб, техник шароитлар билан белгиланади, бу «физик ҳақиқатлар» кабидир, улар «табиий фанлар хусусиятлари» ҳарактерига эга, уларда инсон иродасига боғлиқ ҳеч нарса йўқ. Иккинчилари эса, уларни «инсон интуицияси» бошқаргани сабабли, айрим мамлакатлар ва даврларда жамиятни бошқарадиганларнинг фикри ва ҳоҳишига боғлиқ бўлиб, ниҳоятда турлича бўлади.

«Мазкур жамият қонун ва урф-одатлари» тақсимот қонунларига бевосита таъсир этади ва «жамиятдаги асосий уч синфлар» ўртасида даромадларнинг тақсимоти мулкнинг шаҳслар ўртасидаги тақсимотини белгилаб беради. Инсоний қарорларнинг тақсимот қонунлари шаклланишидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, Ж.С. Милль жамиятни социал жиҳатдан ислоҳ қилиш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиқади. Олимнинг тадқиқотларида «статика» ва «динамика» тушунчалари киритилади. Аввалги олимларда жамиятнинг «стационар ва ўзгармас» иқтисодий қонунлари ўрганилган бўлса, эндиликда статикага сиёсий иқтисоднинг динамикасини қўшиш кераклиги айтилади.

Аммо М.Блаугнинг фикрича, Миллда «динамика» тарихий ўзгаришларни таҳлил сифатида қаралади, «статика» деганда эса ҳозирги сатик таҳлил тушунилади. Демак, ҳозирги даврдаги динамик таҳлилдан кескин фарқ қилади, чунки эндиликда иқтисодий муносабатлардаги ўзгариш замон ва маконда, диффенциал ҳисоб-китоблар ёрдамида математик моделлаштириш орқали амалга оширилади.

Миллнинг *қиймат назариясида* «алмашув, истеъмол қийматлари» , қиймат ва бошқалардан ташқари, қиймат (қиммат) бир вақтда барча товарларда ўсиши мумкин эмас деган хулоса чиқарилади, чунки қиймат нисбий тушунчадир. Қиймат меҳнат туфайли юзага келиши ва биринчи даражали аҳамиятга эгалиги таъкидланади.

Пул тўғридаги ғоясида миқдорий масала биринчи ўринга қўйилади, яъни пулнинг кўпайиши ёки камайиши товарларнинг нисбий баҳоси ўзгаришига таъсир этади. Бошқа шароитлар тенг бўлганда «пулнинг қиймати унинг миқдорига тескари нисбатдадир», пулнинг ҳар қандай камайиши эса худди шундай пропорцияда унинг қадрини оширади. Пулнинг нейтраллиги тўғрисида фикр юритилиб, пул вақтни ва меҳнатни иқтисод қилиш учун ҳизмат қилади, дейилади. Бойлик, моддий неъматлар фақат унумли меҳнат натижасида яратилади. Янгилик шундан иборатки, мулкни қўриқлаш малака орттиришга қаратилган меҳнат ҳам унумли деб ҳисобланиши керак. Унумли меҳнат агар у жамият ишлаб чиқариш кучларини кўпайтиришга олиб келса, унумли истеъмолга эга бўлади.

Аҳолининг иқтисодиётдаги роли тўғрисида сўз юритилиб, Англияда 1821 й.

Кейин 40 йил давомида тирикчилик воситалари ишлаб чиқариш суръатлари аҳоли ўсишидан юқори бўлмаган. Аҳоли сонини камайтириш бўйича таклифлар берилади (ихтиёрий туғулишни камайтириш, аёллар эмансипацияси). Бу масалада Милль Мальтус билан ҳамоҳангдир.

Капитал деганда «аввалги меҳнат билан илгари тўпланган маҳсулотлар заҳира» лари тушунилади. Капитал жамғариш инвестиция учун асос ҳисобланади ва бандликни оширади, ишсизликнинг олди олинади (Ж.М.Кейнс таълимотига қаранг).

Даромадлар тўғрисида гапирилиб, бунда аввалги олимлар фикри қўлланади, уни меҳнатга ҳақ деб қаралади ва ишчи кучига бўлган талаб ва таклифга боғлиқ дейилади. Минимал иш ҳақи ғоясига амал қилиб, «ишчи фонди» доктринаси илгари сурилади, унга кўра, синфий кураш ҳам, касаба қўмиталари ҳам иш ҳақини яшаш минимуми даражасида сақлашнинг олдини ола олмайди. Аммо 1869 йил бу доктрина ғояси инкор этилади ва касаба қўмиталари ҳақиқатан ҳам иш ҳақига таъсир этади, бу «меҳнат бозоридаги рақобат оқибатлари» кабидир. Бошқа шароитлар тенг бўлганда паст жозибали меҳнатда иш ҳақи камроқ бўлади. Милль «минимум иш ҳақи» билан «физиологик минимум» ни фарқлайди, биринчиси иккинчисидан юқоридир. Иш ҳақи манбаи сифатида аллақандай «капитал заҳира» келтирилади.

Рента тўғрисидаги фикрда, рента бу ердан фойдаланганлик учун тўланадиган компенсация деб қаралади.

Шу билан бирга, ер участкасидан фойдаланиш шаклига қараб. Бу рента мавжуд бўлади ёки фойдани йўқ қилувчи ҳаражат бўлиши мумкин.

Жамиятдаги иқтисодий ислоҳотлар, хусусан социализм ва социалистик қурилиш тўғрисида ҳам фикр юритилади. Социал тенгсизликнинг хусусий мулк билан боғлиқлигини инкор этади. Масала бунда хусусий мулк билан боғлиқ индивидуализм ва суистеъмолчиликка барҳам беришдир, деган хулоса чиқарилади.

Жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида давлат ролини фаоллаштириш масалалари қараб чиқилган, бунда давлат марказий банкининг фоизлари оширишга интилиши мақсадга мувофиқ деб қаралади, чунки бу хориж капиталини мамлакатга кириб келишини рағбатлантиради, миллий валюта курси мустаҳкамланади, оқибатда давлатдан олтин чиқиб кетиш олди олинади. Давлат ҳаражатларининг кўпайиши танқид этилади.

Эркин савдо муносабатлари (laisser faire) ни қўллаш билан бирга, «бозор кучисиз» айрим соҳаларда (инфра тузилма, фан, қонунларни чиқариш, бекор қилиш ва б.) давлат аралашуви керак деб ҳисобланади.

Милль айниқса таълим сифатига алоҳида эътибор қилади, хусусий мактаблар тарафдори (фақат чекка жойлардагина умумий мактабга йўл берилади), давлат имтиҳонлари тизими ёмон қўйганлар учун жарима таклиф этилади.

Бошида айтилганидек, бу олим *ишлаб чиқариш қонунлари ўзгартириш* мумкин эмас, балки тақсимот қонунларини ўзгартириш керак деган ақидага амал қилади.

Бу олимнинг катта ҳатоси бўлиб, аслида ишлаб чиқариш ва тақсимот бир-биридан алоҳида-алоҳида яшай олмайди; улар бир-бирларига ўзаро ва ҳар томонлама боғлиқ.

Миллнинг социал ислоҳоти ҳуқуқидан уч пазицияни ўз ичига олади:

Кооператив ишлаб чиқариш ассоциацияси ёрдамида ёлланма меҳнатни тугатиш;

Ер солиғи ёрдамида ер рентасини ижтимоийлаштириш;

меросхўрлик қонунини чеклаш ёрдамида бойликнинг тенгсизлигини чеклаш.

3. ФРАНЦИЯДАГИ НАМОЁНДАЛАРНИНГ ҒОЯЛАРИ

Франциядаги шу даврдаги иқтисодий ғояларнинг ривожи **Жан Батист Сэй** (1767-1832) номи билан боғлиқ. Бўлажак олим Лионда савдогар оиласида туғилди ва кейинчалик йирик фабрикантга айланди. У яхши таълим олди, аммо савдо соҳасида анча эрта ҳизмат қила бошлади. У инқилобни қўллади. *Наполеон Бонапарт* хукуматида молия соҳасида ишлади. Унинг биринчи асари «**Сиёсий иқтисод рисоласи**» 1803 йилда чиқди ва ҳаёти давомида беш марта қайта нашр қилинди, қайта ишланди ва унинг бош асари сифатида қолди. 1817 йилда «**Сиёсий иқтисод катехизиси**» (Катехизис - грекча «насиҳат», «қўлланма» мазмунига эга), 1828-30 йилларда олти томлик «**Сиёсий иқтисод курси**» китоби ҳам чоп этилди. Бу китобларда у саноат буржуазияси тарафдори, меркантилизм душмани ва иқтисодий либерализмни қўллаб-қувватловчи олим сифатида маълумдир.

Сэй Смит таълимотини тарғиб этиш ва систематик изоҳлаш баҳонасида унинг илмий жиҳатдан анча бўш ғояларини ривожлантирди ва тартибга солди. Д.Рикардо бу олимнинг илмий меросига юқори баҳо берди ва унинг, яъни «Сэй қонуни» ни тан олган.

Олимнинг тадиқот *предмети сифатида* аввало жамиятнинг моддий фаровонлик проблематикаси қаралади, бойликнинг манбаи эса миллатнинг иқтисодий потенциалига боғлиқдир.

Тадқиқот услубида эса аниқ фанлар (мас.,физика) тажрибасидан фойдаланиш керак дейди. Методологик жиҳатдан бу универсал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қонун, категория ва назариялар тан олшни зарур – деганидир. Таниқли иқтисодчи Ж. К.Гэлбрейт фикрича, «Сэй қонуни»ни тан олиш ёки олмаслик XX асрнинг 30-йилларигача иқтисодчиларни аҳмоқлардан ажратиш белгиси сифатида қаралган. Бу қонунда бозор иқтисодиёти шароитида жамият синфлари манфаатларининг уйгунлиги (гармонияси) асосийдир. Лекин унинг фикрларида ўта соддалик ва юзакилик аломатлари кўпдир.

Сэй сиёсий иқтисодни уч қисмга бўлади: ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол. Бу классификация такрор ишлаб чиқариш жараёни унсурлари ўртасидаги юзаки боғланишни акс эттиради. Тақсимот ва истеъмолнинг иқтисодиёт фанининг мустақил бўлаклари сифатида ажратилиши ва уларнинг мустақил соҳа сифатида ишлаб чиқариш билан ёнма-ён қўйилиши ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни унсурлари ўртасидаги ҳақиқий алоқалар бузиб кўрсатилади, чунки маълум типдаги ишлаб чиқариш муносабатлари доим тақсимот ва истеъмолнинг маълум таркибини вужудга келтиради.

Сэй Смитни қўллайди, аммо кўп масалаларда у билан келишмайди. Масалан, унингча қиймат бир қанча омилларга боғлиқ қилиб қўйилади: товарнинг субъектив фойдалилиги, унинг ишлаб чиқариш чиқимлари, талаб ва таклиф. Сэйда капиталнинг эксплуатация моҳияти бутунлай йўқ ва бу жараён ишлаб чиқариш омиллари назарияси билан алмаштирилади. Аммо у иқтисодий либерализм (*laissez faire*) прицинципи, «кичкина ва арзон давлат» ва унинг иқтисодиётга аралашувини кескин қисқартириш тарафдори сифатида Смит билан ҳамоҳанг. Сэй бу соҳада физиократик анъаналарга яқин бўлган. Унинг иқтисодий либерализм тамойили Наполеоннинг иқтисодий сиёсатига тўғри келмас эди (континентал блокада сиёсати Англия билан иқтисодий алоқаларни кескин чеклаган). Бурбонларнинг реставрация қилиниши Сэйнинг обруси ошишига имкон яратди. Ишлаб чиқаришнинг асосий уч омили назарияси.

У ҳаёти давомида сиёсий иқтисод масалаларини имкони борича содда ва аниқ изоҳлашга интилди. Биринчилардан бўлиб ишлаб чиқариш омиллари: меҳнат, капитал ва ернинг маҳсулот қийматини ҳосил қилишда тенг иштирокини аниқ ифодалади (бу фикр юқорида эслаб ўтилган). Ҳозирги давр олимлари капитализмнинг (бозор) тизимини шу уч омил билан боғлайдилар.

XIX асрнинг бошларида шу уч омилга асосланган ғоялар ривож топди. Меҳнат - иш ҳақи, капитал - фойда, ер - рента: шу уч ўзаро боғлиқ (уч бирлик) формула Сэй таълимотида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг *қиймат* ва *даромадлар* тўғрисидаги таълимоти ўзига хос равишда хал этилди. Классик мактабдан фарқли равишда товар қиймати уни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат билан эмас, унинг фойдалилиги билан аниқланади, шундай қилиб «*Фойдалилик назарияси*»га асос солинди. Бу назарияга кўра ишлаб чиқариш фойдалиликни яратади, фойдалилик эса предметларга қиммат беради, «қиммат фойдалилик ўлчовидир» дейди у. А.Смитнинг қиймат назариясидан фарқли, қиймат фақат сарфланган меҳнат билангина эмас, балки меҳнат маҳсулотининг нафлик даражаси билан ҳам ўлчанади, бу катта янгиликдир. Шундай қилиб Сэй қийматни истеъмол қиймати билан айнан бир деб тушунади. Демак қиймат ва тақсимот муаммосида тақсимот назарияси ажратиб олинади ва алоҳида қаралади. Шуни эслатиб ўтиш керакки, А.Смитгача алмашув қиймати фойдалилик билан албатта ва бевосита боғлиқ бўлмаслиги мумкин, масалан, ниҳоятда фойдали, ҳаётий зарур бўлган нарсалар ҳам паст қийматга эга бўлиши мумкин, айрим нарсаларнинг 1эса умуман қиймати йўқ, бунга ҳаво, булоқ бошидаги сув ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу масала бўйича турли фикрлар мавжуд бўлиб, уни тўлароқ кейинги бобларда кўриб чиқамиз (маржинализм ғоясининг асоси ҳам шу фикрдир). Иқтисодиётнинг бу категорияси даврдан, тарихдан ташқари қаралади ва абадий деб ҳисобланади, эксплуатация инкор этилади.

Қийматни фойдалилик билан алмаштириш оқибатида даромадлар масаласи ҳам шу асосда ечиб берилади. Ишлаб чиқаришда уч омил иштирок этади (меҳнат, капитал, ер) ва уларнинг ҳар бири қийматни ҳосил қилишда маълум хизматни амалга оширади. Уч омил уч хил даромадни юзага келтиради. Бундай тушунтириш ниҳоятда содда ва юзаки ҳисобланади. Чунки унда ишлаб чиқариш омиллари тўла ҳуқуқли ҳамкорлик асосида уйғун - гармоник ҳаракат қилади, хеч қандай эксплуатация тан олинмайди. Сэйнинг изчил издоши **Фредерик Бастиа**нинг бош асари ҳам «**Иқтисодий гармониялар**» деб аталиши бежиз эмас.

Сэйнинг *даромадлар назариясида* фойданинг изоҳланиши диққатга сазовордир. «Меҳнат» омили ишчилар учун иш ҳақини «капитал» омили соҳиб учун фойдани «ер» омили эса ер эгаси учун рента даромадларини юзага келтиради Биз биламизки, фойда суда фоизи ва тадбиркорлик даромадидан иборат, унинг биринчиси капитал эгаси сифатида капиталист томонидан (капитал яратади), иккинчиси корхона бошлиғи сифатида капиталист томонидан ўзлаштирилади. Сэйнинг фикрича тадбиркорлик фойдасини ёлланма бошқарувчи ҳам олиши мумкин бўлган иш ҳақи туригина эмас. Бу махсус ва муҳим жамоат функциясини бажарганлик, яъни моҳият - эътиборига кўра ишлаб чиқариш омилларини рационал бирлаштирганлиги учун бериладиган мукофотдир. Шундай қилиб, тадбиркор ва ишчи ўртасидаги фарқ иш ҳақи даражасида деб кўрсатилади. Тадбиркор, ишбилармон маошининг юқори бўлиши эса уларнинг юқори вазифалари, таланти, фаолияти, тартиб ва бошқариш рухи туфайлидир.

Сэй ишчиларнинг эксплуатациясини инкор этибгина қолмасдан, балки уларнинг келажаги порлоқ деган ғояни илгари суради. У капитал ўсиши билан

«қуйи синфлар»нинг аҳволи яхшиланади ва улар «юқори синфлар» сафини тўлдириб боради, деб ўйлаган. Сэй саноат тўнтарилиши билан вужудга келган салбий ҳодисаларни юмшатиб кўрсатишга уринди, ўзининг «компенсациялар назарияси»ни илгари сурди. Унинг тасдиқлашича, машиналар биринчи пайтда ишчиларни ишдан сиқиб чиқаради, кейинчалик улар ишчиларнинг иш билан бандлигини оширади ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни арзонлаштириб, ишчиларга «энг юқори фойда» келтиради. Шундай қилиб, Сэйнинг фикрича, капитализм даврида саноат тўнтарилишидан ҳаммадан кўпроқ ишчилар синфи манфаатдордир. Оқибатда меҳнат манфаатлари капитал билан «гармония»да - уйғунликда бўлиши «исботланади» (уйғунлик назарияси).

Такрор ишлаб чиқариш назарияси Сэйнинг энг муҳим кашфиётларидан бири «*Сэй қонуни*», «*бозорлар қонуни*» ёки «*сотиш назарияси*» ҳисобланади. Физиократлар меркантилизмни танқид қилганда шу ғоядан фойдаланганлар. Унда шундай фикр келтирилади: «*ҳар бир одам бир вақтнинг ўзида ҳам сотиб олувчи, ҳам сотувчидир*». Кенэнинг фикрича, ҳамма сотиб олинган нарса сотилган, барча сотилган нарса сотиб олинган («Иқтисодий жадвал»га эътибор беринг) бўлади. Сэйга асосланиб Ж.М.Кейнс эса «*таклиф шунга мос талабни яратади*», деган фикрни илгари суради. Бу фикр Сэй ғоясини чиллака чиқариш учун ўйлаб топилган, чунки у ёки бу товар алоҳида-алоҳида ортиқча ишлаб чиқариши мумкин, ваҳоланки барча товарлар ошиқча ишлаб чиқариши мумкин эмасдир.

Кейнс фикрича, Сэй қонунини тан олувчи барча муаллифлар классик деб аталиши мумкин экан. Бундан капиталистик жамиятнинг такрор ишлаб чиқаришида «гармония» мавжудлиги ва оқибатда умумий ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари бўлмаслиги исботланади, яъни таклиф автоматик равишда талабни вужудга келтиради. Бу қонун Мальтуснинг «*Нуфус қонуни*»ни эслатади (кейинроқ кўриб чиқилади). Агар бартер (маҳсулотни маҳсулотга алмашув – Т-Т) иқтисодиёти кўзда тутилса, бунда пул фақат ҳисоб бирлиги бўлади, унга умумий талаб барча пулга алмаштирилиши керак бўлган товарлар қийматига тенг бўлади, бунда эса ҳақиқатан ортиқча ишлаб чиқариш амалда мумкин бўлмай қолади. М.Блаугнинг фикрича, «Маҳсулотлар маҳсулот учун тўланади» қоидаси ички, худди шунингдек ташқи савдода қўлланилади – бу Сэй қонунинг моҳиятидир. Шундай оддий бир ғоя иқтисодиёт оламида катта шов-шувга сабаб бўлди.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг ўзи даромадларни яратади ва шу қийматга мос равишда товарлар сотиб олинади. Иқтисодиётда умумий талаб таклифга тенг бўлади, фақат айрим диспропорциялар вужудга келади, яъни айрим товарлар кўпроқ, бошқалари эса камроқ ишлаб чиқарилади. Аммо бу ҳолатдан умумий инқирозларсиз чиқиб кетилади. Барча ишлаб чиқарувчиларнинг асосий манфаати алмашув қимматида бўлса, истеъмолчиларда эса бир маҳсулотнинг бошқасига алмашувидир. Пул бу жараёнда вақтинча фақат воситачилик ролини ўйнайди. Охир-оқибатда маҳсулотларга маҳсулот билан ҳақ тўланади. Бундан яна бир хулоса чиқадики, унда ҳар бир ишлаб чиқарувчи барча ишлаб чиқарувчилар ютуғидан манфаатдордир.

Агар аввалги ҳолатда меҳнат ва капитал ўртасидаги қарама-қаршиликлар ечилган бўлса, энди «манфаатлар гармонияси» барча капиталистларга, шаҳар ва қишлоқлар ва хатто бутун мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга ҳам тегишлидир.

Сэйнинг бу қонунида протекционализмга қарши фикр билдирилади, чунки бу сиёсат чет эл маҳсулотларини келтириш, яъни импорт ва ички товарларни сотишга тўсиқдир. Тўла савдо эркинлиги ҳамда стихияли тартибга солинувчи

капиталистик ишлаб чиқариш Сэйнинг асосий ғоясидир.

Сэйнинг «бозорлар назарияси» кўп мунозараларга сабаб бўлди, ҳақиқатдан ҳам ибтидоий даврда алмашув натурал ҳолда олиб борилган, яъни маҳсулот бошқа маҳсулотга маълум нисбатда алмаштирилган, унда ҳарид қилиш ва сотиш жараёнлари албатта мос келган. Аммо энг оддий товар муомаласида ёки харид қилиш сотишга ҳамоханг бўлиши шарт бўлмай қолди, товарни сотган одам дарҳол бошқа товар харид қилмаслиги ҳам мумкин бўлиб қолди. Сотиш ва харид қилиш вақт ва макон жиҳатдан ажралиб туради, шу туфайли инқирозларга абстракт имконият туғилади. Капитализм даврида бу имконият ҳақиқатга айланиб қолди. Дастлабки кучли иқтисодий кризис 1825 йилда рўй берди ва доим маълум қонуниятлар асосида такрорланиб турибди.

Уз даврида Сисмонди, Мальтус ва Ж.Милль бу қонун тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бунда капиталистик хўжаликда товарларнинг баҳоси хўжалик конуюнктурасига мос равишда абсолют мослашув ва дархол реакция қилиш хусусиятига эга деб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ҳам бу масала бўйича иқтисодчилар ўртасида неоклассик йўналиш билан кейнсчилик тарафдорлари орасида мунозара давом этмоқда (бу ҳақда қуйида гапирилади).

«Сэй қонуни»нинг ижобий томони шундаки, унга кўра капитализм ўз ривожи давомида ўзига ўзи бозор яратади, келажаги бор жамият деб қаралади ва Сисмондининг капитализм ривожига қарши фикрини инкор этади, реализация муаммосини ҳал этишда «Учинчи шахслар»га эхтиёж қолмайди (бу ҳақда олдинги бобда фикр юритилган). Сэй аргументларига асосланиб, буржуазия демократик давлат аппаратини қисқартириш, савдо ва соҳибкорлик эркинликлари тўғрисида прогрессив ғоялар илгари сурилди.

XIX асрнинг 40-50 йилларида француз ва халқаро ишбилармонлар орасида **Ф. Бастиа**нинг (1801-1850) номи ва унинг иқтисодий қарашлари кенг оммалашди. У бой француз ишбилармони оиласида туғилди. Бастия 40-йиллари бир қанча памфлетлар чиқариб, уларда эркин савдо фойдасига протекционизмни инкор этувчи, вино ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилувчи, социалистик ғояларга қарши бўлган қарашларни фаол тарғиб этди. Бу памфлетлар ғояси мазмун жиҳатдан оригинал бўлмаса-да, ёрқин ёзилиш шакли билан ажралиб туради.

Ф.Бастианинг энг асосий ғояси жамиятдаги ижтимоий антагонизмнинг мавжудлигини инкор этишдир. Унингча, уша даврдаги жамият дунёдаги «*энг гўзал, мукаммал, мустаҳкам бўтунжаҳон ассоциацияларидандир. Барча қонуний манфаатлар уйғунлашгандир*». Ф.Бастиа 1850 йилда «**Иқтисодий гармониялар**» китобини чоп этди. Унда у гармония (уйғунлик)нинг асосини алмашув ва соф, ҳеч нарса билан чекланмаган рақобатда кўради. Ф.Бастиа ўз ғоясини исботлашда Сэйнинг фикридан фойдаланган бўлиб, хизматлар назарияси бунга мос келади, яъни алмашув, харид - савдо ўзаро тенг «хизматлар»ни алмашиш демакдир. Сэй буйича бу «хизматлар» нафақат одамлар, балки буюмлар ва табиат кучлари томонидан кўрсатилса ҳам, Бастиа жамият ҳаётининг қандай соҳасида бўлмасин, фақат шахсий хизматларни устун қўяди. «Хизмат» деганда ишлаб чиқариш давомида реал меҳнат сарфинигина эмас, балки шу хизматдан фойда келтирувчи ҳар қандай ҳаракат, фаолият ва куч тушунилади. Бундан шу нарса аниқ бўлиб қоладики, қиммат яратишда ишлаб чиқаришга фақат ишчилар эмас, балки капиталист ва ер эгалари ҳам катта «хизмат» кўрсатадилар. Капиталистнинг «хизмати» унга фоиз олиш имкониятини беришини Ф.Бастиа шундай кўрадики, капиталист капитални аванс ёки ссуда тарзида сарфлаб, истеъмолни орқага суради

ва уни капиталистнинг «қурбони» деб ҳисоблайди. Бу юқорида биз келтирган Сениорнинг тийилиш назариясининг ўзидир. «Тийилиш» сўзи урнига «орқага суриш» сўзи қўйилган, холос.

Меҳнат ва капитал ўртасидаги уйғунлик, яъни гармонияни янада тўлароқ исботлаш мақсадида Бастиа ўзининг капитал жамғарилиши «қонуни»ни яратди ва унда Рикардонинг фойда ва иш ҳақининг бир-бирига қарама-қарши эканлиги тўғрисидаги таълимотини инкор этишга ҳаракат қилди. Ф.Бастианинг бу «қонуни»га кўра, меҳнат ва капитал манфаатлари олий даражада ҳамоҳангдир. Оқибатда капиталистнинг фойдаси ва ишчининг маоши бир вақтда ва бир миқдорда ошиб боради, хатто ишчиларнинг ҳиссаси капиталистларникидан тезроқ ўсар экан, демак, оқибатда капиталистнинг фойдаси нисбатан камаяди. У бу фикрни исботлашга уриниб ҳам ўтирмайди. Унингча фойда нормаси ва капиталистларнинг миллий даромаддаги ҳиссаси масалаларини қориштириб юборган. Фойда нормасининг пасайиб бориш тенденцияси ишчиларни эксплуатация қилишнинг кучайиши билан мос келиши мумкин, демак капиталистларнинг миллий даромаддаги ҳиссаси ҳам ошиб боришини кутиш мумкин.

Ф.Бастиа ўзининг бу назарияси ёрдамида капиталистлар ва ер эгалари ўртасидаги қарама-қаршиликларни ҳал этади. У ер рентасини ер эгасининг ёки унинг ота-боболарининг шу ерни ишлаш ва яхшилаш хизмати учун берилган мукофот деб ҳисоблайди. Шундай қилиб капитал ва ер эгалиги ўртасидаги уйғунлик шу билан ҳал этиладики, ер рентаси ерга қўйилган капитал фоизининг бир кўринишига айлантирилади. Бундай изоҳлаш ер рентасининг иқтисодий категория сифатидаги хусусиятини инкор этади, унинг фойдадан ҳеч қандай фарқи қолмайди. Ишланмаган ерлардан олинадиган рента умуман бу схемага мос келмайди.

Демак, Бастианинг изоҳи бўйича ўша даврдаги буржуа жамияти турли синфлар ўртасидаги ўз хизматлари билан алмашиб турувчи «уйғунлашган ҳамкорлик» жамияти тарзида намоён бўлади. Иқтисодий эркинлик бу хизматлар алмашувининг эквивалентлигининг гарови ҳисобланади, чунки бу эркинлик номўтаносиб ҳаракатларнинг олдини олади. Протекционизмни чекланмаган эркин рақобат билан алмаштириш эса социалистларнинг жамиятни мукаммалроқ иқтисодий жамиятга айлантириш тўғрисидаги чақириқларига қарама-қарши қўйилади.

Жан Шарль Леонард Симонд де Сисмонди (1773-1842) Швейцарияда туғилган, француз классик сиёсий иқтисодини ниҳоясига етказувчи ва айни вақтда майда сиёсий иқтисоднинг асосчиларидан биридир. У мўътабар протестант пастор оиласида туғилиб вояга етди. протестантлар коллегиясини битириб чиқди, Женева университетида ўқиди. Сиёсат билан унчалик кўп вақт шуғуллангани йўқ, Франция маънавий ва сиёсий фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди. С.Сисмонди иқтисод ва тарих фанлари соҳасида катта ишларни амалга ошириб, бой илмий-адабий мерос қолдирди. «**Тоскани қишлоқ хўжалигининг кўриниши**» (1801 й.), «**Савдо бойлиги ёки сиёсий иқтисод принциплари ва уларнинг савдо қонунчилигида қўлланилиши тўғрисида**» (1803 й.), «**Италия республикаларининг тарихи**» (1807 й.), 1818 йилда эса «Эдинбург энциклопедияси» учун «**Сиёсий иқтисод**» мақоласини тайёрлади, лекин «**Сиёсий иқтисоднинг янги ибтидолари ёки бойликнинг аҳоли нуфусига муносабатлари тўғрисида**» (1819 й.) китобининг нашр қилиниши унинг шуҳратини янада оширди. Кейинги йилларда «**Сиёсий иқтисоддан этюдлар**»

(1837 й.) ва фундаментал тарихий асарлар ҳисобланган «**Французлар тарихи**» (31 том), «**Рим империяси қулашининг тарихи**», «**Италия озодлиги тикланишининг тарихи**» ва бошқа асарлари нашр қилинди.

С.Сисмонди ғояларининг шаклланиши, саноат тўнтариши даври билан, шунингдек майда ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий кучсизланиши билан боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида капитализмнинг феодализм устидан, йирик машиналашган ишлаб чиқаришнинг майда ишлаб чиқариш устидан ғалабасини англатар эди.

С.Сисмонди ижодини ўрганиш методини айрим хусусиятларини классик иқтисодий мактаб вакиллари билан тенглиштиришимиз мумкин. Айнан ўзига хос услубиёт иқтисодиёт фанига қуйидаги янгиликларни олиб кирди.

Биринчидан, Классиклардан фарқ қилиб, хукуматлар бойликни тақсимлаш ва тартибга солишни бошқаришни ўз қўлларига олишларига хайриҳоҳлик билдиради. Унда айнан хукумат ишлаб чиқаришни кенгайтирмасдан «учинчи шахслар» манфаатларига мос йўл очиб беради.

Иккинчидан, сиёсий иқтисодда илмий абстракция усулини қабул қилмаслик. С.Сисмонди, А.Смит издошларини абстракцияга берилиб инсонларни умуман унутганликларини, натижада фан уларни изланишларида турли амалиётлардан ажралиб қолди деб хулоса қилади.

Учинчидан, А.Смитнинг «иқтисодий инсон» доктринасини инкор этиш. С.Сисмонди классикларнинг ҳар бир алоҳида олинган инсон манфаатлари умумий манфаатларини шаклланишига сабабчи деган фикрга умуман қўшилмайди. Унинг фикрича ҳар қайси инсон ўзининг шахсий манфаатларини ўзгалар ҳисобига амалга ошириш билан мавжуд турли имкониятларни ишга солар экан, бу ерда ҳар саноатчининг эришган ютуғи ўз навбатида ўзга саноатчини хонавайрон бўлишига олиб келади.

Тўртинчидан, илмий техника прогресини жадаллашуви жамият равнақидаги объектив зарурлиятлигини тан олмаслик. Қуйидаги услубий ҳолатни изоҳлаб С.Сисмонди шундай дейди: «гарчан машиналар ихтироси инсонлар учун катта қулайлик булсада, аммо улар (машиналар) яратган фойдани адолатсиз тақсимланиши, камбағаллар учун офат келтиради».

Бешинчидан, иқтисодий таҳлилда функционал усулни қўллаш мақсадга мувофиқлигини эътироф этиш. Бу ҳолат сиёсий иқтисодда тобора янги тус олаётган сабаб ва оқибатни тан олиш демакдир

Олтинчидан, иқтисодий таҳлилда иқтисодий факторлар билан бирга ноиқтисодий факторларнинг ҳам ўрин олиши. Дин, тарбия, виждонийлик ва бошқалар инсонларнинг бир мақсадга якинлаштириувчи факторлар деб белгиланади.

С.Сисмонди майда ишлаб чиқариш позицияларида туриб, капитализмни танқид килиб, майда товар ишлаб чиқаришга қайтишни орзу қилди.

Унинг қарашлари ривожида икки босқич кўзга ташланади. Аввал бошда С.Сисмонди А.Смит таълимотининг, классик сиёсий иқтисоднинг тарафдори бўлиб чиқди. У ўзининг дастлабки асарларидан бири - «**Савдо бойлиги тўғрисида...**» китобида (1803 й.) саноат тўнтарилишининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва имкониятларини юксак баҳолади. С.Сисмонди Англияга иккинчи марта бориб келганидан кейин энди капитализмни, шунингдек классик мактабни қаттиқ танқид қила бошлади.

«Сиёсий иқтисоднинг янги ибтидолари ёки бойликнинг аҳоли нуфусига муносабатлари» (1819 й.) китоби унинг шуҳратини янада оширди. С.Сисмонди

одамлар бахт ва тенгликни таъминлаш учун бирлашдилар, деган фикрга асосланади. У майда ишлаб чиқаришни кўкларга кўтариб мақтайди, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интилади, ҳаммага ҳамдардлик билдиради, фабрикага оид қонунларни табриклайди, болалар меҳнатининг эксплуатация қилинишини қоралайди. Капитализмни ижтимоий адолатдан маҳрум бўлган жамият деб маълум қилади. С.Сисмонди иқтисодий қарашларининг тизимида даромад тўғрисидаги таълимот алоҳида ўрин олишини китоб номининг ўзиёқ кўрсатиб турибди. У тақсимотнинг кўпдан-кўп муаммолари тўғрисида фикр билдиради. Капитални, кризисларни, маҳсулотни реализация қилиш масалаларини тадқиқ этади, жамиятни ўзгартиришнинг майда буржуача дастури (программаси) ни илгари суради.

А.Смитнинг таълимотида меҳнат қиймат ва бойликнинг бирдан-бир манбаи деб таҳлил қилинган эди. Зарур иш вақти тушунчаси биринчи бор жорий этилди. С.Сисмонди пул ички қийматга эга бўлган меҳнат маҳсулотидир ва шу сабабли қийматнинг умумий мезони тарзида намоён бўлади, деган тўғри хулосага келди. Пулнинг қадрсизланиши ортиқча қоғоз пуллар муомалага чиқарилиши хаддан ошиб кетишининг натижаси, деб талқин этилади. Аммо у пулнинг вужудга келиши жараёнини, унинг вазифасини тадқиқ этмайди. С.Сисмонди истеъмол қиймат ўртасидаги зиддиятни кўра билган бўлса ҳам, аммо унинг моҳиятини тушунмайди. У қийматдан четга чиқишни қиймат қонунининг бузилиши деб ҳисоблайди.

С.Сисмондининг таъбирича, ижтимоий фан икки қисмдан: олий сиёсат ва сиёсий иқтисоддан иборат, агар сиёсат давлат тартибининг қандай вужудга келишини ўргатса, фуқароларни диёнат ва дин рухида тарбияласа, сиёсий иқтисод хўжаликни қандай бошқаришни, ижтимоий тартибни сақлашни хукуматга тавсия қилиши керак. Умуман сиёсий иқтисод маънавий фан бўлиб, у одамларнинг ҳис-туйғулари, эхтиёжлари ва эҳтиросларини ўрганиши керак. С.Сисмондининг фикрича, «одамларнинг моддий фаровонлиги, инсон табиати» сиёсий иқтисод предмети бўлиши керак, «одамларнинг моддий фаровонлиги» эса давлатга боғлиқ. С.Сисмонди сиёсий иқтисод предметини давлатнинг иқтисодий сиёсати билан айни бир нарса деб билди, уни синфлардан устун турадиган фан деб талқин этди. Ишлаб чиқариш муносабатларини, иқтисодий қонунларни билиш зарурлигини инкор қилди. У инсоннинг феъл-атворини биринчи ўринга қўйди.

С.Сисмонди услубиёти (методологияси)га 1. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни субъектив-идеалистик талқин этиш; 2. Илмий абстракция усулининг йўқлиги; 3.Тарихдан ташқари ёндашув; 4. Айирбошлаш концепцияси хосдир. Майда буржуа назариётчиси бўлган С.Сисмонди иқтисодий қонунларнинг объектив ҳарактерини тан олмади. У капиталистик иқтисодиёт нотекис ривожланишини ҳақли равишда кўрсатган бўлса ҳам, бу нарса иқтисодий қонунлар амал қилишининг ўзига хос тарзда намоён бўлиши эканлигини кўра билмади. У ўзининг раҳмдиллик билан (сентиментал) қилган танқидини ижтимоий фаннинг алоҳида усули даражасига кўтаришга интилди. С.Сисмонди инсонни унутиб, абстракцияга берилган А.Смит ва унинг тарафдорларини қаттиқ танқид қилди. У капитализм кўп мамлакатларда амал қила бошлаган бўлишига қарамай, капиталистик ривожланишдан воз кечиш мумкинлигини асосламоқчи бўлди. У истеъмол ишлаб чиқаришдан устун деган фикрга асосланди. Бутун истеъмолни шахсий истеъмолдан иборат деб билди.

С.Сисмонди капитализмни антагонистик жамият деб билди ва шу билан классик иқтисодий мактабнинг намояндаларидан илгарилаб кетди. У капитализмнинг ўзига хос хусусиятини - бойликнинг оз сонли кишилар қўлида

тўпланиши ва кўпчилик меҳнаткаш аҳолининг чор-ночор кун кечиришини, жамият билан хусусий соҳибкорнинг манфаатлари бир-бирига мос эмаслигини, қишлоқ хўжалигининг савдодан ва саноатдан орқада қолаётганини кўрсатди. С.Сисмонди буржуа бойлигининг кўпайишини бош вазифа деб ва иқтисодий тараққиёт мезони деб ҳисоблашдан воз кечди, «капитализмнинг зиддиятлари» масаласини биринчи бўлиб майдонга ташлади ва шундай қилиб таҳлилни янада давом эттириш вазифасини қўйди.

Классик мактабга қарама-қарши ўларок майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг хонавайрон бўлаётганини, «ортиқча» аҳоли пайдо бўлаётганини, машиналар ишчиларни сиқиб чиқараётганини кўрсатди, бироқ капитализм зиддиятларининг асл сабабини пайқай олмади. С.Сисмонди классик мактабнинг кризислар бўлиши мумкин эмас ва капитализм зиддиятлар нималигини билмайди деган мулоҳазаларини танқид қилди. Унинг тарихий хизмати мана шундан иборат.

Шу билан бирга С.Сисмонди капитализмнинг илғор мазмунини, унинг феодализмдан устунлигини тушунмади. У капитализмни романтик тарзда ғайри илмий асосда танқид қилди, капиталистик тузумнинг имкониятларига майда буржуазия нуқтаи назаридан баҳо берди. У капитализмни тартибга солиш, майда ҳунармандларнинг цех тузуми тарзида орқага қайтиш эҳтимоли бор, деганларида ҳам майда буржуача романтизм намоён бўлди. С.Сисмонди революцияга қарши, у капитализмни ислоҳ қилиш, уни тийиб туриш тарафдори.

Миллий даромад ва капитал С.Сисмондининг иқтисодий қарашлари тизимида етакчи муаммодир. У ўзининг «Сиёсий иқтисоднинг янги ибтидолари» асарининг дастлабки уч бобини айни шу муаммога бағишлайди. А.Смитдан кейин С.Сисмонди ҳам даромадларнинг уч турини: фойда, рента ва иш ҳақини алоҳида ажратиб кўрсатади, дастлабки икки турни умумлаштириб, устама қиймат тушунчасидан фойдаланади, уларни ички маҳсулотдан чегирма деб ҳисоблайди. Бироқ С.Сисмонди шу тариқа қўшимча қиймат назариясини майдонга ташлади деб айтиш учун асос йўқ. У иш ҳақи ишчи маҳсулотининг жами қийматига тенг бўлиши керак деб айтиш билан бирга шу заҳотиёқ капиталистнинг капитал яратиш соҳасидаги «дастлабки меҳнати» учун унга одилона мукофот деб, рентани эса ернинг эҳсони деб эълон қилади. А.Смитнинг иқтисодий тараққиёт давомида иш ҳақи ошиши хусусидаги умидига С.Сисмондининг қўшилмаганлиги унинг ижобий жиҳатидир.

Якка тартибдаги даромадлардан С.Сисмонди «бойликлардан олинган фойда» ва ишчи иш ҳақининг йиғиндиси бўлмиш миллий даромад муаммосига ўтади. Бу миллий даромад билан ялпи маҳсулотни айнан бир нарса деб билганлиги унинг асосий назарий хатосидир. Агар у бирламчи маҳсулотда А.Смитнинг изидан бориб уч қисмдан: хом материалнинг ва меҳнат қуролларининг ўрни қопланишини, иш ҳақи ва фойдани ажратган бўлса, йиғинди маҳсулотдан фақат сўнгги икки қисмни ажратади. Доимий қисм йўқ бўлиб кетади.

Капитал деганда С.Сисмонди ишлаб чиқариш запасларини (ишлаб чиқариш воситаларини) тушунади. У капитал жамғарилишини тежамкорлик билан боғлайди. С.Сисмонди асосий машиналар, иш қуроллари ва айланмалар, уруғлик, хом ашё, иш ҳақи капиталини бир-биридан ажратиб, А.Смитнинг ҳамма хато ва ютуқларини такрорлайди. У капитални доимий ва ўзгарувчи капиталга ажрата билмади. Охир-оқибатда С.Сисмонди капиталнинг миллий даромаддан фарқини изоҳлай олмади ва бунинг устига А.Смитнинг шу иккиси ўртасидаги тафовутни назарий жиҳатдан исботлаш йўлидаги интилишларини писанд қилмай, орқага

қадам ташлади.

С.Сисмонди капиталистик аҳоли нуфуси жараёнини таҳлил этишга ҳаракат қилди. У иқтисод фанида биринчилардан бўлиб фойдани кўпайтириш манфаатлари йўлида машиналарни жорий этиш ишсизлар вужудга келишига олиб боради, ишсизларнинг мавжудлиги эса ишлаб турганларнинг аҳволини ёмонлаштиради деган фактни тан олди. Аммо С.Сисмонди ортиқча аҳолини капиталистик фабрика механизмининг зарур таркибий қисми деб билмади. С.Сисмонди капиталистик фабрика чор-ночор ишчини келажакка бокуанда «*келгуси шанбадан нарини*» кўрмасликка ўргатганлигини, ундаги аҳлоқий туйғуларни сийкалаштириб юборганлигини ишсизлар пайдо бўлишининг сабабларидан бири деб ҳисоблади. У дин ишчиларнинг «ножуя никоҳ»ларини қораламаётганлигини айтиб, динга хужум қилди.

«Учинчи шахслар» назарияси С.Сисмонди назарий қарашларида асосий ўринни эгаллайди. У ишлаб чиқариш ва ижтимоий даромад хажмларининг бирлигини ижтимоий маҳсулотни тўла-тўкис реализация қилишнинг асосий шарти деб ҳисоблайди. Бундай тенгликка автоматик тарзда ўз-ўзидан эришилмайди деб ҳисоблайди, у аксинча йирик саноатнинг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг муқаррар равишда истеъмолдан ўзиб кетишига олиб боради. Капитализм ўзи учун хал этилмайдиган муаммони қиймат ва «устама қиймат»ни реализация қилиш муаммосини келтириб чиқаради, ялпи ортиқча ишлаб чиқариш кризиси капитализмга хос хусусиятдир. С.Сисмондининг уйлашича, ички капиталистик бозор қисқариб боради, чунки ишчиларнинг даромадлари камаяди. Капиталистлар ўз даромадининг бир қисмини истеъмол қилмайди, балки жамғаради, майда ишлаб чиқарувчилар хонавайрон бўлади ва уларнинг истеъмоли камаяди. Вазиятни ташқи бозорлар енгиллаштириши мумкин. Аммо бундай бозорларни қидириш тобора қийинлашади. Капитализм мақбул эмас ва мумкин ҳам эмас.

С.Сисмонди «учинчи шахслар», яъни майда ишлаб чиқарувчиларга мадад беришга умид боғлайди. У буржуа мамлакатларининг хукуматларига мурожаат этиб, улар капиталистик ривожланишни тўхтатсинлар деб сўрайди. Жамият майда ишлаб чиқаришга қайтган тақдирдагина гуё мўл-кулчилик бошланар эмиш. С.Сисмондининг тутган урни-такрор ишлаб чиқариш асосий қонунларини тушунмаслик натижасидир. Ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги зиддиятни, шахсий истеъмолнинг такрор ишлаб чиқариш зиддиятини, шахсий истеъмолнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнлари учун муҳимлигини тан олганлиги С.Сисмонди ўртага ташлаган концепциянинг ижобий жиҳатидир.

С.Сисмонди иқтисодий кризисни даромадлар ўртасидаги номувофиқлик деб тушунади, айрим олимлар чинакам илмий назария капитализм шароитида ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги номувофиқликни тан олади, бироқ унга тобе ўрин беради деб таъкидлаган эди. Етарли истеъмол қилмаслик назарияси кризислар арафасидаги даврда ишчиларнинг истеъмол қувватининг ошиб бориши, етарсиз истеъмол қилиш эса капитализмдан аввал ҳам мавжудлиги, аммо кризислар фақат капитализмнинг белгиси эканлиги ва сурункали бўлмаслиги вазиятини изоҳлай олмайди. Иқтисодий кризисларнинг ҳақиқий сабаби ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ҳарактери билан истеъмолнинг хусусий ҳарактери ўртасидаги зиддиятдир.

С.Сисмонди капиталистик йўлдан воз кечишни таклиф қилди, капитализмни тартибга солишга, ишчилар билан капиталист ўртасида патриархалчилик муносабатларини ўрнатишга, ишчиларни фойдани тақсимлашда қатнаштиришга, ишсизлар ва ногиронлар ҳақида ғамхўрлик қилишга ва бунинг

учун махсус фондларни вужудга келтиришга, майда ишлаб чиқаришни сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлашга, мануфактурага бўлган йирик мулкчиликни кўп сонли капиталистлар ўртасида тақсимлашга чақирди. У ёлланма ишчиларни ҳам мулкдорлар синфи сафига қўшишни орзу қилди. С.Сисмонди давлатнинг ёрдамига умид қилди.

Унинг ижтимоий тадбирлар дастури майда буржуача ва реакцион хаёлпарастлик ҳарактерига эгадир. С.Сисмонди объектив тарихий жараёнга тўсқинлик қилишга уринди. Шу сабабли у реакционер бўлиб қолади, ўз мулоҳазаларини Францияда ҳали ҳам кучли бўлган феодал тузум ҳимоячиларига қўл келишини сезмайди.

XIX аср охирларида рус народниклари С.Сисмондининг хулосаларини кўкларга кўтариб мақтаганликлари сабабли Ленин С.Сисмондининг иқтисодий қарашларини батафсил ва муфассал таҳлил этиш зарур деб билди. Чунки С.Сисмондининг хулосаларини бундай мақташ марксизмнинг иқтисодий таълимотини ёйишга ҳалақит берар эди. У ўзининг «**Иқтисодий романтизм» таърифига доир**» асарида С.Сисмондининг майда буржуа сиёсий иқтисодчиси эканлигини исботлади, унинг қарашлари ички зиддиятли ва ноизчиллигини, классик мактабдан ўзиб кетиш йўлидаги уринишлари заифлигини курсатди.

Пьер Жозеф Прудон (1809-1865) - француз публисти, майда ишлаб чиқариш назариётчиси, камбағал косиб оиласида туғилган. Моддий жиҳатдан ночорлиги сабабли колеждаги ўқишни тугатмаган, шерик ҳамкорининг маблаги ҳисобига кичик бир босмахонани ишлатиб, зўр бериб ўз маълумотини ошириш билан шуғулланган. Илму-фанни ўрганишни аввало муҳтожликдан қутулиш усули деб билган. 1838 йилда П.Прудон Безансон академияси томонидан кам таъминланган ёш олимларга ажратилган уч йиллик стипендияни олиб Парижга кўчиб ўтди. Парижда у Ж.Б.Сэй, С.Сисмонди, Т.Мальтус, К.Сен-Симон, Ш.Фурье ва бошқа иқтисодчи олимлар асарлари билан яқиндан танишди. 1840 йилда П.Прудоннинг «Мулкчилик нима?» номли машҳур асари эълон қилинди. Ушбу асарда капитализмни танқид бош мавзу бўлсада, хали олимнинг амалий дастури баён қилинмаган эди.

1846 йилда П.Прудоннинг «Иқтисодий зиддиятлар тизими ёки қашшоқлик фалсафаси» номли яна бир асари эълон қилинди. Асарда олим капитализмни ислоҳ қилишнинг амалий дастурини ишлаб чиқишга, сиёсий курашнинг бехудалигини асослашга уринди.

1848 йилда нашрдан чиққан «Ижтимоий масалаларнинг ҳал этилини» номли янги асарида олим ҳар қандай инқилобий чиқишларни кескин қоралайди. Халқ банклари концепциясини эълон қилиб халқни ижтимоий ислохотларга чорлайди.

П.Прудон сиёсий иқтисодни «ақл-заковатнинг абадий қонунлари» тўғрисидаги фан деб билади.

П.Прудон ва С.Сисмонди назарий қарашларида биз жуда яқинлик ва ўхшашлик ҳолларини учратишимиз мумкин. Айниқса уларнинг услубиётларида бу ҳолат қуйидагича акс этади:

Биринчидан, иқтисодиётда чексиз эркин рақобатни инкор этиб, бошқариш мумкин бўлган рақобатни топиб ташкил этиш.

Иккинчидан, хўжалик ҳаётини таҳлил қилиш жаранида иқтисодий кўрсаткич ва манбаларни асосий деб ҳисобламасдан, балки меҳрибонлик, аҳлоқ, ижтимоий адолат, этика ва бошқа категорияларни, шунингдек инсон ҳаётининг энг олий неъмати тенглик ва тинчликни асосий деб ҳисоблаш.

Учинчидан, кўп йиллар давомида яратилган илмий асарларда иқтисодий

ҳодисаларга немис файласуфи Гегель диалектикаси асосий услуб қилиб олиниб, унга алоҳида эътибор берилди.

П.Прудон ўзининг майда ишлаб чиқариш манфаатларидан келиб чиққан ислоҳотчилик концепциясини майдонга ташлар экан, жуда кўп масалалар хусусидаги фикрларни баён этади. меҳнат тақсимоти, товарнинг хусусияти, иш ҳақи, мулкчилик, даромад ва такрор ишлаб чиқариш кабиларни илмий изоҳлашга ҳаракат қилади. П.Прудон ўзининг энг муҳим асарларидан бири - «Иқтисодий зиддиятлар тизими....» да аввалги меҳнат тақсимотини таҳлил қилади. Меҳнат тақсимоти бир томондан бойликнинг кўпайишига имкон берса, иккинчи томондан қашшокликка, камбағалликка олиб боради. П.Прудоннинг мулоҳазаларига қараганда, меҳнат тақсимотининг наф келтирадиган хусусиятларини сақлаб қолиш ва зарарли хусусиятларини тугатиш керак. Методология жиҳатидан бу ўринда ижтимоий жараёнлар диалектикасининг илмий таҳлилида тарихдан ташқари ёндашув сезилиб туради. Прудон товарнинг хусусиятини ҳам мана шундай позициялардан туриб «тадқиқ» қилади. Унинг фикрича, қийматнинг абадий ғояси мавжуд, бу ғоя истеъмол қиймати талаб ва камчилик билан, айирбошлаш қиймати эса таклиф ва мул-кулчилик билан белгиланади. Талаб билан таклиф ўртасидаги курашда товарнинг қиймати ёки нархи белгиланади. Назарий жиҳатдан олганда бу хаддан ташқари вульгар конструкциядир: қиймат айирбошлашда вужудга келади, у объектив асосдан маҳрум.

У иш ҳақининг ҳаракати қонуниятларини ҳам оддий ва ғайри илмий позициялардан туриб баён этади. Прудон ишчиларнинг иш ҳақини ошириш учун курашига қарши чиқади, чунки бу нарса нарх-навонинг ёппасига кўтарилишига ёки муҳтожликнинг кучайишига олиб борар эмиш.

П.Прудон ёлланма ишчини эксплуатация қилиш механизмини тушуна олмайди. У капитал билан маҳсулотни айнан бир нарса деб талқин этиб, бутун капиталнинг ҳаракатини унинг процент келтирадиган қисми ҳаракатидан иборат деб талқин этади. Ссуда капиталнинг ҳаракатини Прудон қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасидаги битим деб ҳисоблади. У маҳсулотнинг бир қисмини капиталист ўзлаштириб олишини ишлаб чиқариш чиқимлари енига капиталдан фойдаланганлик учун процент қўшиш зарурлиги билан изоҳлайди. Прудоннинг назарий системасида процент меҳнатни эксплуатация қилишнинг асосий шакли тарзида намоён бўлади. Шу билан бирга у процент билан ёлланма ишчини эксплуатация қилиш механизми ўртасидаги ўзаро алоқани тушунмайди.

П.Прудон «*белгиланган қиймат*» назариясини ўзининг бутун иқтисодий негизи деб ҳисоблади. Бунда классик мактабдан ўзиб кетиш пинхона истагигина эмас, шу билан бирга ижтимоий ўзгартиришларнинг йўлларини белгилаш истаги ҳам намоён бўлди. Товар ишлаб чиқаришини Прудон инсоний озодликнинг ва ҳар бир киши шахсий мустақиллигининг чўққиси деб билади, майда буржуа назариётчиси бўлган Прудон бозор механизмининг баъзи бир салбий жиҳатларини: молларнинг қалашиб кетишини, номуносибликни, хонавайрон бўлиш ва шу кабиларни тан олади. Прудон асосий иқтисодий зиддиятларни «қиймат»нинг ички зиддиятларидан: истеъмол ва айирбошлаш қиймати ғояларидан иборат деб билади. «Белгиланган ёки сунъий» қиймат муросага келтирувчи тимсол бўлиб кўринади. Бундай қиймат айирбошлашда вужудга келади. У товарнинг ижтимоий бойлик таркибига бемалол кириб боришини билдиради.

Бинобарин товар ишлаб чиқаришининг ҳамма қийинчиликларини бартараф қилиш учун ҳар бир товарга ё белгиланган қиймат қўйиб қўйиш, ёки унинг бозорда сотилишига кафолат бериш, товар билан пул ўртасидаги зиддиятни тугатиш зарур.

Прудон тилла билан кумушни «белгиланган» қийматга эга бўлган дастлабки товарлар деб атайди.

П.Прудон даромад тўғрисидаги назарияни сиёсий иқтисодда даромаднинг асосий манбаи деб қабул қилинган меҳнат, капитал ва ернинг мазмунини кўриб чиқишдан бошлайди. Унинг фикрича, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи ҳар уччала элементнинг ишга тушурилиши натижасида юз беради. Лекин ер ёки капитал эгаси ўзи ҳеч нарса ишлаб чиқармасдан ўз даромадини олишини ва айни вақтда ишчи ўз меҳнати натижасида ҳосил бўлган даромадининг фақат кичкина бир қисмини иш ҳақи сифатида олишни адолатсизлик деб баҳолайди. П.Прудоннинг такрор ишлаб чиқариш назарияси унинг даромадлар тўғрисидаги фикрлари асосида ривожлантирилади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни олимнинг фикрича, ҳамжамиятдаги ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг мувозанати асосида бўлади. Лекин амалиётда мулкчиларнинг ишламай қўйганлиги бу принципнинг бузилишига ва натижада Ж.Б.Сэй кўрсатиб ўтган «иқтисодий қонунни» ҳам бузилиши олиб келмоқда.

П. Прудон ижтимоий масалаларни ҳал қилиши зарур бўлган капитализмни ислоҳ қилиш лойиҳаларини ўзининг кўпгина асарларида эълон қилади. Ушбу асарларда ижтимоий адолат концепциясини асослаш билан бирга инқилобий чиқишлар ҳақидаги ҳар қандай фикрни инкор этади. Олимнинг ислоҳотчилик ғояларнинг айримлари С.Сисмонди қарашларига ўхшаш бўлиб улар қуйидагиларда ўз аксини топди:

«учинчи шахслар» яъни деҳқонлар, ҳунармандлар ва майда кустар ишлаб чиқарувчиларнинг жамиятдаги ўрнига раҳимдиллик билан ҳайриҳоҳлик билдириш;

«майда мулкчилик ва майда ишлаб чиқаришни» иқтисодиётдаги етакчилик ўрнини эътироф этиш билан уларнинг шарт-шароитлари, таълимотларида тўлиқ тенгликка эришиш;

ижтимоий адолат тамойилларига мос равишда жамият манфаатларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш иштирокчиларига тенг даромад бериш;

капитал ва даромадлар бир киши қўли остида концентрация қилинишига ва айниқса меҳнатни эксплуатация қилишга йўл қўймаслик.

Бундан ташқари фақат П.Прудон ислоҳотчилигига хос қўйидаги ғояларни алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

пулни муомалада ҳарактини бекор қилиб, унинг ўрнига ишчи пуллари банкларни муомалага киритиш;

фоизни йўқ қилиш ҳисобига фоизсиз кредитларни ташкил қилиш;

халқ банкларини ташкил этиш;

ислоҳотлар амалга ошириш жараёнининг хотимаси сифатида хукуматни бекор қилиш.

Ислоҳотчилик концепцияларида П.Прудон.Халқ банкига катта умид боғлайди. Унинг банки социалист-рикардочилар таклиф қилган банклардан 3 хил ўзига хослик билан фарқ қилар эди:

Биринчидан, ундаги металл пуллар дастлабки бонлар чиқарилиши сабабли, пулга ва тижорат воқеаларига алмаштириш йўли билан секин-аста муомаладан чиқарилар эди.

Иккинчидан, фоизни бирданига йўқ қилмасдан, балки юқори қайд қилинган босқични амалга оширишни 2%дан энг кам даража-0,25% тушириш ҳақда сотилмаган товарларга олдиндан суда берилиши.

Учинчидан Халқ банки капитални ўзига жалб қилмай юзага келмасдан, балки аксинча капитал билан юзага келади.

П.Прудоннинг ҳукуматни бекор қилиш ғояси ислоҳотларни амалга ошириш даврида синфларнинг умумлашуви ва ягона меҳнаткашлар, ўз меҳнатини ҳақиқий ҳақини оладиган синфини юзага келиши ўз навбатида ҳукумат фаолиятини кераксиз қилиб қўяди (анархизм ғояси).

П.Прудон капитализмни ислоҳ қилиш лойиҳасида майда товар ишлаб чиқарувчининг ўз моли сотилишига кафолат олиш, майда дўкондорнинг фоизсиз кредитнинг олиш тўғрисидаги асрий орзусини, буржуа зиёлисининг капитализм шароитида мутлақ меҳнат эркинлиги, қиймат қонуни асосида тенглик имконияти тўғрисидаги хомхаёлларини ифодалаган эди. Прудоннинг «социализм»и товар билан пул ўртасидаги алоқани сохталаштиришга асосланган. Шу лойиҳанинг муаллифи хусусий ишлаб чиқаришни товарни сақлаб қолишга, аммо пулни, айирбошлашни, айирбошлаш қийматини йўқ қилиб ташлашга интилган эди.

П.Прудон ва прудонизм ўз даврида ишчилар ҳаракатига жиддий хатар солганлиги сабабли пролетар таълимотининг асосчилари Прудоннинг майда ишлаб чиқариш реформизмига (ислоҳотчилигига) қарши муросасиз курашдилар. Уни пролетариатга душман ва революцион ҳаракатга ҳалақит берувчи бир оқим деб фош қилдилар. Бу курашни К.Маркс XIX асрнинг 40-йиллари ўрталаридаёқ «**Фалсафа қашшоқлиги**» асарини тайёрлашдан бошлади ва марксизм ривожининг кейинги даврларида ҳам шу кураш давом этди.

П.Прудон фалсафада Гегелдан, сиёсий иқтисодда эса А.Смит билан Д.Рикардодан юқори кўтарила олмади. Унинг ижтимоий дастурларида мафкуравий йўналишни фош қилишда алоҳида вазифалар келиб чиқди. Прудонизм майда ишлаб чиқариш муҳитига ва унинг пуч хаёлларига таяниб, узлуксиз равишда ўзгариб борувчи шароитларга мослашаверди.

ХУЛОСА

Т.Мальтуснинг «аҳоли нуфуси назарияси», арифметик (тирикчилик неъматлари ўсиши) ва геометрик (аҳоли сони) прогрессиялари, «тупроқ унумдорлиги пасайиб бориш қонуни» катта шов-шувларга сабаб бўлди. Мальтусга хос хусусият шуки, у инқирозлар бўлишини тан олади, аммо улар вақтинча бўлишини кўрсатади.

Сениорнинг «тийилиш» ва «сўнгги соат» назариялари соҳибкорлар (капитал эгалари) ва меҳнаткашлар ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ деган муаммони ечишга бағишланган. Худди шундай фикрлар Француз Бастия ва америкалик , Кэрига тегишли, улар иқтисодиётда тўлиқ гармония, уйғунлик мавжуд деган ғояларни кўтариб чиқадилар.

XVIII аср охири ва айниқса XIX аср ўрталарида классик иқтисодий мактабга муқобил иқтисодий ғоялар пайдо бўла бошлади ва ҳозиргача давом этмоқда. Бундай бўлишининг биринчи сабаби диалектик ривожланиш бўлса, иккинчидан классик мактаб ғоялари ҳам, яъни бозор иқтисодиёти тамойилларининг бекаму-кўст эмаслигида, шарт-шароитга қараб у ёки бу тамойилнинг амалий таъсири ҳар хил бўлишидадир.

Айниқса саноат тўнтарилиши туфайли (саноат ўсди, ишлаб чиқариш ривож топди, мамлакат бойлиги ортди, аммо барчанинг иқтисодий фаровонлиги ҳар хил бўлиб, синфий дифференциация кучайди) кутилган натижаларга эришилмади, иқтисодий инқирозлар, норозиликлар кучайди. Шулар туфайли классик мактабни тафтиш қилиш, иқтисодиётнинг айрим унсурларинигина олиб, барча жараёнларни тушунтиришга интилиш бошланди, синфларнинг манфаатларини кўр-кўрона

ҳимоя қилиш (апологетика) рўй берди). Иқтисодиётда янги тушунчалар киритилди, қиймат, қиммат, фойдалилик билан алмаштирилади, қийматнинг меҳнат назариясига ҳужум бошланди.

Шу даврдаги иқтисодчиларда биринчи навбатда синфлар ўртасидаги иқтисодий мулкий муносабатлар катта қизиқиш уйғотди. Улар турли йўллар билан синфлар, меҳнат ва капитал ўртасида ҳеч қандай антагонизм йўқ, «иқтисодий уйғунлик» мавжуд деган ғояни исботлашга уриндилар. Оқибатда ҳар қандай эксплуатация инкор этилди, иш соатларининг узунлиги «исботлаб берилди» («сўнгги соат» назарияси). Капиталист ўз капитали билан ишлаб чиқаришга йўл очади ва қонуний фойдасини, ишчи - иш ҳақини, ер эгаси - рентани тўғри олади, улар ўртасида ҳеч қандай келишмовчилик, англашилмовчилик йўқ деган ғоя илгари сурилади. «Манфаатлар уйғунлиги», «Компенсация назарияси» ва бошқалар шулар жумласига киради.

Айрим олимлар бўлаётган қийинчиликларга аҳолининг ўзи айбдор, чунки унинг кўпайиши тез, тирикчилик воситалари эса секин ўсиши табиий бир ҳол, дейдилар (Мальтуснинг «Нуфус назарияси»). Бу фикр бошқа ғоя - «тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши» назариясига олиб келди. Ўз ғояларига тескари «учинчи шахслар» назарияси вужудга келди, ишлаб чиқармайдиган синфлар равнақ асоси қилиб кўрсатилади.

Кўпчилик олимлар протекционизмни инкор этиб, фритредерликни таклиф этишса (Сэй, Милль, Бастиа), баъзан унга бутунлай тескари фикр ҳам билдирилади (Кэри). Капитализмнинг бекаму-кўстлиги ҳақида кўп қайғурилади, ваҳоланки бу иллатлар шундоққина кўриниб турибди.

Капитализмни майда ишлаб чиқарувчилар назариётчилари томонидан ҳар томонлама кенг ўрганилиши иқтисодий таълимотлар тарихида бу мактабнинг муносиб ўрнини белгилаб берди. С.Сисмонди ва унинг ғоялари саноат инқилоби, капитализмнинг ниҳоятда тез суръатларда ривожланиш даврида биринчилардан бўлиб, шу жамиятни иқтисодий негизини ва ижтимоий тузумини танқид қилишда ўз аксини топди.

Бу танқид майда ишлаб чиқарувчилар манфаатларига мос равишда оширилиб, капитализмнинг инқирозлар асосида нотекис ривожланишини кўрсатиб берди. Сиёсий иқтисод фан сифатида инсон бахт-саодати учун зарур бўлган ижтимоий ривожланишни ўрганадиган фан деб юритилди. С.Сисмонди асарларида асосий эътибор меҳнаткашлар, айниқса ишчилар синфининг аянчли бир тақдирига самимий ҳамдардлик билдиришга қаратилгандир. Шунингдек, иқтисодий категорияларни илмий таҳлил қилишда классик мактабдан, айниқса А.Смит қарашларидан нари ўта олмади. Олимнинг ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги қарама-қаршиликни кўра билганлиги катта хизмати бўлса, машиналашган ишлаб чиқаришнинг ижобий хусусиятларини тўғри баҳоламаганлиги унинг жиддий камчилиги эди.

П.Прудоннинг майда ишлаб чиқариш социализми Францияда ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида кенг ёйилди. Прудон қарашларида ҳам иккиёқламалик ва фикрлар қоришмалигини учратишимиз мумкин. Шундай бўлса ҳам Прудонизм ғояларидаги ҳозир ҳам капитализмни ислоҳ қилиш тўғрисидаги фикрлардан социал ислоҳотчиликнинг айрим кўринишларида кенг фойдаланилмоқда.

П.Прудон капиталистик товар ишлаб чиқаришдаги қарама-қаршиликни шу товарларни пулга айлантириш йўли билан бартараф этиш мумкин деб ҳисоблайди. У пулнинг моҳиятини тўғри тушунмай, ҳамма айбни айирбошлашдаги

ноҳақликдан деб билади.

Шундай қилиб у товар-пул муносабатларини пул, капитал ва фоизсиз сақлаш кераклигини таклиф қилди. Барча камчиликларидан қатъи назар, Прудон капиталистик тараққиётдан орқага қайтиш мумкин эмаслигини тушунди, лекин майда хусусий мулкчиликни сақлаб қолиш тарафдори бўлди.

Таянч тушунча ва иборалар

Мальтус; арифметик ва геометрик прогрессия; «аҳоли нуфуси назарияси»; тупроқ унумдорлиги пасайиши қонуни; инқирозлар; сениор; тийилиш; сўнгги соат назариялари. Сэй, «бозорлар қонуни», ишлаб чиқаришнинг уч асосий омили; фойдалилик; Иқтисодий романтизм; майда ишлаб чиқариш; йирик саноат; доктрина; синтиминтал; либерал; эклектик; реакцион; учинчи шахслар; халқ банки; ишчи пули; анархизм.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1.Т.Мальтус «аҳоли нуфуси назарияси»даги асосий ғоя нима?
2.«Тупроқ унумдорлиги пасайиб бориш қонуни» оқибатлари қандай бўлиши мумкин?
3. Ж.Миллнинг иқтисодий қарашлари қандай?
4. Ж.Милль ишлаб чиқариш қонунлари билан тақсимот қонунларини қандай баҳолайди?
5. Минимум иш ҳақи ва физиологик минимум нима?
6. Ж.Р.Мак-Куллохнинг асосий ғояларига тушунча беринг
7. Ж.Б.Сэйнинг асосий қонуни нимани билдиради? Изоҳлаб беринг.
8. Сэй фикрича инқирозлар бўлиши мумкинми?
9. Нима учун «Учинчи шахслар назарияси» вужудга келди?
10. Майда иқтисодиёт назариётчиларига хос хусусиятлар нималардан иборат?
11. С.Сисмондининг иқтисодий мавзудаги қандай асарларини биласиз?
12. С.Сисмондининг методологиясига хос хусусият нималардан иборат? Унинг фикрича бойликнинг манбаи нима?
13. С.Сисмонди таълимотида қайси иқтисодий назария асосий ўрин тутади?
14. Қийматнинг манбаи нима? Уни изоҳлаб беринг.
15. Майда буржуа назариясининг вужудга келиш сабабларини тушунтириб беринг.
16. С.Сисмонди капитализмни қандай тарзда танқид қилди? Шуни изоҳлаб беринг.
17. С.Сисмонди даромадни нечта турга бўлди?
18. С.Сисмондининг фикрича иқтисодий кризисни изоҳлаб беринг.
19. С.Сисмондининг ҳаёти ва ижодининг дастлабки йиллари ҳақида нималарни биласиз?
20. Прудоннинг қайси асарларини биласиз ва у бу асарларда қандай назарияларни илгари сурган?
21. Прудон ўз таълимотида қандай иқтисодий муаммоларга эътибор берган?
22. Қайси иқтисодий назарияни илгари сурди?
23. Прудон давлат тузумининг қандай шаклини кўрсатиб берди, шуни тушунтириб беринг.
24. Прудоннинг капитализмни ислоҳ қилиш лойиҳасининг моҳияти нимадан иборат? Унга изоҳ беринг.

Адабиёт
Асосий адабиёт

А Раззоков, Ш.Тошматов, Н.Ўрмонов. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т., Молия 2002. (9-10-11- боблар)
Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.ТМИ, 2003

Қўшимча адабиёт

1. Гусейнов, Горбачева. История экономических учений. М., 2000
2. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. М., 1996
3. Ядгаров Я.С. История экономических учений. Учебник для вузов. М., 2009
4. Квасова А.С. История экономических учений. Учебник для вузов. М., 2002
5. Бартенев С.А. История экономических учений в вопросах и ответах. Учебно-методическое пособие. М., 2002

6 - Мавзу. Маржинализм таълимоти ва неоклассик иқтисодий мактаблар (2 соат)

Режа

1. Маржинализм иқтисодий таълимотининг шаклланиши, умумий таърифи
2. Австрия мактаби унинг хусусиятлари
3. Кембридж мактаби А.Маршалл таълимоти
4. Лозанна мактабининг хусусиятлари
5. Маржиналистик таълимотнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

1. МАРЖИНАЛИЗМ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, УМУМИЙ ТАЪРИФИ

XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг бошларида иқтисодий таълимотларнинг ривожланиши (эволюцияси) капитализм иқтисодиётида унинг сиёсий устқурмасида юз бераётган туб силжишларни акс эттирар эди. XIX асрнинг сўнгги чорагида эркин рақобатнинг монополияга айланиши иқтисодиётдаги энг муҳим ҳодиса бўлди. Бу жараён капитализм зиддиятларнинг, айниқса меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятларнинг чуқурлашуви ва кескинлашуви билан айни бир вақтда рўй берди. XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб қиймат назарияси ва уни илмий таҳлил қилишда ҳам чинакам инқилобий ўзгариш юз бериб айнан шу даврда Европанинг бир нечта мамлакатларида турлича назарий мактаблар шаклланди. Ушбу мактаблар яратган иқтисодий таълимот фанда «маржинализм» таълимоти деб номланиб XX асрнинг 30-йилларигача ўз мавқеини сақлаб турди.

Маржинализм французча «marginal» сўзидан олинган бўлиб «энг юқори», (чегаравий) деган маънонибилдиради.

Бу борадаги ўзининг илк фикрларининг У.Стенли Жевонс 1862йилда Британия фанларини ривожлантириш Ассоциациясида қилган «Сиёсий

иқтисоднинг умумий назарияси ҳақида қисқача билдириш»номли маърузасида баён этган эди. 1871йилда эса У.Жевонс янги назариясини илмий асослашга бағишланган фундаментал асар бўлган «Сиёсий иқтисод назарияси»номли китобини Англияда нашр қилдирди. Айнан мана шу йили 1871йилда Австрияда Карл Менгернинг «Сиёсий иқтисод асослари»номли китоби ҳам эълон қилинди. Бу китобда ҳам худди мана шу «энг юқори фойдалилик»назарияси таҳлил қилиниб математик формула ва теоремаларсиз илмий жиҳатдан асослаб берилди.

1874 йилда Швейцарияда Леон Вальраснинг «Соф иқтисодиёт фани элементлари»номли китоби нашрдан чиқди. Бу китобдаги иқтисодий назария тўлиқ равишда математик жиҳатдан ривожлантирилди. Шундай қилиб янги йўналиш бир вақтда учта олим томонидан турли мамлакатларда инглиз, немис ва француз тилларида илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Маржинализм ва унинг ривожланиш даврини икки босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга муофиқдир.

Биринчи босқич XIX асрнинг 70-80-йилларини ўз ичига олиб иқтисодий таҳлилнинг дастлабки маржиналистик ғояларини мужассам қилган дастлабки илмий асарлар яратилди.(К.Менгер, У.Жевонс ва Л.Вальрас асарлари). Бу даврда асосий мавзу инсон психологик хусусияти, яъни унинг ҳиссиёти ва қабул қилиши асосида ўрганилади. Шунинг учун маржинализмнинг бу босқичини иқтисодий таълимотлардаги «субъектив йўналиш» деб аталди.

Иккинчи босқич XIX асрнинг 90-йилларига тўғри келиб, бу даврдан бошлаб маржинализм кўпгина мамлакатларда машҳур ва асосий таълимотга айланди. Маржиналистларнинг бу даврда эришган асосий ютуғлари субъектив-психологик йўналишдан вос кечиб иқтисодиётнинг асосий мақсади бу иқтисодий ҳаётнинг доимий боришини мавжуд шарт-шароитлар асосида тушунтира билиш демакдир, дедилар. Натижада янгича иқтисодий ғоялар намоёндалари классик иқтисодий мактабнинг давомчилари сифатида баҳоланиб, уларга неоклассиклар деб ном берилди.

Маржинал ривожланишнинг иккинчи босқичини яъни неоклассик иқтисодий таълимотни ривожланишига йирик иқтисодчи олимлар А.Маршалл, Дж. Б.Кларк ва В.Парето катта ҳисса қўшдилар. Маржинал иқтисодий ғояларни юқорида қайд этилган иккала босқичини ўзига хос хусусиятларини қуйидагича таърифлашимиз мумкин.

Биринчи. Дастлабки маржиналистлар ўзларининг субъектив оқимларида асосий эътиборни иқтисодий таҳлил жараёнида истемол (талаб)нинг тутган ўрнини ўрганишга қаратиб классиклардан фарқли равишда ишлаб чиқариш (таклиф)ни иккинчи даражали қилиб қўйдилар. Кейинчалик неоклассиклар ҳар иккала жараённи биргаликда ўрганиб анча мукаммал таълимот яратдилар.

Иккинчи. Биринчи босқич маржиналистлари субъектив йўналиш вакиллари классиклар сингари сабаб оқибатга асосланган илмий таҳлилни қўллаб уларнинг ғояларини маълум даражада такрорладилар. Лекин биргина катта фарқ субъектив мактаб қўллаган истеъмол ва товарларнинг фойдалилиги усули уларни классик мактаб усулидан фарқлади. Ўз навбатида маржиналистларнинг неоклассик йўналиши функционал илмий тадқиқотни майдонга ташлаш билан бирга ишлаб чиқариш ва истеъмолни яхлит ҳолда ўрганиб меёрий иқтисодий ўлчамларни тақсимот ва айирбошлаш жараёнларига ҳам тадбиқ этдилар.

Учинчи. Маржинал инқилобнинг биринчи босқичидан фарқ қилиб, иккинчи босқичда функционал илмий услуб билан бирга иқтисодий таҳлилга иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш усули ҳам олиб кирилди. Шу жумладан,

ҳар иккала босқич назариётчилари «эркин» рақобат ёрдамидаги иқтисодий ўсишни ҳалигача автоматик авишда қўллаб келинмоқда деган фикрга келдилар.

Тўртинчи. Неоклассиклар иқтисодий таълимотлар тарихида алоҳида ўрин эгаллаган классиклардан иқтисодий либерализм тамойилларига содиқ қолишни мерос қилиш билан бирга тадқиқот мавзуини янада кенгайтириб, унда функционал тадқиқот усулидан ва иқтисодий кўрсаткичларни таққослаш усули ва ниҳоят системали математик усулдан кенг фойдаланишни амалга оширдилар.

2. АВСТРИЯ МАКТАБИ УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

XIX асрнинг 70-йилларида иқтисодий таълимотларнинг нуфузли мактабларидан бири бўлган Австрия мактаби вужудга келди. Австрия мактабини *субъектив* ёки *субъектив-психологик* мактаб деб ҳам атайдилар. Унинг мафкурачилари қўллаган усул муносабати билан унга мана шундай ном берилган. 70-йилларда Австрия мактабининг асосчиси **К.Менгер** (1840-1921) бу ғояни ривожлантириб, уни субъектив-психологик мактабнинг асосий назариясига айлантирди. **Евгений Бём-Баверк** (1851-1914), **Фридрих Визер** (1851-1926) ва бошқалар ҳам шу назарияни ишлаб чиқдилар. Австрия мактабининг концепциялари К.Менгернинг «**Сиёсий иқтисод асослари**» (1871), Ф.Визернинг «**Хўжалик бойлигининг келиб чиқиши ва асосий қонунлари тўғрисида**» (1884), Е.Бём-Баверкнинг «**Капитал ва фойда**» (1884-89), «**Хўжалик неъматлари бойлиги назариясининг асослари**» (1886), «**К.Маркс назарияси ва унинг танқиди**» (1896) ва бошқа асарларида баён этилган, Австрия мактабининг таълимоти Англия, Германия, АҚШ ва Россияда ҳамда бошқа мамлакатларда ёйилди. Бу таълимот иқтисодиёт фанининг шундан кейинги ривожига катта таъсир ўтказди.

Австрия мактаби иқтисодчиларининг асарларида аввало сиёсий иқтисод предмети, унинг услубий негизлари ва тадқиқот усули тўғрисидаги таълимот янада кенгайтирилди. Менгер ва унинг тарафдорлари ишлаб чиқариш муносабатларини, ишлаб чиқаришнинг ривожини тартибга солувчи иқтисодий қонунларни сиёсий иқтисод предметига киритмас эдилар. Уларнинг концепциясига кўра сиёсий иқтисод хўжалик субъекти тажрибасининг бутун хилма-хиллиги билан уни идрок этишни ўрганиши лозим эди. Бём-Баверкнинг даъво қилишича, сиёсий иқтисод субъект ҳисларида иқтисодий ҳодисаларни изоҳлайдиган илдизларни излаши керак. Алоҳида хўжалик тадқиқот объекти қилиб олинар ва шу хўжалик жамиятнинг энг оддий типик элементи деб талқин қилинар эди. Жамиятдан мўтлақо ажралган шахс - Робинзон хўжалиги мана шундай хўжаликнинг олий мақсади деб аталарди (Д.Дефонинг асарини эсланг). Австрия мактаби капиталистик хўжаликни мана шундай энг оддий элементларнинг механик йиғиндиси деб талқин этарди. Умуман иқтисодиёт қонунларини ўрганиш учун алоҳида олинган бир хўжалик (фирма, корхона) мисолида шу қонунларни кўриб чиқиш етарли деб ҳисобланарди (микроиқтисодиёт).

Тадқиқотнинг бу усули *Робинзонада усули* деган ном олди. Шу усул ёрдамида сиёсий иқтисоддан ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари чиқариб ташланди, иқтисодий категорияларнинг ижтимоий-синфий мазмуни кучайтирилди, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг роли соддалаштирилди. Робинзонада усули асосида сиёсий иқтисод тарихий ва синфий муайянликдан маҳрум бўлар, унда индивидуаллик кенг тарғиб қилинарди. Австрия мактабининг намояндалари ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётининг объектив ҳарактерини ва унга хос

қонунларни инкор этиб, хўжалик турмушида иқтисодиётни ривожлантиришда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини белгилайдиган психологик сабаблар ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб даъво қилдилар. Иқтисодий жараёнларни мана шундай субъектив-психологик талқин этиш Австрия мактаби методологиясининг асосини ташкил қилди.

Австрия мактабининг назариётчилари сиёсий иқтисодни ишлаб чиқаришни ўрганишдан «халос» этиб, истеъмолни биринчи ўринга қўйдилар. Улар индивидларнинг моддий неъматларни истеъмол қилиши хўжалик фаолиятини ташкил этувчи асосий омил деб даъво қилишди.

Субъективизм ва индивидуализм меҳнатнинг ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқариш муносабатларининг ролини ҳамда ижтимоий зиддиятлар ва синфий курашни инкор этишга ҳамда сохталаштиришга асосланган. Бу қоидаларнинг тиғи марксизмнинг илмий методологиясига иқтисодий таълимотига қарши қаратилган эди.

Австрия мактабининг намояндалари ва аввало Бём-Баверк қийматнинг меҳнат назариясини К.Маркс таълимотининг илк негизи деб билиб, шу назариядаги қўшимча қиймат таълимотига хуруж қилиб, «Капитал»нинг биринчи ва учинчи томлари ўртасида зиддият борлигини исботлашга уриндилар (бу ҳақда олдинги мавзуда айтиб ўтилган эди).

Қадрият (қиммат) назарияси Австрия мактабининг концепцияларида марказий ўринни олди. Бу назария «энг юқори фойдалилик» номини олди. Сиёсий иқтисодда қабул қилинган «товар» ва «қиймат» категориялари ижтимоий мазмундан маҳрум бўлган неъмат ва қадрият тушунчалари билан алмаштирилди. К.Менгер, Е.Бём-Баверк ва бошқалар қиймат - ижтимоий зарур меҳнатнинг ифодаси, меҳнат эса унинг бирдан-бир манбаи эканлиги тўғрисидаги қоидани нотўғри деб эълон қилдилар. Улар қиймат категориясини субъектив мазмун билан тўлдирдилар. Унинг устун омили сифатида истеъмол қиймати ёки моддий неъматларнинг фойдалилиги қабул қилинади. Бём-Баверкнинг фикрича, Австрия мактаби истеъмол қийматига мурожаат этиш орқали қадриятни «лозим бўлган дарахтдан илдизнинг ўзидан» таҳлил эта бошлади.

Ҳақиқатда ҳам Австрия мактаби қийматнинг янгича таърифини ишлаб чиқиш йўлидан борди. Қиймат истеъмол қиймати билан белгиланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги фикрни сиёсий иқтисоднинг классикларидек ўртага ташлаган эдилар. Лекин қарийиб 200 йил давомида иқтисодиёт фанида бу ғоя етакчи бўлиши ва шунга қарамай, Австрия мактаби фойдалиликда зўр бериб қадриятнинг субъектив назариясини яратди. Фойдалилик деганда Бём-Баверк моддий неъматларнинг умумий хусусиятини тушунар эди. Бу хусусият моддий неъматларнинг шахслар фаровонлигига эҳтиёжларнинг қондирилишига муносабати билан белгиланади, деб ҳисоблар эди. Қиймат қиммат ва қадрият тушунчаси билан алмаштирилади.

Қадриятнинг вужудга келиши меҳнатдан ва ишлаб чиқаришдан ажратиб талқин этилар эди. Неъматнинг фойдалилиги унинг асоси деб ҳисобланарди. Бём-Баверк фойдалиликнинг икки турини: оддий (мавҳум) ва малакали (аниқ) турини бир-биридан фарқ қиларди. Мавҳум фойдалилик мўл-кўл бўлган моддий неъматларга хос бўлган умуман фойдалилик деб таърифланар эди. Бу ҳолатда неъмат бирлигининг фойдалилиги 0 дан иборат деб ҳисобланарди (дарё енида сув, ҳаво ва бошқалар). Заҳиралари чекланган неъмат малакали фойдалилик деб таърифланар, бу неъматларнинг ҳатто бирлик ҳажмида камайиши ҳам шахснинг фаровонлигига таъсир қилади, деб уқтириларди. Фойдалиликнинг бундай

бўлиниши моддий неъматлар қадриятининг вужудга келиши билан боғлиқ қилиб қўйилар эди. Ҳамма неъматлар эмас, балки миқдори чекланган неъматларнигина Австрия мактабининг иқтисодчилари қадриятга эга бўлади, деб ҳисоблашарди. Уларнинг назарида мана шу қадриятларгина айирбошланиши мумкин эди. Бём-Баверкнинг фикрича, қадриятнинг вужудга келиши учун ноёб фойдалилик билан бирга қўшилиши зарур, аммо мутлақ ноёблик эмас, балки мазкур турдаги буюмларга бўлган мавжуд эҳтиёжнинг миқёсига қиёсан «нисбий» ноёблик назарда тўтиларди.

Қадриятнинг ҳосил бўлишида Бём-Баверк икки босқични алоҳида кўрсатди, биринчи босқични у субъектив қадриятнинг ҳосил бўлиши билан боғлади, бунда у неъматнинг шахс эҳтиёжларини қондиришда қандай роль ўйнашига қараб, шу субъект неъматга берадиган шахсий баҳо назарда тўтилар эди. Агар фойдалилик мавҳум бўлса, у ҳолда неъмат баҳо олмайди ва унинг субъектив қадрияти 0 га тенг бўлади. Серсув булоқ ёнида турган киши учун бир стакан сув бунга мисол қилиб кўрсатилди. Аммо, саҳрога бориб қолган киши учун ўша бир стакан сувнинг ўзи аниқ фойдалилик касб этади. Шахснинг фаровонлигигина эмас, унинг ҳаёти ҳам шу сув билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолатда бир стакан сув субъектив қадриятга эга бўлади. Бём-Баверкнинг фикрича, моддий неъматлар туфайли инсонга келтирилган фойданинг миқдори ҳам шу неъматлар қадр-қимматининг ўлчовидир. Қийматни истеъмол қиймати билан айнан бир нарса деб талқин этиш (аслида алмашув қиймати ҳам бор) фойдалилик қийматини аниқлаш Австрия мактабидан аввал ҳам сиёсий иқтисодда маълум эди. Австрия мактабининг назариётчилари бу принципни математикадан олинган меъёр тушунчаси билан тўлдирдилар. Қадрият негизи сифатида энди шунчаки фойдалилик эмас, балки шахснинг энг кам эҳтиёжини қондирадиган энг юқори (охирги қатордаги) фойдалилик тушунчаси ишлатила бошланди. Бём-Баверкнинг таъбирича, буюмнинг қадрияти унинг энг юқори меъёрий фойда миқдори билан ўлчанади, бунда хўжалик неъматлари муайян туридан олинадиган энг оз наф назарда тутилади. Буни Робинзон етиштирган беш қоп дон мисолида кўриш мумкин, бир қопи озиққа, икки қопи уруғликка, икки қопи ем учун ва ҳоказо. Бём-Баверк бу «қонун»нинг амал қилишини беш қоп дон ҳосили олган шахснинг хўжалиги мисолида кўрсатади. Ҳамма қоплардаги доннинг сифати ва вазни теппа-тенг. Бироқ, Бём-Баверкниг назариясига кўра, бир қоп доннинг субъектив қадрияти камайиб борувчи фойдалилик принципи асосида белгиланиши керак. Биринчи қоп дон шахснинг энг зарур ҳаётий эҳтиёжини қондиради ва шу сабабли энг кўп фойдалиликка эга бўлади. Кейинги қопларнинг фойдалилиги камайиб боради. Тўтиқушни боқишга мўлжалланган сўнгги қоп ҳам фойдалиликка эга бўлади. Ана шу сўнгги қоп дон мазкур моддий неъмат бирлигининг субъектив қадриятини белгилайди. Барча мавжуд дон запаси беш қоп бўлган тақдирда бир қоп доннинг қадрияти тўтиқуш боқиш қийматига тенг бўлади, деб даъво қилади Бём-Баверк. Бу мисоллар туркумини ейилаётган бешта олма мисолида ва бошқаларда ҳам кўриш мумкин.

Бём-Баверк қадрият ҳосил бўлишидаги иккинчи босқични «объектив қадрият» билан боғлади. У мазкур босқични талаб ва таклиф хусусидаги мавжуд эски назария асосида изоҳлади. Объектив қадриятнинг ҳосил бўлишини талаб ва таклифнинг стихияли нисбати давомида бозордаги субъектив баҳоларни бараварлаштиришдан иборат қилиб қўйилди, шунинг натижасида янги, ўртача қадрият пайдо бўлиб, мана шу объектив миқдор деб кўрсатилди.

Шундай қилиб, Австрия мактабининг иқтисодчилари илмий назариянинг

қиймат товарларнинг объектив хусусияти бўлиб, мана шу хусусият бу товарларнинг ички мазмунини белгилайди, деган туб қоидасини рад этиш орқали қиймат ҳосил бўлиши жараёнини янгича талқин этадилар. Улар буни баҳо берувчилик мулоҳазаларига ва индивидларнинг психологиясига боғлиқ бўлган субъектив категорияга айлантириб қўйдилар. Бу эса навбатдаги янги назария эди, бу назарияни яратувчилар қийматни у ҳосил бўладиган шароит ва манбадан - ишлаб чиқариш ва меҳнат соҳасидан бўтунлай ажратиб қўйдилар. Бём-Баверкнинг ҳамма мулоҳазалари ҳақиқий жараённи ойдинлаштирадиган, ушбу категорияда ифодаланадиган ишлаб чиқариш муносабатларини кенгайтирадиган фикрлар асосига қурилган эди.

«Энг юқори фойдалилик» назарияси Австрия мактаби ва бошқа иқтисодиёт концепциялари учун асос бўлди, бу концепциялар эса капитализм шароитида иқтисодиётнинг ижтимоий мазмунини кучсизлантирувчи, унинг синфий ҳарактерини инкор этувчи бир нарсадир. Бём-Баверкнинг таъбирича, қадрият тўғрисидаги таълимот даромадни тақсимлаш, шу жумладан ер рентаси, иш ҳақи, капиталдан олинадиган фойда тўғрисидаги бутун ўз доктринасининг марказий бандидир.

Австрия мактабининг тақсимлаш назарияси бир қанча мавжуд концепцияларни: Ж.Б.Сэйнинг ишлаб чиқаришнинг уч омили, тақсимот концепциясини, «энг юқори фойдалилик» назариясини ўз ичига олади. Бу ўринда ишлаб чиқариш омиллари унумли неъматлар деб аталган. Уларнинг ҳар бирига (ер, капитал ва меҳнатга) олинган истеъмол неъматларининг муайян қисми мувофиқ келади. Тақсимотнинг мана шу ўзига хос концепцияси капиталистик эксплуатацияни ўзгалар меҳнатининг капиталистлар томонидан ўзлаштириб олинишини инкор этади. У келажакдаги неъматлар ва капиталистнинг истеъмолдан «тийилиши»га нисбатан ҳақиқий неъматларни ҳар хил баҳолаш асосида фойдани оқлайди. Бу ўринда фойда капиталистнинг ҳақиқий неъматларни истеъмол қилишдан «тийилиши» учун ва ўз капитали билан бўлажак неъматларни ҳозирги неъматларга айлантиришни таъминлаганлиги учун «мукофот» деб кўрсатилади. Шундай қилиб, тақсимот назариясида ҳам муайян синфий мақсадларни кўзлайдиган янгича хулосалар бор.

Австрия мактабининг услубияти ҳам, иқтисодий назариялари ҳам тарихдан ташқари ёндашув асосида яратилгандир. Бу методология ва назариялар капиталистик товар хўжалиги шароитларида жамиятнинг синфий структурасини эътибордан четда қолдириб, ишлаб чиқаришдан истеъмолни устун қўяди. Маржинализм асосчилари қўллаган сабаб-оқибат асосидаги иқтисодий таҳлил (анализ) оддий мантиқий хулосаларнинг юзага келишига сабаб бўлди, бу эса уларни реал капитализмдан ўзоқлашишга олиб келди. Бироқ, юқорида қайд этилган хусусиятларни айтиш билан бирга биз бу мактаб намояндаларининг шу услублари натижасиз ва уларнинг концепциялари тўғри илмий хулосалар бермади, демоқчи эмасмиз. Аксинча, капиталистик бозор муаммоларини англашда ва айниқса иқтисодий фанга эътиборни истеъмол ва талабни тўлароқ қондиришга қаратишда бу мактабнинг хизматлари каттадир.

Бу мактабнинг концепциялари капиталистик хўжалик тизимининг энг муқаддас нарсаси - хусусий соҳибкорлик, эркин бозор, рақобат ва шу кабилар посбонлигида турган иқтисодиёт бундан кейинги ривожланишига катта таъсир ўтказди. Австрия мактабининг услубияти айниқса математик мактаб ва умуман ҳозирги замон иқтисодий мактабларининг шаклланишида катта роль ўйнаган. Бу йўналиш янги классик оқимнинг кенг ривожланишида алоҳида ўринни эгаллади.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш зарурки, «энг юқори фойдалилик» назарияси янги ташкил бўлаётган назарий мактаблар учун илк манба ролини ўйнади. «Энг юқори (чегаравий) фойдалилик» назариясининг неоклассик (янги классик) варианти инглиз иқтисодчиси А.Маршалл бошчилигида «энг юқори фойдалилик» назариясини «ишлаб чиқариш чиқимлари» назарияси билан қўшиб, янги илмий назария вужудга келтирилганлигида ўз аксини топди.

Энг юқори наф назариясининг У. Жевонс томонидан изоҳланиши

Уильям Стенли Жевонс (1835-1882) Лондон университетида математика ва химия фанларидан таҳсил олиш билан бирга сиёсий иқтисодни ҳам қизиқиб ўрганган. 1863 йилда Манчестер шаҳридаги коллежга сиёсий иқтисод ўқитувчиси бўлиб ишга кирди. Орадан кўп вақт ўтмасдан иқтисодий мавзудаги унинг асосий асарлари эълон қилинди. Улар қуйидагилар: «Сиёсий иқтисод назарияси» (1871) ва «Фан тамойиллари» (1874) ва бошқалар.

Х1Х асрнинг охиригача У.Жевонс ва унинг асарлари ўзининг кучли математик ифодаси туфайли ўқувчилар томонидан тўлиқ эътибор билан қабул қилинмади. Лекин унинг ғояларидаги субъективизм асосий илмий асарларида аниқ ўз ўрнини топган эди. Масалан, истеъмол, талаб, фойдалилик ҳақида ўз ҳолича тушунчалар бериш билан бирга У.Жевонс товарлар нархи унинг меъёрий фойдалилиги билан функционал боғлиқдир деб кўрсатади. Шунингдек олим классикларнинг рақобат ҳақидаги фикрларини қўллаб, сотувчи ва олувчи ўзаро мулоқатда бўлиб керакли маълумотни бир-биридан олиши мумкин деб кўрсатади.

Натижада у қуйидаги хулоса келтириб чиқаради: бозордаги сотувчилар (субъектлар) инсонлар эҳтиёжи учун зарур бўлган товарларни муҳаё қилиб, уларнинг истеъмолларини тўлароқ қондирадилар. Шу фикри билан У Жевонс дастлабкилардан бўлиб меъёрий таҳлилни майдонга ташлайда ва маржинализм асосчиларидан бирига айланди.

3. КЕМБРИДЖ МАКТАБИ А. МАРШАЛЛ ТАЪЛИМОТИ

А.Маршалл (1842-1924) иқтисодиётда неоклассик (янги классик) йўналишнинг етакчи вакили, маржинализмнинг «кембриж мактаби»лидери ҳисобланади. Кембриж университетида ўқиди, уни тугатди ва шу ерда бутун ҳаёти давомида ўқитувчилик қилди. У сиёсий иқтисод фанидан (1863 йилдан то 1908 йилгача) дарс берди. 1902 йилдан бошлаб янги «Экономикс» фанини киритди ва сиёсий иқтисод фани аста-секин сиқиб чиқарилди. Маршалл маржинализм ғоясини мусбат равишда (Жевонсни билмаган ҳолда) аниқлади.

«Экономикс принциплари» (1890) А.Маршаллнинг бош асари бўлиб, олти жилддан иборат. Бу китоб доим тўлдириб борилди ва олим ҳаёти давомида 8 марта қайта нашр этилган (русчага - «Принципы экономики» таржима қилинган). Китоб бошидаёқ фаннинг предмети тўғрисида фикр юритилади. Бу фан инсон жамиятининг нормал ҳаёт фаолиятини тадқиқ қилиш билан шуғулланади. Индивидуал ва ижтимоий жараёнларнинг фарованликнинг моддий асосларини яратиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган соҳани ўрганади. Машҳур «Экономикс» китобининг муаллифи П.Самуэльсон бу фан предмети номи «иқтисодиёт» бўлиб, иқтисод ёки максимизацияни билдиради. Унда ишлаб чиқариш ҳажмлари оптимал бўлганда, соф фойда максумумга эришувига катта эътибор қаратилган.

Тадқиқот методида классик мактаб ғояларига ворислик мавжуд бўлиб, улар янада ривожлантирилади. А.Маршалл инсонларнинг иқтисодий фаолиятини «соф» иқтисодий назария позициясида туриб, хўжаликнинг идеал (беназир)

моделини, «мукаммал рақобат» туфайли бўлиши мумкин бўлган тадқиқ этди. Аммо бирқанча иқтисодиётнинг мўтадиллиги (мувозанати) билан боғлиқ маржинал ғоялар орқали у бу фанни «хусусий» ҳол, яъни фирма, соҳа (микроэкономика) даражасида қарайди. Бундай ёндошув олим яратган «Кембриж мактаби» ва Х1Х аср охири - ХХ аср бошидаги кўпчилик неоклассиклар учун хосдир. Аммо шуни алоХида таъкидлаш керакки А. Маршалл ўзидан олдин ўтган ортодоксал классиклардан фарқли равишда, иқтисодий категорияларни «Исбот» талаб этувчи у ёки бу асосий чегараланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Олим тадиқотларида бозорда эркин *баҳо шаклланиш* муаммоси асосий ўринни эгаллайди. Бунда бозор мувозанати ягона организм сифатида, хўжалик юритувчи субъектлар чаққан ва бир-бири тўғсида яхши маълумотга эга деб қаралади.

Бозор баҳоси энг юқори наф асосида аниқланадиган талаб баҳоси ва энг юқори ҳаражатлар билан топиладиган таклиф баҳосининг кесишиш натижаси деб қаралади. Бу «Маршалл хочи» деб юритилади, талаб ва таклифи чизиқларининг кесишганлигининг график (чизма) шаклидир. чизиқлар кесишган жойда улар орасидаги мувозанат, яъни мувозанатли, мўтаъдил баҳо ўрнатилади.

Шу ерда олимнинг товар қимматининг моҳияти тўғрисидаги ғояси ҳарактерлидир. Унинг фикрича, қимматни яратишда нафлик ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари (қайчининг икки тиғи) бирдек фаолдир. У қайчини мисол сифатида келтириб, қайчининг қоғоз қирқанда қайси (устки ёки пасти) тиғи (лезвияси) асосий ролни ўйнайди, деб савол беради.

Маршалл томонидан «истеъмол ортиқчалиги» тушунчасини киритади, бу ҳаридор олиши зарур бўлган иложсиз нарса учун тўланган ва амалда тўлаётган баҳолар ўртасидаги фарқдир, яъни ҳаридорнинг қўшимча талабини қондиришнинг иқтисодий ўлчовидир.

Илк мажиналистларнинг баҳо, талаб ва таклиф каби омилларнинг функционал боғланиш умумлаштирилади. У хусусан, баҳо пасайиши билан талаб ортиши (баҳо ортиши билан талаб пасайиши), баҳо пасайиши билан таклиф пасайиши (баҳо ортиши билан таклиф ортиши)ни кўрсатиб берди. *Мўътадил (мувозанат) баҳо* талаб ва таклиф нуқталари кесишган ерда ўрнатилади (юқори айтилди). Шуларга мос равишда бозорда баҳоларнинг ўзгариши рўй беради.

Даромадлар назариясида капиталга фоиз, иш ҳақи маржиналистик ҳал этилади. Аввалги классикларнинг товар қиймати сарфланган меҳнат билан ўлчаниши қатъиян рад этилади.

Фоиз ставкаси даражаси тўғрисида фикр юритилиб, фоиз камайиши билан инсонлар кам жамғарадилар (ва аксинча) деган хулоса чиқарилади. Бу қоида кейинчалик унинг шогирди Ж.М.Кейнс томонидан кенг фойдаланилди (юқорида берилган).

«Талаб баҳоси» ривожлантирилиб «талабнинг эластиклиги (қайишқоқлиги)» концепцияси илгари сурилади, бу талаб ҳажмининг баҳо (нарх) ўзгаришига боғлиқлиги кўрсаткичидир. Эластикликнинг турли омилларга қанчалик боғлиқлиги таҳлил этилади (истеъмол таркиби, даромад даражаси ва б.). Энг кам эластиклик кенг истеъмол молларига тегишли (аммо худди шу ҳолатни зеби-зийнат молларига нисбатан кўриб чиқмаган). Бу боғланиш вақт давомида ўзгариб туриши айтилади.

Ўрганилаётган давр қанчалик кичик бўлса, талабнинг баҳога таъсири шунчалик каттадир, давр қанчалик катта бўлса, ишлаб чиқариш ҳаражатлари (таклиф) нинг таъсири асосийдир.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўстириш давомида солиштирма ишлаб чиқариш ҳаражатлари ўзгариши қонуниятлари аниқланди. Корхона ишлаб чиқариш масштабини оширганда ундан келадиган нафнинг миқдори муаммоси қараб чиқилади. Маршалл хусусан шуни қайд қиладики, одатда рақобатли иқтисодиётда йирик корхона (фирма) ўз товар маҳсулотига баҳони пасайтиришни таъминлайди, бу эса рақобатчилар олдида устунликка олиб келади (малака ошуви, махсус машина ва асбоб-ускуналарни қўллай олиш туфайли). Энг муҳими бундай иқтисоддан бутун жамият манфаат кўради.

«Репрезтатив фирма» (ўртача фирманинг тури) тушунчаси киритилади. Унинг ҳажми маълум товарни ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан ортади, бу эса ҳам ички ҳам ташқи фойда келтиради, чунки меҳнат сарфлари ва бошқа ишлаб чиқариш ҳаражатлари пасаяди.

Бундан олим иккита иқтисодий қонун борлиги тўғрисида хулоса чиқаради: 1) ўсиб борувчи фойда ва 2) доимий фойда. Биринчисига кўра, меҳнат ва капитал сарфлари ҳажми ортиши билан одатда ишлаб чиқаришни ташкил этишни мукаммаллаштиришга олиб келади, меҳнат ва капиталдан фойдаланиш самародорлигини оширади, пропорционал (мутаносиб) равишда юқорироқ фойда келтирилади. Иккинчисига кўра, меҳнат ва бошқа ҳаражатлар маҳсулот ҳажмини пропорционал ўсишига олиб келади. Олим фикрича, реал ҳаётда бу икки тенденция доимо бир-бирига қарама-қарши туради.

Рақобат шароитида ишлаб чиқариш йириклашуви билан нисбий ҳаражатлар ё пасайиб боради, ёки паралел ўсади, аммо маҳсулот ҳажми ўсиш суръатларидан илгарилаб кетмайди. Кейинчалик мана шу фикрлар асосида микроиқтисодий назария ишлаб чиқариш ва корхона ўлчамлари (катта-кичиклиги)ни оптималлаштириш муаммосини ечиш бўйича анча аниқ услубий ечимларни илгари сурди. Ишлаб чиқариш ҳаражатларини доимий ва ўзгарувчи деб қараб, узоқ муддат давомида доимий ҳаражатлар ўзгарувчан бўлиб қолади. Фирма бозорни тарк этишининг асосий сабаби - ҳаражатларнинг бозор баҳоси даражасидан юқорилаб кетишидир.

4. ЛОЗАННА МАКТАБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Леон Вальрас (1834-1910) маржинализмнинг *Лозанна* (Швейцария) деб аталувчи мактаби асосчиси ҳисобланади. Унга кейинчалик *Парето*, Италиядан *Бороне*, швециялик *Кассель*, америкалик *Леонтьев* ва бошқалар қўшилди. Л.Вальраснинг «**Соф иқтисодий фан элементлари**» (1874) асари иқтисодиёт билимлари оламида математиканинг шахдам қадамларига асос солди. Шу сабабли у математик мактабнинг давомчиси ҳамдир. Ҳар қандай иқтисодий таҳлилни математик изоҳлашга интилиш бу мактаб ва унинг издошларининг ҳарактерли хусусияти ҳисобланади. Вальраснинг фикрича, ҳар қандай иқтисодий назарияни фақат математика асосида қисқа, аниқ ва очиқ исботлаш мумкин. Унинг ўзи математикани яхши билган ва Курнони ўзининг устози деб ҳисоблаган ҳолда ундан илҳомланган.

Кейинчалик «*энг юқори фойдалилик*» (наф) деб аталган тушунчани Л.Вальрас «*ноёблик*» (*rarete*) деб изоҳлайди. Буни у миқдор истеъмолнинг камаювчи функциясидир деб ифодалайди (яъни бирор ноз-неъматнинг истеъмол сони ошиши билан унинг ноёблик миқдорининг кўрсаткичи тобора пасаяди). Л.Вальрас шуни аниқладики, энг юқори фойдалилик - бу истеъмолчи томонидан (мазкур даромад доирасида) сарфланаётган маблағларнинг сўнгги порциялари

(улуши) унинг учун истеъмол қилинаётган барча ноз-неъматлардан бир хил қониқиш ҳосил қилишидир. Шу билан бирга истеъмолчи **А** неъмат **Б** неъматдан қимматлироқ эканлигини ўзи белгилайди. Масалан, унга пайпоқ галстукдан, гўшт пайпоқдан қимматлироқдир ва ҳоказо. Бошқача қилиб айтганда, истеъмолчи ўзининг белгиланган даромадини галстукка нисбатан пайпоққа тезроқ, пайпоққа нисбатан гўштга тезроқ сарфлайди. Мана шундай турли-туман эҳтиёж бўлганлиги туфайли, истеъмолчи ҳар бир неъматдан шундай миқдорда ҳарид қиладики, сўнгги жуфт пайпоқ, охирги галстўқва сўнгги нимта гўштдан бир хил қониқиш ҳосил бўлади. Фақат шундагина барча сотиб олинган нарсалар унга максимал умумий қониқишни пайдо қилади. Л.Вальрас ҳамма истеъмолчилар ўз эҳтиёжларини коniқтиришда максимумга эга бўлсалар (юқорида айтилганларнинг ҳаммасини, шунингдек ҳар бирининг чекланган даромадини ҳисобга олган ҳолда) иқтисодий мувозанат юзага келади. деб ҳисоблайди. У бундан умумий бозор мувозанати нима эканлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишга муҳим қадам қўяди. Гап шундаки, ҳар бир истеъмолчи ва ҳар бир ишлаб чиқарувчи (ҳар бир ҳаридор ва сотувчи) ўз шерикларидан ва иқтисодиётда рўй бераётган барча жараёнлардан тўла ажралган ҳолда ҳаракат қила олмайди. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётда ҳамма нарсалар, барча жараёнлар ўзаро боғлиқ. Ҳар бир баҳолаш бошқа баҳоларга боғлиқ, аммо у ҳам бошқаларга таъсир этади. Бунга ҳаётда мисоллар бисёр. Масалан, мамлакатнинг бирор ҳудудида қишлоқ хўжалигининг ортда қолиши шу мамлакат пайтахтида заргарлик буюмларига талабнинг ошувига олиб келиши мумкин.

Иқтисодчилар икки хил ўзаро боғлиқликни ажратадилар: ўзаро алмашинув ва ўзаро тўлдириш. Уларнинг ҳар бири талаб соҳасида ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида қайд этилиши мумкин. Ўзаро алмашинувга оид мисоллар истеъмол товарларида кўп учрайди: плашч ва зонт, пиво ва кока-кола, қўй гўшти ва товуқ гўшти, қанд ва шакар... Ишлаб чиқариш соҳасида: ғишт ва бетон, пахта толаси ва синтетик тола, кўмир ва газ... Ўзаро алмашинув ҳар доим ҳам тўла-тўкис бўлавермайди, шунинг учун одатда товарларнинг бири иккинчисига нисбатан афзалроқ бўлади (ҳаммаси ҳаридорнинг берадиган баҳосига боғлиқ). Бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ноз-неъматларни одатда одамлар биргаликда истеъмол этишни истайдилар ёки шунга мажбур бўладилар. Масалан, кўйлак ва галстук, видеомагнитофон ва видеокассеталар, нина ва ип, автомобиль ва бензин ва шу кабилар. Ишлаб чиқариш соҳасида ҳам бундай мисоллар кўп: станок ва электрэнергия, исталган материаллар ва унга керакли асбоб-ускуналар ва ҳоказолар.

Меҳнат ва машиналар айрим ҳолатда ўзаро алмашинувчи ресурслар сифатида, бошқа ҳолатларда ўзаро тўлдирувчи бўлиб келиши мумкин. Худди шу фикрни меҳнат, капитал ва ерга қўллаш мумкин. Классик мактаб вакиллари уч ресурс, яъни меҳнат, ер ва капитални фақат ўзаро тўлдирувчилар деб ҳисоблашган. Неоклассиклар (Тюнендан бошлаб) эса уларни маълум даражада ўзаро алмашувчи деб қарай бошлашган. Иқтисодчилар ана шу икки типдаги боғлиқликни аниқлашнинг аниқ йўлларини ишлаб чиқдилар. Истеъмолчининг даромади ўзгармас деб ҳисобланганда товарларга у ёки бу типдаги боғлиқлик бошқа товарнинг нархи ўзгарганда бу товарга бўлган талабнинг ўзгаришига мослиги билан аниқланади. Агар бир товарнинг нархи пасайса ва иккинчи товарга талаб камайса, демак уларнинг иккаласи ўзаро алмашинувга қодир ҳисобланади. Масалан, гўштга нарх пасайса, макаронга талаб камаяди. Агар бир товарга бўлган нарх пасайиши иккинчи товарга бўлган талабнинг ортишига сабаб бўлса, демак бу

товарлар ўзаро бир-бирини тўлдирувчилар ҳисобланади. Масалан, электрэнергияга бўлган тарифнинг камайиши электрочангсўрғичларга бўлган талабни ошириши мумкин ва ҳоказо.

Амалда товарларнинг ўзаро алмашиниши юқорида келтирилган мисоллардагидан анча кенгдир. Бу ҳар доим истеъмолчи сотиб олиш фондини унинг даромади чекланганлигидан келиб чиқади. Истеъмолчи ҳар доим танлашга муҳтож, чунки у ўз даромадини имкони борича максимал умумий фойдалиликка эга бўлиш учун сарфлаши керак. Инфляция шароитида аҳолининг даромади қадрсизланиб боради. Бу шароитда шуни кўзатиш мумкинки, бир товар истеъмоли бошқа товар истеъмоли билан алмаштирилади. Бунда кейинги товарнинг сифати пастроқ ва аммо ҳар ҳолда талабни кониктиради.

Шулардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, агар **X** товар учун талаб (ёки таклиф)нинг ҳақиқий ишончли функциясини олишни истасак, бу функцияга фақат шу товарнинг баҳосинигина эмас, балки ҳамма товарларнинг баҳосини киритишимиз зарур. чунки биз **X** товарнинг бошқа исталган товар билан ўзаро боғланишининг қайси типда эканлигини олдиндан билмаймиз. Шу асосда Вальраснинг умумий бозор мувозанати назарияси вужудга келган. Шу асосда пайдо бўлган Вальрас тенгламаси бутун мамлакат ва унинг бутун бозорини қамраб олган. Масалани соддалаштириш мақсадида экспорт ва импорт йўқ деб фараз қилинади. Бу хаёлий (Робинзон каби) оролда бир эмас, иккита ёввойи одам мавжуд. Уларнинг бирида маис (маккажўхори), иккинчисида ўтин бор. Лекин ҳар бирига ҳам у, ҳам бу керак. Улар беихтиёр бир-бири билан савдолашишга муҳтож бўлади. Ҳар бири камроқ бериб, кўпроқ олишга интилади. Бир томон маълум миқдордаги маис учун максимум ўтин олишга, иккинчи томон ҳам ўз навбатида маълум миқдордаги ўтин учун максимум маис олишга интилади. Аммо биринчи томонга беш боғ ўтин олиш тўрт миқдор маис беришдан муҳимроқдир (чунки унда маис бор, лекин ўтин йўқ) ва аксинча. Оқибатда бу алмашинув иккала томон учун ҳам фойдалидир. Чунки уларнинг ҳар бири кўпроқ оляпман деб ҳисоблайди.

Вақт ўтиши билан оролда муҳим ўзгаришлар рўй беради. Робинзонлар заҳираларнинг яқин орада тугашини тушуниб етдилар. Энди улар ишлаб чиқаришни бошлаши керак, деган қарорга келадилар. Эски, фалокатга учраган кемадан белкурак ва болтага ўхшаш асбоблар топилади. Улар ишга солинади. Меҳнат тақсимоти туфайли уларнинг бири маис етиштиради, иккинчиси эса ўтин еришга тушади. Бартер савдо давом этаверади. Кунлардан бир кун оролда учинчи киши пайдо бўлади. У маълум вақт меҳмон сифатида яшайди, аммо текин кун кўриш мумкин эмас, бозор қонунлари жиддий. Нима қилмоқ керак? Учинчи киши биринчидан озроқ маис ва иккинчисидан озроқ ўтинни қарзга олади ва виски ишлаб чиқаришни бошлаб юборади (қанақа аппаратдан олиши тижорат сири). Шундай қилиб, учинчи шахсда ўз қарзларидан қутулиш имконияти, яъни дон ва ўтин учун тўлов имкони пайдо бўлди. Хўш бу ҳолатда баҳолар қандай шаклланади? Бу кўринишда уч хил товар ва икки хил ишлаб чиқариш омили ер ва меҳнат бўлган иқтисодиётга эга бўлдик (оролдагилар қўлида ишлаб чиқариш инвентари капитал категориясига киради). Аммо унинг баҳоси пастлиги сабабли эътиборга олинмади). Робинзонлар иккита бўлганда баҳолар мувозанати биринчи ва иккинчи товарнинг чекланган фойдалилиги даражасида бўлган. Энди шароит ўзгарди. Биринчидан, уларнинг сони ортди. Ўтин тайёрловчининг талаби доннинг чегараланган эҳтиёжидан ташқари унинг вискига бўлган талабига боғлиқ. У ўз маҳсулотининг бир қисмини қувонч бағишловчи ичимликка алмашув туфайли маис олишга камроқ ўтин билан қолади. Бунда ҳар бир боғ ўтиннинг фойдалилик

даражаси пасаяди. Худди шу фикрни бошқа Робинзонларга ҳам қўллаш мумкин. Алмашувнинг уч кўриниши мавжуд бўлади: 1. Маис ўтинга; 2. Маис вискига. 3. Ўтин вискига. Ҳар бир иштирокчиларнинг товари талаб функцияси ва ўз товарининг таклиф функцияси бор. Шундай қилиб, биз олтита талаб функцияси ва учта таклиф функциясига эга бўламиз, уларнинг ҳар бири бошқаларнинг ҳаммасига боғлиқ.

Иккинчидан: энди ишлаб чиқариш ресурслари (меҳнат ва ер ҳисобга олинади. Бу ерда шундай фикр юритиш мумкинки, маис эгаси 20 ўлчов донга бир кружка виска олади, дейлик. У маисни қанча кўп етиштирса, шунча кўп виски олади. Бунинг учун у экин майдонини кенгайтиради ва кўп ҳосил олади, аммо унинг маҳсулотининг баҳоси камайиб кетади ва бир кружка виски учун 25 ўлчов дон бериши керак бўлади. Худди шундай ҳолат бошқаларда ҳам рўй бериши мумкин, аммо улардаги бу ҳолат меҳнат сарфи ҳисобига рўй беради. Нима қилмоқ керак? Бунда маҳсулотнинг шундай мувозанат миқдорини топиш керакки, унда ресурсларнинг чегаралланган сарфи маҳсулотни сотишдан олинадиган чегаралланган даромадга тенг бўлиши даркор. Бунда яна бир ҳолат қайд этилиши мумкин. Янги Робинзон маккорлик билан кўпроқ маис олиб, заҳираси ҳисобига ўтин олиш комбинациясини ўйлаши ҳам мумкин (маис эгасидан вақтинча ҳеч нарса олмайди). Бунда рақобат пайдо бўлади. Ўтин эгаси маисни кимдан олишни (алмашувни) ўйлаб кўради. Албатта, бунинг учун виски эгаси аввалроқ кўпроқ меҳнат сарфлаши керак бўлади. Аммо деҳқон виски эгасининг фаолиятини тўғри баҳолаб, доннинг бир қисмини заҳирага қўя бошлайди. Вискининг баҳоси пасаяди ва меҳнат кўпроқ сарфланган бўлади.

Албатта, бу мисолда ресурслар баҳоси ҳисобга олинмаган. Ҳақиқий иқтисодиёт ҳақида гап борганда ер баҳоси рента меҳнат баҳоси иш ҳақи билан ифодаланади. Охир-оқибатда Вальрас қонуни юзага келади, унингча бозор мувозанати шароитида умумий талаб умумий таклифга тенгдир; бошқача айтганда умумий даромадлар умумий ҳаражатларга тенгдир. Бу юқорироқда айтиб ўтилган Сэй (бозорлар) қонунини эслатади. Фарқ шундан иборатки, Сэй бўйича маҳсулотлар маҳсулотларга алмашади, деб айтилган бўлса, Вальрас товарлар рўйхатига истеъмол неъматлари ва ишлаб чиқариш омилларинигина эмас, балки пулларни ҳам киритди.

Пареттонинг оптимум тўғрисидаги назарияси

Вильфредо Парето (1848-1923) иқтисодий таълимотнинг неоклассик йўналишини давом эттирган йирик итальян вакили ҳисобланади, у маржинализмнинг «Лозанна мактаби» анаъналарига содиқ эди. Бу олимни иқтисодиёт билан бирга сиёсат ва социология соҳалари ҳам қизиқтирган, бу унинг ёзган асарларидан маълум. Паретонинг асосий асарлари: икки жилдли «Сиёсий иқтисод курси» (1898), «Сиёсий иқтисод таълимоти» (1906) ва «Умумий социология бўйича рисола» (1916).

Паретонинг иқтисодий тадқиқотларида Л.Вальрас, О.Курно, Ф.Эдтуорт ва бошқа олимларнинг ғоялари таъсири катта бўлган. 1892 йил Л.Вальрас Лозанна университетидаги кафедра мудирлигини В.Паретога топширади ва шу даргоҳда юқорида кўрсатилган асарлар яратилди. В.Парето В.Вальрас каби умумий иқтисодий мувозанат муаммолари тадқиқотига катта аҳамият берди, бунда маржинализмнинг иқтисодий таҳлил ғоялари амал қилинади. Шу билан бирга Парето иқтисодиётда мувозанатнинг шарт-шароитлари ва омилларини ўрганишда сифат жиҳатидан янги принципларни илгари суриб, неоклассик иқтисодий ғояларни янги «иккинчи тўлқини»ни бошлаб берди. Булар қуйидагиларда намоён

бўлади.

В.Парето функционал ёндашув асосида алмашувнинг бирдан бир сабаби нафлик (эҳтиёж) деган қоидадан воз кечиб, иқтисодий тизимни бутунлигича изоҳлашга ўтди, бунда талаб (истеъмол) ва таклиф иқтисодиётда мувозанат элементлари сифатида қаралади. Шу билан бирга, «соф» иқтисодий назарияга асосланиб, даромадлар тенгсизлиги уларни синфлар ўртасида тақсимлаш билан боғлиқлигини инкор этади.

Л.Вальраснинг умумий иқтисодий мувозанат моделида шу мувозанатга эришувнинг мезони нафликнинг максимуми (уни ҳисоблаш мумкин эмас) деб ҳисобланган бўлса, Паретода бу мезон бошқасига, яъни конкрет индивиднинг афзал кўриш нисбати ўлчови баҳосига алмаштирилади.

Деярли қирқ йилдан сўнг (1959) В.В.Леонтьев бу муаммони долзарблиги пасаймаётганлиги туфайли, бу соҳада учта позиция 1954 й. эълон қилинган бўлиб, унда истеъмолчиларнинг товарларни танлашда ўзини қандай тутишини кузатиш орқали объектив информация манбаи нафлик функцияси шаклида бўлади, уларнинг кўп сонли турли даражаларини солиштириш реал процедура (иш тартиби) дир.

М.Блауг фикрича, агар нафликни миқдорий ўлчаш имкони бўлмаса, эски энг юқори нафлик назариясидан воз кечиш заруратини сезилади ва аниқланган афзаллик методига тўла ўтиш керак.

Парето тадқиқот мақсадида «бефарқлик эгри чизиқлари»дан фойдаланиб маълум неъмат, миқдори, худди шунингдек бошқа барча ресурслар миқдорига боғлиқ равишда истеъмолчининг қайси неъматини танлаш масаласини кўриб чиқади. Товарлар нафлиги суммаси турли комбинацияларда бўлади ва бир комбинациянинг бошқасидан устунлигини белгилаш керак. Натижада олимнинг уч ўлчовли диаграммалари пайдо бўлди, бу диаграмма асос (ўн) ларида истеъмолчи қўлида бу ёки бошқа неъматларнинг турлича миқдори кўрсатилади.

Парето нафликнинг анъанавий миқдорий ўлчашг усулларидан воз кечиб, «ижтимоий максимал нафлик» тушунчасини изоҳлаб беради, бу тушунча ҳозирги даврда «Парето оптимуми» деб номланади. Бу тушунча шундай ўзгаришларга баҳо бериш учун фойдаланиладики, унда барчанинг фаровонлиги ё яхшиланади, ёки бозорнинг бирор одам ўз аҳволини бошқа одамнинг аҳволини ёмонлаштирмасдан яхшилай олмайди.

Бу товар ва ресурсларининг энг яхши тақсимотини хакартерлайди. Кейинчалик умумий бозор мувозанати бозорнинг Парето оптимал ҳолати эканлиги исботлаб берилди. Хўш, бу нима дегани? Бу бозор иштирокчиларининг ҳаммаси ўз фойдаси учун интилиб, ўзаро манфаат ва фойдалар мувозанатига эришишидир. Бунда сумлар қониқиш (умумий фойдалилик) функцияси ўз максимумига етади. Бошқача қилиб айтганда, А.Смит томонидан илгари сурилган машҳур «кўринмас қўл» тўғрисидаги ғоялар амалиёт исботлаб берилган.

XIX аср охири - XX аср бошларида Лозанна университети профессори Л.Вальрас капиталистик иқтисодиётнинг «умумий иқтисодий мувозанати» моделини қурди. Бу йўналиш Вальрас ишининг давомчиси, итальян олими **Вильфредо Парето** (1848-1923) томонидан кенг ривожлантирилди. У «энг юқори наф» назариясини ҳал этиш, истеъмол неъматларининг нафи (фойдалилиги)ни ҳисоблаш учун ҳаракат қилди ва математик усуллардан кенг фойдаланди. Парето ўз таҳлили асосига даромад миқдори ва товарлар баҳосини қўйди.

Истеъмол неъматлари тўплами турлича бўлиши табиий. Шу сабабли Парето «идеал мувозанат» схемасини олади, бунда автоматик равишда пайдо бўладиган

«хусусий мувозанат» ҳар бир истеъмолчининг оптимал танловидан вужудга келади. Бу усул билан Парето «энг юқори наф» назариясини боши берк кўчадан олиб чиқа олмади, лекин унинг «афзал кўриш» ва «лоқайдлик эгри чизиқлари» назариясидан эконометрик тадқиқотларда фойдаланиб келинмоқда. У Вальраснинг умумий иқтисодий мувозанат назариясини такомиллаштиришга ҳаракат қилди. У устозидан фарқли равишда ишлаб чиқариш функциясининг маҳсулот чиқариш ҳажмига боғлиқлиги коэффициентининг ўзгариши мумкинлигини тан олган. «Парето оптимум»ида аҳоли даромадларининг тақсимланиш гиперболасининг тенгламаси берилади (1897).

Фойдалилик (наф) функциясини топиш учун неъматлар тўплами афзаллиги концепцияси Жон фон Нейман томонидан янада ривожлантирилди. У ўйин назариясига асосланиб, индивидуумнинг максимум ютуққа интилиши шароитидан келиб чиқиб, истеъмолчининг ўзини тутиш моделини ишлаб чиқди. Бунда неъматлар фойдалилиги концепцияси психологик талабни қондириш мезонлари билан боғлаб ўрганилади.

Л.Вальрас фарқли В.Парето моделида фақат эркин рақобат иқтисодиётигина таҳлил этилмайди, турли типдаги монопол бозорлар ҳам қараб чиқилади, бу тадқиқотлар XX асрнинг ўрталаридагина алоҳида тадқиқот предметига айланди. Улар таҳлилнинг янги икки бошқа йўналиши билан бирлашиб кетди: 1) бозор механизми назарияси; 2) фирма ва уй хўжалиги фаолияти таҳлили.

5. МАРЖИНАЛИСТИК ТАЪЛИМОТНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

XIX асрнинг 70-йилларида Австрия мактабининг шаклланиши иқтисодиёт фанида катта воқеа бўлди. Унинг назариётчилари фанда маржинализм деб ном олган иқтисодий назарияни илмий асослаб бердилар. Бу назария қоидалари классик иқтисодий мактабдан шу даражада фарқ қилардики, у айрим ҳолларда фандаги тўнтариш деб ҳам баҳоланади. Янгича йўналишни таклиф қилган иқтисодчилар товарлар (неъматлар) қимматини унга бўлган субъектив муносабатлар билан аниқладилар. Ҳар қандай неъматлар кишиларнинг талабини қаноатлантириши даражасига қараб, фойдалилик касб этиши мумкиндир. «Фойдалилик» ва «қиммат» категориялари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, ҳар қандай неъмат фойдалидир, лекин у қимматли бўлмаслиги ҳам мумкиндир. Фойдали бўлган неъматларгина маълум даражада қимматли бўладилар. Фойдалилик ва қимматлик категорияларини ажратиб кўрсатиш билан бирга маржиналистлар қийматнинг меҳнат назариясини бўтунлай инкор этдилар. Улар бозорлардаги иқтисодий неъматларнинг нархини унга сарф бўлган меҳнат ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан эмас, балки истеъмолчининг субъектив равишда бу неъмат қимматини белгилашида ўз ўрнини топади, деб ҳисоблайдилар. «Энг юқори фойдалилик» назарияси ўта субъективлиги учун тартибсизлиги ва тўла исботланган фактлардан кенг фойдаланганлиги учун кўп марта ҳақли танқид қилинди. Лекин ҳозирги замон иқтисодий таълимотларида Австрия мактабининг ғояларида айниқса микроэкономика бўлимида кенг фойдаланиб келинмоқда. Чунки бу назариянинг устун томони шу билан белгиланадики, унда нафақат ҳаражатларнинг ҳисоби, балки ишлаб чиқариш ва муомаланинг натижалари тўлиқ инобатга олинади.

Маржинализм инқилоби тўғрисида гап борганда Австрия мактаби қатори Лозанна мактабини ҳам алоҳида таъкидлашимиз зарурдир. Бу мактаб асосчилари

маржиналистик ғояларни қўллаган ҳолда унинг қисқа, очиқ ва аниқ математик ифодасини топишга ҳаракат қилдилар. Вальрас фойдалилик ўрнига ноёблик тушунчасини киритди ва миқдор истеъмолининг камаювчи функциясини таклиф этди. Умумий бозор мувозанати назариясини ишлаб чиқди ва унинг тенгламасини яратди, иқтисодиёт ва математикани бир-бирига чамбарчас боғлади. Вальрас қонуни бўйича, бозор мувозанати шароитида умумий талаб умумий таклифга тенгдир. Агар Вальрас бозор мувозанати масаласини қўйган ва унинг қачонлардир ечилишини башорат қилган бўлса, В.Парето бу муаммони ҳал этишга муҳим ҳисса қўшди ва тартибли фойдалилик тушунчасини киритди. В.Парето оптимал ҳолати (еки Парето оптимуми) бу бозор иштирокчиларининг ҳаммаси ўз фойдаси учун интилиб, ўзаро манфаат ва фойдалар мувозанатига эришмоқдалар.

ХУЛОСА

Х1Х асрнинг 70-йилларидан бошлаб иқтисодий таълимотларда принципиал янги йўналиш - *маржинализм* ғоялари устундир, авалги классик мактаб вакилларининг фикрлари кескин танқидга учради, чунки амалий иқтисодиётда ўзгаришлар рўй берди. ХХ асрнинг бошларида эса неоклассик (яъни янги классик) ғоялари шакллана бошлади, бу маржинализм ғоялари ривожининг 2-босқичи деб қаралиши мумкин. «*Сиёсий иқтисод*» дан анча фарқ қилувчи *«Экономикс»* тушунчаси киритилади ва иқтисодиётга ёндошув кескин ўзгарди.

Неоклассик йўналишнинг асосий мафкурачиси А.Маршалл ҳисобланади, у «Экономикс» иборасини биринчи бўлиб муомалага киритди. Иқтисодиёт фанинг асосий вазифасини «инсониятнинг нормал ҳаёт фаолияти тўғрисидаги таълимот» деб баҳолайди.

Классик мактабнинг принципиал ғоялари ҳимоя қилинади (эркин баҳо, рақобат, давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги ва б.), аммо унга маржиналистик қоидалар қўлланилади. Қиммат ва баҳо шаклланиши ниҳоятда оригинал равишда кўрсатиб берилган, «қайчи тиғи» эффекти муҳимдир. Талаб ва таклиф чизиқларининг кесишган жойида баҳо аниқланиши, «Маршалл ҳочи» ниҳоятда катта аҳамиятга эга ва ҳозир бу қоида доимо қўлланилади.

«Истеъмол ортиқчалиги», мўтадил баҳо, талабнинг эластиклиги, «репризентатив фирма» тўғрисидаги ғоялар фундаментал аҳамиятга эга.

Америкалик Ж.Б.Кларкнинг қарашларида фаннинг асосий предмети «жамиятнинг барча даромадларини турли шаклдаги даромадларга ажратишдан иборат» деб қаралади.

Фанни статика ва динамикага ажратади, «энг юқори (чегаравий) меҳнат унумдорлиги қонуни»ни киритади.

Италиялик В.Парето иқтисодиётда умумий мувозанат муаммолар тадқиқотига эътибор беради. Математик аппаратдан унумли фойдаланиб, «бефарқлик эгри чизиғи» ни яратди.

Таянч тушунча ва иборалар

Маржинализм; энг юқори (чегаравий) наф; ноёблик; экономикс; субъектив-психологик; иқтисодий либерализм; робинзонада усули; субъектив; спекуляция; неоклассика; А. Маршалл; «экономикс»; баҳо, талаб, таклиф; талаб эластиклиги; «Маршалл ҳочи»; «истеъмол ортиқчалиги»; «репрезентатив фирма»; Ж.Б.Кларк; «чегаравий нафлик»; «энг юқори унумдорлик»; статика ва динамика; В.Парето;

«бефарқлик эгри чизиқлари»; «Парето оптимуми».

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида вужудга келган иқтисодий таълимотларга хос хусусиятлар нимадан иборат?
2. XIX асрнинг 70-йилларида шаклланган қайси назарий мактабларни биласиз?
3. Бу даврда янгича илмий таҳлилни майдонга ташлаган олимлар кимлар?
4. Австрия мактабининг асосчилари кимлар?
5. Маржинализмнинг иқтисодиёт фанида тутган ўрни ҳақида айтиб беринг.
6. К.Менгер, Е.Бём-Баверк ва В.Физернинг асосий асарлари қайсилар?
7. У.Жевонснинг иқтисодий мавзудаги асосий асарларини айтиб беринг.
8. Л.Вальраснинг иқтисодий ғоясига қандай тушунчалар асос қилиб олинган? Миқдор истеъмолининг камаювчи функциясини изоҳлаб беринг.
9. Бозорнинг иқтисодий мувозанати нимани англатади?
10. Л.Вальрас қонунини изоҳлаб беринг.
11. А.Маршалл бўйича бозор баҳоси нима?
12. Баҳо, талаб ва таклиф ўртасидаги боғланиш қандай?
13. Таклиф эластиклиги деганда нима тушунилади?
14. «Маршалл ҳочи»нинг мазмунини изоҳлаб беринг?
15. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши ва нисбий ишлаб чиқариш ҳаражатлари ўртасидаги боғланиш нима?
16. Доимий ва ўзгарувчи ҳаражатларни изоҳланг.
17. Ж.Б.Кларкнинг статик ва динамик иқтисодиёт тўғрисидаги ғоялари нимани англатади?
18. «Энг юқори унумдорлик қонуни»нинг асосий хусусиятлари.
19. В.Паретонинг умумий иқтисодий мувозанат концепцияси моҳияти нимадан иборат?
20. Нафликни максимум қилиш учун нима асос қилиб олинган?
21. В.Паретонинг «бефарқлик эгри чизиқлари» нимани билдиради?
22. Парето оптимумини изоҳланг?

Адабиёт

Асосий адабиёт

Иқтисмодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т., Молия, 2002 (14-15- боблар)
Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., ТМИ. 2003

Қўшимча адабиёт

1. Войтов М. История экономических учений. Краткий курс. Учебное пособие. М., 2001
2. Марк Блауг. Экономическая мысль в ретроспективе. М., 1996
3. Ядгаров Я.С. История экономических учений. Учебник для вузов. М., 2002
4. Ядгаров Я.С. История экономических учений. Учебник для вузов. М., 2009
5. Квасова А.С. История экономических учений. Учебник для вузов. М., 2002
6. Бартенев С.А. История экономических учений в вопросах и ответах. Учебно-методическое пособие. М., 2002

7 - Мавзу. Ҳозирги замон иқтисодий таълимотларининг асосий йўналишлари

(2 соат)

Режа

1. Ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий хусусиятлари
2. Институционализм йўналиши
3. Номукаммал бозор таълимотлари
4. Монетаризм ва неолиберализм эволюцияси

1. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Биринчи навбатда «ҳозирги замон» тушунчасига аниқлик киритиш керак. Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, XIX аср охирларида вужудга келган иқтисодий ғоя, таълимот ва концепциялар ҳозирги замонники деб тан олинади.

Бу изоҳда мантиқ бор, албатта, чунки ўша даврда юзага келган иқтисодий ғоялар кейинги иқтисодий қарашлар учун таянч, асос ролини ўйнайди. Аммо бу изоҳнинг чекланганлигини ҳам айтиш керак, негаки XX асрнинг ўрталари, айниқса иккинчи Жаҳон урушидан кейин иқтисодий таълимотлар бир қанча янги қараш, ғоя, концепция ва назариялар билан бойиди, уларни ҳам албатта «ҳозирги замон» иқтисодий ғояларига киритиш табиийдир, аммо уларнинг эволюцияси рўй берган.

Шу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, иқтисодий таълимотларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожи доимо тарихан диалектик равишда рўй бермоқда. Тарихнинг гувоҳлик беришича, маълум даврда юзага келган у ёки бу таълимот вақт ва шароит тақозоси билан доим эволюцияда, ривожланишда бўлади. Масалан, XVIII асрнинг иккинчи ярмида тўла шаклланган классик иқтисодий мактаб бозор иқтисодиётининг асосий хусусиятларини таърифлаб берган, аммо бу мактабнинг асосий қоидалари, умумий йўналиши сақланган ҳолда, уларнинг амалда намоён бўлиши турли давр ва давлатларда ниҳоятда хилма-хилдир.

XX асрнинг 50-60- йиллари, айниқса кейинги пайтларда жаҳондаги бир қанча аввалдан ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Франция, Италия, Канада ва бошқа Европа И**ттифоқи** давлатлари...) қаторига янги-янги давлатлар келиб қўшилмоқда, айниқса Япония, Туркия ва янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ) «тўрт аждаҳо»: Корея Республикаси, Тайвань, Сингапур ва Гонконг (Сянган) ҳамда шулар ривожига яқинлашаётган Малайзия, Филиппин, Таиланд каби давлатлар сони ортиб бормоқда.

Илгарилари дам-бадам бўлиб турадиган инқирозлар сони ва кўлами кескин камайди. Аммо йўқолган эмас, бу нисбийютуқлар бир томондан илмий техника инқилоби натижаларидан омилкорлик билан фойдаланилганлиги ва иккинчидан аҳоли ижтимоий талабларини тўлароқ қондириш билан боғлиқ бўлган таълимотлар қўлланилаётганлигидир, оқибатда кўпчилик мамлакатларда иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ҳукм сурмоқда. Аммо капитализм йўлини танлаб олган, бозор иқтисодиётидан фойдаланаётган юзлаб қолоқ давлатлар борлигини ҳам инкор этиш мумкин эмас. Демак, иқтисодий ривожланишнинг яна бошқа омиллари ҳам бўлса керакки (иқтисодий концепция, сиёсат...), улардан самарали фойдаланаётган давлатлар (уларнинг сони 20-25 та) жаҳон иқтисодиётида

ютуқларга эришмоқдалар. Шу тажрибани ўрганиш ва амалиётда фойдаланиш ҳаётий заруриятга айланди.

Кўриниб турибдики, ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари тобора чуқурлашиб, назарий масалалар ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб бормоқда.

Худди шунингдек, иқтисодиёт фани учун иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш, программалаштириш ва моделлаштириш, электрон-ҳисоб машиналар, компьютерлар, информатика ва кибернетикадан фойдаланиш асосида кенг шакллантириш иқтисодий сиёсат масалаларига тобора яқинлашиб бормоқда ва ҳозирги давр ишлаб чиқаришни бошқариш тизимларида уларнинг аҳамияти кескин ўсиб бормоқда, шунга оид иқтисодий тадқиқот ва таълимотлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Биз юқорида келтирган иқтисодий таълимотлар доимо ривожланишда бўлиб, уларнинг ҳеч бири соф ҳолда бирор бир мамлакатда қўлланилмайди. Амалиётда бу мавжуд иқтисодий таълимотлар, уларнинг турли оқимлари, мактабларнинг қоришмалари қўлланилади.

Ҳозирги замон иқтисодий таълимотларининг асосан уч йўналишини ажратиш мумкин:

1. Неоклассик (янги классик).
2. Ижтимоий-институционал.
3. Кейнсчилик.

Иқтисодиётда бир қанча офатлар, хусусан, оммавий ишсизлик ва инфляция ижтимоий-иқтисодий ривожланишда асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қандай қилиб аҳолонинг мўътадил ва тўла бандлигини, реал даромадлар Ўсишини таъминлаш мумкин деган саволлар ҳаммани, иқтисодиёт фани ноёндоларини ҳам қизиқтириб келмоқда. Айниқса инқирозсиз иқтисодий циклнинг сирлари нимани муҳимдир.

Бу ва бошқа масалалар билан неоклассик синтез йўналиши шуғулланиб, унда классик иқтисодий таълимот томонидан илгари аниқланган ҳақиқат ва қоидалар ҳозирги даврдаги даромадлар шаклланиши назариялари билан синтез қилинади. Бу соҳада баракали ижод этган П.Самуэльсон фикрича, «неоклассик синтез» - бу аслида ҳозирги некейнс ва неолиберал қоида ва «ҳақиқат» ларнинг илк неоклассик ғоялар билан, шунингдек классик мактабнинг айрим постўлатлари ва аввало ҳозирги давридаги даромадлар шаклланиши назариялари билан бирлаштириб қарашидир.

Бу янги ғоянинг пайдо бўлиши билан иқтисодий таҳлилда аралаш шаклдаги қарашлар устундир, иқтисодиётни тартибга солишнинг турли шакллари таклиф этилади. Ҳозирги даврда иқтисодиётни макроиқтисодий тартибга солишда асосан учта таълимот қарашлари ситбиозм (қаришмаси) иштирок этади. Булар 1) турли модификациядаги кейнсчилик таълимотлари, 2) таклиф иқтисодиёти назариялари ва 3) монетаризм. Кейнсчилик қарашларида асосан давлатнинг иқтисодиётга фаол иштироки кенг тарғиб этилади. Бунда конъюнктуранинг ўзгариши билан ишлаб чиқаришнинг юқори даражасини таъминлаш, иш билан бандлик, циклик ривожланишни юмшатиш асос қилиб олинади. Бунда асосий эътибор давлат бьджетига қаратилади, шу йўл билан тўлов имкониятларига талаб тўғридан- тўғри тартибга солинади. Монетаристлар фикрича эса иқтисодий ҳаётга умуман аралашмаслик принципи қўллаб-қувватланади.

Айрим фикрлар бўйича неоклассик синтез фақат иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнигина эмас, балки умумий иқтисодий мувозанатни моделлаштиришни ҳам ўз ичига олади. Айрим олимларнинг айтишича

(А.Б.Аникин) Самуэльсоннинг неклассик синтези аввало классик микроиқтисодиётни янги макроиқтисодиёт билан қўшилиши деб қаралади. Юқорида келтирилган қарашларни уч қисмга бўлиш мумкин: уларнинг биринчиси иқтисодиётда тўла бандликни таъминлаш ва бу принципини эркин бозор иқтисодиёти элементлари билан биргаликда (иқтисодий либерализм) шунингдек, эркин бозор стихиясини чегароловчи Кейнсчилик концепцияси элементлари ҳам қўлланилиши мумкин. Айниқса, давлат сиёсатида Фискал ва пул-кредит тизимлари ҳамда «ишсизликнинг табиий нормаси» (М.Фридмен) концепциясидаги антиинфляцион имкониятлар, ҳамда Эрҳард-Рёпкеларнинг «Ижтимоий бозор хўжалиги» принциплари биргаликда ҳаракат қилади. Иккинчи қарашларда Х1Х асрнинг охирида неоклассиклар томонидан илгари сурилган қиймат (қиммат) назариясида эски ва янги қиймат назариялари ётади, ёки ҳаражат назарияси ва энг юқори фойдалилик назарияси ётади. Бу ерда маржиналистларнинг иккинчи тўлқини вакили А. Маршалл илгари сурган ёндашув системаси тўғрисида гап бормоқда. Бу ерда В. Паретто ва бошқаларнинг баҳо, талаб ва таклиф ҳамда умумий иқтисодий мувозанат масалалари кўзда тутилади.

Учинчи қараш бўйича умумий иқтисодий мувозанатнинг ҳозирги модели бир вақтнинг ўзида макро ва микро иқтисодий тадқиқотларга асосланади. Бу тадқиқотларда аввалги соф иқтисодий назария ва мукаммал рақобат қарашлардан воз кечилади, ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳаларини бир-бирига қарама- қарши қўйилмайди. Бу қарашларда Кейнснинг «Психологик қонуни» яъни, даромадларнинг истеъмолга нисбатан тезроқ ўсиши, «Веблен Эффекти» ва бошқа ноиқтисодий омиларнинг таъсири ҳам ҳисобга олинади.

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, 1901 йилдан бошлаб физика, кимё, медийина (биология), адабиёт ва тинчликни сақлаш соҳаларида Нобель мукофоти берилиб келади. 1968 йили Швециядаги Риксбанкнинг 300 йиллиги муносабати билан ва албатта иқтисодиёт фанининг инсоният ҳаётидаги юксак ролини тан олиш ва рағбатлантириш мақсадида иқтисодиёт бўйича (олтинчи) Нобель мукофоти жорий этилди ва 1969 йилдан буён ҳар йили бериб келинмоқда. Биринчи бўлиб бу мукофот иқтисодчи - математик олимлар голландиялик Ян.Тинберген ва норвегиялик Рагнар Фришга «иқтисодий жараёнларни математик таҳлил этишда динамик моделларни ривожлантириш ва қўллаш бўйича тадқиқотлари учун» берилди (бошқа Нобель мукофотлари тўғрисидаги маълумотни А.Раззоқовнинг 2004 й. чоп этилган китобидан олиш мумкин).

1970 йилда (иккинчи бўлиб) Нобель мукофоти П.Самуэльсонга «статик ва динамик иқтисодий назарияни ривожлантирилгани ва шу билан иқтисодиёт фани таҳлилини янада юқорироқ поғонага кўтаришга ҳисса қўшган илмий иши учун» берилди. Қуйида шу иқтисодчининг иқтисодий ғоялари тўғрисида фикр юритилади.

Пол Антони Самуэльсон (1915) Чикаго университетида таълим олган (1932-1935) Гарвард олий мактабида А.Хансен, В.Леонтьев, Й.Шумперетлардан илм ўрганди. 1941 йилдан Массачусетс технологик институтида ишлай бошлади (дастлаб профессор ассистенти). Америка иқтисодий ассоциацияси (1961), Эконометрик жамият (1951). Ҳалқаро иқтисодий ассоциация (1965-1968) президенти бўлиб сайланган. Олим назариётчи бўлиш билан бирга, АҚШ президенти ёрдамчи, «Newsweek» журналида фаол иштирок ҳам эди. Биз бу олимни асосан «Экономикс» китоби муаллифи сифатида яхши таниймиз. Самуэльсоннинг бу китоби дастлаб 1948 йили чоп этилди ва 14 марта қайта нашр этилиб, ҳозирги иқтисодий таълимотларнинг асосий йўналишларидан бирини

ташкил этади.

1992 йилда бу китоб Вильям Нордхаус билан ҳаммуалифликда нашр этилди. «Экономикс» китоби «Экономика» номи билан рус тилига ағдарилди.

Маълумки, ҳозирги замон (XX аср) иқтисодий таълимотларида уч асосий: 1)неоклассик; 2) кейнсчилик ва 3) институционал йўналишлар мавжуд бўлиб, Самуэльсон шулардан биринчисининг вакили сифатида ижод этган.

Классик (мумтоз) мактаб иқтисодчилари аллақачонлар (XVIII асрда) давлат хусусий тадбиркорлар кириша олмайдиган ёки киришни хохламайдиган айрим таварларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни (масалан, миллий мудофаа соҳасига тааллуқли) унинг ўзи зиммасига олиш керак деган фикрга рози бўлганлар. Лекин шу билан бирга улар бундай иштирок жуда кам даражада бўлиши керак деб, ҳисоблар эдилар.

Самуэльсон ҳал қилишни мумтоз мактаб бозор ихтиёрига қолдиришни истаган ҳаддан ташқари кўп муаммоларга бозорнинг таъсири унчалик ўтабермаслигини сезди. Қўшмча оқибатлар, соғлиқни сақлаш, таълим , саноатнинг ифлослантириши муаммоларига талаб ва таклиф қонуни таъсир этмайди. Бинобарин, давлат иқтисодиёт учун мақсадларни аниқлашни ўз зиммасига олиши ва бу мақсадларга эришиш учун ўз кучидан фойдаланиши керак. Самуэльсон энг кам иш ҳақи тўғрисидаги қонуни даромадлар пилопоясининг энг пастида турган ишчиларга ёрдам бериш усули деб ҳисоблайди; у давлатнинг уй-жой қурилиш дастурларини молиялаштиришни ва озиқ- овқат ёрдамини қашоқликни камайтириш усули сифатида қўллаб-қувватлайди. «Экономикс» асарида тарихий-иқтисодий экскурс мавжуд бўлиб, XVIIi аср охиридаги Мальтуснинг аҳоли нуфуси назарияси эсланада; А. Смитнинг «Кўринмас қўл» ҳақидаги ғоялар таҳлил этилади. Асарда ўтган даврдаги деярли барча доктриналар қараб чиқилади (булар тўғрисида юқорида ўқишингиз мумкин).

Унинг фикрича, ҳозирги давр иқтисодчилари «неоклассик синтез»га эришиш учун самарали кредит-пул ва фискал сиёсатни Смит ва Маршаллнинг классик микроиқтисодиётини ҳозирги даромаднинг даражасини аниқлаш бўйича мавжуд макроиқтисодиёт билан бирлаштириш, иккала ёндошувдаги барча соғлом фикирларни жамлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Китобнинг дастлабки бобларида А.Смит дан ҳозирги даргача бўлган иқтисодий таълимотлар моҳияти тарихий-иқтисодий жиҳатдан қараб чиқилади. Айниқса А.Смит, Т.Мальтос, Д.Рекардо асарлари Ҳар томонлама таҳлил этилган.

Унинг фикрича 1820-1870 йиллар - 50 йил давомида иқтисодчилар ва сиёсатчилар гипноз ҳолатида бўлган, бунга асосий сабаб «саноат инқилоби» бўлиб, бир қанча ғоялар, айниқса Т.Мальтус, Д.Рикардоларнинг аҳоли ўсиши билан даромадлар пасайиши тўғрисидаги фикрлар чиппакка чиқди.

Неоклассик иқтисодиёт тўгрисида фикр юритиб XX асрнинг 70-йиллари иқтисодий қарашларда икки йўналиш пайдо бўлганлиги қайд этилади: 1) Кейнс ва кейнсчилик; 2) Маркс ғоялари. Айниқса неоклассик йўналишда математик усулларнинг кенг қўлланилиши, талаб, фойдалилик, умумий иқтисодий мувозанат масалаларининг янгича таҳлили янада илмийроқ бўлиб қолди. А.Маршалл, Ж.Б.Кларк, У.Жевонс, Л.Вальрас, В.Паретто тадқиқотларида математик элементлар «иқтисодий таҳлилнинг нозик методлари» га олиб келди. Ж.М.Кейнснинг тадқиқоти юқори баҳоланади, «Сэй қонуни» га эҳтиёж қолмади, деб ёзади П.Самуэльсон. Кейнс ва Кейнсчилар таъсирида «*аралаш иқтисодиёт»* яхши фаолият кўрсата бошлаганлиги таъкидланади. 2-жаҳон урушидан сўнг ишлаб чиқариш ниҳоятда тез ўсганлиги, аҳоли турмуш даражаси ошганлиги

таъкидланади.

Аммо, деб таъкидлайди олим, ҳали бизни тўла бандлик ва мўътадил баҳолар ўртасида танлаш имкониятидан халос қила оладиган ягона мукаммал иқтисодий сиёсат модели яратилмади.

Самуэльсон Чикаго мактаби вакиллари фаолиятига, хусусан, М.Фридменнинг монитар системасига юксак баҳо беради, чунки бу олимларда «эркин рақобат», «бозор баҳолари» асосийдир.

Олим иқтисодий тараққиётнинг омилларига баҳо бериб, уни тўрта деб ҳисоблайди:

Меҳнат ресурслари (инсон биринчи ва асосий);

Табиий ресурслар;

Капитал;

Технологиялар.

Олимнинг бу омиллари «тараққиётнинг тўрт ғилдираги» деб юритилади. Эътибор бериб қаранг, инсон роли энг юксак қўйилган. Ҳақиқатан ҳаминсон бўлмаса бошқа омиллар ишга тушмайди (масалан, Япония, ГФР ...).

Шу сабабли юқорида келтирилган Умар Хайемнинг фикри нақадар ҳаётий, ҳозиргидек жаранглаб турибди.

Ҳозирги давр иқтисодий назарияларида А.Лаффернинг солиқлар ҳажми ва ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги боғланиш таҳлил этилган. Лаффер эффекти бўйича солиқларни ошираверииш билан миллий даромад маълум миқдорига ошади, кейин пасаяди. Солиқлар миқдорини пасайтириш қисқа давр мобайнида бюджетга тушумлар камайишига олиб келса ҳам, истиқболда жамғармалар, инвестиция ва даромадлар кўпайиши туфайли бюджет тушумлари ошади. Солиқ ставкаси оптимумини етиш учун эгри чизиқ (Лаффер эгри чизиғи) чизилган. Унга кўра, солиқ ортиши билан давлат бюджетига тушумлар ортавермайди. Аксинча, шундай маълум чегара борки, ундан ортиқ солиқ ставкаси бюджетга тушумларни камайтиради, чунки юқори солиқлар хўжалик фаолиятига бўлган қизиқишни (рағбатни) камайтиради ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайишига олиб келади. Демак, маълум холларда солиқ ставкалари пасайтириш ишлаб чиқаришнинг фақат ўсишигина олиб келмасдан, бюджетга солиқ тушумларининг ўсишига ҳам олиб келади.

Бундай сиёсат Рфда 2000 йилдан бошлаб амалга оширилди, солиқ ставкалари барча учун 13% га тушурилди ва яхши натижа бермоқда.

2. ИНСТИТУТЦИОНАЛИЗМ ЙЎНАЛИШИ

XIX аср охири - XX аср бошларида оламда бўлиб ўтган аниқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли жаҳондаги мамлакатларнинг салоҳиёти кескин ўзгарди, илгари илғор бўлган давлатлар 2-ўринларга (Англия, Франция), нисбатан қолоқ бўлган давлатлар эса 1-ўринларга чиқиб олишди (АҚШ, Германия). Худди шу даврда етакчи мамлакатларда эркин рақобатга асосланган иқтисодиётдан кўпинча монополистик (моно-бир) иқтисодиётга ўтиш кучайди. Монополия кучайиши монопол фойда олишга имкон яратди ва иқтисодий ривожланишга салбий таъсир қила бошлади. Шу сабабли антимонопол чоралар қўллаш ғояси илгари сурилди, бу биринчи АҚШда рўй берди. Кейинчалик (ва ҳозирда) барча давлатлар бундай чорани қўллайдилар.

Антитрест сиёсати йўли билан иқтисодиёт устидан ижтимоий назоратнинг турлича метод (усул)лари Қулланила бошланди. Ана шу усулларнинг назарий

асослари юзага келди ва ҳозирда ҳам мавжуд.

Иқтисодий таълимотлардаги институционализм йўналиши АҚШда XX асрнинг 20-30 йилларида кенг тарқалди, аммо у анча олдин, XIX асрнинг оҳирларида вужудга келган (Т.Вебленнинг 1899й. чиққан «Бекорчи синфлар назарияси» асари билан боғлиқ). Бу йўналиш номи лотинча «instituto» - урф-одат, кўрсатма, муассаса сўзидан олинган ва капитализмнинг империализм босқичига ўтиши билан боғлиқ равишда рўй берди (саноат ва молия монополиялари, корхоналарнинг йириклашуви ва бошқалар), чунки бу давр ривожланиши эркин рақобатга асосланган аввалги давр таълимотлари билан изоҳлаш мумкин бўлмай қолди.

Бу таълимот йўналиши вакилларининг фикрича, институтлар жамият ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб ҳизмат қиладилар. Бу тушунча тагида ижтимоий ходисалар, масалан, оила, давлат, монополия, касаба уюшмалари ва бошқа муассасалар ётади, яъни жамоат руҳининг намоён бўлиши, юриш-туриш ва ўйлаш усулини халқнинг маълум гуруҳлари учун одатий, анъанавий, шунингдек ҳуқуқий, аҳлоқий ва бошқа кўринишларини ўз ичига олади. Бу йўналиш мафкурачиларининг фикрича, иқтисодий категориялар бўлган хусусий мулк, солиқ, пул, кредит, фойда, савдо ва бошқалар жамият руҳининг пайдо бўлиши шаклидир. Демак, улар объектив иқтисодий қонунланинг мавжудлигини тўла тан олмайдилар ва жамоат руҳиятининг эволюциясини таҳлил этадилар.

Институционализм маълум маънода неоклассик йўналишга муҳолифдир.

Неоклассиклар бозор иқтисодиётини ўзини-ўзи бошқара оладиган (А.Смит фикри) система деб қарасалар (соф иқтисодиёт фани), институционализм тарафдорлари иқтисодиёт ривожлинишининг ҳаракатлантирувчи кучлари моддий омиллар билан бирга тарихий контекстда қараладиган маънавий, аҳлоқий, ҳуқуқий ва бошқа омилларга ҳам боғлиқдир деб ўйлайдилар.

Демак, бу янги йўналишнинг тадқиқот предмети сифатида ижтимоий-иқтисодий, шу билан бирга ноиқтисодий муаммоларни таҳлил этиш илгари сурилади. Шу билан бирга, тадқиқот объектлари, яъни институтлар биринчи ёки иккинчи даражали деб Қаралмайди ва бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди.

Бу йўналишнинг тадқиқот усулида айрим олимлар фикрича Германияда вужудга келган тарихий мактабга катта ўхшашлик бор.

Тарихий ва ижтимоий мухит омилларининг ҳисобга олиниши тарихий мактаб билан яқинликни англатса ҳам, аммо тўла якдиллик йўқ. Янги йўналиш неоклассикларнинг маржинализм ғояларига асосланган математик ва эконометрик принципларини кенг қўллайдилар.

Институционализмга хос бўлган услубий хусусиятлар Қуйидагилардир:

1)неоклассикага хос абстракциянинг юқори даражаси ва айниқса баҳо назариясининг ортодоксал статик ҳарактеридан қониқмаслик;

2)иқтисодий назарияни бошқа ижтимоий фанлар билан интеграцияга интилиш ёки фанлараро ёндошув устуворлигига ишонч;

3)классик ва неоклассик назарияларда эмпиризм (тажрибага суяниш) етишмаслигидан норозилик, чуқур миқдорий тадқиқотлар ўтказишга чорлаш.

Бу йўналишнинг вужудга келиш, шаклланиши ва эволюциясининг маълум тарихи бор. Унинг мафкурачилари Т.Веблен, Ж.Коммонс, У.Митчелл асарларида иқтисодий цикл ва инқирозлар тарихи бўйича фактик материаллар жамланган. Бу олимлар жамият аъзолари учун хос бўлган урф-одат, анъана, одоб-аҳлоқ, инстинктларни ўрганиш билан шуғулланадилар. Уларда назарий тадқиқотдан кўра, ёзиб бориш, қайд этиш услуби ортиқроқдир.

Институционализм эволюцияси (ривожи)ни уч даврга бўлиш мумкин:

1. 20-30 йилларда институционализмнинг кенг тарқалиши. Бу даврнинг бош мафкурачиси **Т.Веблен**дир (1857-1920), уни **Ж.Р.Коммонс** (1862-1945), **У.Митчелл** (1874-1948), **Ж.Гобсон** (1858-1940), **У.Гамильтон**лар фаол ҳимоя қилдилар.

2. Урушдан кейинги кечки институционализм. Бу давр мафкурачилари иқтисодиётдаги қарама-қаршиликларни изоҳлаб бериш билан бирга Ф.Рўзвельт томонидан илгари сурилган «Янги курс» ислоҳотларини амалга ошириш бўйича тавсияномаларни ҳам илгари сурдилар. Улар демография ва антропологияни ўргандилар, ишчилар ҳаракатининг касаба уюшмалари назарияларини ишлаб чиқдилар. 50 йилларда Ж.М.Кларк «**Иқтисодий институтлар ва инсонлар фаровонлиги**», А.Берли «**Мулксиз ҳоқимият**» ва **«XX аср капиталистик инқилоби**» китобларини чоп этдилар, Г.Минз ўзининг мақолаларида акционерлар сони ортиши, капитал мулкнинг капитал функциядан ажралиш жараёнини қайд этди.

3. 60-70 йилларда ижтимоий-институционал йўналиш, яъни неоинституционализм пайдо бўлди. 60-йиллардаги институционализм асослари америкалик назариётчи А.Лоу ва швециялик иқтисодчи Г.Мюрдаль томонидан ишлаб чиқилди. Ҳозирги даврдаги ижтимоий-институционал йўналиш таълимоти Ж.К.Гэлбрейт ва Р.Хейлбронерлар томонидан давом эттирилган.

Бу йўналиш ғоялари «иқтисодий ўсиш омиллари назарияси»нинг мафкурачиси У.Ростоу, сўл кейнсчилик йўналиш (ўсиш назарияси) тарафдорлари ҳамда Жоан Робинсон асарларида ҳам ўз аксини топган. Америкалик институционализм вакиллари иқтисодий жараёнлар асосининг умумий тушунчасига эга эмаслар. Масалан, Веблен иқтисодий жараёнларни руҳшунослик, биология ва антропология билан боғланган деб ҳисобласа, Коммонс - руҳшунослик ва ҳуқуқни, Митчелл - антропология ва математик ҳисоб-китобларни устун қўяди.

Америкалик неоинституционализм назариётчилари иқтисодий жараёнларни индустрия ривожи ва технократия ролининг ўсиши билан боғламоқдалар, шунингдек бу жараёнларнинг боришини тушунтиришда жамият ижтимоий ҳаётига асосланмоқдалар. Бундай хилма-хиллик туфайли ижтимоий-институционал йўналиш ичида турли оқим ва мактаблар вужудга келди.

Институционализмдаги ана шундай учта асосий:

1. Ижтимоий-психологик;

2. Ижтимоий-ҳуқуқий;

3. Эмпирик ёки конъюнктур-статистик оқимни ажратиш мумкин. Лекин, шу билан бирга, барча йўналишлар учун хос бўлган умумийлик ҳам мавжуд. Уларнинг барчаси озми-кўпми буржуа жамиятини аҳлоқий-психологик жиҳатдан танқид остига оладилар, иқтисодиёт фанида реформистик йўлни оқлайдилар ва бу оқим олимлари буржуа жамиятини мутлоқ мақташдан четлангандирлар.

Бу йўналиш ғояларига баҳо бериб, ғарб иқтисодчилари институционализмни «Формализмга қарши ғалаён» деб қарамоқдалар, уни классик иқтисодий мактабга қарама-қарши қўймоқдалар. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши ва аввалгиларидан фарқ қилиши вақт ва шароит тақозоси туфайлидир, чунки капитализм аввалги даврдагидан кескин ўзгарди, давлат ва жамоат ташкилотлари, айниқса, касаба уюшмаларининг роли ортиб кетди. Уларни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ эди.

Иккинчи томондан бу йўналишнинг «норозилик қайфияти» «энг юқори наф назарияси»га ҳам қарши қаратилган эди. Агар бу назария микроиқтисодий таҳлил

билан шуғулланса, институционализм макроиқтисодий таҳлилни амалга оширади. «Юқори наф» вакиллари жамият асосий иқтисодий субъекти сифатида Робинзон (алоҳида индивид)ни танлашса, институционализм мафкурачилари коллектив - жамоа «психологияси»ни биринчи ўринга қўядилар. Улар «юқори наф» назариясига қарши чиқиб, жамиятнинг стихияли ривожи ўрнига ишлаб чиқаришни бошқаришда ижтимоий тадбирлар қўллашни афзал кўрдилар.

Бошқа мактаблардан фарқли равишда, институционализм иқтисодий ҳаётнинг баъзи ижтимоий томонларини танқидий ўрганишни асос қилиб олди, аммо давлат монополистик капитализми тизимини қўллаб-қувватлади.

Уларнинг ғояларида «Ижтимоий назорат»ни ҳимоя қилиш орқали янги шароитда иқтисодиётни тартиблашни ташкил этишни лозим деб кўрсатилади. Айниқса бу шароитда ҳуқуқий масалаларни ривожлантириш муаммоси долзарб қилиб қўйилди. Улар «эркин соҳибкорлик» ва маржинализмга қарши чиқиб, иқтисодиётда автоматик барқарорлик механизми борлигини инкор этдилар ва иқтисодий жараёнларни миқдорий таҳлил қилишнинг тарафдорлари эдилар. Кейнсдан анча аввалроқ улар давлат иқтисодиётга фаол аралашиши керак, деган фикрни илгари сурдилар.

Энди шу йўналиш тарафдорларининг айрим ғоялари билан танишиб чиқамиз.

Ижтимоий-психологик институционализмнинг асосчиси **Торстейн Веблен** ва унинг тарафдорлари иқтисодий жараёнларга психологик жиҳатдан ёндашиб, иқтисодий ривожланишнинг психологик назариясини яратишга интилдилар. Вебленнинг асосий асарлари «Бекорчи синфлар назарияси» (1899), «Моҳирлик инстинкти» (1914), «**Фаннинг ҳозирги цивилизациядаги ўрни ва бошқа очерклар**» (1919), «Муҳандислар ва баҳо тизими» (1921) ва «**Замонавий ўзгарувчи тизимлар тўғрисидаги очерклар**» (1934) китобларида жамланган. У кенг социологик тадқиқотлар олиб бориш асосида унга замондош бўлган жамиятни жуда қаттиқ танқид остига олди. Капитализм иллатлари мавжуд хусусий мулк билан тушунтирилади (социалистик йўналишни эсланг). Хусусий мулкнинг танқид қилиниши албатта буржуазия мафкурачиларини ҳам ташвишга солди. Унингча, хусусий мулк, айниқса *рантье (абсентеистик мулк*) борлиги туфайли аҳолининг маълум бир қисми паразитик ҳаёт кечиради. Шу туфайли капитализмнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўзилиб боради, айнийди. Веблен марксист бўлмаган, аммо капитализм тузумининг ярамаслигини тан олган, у ҳатто биринчи пайтларда 1917 йилдаги октябр инқилобини қўтлаган, уни мавжуд тузумни ўзгартириш керак, деган фикрнинг тасдиги деб ўйлаган. Амалда эса у капитализмни «технократик» жамиятда ислоҳотлар йўли билан «яхшилаш» усулини таклиф этади. Бу ғоялар марксизмга зид фикрлардир.

Веблен иқтисодий жараёнларни шаклланган анъаналар сифатида таҳлил этади. Ана шундай анъанавий ҳаракатлантирувчи кучлар қаторига ота-оналар ҳис-туйғуси, уста инстинкти, яъни яхши ишлашга интилиш, илмга чанқоқлик, соф қизиқувчанлик киритилади. Унинг фикрича, дастлабки инстинкт аввал оилага ғамхўрликда намоён бўлади, кейинчалик эса жамият ва бутун инсониятга бўлган ғамхўрликка айланиб боради. *Дарвинизм* (биологик) ғоялари иқтисодиётга тадбиқ этилади. Веблен «**Бекорчи синфлар назарияси»** («*Теория праздного класса»*) китобида қуйидагиларни ёзади: «*Жамиятдаги одамнинг ҳаёти бошқа турдаги ҳаёт каби мавжудлик учун кўрашдир ва демак, танланиш ва мослашиш жараёнини акс эттиради. Жамият структурасининг эволюцияси институтларнинг табиий танланиш жараёнидир*». Дарвиннинг табиий танланиш

таълимоти ижтимоий ҳодисаларга механик равишда кўчирилади. Инсоннинг онгли ҳаракатига етарлича баҳо бермасдан, одамларнинг юриш-туриши ғайриихтиёрий сабоқлар, инстинкт, феъл-атвор ва одатлар орқали тушунтирилади. Жамият ривожи биологик қонуниятлар билан бир хил деб қаралади, пролетариатниг синфий кўраши инкор қилинади, марксча инқилобга дарвинистик эволюционизм қарама-қарши қўйилади.

Веблен замонавий индустриал технократик концепциялар асосчиси бўлиб ҳисобланади. Индустрия оламига алоҳида эътибор берилади ва унга барча ишлаб чиқарувчилар ва биринчи навбатда муҳандислар ва ишчилар киритилади. Индустрия олами меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш ва самарадорликни оширишни бош мақсад қилиб қўяди. Унга моддий ишлаб чиқариш социал формадан бўтунлай ажратиб қўйилади. Ишлаб чиқариш асосан техник кўрсаткичлар, масалан техник асос даражаси, малака, билим ва бошқалар билан ҳарактерланади. Бизнес олами деганда у молиячилар, трест ташкилотчилари ва тадбиркорларни тушунди. Унингча, бизнес имкони борича юқори фойда учун интилади ва шу сабабли уни беаев танқид қилади, чунки турли молиявий ва кредит найранглари, турли акционер жамиятлари тизими туфайли саноат унга тўла бўйсундирилган. Шу сабабли саноатни бизнес таъсиридан «озод» қилиш керак, дейди у. «Индустрия» ва «бизнес» назариясида ишлаб чиқариш жараёнида моддий мазмун билан унинг социал-иқтисодий шакли ўртасида боғланиш йўқ. Веблен индустрия ва бизнес орасида кескин қарама-қаршилик бор деб хато қилади, шулар капитализм иллатларининг сабабчиси қилиб кўрсатилади.

Инсонларнинг иқтисодий рағбати аввало қариндошлик ҳис-туйғуси, билим ва бажарилаётган ишнинг юқори сифатига инстинктив интилишдир (А.Смит - фойда кетидан қувиш).

Бекорчи (тўқ) синфлар тўғрисида фарқ юритилиб, уларга «бизнес олами одатлари» хослиги айтилади. Улар учун товарларга алоҳида баҳо белгиланади ва улар талаб қонунларидан бошқача бўлиши мумкин дейилади. Буни «Веблен эффекти» деб аталади (бу фикрда жон бор, бой мамлакатларда бойлар учун алоҳида дўконлар мавжуд).

Веблен назарияси жамият социал структураси тўғрисида нотўғри тушунча ҳосил қилади, жамият синфларга ажратилмайди, ишчилар ва муҳандислар ягона саноатчилар гуруҳига киритилади, синфий кўраш тушунчаси эса умуман йўқ.

Мавжуд тизимни ўзгартириш тўғрисида гапириб, бу масалани Веблен илмий-техника инқилобини кучайтириш, ҳоқимиятни техник интеллигенция қўлига бериш билан ҳал этишни таклиф қилади. Бунинг учун барча инженер-техник ходимлар умумий иш ташлашлари керак, шунда тадбиркорлар уларнинг шартларига кўнишга мажбур бўладилар. Капитализм трансформацияси «техниклар кенгаши» воситасида бажарилади, ҳозирги замон жамиятида интеллигенциянинг роли биринчи ўринга қўйилади, яъни бизнес оламини инжинер- техник интеллегенция енга олади.

Саноат мутахассислари ягона синф сифатида қаралади ва бу синфнинг асосий мақсади техникадан фойдаланишни такомиллаштиришдир. Демак, Веблен янги жамиятни «технократик» кўз билан кўради ва капитализмни сақлаб қолиш йўлини таклиф этади.

Коммонс ижтимоий-ҳуқуқий институционализм йўналишининг асосий вакили ҳисобланади. Унинг асосий ғоялари америка тред-юнионизм мафкурасини ифодалайди. Унинг таълимоти жамоат институтлари фаолиятини (оила, ишлаб чиқариш корпорацияси, савдо бирлашмалари, тред-юнионлар, давлат ва юридик

ҳуқуқий муносабатлар) тадқиқ этиш билан боғлиқ.

У мавжуд тузумни ислоҳ ва модернизация қилишга интилади, бизнес тизимини шунчалик самарали қилиш керакки, у ўзини ўзи сақлашга қодир бўлсин, дейди у. Коммонснинг асосий ғоялари «**Капитализмнинг ҳуқуқий асослари**» (1924), «**Институционал иқтисодиёт. Унинг сиёсий иқтисоддаги ўрни**» (1934), «**Жамоа фаолиятининг иқтисодий назарияси**» (1950) асарларида ўз аксини топган.

Олимнинг иқтисодий қарашлари иқтисодиётда юқори наф назарияси ва юридик концепциялар тўғрисидаги қоидаларнинг ўзаро қоришмасидан иборат. Ишлаб чиқаришни бир чеккага суриб, капитализмнинг моҳияти бозор муносабатлари билан алмаштирилади, ҳозирги шароитда бу муносабатлар «одил бўлмаган рақобат»га олиб келмоқда. Капитализмнинг бу иллатини тўғрилаш, алмашув муносабатлари одил бўлишини таъминлаш, рақобат хавфини йўқотиш учун давлат юридик-қонуний органлари воситасида ҳал этиш мумкин, деган ғоя илгари сурилади.

Коммонс капитализмда синфлар мавжудлигини инкор этади. марксизмнинг синфий кўраш назариясига «социал низо» (конфликт) таълимотини қарши қўяди, бу низолар антагонистик ҳарактерга эга эмас. Мутахассислар бир-бирлари билан кўрашиши эмас, ҳамкорлик қилишлари керак. Пайдо бўладиган низолар эса жамият эволюциясини ҳаракатга келтирувчи омилдир. Низоларни ечиш жараёни социал тараққиётга ёрдам бериши зарур.

Коммонс назарияси капитализмни баъзи ислоҳотлар йўли билан яхшилаш усулини таклиф этади. Бу эса ҳуқуқий, юридик меъёрларни такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Ишчи ва капиталист ўртасидаги муносабат жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари орасидаги юридик битим - келишув ҳисобланади, чунки улар маълум қонун-қоидалар асосида тўзилади. Бу келишув иштирокчилари орасида жамиятнинг муҳим институтлари: оила, тадбиркорлар иттифоқи ва ҳатто давлатнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин. «Келишув» уч моментни ўз ичига олади: низо, ўзаро таъсир, ечим. Юридик ва ҳуқуқий воситалар билан ҳар қандай ички қарама-қаршилик, барча конфликтлар ўз ечимини топиши мумкин. Жамиятда ижтимоий қарама-қаршиликлар кучайиши конфликтларни юридик ҳал қилиш механизмининг камчиликлари билан белгиланади. Иқтисодий категориялар шу категорияларга оид юридик муносабатлар шаклида намоён бўлади. Коммонс мулк шаклларини иқтисодий муносабатлар шаклида таҳлил этмайди, аммо «*Мулк титули*»ни юридик шакл сифатида кўради. У мулкни уч кўринишга ажратади: моддий, номоддий (қарзлар ва қарз мажбуриятлари) ва кўринмас (қимматбаҳо қоғозлар). Кўринмас мулк кўпинча «мулк титули билан келишув» мазмуни бўлиб амалга ошади. Шу сабабли, Коммонс тадқиқотларининг асосини қимматбаҳо қоғозлар - акция, облигация ва бошқаларни сотиш операциялари ташкил этади. Кўриниб турибдики, бу олимнинг ғояларида биринчи ўринда ишлаб чиқариш эмас, балки муомала соҳаси туради. Уч шаклдаги саноат капитали ўрнига фиктив (сохта) капитал олинади, бу соҳа капиталистик хўжаликнинг моҳияти сифатида қаралади.

У жамоат фикри билан ҳисоблашувчи ва иқтисодиётни монополиядан чиқаришни амалга оширадиган ҳукумат тўзиш зарурлигига ишонган. Иқтисодий ислоҳотлар доирасида давлат қонуний қарорлари жамиятдаги қарама-қаршилик ва конфликтларни тугата олади, бунда маъмурий капитализм босқичига ўтилади.

Юқорида келтирилган Т.Веблен ва Ж.Коммонсларнинг ғоялари амалда, 1929-1933 йй.даги иқтисодий инқироз даврида АҚШ президентининг «янги курс» сиёсатида амалий тасдиғини топди.

У Вебленнинг шогирди бўлиб, иқтисодиётда циклик ҳодисаларнинг тадқиқотчиси сифатида машҳурдир (бу иқтисодиётда *конъюнктур-статистик институционализм* оқими ҳисобланади). Митчелл устози Веблендан тадқиқотнинг генетик услубини мерос қилиб олди, унингча иқтисодий ҳодисаларни белгиловчи омиллар бу ижтимоий психология, анъана ва урф-одатлардир, шу сабабли тадқиқот предмети сифатида одамларнинг жамиятдаги ҳулқи ўрганилиши керак. Шунингдек, устознинг ишлаб чиқариш ва бизнес ўртасидаги қарама-қаршилик тўғрисидаги фикри ҳам қабул қилинган, бу ишлаб чиқариш ва нархлар фаолияти ҳаракатидаги фарқларнинг сабабини кўрсатади.

Бу олим иқтисодий кўрсаткичлар, рақамлар, бу кўрсаткичлар ўзгаришидаги қонуниятлар билан шуғулланди, капиталистик иқтисодиётни тартибга солишда улардан фойдаланишнинг йўлларини излади. Аммо у капитализм қарама-қаршиликларини ҳал қилиш ёки уни яхшилаш тўғрисидаги назарияларни яратмади. У иқтисодиётга таъсир этувчи омилларни аниқлашга интилди, булар, унинг фикрича, молия, пул муомаласи ва кредит категориялари эди. Бу категорияларни тартибга солиш йўли билан иқтисодиётга таъсир этиш, ҳатто циклик тебранишларни ўзгартириш, олдини олиш мумкин, дейди у. У ўзининг «**Иқтисодий назария типлари тўғрисида лекциялар**» (1935) асарида иқтисодий масалаларни маданият ва социология муаммолари билан ўзаро алоқада, аммо асосан психологик таҳлил асосида тадқиқ этади. Сиёсий-иқтисодий институтлар тўғрисидаги таълимот сифатида қаралади. Капиталистик ишлаб чиқаришни тартибга солиш зарурлиги, Митчелл таълимотининг бош хулосасидир.

Митчелл институционализми Веблен назариясидан, биринчидан, танқидий эмаслиги билан, иккинчидан абстракт назарияси бўлмасдан ўша даврнинг эмпирик тадқиқоти эканлиги билан фарқ қилар эди. У ўз асарларида инқирозсиз «амалий цикл» масалаларига алоҳида эътибор бериб, инқирозларнинг ҳақиқий сабабларини бўяб кўрсатишга ўринган, пул муомаласи муаммоларини диққат марказида тўтган. Молия ва пул муомаласи институтларини инсонлар ҳулқини тушунтириш учун фойдаланилади. Унингча, тадбиркорлар жамият манфаатлари эмас, балки ўз фойдаларини кўпайтириш учун ҳаракат қиладилар ва бу ахлоқий ҳаракат оқланади, мавжуд институция (давлат, мулк ва бошқалар) бунга имкон беради.

Инсоний жамият ривожи айрим индивидлар тараққиёти шаклида эмас, балки жамият аъзоларининг коллектив алоқаларининг такомиллашуви сифатида ҳарактерланади. Бу алоқалар такомиллашуви шу институцияларнинг эволюцияси, давлат институтлариниг ривожи ҳамда уларнинг иқтисодиётга аралашуви деб қаралади. Капитализм қарама-қаршиликларини ечишда давлат йўли билан тартибга солиш энг қулай восита деб қаралади. Иқтисодиётни ўрганишда математика ва статистикани кенг қўллаш йўли билан, Митчелл «кичик ва катта цикллар» давомийлигини ҳисоблаб чиқди. У ўзининг ҳисоб-китобларига асосланиб, капитализмнинг инқирозсиз ривожланиш модели лойиҳасини яратди. Бу олимнинг тадқиқотларидаги ижобий томонлар шундан иборатки, мамлакатларнинг миллий хўжаликлари бўйича бой фактик материаллар тўпланди, улар асосида натурал ва қиймат кўрсаткичларининг ривожланиб борувчи қаторлари яратилдики, «динамик қаторлар» таҳлили номини олди. Бу таҳлил асосида олинган жамловчи кўрсаткич ва индекслар иқтисодиётдаги ҳақиқий аҳволни акс эттирган ва капиталистик конъюнктурани, айниқса ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларидаги ҳолатни баҳолашда улардан фойдаланилган.

Бу йўналиш тарафдорлари циклларни ўзаро алоқадор параметрларнинг таъсири оқибатида вужудга келади ва капиталистик ишлаб чиқариш динамикасини

белгилайди, деб қарайдилар. Шу сабабли улар циклларни тасодифий ягона ҳодиса эмас, балки доимий капитализм иқтисодиётига хос хусусият деб ҳисоблайдилар. Улар тадқиқот қилаётган омиллар қаторига биринчилардан бўлиб муомала соҳаси кўрсаткичларини қўядилар, яъни нархлар, акциялар курси, пул муомаласи ва бошқалар.

Инқирозлар инкор этилади, бу амалий циклларни тан олиш билан исботланади (унда инқирозлар йўқ). Иқтисодий қаторларнинг назарий асосини бекаму-кўст деб бўлмайди. Масалан, 1929 йил арафасида Гарвард мактаби вакиллари томонидан берилган иқтисодий об-ҳаво прогнози («*Конъюнктур барометр*») иқтисодиёт равнақи - «***prosperity***» бўлган. Аммо амалда нима бўлгани ҳаммага маълум (1929-33 йиллардаги оғир инқироз). «*Гарвард барометри*» уч эгри чизиқдан иборат бўлиб, А) спекуляция индекси; В) бизнес индекси; С) пул бозори индексидир. Ўтган йиллар тажрибаси асосида эгри чизиқлар ҳаракати тўғри келмайдиган лагалар (вақт оралиғи) топилиб, «барометр» муаллифлари эгри чизиқларнинг янгидан четга чиқишини аниқлаш имкони борлигини ва шу йўл билан иқтисодий тушкунликни кўра билиш ва олдини олиш мумкин деб ўйлаганлар.

Митчелл тадқиқотлари эмпирик ва институционал услубларнинг қоришмасидан иборат. У иқтисодий циклнинг амалдаги моделини лойиҳалаштиришга муваффақ бўла олмади.

У. Митчелл ўз устозининг илмий хизматлари ва унга бўлган чексиз ҳурмати сифатида «Веблен таълимоти» асарини яратди, унда устоз китоб ва мақолаларидан кўчирмалар кўп келтирилади, бу китоб Митчелл вафотидан кейин нашр этилган.

Циклик (даврий) ўзгаришлар назариясига рус олими Н.Д.Кондратьев (1892-1938) катта ҳисса қўшди. У жаҳондаги етакчи капиталистик деб номланган мамлакатлар иқтисодиётининг кўп йиллик (100-150 йил) ривожланишини таҳлил этиб, бу ўзгаришларнинг бир йилдан кам (фаслий), 3,5 йиллик, 7-11 йиллик савдо-всаноат ва 50-60 йиллик катта циклларини ажратиб берди. У 1929 йилдаги «Буюк депрессияни» олдиндан (прогноз) айтиб берган, аммо совет даврида «капитализм қачон ўлади» деган саволга «капитализм ўлар, аммо қачонлигини айта олмайман» деб жавоб берганлиги учун қатағонга учраган ва отилган. Бу олимнинг буюк хизматлари жаҳон иқтисодчилари томонидан юқори баҳоланган ва амалда қўлланилмоқда.

Юқорида институционал йўналишнинг асосий ғоялари ва дастури кўриб чиқилган эди. Ҳозирги даврда ҳам бу йўналиш ғоялари долзарблигича қолмоқда. Таниқли иқтисодчининг ибораси билан айтганда, «Веблен костюми яхши ҳизмат қилмоқда ва у деярли эскирмаган». Бу йўналишнинг отаси Веблен томонидан илгари сурилган таълимотда ҳозирги замон жамиятини қайта қуриш, трансформация масалалари ниҳоятда муҳим ўринни эгаллайди. Уларнинг фикрича, илмий-техника тараққиёти туфайли жамиятдаги социал қарама-қаршиликлар йўқолиб боради. Жамиятнинг конфликтларсиз эволюцияси, унинг индустриал жамиятдан постиндустриал, супериндустриал ёки «неоиндустриал», информацион жамият сари ривожи рўй беради. Техник-иқтисодий омилларни мутлоқлаштириш туфайли янги конвергенция назариясини илгари суриш имкони яратилди (*Ж.К.Гэлбрейт, Питирим Сорокин* - АҚШ, *Раймонд Арон* - Франция, *Ян Тинберген* - Нидерландия).

«Индустриал», «постиндустриал» жамият назарияси икки социалистик ва капиталистик тизимни ягона тизимга келтирувчи «конвергенция» назариялари янгилик эмас. Масалан, XIX аср охирида немис иқтисодчиси (юқорида берилган)

В.Зомбарт «Ҳозирги замон капитализми» асарида плюрализм, яъни турли социал тизимларни - капиталистик, социалистик, майда ишлаб чиқарувчиларни ягона плюралистик жамиятга бирлаштириш ғоясини айтган эди.

Ж.К.Гэлбрейт асарларида бу фикрлар тўлароқ ифодасини топган. Унда иккала тизимда рўй бераётган умумий ўзгаришлар қайд этилади (режалаштиришдан фойдаланиш, давлат ва корпорация ўртасидаги фарқларнинг йўқолиб бориши, ташқи муҳитни ўрганиш, фан ва таълимнинг меҳнат тақсимоти ўсишида асосий омил эканлиги ва бошқалар). Аста-секин капитализмнинг «ёмон» томонлари социализмнинг «яхши» хусусиятлари билан чирмашиб кетиши кераклиги айтилади, «капитализм трансформацияси» рўй бериши башорат қилинади.

Ж.К.Гэлбрейтнинг асосий асарлари қуйидагилардир: «**Мўл-қўлчилик жамияти**» (1958), «**Янги индустриал жамият**» (1967), «**Иқтисодий назариялар ва жамият мақсадлари**» (1973), «**Пуллар**» (1975), «**Ишончсизлик асри**» (1977). Бундан ташқари олимнинг кўпгина мақола ва интервьюлари ҳам бор.

Супериндустриал жамият тўғрисидаги ғоялар америкалик фўтуролог *Тоффлер*нинг «**Учинчи тўлқин**» китобида баён этилади. Унда «янги цивилизация» даври вужудга келади, дейилган.

Кейинги пайтларда *неоинституционализм* назариялари ҳам пайдо бўлмоқда. Бу назарияларда техник омилларни мутлоқлаштиришдан чекинилади ва асосий эътибор инсонга, социал муаммоларга қаратилади. Шундай йўл билан мулк ҳуқуқи (*Рональд Клўз* - АҚШ), жамоат танлови (*Жеймс Бьюкенен* - АҚШ) ва бошқа назариялар вужудга келди. Бу қарашлар натижасида ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати ҳам ўзгармоқда, бу сиёсат тобора капитализмни ижтимоий томонга буриш сари бормоқда.

Ҳозирги давр институционализмининг асосий ғояси шуки, инсон постиндустриал жамиятнинг асосий иқтисодий омили, асосий ресурси сифатида қаралади ва янги жамият шахсни ҳар томонлама ривожлантириш учун ўз сиёсатини қайта кўриб чиқиши керак бўлади, XXI аср эса «инсон асри» деб эълон қилинади.

Иқтисодий эволюция жараёнини тадқиқ қилувчи иқтисодий-глобалистлар шу қоидага амал қиладиларки, эволюция турли иқтисодларнинг ўзаро ягона иқтисодга айланиши эмас, балки турли тизимларга айланишидир. Бу оқибатда янги индустриализацияни таъминлайди, бунда инсон бош, ҳал қилувчи ўз ўрнини эгаллайди.

3. НОМУКАММАЛ БОЗОР ТАЪЛИМОТЛАРИ

XX аср бошларида эркин (мукаммал) рақобатга асосланга иқтисодиёт тобора монополлашиб борди, бу айниқса Европа ва АҚШда яққол кўзга ташланди. Иқтисодий либериализм принциплари (эркин савдо-фритредолик, давлатнинг иқтисодга аралашмаслиги ва б.) реал ҳаёт талабларига жавоб бермай қўйди. Монополлашувнинг ёрқин оқибати сифатида 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозининг келтириш мумкин.

Деярли юз йил давомида Ж.Б.Сэйнинг «бозорлар қонуни» ҳамма ерда тан олинган ва унга суяниб иш юритилган бўлса, бу даврда унинг аҳамияти пасайиб борди. Номукаммал рақобат аввал институтционализм, кейин неокласиклар томонидан тадқиқот объеккти қилиб олинди.

Бу муаммолар билан деярли бир вақтда Гарвард университети профессори

Э. Чемберлин ва Кембриж университети профессори Ж.Робинсонлар шуғулланди.

1933 йили америкалик Э.Чемберлин ўзининг «Монополистик рақобат назарияси», нглиз Ж.Робинсон хоним эса «Номукаммал рақобатнинг иқтисодий назарияси» асарларини чоп этдилар. Бу асарларда эркин рақобат шароитини инкор этадиган шароитда бозор механизмларининг ҳаракати масалалари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилади. Хусусан, иккала муаллиф фикрича, бозор баҳоси бозор иштирокчиларининг коллектив фаолияти туфайли юзага келмайди, чунки товар маҳсулотларининг турли-туманлиги (дифференцияси) ҳаридорларни бу товарлар баҳоси тўғрисида тўлиқ информациядан, фирма-ишлаб чиқарувчиларни танлашда рақобатдан маҳрум этади. Улар иқтисодиётда мувозанатнинг бўзилиш сабабларини илгаригидек иқтисодий муҳитдаги «категория» ва «қонун» лардан излайдилар. Институтционал йўналиш тарафдорларига эса, номукаммал рақобат иқтисодий ўсишга аввало «инсон омили»нинг таъсири оқибатидир. Бу эса жамият ривожланиши, шу билан бирга иқтисодиёт соҳаларида юзага келадиган ижтимоий-психологик, ҳуқуқий ва бошқа муаммолардир

Эдвард Хейтинг Чемберлин (1899-1967) ўз асарида монополиянинг моҳияти, монопол баҳо ва монопол фойданинг юзага келишининг чуқур таҳлилини бепради. Унинг фикрича, монополиянинг моҳияти - бу таклиф устидан назорат, бунда баҳо устидан ҳам назорат бўлади.

Дифференциация кучайиб борган сари ҳар бир сотувчи абсолют (мўтлоқ) монополияга эга бўлади, аммо шу билан бирга, ўрнини боса оладиган бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчининг номукаммал рақобатига учрайди. Шундан келиб чиқиб, барчасотувчилар «рақобатчи монополистлар» бўлиб, «монополистик рақобат» кучлари таъсири шароитида иш юритадилар.

Чемберлин фикрича, бозорлар ўзаро боғланган, чунки бир-бирига боғлиқ бўлмаган сотувчилар вазифаси бир-бирига яқин бўлган маҳсулотларни реализация қилишда ҳамоҳангдирлар. Реал ҳаётда бозорлар у ёки бу даражада номукаммалдирлар, шу сабабли мувозанатга интилиш тўғрисида гапириш ўта соддаликдир. Натижада ҳар бир сотувчи монополист деб ҳисобланади, унинг ўз ҳаридорлари, «ноёб» маҳсулотини олувчилар бўлади. Бозордаги монополистик сифатида баҳоларни тартибга солади. Бу эса товарлар ва хизматларнинг реал таклиф ҳажми «соф» рақобат шароитидагидан кам, баҳоси эса юқорироқ бўлади. Бу ерда маҳсулот дифференцияси энг муҳим шартди. Бу категориянинг моҳияти шундаки, сотувчиларнинг товари (ёки хизмати) да бошқаларникидан кескин фарқ қилувчи белгиси бўлиши кераклигидир. Бу белги ҳаридор учун реал ёки хаёлий бўлиши, аслида эса худди шу маҳсулотга афзаллик берилишига олиб келиши шарт. Бундай дифференциация бўлган шароитда ҳаридорлар ва сотувчилар тасодифий ёки тартибсиз жуфтликка (бу соф рақобатда бўлади) бирлашмайдилар, бу ерда афзаллика асосланган танлов ҳал қилувчидир.

Сотувчи -монополист қўшимча ҳаражарлар қилиш йўли билан сотилаётган маҳсулот ҳажмини ошириши (бунда товар баҳоси пасайиши) мумкин. Бошқа худди шундай товар сотувчилар эса бу шуни дарҳол амалга ошира олмайди деб рақобатдош товар маркаси баҳосини пасайтириш ёки янгисини и.ч. давомида, худди шундай чоралар бошқа рақобатчи томонидан қўлланилиши мумкинлигидан беҳавотир бўлади.

Рақобатнинг баҳоланмайдиган омиллари қаторига товарлар сифати ва реклама киради ва улар индивидуал ёки алоҳида хусусиятларга эгадир. Дифференциация маҳсулотнинг ўз маълум хусусиятлари асоида шаклланиши, маслан, *алоҳида хусусиятлар* - фабрика маркаси, фирма номи, қадоқлаш ёки тара

(агар улар бўлса) бўйича ёки сифат, шакл, ранг, стиль асосида *индивидуал хусусиятлари* билан белгиланади.

Соф рақобат шароитида алоҳида сотувчи бозори умумий бозор билан қўшилиб, фақат амалдаги баҳо бўйича исталганча товарни реализация қилади. Иккинчи ҳолатда товарни сотиш чекланади ва янги учта омил: 1) баҳо; 2) маҳсулот хусусияти ва 3)рекламага ҳаражатлар билан белгиланади. Мана шу омиллар ёрдамида ҳаридорларнинг истеъмол қарорларига таъсир этилади. Бунда баҳоларни пасайтириш омили алоҳида аҳамият касб этади, чунки товарга баҳо пасайиши маҳсулот сифати пасайиши тарзида қилиниш эҳтимоли бўлади.

Монополистик рақобатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бунда боҳолар рақобати йўқотилади, оқибатда «қувватлар ортиқчалиги феномени»доимий ва одатдаги ҳодисага айланади. Бу ортиқчалик «жазосиз» ўзоқ вақт давомида кўпайиб боради, чунки у доим ҳаражатлардан катароқ бўлган боҳолар ҳисобига қопланиб туради. Бутун бозорнинг маълум қисмини эгаллаш даражасини кўрсатувчи бу кўрсаткич (феномен) фақат алоҳида патентлар ва фабрика маркалари билангина қўлланмасдан, бошқа, яьни обрў, усталик, алоҳида маҳорат каби ҳодисалар билан ҳам қўллаб-қувватланади. Бу ҳодисалар эркин касб эга (рассом, мўзика) фаолият соҳасининг бир қисми бўлиб, улар ҳам « монопол даромадлар назарияси» предметидир.

Дифференциациялашган маҳсулот баҳо муаммоси рақобатли талаб ва ҳаражат эгри чизиқлари доирасига киритилиши мумкин эмас, бу аввалдан хулосалардаги хатоларга олиб келади; баҳо ҳаддан ташқари паст, ишлаб чиқариш масштаби - жуда катта, корхоналар сони - жуда кичик бўлиб чиқади. Бундан ташқари рақобатнинг яна иккита жиҳати: дифференциация ва сотиш ҳаражатлари бўтунлай тушиб қолади. Шу сабабли баҳоларни тўла билмаслик маҳсулотга талаб эластиклиги (қайшиқоқлик)ни пасайтиради, бу эса реклама талабнинг эластиклигини ошириши, баҳолар рақобатини эса анча кенг қилишига ўхшайди ва баҳолар ёрдамида талаб этиладиган қўшимча ҳаражатларни қоплайди.

Рақобат кўраши эволюцияси товар сифатини оширади (буни патент, муаллифлик ҳуқуқлари, фирма ҳимоя белгилари, фирма алоҳида қадоқлаш усули, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида, фирманинг қулай жойлашуви). Реклама эса, эркин рақобат шароитидан фарқли равишда, бозорлар қўшилиб кетишигайўл қўймайди.

Баҳоланмаган рақобат омиллари фирмани ҳаридорлар талабини қондириш учун янги имкониятлар қидиришга ундайди, уларга «ҳаваснинг пуллик қоидалари» ни сингдириб боради.

Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари концепциясида ҳаражатлар фабрика доирасида товарларни ишлаб чиқаришга кетган сарфлардангина (биринчи) эмас деб қаралади. Транспорт (ташиш), сартировка (ажратиш), сақлаш, уйларга етказиш ҳаражатлари (иккинчи) мавжуд бўлиб, улар талабларни қондириш учун янада яхши қулайликлар яратади. Икки хил кўринишдаги ҳаражат ўртасида чегара ўтказиш (ишлаб чиқариш ҳаражатлари, сотиш ҳаражатлари) таклиф ва талаб ўртасидаги фарқ каби қиймат назариясида фундаментал аҳамият касб этади. Сотиш ҳаражатлари маскур махсулотга талабни оширади, ишлаб чиқариш ҳаражатлари унинг таклифини оширади.

«Классик» ва «неоклассик» лар фикрича соф рақобат иқтисодий ўсишнинг хал қилувчи шарти деб ҳисоблаган бўлса, Э.Чемберлин таълимотига кўра, рақобат - монополистлар орасида ҳам рақобат доимо мавжуд, бу баҳоли ва баҳоланмаган рақобат ривожи орқали намоён бўлади (маҳсулот ва реклама сифатини

такомиллаштириш билан боғлиқ). Биринчи марта иқтисодий либерализм ғоясида реал ҳаётда соф рақобат ҳам, соф монополия ҳам мавжуд эмас деган фикр пайдо бўлди, ўз моҳиятига кўра монополистик рақобат кўп сонли сотувчилар ўртасида кўзатилади, бу рақобат даражаси бир-бирини қоплайдиган рақобатлашаётган товарлар сони ортиши билан кучайиб боради.

Бундан шундай муҳим хулоса чиқариладики, монополистик рақобат шароитида ҳаридор рақобатлашаётган бир товарни бошқасидан, бир сотувчини (мўтлақ ноэвивалент бир хил товарни) бошқа сотувчидан афзал қуриши мумкин. Э.Чемберлин мантиқи бўйича, кичик ёки ўртача сотувчи ва ишлаб чиқарувчи ҳам монополист бўлиши ва йирик корхона субъекти билан бўладиган мусобақада бемалол иштирок этиши мумкин. Чунки (марксча танқидларга қарамай) монополия капитал ва ишлаб чиқариш концепцияси, капитал марказлашувининг зарурий оқибати эмасдир, бозор иқтисодиёти кучайиб бораётган тенденциялар рақобати хосдир. Амалда монополия ва монопол бўлмаган (номонопол) корхоналар ўртасидаги фарқ минемаллаштирилади.

Олим 1937 йил ўз китобига қўшимча сифатида (китоб 8 марта қайта нашр этилган) «Номукамммал рақобат» ва «Монополистик рақобат» категориялари тўғрисидаги тушунтиришларда бир томонлилик мавжудлигини таъкидлайди, бирдан-бир ҳодисанинг икки номи сифатида қарашларда ўзаро ўхшашлик етарли баҳоланади, аммо уларнинг фарқи деярли сезилмайди, деб ҳисоблайди у. Кўпчилик бу фарқнинг аҳамиятини тушунмасдан, масала фақат терминология билан боғлиқ деб ўйлашлари мумкин.

Э.Чемберлин ўз тадқиқотлари хулосасида рақобат шароитида монополия табиий моҳиятига мустахкам ишонч билдиради; тадбиркорлик кўп ҳолларда ўз монополиясини барпо қилиш учун, имкони борича бошқа тадбиркорлар ўз монополиясини кенгайтиришига қарши чораларни кенгайтириш ва кучайтириш ҳаракатини қилади. Олимнинг фикри бўйича, асосий вазифа шундаки, иқтисодиёт фани «маҳсулот доим деффенциациялашган бўлиши шароитини тўла англаши шарт» дир; бундан буён соф рақобатни барча соҳаларда фаровонлик иқтисодиёти «идеал» (бекаму-кўст) деб қараш мумкин эмас.

Кейинчалик Э.Чемберлин ва унинг монополистик рақобат назарияси тарафдорлари томонидан «гуруҳий монополия» шароитида ҳам рақобат сақланиши тўғрисидаги қоидани илгари суришган. Бунда гап шерик-рақобатчилар ўртасида бозорда уларнинг таъсир доираларини бўлиб олиш тўғрисида боради. Асосий мақсад турлича (дифференциациялашган) товар маҳсулоти баҳосини энг юқори ҳаражатлар даражасидан паст бўлмаган ҳолда реализация қилишдир.

Ҳозирги даврда маҳсулотнинг истисно сифати билан бирга, қўшимча баҳоланмаган монополистик рақобат шартлари кучайиб бормоқда, булар алоҳида товар яратувчи томонидан яратилган техник такомиллашув, фирмага обрў-эътибор келтирадиган шароитнинг таъминловчи ҳаридорларга махсус ҳизмат ва бошқалар.

Жоан Вайолет Робинсон (1903-1983) Кембриж университетини битирган ва А.Маршалл мактабининг таниқли вакили ва давомчисидир. 1965-1971 йиллар шу университетда профессор ловозимида дарс берган. Унинг дастлабки асари «Номукаммал рақобатнинг иқтисодий назарияси» 1933 йили, яъни муаллиф 30 ёшлигида ёзилган ва унга машҳурлик келтирди. Асардаги бош ғоя монополиялар фаолиятида бозорлар жиҳатини аниқлашдир. Бу шароитдаги рақобат иқтисодиётдаги мувозанатни бўзади ва номукаммалдир (Чемберлинда-монополистик). Дастлабки вазифа: ўз маҳсулотига эга бўлган ишлаб чиқарувчи-монополистик баҳолар белгиланишининг механизмини аниқлаш. Баҳонинг

миқдори, сотувчи ўрнатган шу баҳода ҳаридорнинг маҳсулотни сотиб олиш ва монопол фойда табиати ўрнатилади. Аммо Робинсон хонимнинг мантиқий фикрлаши Чемберлинникидан фарқ қилади. Робинсон фикрича номукаммал рақобат туфайли, аввало рақобатли хўжалик тизими нормал мувозанат ҳолатининг бўтунлай бўзулиши ва йўналиши, хатто ёлланма меҳнатнинг «эксплуатация» сидир. Чемберлин эса бу масалани бозорнинг табиий мувозанати билан чамбарчас боғлиқдир деб қараган.

Робинсон монополияга салбий муносабат билдириб, уни бозор шароитдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни издан чиқарувчи омил сифатида қарайди.

Асардаги асосий ғоялар қуйидагилардан иборат.

Тадбиркорлар номукаммал рақобат шароитига нисбатан мукаммал (соф) рақобат шароитда ишлаб чиқаришни монполлаштиришдан камроқ манфаатдор бўладилар. Чунки номукаммал рақобат шароитида айрим фирмалар оптимал кўрсатгичларга эриша олмайдилар, самарасиз (кам самара билан) фаолият кўрсатадилар, шу сабабли монополист маҳсулот чиқаришни чеклаш билан ўз маҳсулоти нархини ошириш имкониятигагина эга бўлмасдан, балки соҳадаги ишлаб чиқаришни ташкил этишни мукаммаллаштириш йўли билан ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтириши мумкин.

Монополия ишлаб чиқариш маҳсулотининг худди шунга ўхшаш бошқа махсулотдан сезиларли ажралиб туришини талаб этади ёки бошқача айтганда, дифференциация рўй беради; бошқа қўшимча шароит ҳам зарур унга кўра фирма - монополист оптимал ҳажмдан ортиқроқ бўлган кўрсатгичлар билан ҳарактерланиши керак.

Номукаммал рақобатли монополистик бозорда аниқлашни талаб этувчи бир қанча шароитлар юзага келади. Агар бозор бир-бири билан рақобат қилувчи чексиз кўп ҳаридолардан эмас, балки айрим яккаю-ягона ҳаридорлар бирлашмасидан иборат бўлган ҳолатда сотиб олинадиган маҳсулот қанча бўлиши мумкиндир. Бу шароит талаб концентрацияси бўлиб бозорда кўп сонли майда сотувчилар ва яккаю-ягона ҳаридор фаолият кўрсатади. Бу холатни *монопсония*, яъни *ҳаридор монополияси* дейилади.

Юқорида барча ғоялар жамланиб, реал ҳаётда номукаммал рақобат шароитида ишлаб чиқариш омиллари эксплуатацияси тенденцияси пайдо бўлишига ёрдам беради.бу холат аввал ўзаро рақобатлашган кўпгина фирмаларни ютиб юровучи йирик бирлашманиг пайдо бўлиши билан янада кучаяди. Бошқарув бирлиги ҳажми (кўрсаткичи) нинг йириклашуви(якка бошқарув) бойликни тақсимлашдаги адолатсизликни янада кучайишини зарурий равишда келтириб чиқаради. Бу анча инқилобий ғоя бўлиб, Чемберлиннинг монополия истиқболи тўғрисидаги оптимистик фикрича қаршидир. Ишлаб чиқаришнинг монополизацияси муаммоси билан «*самарадорлик ёки адолат*» деган дилеммани (яъни униси ёки буниси) ечиш зарурати илгари сурилади.

Монополизацияга у ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради, деб устунворлик бериш етарли эмас, яъни адолат масаласи ҳам қўйилиши керак. Иқтисодиёт тарихида «самарадорлик» ва «адолат» ни қандайдир йўл билан ажратишга интилиш катта хомхаёлликдир.

Робинсон ўзининг тадқиқотлари натижасида ҳаётий чора-тадбирларни ҳам ишлаб чиқса бўлар эди масалан, номукаммал рақобат туфайли аниқланган қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун давлатнинг иқтисодиётга аралашуви нималардан иборат бўлмоғи керак эди.

Бундай саволга жавобни уч йил ўтгач бошқа қембриж мактаби вакили

Ж.М.Кейнс берди.

4. МОНЕТАРИЗМ ВА НЕОЛИБЕРАЛИЗМ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Неолиберализм кейнсчилик билан деярли бир вақтда пайдо бўлди ва XX асрнинг 30- йилларида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мустақил қарашлар мажмуасидан иборат. Илмий назария ва амалий ҳаётда неолиберал иқтисодий жараёнларга давлатнинг маълум даражада аралашуви туфайли чекланмаган эркин рақобат ғоясининг устуворлигига асосланади. Агар кейнсчилик иқтисодиётда давлатнинг фаол аралашувини бошиданоқ зарур деб қараса, неолиберализм давлатнинг нисбатан пассив тартибга солишини қўллайди. Кейнсчилик моделларида иқтисодиётнинг турли соҳаларини инвестициялаш, ҳукумат буютма ва ҳаридлари ҳажмини кенгайтириш, солиқ сиёсатини кучайтириш бўйича давлат чора- тадбирлари мажмуасига устуворлик берилади. Бу сиёсатнинг ўнта кенг қўлланилиш оқибатлари иқтисодий тарихдан маълум бўлган давлат бюджети камомади ва инфляцияга олиб келишида кўринади.

Неолибералистлар иқтисодиётни либераллаштиришни, эркин баҳо шаклланиш принципларидан фойдаланишни, иқтисодиётда хусусий мулк ва нодавлат тўзилмаларининг етакчи бўлишини қўллайдилар. Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини эса «тунгги қоровул» ёки «спорт судьяси» қабилида бўлиши кўзда тутилади. Бу йўналишнинг йирик вакили Л.Эрҳард фйтганидек «Рақобат мумкин бўлган ҳамма ерда, тартибга солиш - зарур бўлган ерда» амалга ошуви керак. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки чекланган бўлиб, тадбиркорларнинг эркин ва мўътадил фаолияти иқтисодиётдаги мувозанатни сақлашнинг асосий шарти сифатида қаралади.

XX асрнинг 30-йилларида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш мақсадида муқобил неолиберал марказлар ташкил этилди. Бунинг сабаби шундаки, 2-жаҳон уруши арафасида пайдо бўлаётган милитаристик ғоялар ниҳоятда кучли бўлиб, кўп мамлакатларда (Германия, Италия, АҚШ, Буюк Британия...) давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кескин кучаяди.

Неолиберализмнинг энг йирик марказлари Германия, АҚШ ва Англияда вужудга келиб, шунга мувофиқ Фрайбург мактаби (етакчи вакиллари - В.Ойкен, В.Рёбке, А.Рюстов, Л.Эрҳард ва б.), Чикаго мактаби, уни «монетар мактаб» деб ҳам атайдилар (етакчи вакиллари - Л.Мизес, М.Фридмен, А.Швари ва б.), Лондон мактаби (етакчи вакиллари - Ф.Хайек, Л.Роббинс ва б.).

Францияда неолиберал ғояларнинг таниқли вакиллари сифатида иқтисодчилар Ж.Рюэфф, М.Алле ва бошқаларни келтириш мумкин. Бу олимлар ўша давридаёқ ягона илмий-амалий платформани ишлаб чиқиш учун ҳаракат бошладилар. 1938 йили Париждаги конференцияда неолиберализмнинг асосий принциплари халқаро кўламда эълон қилинди. Бу неолибералларнинг йиғилиши (форуми) «*Липпман коллоквиуми*» деб ҳам аталади, бунинг сабаби шуки, ўша йили америкалик иқтисодчи А.Уолтер Липпман «Эркин шаҳар» китобини эълон қилди ва ундаги ғоялар неолиберал принциплар билан ҳамоҳангдир. Париждаги қўллаб-қувватланган неолиберал умумий принципларнинг моҳияти шундан иборатки, давлатлар эркин рақобат қоидаларини қайтаришга ғамўрлик қилишлари ва уларни барча хўжалик субъектлари томонидан бажарилишини таъминлашларига кўмаклашуви сўралади. Бу хужжатда хусусий мулк устунворлиги шарти, битимлар эркинлиги ва бозорлар эркинлиги давлат йўли билан фақат экстремал (уруш, стихияли офат, катастрофа ва б.) ҳолатлардагина қайта кўрилиши мумкин деб

ҳисобланади.

2-жаҳон урушидан сўнг неолиберализм принциплари дастлаб Ғарбий Германия (ГФР) да амалий жиҳатдан муваффақияти татбиқ этилди. Бу ерда 1948 йилдан бошлаб бу ғоялар Аденаурэр-Эрҳард давлат доктринаси статусига айлантирилди. Неолиберализмнинг таниқли немис назариётчилари В.Ребне, А.Рюстов ва бошқалар озодлик ва инсонпарварлик баҳонасида монополизм вужудга келишининг барча кўринишларини танқидига бошчилик қилдилар. В.Ойкен ва унинг сафдошлари Фрайбург университетида 1948 йилдан «Ордо» номли йиллик тўпламни чиқара бошладилар, бу журнал барча давлатлар учун неолиберализнинг назарий минбари ролини ўйнайди. В.Ойкен томонидан танланган «Ордо» сўзи йиғма бўлиб, эркин бозор хўжалигининг «табиий тизими» маъносини берувчи мазмунга эга эди. Неолиберилизм Ғарбий Германия доктринаси «Ойкен мактаби» таъсири остида ҳатто «Ордолиберализм» деб атала бошланди.

«Ижтимоий бозор хўжалигининг» моҳияти

ГФР неолиберализм назариётчилари «эркин бозор» ва адолатли тақсимот принципларини «ижтимоий тенглик»принципи ғояси билан бирга қўшимча муваффақ бўлдилар. Биринчи марта унинг концепциал ғояси А.Мюллер-Армакнинг «Хўжалик бошқаруви ва бозор хўжалиги» (1947) китобида изоҳланади, бунда «Ижтимоий бозор хўжалиги» матни ҳам биринчи бор қўлланилган. Бу соҳадаги ишланмалар В.Ребке, Л.Эрҳард, В.Ойкен (асли тарихчи) ва бошқалар томонидан давом эттирилди.

В.Ребкенинг «немис иқтисодий сиёсати тўғрими?»(1950) деган китоби муқаддимасида ГФР концлери К.Аденауэр «ижтимоий бозор хўжалиги» модели мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий вазифаси сифатида қилинганлигини баён этади.

В. Ребке ҳарактеристикаси бўйича, «ижтимоий бозор хўжалиги» - «иқтисодий инсонпарварлик» сари йўлдир. У ўзининг «Инсонпарвар жамият» асарида коллективизмга - персинолизм, хоқимият концентрациясига - эркинлик, централизмга - децентрализм, ташкилотчиликка - ўзини-ўзи бошқаришни қарши қўяди ва бошқалар. 1957 й. ХДС нинг навбатдаги съездида Л.Эрҳард, В.Ребке ғояларини қуллаган ҳолда ГФР да «ижтимоий бозор хўжалиги»нинг 2- босқичи бошланганлигини тасдиқлади. 60-йилларда Л.Эрҳард ўз мақоласида аввало «эркин мусобақа ижтимоий бозор хўжалигининг энг асосий элементи ҳисобланади» деб таъкидланган эди. 1965 й. партиянинг навбатдаги съездида Л.Эрҳард ГФРда «Ижтимоий бозор хўжалиги» ни ташкил этиш дастўрининг ниҳояга этганлигини эълон қилди. Бу дастур мамлакатни «расмийлашган жамият»га айлантирилди.

«Расмийлашган жамият» доктринаси Л.Эрҳард ва унинг маслахатдошлари бўйича бу энг яхши «табиий иқтисодий тартиб» ни излаш бўлиб, унга «ижтимоий бозор хўжалиги» орқали етишиш мумкин. Унда ижтимоий тизим ва ишлаб чиқариш муносабатларининг беш шакли (типи), синфларининг антогонизми тўғрисидаги марксча ғоялар қатъиян инкор этилади. Бу ғоялар В.Ойкеннинг инсон жамияти учун фақат икки типдаги иқтисодиёт: «*Марказдан бошқариладиган*» (тоталитаризм) ва «*Алмашув иқтисодиёти*» (бошқача матн бўйича-«эркин, очиқ хўжалик») хос, конкрет тарихий шароитларда бирон тип белгиларининг устуворлиги билан қўшма шакли ҳам мавжуд бўлади.

Вальтер Ойкен (1891-1950) «Миллий иқтисодиёт асослари» (1947) асарида (9 мрта қайта нашр этилган) иқтисодиётни қайта ташкил этишнинг асосий шаклларини типларга бўлиш муаммоларини фундаментал ишлаб чиқди. Асли

тарихчи бу олим китобнинг «Иқтисодий тизимлар» бобида бир хил жамиятда иккита идеал иқтисодиёт типлари ўзаро бирга яшайди, булар алмашув ва марказдан бошқариладиган иқтисодиётлардир. Марказдан бошқариладиган иқтисодиётга хос нарса шуки, ҳар кунги жамиятнинг иқтисодий ҳаёти бир марказдан келувчи режа (план)лар билан тартибга солинади. Агар жамият иқтисодиёти икки ёки ундан ортиқ алоҳида хўжаликлардан иборат бўлса (уларнинг ҳар бири ўз режаларини тўзади ва амалги оширади), бу «алмашув иқтисодиёти» системасидир.

Турли тарихий шароитларда кўпинса бу системалар аралаш ҳолда бўлади, бу бир қанча мисоллар билан исботлаб берилади. Шу билан бирга, Ойкен бўйича, эслаб ўтилган типлар уч шаклда амалга ошади, унинг ҳар бири қуйидагича таърифланади: а)тоталитар марказдан бошқариладиган иқтисодиёт (алмашув умуман инкор этилади; маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол оҳирги майдо-чуйдага марказий бошқарма буйруқлари асосида амалга оширилади); б) иқтисодиётни марказдан бошқариш асосида истеъмол молларини эркин алмашув (марказ томонидан белгиланадиган «ишлаб чиқариш кучларидан» фойдаланиш усуллари, ишлаб чиқариш жараёнининг вақтли таркиби, махсулотларни тақсимлаш усуллари ва бошқалар асосида амалги оширилади. 1-вариантдан фарқли равишда бу ерда истеъмолчилар алмашув йўли билан ажратилган истеъмол молларига ўзгартиришлар киритишлари мумкин); в) эркин истеъмол танлови асосидаги марказдан бошқариладиган иқтисодиёт (бойликларни истеъмол учун одатда марказий инспатция ишлаб чиқаришни белгилаган махсулотлар ичидан эркин ташлаш мумкин).

«Эруие бозор хўжалиги» автоматик равишда фаолият юрита олмаслигини В.Ребке ва Л.Эрҳард, ишлаб чиқариш анархиясининг ҳар қандай кўринишларига қарши давлатнинг шунга мувофиқ чораларни қўллаш учун иқтисодиётга аралашуви зарурлиги тан олинади. Бу аралашув эркин ва ижтимоий зарур жамият тузуми синтези (қўшилиши)ни таъминлаши керак. Ребке-Эрҳарднинг образли ифодасига кўра, давлат роли фўтбол майдонидаги судья (орбитор) билан тенглаштирилади, орбитор фўтбол камандалари ўйинини маълум қоидалар асосида диққат билан кўзатиб ва бошқариб боради, аммо ўйинда бевосита иштирок этиши хаққи йўқ. Бошқа сўз билан айтиладиган бўлса, давлат эркин бозор хўжалигининг идеал типи бўлган «ижтимоий бозор хўжалиги» фаолияти шароитини таъминлаш учун эркин рақобат («халол ўйин») «қоида»ларининг сақланиши устидан назоратини олиб бориши керак. Ундан ташқари давлат баҳо шаклланиши шароитини назорат қилиши, монопол баҳо ўргатилишига бўлган уруниш ҳаракат олдини олиши, монополиясиз товар-пул хўжалигида хусусий мулкнинг қўриқланиши устувор аҳамиятини кафолатлаши керак.

60-70-йилларда неолиберализм концепцияси «ижтимоий бозор хўжалиги» моделини яратиш ва амалга ошириш принциплари институтционализмнинг «барча учун фаровонлик жамияти» концепцияси билан ҳамоҳангдир. чунки иккала моделда инсонни инсон томонидан эксплуатация ва синфий антегонизм инкор этилади. Бу моделлардан бундан ташқари давлатнинг фаол ижтимоий вазифаси (функцияси) ғояси бор. Давлат барча фуқароларга ижтимоий хизматни олиш ва улар фаровонлигини ошириш учун тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар яратиши зарурдир. Бунда жамиятнинг турли қатламларида акционерлар сонининг ортиши билан бирга, барча ижтимоий институтлар барқарорлигининг ўсиши, асосий маеҳнаткаш аҳолининг эртанги кунга ишончи ва бошқалар кўзда тутилади.

Кейнчиликка муқобил равишда АҚШда неолиберализмнинг Чикаго мактаби

вужудга келди, унинг монитар (пул билан боғлиқ) ғоялари Чикаго университетида 20 йй. пайдо бўлди. Аммо неолиберал йўналиш ҳаракатида *америка монетаризми* мустақил кейинчалик илғорлик позицияларни фақат 50-йиллар оҳири - 60-йиллар бошида эгаллади. Бунда М.Фридмен (1912) нашрлари муҳим аҳамият касб этди (1976 йилги иқтисодиёт бўйича Новбель мукофоти лауреати). Фридмен ва унинг сафдошлари Кейнснинг пулсиз омиллари (масалан, инвестициялар) ўрнига айнан пулли омилларни афзал кўрдилар.

1958 йил А.У.Филлипснинг эмпирик эгри чизиғи пайдо бўлиши билан пул ҳисобидаги иш ҳақининг йиллик фоиз ўзгариши ва ишсизлик даражаси (ҳиссаси) ўртасидаги боғланиш аниқланди. Бунда 1861-1913 йиллар Англиядаги реал маълумотлардан фойдаланилган. 1964 йил П.Самульсон ўзининг машҳур «Экономикс» дарслигининг 6 нашрига шу графикни киритди ва уни Филлипс эгри чизиғи деб атади. Аввалги тадқиқотларда (масалан, Кейнс) инфляциясиз тўла бандлик иқтисодий сиёсатнинг мақсади сифатида қараб келинар эди. Бу эгри чизиққа кўра, баҳолар мўътадиллиги ва ишсизлик номувофиқ ходисалар бўлиб чиқди, аскинча конфликли мақсадлар экан: ишсизликни камайтириш инфляцияни кучайтириш йўли билан эришилади, инфляцияни пасайтириш эса одатда ишсизлар кўпайишини тақозо этади. Шундай қилиб, бир вақтнинг ўзида турғун баҳолар ва тўла бандликка бўлган ишонч, барқарор баҳо ва тўла бандлик ўртасида танлаш билан ўрин алмашди.

М.Фридмен ва унинг сафдошлари Филлипс эгри чизиғини ҳар томонлама ўрганиб, у (эгри чизиқ) ҳар доим ҳам турғун эмаслиги маълум бўлди, айниқса 60-йиллар оҳирида кўпгина мамлакатларда инфляция ўсиши «мантиқ»қа қарама-қарши ишсизликнинг пасайиши эмас, балки унинг ўсиши ва 70-йиллар бошида эса инфляция ва ишсизликнинг бир вақтда ўсиши билан рўй берди.

М.Фридмен иқтисодий жараёнларда пул, пул массаси ва пул муомаласи аҳамиятини кўтаришга ҳаракат қилди. Пулнинг аслида неолиберал монетар концепцияси АҚШнинг республика (1969-1970йиллар Никсон президентлиги даврида) ҳукумати томонидан синовдан ўтди (бунда М.Фридмен президент маслаҳатчиси эди). Аммо монетар иқтисодий ғоялар АҚШнинг кейинги президенти даврида яхши натижа берди. Тарихда ва иқтисодиётда рейгономика деб ном олган бу сиёсат доллар реал мустаҳкамланган бир шароитда инфляцияни камайтириш мумкин бўлди, Р.Рейган президентлик даврида янги 14 миллион миллионер - тадбиркор пайдо бўлди. Демократ Б.Клинтон (8 йил) президентлиги даврида ҳам шу сиёсат давом эттирилди ва яхши натижа берди.

Фридмен концепцияси асосий масала давлатнинг қаттиққўл пул сиёсатидир (бошқалардан, масалан, Кейнсдан фарқи). Бу Фридменнинг «ишсизлик табиий нормаси» тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, конъютура ҳолатига боғланмаган ҳолда, ҳар йили пул массаси 3-4 фоизга доим ва турғун (стабил) равишда ошириб борилиши керак. АҚШ нинг қатор йиллар давомида ялпи миллий маҳсулоти ўсиши ўртача суръатларини ҳисобга олиб, миллий иқтисодиётнинг максимал мумкин бўлган даражаси аниқланади.

Фридменнинг «ишсизлик табиий нормаси» концепцияси институтционал, шунингдек қонуний ҳужжатларга асосланади (масалан, касаба қўмиталари, минимал иш ҳақи тўғрисидаги қонун) .

Иқтисодий либерализм оқимининг XX асрдаги асосий намояндаси асли Австриядан чиққан америкалик **Людвиг фон Мизес** (1881-1973) ва унинг энг содиқ шогирди **Фридрих Хайек** (1899-1992)лардир. Уларнинг мактаби Австрия мактаби деб ҳам аталади. Мизеснинг фикрича, марказлашган бошқарувга

асосланган социалистик хўжалик ва ҳукумат томонидан тартибга солинадиган бозор ўзоқ вақт яшаши мумкин эмас, чунки нарх-наво талаб ва таклифни акс эттирмайди. Унингча, социализмнинг «тартибга солинадиган иқтисодиёт»и режаларни ўзбошимчалик билан тўзадиган ташкилотчиларнинг қулига айланади, режаланган тартибсизлик рўй беради. Ягона оқил сиёсат - бу либерализмдир. Меҳнат тақсимоти, хусусий мулк ва эркин алмашув цивилизациянинг мутлақ асослари ҳисобланади. Мизеснинг асосий асарлари қуйидагилар: «**Либерализм**», «**Инсоний ҳаракат: иқтисодиёт тўғрисидаги трактат**», «**Иқтисодий фан асослари: методология очерклари**» ва бошқалар.

Инглиз иқтисодчиси **Фридрих фон Хайек** асли немис бўлиб, асосий фаолиятини Англияда кўрсатган. У 1974 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати бўлган. У ўзининг «**Қуллик сари йўл**» асарида ҳар қандай иқтисодий эркинликдан ва бозор баҳоларидан воз кечиш диктатурага, яъни яккаҳоқимликка, иқтисодий қулликка олиб боришини исботлайди, хўжаликда бозор тизимининг «аралаш» ва «буйруқбозлик» иқтисодиётидан устунлигини кўрсатиб беради, капитални абадий категория деб эълон қилади, капитализм даврида эксплуатация мавжудлигини инкор этади, давлат иқтисодиётининг социалистик ғоялари тўла тушкунликка маҳкумлиги ва ўз табиатига кўра ҳалокатли эканлигини таъкидлайди.

Бу таълимотга асосланиб, бир қанча мамлакатларда ҳозирги яхши таниш бўлган иқтисодий сиёсатлар ишлаб чиқилди. Шулар ичида неолиберализмга асосланган немис назариётчиси, ГФРнинг сиёсий ва давлат арбоби **Людвиг Эрҳард** (1897-1877) яратган назария «ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги»нинг асосини ташкил этади. У ўз назариясини яратди ва уни ГФРда канцлер Аденауэр даврида амалга оширди ҳам. Бу назариянинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат: эркин баҳоларнинг зарурлиги, эркин рақобат, талаб ва таклифнинг мувозанати, иқтисодиётнинг мувозанати; давлат бозор хўжалигида шу шартларни кафолатлаши ва унинг ижтимоий йўналтирилган ривожланишини таъминлаши керак. Бу ғоялар Л.Эрҳарднинг 1956 йилда чоп этилган «**Барча учун фаровонлик**» китобида ифодалаб берилган. Немис олимлари *А.Рюстов, Вольтер Ойкен* (1891-1950), швейцариялик *В.Ребке* (1899-1966)лар орделиберализм, яъни «ўрта йўл» таълимотига асос солган бўлиб, ижтимоий бозор унинг бир варианти ҳисобланади. Улар «инсонпарвар жамият», «хўжаликларнинг идеал типлари» ҳақида фикр юритадилар.

Бу модель «асосчилари»дан бири сиёсий иқтисодчи Вильгельм Ребке капитализм ва социализм орасидаги «учинчи йўл» борлигини кўрсатиб берди. Дунёда ривожланган мамлакатлар бўлмиш ГФР, Швеция ва бошқалар шу йўлни танладилар (Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Т., «Шарқ» НМК, 1996, 5-бет).

Дастлаб 1961 йилда пайдо бўлган «рационал кўтилмалар» назарияси ҳозирги даврда кенг тарғиб этилмоқда. Ж.Ф.Мўт товарлар ва қимматли қоғозлар бозорига бағишланган мақоласида «нима учун бирон бир қоида ёки формула ҳеч қачон нархларнинг ўзгаришини тўғри прогноз қила олмайди?» деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, амалда барча мавжуд информация савдогарлар томонидан дарҳол қайта ишланади ва уларнинг кўра билиши, демак «кўтилмалар» рационал бўлиб чиқади.

70-йилларда кейнсчилик сиёсати АҚШ иқтисодиётида макроэкономик масалаларни ҳал этишда самарасиз бўлиб қолди, шунда Р.И.Лукас, Т.Ж.Сарджент, Н.Уоллеслар Мўтнинг мақоласида айтилган ғояларни такомиллаштириб, молия

активидаги нархлар ҳаракатини «рационал кўтилмалар» асосида тушунтириб бердилар. Уларнинг фикрича, иқтисодий агентлар ҳам ўз кутилмаларини сиёсатчилар (давлат ходимлари) қўлидаги информация асосида шакллантирадилар ва ўз-ўзидан тушунарлики, иқтисодиётга сиёсатчиларнинг имкон борича камроқ аралашуви учун ҳаракат қиладилар. Амалда иқтисодий агентлар нархлар прогнозини шакллантиришда, яъни нархлар ўзгаришини кутганда, бозордаги ҳақиқий баҳоларни аниқлаш каби усуллардан фойдаланар эканлар. Бу кўтилмалар ҳар доим ҳам бехато бўлади, дегани эмас ва кўра билиш мукаммал эмас, чунки иқтисодиёт тасодифий, олдиндан айтиб бўлмайдиган шок ўзгаришларига учраб туради, бу эса нархларнинг субъектив кўтилмаларининг ўртача миқдорига ёки «математик кўтилма»га тенг бўлади, бу аслида объектив тақсимотдир. Рационал прогноз ёки кўтилма шундай хусусиятга эгаки, кутилаётган хато ҳар доим нолга тенг бўлади. Р.И.Лукас «рационал кутилмалар» назарияси учун 1995 йилда Нобель мукофоти лауреати бўлди.

ХУЛОСА

Ҳозирги иқтисодий таълимотлар тарихида институционализм муҳим ўринни эгаллайди. Бу йўналиш туб маъноси бўйича классик мактабга муҳолиф деб қаралиши мумкин, чунки бу таълимотда иқтисодий категориялар иккинчи даражали бўлиб, асосий эътибор институт (давлат, оила, монополия, урф-одатлар, ҳуқуқ, касаба қўмиталари ва бошқалар)ларга қаратилади, ноиқтисодий омиллар етакчидир. Тадқиқот усулида Германия тарихий мактаби қоидалари кенг қўлланилади, аммо тўла яқдиллик йўқ. Институционализм уч оқимга бўлинади, булар ижтимоий-психологик (технократик, асосий мафкурачиси Т.Веблен), ижтимоий-ҳуқуқий (юридик, Ж.Коммонс), конъюнктур-статистик (эмпирик-прогноз, У.Митчелл). бу тадқиқотларда ислоҳотларга, илмий-техника тараққиётига (1-оқим), омма фикрига қулоқ солувчи ҳукумат, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, маъмурий капитализмни яратиш, ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш (2-оқим), иқтисодиётнинг ривожини аниқ рақамлар асосида ўрганиш, унинг ўзгариши, циклик ҳолати, математик аппаратни кенг қўллаш, кейинги тараққиёт бўйича прогнозлаш (3-оқим) хосдир. Бу йўналиш қонун-қоидалари ҳаётда ўз татбиқини топмоқда, аммо прогнозлар доим ҳам аниқ эмас. Масалан, АҚШда 1929 йил равнақ йили деб башорат қилинган эди, аммо амалда «Буюк депрессия» бошланди.

Х1Х аср охири - ХХ асрларда иқтисодиётнинг монополлашув жараёни кучайди, бу шароитда аввалги «соф рақобат», «соф иқтисодиёт » қоидалари амалий ҳаётга жавоб бермай қолди. Монопол шароитда номукаммал рақобат қонунлари юзага келади. Бу ҳодисалар америкалик Э.Чемберлин ва инглиз Ж.Робинсон хоним томонидан тадқиқи қилинди. Бу олимларнинг тадқиқотларида монополиянинг асосий моҳияти таклиф устидан назорат эканлиги кўрсатилади. Монополия шароитида «маҳсулотнинг дифференциацияси» рўй беради ва алоҳида товар алоҳида ҳаридорга ҳизмат қилади, маълум товарга афзаллик берилади. Бу шароитда рақобатнинг баҳоланмаган омилларимаҳсулот сифати ва рекласи, фабрика, фирма маркалари, ўзига хос қадоқлаш, ранг , шакл ва бошқалар аҳамияти ортади. «Қуввалар ортиқчалиги» феномени кўзатилади, чунки товар баҳосини сунъий ошириш йўли тутилади, монопол фойда назарияси илгари сурилади.

Э.Чемберлин фикрича, монопол сотувчилар ўртасида ҳам рақобат доимо мавжуд, чунки либерал ғояларда ҳам, монополияларда ҳам соф рақобат йўқ.

Олимнинг сўннги асарларида номукаммал ва монополистик рақобатлар деярли тенглаштирилади ва монополиялар табиий моҳиятга деган оптимистик хулоса чиқарилади (марксча-ленинча қарашларда уларга ўлим белгиланган). Ж.Робинсоннинг асосий ғоялари юқоридагилардан анча фарқ қилади, монополия шароитида ишлаб чиқариш омилларининг эксплуатацияси, майда корхоналарнинг ютиб юборилиши тўғрисида фикр юритилади. Ҳаридор монополияси - монопсания тушунчаси киритилади. Самарадорлик ёки адолат дилеммасини ечиш керак бўлади деб якунлайди олима.

Неолиберализм кейнсчилик таълимоти даврида юзага келди, аммо давлатнинг иқтисодиётга аралашуви анча бошқача талқин этилади. Давлат «спорт судъяси» вазифасини бажариши, яъни эркин иқтисодиёт қонун-қоидаларини тартибга солиши керак, холос. Бу йўналишнинг йирик уч маркази Германия, АҚШ ва Англия пайдо бўлди. Германия ижтимоий бозор хўжалиги концепцияси илгари сурилди ва амалда яхши натижалар берди, давлат иқтисодий сиёсати даражасига кўтарилди. Ижтимоий ва бошқа мамлакатларда, хусусан, мустақил Ўзбекистонда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Чикагода пайдо бўлган монетаризм мактаби М.Фридман номи билан машҳур бўлди, унинг концепциясидаги асосий масала давлатнинг қаттиққўл пул сиёсатидир, ҳар йили конъюктурага боғланмаган ҳолда пул массасини 3-4% ошириш таклиф этилади, бу йўл АҚШда яхши натижа берди.

Неолиберализм кейнсчилик таълимоти даврида юзага келди, аммо давлатнинг иқтисодиётга аралашуви анча бошқача талқин этилади. Давлат «спорт судъяси» вазифасини бажариши, яъни эркин иқтисодиёт қонун-қоидаларини тартибга солиши керак, холос. Бу йўналишнинг йирик уч маркази Германия, АҚШ ва Англия пайдо бўлди. Германия ижтимоий бозор хўжалиги концепцияси илгари сурилди ва амалда яхши натижалар берди, давлат иқтисодий сиёсати даражасига кўтарилди. Ижтимоий ва бошқа мамлакатларда, хусусан, мустақил Ўзбекистонда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Чикагода пайдо бўлган монетаризм мактаби М.Фридман номи билан машҳур бўлди, унинг концепциясидаги асосий масала давлатнинг қаттиққўл пул сиёсатидир, ҳар йили конъюктурага боғланмаган ҳолда пул массасини 3-4% ошириш таклиф этилади, бу йўл АҚШда яхши натижа берди.

Таянч тушунча ва иборалар

Институционализм; ижтимоий-психологик, ижтимоий-ҳуқуқий, конъюнктур-статистик оқимлар; Т.Веблен; «Веблен эффекти»; Р.Коммонс; ҳуқуқ институтлари; монополияга қарши чоралар; маъмурий капитализм; У.Митчелл; циклик ривожланиш; прогноз.

Номукаммал рақобат; Э.Чемберлин; монополия; маҳсулот дифференциацияси; товарнинг алоҳида, индивидуал хусусиятлари; товар сифати ва реклама; баҳоланмайдиган омиллар; қувватлар ортиқчалиги феномени; Ж.Робинсон; монополияга муносабат; монопсония, ҳаридор монополияси; «самарадорлик ёки адолат».

Неолиберализм; давлат роли; «спорт судъяси»; «Липпман коллоквиуми»; ижтимоий бозор хўжалиги; Ребке, Рюстов, Ойкен, Эдҳард; ордолиберализм; «расмийлашган жамият»; иқтисодий тизим типлари; монетаризм; Филлипс эгри чизиғи; Фридман; «ишсизлик табиий нормаси»

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Институционализм пайдо бўлишининг шарт-шароитлари.
2. Институционализмнинг моҳияти ва ўрганиш методологияси нималардан иборат?
3. Унинг асосий оқимлари ва мафкурачилари ким?
4. Институтлар деганда нималар кўзда тутилади?
5. Т.Вебленнинг асосий асаридаги ғоялар, «Веблен эффекти» нимани англатади?
6. Ж.Коммонснинг асосий ғоялари, ҳукуматни ислоҳ қилиш ислоҳотлари моҳияти нимадан иборат?
7. Маъмурий капитализм нима?
8. Конъюктур - статистик оқимнинг моҳияти, У.Митчелл ғояларининг асоси нимани англатади?
9. Н.Д.Кондратьевнинг циклик ривожланиши концепция нима?
10. Институтционализмнинг эволюцияси давридаги олимлар ва уларнинг ғоялари.
11. Номукаммал рақобат бозори назарияларининг пайдо бўлиш шарт-шароитлари қандай?
12. Э.Чемберлин монополия деганда нима тушунилади?
13. «Меҳнат диффенциацияси» нимани билдиради?
14. Баҳоланмаган рақобат омиллари нима
15. Монополистик рақобат шароитда «Кувватлар ортиқчалиги феномени» нима?
16. Ж.Робинсоннинг монополияга муносабати, мукаммал ва номукаммал рақобат нима?
17. Монопсония нима?
18. Неолиберализм вужудга келишининг шарт-шароитлари, кейнсчиликдан фарқи нимада?
19. Давлатнинг вазифаси, «тунгги қоравул», «спорт судъяси» нимани англатади?
20. Липпман «Коллоквиумм» нимани англатади?
21. «Ордолиберализм»нинг моҳияти нимада кўринади?
22. «Ижтимоий бозор хўжалиги», унинг типларини изоҳланг.
23. Чикаго мактабининг монетар концепцияси, Филлипс эгри чизиғининг моҳияти нимада?
24. Фридманнинг «ишсизлик табиий нормаси»ни тушунтириб беринг.
25. Мизес, Хайекларнинг иқтисодий ғоялари моҳияти нима?
26. Лукаснинг «рационал кутилмалар» назарияси нима тўғрида?

Адабиёт
Асосий адабиёт

Раззоков А.А, Тошматов Ш.Х, Урмонов Н.Т. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т., 2002 (14,16-17- боблар)
Раззоков А.А, Тошматов Ш.Х, Урмонов Н.Т. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Укув кўлланма. Т., 1997

Қўшимча адабиёт

Исломов А, Эгамов Э.Т. Иқтисодий таълимотлар тарихи. ТМИ. 2002
Майбурд Е.М. Введение в историю в экономической мысли. М., 1996
Раззоков А.А. Иктисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреатлари. Т., 2004
Гуломов С.С, Раззоков А.А Осиё йўлбарси (Корея Республикаси). «Халқ сўзи», 1995
Гуломов С.С. Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти. Укув кўлланма. Т., Меҳнат, 1997

8-Мавзу. Жон Мейнард Кейнс таълимоти ва кейнсчилик

Режа

1. Кейнс таълимоти вужудга келишида бошқа таълимотларнинг ўрни
2. Кейнс иқтисодий таълимотининг хусусиятлари
3. Кейнсчилик ва неокейнсчилик
4. Кейнс таълимотининг ҳозирги даврдаги аҳамияти

1. КЕЙНС ТАЪЛИМОТИ ВУЖУДГА КЕЛИШИДА БОШҚА ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ЎРНИ

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози саноат жиҳатидан ривожланган ва паст ривожланган мамлакатларга катта зарба берди. Аввалги (классик, неклассик) таълимотлар тадқиқотида микроиқтисодий таҳлил (алоҳида корхона) асосий ўринни эгаллаган бўлса, инқироз катта ишсизлик шароитида бошқача, макроиқтисодий таҳлил (давлат, жаҳон) га зарурат туғулган эди. Фаннинг бу соҳасида ҳозирги даврнинг таниқли иқтисодчиси Ж.М.Кейнс муҳим кашфиётни яратди.

Худди шу даврда ижтимоий иқтисодиёт масаларида мунозара кучайди. Унда эркин хўжалик фаолияти ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, трестлар ва синдикатлар, протекционизм ва фритредерлик муомалалари кўндаланг бўлиб турар эди. Шу даврдаги илмий тадқиқотлар муаммоси ҳозирга даврда, ҳозирги кунларда ҳам ниҳоят долзарб, чунки давлат бозор иқтисодиётини тартибга солиши кераклиги керакми-йўқми масаласи ўзул-кесил ҳал этилмаган. Бу борада икки йўналиш ҳукмрон. Кейнс таълимотиги тўла асосланувчилар - кейнсчилар ва унга қисман қўшилувчилар неолибералллардир.

XX асрнинг биринчи ярмида иқтисодий инқирозларнинг дамба-дам такрорланиши туфайли кўпгина «капитализмни тартибга солишга» оид иқтисодий ғоялар сони кўпайди. Ана шундай йўналишнинг ёрқин тарафдори бўлиб инглиз иқтисодчиси **Жон Мейнард Кейнс** (1884-1946) шуҳрат қозонди. Иқтисодчи, давлат арбоби бўлган Кейнс Итон ва Кэмбридж университетларида иқтисодиёт ва математикадан таълим олди, А.Маршалл қўлида ўқиди (1902-1906, 1909-1915 йилларда ўқитувчилик қилди, 1920 йилдан Кэмбридж университетида профессор, 1913-46 йилларда иқтисодий журнал муҳаррири бўлиб ишлади. 1909 йил «Индекс услуби» иқтисодий мақоласи, 1913 йилда унинг биринчи асари - «**Пул муомаласи**

ва Ҳиндистон молияси» китоби чоп этилди. 1919 йилда «**Версаль тинчлик шартномасининг иқтисодий оқибатлари**» нашр этилиши билан у иқтисодчи сифатида кўпчиликка танилди. Бу асарида у шартномага нисбатан бир қанча танқидий фикрлар билдирган эди. Кейнс 20-30 йилларда иқтисодиётга оид бир нечта китоблар ёзди («Эҳтимоллик тўғрисидаги рисола» (1921), «Пул ислоҳоти тўғрисида рисола» (1923), «Мистер Черчелнинг иқтисодий оқибатлари» (1925), «Эркин тадбиркорликнинг интиҳоси» (1926), «Пул тўғрисидаги рисола» (1930) ва бошқалар), аммо унга машҳурлик келтирган бош асари - «**Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси**» (1936) китобидир. 1940 йилда «**Уруш ҳаражатларини қандай қоплаш мумкин**» деган китоби ҳам нашр этилди. Бу асарлардаги бош масала капитализмни оқлаш, унинг инқирозларсиз ривожини таъминлашнинг абадийлигини исботлашга ўринишдир. Унинг яратган назарияси иқтисодиёт таълимотлари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди ва бу ўзига хос инқилоб бўлиб, ҳозирги даврда ҳам аҳамиятлидир. Кейнс асосий асарининг бошидаёқ классик мактабга қарши эканлигини баён этди.

Кейнс таълимотининг асосий ва янги ғоя шуки, бозор иқтисодий муносабатлари тизими мукаммал ва ўз-ўзини автоматик равишда тартибга сола олмайди. Шу сабабли максимал даражада бандликни ва иқтисодий ўсишни фақат давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви таъминлай олади. Бу иш давридаги амалий иқтисодиётдаги конкрет аҳвол билан чамбарчас боғлиқ эди. Етакчи олимларнинг таъкидлашича (Ж.К. Гэлбрейт, М.Блауг), фирмалар, монополия ва олигополиялар фаолиятидаги тенгсизлик нисбатан кичик доирадаги одамларнинг фаолияти билан боғлиқ, бу тенгсизлик принципида давлатнинг аралашуви билан тўзатилиши мумкин эди.

Аслида у иқтисодчи Альфред Маршаллнинг - Кэмбридж мактабининг давомчисидир, аммо ёндошув бошқача. Асосий назарий муаммолар қиймат, капитал, иш ҳақи ва бошқалар бўйича асосланади. Психологик омилларнинг устунлигига ишонади ва қийматнинг меҳнат назариясини, қўшимча қийматни инкор этади, уни ишлаб чиқариш омиллари концепцияси билан алмаштиради. Кейнс капитализм бозор иқтисодий иллатларини тўғрилаш учун давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви тарафдори бўлиб чиқди. Ваҳоланки, аввалги олимлар (классик мактаб) буни инкор этганлар ва инқирозни тасодифий воқеа деб ҳисоблаганлар. Аввалги тадқиқотчилардан фарқли равишда «самарали талаб»ни, яъни истеъмол ва жамғаришни биринчи ўринга қўяди. Юқорида қараб чиқилган иқтисодий таълимотлардан бири - меркантилизимда давлатнинг иқтисодиёт (сиёсат)га аралашуви талаб этилади, протекционизм иқтисодий сиёсати шуни талаб этади. Ж.М.Кейнс у яратган концепцияга меркантилистларнинг таъсирини имкор этмайди. Иккала таълимотдаги умумий ғоялар қуйидагилардан иборат:

Мамлакатда пул масаласини кўпайтириш учун интилиш (пулнинг қадрини бироз пасайтириш), ва шунга муаофиқ ссуда фоизини камайтириш ва ишлаб чиқаришга инвестицияларни қўйишни рағбатлантириш воситаси сифатида, баҳо (нарх-наво)лар ошувини қўллаш (савдо ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш усули сифатида), пулнинг етишмаслиги ишсизлик сабаби деб тан олинади иқтисодий сиёсатнинг миллий (давлат) ҳарактерига эга эканлиги тушунилади. У тадқиқотнинг макроиқтисодий услубини, яъни макроиқтисодий кўрсаткичлар бўлган миллий даромад ва жамғармалар ўртасидаги боғланиш ва нисбатларни тадқиқ қилиш ғоясини илгари сурди. Бу тадқиқот усули ўз даврида физиократлар (Ф.Кенэ, А.Тюрго) К.Маркс томонидан қўлланилган Кейнсгача микроиқтисодий ёндашув, яъни алоҳида хўжалик объектлари бўлган фирмалар иқтисодиётини таҳлил этиш

расм бўлган эди. Фирманинг ривожи миллат мамлакат равнақи билан бир деб қаралар эди. Асосий эътибор умумий иқтисодиётга эмас, балки фирмага қаратилган эди. Кейнс таълимоти иқтисодий сиёсат билан чамбарчас боғлиқдир. Агар Маркс капиталистик тизимнинг емирилишини ба1шорат қилган бўлса, Кейнс капитализм муҳандиси сифатида уни таъмирлаш йўлини аниқлаб берди. Давлат томонидан рағбатлантираладиган талаб «самарали талаб» концепцияси илгари сурилади.

2. КЕЙНС ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Капитализмнинг бош иллатлари бу ишсизлик ва инқирозлардир, Кейнс буларнинг сабабларини соҳибкорлар психологиясидан топишга интилади. Инқирозлар капиталистнинг қайфиятига қараб рўй беради, яъни оптимизмдан пессимизмга ўтганда бўлади. Асосий эътибор «истеъмолга мойиллик» ва «жамғаришга мойиллик»ка қаратилади.

Кейнснинг умумий бандлик назарияси қуйидагиларга асосланади: Иш билан бандлик ортиши туфайли миллий даромад ва, демак, истеъмол ортади, аммо истеъмол даромадга нисбатан секинроқ ортади, чунки даромад ортиши билан «жамғаришга интилиш» кучаяди. Унингча, асосий психологик қонун шундан иборатки, одамлар одатда даромадлар ортиши билан истеъмолни ҳам ўстиради, аммо бу ўсиш даромадлар даражасида бўлмайди. Оқибатда даромадлар ўсиши билан жамғариш ортади ва истеъмол нисбати камайиб боради. Охирида эса «самарали талаб» камаяди, талаб шундай йўл билан ишлаб чиқариш ҳажмларига ва бандлик даражасига таъсир этади.

Истеъмол талабининг етарлича ўсмаслиги янги инвестицияларга ҳаражатларнинг ошуви йўли билан қопланиши, яъни ишлаб чиқариш истеъмолининг ишлаб чиқариш воситаларига қараб ошуви йўли билан қопланиши мумкин. Шу сабабли инвестицияларнинг умумий ҳажми бандлик ҳажмини белгилашда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Кейнснинг фикри бўйича инвестициялар ҳажми инвестицияларга бўлган интилишга боғлиқ. Соҳибкор инвестицияларни капиталнинг «энг юқори самарадорлиги» фоиз даражасигача пасайган пайтгача кенгайтиради (фойда нормаси ўлчанадиган рентабеллик). Кийинчилик шундаки, капиталнинг рентабеллиги пасаяди, фоиз даражаси эса мўътадил бўлади. Бу ҳолат янги инвестициялар учун имкониятни пасайтиради, демак, бандлик ўсиши ҳам камаяди. Капитал «энг юқори самарадорлиги»нинг пасайиши капитал массасининг ўсиши, шунингдек, капиталист-тадбиркорларнинг бўлажак даромадларига ишончсизликка «мойиллиги» билан тушунтирилади. Кейнс таълимоти бўйича бандликнинг умумий ҳажми уч омилга - «истеъмолга мойиллик», «энг юқори самарадорлик» ва фоиз нормасига боғлиқ.

Кейнс очган «асосий психологик қонун» унингча исталган жамият учун қўлланилиши мумкин ва истеъмол талабининг камомади асрий тенденцияга эга ҳамда барча учун ягона истеъмол қонуни мавжуддир.

«Капиталнинг энг юқори самарадорлиги», қўшимча капитал бирлиги томонидан вужудга келтириладиган бўлажак фойданинг шу бирликка кетган ишлаб чиқариш чиқимларига нисбатидир. Кейнснинг фикрича даромад, фойда келтирадиган нарсалар капитал ҳисобланади (бошқа омилларда ҳам шундай). Унингча, капитал ноёблиги, яъни чекланганлиги туфайли фойда келтиради. Капиталнинг кўпайиши борасида унинг самарадорлиги ёки фойдалилиги камайиб боради. Илмий-техника тараққиёти шароитида ва капиталнинг тез жамланиши

туфайли бир авлод умри давомида «капиталнинг энг юқори самарадорлиги» нолга тенглашиши мумкин, дейди у. Капиталнинг самарадорлиги психологик омилларга боғлиқ экан, энди капиталистнинг ўз корхонасининг келажагига берадиган баҳоси унинг қайфиятига қараб ўзгаради.

Кейнс фоизга алоҳида эътибор беради, уни пул қарзи учун берилган ҳақ деб ҳисоблайди. Фоиз унингча муомаладаги пул миқдорига ва «ликвидлилик афзаллиги»га боғлиқ (ликвидлилик - пулга тез айлана олиш, қадрлилик демакдир). Унинг миқдори «ликвидлилик афзаллиги»га тўғри ва муомаладаги пул миқдорига тескари пропорционалдир.

Кейнснинг фикрича, фоиз нормаси маълум даврга ликвидлиликдан, яъни бойликнинг ликвид, пул шаклидан воз кечиш ҳисобига бериладиган мукофотдир. Бойликнинг пул шакли энг ҳаракатчан ва қулайдир, шу сабабли капиталист доим ўз бойлигини пул шаклида сақлашга ва ундан ажралмасликка интилади. Мана шу ният, мана шу иштиёқ Кейнс томонидан «ликвидлилик афзаллиги» деб аталади. Бу капиталист ликвид шаклда сақламоқчи бўлган ресурсларнинг миқдори билан ўлчанади.

Кейнснинг умумий назариясида инвестицияларнинг умумий бандлик ҳажмини аниқлашдаги асосий роли тўғрисидаги тезис муҳимдир. Улар истеъмол талабининг етарли эмаслигини тўлдириши (компенсациялаш) керак. Бунда ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласи истеъмол талаби ошувидан алоҳида қаралади. Инвестицияларнинг кўпайиши ишлаб чиқаришга қўшимча ишчиларни жалб этишга олиб келади, бу эса бандлик, миллий даромад ва истеъмол ўсувини таъминлайди. Янги инвестициялар туфайли бандликнинг дастлабки ўсуви яна қўшимча бандликни вужудга келтиради, чунки қўшимча ишчиларнинг талабини қондириш зарурати туғилади. Қўшимча бандликнинг ўсиш коэффициентини Кейнс *мультипликатор* деб атайди, у бир томондан инвестициялар ўсиши, иккинчи томондан бандлик ва даромадларнинг ўсиши ўртасидаги нисбатни кўрсатади. Мультипликаторнинг формуласи

$$K = \frac{dYw}{dJw};$$

бунда **К** - мультипликатор коэффициенти, **Yw** - даромад ўсиши; **Jw** - инвестиция ўсиши. Мультипликатор «истеъмолга энг юқори мойиллик» билан боғлиқ, чунки у истеъмолга кетган сарфлар ўсишининг даромадлар ўсишига нисбатини билдиради. «Истеъмолга энг юқори мойиллик» қанча юқори бўлса, мультипликатор ҳам шунчалик катта ва демакки, бандлик яхши бўлади. Кейнс бир қанча ҳисоб-китобларга асосланиб, АҚШнинг мультипликаторини аниқлади, у 2.5 га тенг экан. Бу даромадлар ўсиши инвестициялар ортишидан 2.5 марта ортиқ, дегани, яъни 1 доллар инвестиция 2.5 доллар даромад келтиради. Олим ўзининг иқтисодий дастўрини илгари суради. Унга кўра Кейнс капиталистик жамиятда ишсизлик ва инқирозларнинг муқаррарлигини тан олмайди. Аммо капиталистик тизим механизми бу воқеаларни автоматик равишда ҳал этиш имкониятига эга эмас. Ҳозирги даврда шахсий ташаббус асосида ечиладиган масалаларни марказлашган назорат асосида ҳал қилиш ҳаётий заруриятга айланмоқда. Бунда давлат солиқ тизими, фоиз нормасини қисман чеклаш, баъзи бошқа йўллар билан истеъмолга мойилликни оширишга ёрдам бериши керак, дейди у.

Ҳозирги давр тили билан айтганда, Кейнснинг фикрича, бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф автоматик тарзда мувозанатга келмайди. Ўз даврида Ж.Б.Сэй ва биз юқорида кўриб чиққан бошқа олимлар бу масалада ягона

фикрда бўлиб, ҳар қандай таклиф ўз-ўзидан талабни яратади («Бозор қонунлари») деган эдилар. Кейнс «Сэй қонуни»га қарши чиқади, уни тўғри танқид остига олади.

Хусусий инвестицияларни рағбатлантириш учун фоиз нормасини тартибга солиш таклиф этилади. Унингча, давлат муомаладаги пул миқдорини ошириш йўли билан фоиз даражасини тартибга солиш имкониятига эга. Муомаладаги пул миқдорини ошириш амалда инфляция (пулнинг қадрсизланиши)ни қўллаш демакдир, аммо бунда ссуда фоизи камаяди ва пул ишлаб чиқаришга қуйиш учун рағбатлантирилади.

Тўла бандликни таъминлаш учун фақат инвестицияларнинг эмас, балки миллий даромадни ҳам тартибга солиш таклиф этилади. Буни ҳал қилиш воситаси сифатида солиқларга мурожаат қилиш керак дейилади. Аҳолининг «жамғармалари»ни муомалага киритиш мақсадида солиқларни ошириш талаб этилади ва бу омонатлар давлат инвестицияларини ошириш учун фойдаланилиши мумкин дейилади. Шу вақтнинг ўзида бойларнинг солиғини оширишга қаршилик қилинади. Кейнс ўз таклифини қуйидагича тушунтиради: Меҳнаткашларнинг солиқларини оширишдан мақсад - уларнинг «жамғармалари»ни камайтириш ва истеъмолни рағбатлантиришдир. Реал иш ҳақини пасайтириш учун инфляция асосида нарх-навони ошириш йўли тавсия этилади. Реал иш ҳақини пасайтирмасдан тўлиқ бандликни таъминлаш мумкин эмас, деган фикр ишчиларга уқтирилади. Даромадлиликнинг пасайиб бориши туфайли бандликнинг бирмунча ортиши илгари банд бўлганларнинг реал даромадлари қисқариши билан боғлиқ. Кейнс ишчиларга мурожаат қилиб, иш ҳақини ошириш учун кўрашиш керак эмас, дейди, чунки бу жами реал иш ҳақининг ишчиларнинг турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимланишига олиб келади, унинг ўртача миқдори эса ўзгармайди. У иш ҳақини «ўзгартирмаслик» сиёсатини ўтказиш ва шу йўл билан нарх-наво ўсиши сабабли иш ҳақини ошириш талабларини йўққа чиқаришни таклиф этади. Унингча, ишчилар реал иш ҳақининг пасайишига чидашлари керак, чунки шу йўл билан ишсизликнинг олди олинади. Капиталистларга эса реал иш ҳақини пасайтиришнинг аҳамияти тушунтирилади. Кейнс бундан ташқари номинал иш ҳақини пасайтиришга ҳам қарши эмас эди.

Ишсизлик ва инқирозларга қарши кўраш баҳонасида унумсиз истеъмолнинг барча кўринишлари турли йўллар билан реклама қилинади. Иқтисодиётни ҳарбийлаштириш билан бирга ҳукмрон синфларнинг паразитик истеъмолини ошириш ана щундай йўллар гуруҳига киритилади.

Кейнсни ҳозирги даврда ҳаммага яхши таниш ибора бўлган «*аралаш иқтисодиёт*»нинг отаси дейиш мумкин, бу иқтисодиётда ҳукумат ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Соф иқтисодиёт деярли ҳеч қайси давлатда йўқ. Кейнснинг иқтисодий ғоялари биринчи навбатда «буюк инқироз» таъсири остида пайдо бўлди. 1929-1933 йиллардаги бу буюк инқироз Американи ларзага келтирди, ишлаб чиқариш ярмига (50%)га қисқарди. 17 млн одам ишсиз эди (25%), 9 млн омонатчи куйиб қолди. Ана шундай шароитда иқтисодиётни қўтқаришнинг муҳим йўли - ҳукумат ҳаражатлари эканлиги кўрсатиб берилди. Кейнс ўзининг асосий асарининг биринчи сатрларидан бошлабоқ «классик иқтисодий мактабга қарши» эканлигини ёзади (айниқса давлатнинг иқтисодиётга аралашуви масаласида турли фикрлар мавжуд).

Кейнс яратган сифат жиҳатидан янги таълимотда ўша даврда аосан шахсий хусусий ташаббусга берилган масалаларни назорат қилиш учун марказлашган назоратни яратишни ҳаётий зарурат эканлиги кўрсатиладиДавлат истеъмолга мойилликни ошириш учун , қисман , мазкур солиқлар тизими орқали, қисман фоиз

нормасини белгилаш ва бошқа мумкин бўлган усуллар ёрдамида ўз раҳбарлик таъсирини ўтказиши керак бўлади. чунки мавжуд система (тизим) энг муҳими ҳозирда ишлаётганлар меҳнатини тақсимлашда эмас, балки бандлик ҳажмини аниқлашда яроқсиз бўлиб қолди, деб ёзади Кейнс.

Албатта тўла бандликни таъминлашга зарур бўлган марказлашган назорат муассасалари туфайли давлатнинг анъанавий функцияларини анча кенгайтиришни талаб этади. Аммо шу билан бирга, шахсий ташаббус ва маъсулиятни амалга ошириш учун кенг имкониятлар ҳам доим мавжуд бўлади, деб ўқтиради у давлат томонидан иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг самарадорлиги давлат инвестициялари учун маблағлар топиш, аҳолини иш билан тўла банд қилиш ва фоиз нормасини қатъий белгилашга боғлиқ бўлади.Фоиз ставкалари қанчалик паст бўлса, бу инвестицияларга рағбатни шунчалик оширади, инвестицион талаб ошади, бандлик ўсади, ишсизлик йўқолиб боради.

Ишлаб чиқариш омиллари (капитал, меҳнат, ер) қанчалик тўла жалб этилса,амалда ўсиб борувчи боҳоларга эга бўламиз (пулнинг миқдорий назарияси). Ресурслар тўлиқ фойдаланилмаган пайдо боҳоларнинг мўътадиллиги сақланиш мумкин .

Кейнс назарияси бўйича массасини 2 марта ошириш боҳоларнинг 2марта ошувига олиб келмайди. Етакчи иқтисодчилар фикрича, «Кейнсча инқилоб ҳақиқатда рўй берган».

3. КЕЙНСЧИЛИК ВА НЕОКЕЙНСЧИЛИК

Ж.М.Кейнс ғоялари унинг издошлари томонидан .давом эттирилди ва уч оқимга ажралди, биз оқимларни кейнсчилик деб атаймиз.

Кейнс таълимоти айниқса АҚШда катта шуҳрат қозонди. Гарвард университети профессорлари Э.Хансен (1887-1975), С.Ҳаррис, Ж.М.Кларкларнинг асарларида бу ғоялар ривожлантирилди ва дастлаб янги кейнсчилик, кейинроқ эса ортодоксал кейнсчилик деб аталди. Кейнс қоидалари асосан тўлиқ қабул қилинди, аммо масалан, Хансен томонидан стагнация назарияси билан тўлдирилди.

Хансеннинг фикрича, капитализм қийинчиликлари унинг ички қарама-қаршиликларидан эмас, балки «ташқи импульслар»нинг сусайганлиги туфайлидир. Давлат ҳаражатларини ўстириш учун солиқларни ошириш таклиф этилади, уларнинг фикрича иш ҳақининг 25-30 фоизи эмас, балки 60 фоизини солиқ сифатида олиш, шунингдек «меъёрдаги инфляция» ҳам таклиф этилади.

Э.Хансен, Ж.М.Кларк ва бошқалар мультипликатор концепциясини тўлдирдилар. Мультипликаторлар таъсири кейинги қатор даврларда ҳам бўлади, яъни уни узлуксиз жараён деб қарадилар.

Янги кейнсчилар самарали талабдан ҳам юқори кескин ўсишни тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Улар мультипликатор принципини *акселерация* принципи билан тўлдирдилар. Бу принципга кўра, аниқ-тиниқ шароитларда даромадлар ўсиши инвестициялар ўсишига олиб келишини кўрсатувчи коэффицент (мультипликатор тушунчасига тескари). Мультипликатор принципига кўра инвестициянинг қандай ишлатилиши жуда муҳим аҳамиятга эга эмас, у иш билан бандликни таъминлаб, даромадни ошириши керак. Янги кейнсчилар эса инвестициянинг қандай ишлатилишига катта эътибор бериб, индустрлашган инвестиция тушунчасини киритдилар. Акселератор инвестиция ўсишининг даромад ўсишига, яъни инвестициядан кейинги ва ундан олдинги даромадларнинг фарқлари нисбати билан аниқланади.

Янги принципнинг моҳияти шундаки, баъзи бир асбоб-ускуна, машина ва механизмлар ишлаб чиқариш учун нисбатан ўзоқ вақт талаб этилади, шу муддатни кўтиш мазкур машиналар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга психологик (руҳий) таъсир этади, бу эса реал талабдан ортиқ бўлади ва инвестицияга талаб ҳам ортади.

Мультипликатор ва акселератор ғояларига асосланиб иқтисодиётнинг узлуксиз ўсиш схемаси ишлаб чиқилди, унинг асосида давлат капитал қўйилмалари ётади. Давлат бюджети капиталистик иқтисодиётда тартибга солинадиган бош механизм ҳисобланади.

Солиқлар иқтисодиёт ўсганда ошади ва инқирозлар даврида камаяди. Давлат тўловлари эса аксинча, инқироз даврида ошади ва ўсиш даврида камаяди. Шу йўл билан Хансеннинг фикрича самарали талаб ҳажми меъёрлашади. Бунда хусусий капитал қўйилмаларини тартибга солиш ва давлат ҳаражатларини шароитга қараб ўзгартириш чегаралари ҳам белгиланади. Ўсиш даврида давлат ҳаражатларини чеклаш, инқирозлар даврида уни ошириш ва шу йўл билан хусусий ҳаражатларни компенсациялаш таклиф этилади, ҳарбий иқтисод мақталади, уни конъюнктурани меъёрлашнинг энг яхши воситаси деб қаралади (АҚШда ҳарбий ҳаражатлар доим юқори бўлишига эътибор беринг).

Франциядаги кейнсчилик хусусиятлари. XX асрнинг 40-йиллари Кейнс ғоялари Францияда ҳам шуҳрат қозонди. Кейнс ғояларини тўлалигича (*Г.Ардан, П.Мендес-Франс*) қабул қилганлар ҳам бўлди. Баъзилари (*Ф.Перру*) ссуда фоизини тартибга солишни самарасиз деб ҳисобладилар, бундан кўра иқтисодиётни режалаштириш таклиф этилди. Бунда давлат йўли билан тартибга солишни монополистик капиталнинг хусусий манфаатларига мослаштириш керак дейилади. Францўз олимлари *императив* ва *индикатив* режалаштиришни ажратишади. Императив режалар директив ҳарактерга эга (социалистик режалаштириш). Индикатив режалаштиришда режа маркази асосий мақсадларни белгилайди ва турли услублар билан тадбиркорларни маълум ҳатти-ҳаракатларга йўналтиради. Улар фақат давлат секторидаги корхоналар учун зарурий ҳисобланади (Ҳиндистон, Малайзия ва бошқа бир қанча капиталистик мамлакатларда шу усул қўлланилади). Узоқ муддатли прогнозлар ва режалар тўзиш кенг қўлланилмоқда (бу ҳақда тўлароқ маълумот қуйида берилади).

Кейнс услуби капитализмдаги иқтисодий инқирозларнинг олдини олишга қаратилган эди, аммо II Жаҳон урушидан кейин АҚШ ва бошқа мамлакатларда бу инқирозлар давом этмоқда. 1948-49, 1953-54, 1957-58, 1960-61, 1967, 1969-71, 1974-75 ва 1981-82 йиллардаги ҳамда бошқа инқирозлар бу фикримизнинг далилидир.

Булар Кейнс таълимотини танқид қилиш учун асос бўлди. Масалан, С.Ҳарриснинг фикрича, Кейнс барча қийинчиликларни ҳисобга ола олмаган, масалан, тўла бандликка эришиш ҳақида гап боради-ю, қандай қилиб уни доимо таъминлаш ҳақида таклиф йўқ, инфляциянинг энг катта даражаси ноаниқ, давлат қарзларининг чегараси ҳам берилмаган.

Кейинчалик янги кейнсчилик ўрнига посткейнсчилик вужудга келди. Инглиз иқтисодчилари Ж.Робинсон, Н.Калдор, П.Сраффа, америкалик олимлар А.Эйхнер, С.Вайнтрауб мана шу посткейнсчилар гуруҳига кирадилар. Улар капиталистик тизимнинг ички турғунлиги концепциясини танқид қиладилар, Кейнс бўйича гўёки асосий ғоя капиталистик иқтисодиётнинг ностабиллиги бўлган. Янги кейнсчилик ғоялари ҳам танқид остига олинар экан, агар бошқа олимлар Кейнс ғояларини статик, яъни турғун деб қарасалар, улар бу таълимотни динамик, яъни ҳаракатчан назария деб қарайдилар.

Посткейнсчиларнинг аввалги даврда пайдо бўлган «юқори наф», «ишлаб чиқариш омилларининг энг юқори унуми» назарияларини танқид қилиши ҳарактерлидир. Улар ўз ғояларини Д.Рикардонинг қиймат қонунига асосланиб илгари сурадилар. Уларга польшалик иқтисодчи М.Калецкийнинг тақсимот концепцияси қўл келди. Инвестициялар ўсиши билан айрим синфлар истеъмолининг ҳиссалари ўртасидаги боғланиш қонунияти қараб чиқилади. Посткейнсчилар ўз тадқиқотларига ижтимоий-иқтисодий институтлар, масалан касаба уюшмалари ролини ҳам киритадилар. Бу таълимотда ўсиш ва тақсимот муаммолари марказий ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқаришда ўсиш суръатлари миллий даромаднинг тақсимотига боғлиқ, даромад ва унинг ўсиши эса жамғармага, умумий жамғарма эса иш ҳақи ва фойдадан жамғарилган жами суммага боғлиқ. «Жамғаришга мойиллик» ҳар кимда ҳар хил бўлгани сабабли, тақсимотдаги ўзгаришлар жамғарманинг умумий суммасига таъсир этади. Демак, миллий даромадни тақсимлаш унинг ўсишига таъсир қилади. Ундан ташқари, миллий даромадни тақсимлаш капитал жамғарилиши функцияси ҳисобланади. Капиталнинг жамғарилиш суръати фойда нормасини белгилайди ва демак, миллий даромаддаги фойда нормасини аниқлайди. Иш ҳақи ҳиссаси қолдиқ миқдор сифатида қаралади, аммо ишчилар кураши бу нисбатга маълум ўзгартириш киритиши мумкин. Бу йўналиш тарафдорларининг фикри реал ҳақиқатга анча яқин ғоялар ҳисобланади.

Посткейнсчилар иқтисодий сиёсатларда капиталистик иқтисодиётни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш тарафдорлари эдилар. Кўпчилик «даромадлар сиёсати»ни оқлайди, чунки бу йўл билан инфляцияга қарши кўрашиш мумкин.

Кейнс ғояларини неоклассик йўналиш билан яқинлаштиришга интилувчилар кўп бўлган. Улар орасида А.Пигунинг хизматлари катта. Унинг фикрича, инқирозларнинг асосий сабаби - бу иш ҳақининг кам эгилувчанлигидир. Бандлик тўла бўлмаган ҳолда макроитисодий мувозанат фақат иш ҳақи ва баҳоларнинг эластик (қайишқоқ) бўлмаган ҳолатида мумкин деб қаралади.

Ҳозирги давр кейнсчилигида иккита тенденция хукмрон бўлиб ҳисобланади: 1) АҚШнинг бир қатор иқтисодчилари номи билан боғлиқ америка кейнсчилари ва 2) аввало Француз тадқиқотчилари номи билан боғлиқ Европа кейнсчилари.

4.КЕЙНС ТАЪЛИМОТИНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ АҲАМИЯТИ

50-йилларда кейнсчилик ғоялари ривожлантирилиб, янги ғоялар илгар сурилди. Уларнинг асосий моҳияти иқтисодий ўсиш суръатлари доимлигини таъминловчи механизмларни аниқлаш ва исботлашдан иборатдир. Оқибатда «мульципирикатор-акселератор» системасини ҳисоблашга асосланган ва ўзига хос кейнсчиликнинг ўсиш назариялари, жамғариш ва истеъмол ўртасидаги ўзоро боғланиш ҳарактеристикаларидан фойдаланиб иқтисодий динамикани моделлаштириш юзага келди.

Юқорида тилга олинган иқтисодий ўсиш назарияларининг асосий намоёндалари Массачусет технология институти профессор Евсей Домар (1914) ва Оксфорд университети профессори Роберт Ҳаррод (1890-1978) ҳисобланади. Уларнинг назарияси (модели) иқтисодиётнинг доим (мўътадил) суръатларда ўсиши динамик барқарорлик (илгарилаб бориш) нинг асосий шарти сифатида мақсадга мувофиқ эканлигининг умумий хулосаларини бирлаштиради. Уларнинг фикрича,

шундагина ишлаб чиқариш қувватлари ва меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланишга эришиш мумкин. Ҳаррод- Домар моделининг бошқа бир қоидаси бўйича айрим параметрлар, чунончи даромадлардаги жамғарма ҳиссаси ва капитал қуйилмаларнинг ўртача самарадорлиги ўзрқ давр мобайнида доим деб тан олиниши ҳисобланади. Муаллифлар динамик барқарорлик ва доимий ўсишга эришиш автоматик равишда бўлмаслиги, балки давлатнинг шунга мувофиқ сиёсати натижасида, яъни давлатнинг иқтисодиётга фаол иштироки туфайли рўй бериш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Домар ва Ҳаррод моделларидаги фарқ-бошланғич позициялардаги айрим кўрсаткичлардир. Масалан, Ҳаррод меделида инвестиция ва жамғармалар тенглиги ғояси, Домарда эса пул даромадлари (талаб) ва ишлаб чиқариш қувватлари (таклиф) тенг деб қабул қилинади. Иккала олим шунга ишончлари комилки, даромад ўсишини таъминлашда инвестициялар роли, ишлаб чиқариш қувватларининг оширилиши фаолдир, бунда шу нарса кўзда тутиладики, ўсши бандликка ёрдам беради, бу эса ўз йўлида, корхоналарнинг ярим қувват билан ишлаши ва ишсизликнинг олдини олади. Бу Кейнснинг шу соҳадаги концепциясини сўз сиз тан олишдир; чунки Кейнс бўйича, иқтисодий жараёнлар инвестиция ва жамғармалар орасидаги пропорциялар ҳарактери ва динамикасига боғлиқ, аниқроқ айтилса инвестицияларнинг илдам ўсиши, баҳолар даражаси ўсишига сабаб бўлади, жамғармалар ўсиши эса корхоналарнинг тўла ишламаслиги ва ишсизликнинг сабабидир.

Шуни аниқ қилиб айтиш керакки, қейнс таълимоти инқирозлар,урушлар ва урушдан кейинги даврлар учун самарали бўлди, чунки фавқулотта ҳолатлар даврида давлатнинг роли кучли бўлиши керак. Амалда эса, айниқса 2-жаҳон урушидан сўнг Fарб мамлакатларини социалистик орентацияси кучайди (давлат мулки ошиб борди), давлат бюджети қарзлари кўпайиб, ишсизлик ҳам ўсган, инфляция кучли. Бу ижтимоий ишларни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар оқибатидир деб тан олинмоқда. Ишсизликнинг иш ҳақини пасайтириш йўли билан ҳал этиш тарафдорлари ҳам мавжуд, аммо пул массасини кўпайтириш (инфляцияга олиб келади), яъни эмиссия йўли кўпчиликка осон кўринади. Бу концепция маълум давр мобайнида инфляция бўлмаган ҳолда минемал ишсизлик даражасини исботлашга имкон беради.

70-йиллардан бошлаб Кейнс таълимотига нисбатан давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бўйича неолиберализм ғоялари асосий бўлиб қолди, чунки бу даврда жаҳонинг кўпгина мамлакатларида инқироз ҳолатлари доим воқеага айланиб қолди. Инфляция, давлат бюджетининг камомади, ишсизлик тоборо кучайди. Неолибераллар кейнсчиларни танқид қилар эканлар, иқтисодиётда давлат секторининг ошуви, эркин рақобатнинг камайиши, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига инвестициялар камайганлиги улар ғояларининг саёзлигидан далолат беради, деб ҳисоблайдилар.

70-80-йиллар неолиберал ғоялар иқтисодиётда тобора устунлигини эгаллай бошлади. Кўп давлатларда иқтисодиётни денационализация қилиш кучайди (нодавлат шаклларига ўтилди). Бунинг оқибатида Буюк Британия (Тетчеризм), Франция, Япония, Чили (Пиночет), Испания ва бошқа мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви минималлаштирилди ва иқтисодий аҳвол яхшиланди.

ХУЛОСА

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози аввалги «соф таълимот»

назариётчиларининг фикрига қўшимчакириишни талаб этди. Иқтисодий таълимотлар тарихида Кейнс инқилоби деб ном олган ўзгариш рўй берди. Агар авваллари бозор иқтисодиёти барча муаммоларни автоматик равишда ҳал қилади деган ғоя устун бўлса, Кейнс уларга бошқача қараб, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини зарур деб ҳисоблади. Бандлик, фоиз, миллий даромад, инвестициялар ўртасидаги муносабатлар ўрганилиб, «аралаш иқтисодиёт», мультипликатор тушунчалари киритилди. Кейнсчи ва Неокейнсчилар давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қўллаб, «акселератор коэффициенти»ни қўлладилар, унга кўра даромадларнинг инвестицияларга таъсирини кўриш мумкин. Кейнсчиликнинг айрим шаклларида индикатив режалаштириш ҳам қўллаб- қувватланади. Ишсизлик ва инфляцини бандлик йўли билан ҳал этиш мумкин деган ғоя устун.

Таянч тушунча ва иборалар

Кейнс; давлатнинг иқтисодиётга аралашуви; «Умумий назария...», аралаш иқтисодиёт; психологик қонун; бандлик, миллий даромад, инвестиция; фоиз, ликвидлик; мультипликатор; кейнсчилик; АҚШдаги кейнсчилик; акселератор; Франция кейнсчилари; индикатив режалаштириш.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Кейнс таълимотининг моҳияти, «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асари тўғрисида нима биласиз?
2. Давлат иқтисодиётга нима учун аралашуви керак?
3. Кейнс таълимотига қандай шарт- шароитлар асос қилиб олинган?
4. Кейнснинг «психолок қонуни» нимани англатади?
5. Инвестиция, мультипликатор коэффиценти нима?
6. Фоиз , ликвидликнинг моҳияти нимада?
7. Давлатнинг иқтисодиётга арашуви доиралари қандай?
8. Америка ва Европадаги кейнсчилик хусусиятлари нима?
9. Домар- Ҳарроднинг иқтисодий ўсиш назариялари нимани билдиради?
10. Кейнс таълимотининг ҳозирги даврдаги аҳамияти нимадан иборат?

Адабиёт
Асосий адабиёт

1. Раззоков А.А, Тошматов Ш.Х, Ўрмонов Н.Т. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т., 2002 (18-боб)
2. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 1997

Қўшимча адабиёт

3. Раззоқов А.А. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти. Ўқув-услубий қўлланма. Т., 2001
4. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., ТМИ, 2003

9 - Мавзу. Жаҳон хўжалиги тўғрисидаги иқтисодий таълимотлар (2 соат)

Режа

1. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожига оид таълимотларнинг XX асрдаги хусусиятлари
2. Халқаро капитал ҳаракати ва инвестицияларга оид назариялар
3. Халқаро валюта муносабатлари
4. Жаҳоншумул иқтисодий муаммолар
5. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти тўғрисидаги назариялар
6. Инсоний ривожланиш концепцияси

1. ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ РИВОЖИГА ОИД ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ XX АСРДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозиргача биз асосан айрим мамлакатлардаги миллий иқтисодиёт, иқтисодий жараёнлар тўғрисида фикр юритдик. Аммо иқтисодиётга хос бўлган муҳим бир хусусият шуки, у чегара билмайди, байналмилал ҳарактерга эга. Агар бу масалага тарихан ёндашилса, иқтисодиётнинг, хўжаликларнинг яқинлашув жараёни илгаридан маълум. Масалан, эрамиздан аввалги II асрдаёқ Буюк ипак йўли билан Хитой, Япония, Корея моллари Ҳиндистон, Эрон, Ўрта Осиё орқали Византия ва Италияга олиб келинган, у ердан сотиб олинган моллар бошқа мамлакатларга олиб борилган. Тарихий фактларга мурожаат этилса, ҳар бир карвонда кўп сонли одамлар, юк ортилган от, туя, хачир ва бошқалар бўлган, йўл бир неча ойлаб давом этган. Бу халқаро савдо йўли XIV-XV асрларда Амир Темурнинг олиб борган иқтисодий сиёсати туфайли кенг ривожланди (кам бож олинган, карвон йўллари қароқчилардан ҳимоя қилинган, бир кунлик йўл охирида карвонсарой бўлган, у ерда сув учун қудуқлар, сардобалар қурилган, от-улов, ем-хашак ва озиқ-овқатлари сақланган).

Амир Темур «Дунё савдо билан обод бўлур» деган фикр билдирган, бу фикрнинг ҳозирги даврда қанчалик долзарблиги ҳаммага аён. Бобур Ҳиндистонда подшолик қилган даврда ҳам бу соҳада муҳим ишлар қилинган. Аградан Кобулгача бўлган йўл бўйлаб ҳар 15 миль (1 миль = 1.6 км) масофага 6 тадан от ва унга қарайдиган хизматчилар қўйилиб, улар халққа ҳизмат қилган (У.Эрскин Бобур Ҳиндистонда Т., «Чўлпон», 111-бет.)

Жаҳон бозорининг вужудга келиши кўпинча XV аср охири ва XVI аср боши билан белгиланади. Бу фикрда ҳам жон бор албатта, чунки буюк географик кашфиётлар туфайли Америка қитъаси, кўплаб янги орол ва мамлакатлар очилди. Улар билан денгиз орқали иқтисодий алоқа кучайди, мустамлакачилик тизими вужудга келди. Иқтисодиётнинг байналмилаллашув жараёни доим ривожланишда бўлди ва айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин бу жараён мазмун жиҳатдан тобора чуқурлашиб, ҳудуди кенгайиб бормоқда. Жаҳон хўжалиги, унинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва такомиллашув қонуниятлари, тамойиллари доим олим ва мутахассисларнинг диққат марказида бўлган.

Ҳозирги даврда дунёда 200 дан ортиқ мамлакат мавжуд бўлса, уларнинг табиий иқлимий шароитлари ниҳоятда турли-туман. Уларнинг аҳолиси, хўжалик фаолияти, турмуш тарзи ҳам хилма-хилдир. Тарихий, анъанавий шароит тақозоси туфайли ҳар бир мамлакатда ўзига хос хўжалик фаолияти, маҳсулот турлари юзага

келган. Масалан, бизга яхши таниш бўлган картошка, маккажўхори, помидор, тамаки Америка кашф этилгандан кейин бизга олиб келинди ва ривожланди. Худди шундай йўл билан ўзаро боғланиш, савдо-сотиқ, маданий алоқалар кучайиб бормоқда. Айниқса, халқаро савдо муносабатлари бу борада етакчи ўринни эгаллайди ва иқтисодий таълимотларда ҳам бу соҳада муҳим ютуқлар мавжуд. Халқаро иқтисодий интеграция дастлаб савдо соҳасида кенг тус олган.

Халқаро савдо ривожланиши жараёнлари иқтисодиёти аллақачон миллий давлатлар доирасидан чиққан ва бу борада бир қанча иқтисодий таълимотлар ҳам мавжуд. Улар классик, неоклассик ва неокейнсчилик назарияларида ўз аксини топган. Айниқса, XIX-XX асрлардаги иқтисодчилар А.Смит, Д.Рикардо, Р.Торренс, Ж.С.Милль, А.Маршалл (юқорида улар билан танишганмиз.) Ж.Вайнер, Г.Хаберлер, Г.Жонсон, П.Самуэльсон ва бошқалар бу соҳада баракали ижод қилдилар.

А.Смит томонидан *мўтлоқ афзаллик принципи* ишлаб чиқилган, унга кўра, энг кам ҳаражат талаб этувчи товарлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш самаралиди ва аксинча.

Классик иқтисодий мактаб вакили Д.Рикардо биринчилардан бўлиб меҳнат тақсимоти фақат айрим ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас(А.Смит фикри), балки халқаро кўламда ҳам объектив зарурат эканлигини исботлаб берди.Олимнинг фикри шундан иборатки, принципиал жиҳатдан қаралса, ҳар бир давлат ўзига керакли барча нарсани (товарларни) ишлаб чиқариши мумкин, аммо бу иқтисодий жиҳатдан қанчалик тўғри, деган савол туғилади. Унга жавоб бериб, Рикардо айтадики, ҳар бир давлат маълум бир маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ихтисослашади ва *нисбий афзалликка*, устунликка эга бўлади. Масалан, Шотландияда сули, Португалияда фақат вино ишлаб чиқариш самаралироқдир, чунки сарф-ҳаражатлар миқдори энг кам бўлган соҳани ривожлантириш афзалдир. Бунда албатта, табиий шароит, анъаналар, тарихий тажриба, ер, сув, инсон ресурслари, халқнинг менталитети ва бошқалар ҳисобга олиниши керак. Масалан, мусулмон давлатларида чўчқачиликни ривожлантириш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас ва бошқалар.

Солиштирма ҳаражатлар принципи ҳам барча мамлакатлар учун тегишлидир ва қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш муаммоси ҳал этилганда ҳисобга олиниши шарт. Шу сабабли айрим давлатларда у ёки бу соҳа «мустақиллиги» учун кўраш эълон қилинганда бу омил албатта яхши ўрганиб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.(Д.Рикардо таълимоти юқори бобларда тўла берилган).

Неоклассик, яъни «соф» иқтисодиётни тарғиб этувчилар халқаро меҳнат тақсимотининг ривожи ва савдо шароитларининг ўзгариши сабабларини аниқлашни бош вазифа қилиб қўйганлар, аммо улар савдо алмашувида пул механизми йўлини инкор этадилар. Р.Ҳаррот, Ф.Махлуп, К.Куриҳара каби неокейнсчилик тарафдорлари эса халқаро савдонинг пул механизмига алоҳида эътибор берадилар, шу билан бир вақтда халқаро меҳнат тақсимоти, байналмилал қиймат, баҳолар нисбати деярли эътиборга олинмайди.

«Соф» таълимот тарафдорлари фикрича, жаҳон бозорида «мукаммал рақобат» мавжуд; барча контрагентлар халқаро савдода бир хил имкониятларга эга; таклиф доимо талабни вужудга келтиради; савдо баланси ўзини-ўзи тартибга солиш принципи бор. Экспорт ва импорт баҳолари нисбатини тушунтиришда улар ўзоқ муддатли режаларда «савдо шароитлари» индустриал давлатлар зиёнига ва аграр мамлакатлар фойдасига ўзгармоқда, деб ўйламоқдалар ва буни ер

унумдорлигининг пасайиб бориши деган қонун билан боғламоқдалар. Улар товар экспорти ва импортининг физик ҳажмлари ўсишини ҳисобга олмаган ҳолда халқаро савдо ривожи тенденциялари аграр хом ашё йўналишидаги давлатлар иқтисодиёти ташқи савдо позициялари яхшилашувига олиб келмоқда, демоқдалар. Халқаро савдонинг неокейнсчилик таълимоти вакилларининг фикрича, ҳар бир мамлакат ички бозорда кўпроқ товар ишлаб чиқаришга интилгани сабабли меҳнат ва капитал билан бандликнинг тўла эмаслиги туфайли кўпроқ экспорт қилишга ва камроқ импорт қилишга интилади. Шу сабабли ҳам халқаро савдо ўзини-ўзи тартибга солувчи жараён бўла олмайди, аксинча товар экспорти капитал чиқариш билан рағбатлантирилиши керак, импорт эса протекционистик чоралар билан чекланиши зарур. Бу чоралар умуммиллий манфаатларга мос келар эмиш.

Кейинги даврда вужудга келган иқтисодий таълимотларда Э.Хекшер, Б.Олин (Швеция), П.Самуэльсон томонидан яратилган «*ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимоти*» назарияси (модели) типик ҳисобланади. Уларнинг фикрича, ҳар мамлакат иқтисодиёти ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаганлиги билан, демак ҳар бир омилнинг турлича баҳога эгалиги (иш ҳақи, фоиз, рента) билан ҳарактерланади. Айрим мамлакатларда меҳнат асосий омил (бошқасидан сон жиҳатдан кўп) бўлса, унинг нархи капитал ва ерга нисбатан паст баҳоланади; капитал мўл бўлган мамлакатда у бошқа икки ишлаб чиқариш омилига нисбатан арзон бўлади. Ҳар бир мамлакат ўзининг устунлигини реализация қилишга интилади, жаҳон бозорига ишлаб чиқариш омили нисбатан арзон бўлган йўл билан тайёрланган товарлар кўпроқ чиқарилади. Бундай ишлаб чиқариш ихтисослашуви шунга олиб келадики, барча давлатлар ўзига қулай ва фойдали бўлган хўжалик тармоқларини ривожлантириб, қулай шароит бўлмаган бошқаларидан воз кечади. Бу назария ишлаб чиқаришнинг чиқимларини мўтлақлаштиради ва халқаро ихтисослашувнинг ягона мезонига асосланади. Шу сабабли жаҳон савдоси уйғун (гармоник) жараён деб қаралади. Бунда жаҳондаги реал шарт-шароитлар тўла ҳисобга олинмайди, масалан ўз даврида мустамлака эгаси (метрополия) билан колониялар ўртасидаги муносабатларни ҳеч ҳам уйғун деб бўлмайди. Иқтисоди юксак давлат билан қолоқ мамлакатлар ўртасидаги алоқаларда ҳам гармония бўлиши амри маҳол. Лекин келажакда идеал шакл сифатида бу ҳодиса рўй бериши мумкин.

60-йилларда технологик ҳарактердаги янги халқаро меҳнат тақсимоти концепциялари пайдо бўлди. Булар орасида энг яхши маълум бўлгани «товар ҳаётининг цикли» назариясидир, унинг муаллифлари америкалик иқтисодиётчилар Г.Хофбауэр, Р.Вернон, М.Познер ва бошқалар ҳисобланади. Унинг асосини қайта ишлаш саноатидаги халқаро меҳнат тақсимоти ташкил этади. Саноатда пайдо бўладиган технологик жиҳатдан ҳар бир янги маҳсулот кириш, экспонент ўсиш, секинлашув ва тугаш циклини ўтадики, бу тартиб ишлаб чиқаришга жорий этиш, кенгайиш, камолот ва эскириш жараёнига тўғри келади (жами 5 стадия). Ишлаб чиқаришни жорий этиш фазасида янги маҳсулотни тайёрлаш асосан юқори ривожланган илмий-техник базага ва бозорда шу маҳсулотнинг рақобатбардошлиғини синовчи шароитнинг мавжудлигига боғлиқ. Ўсиш ва кенгайиш фазаси учун индустриал базанинг қуввати билан белгиланадиган маҳсулотни оммавий равишда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳарактерлидир. Етуклик, камолот фазасида маҳсулот ишлаб чиқариш соддалашиб, оммавий тус олади. Сўнгги (эскириш) фазаси мазкур маҳсулот ўрнини қопловчи янги такомиллашган маҳсулотнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ, ундан ташқари аввалги маҳсулотга талаб ҳам кескин камаяди. Шундай технологик

жараён мавжуд намунавий мамлакат сифатида АҚШ мисол қилиб келтирилади. Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожи эса бошқа мамлакатларнинг Америка иқтисодиётига технологик қарамлиги асосида шаклланиши тасаввур этилади.

Илмий - техник прогресси билан боғлиқ иқтисодий қарашлар инглиз иқтисодчиси Жон Хикс (1904-1989) томонидан илгари сурилган. Унинг модели бўйича техника пргресси нейтрал, меҳнатни иқтисод қилувчи ва капитални иқтисод қилувчи гуруҳларга бўлинади. Техника прогресси оқибатида ишлаб чиқариш ва истеъмол халқаро савдога нейтрал, ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

2. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ ҲАРАКАТИ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРГА ОИД НАЗАРИЯЛАР

Ҳозирги даврда америкаликлар япон автомобилларини минадилар, шведлар французлар пишлоғини истеъмол қиладилар, канадаликлар корейс компьютерларини сотиб оладилар, италияликлар Ливия нефтидан фойдаланадилар, руслар америкаликлар донидан нон пиширадилар. Бу савдо муносабатида ички савдога нисбатан иккита ўзига хослик мавжуд. Биринчидан, халқаро савдода иштирок этувчи фирмалар ва истеъмолчилар турли мамлакатларда яшайдилар. Биринчи пайдо бўладиган савол шундан иборатки, нега ўзи халқаро савдо мавжуд?

Ҳозирги даврда халқаро меҳнат тақсимоти бутун жаҳон йўли билан ишлаб чиқарилади. Кўпинча давлат ҳукуматлари бу савдони тартибга солиш учун тарифлар, яъни импорт қилинаётган товарлар учун солиқлар солинади. Иккинчи муҳим ўзига хослик шуки, савдо қилаётганларнинг ҳар бири бошқа-бошқа валюта (пул)дан фойдаланадилар. Масалан, Америка ҳаридорлари япон автомобилларини долларда сотиб оладилар. Автомобилларни ишлаб чиқараётган япон ишчилари ўз маошларини иенларда олишни истайдилар. Демак, бу ерда халқаро ҳисоб-китоб масаласи кўтарилади.

Ҳозирги даврда халқаро меҳнат тақсимоти бутун жаҳон хўжалигининг ташкил топиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омилидир. Бунда капитал чиқариш масалалари ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Шу сабабли уларга бағишланган бир қанча назариялар мавжуд.

Тарихан биринчи бўлиб неоклассик таълимотлар вужудга келди. Уларнинг асоси Б.Олин (Швеция), К.Иверсон (Дания), Р.Нурксе (Австрия-АҚШ) асарларида ўз аксини топган. Улар ўз таълимотларида маржинализм концепциясига асосланган ҳолда, капиталнинг ҳаракатчанлиги, «капиталнинг энг юқори унуми» (фоиз ставкаси билан ифода қилинади) у ёки бу мамлакат капиталининг мўл-кўллигининг турлича эканлиги билан изоҳлайдилар. Капиталнинг «мўл-кўллиги» ёки «камлиги» унинг миграция сабаби қилиб кўрсатилади. Бу жараён то капитал унуми бир хил бўлгунча давом этади. Бу эса ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигининг ўсиши, миллий даромаднинг ортиши, бутун мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражасининг текисланишига олиб келади.

Капитал чиқаришнинг неокейнсчилик таълимоти 30-50-йилларда шаклланди, Ф.Махлуп, Е.Домар ва Р.Ҳаррот бу назариянинг асосчилари ҳисобланадилар. Уларнинг фикрича, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда савдо, тўлов балансининг ўзгариши туфайли, яъни актив савдо баланси бўлган мамлакатларда капитал ортиқчалиги (жамғармаларнинг инвестициялардан кўплиги), пассив балансли мамлакатларда эса аксинча, капитал етишмаслиги

сабабли капитал ҳаракати рўй беради. «Жамғармалар»нинг ортиқчалиги мамлакатни иқтисодий депрессия ва ишсизликка олиб борадиган энг муҳим омил деб қаралади. Унга қарши кўраш ёки унинг олдини олиш учун «жамғармалар» ҳисобига қўшимча товар экспортини молиялаш зарур деб топилади. Аммо бунда импорт ошмаслиги, яъни капитал чиқариш йўли билан ҳал этилиши керак.

Бу йўналиш вакиллари капиталистик тузумда капитални реализация қилишдаги қарама-қаршиликларни тан оладилар ва буни ҳал этиш учун капитал чиқарилади, бу эса ортиқча товарни кўпайтириш ҳисобига рўй беради. Бу назария ривожланаётган мамлакатларга «ёрдам» концепциясини исботлаш учун ҳам асос бўлади.

60-70-йилларда капитал чиқаришнинг «динамик модели» оммалашди, унда Р.Ҳарротнинг иқтисодий динамика назарияси асосида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро капитал экспорти сабаблари ва оқибатларини аниқлашга ўриниш бор. У капитал экспорти ва импортини ялпи миллий маҳсулот ўсиши, инвестицион даромад ва тўловлар билан боғлашга интилади. Унда неокейнсчиликнинг халқаро капитал ҳаракати концепциясига асосланадилар. Шу вақтнинг ўзида иқтисодий ўсишнинг неоклассик назарияси ҳам ҳисобга олинади. Буларнинг ҳаммаси унлаб ўзгарувчи параметрларни ўз ичига олувчи иқтисодий математик моделлар асосида ҳал қилинади. Масалан, америкалик иқтисодчилар Ж.Бортс ва К.Копеқилар тузган ана шундай моделда 20 дан ортиқ ўзгарувчи ва шунча тенглама мавжуд; унда математик аппарат устун бўлиб, у назарий асоснинг бўшлигини компенсациялайди.

Улар капитал ортиқчалиги масаласини тушунтиришда неокейнсчиларга асосланадилар ва уни жамғармалар ва инвестициялар орасидаги фарқ сифатида эълон қиладилар. Бу фарқ ишчи кучи етишмаслиги ва тез ўсувчи капитал миқдори ўртасидаги техник-иқтисодий диспропорциядан келиб чиқади, деб тушунтирилади.

Капитал ўсиши тўлов баланси сальдоси мусбат бўлганда инвестицион даромадлар инвестицион тўловлардан ортиқ ҳолларда рўй беради. Даромади тўловлардан юқори бўлган мамлакатлар капитални соф экспорт қиладиган, аксинча, тўловлари даромаддан устун бўлганлар эса капитални соф импорт қиладиган мамлакатлардир. Чунки улардаги капитал миқдори мавжуд меҳнат ресурсларидан анча кам бўлади. Бунда чет эл инвестициялари билан соф кредитор ёки дебитор мамлакатлар аҳволи ўртасидаги ўзаро боғланиш таъкидланади.

Бевосита инвестициялар назарияси ҳам 60-70-йилларда ишлаб чиқилган бўлиб, капитал чиқариш ва киритишнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш масалалари асос қилиб олинган. Уларнинг фикрича, капитал чиқариш асосан йирик корпорациялар томонидан амалга оширилади ва бошқа мамлакат компанияларининг чет элдаги иқтисодий позициялари билан рақобатга дуч келади. Бунинг сабаби шуки, ҳозирги шароитда рентабел ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосан чет элдаги бозорларни эгаллаш билан боғлиқ. Э.Х.Чемберлин монополистик конкуренция назариясини ишлаб чиқди, унга кўра монополистик конкуренция ишлаб чиқариш ва капитал концентрацияси туфайли эмас, балки фирманинг бозорга, истеъмолчиларнинг шахсий талабларига муваффақиятли мослашиши натижасидир.

Бевосита инвестицияларни амалга оширувчи корпорациялар худди ана шундай монополистик устунликларга эга бўлишлари керак. С. Хаймер - Ч. Киндлебергерларнинг «олигополик структуралар» (монополистик устунликлар) моделида бу жараён корпорация-инвесторда «дифференциялашган маҳсулот», махсус бозор билимлари, керакли технология, юқори малакали менежмент

мавжудлиги туфайли рўй берар экан.

Кейинги даврда халқаро монополияларнинг янги типи - трансмиллий ва транскорпоратив концернлар ташкил топмоқда. Бу монополиялар фаолиятини акс эттирувчи бир қанча таълимотлар мавжуд. Уларда халқаро монополиялар бир қанча миллатлар номидан чиқаётган мустақил корпорация сифатида изоҳланади ва бутун дунёда илмий-техника тараққиёти меваларини тарғиб қилувчи ташкилот деб қаралади. Бу монополиялар мисолида иқтисодий алоқалар ҳар қандай сиёсат ва мафкурадан холи деган фикр илгари сурилади, яъни у ёки бу корпорация кўп мамлакатларда ишлаб чиқариш ва коммерция операцияларини олиб бораётган бўлса, «соф халқаро» корхонага айланади ва ҳеч бир мамлакат манфаатларини ҳимоя қилмайди. Г.Жонсон, Ч.Киндлебергер ва бошқалар халқаро монополияларнинг илмий-техника янгиликларини тарғиб этиш, тинчликни сақлашга оид фаолиятларига кенг ўрин беришган. Айниқса ривожланаётган мамлакатларда бу трансмиллий корхоналарнинг роли юқори баҳоланади, уларнинг илмий-техника соҳасида, инвестициялар қуйиш бўйича фаолияти ижобий деб қаралади.

Халқаро монополиялар ривожига танқидий бўлган назариялар ҳам мавжуд (Р.Барнет -АҚШ, Э.Пенроўз - Англия), бу назарияларда ҳалқаро концернлар давлат иқтисодий сиёсатининг айрим унсурлари, масалан, солиқ солиш, кредит ва инвестицион сиёсат, валютани тартибга солиш ва бошқаларнинг самарасиз бўлиб қолишига олиб келади. Бу корпорациялар ўзлари иш юритаётган давлатларда бу мамлакат иқтисодиёти ва сиёсатига салбий тазйиқ ўтказиш учун бир қанча усуллардан фойдаланишлари мумкин. Айниқса бу ҳолат иқтисодий жиҳатдан қолоқ ривожланаётган мамлакатларда салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлиги айтилади. Шу сабабли улар халқаро корпорациялар фаолиятини шундай қайта ишлаб чиқишни таклиф этадиларки, уларнинг ҳаракатидаги «салбий томонлар»нинг йўқотилиши ва жаҳон бозорини бўлиб олиш «қоидалари»ни регламентациялаш керак.

Интеграцион жараён бўйича ягона алоҳида таълимот йўқ, аммо интеграцияни исботлаш, қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча йўналишларнинг баъзи бир умумий томонлари мавжуд, улар қуйидагилардир: капиталистик иқтисодий интеграциянинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни сохталаштирилади; бу жараён умумий қонуният сифатида қаралади ва XVIII-XIX асрларда вужудга кела бошлаган ички бозор билан бир нарса деб қаралади, Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари ривожланаётган ва бошқа давлатлар билан олиб бориладиган алоқа сифатида берилади; монополистик капиталнинг капиталистик интеграциянинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги роли бўяб кўрсатилади.

Одатда иқтисодий интеграция тўғрисидаги назарияларда интеграцияга аъзо мамлакатлар ўртасидаги барча тўсиқлар ва айниқса савдо, бошқа иқтисодий муносабатларда тўла эркинлик берилиши зарурлиги қайд этилади. Шу билан бирга бозорнинг кўлами ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ўртасида функционал (яъни бевосита) боғланиш бор деган ғоя ҳам илгари сурилади. Шундай қилиб, иқтисодий интеграция зарурати ташқи бозорнинг қайта ишлаб чиқаришга ҳал қилувчи таъсири туфайли юзага келади (яъни аксинча эмас).

Иқтисодий интеграция бўйича таълимотларда асосий эътибор «божхона иттифоқи»га берилиб, унда ўзаро савдо бўйича ҳар қандай чеклашлар бекор қилиниши ва «учинчи мамлакатлар» учун ягона божхона тарифи жорий қилиниши керак бўлади. Бунда айрим иқтисодчилар - Б.Белаш (АҚШ), В.Ребке (Швейцария) ва бошқалар бу жараённи идеал эркин бозор муносабатларига қайтиш шаклида

қарайдилар ва аввалги давр воқеаларини ҳозирги монополистик даврга кўчирадилар. Бошқалари эса, масалан Ч.П.Киндлебергер (АҚШ), П.Стритен (Англия), А.Маршалл ва Ф.Перру (Франция)лар йирик корпорациялар мавжудлигини тан оладилар, уларнинг фикрича, жаҳон бозорини ўзаро бўлиб олиб, «божхона иттифоқи» картелларга қарши сиёсат туфайли уларнинг фаолиятидаги салбий томонларни нейтрализация қилади, гўёки халқаро интеграция антимонопол йўналишга эга. Амалиётда бу жараёнлар ҳар доим ҳам назариядагидек эмас, масалан Европа иқтисодий ҳамжамияти (умумий бозор, ҳозир Европа иттифоқи)да картеллаштиришни тақиқлаш тўғрисида қонун бўлишига қарамасдан, бу жараён аксинча тезлашди, бугунги кунда кўптармоқли компания-концернлар вужудга келмоқда.

Олимларнинг фикрича, иқтисодий интеграциянинг асосий ижтимоий-сиёсий оқибатлари қуйидагилардан иборат бўлади: ишлаб чиқаришнинг доимо ўсиши ва иқтисодий инқирозларнинг бўлмаслиги таъминланади; иқтисодиётнинг доимо ўсиши туфайли аҳолининг турмуш даражаси кўтарилади; ишчи ва капиталистлар ўртасидаги социал шерикликни ривожлантиради; турли мамлакатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва сиёсий нифоқлар тугатилади. Демак, иқтисодий интеграция капиталистик жамиятга хос бўлган иллатларни камайтириш воситаси сифатида қаралади.

3. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ

Иқтисодчи олимлар халқаро валюта муносабатларига алоҳида эътибор берадилар. Валюта бозорида миллий валюта чет эл валютасига (масалан, АҚШ доллари, Мексика песоси, немис маркаси, иена ёки фунт стерлинг) алмаштирилади. Алмашув (валюта) курси - бу чет эл валютаси бирлигининг миллий пулдаги ифодасидир. Бу муносабатлар ҳар куни, ҳатто ҳар соатда ўзгариб туриши мумкин. Валюта курсини стабил (турғун) қилиш учун тўлов балансларининг тенглигига эришиш йўли таклиф этилади.

30-йилларгача тўлов балансларини тартибга солиш механизмини таҳлил этишда Д.Юм, Ж.Милль томонидан ишлаб чиқилган «классик» назария устун мавқега эга бўлган. Бу ғояга кўра, олтиннинг халқаро ҳаракати ва ҳар бир мамлакатдаги баҳоларнинг ўзгариши автоматик равишда бир-бири билан боғлиқ, оқибатда барча мамлакатларнинг тўлов баланси барқарорликка интилиш тенденциясига эга. Олтин стандартининг тугатилиши билан олимларнинг кўпчилиги неокейнсчилик позицияларига ўтиб олдилар («Олтин стандарти» XIX асрда ва XX асрнинг маълум даврида амалда бўлган, масалан, Буюк Британияда 1821-31 йиллар олтин стандартидан фойдаланилган, АҚШда 1934 йил долларни олтинга айлантириш тугатилди). Янги шароитда тўлов балансини тартибга солишда асосий эътибор давлатнинг ҳисоб ставкасига таъсири муҳим деб ҳисобланади. Бошқа тартибга солиш чораси сифатида импортни камайтириш ва экспортни рағбатлантириш, бунинг учун эса меҳнаткашларнинг ички тўлов имкониятлари талабини пасайтириш (дефляция йўли) ёки миллий валютани девальвация қилиш усули таклиф этилади.

60-йиллардаги иқтисодий жараёнлар неокейнсчилик методларидан воз кечишга сабаб бўлди, яна неоклассик йўлга қайтилди, яъни давлатнинг иқтисодий, шу жумладан валюта ишларига аралашуви чекланди, валюталар курсининг эркин тебранишига имкон берилди, бу эса ўз навбатида автоматик барқарорлашувига олиб келиши керак эди. Аммо валюта курси ўзгариб туришининг тўлов балансига

таъсири чекланган ҳарактерга эга бўлади (масалан, валютанинг «сўзиб юрувчи курси» пайтида бу нарса аниқ бўлиб қолди), чунки тўлов балансининг барқарор эмаслиги муомала соҳасига эмас, балки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ. Тўлов баланслари пассиви давлатнинг чет элдаги ҳаражатларига, айниқса турли ҳарбий-сиёсий акцияларга боғлиқ бўлади. Валюта курсининг қалқиб туришининг ўзи ҳам халқаро валюта тизимининг беқарорлигини кучайтиради. Сўнгги йигирма йил ичида индустриал ривожланган мамлакатлар чегараланган (фиксация қилинган), аммо ҳар ҳолда тартибга солинадиган курсдан эластик (қайишқоқ) валюта курсига ўтиб олдилар. Абсолют эластик валюта курсида алмашув курси валюта бозоридаги тенг кучли валюта баҳосида белгиланади, чекланган курс чогида эса валюта курси Марказий банк томонидан белгиланади, бунда банк белгиланган курс бўйича хорижий валютани ҳар қанча миқдорда олиш ва сотиш мажбуриятини ўзига олади.

Валютанинг эластик курс миқдори уч омилга боғлиқ:

1. Ички ва ташқи нархлар даражаси. Бошқа шароитлар тенг бўлганда ички баҳоларнинг ўсиши валюта курсининг пасайишига олиб келади (ҳарид қилиш қобилияти паритети назарияси);

2. Савдо оқими билан боғлиқ омиллар; масалан, экспорт бозорининг камайиши ёки йўқотилиши, дефицит, яъни валюта арзонлашувини келтириб чиқаради.

3. Капитал оқиб ўтиши. Мамлакат ичида фоиз ставкаларининг ошиши капитални жалб этади ва бу билан миллий валютанинг қимматлашувини келтириб чиқаради.

Чегараланган ва эластик валюта курсларини солиштирганда қайси бири устунлигини аниқлаш қийин. Эластик алмашув курси одатда, қисқа вақт давомида турғун бўлмайди, аммо ўзоқ муддатли режаларда зарурий эластикликка эга бўлади. Аксинча, чегараланган алмашув курслари қисқа муддат учун самарали, аммо узоқ келажак учун ўта ноэластикдир. Бу тизимларнинг ҳеч қайсиси нархлар барқарорлиги ва тўла бандлик бўйича тўла устунликка эга эмас. Валюта курсининг сунъий равишда юқори бўлиши ишсизликка олиб келади, паст бўлиши эса инфляцияни кучайтиради.

Ликвидлик (ҳаридоргирлик) муаммосини ҳал этиш борасида иқтисодчилар (Ж.М.Кейнс, Р.Триффин ва бошқалар) «юқори ликвидлик бошқариладиган валюта» чиқаришни тушунадилар ёки халқаро валюта муносабатларига ички қоғоз-пул муносабатини тартибга соладиган тамойилларни қўллашни таклиф этадилар. Охир-оқибатда бу лойиҳаларнинг моҳияти шундаки, тўлов баланс сальдоси актив бўлган давлатлар тўлов баланси дефицит (камомад) бўлган давлатларга кредит беришга мажбур қилишга қаратилади. Шу мақсадда халқаро валюта чиқариш таклиф этилади. Бу валюта қўшимча ликвидли маблағни таъминлайди ва пассив тўлов балансига эга бўлган мамлакатлар бевосита актив сальдога эга бўлган давлатларга мурожаат этмасдан, ўз пассивларини қоплаш имконига эга бўлади.

Бу ғоя 1969 йилда амалда реализация қилинди.

4. ЖАҲОНШУМУЛ ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР

Ҳозирги даврда жаҳонда 200 дан ортиқ давлат мавжуд, уларнинг сони собиқ СССРнинг парчаланиши, Югославиянинг бўлиниши ва бошқалар туфайли кескин ошди. Шундан 188 давлат БМТ аъзосидир. Бу ташкилот тузилганидан буён (1945

йил 24 октябрь) ўзига хос якун ясалди ва қуйидагилар эътироф этилди: БМТ аъзолари сони 51 тадан 188 га ўсди, дунё аҳолиси эса шу давр мобайнида 2.5 миллиарддан 6,1 миллиардга етди (ўсиш 3,5 миллиард), ялпи миллий маҳсулот (ёки халқ бойлиги) 7 триллион АҚШ долларидан деярли 30 триллион долларга етди, яъни 4 мартадан кўпроқ ўсди. 1995 йилнинг мартида Копенгагенда БМТ ташаббуси билан ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича халқаро конференция бўлди, унда 150 дан ортиқ давлат (олий мақом) раҳбарлари иштирок эдилар. БМТ Бош котиби Б. Бўтрос Ғолий (*1997 йилдан БМТ Бош котиби тинчлик бўйича Нобель мукофоти лауреати Кофи Аннан*) ўз нутқида сўнгги йилларда камбағаллар ва бойлар ўртасидаги тафовут кучайиб, 1960 йилдаги нисбат 13:1 дан ҳозирги ўн йилликда 60:1 га етди, деб айтди. Ҳозирги даврда бу нисбий 75:1 Сайёрамизнинг 1.5 миллиард аҳолиси (27.3 фоиз) оғир иқтисодий аҳволда кун кечирмоқда, очиғини айтганда эса оч-яланғочдир. Бундай дифференциация хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Ундан ташқари, дунёда экологик муаммо кучайиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш (СПИД ва бошқа юқумли касалликлар), наркобизнес масалалари тобора авж олмоқда.

Ўзаро иқтисодий ва айниқса савдо муносабатларининг нафи ҳаммага аён бўлишига қарамай, давлатлар ўртасидаги муносабатлар одатда гармония асосида эмас, балки қарама-қаршиликлар асосида ривожланмоқда. Бой ва камбағал мамлакатлар ўртасида савдодан тушадиган даромадларни тақсимлашда келишмовчиликлар кучайиб бормоқда. 4-жадвалда жаҳондаги мамлакатларда даромадлар тақсимоти келтирилган (Жаҳон банки маълумотлари).

Лекин кейинги даврда илгари қолоқ бўлган давлатларнинг айримлари олиб борилган тўғри иқтисодий сиёсат туфайли ривожланиш, тараққиёт йўлига кириб олдилар, уларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Уларнинг айримлари Лотин Америкасида (Бразилия, Аргентина, Мексика), кўпи жануби-шарқий Осиёдадир («тўрт аждаҳо») - Корея Республикаси, Тайвань, Сянган ва Сингапур, булар қаторига

Жаҳонда мамлакатларида ЯИМ нинг жон бошига тақсимланиши (1996)

АҚШ $	Мам. сони	ЯММ, млн.$	Аҳоли, млн киши	Жон бошига ЯММ, $
Паст 785 дан кам	63	1.596.837	3.236	490
Ўртачадан паст 786-3115	63	1.962.719	1.125	1.740
Ўртачадан юқори 3116-9635	31	2.178.234	473	4.600
Юқори 9636 дан кўп	53	23.771.825	919	25.870
Жаҳон	210	29.509.614	5.754	5.130

Малайзия, Таиланд, Вьетнам, Индонезия ва бошқа мамлакатлар келиб қўшилмоқда. Бу давлатларга хос бўлган хусусият шуки, бозор муносабатлари кенг қўлланилмоқда, саноат (индустрия)нинг ривожига алоҳида эътибор берилмоқда, хорижий инвестициялар (қўшма корхоналар жуда кўп) кўп ишлатилмоқда ва оқибатда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари юқори (5-10, ҳатто 14-15 фоиз). Хитой Халқ Республикаси ҳам 1979 йилдаги иқтисодий ислоҳотлар туфайли тараққиёт йўлига кирди (айниқса очиқ иқтисодий ҳудудларда ўсиш катта). Шулар туфайли бу соҳада иқтисодий таълимотларда ҳам ўзига хос йўналишлар юзага келди. Ҳозирги

давр иқтисодиётчилари У.Ростоу, Р.Эмерсон, П.Самуэльсон ва бошқалар колониализмнинг ижобий томонларини, унинг қолоқ мамлакатларга «тараққиёт» олиб борганлигини бўрттириб кўрсатишга интилмоқдалар. Гўёки мустамлакалар илғор мамлакатлар ёрдамида ўз мустақиллигини таъминлашга эришганлар. Бу тузум илғор ва қолоқ мамлакатларга бирдек наф келтирган деб ҳисобланилади. Р.Эмерсон фикрича, колониализм Шарқ халқлари учун тараққиёт йўлидан боришга имконият яратди.

Айрим иқтисодчилар колониализмнинг салбий томонларини ҳам инкор этмаган ҳолда, уни XIX аср охири ва XX асрдаги капиталистик мамлакатлар «деформация»га учради, мустамлака давлатларининг дўстига айланди, демоқдалар. «Яхши колониализм» иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради, бу давлатларнинг ўз-ўзини бошқаришини таъминлайди.

Яна бир энг долзарб масала - бу демография муаммосидир. БМТ маълумотларига кўра, 1945-95 йиллар давомида жаҳонда аҳоли сони 2.5 миллиарддан 5.5 миллиардга етди (ўсиш 3 миллиард), ялпи ички маҳсулот (миллий даромад) 7 триллиондан 22 триллион АҚШ долларига ўсди. Лекин аҳолининг асосий қисми энг тез кўпаяётган жойларда иқтисодий ўсиш суст. Ўз даврида Шарль Фурье Ер шаридаги максимал аҳоли сони 5 миллиарддан ошмаслиги керак, деган ғояни айтган эди. XXI аср бошида 6 миллиард аҳолининг иқтисодий аҳволини ўйлаш керак бўлади. Шулар туфайли назария ва концепциялар илгари сурилган.

Шулар ичида давлатнинг иқтисодий ривожланишдаги роли масаласи муҳимдир, бу ҳақда юқорида фикр юритилган эди, маълумки, классик ва неоклассик таълимот тарафдорлари давлатнинг иштирокини имкони борича чеклашни таклиф этса, Кейнс ва кейнсчилар ҳамда неокейнсчилик давлатнинг роли фаол бўлишини тарғиб этади. Бу ҳолатда ҳам ана шундай икки хил қараш ҳарактерлидир. Масалан, инглиз иқтисодчиси П.Бауэр давлат фақат норентабел соҳалар, масалан транспорт, алоқа, коммунал хўжалик, техник қадрларни тайёрлаш ва бошқа тармоқлар фаолиятига аралашуви ва уларга давлат секторидан ёрдам бериши керак деган ғояни илгари суради. Бошқа рентабелли тармоқлар эса хусусий сектор қўлига берилиши ва у ерда давлатнинг роли минимал бўлиши керак, дейилади.

5. РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ТЎҒРИСИДАГИ НАЗАРИЯЛАР

Ғарбда «ноилож ривожланиш», «ташқи тўртки» назариялари кенг тарқалган (Р.Нурксе, Э.Хаген), унда озодликка эришган давлатлар дастлаб мусибатларга учраши табиий, шу сабабли уларнинг аҳволи оғир бўлади. очлик-яланғочликка маҳкум этилади. Даромаднинг камлиги жамғармалар пайдо бўлишига тўсиқдир ва капитал қўйилмалар ҳам паст даражада сақланади. Бу эса саноат ривожига ва миллий даромад ўсишига йўл бермайди ва камбағаллик ҳамда ночорликни келтириб чиқаради (Иложсизлик ривожланиши). Бу оғир аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли - ташқи «туртки йўли» ҳисобланади. Минимум капитал қўйилмаларнинг асосан ташқи инвестициялар ҳисобига аста-секин ўсишига, ривожига эришилади. Капитал қўйилмалар миқдори маълум критик даражадан юқори бўлиши керак, шу билан турғунлик ҳолатидан чиқиб олинади. Бу тадбиркорлик фаолиятини кучайтиради ва хорижий инвесторлар учун қулай «иқлим»ни юзага келтиради. Ғарбдаги кўп иқтисодчилар бу мамлакатларда чуқур

ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказишни ҳам таклиф этмоқдалар. Мустамлака (колония) қарам мамлакатлари билан метрополия ўртасидаги муносабатлар ҳеч вақт тенглик асосида бўлмаган, ноэквивалент алмашув йўли билан қўшимча бойлик орттириш имкони бўлган. Илгари мустамлака бўлган қарам давлатлар мустақилликка эришгандан кейин ҳам аввалги метрополияга кўп вақт давомида кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолаверди. Бу даврга оид неоколониализм таълимотлари юзага келди. «Солиштирма чиқимлар» назариясининг янги вариантлари Ж.Вайнер, Г.Хаберлер, Ч.Киндлебергер ва бошқалар томонидан ҳар томонлама ишлаб чиқилган. Бу назария тарафдорларининг фикрича, ривожланаётган давлатларда табиий ресурслар анчагина бўлганлигини ҳисобга олиб, озиқ-овқат ва хом ашё маҳсулотларига ихтисослашиш маъқул, саноатни ривожлантиришга ҳожат йўқ, чунки анъанавий экспорт товарлари ҳисобига халқаро бозордан керакли маҳсулотларни алмашиб олиш мумкин. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки бу усул мамлакат ривожига олиб келмайди. Масалан, Малайзия худди шундай йўл тўтди, фақат ўз хом ашёсини тайёр маҳсулотга айлантиргачгина муҳим иқтисодий ютуқларга эришди. «Ишлаб чиқариш омиллари» назариясида ҳам ноэквивалент алмашув тизими, четга эса фақат хом ашё чиқариш таклиф этилади. Чет эл капитали учун кенг имкониятлар яратиш фикри устундир.

Баъзи олимлар ривожланаётган мамлакатларни «индус-трлаштириш» назарияларини илгари сурмоқдалар. Масалан, Н.Калдор, Ж.Мейер ва бошқаларнинг фикрича, шахсий истеъмолни ихтиёрий қисқартириб, иқтисодиётни молиялаш учун жамғармалар етарли эмас, давлат солиқ тизими орқали истеъмолни мажбурий йўл билан қисқартириш керак. Айрим ҳолларда «меъёрдаги инфляция»дан фойдаланиш таклиф этилади.

Жамғармаларни ташқи молиялаш манбалари бўйича турли фикрлар билдирилади. Кўпчилик муаллифлар айниқса ўтиш даврида чет эл мамлакатлари (биринчи навбатда ривожланган мамлакатлар) томонидан иқтисодий ва техникавий ёрдам зарурий чора сифатида кўрсатилади, ундан кейин эса бу ишлар «хусусий чет эл инвестициялари» билан алмашади (П.Роўзенштейн-Родан, У.Хиллер, Г.Мейер).

Ривожланаётган мамлакатларни индустрлаштириш стратегияси бўйича ҳам турли ғоялар мавжуд. Баъзилар (В.Льюис, П.Бауэр) фақат қишлоқ хўжалиги соҳаси билан енгил саноатни устун даражада ривожлантиришни таклиф этадилар, бошқалар бошида оддийроқ, кейинчалик техника ва технологияси мураккаб бўлган тармоқларга ўтишни лозим деб ҳисоблайдилар. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш индустриализациянинг ҳал қилувчи шарти сифатида белгиланади. Америка иқтисодчилари Х.Лейбенштейн ва В.Раттенлар қишлоқ хўжалигини техник реконструкциялашни энг муҳим масала деб қарайди. Бу даврда саноат қишлоқ хўжалиги учун керакли товарларни ишлаб чиқариши кераклигини таъкидлайди. Бу фикрларда жон бор, масалан, «кўк инқилоб»ни амалга оширган бир қанча давлатлар энг муҳим масала - озиқ-овқат муаммосини асосан ҳал қила олдилар. Лекин шунга қарамасдан сайёрамизда озиқ-овқат масаласини ҳал этиш энг муҳим муаммодир.

Иқтисодий ривожлантиришни режалаштириш (план) хусусий секторни қўллаш, бозор хўжалиги дефектларини тугатиш учун керак дейилади. Америкалик иқтисодчи Г.Колм фикрича, кам ривожланган давлатларда планлаштиришнинг мақсади бозор жараёнини фаоллаштиришга қаратилиши керак. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг ғарб андозалари асосида олиб бориш ҳам таклиф этилади, бу тарихий жараён асосида рўй бериши керак (капитал жамғариш,

мануфактура ривожи, деҳқонларни ердан маҳрум этиш...). У.Ростоу ўзининг «Иқтисодий ўсиш босқичлари» назариясида шу қоидани исботлашга уринади. Бошқа олимлар ҳам шу қоидага амал қилиб, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётини сунъий равишда тезлаштиришга ўринмасликлари керак, бу давлатлар капиталистик давлатлар босиб ўтган йўлдан боришлари мақбул, бошқа йўл қидиришга ҳожат йўқ, деган ғояни қўллайдилар. «АҚШ ташқи сиёсатининг сиёсий иқтисоди» коллектив тадқиқотида ривожланаётган давлатлар Ғарбнинг қисқа ва ўзоқ муддатли манфаатларига мос келувчи сиёсатни олиб боришлари керак деган хулоса чиқарилади.

Бу тадқиқотдаги ғоя бўйича жаҳон хўжалигидаги муносабатлар ривожи бошқа цивилизациялашган муносабатлар сари бориши керак ва бу жараён кейинги пайтларда янги халқаро иқтисодий тартиб сифатида қаралмоқда. Бунда ҳамма муносабатлар ўзаро тенгликка асосланган, барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олувчи ва адолат тамойилларига амал қилувчи иқтисодий-ижтимоий алоқалар янги халқаро иқтисодий тартибнинг асосий мазмунидир.

Бундай ғоянинг пайдо бўлиши аввалги даврларда бу муносабатларда тенглик бўлмаганлигини тан олиш билан баробар фикрдир. И.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензиларнинг таъкидлашича, камбағал мамлакатлар масаласи камбағал Жануб билан бой Шимол ўртасидаги муаммолар сифатида тобора кучайиб бормоқда. Жануб мамлакатлари ўз қийинчиликларини жаҳон иқтисодиётидаги мавжуд аввалги тартибдан деб билмоқдалар, бу тартиб гўёки уларга қарши қаратилгандир. 1974 йилда БМТ Бош Ассамблеяси янги халқаро иқтисодий тартиб жорий этишни қўллаб-қувватловчи резолюцияни қабул қилди (NIEO).

Қабул қилинган янги тартиб уч қоидага асосланади:

1. Халқаро алоқалар маълум тартибга солиб турилади ва бу турли давлатлар томонидан сиёсий йўл билан амалга оширилади;

2. Ишлаб чиқарилган товарларнинг давлатлараро тақсимотида ривожланаётган мамлакатлар манфаати ҳам ҳисобга олиниши шарт ва шуни таъминлайдиган йўллар яратилиши керак;

3. Барча иқтисодий муносабатлар тизими демократия асосида олиб борилиши зарур, ҳар бир давлат ўз ички тузумидан қатъи назар шу муносабатларда қатнашишга ҳақлидир.

Жануб биринчи навбатда Шимол томондан ёрдам миқдорини оширишни сўрайди. Бой мамлакатлар эса берилган ёрдамдан самарали фойдаланиш зарурлигини рўкач қилмоқда.

6. ИНСОНИЙ РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Кейинги даврда БМТ томонидан «Инсоний ривожланиш концепцияси» илгари сурилди, унга тўлароқ тўхталишни лозим топдик, чунки ундаги қоидалар республикамиз учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Иқтисодий ривожланиш концепцияси даромаднинг кўпайиши ва инсоний фаровонликнинг яхшиланиши орасидаги алоқани аниқлашда муҳим хизматни адо этади. Бундай боғланиш нафақат иқтисодий ўсишнинг миқдорига, балки сифати ва қандай тақсимланишига ҳам боғлиқдир. иқтисодий ўсиш ва одамлар ҳаёти орасидаги боғланиш оқил сиёсат - ижтимоий мақсадлар учун тўловлар, даромад ва активларни қайта тақсимлашга қаратилган фискал сиёсат орқали яратилиши керак. Бундай боғланиш қашшоқликни кучайтирувчи автоматик тарзда ишловчи бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд бўла олмайди. Аммо биз эҳтиёт бўлишимиз керак. Даромад

кўпайиши билан инсонлар ҳаётининг яхшиланиши орасидаги автоматик боғлиқликни инкор этиш иқтисодий ўсишни инкор қилиш эмасдир. Иқтисодий ўсиш камбағал жамиятлар учун қашшоқликни камайтириш ва умуман йўқотишда жуда муҳим. Лекин бундай ўсиш сифатининг аҳамияти унинг ҳажмидан муҳимроқ. Доно миллий сиёсат иқтисодий ўсишни одамлар ҳаётини яхшилашга ўгира олиши керак. Буни қандай қилиб амалга ошириш мумкин? Бу иқтисодий ва сиёсий ҳоқимиятда катта структуравий ўзгаришларни талаб қилиши мумкин, бу соҳада инсоний ривожланиш парадигмаси жуда инқилобийдир. У кўп мамлакатларда амалдаги ҳоқимият тизимини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Иқтисодий ўсиш ва одамлар фаровонлиги орасида боғлиқликнинг кучайиши кўп вақт талаб этувчи ер реформаси, солиқларнинг прогрессив тизими, асосий ижтимоий ёрдамнинг кучайтирилиши, уни барча муҳтож аҳолига етиб борадиган қилиш, одамларнинг иқтисодий ва сиёсий фаолиятлари йўлидаги тўсиқларнинг йўқотилиши ва уларнинг бойликка эга бўлиш ҳуқуқини тенглаштириш ва бозор иқтисодиёти билан боғлиқ, иқтисодий ва сиёсий саъй-ҳаракатлардан энг кўп озор чекиши мумкин бўлганларга вақтинчалик ижтимоий хавфсизлик тизимини жорий қилиш каби бир қанча чора-тадбирларни талаб этиши мумкин. Бундай сиёсий фаолият фундаментал ва ҳар бир мамлакат учун фарқлидир. Аммо баъзи бир хусусиятлар ҳамма мамлакатлар учун умумий.

Биринчидан, инсон муаммолари марказий муаммога айланади. Ривожланиш одамлар фаровонлигининг ошиши нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва тушунилади. Ҳар қандай фаолият унда қанча одам қатнашганлиги ва фойдаланганлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Ривожланиш сиёсатининг муваффақиятли бўлишининг бурилиш нуқтаси сифатида ишлаб чиқаришнинг кўпайиши эмас, балки инсонлар ҳаётининг яхшиланиши олинади.

Иккинчидан, инсоний ривожланиш икки томондан иборат эканлиги назарда тутилади. Биринчиси - яхши соғлиқ, саломатлик, чуқур билим ва ҳунарлар каби инсоний қобилиятлар мажмуаси бўлса, иккинчиси - иш билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш фаолияти, сиёсий фаолият ва ҳордиқ чиқариш каби эришиладиган қобилиятларга эга бўлиш йўлидаги одамлар дунёқарашини оширишдир. Бу иккала томон меъёрининг инсоний ривожланиш томонидан тартибланмаганлиги инсонлар режаларининг талафотида ўз аксини топади.

Учинчидан, пировард мақсадлар ва уларга эришиш усуллари орасида аниқ фарқ ўтказилиши зарур. Одамлар мақсад сифатида қаралиши керак бўлса-да, унга эришиш усуллари ёддан чиқмаслиги керак. Ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯММ) ўсиши кўпгина инсоний фаровонлик кўрсаткичлари ўсишининг муҳим омилидир. Аммо иқтисодий ўсишнинг ҳарактери ва тақсимланиши одамлар ҳаётини бойитишга нисбатан ўлчаниши зарур.

Тўртинчидан, инсоний ривожланиш фақат иқтисодиётни эмас, балки бутун жамиятни қамраб олади. Сиёсий, маданий ва ижтимоий омилларга иқтисодий омилларга каби эътибор берилади.

Бешинчидан, одамлар ривожланишнинг мақсади ва эришиш омили эканлиги тан олинади. Одамлар материалистик машина учун қулай ем эмас, балки ривожланишнинг охирги мақсади эканлиги доим ёдда бўлиши керак. Одамлар товар ишлаб чиқаришнинг «инсоний капитал» ниқоби остидаги қуроли эмаслиги кўзда тутилиши керак.

Хўш, мамлакатнинг инсоний ривожланиш даражаси қандай баҳоланади? Бу муаммонинг замонавий ечимларига бир оз тўхталамиз. Мамлакатнинг ривожланганлик даражасини баҳолашнинг яқингача ягона усули жон бошига ЯММ

бўлганлиги сабабли, мукаммалроқ ижтимоий-иқтисодий кўрсаткични кашф қилиш давр талаби эди. Изланишлар натижасида инсоний ривожланиш индекс (ИРИ) кўрсаткичи кашф этилди. ИРИ инсон ривожланиш даражасини кўрсатувчи уч асос - умрбоқийлик, таълим ва яшаш даражаларидан иборат интеграл кўрсаткичдир. Узоқ умр кўриш кутилаётган ҳаёт давомийлиги орқали ўлчанади. Таълим даражаси кўрсаткичнинг 2/3 қисмини ташкил этувчи катта ёшлилар саводхонлиги ва 1/3 қисмини ҳосил қилувчи таълимнинг ўртача давомийлиги кўрсаткичлари орқали ифодаланади. Яшаш ҳаётнинг маҳаллий қиймати (сотиб олиш паритети ёки *PPP* - *«purchasing power parity»*) га нисбатан тўғриланган жон бошига реал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) орқали баҳоланади. Нимага фақат уч кўрсаткич? - деган савол туғилиши табиий. Инсон ҳаётининг ҳамма жабҳаларини акс эттириш аъло бўлар эди. Аммо маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги бир оз чекланишлар туғдиради ва бу маълумотларга эга бўлинганда, балки уларни ҳам ҳисобга олиш айни муддао бўлар эди. Аммо кўпроқ кўрсаткичларни қўшиш ҳар доим ҳам яхшироқ натижаларга олиб келавермайди. Уларнинг баъзи бирлари ишлатилаётган кўрсаткичлар билан корреляция қилинган бўлиши мумкин. Болалар ўлими даражаси, масалан, кутилаётган ҳаёт давомийлигида ўз аксини топган. Ўз гарувчиларнинг кўпроқ сонини қўшиш умумий манзарани хиралаштиради ва асосий йўналишлардан чалғитади.

Инсоний ривожланиш тушунчаси сўнгги йилларда барқарор ривожланиш ғояси билан тўлдирилди. Бунинг маъноси шуки, ҳозирги авлоднинг инсоний ривожланиш жараёни келажак авлод инсоний ривожланиши ҳисобига рўй бермаслиги даркор. Барқарор ривожланиш концепцияси дастлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракати томонидан киритилди, бу ҳаракат намояндалари ривожланиш тушунчаси «авлодлар ўртасидаги муносабатлар» каби ғояни ҳам ўз ичига олишини ҳимоя қилмоқдалар. Табиий ресурсларнинг камайиб бориши келажак авлодлар ривожланиши муаммоларини келтириб чиқариши мумкин. «Барқарор ривожланиш» концепциялари атроф-муҳит ва табиий ресурслар доирасидагина қўлланилиши мумкин бўлмай, балки инсоний имкониятлар, «инсоний капитал»га қўйиладиган инвестицияларга ҳам тегишлидир.

Инсоний ривожланиш концепцияси БМТ Тараққиёт Дастури (FNDP) томонидан изчил тарғиб қилиниб келмоқда. Бу соҳадаги изланишлар йиллик «*Инсоний ривожланиш бўйича ҳисоботлар» (Human Development Report*) кўринишида чоп этилмоқда. 1988 йилда бошланган ўн йиллик БМТ Тараққиёт Дастури томонидан барқарор ижтимоий ривожланиш ўн йиллиги деб эълон қилинган. Бу ўн йил давомида ижтимоий масалаларнинг кўпгина жабҳаларига тегишли ўнта бўтунжаҳон анжуманлари ўтказилиши мўлжалланган. 1995 йил март ойида Копенгагенда ўтказилган олий мартабали ижтимоий ривожланиш конференцияси ва 1995 йил сентябрь ойида Пекинда ўтказилган аёллар муаммоларига бағишланган конференциялар (1995 йилги «Инсоний ривожланиш бўйича ҳисобот» эркак ва аёллар орасида тенгликка эришиш масалаларига бағишланган) ана шулар жумласидандир. Ҳар иккала анжуманда ўта муҳим замонавий масалаларга жавоб топишга ҳаракат қилинди. Хусусан, Копенгаген анжуманида 160 га яқин давлат бошлиқлари иштирок этди (унда Республикамиз Президенти И.А.Каримов ҳам иштирок этди). Унда Бутунжаҳон Ижтимоий Декларацияси қабул қилинди ва ҳарбий соҳага сарф қилинаётган ҳаражатларни инсоний ривожланиш мақсадларига сафарбар қилиш йўллари муҳокама қилинди.

1995 йилдан бошлаб БМТ Тараққиёт Дастури миллий даражада ҳам «Инсоний ривожланиш бўйича ҳисобот»ларни нашр қилишда янги мустақил

мамлакатларга кўмак бера бошлади. 1995 йил учун ана шундай ҳисоботнинг Ўзбекистонда чоп этилиши бу саъй-ҳаракатларнинг муваффақиятли тугаганидан далолат беради. Эслатиб ўтилган бу ҳисобот Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён инсоний ривожланиш борасида эришилган ютуқлар ва йўқотилиши керак бўлган камчиликлар ҳақидадир. Келажакда шундай ҳисоботларни доимий асосда чоп этиш мўлжалланмоқда. Бу эзгу йўлда БМТ Тараққиёт Дастўрининг кўрсатаётган ёрдами беқиёсдир (Ўзбекистонда 2000 йилги Дастур ҳам эълон қилинди).

Бундай ҳисоботлар ўзбекистонлик мутахассислар ва БМТ экспертларининг биргаликдаги меҳнатининг мевасидир. Бу ҳисоботлар кенг дунё оммасига тақдим этилади ва Ўзбекистонда инсоний ривожланиш қай ҳолда эканлигини дунёга билдиради.

Ўзбекистондаги ижтимоий ривожланиш концепциясининг асосини айнан инсон ва унинг манфаатлари ташкил этади. У инсонни пировард мақсад ва ривожланиш асоси деб қарайди. Ҳозирги даврдаги мавжуд концепциялар ҳоҳ марказлаштирилган иқтисодиётда моддий маҳсулотнинг ёки бозор иқтисодиётида ички маҳсулотнинг ўсиши бўлсин, товар ишлаб чиқаришни энг асосий мақсад деб билган. Ундан ташқари, бу асосий мақсад, яъни жон бошига товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши, жисмоний капитални жамғариш ҳисобига эришилган. Яъни эскича фикрлаш доирасида қўшимча ўсиш пировард мақсад бўлса, инвестициялар эса унга эришиш воситаси ҳисобланган.

Ҳар қандай жамиятларнинг ривожланишида уларнинг бир ҳолатдан бошқасига ўтиш даврлари энг мушкул, оғир бўлиб ҳисобланади. Бу бир ҳаёт тарзининг бўзилиши ва янгисининг яратилишини давомида вужудга келадиган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаракатлардаги мураккабликлар билан боғлиқдир.

Жамиятни бундай тубдан ўзгартириш беозор ўтиши мумкин эмас. Бу ўсиш истар-истамас юзлаб ва минглаб одамлар, оилалар, миллий ва жамоат гуруҳлари, бутун давлатнинг ижтимоий аҳволи, моддий фаровонлиги, тақдирларига даҳлдор бўлади.

Ўзбекистон ҳукумати ислоҳотларининг инсонлар ҳаёти ва фаровонлигига салбий таъсирини имкони борича камайтириш мақсадида янги иқтисодий ва ижтимоий тизимга босқичма-босқич ўтиш йўлини танлади.

Ўзбекистон учун ҳозирги босқичда биринчи ва муҳим вазифа - бу бозор ислоҳотларини ўтказишда жадаллаштиришга асос бўлган, макроэкономик барқарорликни таъминлашдир. Чунки бу аҳоли турмуш даражасини етарли таъминлашнинг табиий асосини ташкил этувчи келгуси иқтисодий ўсиш заминидир. Масаланинг мураккаблиги шундаки, макроэкономик сиёсатнинг кучайтирилиши шароитида ижтимоий эҳтиёжларга ҳаражатларни кескин камайтиришга йўл қўйилмаслиги керак, чунки инсоний ресурсларга қўйилган маблағлар уларнинг келажакда барқарор ривожланиш асосигина бўлиб қолмасдан, ҳозирги даврда осойишта ижтимоий шароитнинг кафолотланишини ҳам таъминлайди. Ўзбекистон учун бу жуда муҳимдир, чунки у қўшни мамлакатларда ҳарбий тўқнашувлар давом этаётган минтақада жойлашган. Давлат ўтиш даврининг мураккабликларини ҳисобга олган ҳолда ўз олдига аҳолининг истеъмол даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик, мавжуд таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, аҳолини соғлиқни сақлаш хизматлари билан таъминлаш, янги бозор муносабатлари шароитларига мослашиши қийинроқ бўлган аҳоли қатламларини қўшимча ижтимоий ёрдам билан таъминлаш, мамлакатнинг ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқароси ўз ижобий кучларини намоён этиши, мустақил

равишда ўзи ва оиласи учун яхши ҳаётни таъминлаши учун шароит яратиш вазифаси қўйилган.

Ўтишнинг дастлабки бир неча йилида талай қийинчиликлар қайд этилди, аммо Ҳукумат иқтисодий ва ижтимоий сиёсат юргизиш йўли билан аҳолини тушкунлик шароитида шак-шубҳасиз рўй берадиган асосий ларзалардан ҳимоя қила олди.

Мамлакат, шунингдек, бой табиий ресурслардан фойдаланишнинг пухта ўйланган ёндашуви асосида каттагина маблағларни жалб қилишга эришди. Натижада ишлаб чиқаришнинг пасайиши МДҲ мамлакатларига нисбатан анча кам бўлди, 1996 йилдан ўсиш бошланди. Ундан ташқари давлат ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайишига қарамай, аҳолини иш билан таъминлашнинг юқори даражасига эришиш учун барча тадбирларни қўллади. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва инфляциянинг кўтарилиши туфайли реал иш ҳақи кескин пасайди, аммо республика ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг кенг қамровли ҳукумат дастури йўли билан аҳолининг истеъмол даражасини қўллади.

Албатта аҳолини қўлловчи кенг қамровли дастурни узоқ вақт мобайнида таъминлаш қийин масала ҳисобланади. Аммо ислоҳотнинг дастлабки босқичида бу мадад келажакда ислоҳотларнинг амалга ошиши учун сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш ва миллий бирдамликка эришишда ниҳоятда муҳимдир. Республика амалда муҳим устунликларга эга ва оқилона иқтисодий сиёсат амалга оширилганда ўтишни муваффақиятли якунлаши аниқ.

ХУЛОСА

Жаҳон хўжалиги, жаҳон бозори ва интеграцион жараёнларнинг узоқ тарихи бор. Айниқса, Буюк ипак йўли (м.а. II асрда) даврида аниқ намоён бўлган бу жараён XVI асрда буюк географик кашфиётлар туфайли кучайди. II Жаҳон урушидан кейинги даврда эса бу халқаро иқтисодий муносабатлар махсус ташкилотлар орқали амалга оширилиб, ҳозирги даврни уларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. «Бенилюкс» (1944 й.), Умумий бозор (1957й.), Европа иттифоқи, ОПЕК (1960й.), НАФТА, ЭКО, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва бошқа халқаро иқтисодий ташкилотлар бу алоқаларни маълум тартибга солиб келмоқдалар.

А.Смит меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришда тараққиёт асоси эканлигини исботлаб берган бўлса, Д.Рикардо бу меҳнат тақсимоти фақат маълум мамлакат доирасидагина эмас, балки дунё миқёсида бўлиши керак, деган ғояни илгари сурди. Чунки ҳар бир давлат маълум соҳада нисбий устунликка эга бўлади. «Нисбий устунлик», «солиштирма чиқимлар» назарияси халқаро меҳнат тақсимотининг объектив зарурлигини исботлаб берди.

Бу борада бир қанча иқтисодий таълимот, назария ва концепциялар илгари сурилди.

Халқаро иқтисодий алоқалар бўйича неоклассик (соф таълимот) ва неокейнсчилик назариялари кенг тарқалган. «Соф» таълимот тарафдорлари фикрича, иқтисодий алоқалар халқаро майдонда ҳам эркин бозор тамойиллари асосида ривожланишини қўллайдилар (эркин рақобат, ҳамма учун бир хил имконият, таклиф доимо талабни вужудга келтиради, савдо баланси ўз-ўзини тартибга солади ва бошқалар).

Неокейнсчилик таълимоти вакиллари бу жараёндаги бозор муносабатларига давлатнинг фаол иштирокини маъқул кўрадилар.

Мустамлакачилик мамлакатлари билан халқаро муносабатлар бўйича турли назариялар мавжуд, уларнинг кўпчилиги метрополия колониялари учун ижобий роль ўйнаганлигини ҳимоя қилади. Бевосита инвестициялар назарияси мустамлакачиликда ҳам бўлиб, мустақил ривожланиш йўлига ўтган мамлакатларда иқтисодиётни қўтқаришдаги асосий йўл деб ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар ривожи билан бирга бир қанча муаммолар мавжуд, бу одатда бой ва нисбатан қолоқ мамлакатлар ўртасидаги муносабатлардир. 70-йилларда янги халқаро иқтисодий тартиб қабул қилинди. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун БМТ томонидан «инсоний ривожланиш» концепцияси таклиф этилган.

Таянч тушунча ва иборалар

Жаҳон хўжалиги; меҳнат тақсимоти; ихтисослашув; интеграция; мўтлақ афзаллик; нисбий, солиштрима афзаллик; Хекшер-Олин-Самуэльсон модели; инвестиция; капитал ҳаракати; ривожланаётган мамлакатлар; инсоний ривожланиш концепциялаш қуввати; халқаро иқтисодий иттифоқлар.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Жаҳон хўжалиги деганда нимани тушунамиз ва у қачон вужудга кела бошлаган?
2. Халқаро иқтисодий интеграция нима, унинг объектив зарурати нимага асосланади?
3. Солиштирма афзаллик концепцияси, солиштирма ҳаражатлар принципи нимани англатади?
4. «Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимоти» назариясининг асослари нима?
5. Капитал чиқаришнинг неокейнсчилик таълимоти қачон шаклланди ва унинг моҳияти нима?
6. Халқаро монополиялар (трансмиллий корпорациялар) нима? Улар тўғрисида қандай таълимотлар мавжуд?
7. Иқтисодий интеграция тўғрисидаги назарияларга таъриф беринг?
8. Валюта муносабатларининг моҳияти нима, валютанинг эластик курси қайси омилларга боғлиқ?
9. Жаҳондаги асосий иқтисодий ва ижтимоий муаммолар нималардан иборат?
10. Мамлакатлар ривожланишидаги нотекислик сабаблари нима?
11. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи ва уни яхшилашга оид назарияларни таърифлаб беринг.
12. Янги халқаро иқтисодий тартибнинг моҳияти нима, унга қачондан ўтила бошланди? Бу тартиб қандай қоидаларга асосланади?
13. «Инсоний ривожланиш концепцияси»нинг моҳияти нималардан иборат?

Адабиёт
Асосий адабиёт

1. Раззоқов А.А, Тошматов Ш.Х, Ўрмонов Н.Т. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т., 2002 (21-боб)
2. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 1997

Қўшимча адабиёт

1. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., ТМИ, 2003
2. Раззоқов А. Етакчи мамлакатлар иқтисодиёти. Т., 2002
3. Раззоқов А. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти таҳлили. Т., 2001

10 - Мавзу. Ўзбекистонда миллий бозор иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланиши

Режа

1. Миллий иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оқибатлари ва туб ислохотлар зарурияти
2. Ўтиш даври тавсифи ва унинг миллий хусусияти
3. Иқтисодий ислохотларнинг миллий модели ва янги аср стратегияси
4. Бозор муносабатларига ўтиш боскичларига оид қарашлар тахлили

1. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МАЪМУРИЙ - БУЙРУҚБОЗЛИК ТИЗИМИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ВА ТУБ ИСЛОХОТЛАР ЗАРУРИЯТИ

Инсоният XXI асрга келиб, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётининг моҳиятини чуқурроқ англаш билан бир қаторда, унинг асоратларига барҳам беришга астойдил киришганини намоён этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси учун собиқ мустабид тузум мероси ва соҳта мафкуранинг оқибатлари қуйидагиларда ўз аксини топиши Республика Президенти, академик И.Каримов асарларида умумлаштирилган:

1.Бир ёқлама ривожланган, мўрт, заиф иқтисодиётга асосланган марказга қарам ярим мустамлака мамлакат.

2.Бой минерал хомашё ресурсларидан назоратсиз ва аёвсиз фойдаланишга ҳамда пухта яккаҳоқимлигига асосланган иқтисодий тизим.

3.Маҳаллий хомашёларни қайта ишлаш қувватларини ибтидоий даражадалиги, ишлаб чиқаришнинг технологик асбоб-ускуна ва бўтловчи қисмлар, шунингдек ёқилғи таъминотида марказга қарамлик.

4.Энг муҳим озиқ-овқат моллари (ун, шакар, гўшт-сўт маҳсулотлари)ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотларининг четдан келтирилиши.

5.Пахта хомашёси маҳсулотларининг сув текинга ташиб кетилиши, олтин, қимматбаҳо ва рангли металлар, стратегик аҳамиятга эга материаллар жаҳон бозорида ўта ҳаридоргир бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойдадан Ўзбекистон хазинасига тушмаслик.

6.Иқтисодий ўсиш суръатлари самарадорлиги кўрсаткичларининг салбий даражадалиги ортиб бориши, молия-пул тизимининг бўткул ишдан чиқиши.

7.Хорижий мамлакатлар билан бевосита ташқи иқтисодий алоқаларнинг чекланганлиги.

8.Қишлоқ жойларда яширин ишсизлик, шаҳар ва қишлоқдаги турмуш

даражаларидаги фарқнинг ортиб бориши.

9.Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражаси кўрсаткичларининг собиқ СССРдаги энг охирги ўринлардан бирига тушиб қолганлиги.

10.Экологик муаммоларнинг кескинлашуви, ер-сув ресурсларидан аёвсиз фойдаланиш, ерлар шўрланишининг ортиши, чўл зоналарининг кенгайиши.

Юқорида келтирилган хулосаларни исботловчи даллиллар жумласига қуйидагилар киради:

1991 йилда етиштирилган пахта хомашёсининг бор-йўғи 3,5% и пировард истеъмол учун республикада қайта ишланган.

1990 йилда республикада мавжуд корхоналарнинг 38% собиқ иттифоқ, 54% собиқ иттифоқ-республика, бор-йўғи 8% корхоналар республика мулкчилиги тасарруфида бўлган.

1988 йилда 4349.3 млн. *га* экин майдонларининг 125.3 минг *га* майдони (2.8%) аҳолининг шахсий томорқаларини ташкил этган.

«1930 йилда республика аҳолисининг 70% га яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада аҳолининг 30 % га яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди».

Маълум сабабларга кўра, республика ҳозирги халқ хўжалиги ва аҳоли жуда қаттик эҳтиёж сезаётган товарларнинг 65% гача бўлган қисмини ташқаридан келтириши мажбур эди. Ёқилғи, станоклар, асбоб ускуналар, ёғоч-тахта ва ёғоч материаллари тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Улар ҳам четдан келтирилган.

Келтрилган маълумотлар ва далиллар асосида бозор муносабатларига ўтиш зарурияти тўғрисида И.Каримов шундай деган:

...Бозорга ўтиш муқаррар. Бу - давр амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаолиятининг сифат жиҳатдан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир (Каримов И.А. Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли. Т.,Ўзбекистон, 1992, 44-бет).

Бозорга ўтиш зарурияти ташқи ва ички омиллардан ҳам келиб чиқади.

Ташқи омиллар:

Жаҳон ҳамжамиятининг геополитик таркибида ижтимоий дунёқарашда чуқур сифат ўзгаришларни амалга ошириш.

Давлатлараро ҳамкорликда интеграцион жараёнларнинг кучайиши.

Ягона халқаро меъёрлар, қоидалар ва андозаларга ўтилиши билан ягона сиёсий-иқтисодий жараёнларнинг шаклланиши.

Социалистик деб аталган лагернинг парчаланиши ва маъмурий- буйруқбозлик тизимининг барҳам топиши.

Моддий турмуш фаровонлиги ва иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича Ғарбдан ортда қолишнинг кучайиши ва иқтисодий тизим таназзули.

Ички омиллар:

Мустабид тизим қусурлари ва директив режалаштиришнинг салбий оқибатлари.

Давлат мулкчилигининг яккаҳокимлиги туфайли мулкнинг ва шахснинг ажратилиши ва ижтимоий серҳаражатлиликнинг ортиб бориши.

Ҳаражатларни тежашдан манфаатдорликнинг йўқлиги, пиравардида эса, ресурсларни самарасиз тақсимланишнинг кучайиши.

Меҳнат унумдорлигини оширишдан рағбатлантиришнинг пасайиши ва меҳнатга иштиёқсизлик ва лоқайдликнинг ортиши.

Техника ва технология ривожланишидаги турғунлик.

Иқтисодий ҳаётда мулкнинг мутлақ давлатлаштирилишига қаршилик муносабати сифатида пинхоний иқтисодиётнинг кучайиши.
Ижтимоий ҳаётда талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш самарадорлигининг пастлиги.
Директив марказлашган режалаштириш тизимининг ҳудудлар ва хўжаликлар талабларини қондиришда мувофиқлаштириш имкониятларининг чекланганлиги. Натижада, қуйи буғинларда - ҳаридор ва сотувчи, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар орасидаги бевосита боғлиқликни таъминлашга маъмурий режалаштиришнинг салбий таъсири.
Корхоналараро рақобатнинг йўқлиги туфайли самарадорликка мойилликнинг пастлиги.
Хомашё серҳаражатлигига асосланган инвестицион талабнинг кучайиши.
Социалистик хўжалик юритишда фондларнинг марказлашган тақсимотига асосланганлиги туфайли кўпроқ ресурслар тақчиллиги намоён бўлади. Бозор иқтисодиётида эса, сотиш қийинчилиги ишлаб чиқариш қийинчилигидан муҳимроқ ҳисобланади.
Корхоналарнинг пул маблағлари билан таъминлашда ягона давлат банк тизимининг фаол иштирок эта олмаслиги. Банк тизимининг пул маблағлари оборотидан манфаатдорликнинг пастлиги. Айниқса, кредит сиёсатининг мижозлар молиявий имконияти билан бевосита боғланмаганлиги.
Давлат бюджети ваколатининг кенг қамровлилиги турли бўғиндаги хўжаликлар даромадига боғлиқ бўлиб, унинг тўпланиши ва тақсимланиши тўлиқ марказлаштирилган. Корхоналарнинг бюждетдан молиялаштирилиши заҳиралардан самарали фойдаланишни рағбатлантирмаган.
Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг энг муҳим аянчли оқибатларидан бири - мўтъе шахс «совет кишиси» нинг шаклланиши ҳисобланади. Мазкур шахс тафаккури мафкуравий қарашлар, ғоявий кўрашлар, чалғитувчи далиллар тузоғига асир қилинди. Тараққиётпарвар инсоният эришган ютуқлардан бебахра қолди. Собиқ тизим ўз иқтисодий ғояларида иш кучининг қаерлардадир товар сифатида сотилаётганлигини танқид қилади-ю, ўзидаги инсон ресурсларига эътибор фақат кундалик моддий эҳтиёжларни аранг қондириш даражасида қолиб кетганлигини инкор этади. Кейинроқ, 1999 йилга келиб, Президентимиз И.Каримов бу ҳақда таъкидлаганидек: «Шундай улкан салоҳиятга эга бўлган мамлакатни камситадиган оғир аҳволга солиб қўйиб, у қонуний ҳақли равишда ўзига қарашли бўлган маблағни марказдан дотация сифатида сўраб, айтиш мумкинки, ёлвориб олишга мажбур эди. Боз устига, ноинсоний ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тизим ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлар эди. Уларнинг миллий ва диний туйғуларини қўпол равишда камситар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик, кўплаб одамларнинг шахсий фожиасига айланиб қолган эди. Миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этиларди....

...Биз эски тизим ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермаслигини, унинг заҳарли мафкураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсири исканжасидан чиқармаслигини етарли даражада ўзимизга тассаввур қилишимиз ва ҳисобга олишимиз зарур эди». Юқоридагиларни ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон мустақиллик даврида маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор муносабатларига ўтишни зарур деб топди.

2. ЎТИШ ДАВРИ ТАВСИФИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТИ

Маъмурий марказлашган иқтисодиётнинг тарихий оқибатлари, бозор муносабатларига ўтиш заруриятини англашни ва туб ислоҳотлар бошлашни талаб этди. Натижада иқтисодий муносабатлар тизимининг бир шаклидан воз кечилди ва иккинчи шаклига юз тутилди. Республикадаги мавжуд вазият иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга тубдан янгича ёндашувни сифат жиҳатидан янги вазифалар ва шароитларни ҳамда тажрибаларни ҳисобга олишни энг муҳим мамлакатлар салоҳиятига кўпроқ таянишни тақозо этди. Бундай маъсулиятли вазифани ҳал этиш академик Ислом Каримов тадқиқотларида назарий-илмий ечимини топди. Чунончи, аслини олганда, гап бозор муносабатларига ўтишда ўхшаши бўлмаган бетакрор андозамизни ишлаб чиқиш, ўз йўлимизни танлаб олиш ҳақида бормоқда. Бу йўл - уч таркибий қисмдан иборат:

ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи;

қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтишнинг энг муҳим принциплари;

иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тангликдан чиқиб олишнинг барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Келтирилган таркибий қисмлар тўғрисида республикамиз зиёлилари, хусусан иқтисодчи олимлар чуқур тадқиқотларни давом эттириб, бир қатор асарларини чоп этишди. Ўтиш даври иқтисодиётининг кўпчилик мамлакатларга хос бўлган умумий қоидалари ва ҳолатлари жумласига қуйидагилар киради:

мавжуд иқтисодий тизимда янги тизимга ўтишдаги беқарорлик, номутоносиблик ва мувозанатсизликлар;

жамият иқтисодий ривожланиш йўлларининг турли-туман ҳарактердалиги;

мулкчилик, бошқарув, товар-пул муносабатлари каби соҳаларда туб ислоҳотларнинг зарурлиги;

умумий ўтиш қонуниятлари мавжудлигидан қатъий назар, ҳар бир мамлакат шарт-шароитларини ҳисобга олиш зарурлиги;

эски турмуш тарзи мезонлари ва янги иқтисодий қадриятларнинг номувофиқлиги, баъзи ҳолларда эса, қарама-қарши зиддиятли тусга эга бўлиши;

жамият аъзолари бир қисмининг эски мафкура исканжасидан қутилишнинг қийинчилик билан кетиши, янги иқтисодий муносабатларга эҳтиёткорлик билан ёндошишига қарамай, ташаббускор, изланувчан, тадбиркор ва тараққийпарвар кишиларнинг тобора ортиб бориши кабилар.

Тарих тажрибасига кўра, маданийлашган бозор муносабатларига ўтиш даврининг довомийлиги бозор иқтисодига ўтишнинг қандай йўли, андозаси танланиши каби бошқа шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

XX аср ниҳоясига келиб, шаклланган иқтисодий таффакур ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари тўғрисидаги қарашларда эркин итисодий тартибга солиш ғояси ҳам, марказлаштирилган тарзда режалаштириш ғояси ҳам инқирозга учраганлигии баён этилмоқда. Чунки И.Каримов таъкидлаганидек: Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги йўлларини ишлаб чиқди, тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган.

Ўтиш даври кўхна Европа мамлакатларида бир неча юз йилни ташкил этган бўлса, мустамлакачиликдан озод бўлган Осиё ва бошқа қитъа мамлакатларида бир неча ўн йилдан иборат бўлди. Масалан, Буюк Британия-200 йил, Франция -150

йил, Германия ва АҚШ-50-100 йил.

Бошланғич шарт-шароитларга кўра, ёндошилган гуруҳлаш мезонига асосан тартиблашга солинадиган бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун 3 та ёндашув ва яна бир турдаги ўриниш мавжудлиги И.Каримов томонидан таҳлил этилган. Булар:

Узоқ давом этган эволюцион тараққиётни босган ривожланган мамлакатлардаги аралаш иқтисодиёт;

Анъанавий (оддий ва бозор, патриархал феодал муносабатларига эга) иқтисодиёт асосида шаклланаётган маданийлашган бозор муносабатлари;

Режалаштирилган буйруқбозлик иқтисодиёти негизида шаклланаётган бозор муносабатларига асосланган демократик жамият;

Социализм ғояларини самарали бозор иқтисоди вужудга келтириш билан қўшиб олиб боришга ўринаётган социалистик иқтисодиётнинг Хитойча йўли.

Юқоридаги ёндошувлар асосидаги таҳлиллар кўрсатишича, бозор муносабатларининг ривожланиши бирорта ҳам мамлакатда бенуқсон ва текис кечмаган.

Бозор механизмларини идеаллаштириш ҳам катта хато бўлади.

Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон танлаб олган йўл республика ва унинг халқининг манфаатига ниҳоятда мос келадиган ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир» - деб таъкидлайди И.Каримов.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти иқтисодий ривожланиш самарадорлигини ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий адолат билан боғлаш мақсадини кўзлайди.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини батамом шаклланиши учун зарур бўлган вазифалар нечоғлик тез ҳал этилиши ўтиш даври давомийлигини белгилайди:

Биринчи галдаги асосий вазифа-мулкдор сингари масаласининг тубдан ҳал этилиши, бошқача айтганда хусусий мулкчилик етакчилигидаги кўп укладли иқтисодиётнинг барпо этилиши.

2.Ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш.

3.Кенг тармоқли бозор инфратўзилмасини (фонд ва молия муассасалари, тадбиркорларга ҳизмат қилувчи бошқа муассасаларни) ривожлантириш.

4.Ташқи иқтисодий фаолиятда маъмурий чеклашлар орқали бошқаришдан иқтисодий тарифлар йўли билан бошқаришга, яъни жаҳонда қабул қилинган маърифий шаклларга ўтиш.

5.Миллий валютани эркин муомаладаги валютага алмаштириш масаласини ҳал этиш орқали валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш.

6.Хорижий самарадорларнинг Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатиши учун кафолат ва имтиёзлар ва рағбатлантиришни кучайтириш.

7.Корхоналарнинг хўжалик фаволиятига ноўрин аралашувнинг чеклаб қўйилиши.

8.Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий маъсулиятнинг оширилиши. Банкротлик институти аҳамиятини ошириш.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий хусусиятлари академиклар С.С.Ғуломов, М.Шарифхўжаев, профессорлар А.Ўлмасов, Н.Тўхлиев, Ё.Абдуллаев, Ш.Шодмонов, А.Раззоқов кабиларнинг тадқиқотларида батафсил баён этилган.

Бироқ бозор иқтисодиётига оид тушунчаларни баён этишдаги ёндошувларда айрим фарқлар ҳам мавжуд. Масалан, проф. Раззоқов А.А. бозор муносабатларининг 3 та шакли мавжудлигини қайд этади. Булар:
Ёввойи бозор (дастлабки пайтларда);
Маъмурий-буйруқбозлик бозори (собиқ СССР ва социалистик деб аталган мамлакатларда);
Бошқариладиган бозор (ҳозирги деярли барча ривожланган етакчи мамлакатларда).

Айни пайтда проф. А.Ўлмасов таъкидлашича, «Тарихан бозор иқтисодиётининг 2 тури бўлган: ёввойи ва маданийлашган бозор иқтисодиёти».

Умуман олганда, барча тадқиқотлар И.Каримов асарларидаги илмий-назарий қоидаларни чуқурроқ ва кенгроқ шархлаш вазифасини ҳал этганлигини таъкидлаш лозим.

3. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ВА ЯНГИ АСР СТРАТЕГИЯСИ

Халқаро мезонлар ва демократик талабларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III бўлими (Жамият ва шахс), XII бобида (Жамиятнинг иқтисодий негизлари) ги 53-моддасида: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳақиқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тўтилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин» - деб белгиланган. Ушбу модда иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий кафолатларини баён этади ва барча иқтисодий ислоҳотлар тизимига асос бўлиб хизмат қилади.

Албатта, конституциямизнинг ҳамда ҳалқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва илғор жаҳон тажрибаларини уйғунликда мужассамлаштирилган - дунёда «ўзбек модели» деб эътироф этилган иқтисодий ислоҳотлар моделининг асосий муаллифи И.Каримов инсон-ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун ҳизмат қилиш керак, деб таъкидлаган мезон муҳим ҳисобланади.

Ислоҳотларнинг «ўзбек модели» нималарга асосланади деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:
бозор иқтисодиёти ва демократия тамойилларига асосланадиган жамиятни барпо этиш;
СССР парчалангандан кейинги Ўзбекистоннинг ҳақиқий ҳолати;
халқнинг менталитети ва тарихий анъаналарга ислоҳотларни амалга оширишнинг у ёки бу суръатларига аҳолининг тайёрлик даражаси;
«Шок терапияси» дан воз кечиш.

Демак, ислоҳотлардан асосий мақсад - юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдан иборат. XXI аср бошида Ўзбекистон тараққиётининг И.Каримов томонида ишлаб чиқилган стратегиясида қуйидаги муҳим устувор йўналишлар мавжуд. Булар:

Иқтисодиётнинг изчил ўсиши ва самарадорлигини ошириш, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасининг барқарор ва

ўзлуксиз яхшиланиб боришини таъминлаш ҳамда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тўтилган. Бунда беш йил давомида иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баровар ошириш ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадини 1,8-2,0 баровар кўпайтириш керак бўлади.

Сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатдор ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмни шакллантириш зарур. Хусусан, иқтисодий соҳани янада эркинлаштириш мақсадида давлат бошқарув ролини чегаралаш, хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнес ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш ҳамда бозор инфратўзилмасини кенг ривожлантириш лозим.

Шахсий манфаатларни мамлакат, халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш асосида жамият маънавиятини юксалтириш лозим.

Ҳар қандай муаммоларни амалий ечишга қодир бўлган қадрлар салоҳиятини тайёрлашга эришиш керак. Чунки мамлакатнинг буюк келажаги бугунги замонавий фикр юритадиган, ўз халқи ва Ватани манфаати ғоялари адолатли авлод келишига боғлиқ.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадлари қуйидагиларда ифодаланади:

иқтисодиётнинг хомашёвий бир томонлама ривожланишига чек қўйиш;

истеъмолга тайёр тугалланган ишлаб чиқаришга ўтиш;

импортга қарамликни чеклаш;

экспорт салоҳиятини ошириш;

истиқболли соҳаларга устуворлик бериш, барқарор ўсиш;

меҳнат ресурсларининг оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

миллий бозорни ички ишлаб чиқариш ҳисобига тўлдириш ва аҳоли талабларини тўлароқ қондириш.

Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликни, сарҳадларимизнинг даҳлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яҳлитлигини таъминлашдан иборат.

Ушбу йўналишларда белгиланган вазифалар мамлакатимиз салоҳиятининг қисқа муддатларда юқори даражада ривожланишини таъминлашга имкон берди. Шунинг учун ҳам 2005-2010 йилларда иқтисодий салоҳиятда эришилиши кўзда тўтилган таркибий ўзгаришлар жумласига қуйидагилар киради:

қишлоқ хўжалигини янги техника билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ бўлган соҳаларнинг иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш;

иқтисодиётнинг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тўзилмасини шакллантириш;

иқтисодиётнинг таянч тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш;

юқори технология ва илм талаб ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш;

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ислоҳотларнинг яқин муддатдаги йўналишлари қуйидагиларга қаратилишни кўзда тутади:

бюджетли тартибга солиш даражасини босқичма-босқич камайтириш ҳамда, бюджет маблағлари ишлатилиши самарадорлигини ошириш. Бунда ЯИМ нинг

бюджет орқали қайта тақсимланишини 40-42%дан 25-28%га тушириш, бу билан товар ишлаб чиқарувчиларга солиқ тўловлари камайишига эришади, ижтимоий талаб ортади.
истеъмолга кетадиган даромад эмас, кўчмас мулк, зеби-зийнат ва қимматбаҳо товар ва хизматлар солиққа тортилиши лозим, фойдаланадиган ресурслар (ер, сув, кўчмас мулк) га солиқ оширишгани ҳолда, бирламчи тармоқлар, бошланғич технологик циклдаги солиқларни камайтириш;
иқтисодиётнинг реал секторидаги молиявий вазиятни соғламлаштириш учун давлатнинг антимонопол ва нарх тартиблаштириш фаолиятини ошириш, тўловлар бўйича инқирозларни юмшатиш, баҳо диспаритетига барҳам бериш;
рақобатда афзалликка эга бўлган қайта ишлаш саноати корхоналарининг иқтисодий ўсиш устунворликларини аниқлаш орқали мамлакат экспорт самарадорлигини ошириш;
миллий валюта алмашув курси барқарорлигига эришиш.

Мамлакатнинг Ўрта муддатли истиқболида (2000-2005 йиллар) саноатнинг қўшимча ўсиш суръатлари йилига 8-9%ни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари иши ўсиш суръати 7-8%ни, ҳизмат кўрсатиш соҳасида 7-9%ни ташкил чилиши кўтилмоқда. Бинобарин, енгил саноат озиқ-овқат, кимё саноати, текстил ва қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ривожланиши муҳим ўрин тўтади. Янги аср статегиясида ЯИМнинг 4-5% ўсишнинг таъминловчи импорт ўрнини таъминловчи ривожланиш ўринга иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган тузилмасини шакиллантиришга эътиборни кучайтириш керак бўлади.

4. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ БОСҚИЧЛАРИГА ОИД ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

Дарҳақиқат мамлакат тақдирида кескин ва муҳим ўзгаришлар рўй берди. Ўзликни англаш бошланди. Миллий истиқлол ғояси фуқаролар имонининг мезонини ташкил эта бошлади.

Иқтисодий тараққиётда жиддий ўзгаришларга эришилди. 1997 йилдан бошлаб, ЯИМ ўсиш суръатларининг аҳоли ўсиш суръатларидан устун келиши таъминланди ва мамлакатда аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши учун замин яратилди. Халқаро экспертлар маълумотига кўра, янги аср бошига келиб Ўзбекистон ишлаб чиқариш ҳажмига кўра, инқирозга қадар бўлган даражасини, шунингдек БМТ инсон тараққиёти индекси (унинг таркибий қисмлари: аҳолининг саводхонлик даражаси; умр ўзунлиги; аҳоли жон бошига ЯИМ) бўйича рейтингидаги ўз мақомини деярли тиклаб олди. МДҲдаги ҳеч бир бошқа давлат бунга эриша олгани йўқ. Инсон потенциал тараққиёти индекси кўрсаткичлари 1995 йилдаги 0,679дан 1999 йилга келиб 0,706 га кўтарилди. Айни пайтда аҳоли жон бошига реал ялпи ички маҳсулотнинг ҳарид қувватига кўра қиймати 1995 йилда 2440 АҚШ долларига тенг бўлса, 1999 йилги кўрсаткич 2494 АҚШ долларини ташкил этди. Жаҳон банки йиллик ҳисоботидаги 1999 йил маълумотларига кўра эса, Ўзбекистон Республикасидаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот қиймати 870 $ ни ташкил этган. Бу кўрсаткич Қозоғистонда 1310, Хитойда 750 $, Қирғизистонда 350 $ни, Россияда 2300 $ни ташкил этган.

Халқаро экспертлар фикрига кўра, инсон тараққиёти замирида Ўзбекистон иқтисодий ривожланишидаги асосий тамойиллар жумласига қуйидагилар

киритилган:

-ЯИМ ўсиш суръатларининг аҳоли ўсиш суръатларидан устун келиши, пировардида эса, турмуш даража яхшиланиши учун замин яратилди.

-Узоқ муддатли истиқболда ўсиш омили бўлган асосий капиталга сармоя киритишнинг юқори суръатлари таъминланди.

-Иқтисодий ўсишнинг ижобий суръатлари шароитида инфляция суръатларидан барқарорлашиши натижасида, аҳолининг реал даромадлари ва турмуш даражаси яхшиланди.

Юқоридагилар билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишдаги заиф жиҳатлар туркумига қуйидагилар киритилган:

1. Ўзбекистон иқтисодиёти тузилмаси илгаригидай ўзининг аграр-индустриал табиатини сақлаб келмоқда.

2. ЯИМ таркибида саноат маҳсулоти 20%дан озроқ қисмини ҳамда жисмоний ва маънавий эскирган ускуна ва технологиялар катта ҳиссани ташкил қилади.

3. Ишсизлик даражаси тез суръатлар билан ўсмаётган бўлсада, анча юқори бўлиб, иқтисодиётда қўлланилмаётган манъбалардаги катта потенциални акс эттиради.

4. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида, айниқса аралаш шаклда молиялаш тизимини бошқариш қисмидаги институтционал ўзгаришлар тугалланмаган.

Шунингдек, ислоҳотлар тажрибасини умумлаштиришда турлича ёндошувлар шаклланмоқда. Улардан бири бозор муносабатларига ўтишнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этилиши 3 босқичга тақсимланади:

1-босқич (1991-1994);

2-босқич (1994-1997);

3-босқич (1997 дан ҳозирги пайтгача).

Биринчи босқичнинг мақсади аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиши ва ишсизликнинг кескин ошишига йўл қўймаслик бўлди. Бу босқичда давлат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмол бозорини ҳимоя қилиш учун истеъмол молларини меъёрий тарқатиш тизими, талон ва купонлар жорий этилди. Ижтимоий кам таъминланганлар учун имтиёзлар сақланди.

Иккинчи бисқичнинг мақсади ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажми ва иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш, инфляцияни жиловлаш бўлди. Натижада мулкдорлар синфи шаклланди. Хорижий омилларга боғлиқ бўлган ўзак тармоқларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Миллий валюта инфляциясини мақбул даражада жиловлаш имкони яратилди.

Учинчи босқич мақсади иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришга қаратилди. Иқтисодиётда миқдор ва сифат силжишлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик учун ҳуқуқли шароитлар яратилди, ишсизликнинг яширин ва турғун ҳолатларини бартараф этишга оид чоралар кўрилди. Аҳоли даромадларининг янги турлари - мулкдан ва тадбиркорликдан ҳам шакллана бошлади. Аҳоли кам таъминланган қатламлар қашшоқлашуви камайтирилди. Боқимандалик чекинди. Меҳнат ва тадбиркорлик фаоллиги ортди.

Иқтисодиётнинг негизини турли хилдаги мулк: ташкил этиши, мулкчилик муносабатларидаги ислоҳотлар чуқурлашуви ҳам тўрт босқичда Гуруҳлантиришга имкон яратди. Бунда 1990-91 йиллар тайёрлов босқичи деб белгиланди.

1-босқич - 1992-1993 йиллар;

2-босқич - 1994-1995 йиллар;

3-босқич - 1996-1998 йиллар;

4-босқич - 1998 йил охиридан то ҳозирги пайтгача давом этмоқда.

Биринчи босқичда фаол хусусийлаштириш бошланган. Бунда асосан уй-жой фонди ва кичик корхоналар хусусийлаштирилган ва жамоа мулкига айлантирилган. Қишлоқ жойларда ҳар бир оилага томорқа ер участкаси берилган.

Иккинчи босқичда ўрта ва йирик енгил саноат машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги 50 мингдан ортиқ корхоналар очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига (меҳнат жамоаси - 25%, давлат - 26%, эркин сотувда - 30%, аралаш корхоналарга - 10%, ҳарижий инвесторларга - 10%) айлантирилди. Бозор инфраструктураси ривожланди (биржа, банк, хусусий суғўрта компаниялари).

Учинчи босқичда эса энг йирик акция назорат пакети давлат иҳтиёрида бўлган корхоналар (жами 3/46 та) ислоҳоти бошланди. Хусусийлаштирилмайдиганларнинг таркибий рўйхати Олий мажлис ва Вазирлар махкамаси томонидан белгилаб берилди: сувдан фойдаланиш объектлари, мелиоратив тармоқлар, музейлар, санэпидемия станциялар, стратегик ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган бюджетдан ташқари фондлар шулар жумласидандир.

Тўртинчи босқичга келиб хусусийлаштирилган объектлардан бюждетга маблағ тушуриш, хусусийлаштирилган объектларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги мулкчилик муносабатларининг тўлиқ фаолияти учун шароит яратиш ҳамда бошқарув самарадорлигини ошириш чораларига эътибор кучайтирилди.

Бу босқичда хусусийлаштиришни гуруҳлаштириш соҳасидаги вазифалар аниқлаштирилди:

хусусийлаштиришнинг миқдорий кўрсаткичларидан тармоқларни чуқур реструктуризациялаш ҳамда корхоналарни хусусийлаштиришдан сўнг қувватлаш;

тармоқ ва ҳудудлардаги хусусиятларни тўлиқ ҳисобга олиш учун хусусийлаштириш усулларини кенгайтириш;

хусусийлаштириладиган мулкни баҳолашнинг тендер асосида сотиш учун такомиллаштириш;

тадбиркорликни фаол қувватлаш, санация ва реструктуризациялаш процедураларини амалга ошириш, зарарга ишлаётган корхоналарга барҳам бериш.

Мулкдорлар синфининг шакиланиши тадбиркорлик ривожлантирилиш билан боғлиқ институционал ислоҳотлар ҳам 4 босқичда таснифланади.

Бунда ҳам тайёрлов босқичга алоҳида эътибор берилади, яъни 1990-1991 йилларда мулкчилик ва тадбиркорлик тўғрисидаги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши қайд этилади.

1-босқич (1992-1994 йиллар) да Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, «Ҳусусий мулкчилик ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш» тўғрисидаги (январь 1994 йил), «Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент фармонлари муҳим хужжат бўлди.

босқич (1995-1996 йй.) республика Президентининг хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисидаги фармони билан бошланди. Собиқ совет республикалари ичида биринчи марта хусусийлаштиришдан тушган маблағнинг 50%и кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантиришга қаратилди. Бу босқичда «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлинтириш тўғрисида»ги (декабрь 1995й.), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлик хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (апрель, 1996й.) қонунлар қабул қилинди. Энг муҳими реал кўп укладли иқтисодиёт шакилланишига эришилди, нодавлат сектори мустаҳкамланди.

Нодавлат секторнинг улуши миллий даромадда 69%га етди. Салкам 6 *млн* аҳолида мулкдорлик ҳиссаси вужудга келди.
босқич (1997-1999) чет эл сармояларини жалб этиш асосида хусусийлаштиришнинг чуқурлаштирилиши билан тавсифланади. Эътибор кўпроқ хусусийлаштиришнинг самарадорлигига қаратилди. Қишлоқ хўжалигида пайчилик асосидаги ширкатларга ўтиш бошланди.

Майда, кичик ва ўрта бизнесни қувватлашнинг кўп босқичли тизими шаклланди. Булар:
Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари.
Тадбиркорликнинг жамоат ташкилотлари (товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси, тадбиркор аёллар уюшмаси).
Молия-кредит институтлари (бизнес фонд, деҳқон ва фермер хўжаликларини қувватлаш фонди, тадбиркорбанк).
Суғурта таъминоти («Мадад») ва тадбиркор қадрларни тайёрлаш ва ахборот - маслаҳат билан қувватлаш институтлари (бизнес - инкубатор ва бизнес - мактаблар).
Хомашё ва материаллар таъминоти, шунингдек тайёр маҳсулот сотиш инфраструктуралари (Ўзулгуржи биржа савдо, Агросаноат биржа, Ўз савдо марказ, минтақавий ва ихтисослашган бозорлар). Натижада жами ҳуқуқий шахсларнинг 89%и кичик ва ўрта корхоналар (160 *минг*) эгасига айланди. Кичик ва ўрта корхоналар солиғи қишлоқ хўжалигида - 27%, саноатда -12% га етди. IV *босқич* (2000 йилдан) иқтисодиётни эркинлаштирув ислоҳотларини чуқурлаштиришдан кейин бошланди. Текширишларни рўйхатга олиш китоби жорий этилди. 180 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари 2000 йил охирига келиб рўйхатдан ўтди. Шундан 139,7 мингтаси - микрофирмалардан иборат.

Умуман, иқтисодиёт фанини ривожлантиришда қатор ўқув ва илмий даргоҳлар катта ҳисса қўшмоқда, шулар жумласига, ЎзРФА Иқтисодиёт институти, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Агросаноат мажмуида бозор ислоҳотлари институти, Макроиқтисодий барқарорликни ўрганиш маркази ҳамда вазирликлар ва олий ўқув юртларидаги 50 га яқин муассасалар киради. Мамлакатимизда, жумладан ТошДИУ да олиб борилаётган тадқиқотларда миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги хусусиятлари изчил ўрганилмоқда. Масалан, академик М.Ш. Шарифхўжаев, С.С.Ғуломиов, проф. Э.А.Акромов, А.Ўлмасов, Ш.Шодмонов ва бошқалар ўз асарларида миллий иқтисодиёт назариясини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшмоқдалар.

Жумладан, иқтисодий тарих, иқтисодий таълимотлар тарихи соҳасида профессорлар Ҳ.С.Собиров, А.А.Раззоқов, Қ.Йўлдошев, Н.Қ.Йўлдошев, Ю.Б.Юсупов кабилар жаҳон ва миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ўрганиш, тартибга солиш ва таҳлил қилишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Молия, инвестиция, пул муомаласи, банк иши соҳаларида проф. Т.С.Маликов, С.А.Бержанов, Ш.З.Абдуллаева, О.Олимжонов, А.Қодиров ва бошқаларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади.

Академик В.В.Ким, проф. А.Абдуғаниев, А.Н.Маҳмудов, Д.Ахмедовлар аграр-саноат комплекси тараққиёти муаммоларини тадқиқ этмоқдалар.

Проф. Қ.Абдурахмонов, А.Назаров. Н.Хўжаев, Ш.Холмўминов ва бошқалар меҳнат иқтисодиёти ва социологиясига оид дарслик ва қатор ўқув қўлланмаларни

яратишган.

Макро ва микро ҳамда минтақавий иқтисодиёт соҳасида проф. А.Ишмуҳамедов, Б.Салимов, Н.Ибрагимов, Э. Маҳмудов тадқиқотлари муҳимдир.

Статистика бўйича проф Н.Соатов, Х.Набиев, З.Тошматов, Э.Акромовлар сермаҳсул ўқув, илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида проф. С.Қодирхонов, М.Умарова, М.Тўлахўжаева, Н.Жўраев, О.Жуманов, С.Воҳидов ва бошқалар баракали фаолият кўрсатишмоқда.

Маркетинг фани бўйича проф. М. Қосимова, Д.Муҳиддинов, А.Фаттохов, Х.Раимов ва бошқалар миллий бозор шаклланиши ва ривожланиши шарт-шароитларини тадқиқ этмоқдалар.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида проф. Ж.Жалалов, Р.Шодиев, Г.Назарова ва бошқаларнинг тадқиқотларини алоҳида эслаб ўтиш даркор.

Информатика ва ахборотлар технологияси бўйича академик С.С.Ғуломов, Р.Алимов, Б.Ходиев, Т.Шодиев, Қ.Алимов. А.Шермуҳамедов ва бошқаларнинг фаолияти диққатга сазовордир.

Юқорида эслаб ўтилган олимларнинг тадқиқотлари жаҳон ва миллий иқтисодий тафаккурини бойитишга маълум ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллий иқтисодиётимизнинг назарий-илмий, ўқув-амалий манбалари тобора кенгаймоқда. Бу эса, пировардида ёшларнинг малакали мутахассис ва тадбиркор бўлиб етишишига пухта замин яратади. Чунки XXI асрдаги иқтисодиёт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг асосий манбаи ҳар томонлама камол топган шахслар ҳисобланади. Бу Конфуцийнинг «Энг катта севинч-илм олишда ва уни ҳаётга тадбиқ этишда» деган ўгити янги асрда янада тўлароқ ўз исботини топмоқда.

ХУЛОСА

1917 йилдаги октябрь тўнтарилиши ва шўролар ҳоқимияти (1917-1990) даврида собиқ СССР ва ҳусусан Ўзбекистонда маъмурий-буйруқбозликка асосланган императив режали иқтисодиётга ўтилди. Нокапиталистик концепция, яъни бозор муносабатларини инкор этувчи йўл танлаб олинди. Буйруқбозлик иқтисодиёти туфайли эришилган айрим ютуқлар вақтинча самара берди. Марказ томонидан олиб борилган сиёсат оқибатида катта потенциалга эга бўлган Ўзбекистон иқтисодиёти бир томонлама аграр- хомашё йўналишида ривожланди, саноат товарлар ишлаб чиқариш чекланган эди, пахта яккаҳоқимлиги ижтимоий-экологик муаммоларни келтириб чиқарди, ерларнинг шўрланиши, ботқоқлашуви кучайди, Орол денгизи қурий бошлади, халқнинг моддий фаровонлиги кескин ортда қолди. Илғор мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш тарихи бозор иқтисодиётини қўллаш йўли билангина тараққиётга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Кўп йиллар давомида императив режали иқтисодиёт юритган собиқ СССР ва бошқа «социалистик» деб аталган давлатлар иқтисодиёти инқирозга учради ва бу бозор иқтисодиётига ўтишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўз мустақиллигига эришгандан сўнг (1991) ўта бошлади. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси маъмурий-буйруқбозликка асосланган режали (планли) иқтисодий тизимдан эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонун-қоидалари ва унинг Ўзбекистондаги миллий хусусиятларга хос илмий қарашлар мажмуидан иборатдир.

Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик Ислом Каримовнинг асарлари, рисола ва нўтқларида изоҳлаб берилган. Ўзбекистоннинг тарихий, илмий, анъанавий, экологик ва бошқа соҳалардаги тажрибаларига асосланиб, республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўли мақбул деб топилди. Бу ўтиш йўли тадрижий (эволюцион) кетма-кет, босқичма-босқич амалга ошади. Жамият ривожи тарихи шуни аниқ кўрсатадики, бир ижтимоий тизимдан бошқа тизимга кўчиш учун маълум ўтиш даври объектив заруриятдир. Бу зарурат эскирган ҳаёт уклади ўрнига яратиладиган янги укладни вужудга келтиришдаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон шароитида бу ўтиш даври бир неча босқичдан иборат бўлади, биринчи босқич 1991-1994 йиллар, иккинчи босқич 1994 -1999 йилларда амалга оширилди, учинчи босқич 2000 йилдан бошланди. Ўтиш даврининг давом этиш вақти ва босқичлари сони ўтиш даврида қўлланиладиган қатор аниқ объектив ва субъектив омиллар ва услубларга боғлиқдир. Уни нисбатан тезроқ ва тўфонларсиз амалга ошириш бош вазифа ҳисобланади. Ўзбекистонда собиқ шўро давлатлари орасида биринчилардан бўлиб мустақилликнинг ўн йили давомида муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Инқирозлар даври тугаб (1996), иқтисодиётнинг жадал ўсиш даври бошланди. Макроиқтисодий барқарорликка эришилди, миллий валютамиз бўлган *сўм* мустаҳкамланди, хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди. Ёқилғи-энергетика ва дон мустақиллиги таъминланди, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар кенг қулоч ёйди, янги саноат тармоқлари вужудга келди. Иқтисодиётда сезиларли силжишлар амалга оширилди. Бозор инфраструктураси яратилди, асосий иқтисодий кўрсаткичлар ўсиши таъминланди. Бу танлаб олинган иқтисодий ислоҳотлар йўлининг тўғрилиги натижасидир. Мустақилликнинг 10 йиллиги давомида эришилган натижаларнинг энг муҳим кўрсаткичлари тўғрисида Президент И.Каримовнинг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Махкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқида қуйидагилар таъкидланган:

Ўтган йил мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар учун муҳим йил бўлди. 2001 йилда биринчи бор ялпи ички маҳсулотнинг 1991 йилга нисбатан 103% ўсишига эришилди. Макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётни ўстириш тенденциялари аниқ кўзга ташланди. Ялпи ички маҳсулот 4,5%, саноат ишлаб чиқариши 8,1%, қишлоқ хўжалигида маҳсулот тайёрлаш 4,5% кўпайди. Инфляция даражаси ойига ўртача 2%ни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари эса 16,9% ўсди. Ташқи савдо айланмасида ҳам ўсиш таъминланди, бу борада ижобий сальдога эришилди.

Таянч тушунча ва иборалар

Бозор иқтисодиётига ўтиш; маъмурий-буйруқбозлик тизими; мустабид тизим мероси; ўтиш заруриятининг омиллари; «ўзбек модели»; ўтиш даври давомийлиги; ўтиш даври босқичлари; тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ёндошувлар; иқтисодиёт негизи; устувор йўналишлар; таркибий ўзгаришлар мақсадлари; инсон тараққиёти индекси; ислоҳотларни таснифлаш; ютуқ ва муаммолар.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётининг моҳияти ва унинг оқибатларини изоҳланг.
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш деганда нимани тушунасиз?
3. Ўтиш даври давомийлиги қанча бўлиши мумкин?
4. Ўтиш давридаги умумий қоидалар нимадан иборат?
5. «Ўзбек модели» нима?
6. Миллий иқтисодиётнинг негизини нима ташкил этади?
7. Миллий иқтисодий ислоҳотлар моделининг хусусиятлари.
8. Ислоҳот босқичларига оид қандай қарашлар мавжуд?
9. Миллий иқтисодиётнинг илмий-назарий манбаларини кенгайтиришда ҳисса қўшаётган олимлар кимлар?

Адабиёт
Асосий адабиёт

1. Раззоқов А.А, Тошматов Ш.Х, Ўрмонов Н.Т. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т., 2002 (22-боб)
2. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 1997

Қўшимча адабиёт

3. Костюк В.Н. История экономических учений. Курс лекций. Москва, Центр, 1997
4. Марк Блауг. Экономическая мысль в ретроспективе. М., Дело ЛТД, 1996
5. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Т., Узбекистан, 2001
6. Экономика переходного периода. М., МГУ, 1995

VIII. Интернет сайтлари

56. http://www.gov.uz - Ўзбекистон Президенти девонхонаси саҳифаси;
57. http://www.edu.uz - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти;
58. http://www.tseu.uz - Тошкент давлат иқтисодиёт университети сайти;
59. http://www.econ.reviw&cer.uz – “Экономическое обозрение” журнали сайти;

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

К И Р И Ш

«Иқтисодий таълимотлар тарихи» фани иқтисодиёт йўналишларидаги олий таълим муассасаларида асосий фан сифатида ўқитилади. Бу фан иқтисодиётнинг методологик асосларини таъминловчи ва яратувчи фан сифатида аҳамиятлидир. Шу сабабли бу фан иқтисодиёт фанининг ажралмас ва таркибий қисмидир. Ушбу ўқув дастурида фанни ўқитиш мақсади ва вазифалари, ўқув тайёргарликларининг мазмуни, семинар машғулотлари мавзулари, мустақил иш мавзулари, зарурий ва қўшимча адабиётлар келтирилди. Дастурда кейинги даврда рўй берган иқтисодий тафаккурдаги ўзгаришлар ҳисобга олинган.

Хусусан, мазкур фаннинг аҳамияти кейинги йилларда рўй бераётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чораларини излаб топиш ва изчил амалга ошириш ҳамда бу борада эришилаётган ютуқлар орқали ҳам яққол намоён бўлади. «…Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011-йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000-йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011-йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин. ».

Бўлажак мутахассислар бу фан ёрдамида авлод-аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва уни амалиётда қўллаш йўлларини ишлаб чиқиш имконига эга бўладилар. Чунки талабаларнинг ўтмишдаги иқтисодий қарашлар ва ғоялар, ҳамда олиб борилган иқтисодий сиёсат юзасидан ҳолис хулоса чиқаришлари ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Шу боис, мамлакатимизда шаклланаётган миллий иқтисодий тафаккурнинг инсонпарвар ва умумбашарий бўлишлиги учун миллий қадриятларни ҳам синчиклаб ўрганиш беқиёс аҳамият касб этади ва фаннинг долзарблигини белгилайди. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанини ўрганишнинг долзарблиги айниқса ҳозирги кунда ортиб бормоқда, чунки бу фан инсоният жамияти пайдо бўлгандан бошлаб юзага келган илк иқтисодий назариядан тортиб то замонавий иқтисодий таълимотлар вужудга келиш жараёни ва мазмунини объектив ёритиб беради.

Таълим технологиясининг

КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.	**“Иқтисодий таълимотлар тарихи” фани бўйича маъруза ва семинар машғулотларида таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари**

Таълим технологияси инсонийлик тамойилларига таянади. Фалсафа, педагогика ва психологияда бу йўналишнинг ўзига хослиги талабанинг индивидуаллигига алоҳида эътибор бериш орқали намоён бўлади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда “**Иқтисодий таълимотлар тарихи**” курсининг таълим технологияларини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндашувларга эътибор бериш керак.

Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги. Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутади. Бу эса Давлат таълим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда ўқувчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унингнинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам англатади.

 Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам қилиши зарур: жараённинг мантиқийлиги, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги.

 Амалий ёндашув. Шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълим жараёнини йўналтириш; ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солишни шарт қилиб қўяди.

 Диалогик ёндашув. Таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш заруратини белгилайди. Натижада эса, шахснинг ижодий фаоллиги ва тақдимот кучаяди.

 Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократия, тенглик, субъектлар муносабатида ўқитувчи ва ўқувчининг тенглиги, мақсадини ва фаолият мазмунини биргаликда аниқлашни кўзда тутади.

 Муаммоли ёндашув. Таълим жараёнини муаммоли ҳолатлар орқали намойиш қилиш асосида ўқувчи билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш усулларидан биридир. Бу жараёнда илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг диалектик тафаккурни ривожлантириш ва уларни амалий фаолиятда ижодий равишда қўллаш таъминланади.

 Ахборот беришнинг энг янги восита ва усулларидан фойдаланиш, яъни ўқув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларини жалб қилиш.

Юқоридаги концептуал ёндашув ва “Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанининг таркиби, мазмуни, ўқув ахборот ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг қуйидаги усул ва воситалари танлаб олинди.

 Ўқитиш усуллари ва техникаси: мулоқот, кейс стади, муаммоли усул, ўргатувчи ўйинлар, “ақлий ҳужум”, инсерт, “Биргаликда ўрганамиз”, пинборд, маъруза (кириш маърузаси, визуал маъруза, тематик, маъруза-конференция, аниқ ҳолатларни ечиш, аввалдан режалаштирилган хатоли, шарҳловчи, якуний).

 Ўқитишни ташкил қилиш шакллари: фронтал, коллектив, гуруҳий, диалог, полилог ва ўзаро ҳамкорликка асосланган.

 Ўқитиш воситалари: одатдаги ўқитиш воситалари (дарслик, маъруза матни, таянч конспекти, кодоскоп)дан ташқари график органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

 Ўзаро алоқа воситалари: назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитишнинг диагностикаси (ташхиси).

 Бошқаришнинг усули ва воситалари. Ўқув машғулотини технологик карта кўринишида режалаштириш ўқув машғулотининг босқичларини белгилаб, қўйилган мақсадга эришишда ўқувчи ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларини аниқлаб беради.

 Мониторинг ва баҳолаш. Ўқув машғулоти ва бутун курс давомида ўқитиш натижаларини кузатиб бориш, ўқувчи фаолиятини ҳар бир машғулот ва йил давомида рейтинг асосида баҳолаш.

Маъруза машғулотини ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:

№	Маъруза шакллари	Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари
1.	Кириш маърузаси	Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: ўқувчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари ва таниқли олимлар номлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шаклларини белгилаш.
2.	Маъруза ахборот	Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.

3.	Шарҳловчи маъруза	Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.
4.	Муаммоли маъруза	Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда ўқувчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.
5.	Визуал маъруза	Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.
6.	Бинар (икки кишилик) маъруза	Бу маъруза икки ўқитувчининг ёки иккита илмий мактаб намоёндасининг, ўқитувчи-талабанинг диалогидан иборат. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларининг мазмунини ёритиш.
7.	Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза	Хатоларни излашга мўлжалланган мазмуни ва услубиятида, маъруза охирида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар текширилади. Педагогик вазифаси: янги материаллар мазмунини ёритиш, берилган маълумотни доимий назорат қилишга талабаларни рағбатлантириш.
8.	Маъруза конференция	Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва талабаларнинг маърузаларга якун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.

9.	Маслаҳат маъруза	Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

“Иқтисодий таълимотлар тарихи” ФАНИДАН

МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИДА

ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Иқтисодий таълимотлар тарихи” фани бўйича маъруза

машғулотлари

1 - МАВЗУ	Фаннинг предмети ва ўрганиш усуллари. Қадимги дунё, феодал жамияти иқтисодий таълимотлари.

(Маъруза -2 соат)

ТЕХНОЛОГИК КАРТА.

1.1. Маърузада таълим технологияси

Талабалар сони 30 нафар	Вақти -2 соат
Маъруза режаси	1. “Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанининг предмети. 2. Фанни ўрганиш услубиёти (методологияси). 3. Қадимги Шарқдаги иқтисодий ғоялар. 4. Антик дунё иқтисодий қарашлари. 5. Араб ва Ғарбий Европа давлатларида феодализм давридаги иқтисодий ғоялар. 6. IX-XV асрларда Ўрта Осиёдаги иқтисодий фикрлар.
Ўқув машғулотининг мақсади: Иқтисодиёт таълимотлар тарихи фанининг предмети ва билиш услублари тўғрисида яхлит тасаввур хосил қилиш	
Педагогик вазифалар: -иқтисодий фикр, ғоя қараш, таълимотларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини тушунтириб бериш; -илк иқтисодий ғоялар намоёндалар билан таништириш; -ўқитиш услубларига талабалар эътиборини қаратиш; -иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг предметига таъриф бериш.	**Ўқув фаолиятининг натижалари:** -иқтисодий фикр, ғоя қараш, таълимотларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини тушунтириб берадилар; -иқтисодий оқимлар ва уларнинг асосчиларини айтиб берадилар -ўқитишнинг асосий услубларини санаб берадилар; -иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг предметига таъриф берадилар

Ўқитиш усуллари	Ҳамкорликдаги маъруза, баён қилиш, ЎТВ/КТ
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни график органайзер, ЎТВ/КТ
Ўқитиш шакли	Умум жамоа, коллектив
Ўқитиш шароитлари	ТСО билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва бахолаш	Тест, савол-жавоб, “Б.Б.Х.Б.”

Маърузанинг технологик картаси		
Босқичлар, вақт	**Фаолият**	
	Ўқитувчи	**Талабалар**
1-босқич Кириш 10 мин	1.1. Мавзуни, унинг мақсади ўқув машғулотининг натижаларини маълум қилади. (1-илова)	1.1.Эшитадилар, ёзиб оладилар
2-босқич Ахборот босқичи (60 мин)	2.1.Талабаларнинг ёки аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлаш учун тезкор савол жавоб ўтказади. 1.Қандай иқтисодий фикр, ғоя, қарашлар назарияларини биласиз? 2. Иқтисодий таълимотлар тарихи қандай фанлар билан чамбарчас боғлиқ? 3.Иқтисодий таълимотлар тарихи нимани ўргатади? 2.2.Фанни ўрганиш манъбалари нималар асосида олиб борилади? 2.3.Илк иқтисодий ғояларнинг пайдо бўлишини ва уларнинг намоёндалари тўғрисидаги видео лавҳа намойиш қилинади (3-илова) 2.4.Иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг предметига таъриф беринг? (4-илова)	1.Талабалар бир-бирини такрорламай бирин-кетин атамаларни айтадилар. 2.Ўйлайдилар жавоб берадилар 3.Ҳар бир саволларга жавоб беришга харакат қиладилар. Жавоб берадилар Талабалар таъриф берадилар

3-босқич Якуний (10 мин)	Мавзу бўйича якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг бошқа фанларбилан боғлиқлигига Кластер тузишни вазифа қилиб беради ва текширади, бахолайди	Иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлигига Кластер тузадилар. Уйга вазифа оладилар.

1.1. Таянч иборалар асосидаги визуал маълумотлар

"Иқтисодий таълимотлар тарихи" фанининг предмети бўлиб маълум даврдаги у ёки бу ижтимоий қатламлар инсонлар манфаатини ифода этувчи иқтисодий ғоялар ва ижтимоий концепцияларнинг вужудга келиши ривожланиши ва алмашувининг тарихий жараёни ҳисобланади.

1-илова

Қадимги дунё иқтисодий таълимотлар тарихи мавзусини педагогик технологиянинг КЛАСТЕР усули асосида ифодалаш.

Платон
ЛуцийСергей Каталина
Цициронмарк Тулией

Гуанцзи
Давсизм
Комфуций
Қадимги Хитой
Авесто
Артхашастра
Хамурапи
Аристотель
Ксенофонт
Қадимги РИМ

Луций Анней Синека

Қадимги Юнонистон

Ака-ука Грекхлар

Қадимги дунё иқтисодий таълимотлар тарихи

2-илова

Қадимги дунё иқтисодий таълимотлар тарихи мавзусини

педагогик технологиянинг КЛАСТЕР усули асосида ифодалаш.

Қадимги Осиё иқтисодий ғоялари

3- ИЛОВА

Сюнь-Цзи давлатнинг иқтисодий сиёсати учта асосий тамойилга асосланиши керак

Ҳаражатларни иқтисод қилиш, яъни тежаб-тергаб сарфлаш
Халқ тўқлигини таъминлаш
Ортиқча маҳсулотларни сақлаш зарурлиги

4- ИЛОВА

Куръони каримда

«***Енглар, ичинглар, хадя қилинглар, аммо исроф қилманглар***»

«***Дарё бўйида тахорат қилсаларингиз ҳам сувни исроф қилманглар***»

5-ИЛОВА

Платон аҳолини уч тоифага ажратган

Файласуфлар - давлатни бошқарувчилар

Ҳарбийлар - давлатни бошқариш аппаратининг бир қисми

«Қора» тоифа - деҳқон, ҳунарманд ва савдогарлар

«Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун аввало унинг тарихини уйготиш зарур»

Августин Блаженний

«***Ҳайвон табиат неъматларига қаноат қилади, одамларга эса табиат неъматлари камлик қилади, у овқат, кийим-кечак ва уй-жойга эхтиёж сезади. Ҳайвон табиат неъматларини ўзлаштириб олади, одам эса ўз меҳнати билан ўзига овқат, кийим, жой яратади. Шу мақсадда инсон деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиши керак***»

Ибн Сино (980-1037)нинг фикрича ....

6-ИЛОВА

Таянч ибора ва тушунчалар

Иқтисодий ғоя, қараш, назария, қонун, концепция, таълимот; фан предмети; услуби (методи); манбалар; илмий даврлаш; меркантилизм; классик мактаб; социалистик йўналиш; маржинализм; ўтиш даври иқтисодиёти. Хаммурапи қонунлари; конфуцийлик; «Артхашастра»; сўдхурлик; экономика; ислом; рибо; Ибн Халдун; «Домострой»; «Авесто»; «Хидоя» асари; исломдаги фарз ва суннат амаллари; закот; ҳалол меҳнат, ҳалол луқма, эхсон, садақа; эхтиёж, бойлик, мулк, давлат; Темур ва Улуғбек ислоҳотлари; Навоий, Бобур; «Утопия»; «Офтоб шаҳри»; илк хаёлий социализм; «қўйлар одамларни еб қўйди»

7-илова

Биринчи вазир -ер солиқлари, бож, ўлпон-солиқ ундириш ҳамда миршаблик юмушларини бошқариш юклатилган.

Иккинчи вазир сипох вазири ҳисобланиб, сипохийларнинг маошлари ва танхо (бу ерда - тожу-тахт учун қилган хизматлари эвазига бериладиган инъом маъносида)ларни бошқарган.

Учинчи вазир эса эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётганлар, савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорвасини бошқариб, буларнинг барчасида тўпланган даромадларни омонат тарзида сақлаган.

Тўртинчи вазир салтанат ишларини юритувчи вазир бўлиб, у салтанатдаги жами идораларнинг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган ҳаражат, хатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинган ҳаражатлардан огох бўлиб борган.

Амир Темур (1336-1405) давлат ва иқтисодиётни бошқаришда ўзига хос мактаб яратганди.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

3.1. Мавзуга оид саволлар:

1. Қандай иқтисодий фикр, ғоя, қарашлар назарияларини биласиз?
2. Иқтисодий таълимотлар тарихи қандай фанлар билан чамбарчас боғлиқ?
3. Иқтисодий таълимотлар тарихи нимани ўрганади?
4. Фанни ўрганиш манбалари нималар асосида олиб борилади?
5. Иқтисодий таълимотлар тарихи фаннинг предметига таъриф беринг?
6. Шарқ қулдорлигининг антик дунё мамлакатларидаги қулдорликдан асосий фарқлари нимадан иборат?
7. Қадимги Римдаги ғояларнинг асосий хусусиятлари.
8. Экономика ва хремотистика нима?
9. “Авесто”даги иқтисодий ғояларда ижтимоий мехнат тақсимотининг қайси жихатларига кўпроқ эътибор берилган.
10. М. Улуғбек давридаги ислохотлар қайси соҳани барқарорлаштиришга қаратилган?
11. “Акбарнома”да қандай иқтисодий ғоялар илгари сурилган.

“Иқтисодий таълимотлар тарихи” фани бўйича маъруза

машғулотлари

1 - МАВЗУ	**Фаннинг предмети ва ўрганиш усуллари. Қадимги дунё, феодал жамияти иқтисодий таълимотлари.**

(Маъруза -2 соат)

ТЕХНОЛОГИК КАРТА.

1.1. Маърузада таълим технологияси

Талабалар сони 30 нафар	Вақти -2 соат
Маъруза режаси	1. “Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанининг предмети. 2. Фанни ўрганиш услубиёти (методологияси). 3. Қадимги Шарқдаги иқтисодий ғоялар. 4. Антик дунё иқтисодий қарашлари. 5. Араб ва Ғарбий Европа давлатларида феодализм давридаги иқтисодий ғоялар. 6. IX-XV асрларда Ўрта Осиёдаги иқтисодий фикрлар.
Ўқув машғулотининг мақсади: Иқтисодиёт таълимотлар тарихи фанининг предмети ва билиш услублари тўғрисида яхлит тасаввур хосил қилиш	
Педагогик вазифалар: -иқтисодий фикр, ғоя қараш, таълимотларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини тушунтириб бериш; -илк иқтисодий ғоялар намоёндалар билан таништириш; -ўқитиш услубларига талабалар эътиборини қаратиш; -иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг предметига таъриф бериш.	**Ўқув фаолиятининг натижалари:** -иқтисодий фикр, ғоя қараш, таълимотларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини тушунтириб берадилар; -иқтисодий оқимлар ва уларнинг асосчиларини айтиб берадилар -ўқитишнинг асосий услубларини санаб берадилар; -иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг предметига таъриф берадилар

Ўқитиш усуллари	Ҳамкорликдаги маъруза, баён қилиш, ЎТВ/КТ
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни график органайзер, ЎТВ/КТ
Ўқитиш шакли	Умум жамоа, коллектив
Ўқитиш шароитлари	ТСО билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва бахолаш	Тест, савол-жавоб, “Б.Б.Х.Б.”

Маърузанинг технологик картаси		
Босқичлар, вақт	**Фаолият**	
	Ўқитувчи	**Талабалар**
1-босқич Кириш 10 мин	1.1. Мавзуни, унинг мақсади ўқув машғулотининг натижаларини маълум қилади. (1-илова)	1.1.Эшитадилар, ёзиб оладилар
2-босқич Ахборот босқичи (60 мин)	2.1.Талабаларнинг ёки аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлаш учун тезкор савол жавоб ўтказади. 1.Қандай иқтисодий фикр, ғоя, қарашлар назарияларини биласиз? 2. Иқтисодий таълимотлар тарихи қандай фанлар билан чамбарчас боғлиқ? 3.Иқтисодий таълимотлар тарихи нимани ўргатади? 2.2.Фанни ўрганиш манъбалари нималар асосида олиб борилади? 2.3.Илк иқтисодий ғояларнинг пайдо бўлишини ва уларнинг намоёндалари тўғрисидаги видео лавҳа намойиш қилинади (3-илова) 2.4.Иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг предметига таъриф беринг? (4-илова)	1.Талабалар бир-бирини такрорламай бирин-кетин атамаларни айтадилар. 2.Ўйлайдилар жавоб берадилар 3.Ҳар бир саволларга жавоб беришга харакат қиладилар. Жавоб берадилар Талабалар таъриф берадилар
3-босқич Якуний (10 мин)	Мавзу бўйича якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг бошқа фанларбилан боғлиқлигига Кластер тузишни вазифа	Иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлигига Кластер тузадилар.

	қилиб беради ва текширади, бахолайди	Уйга вазифа оладилар.

Визуал материаллар

1-илова

Меркантилизм иқтисодий таълимотлар тарихи

Асосчилар; - В. Стаффорд (1554-1612)

- **Г. Скаруффе (1519-1584)**
- **Т. Манн (1571-1641)**
- **Жон Ло (1671-1729)**
- **А. Монкретвен (1575 – 1671)**

Меркантилизм ривожида икки даврни ажратиш мумкин

Илк меркантилизм **ёки** ***монетаризм*** **(XV-XVI аср ўрталари)**

Ривожланган меркантилизм, савдо баланси **(ёки мануфактура системаси) (XVI-XVIII аср ўрталари)**

2-илова

Меркантилизм иқтисодий таълимотлар тарихи

Олтин ва кумушни четга чиқариш ва пировард мақсадда уларни кўпайтириш

Актив савдо баласини йўлга қўйиш

Арзон товарларни сотиш йўли билан бозорни эгаллаш

Томас Манн (Англия) Жон Ло

Ривожланган меркантилизм

Экспорт қилинадиган товарларга максимум юқори жарима

Мамлакатдан олтин ва кумушларнинг оқиб чиқишига йўл қўймаслик

В. Стаффорд (Англия) Г. Скаруффи (Италия)

Товарлар импортини чеклаш

Илк меркантилизм

Меркантилизм

3-илова

“Давра суҳбати” муҳокама қилиш учун саволлар
1. Сўзга чиққанларни диққат билан бўлмасдан тингланг. 2. Маърузачининг фикрига қўшилмасанг, ўз фикрингни билдиришга рухсат сўра. 3. Маърузачининг фикрига қўшилсанг, кўриб чиқилаётган масала бўйича қўшимча фикрлар билдир.

4-**илова**

Блиц сўров саволлари

1. Меркантилизм таълимотининг вужудга келишининг ижтимоий- иқтисодий шарт- шароитлари.
2. Меркантилизм таълимотининг айрим мамлакатлардаги миллий кўринишлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни айтиб беринг.
3. “Актив савдо”, “Савдо сальдоси” иборалари нимани нимани англатади.
4. Жон Ло тизимининг моҳияти, ахамияти, унинг инқирозининг сабаблари?
5. Меркантилизм таълимотининг ҳозирги давр иқтисодий таълимотига таъсири нималарда акс эттирилади?
6. Савдо капитализмининг асосий тамойиллари?

3 - МАВЗУ	**Илк классик мактабнинг вужудга келиши давридаги таълимотлар**

(Маъруза 2 соат)

ТЕХНОЛОГИК КАРТА.

3.1. маърузада ўқитиш технологияси

Талабалар сони 30 нафар	**Вақти -2 соат**
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот маъруза визуализация
Маъруза режаси	1. Англия ва Францияда классик мактаб вужудга келишининг шарт-шароитлари 2. В.Петти - Англия классик иқтисодий мактабининг асосчиси 3. XVII-XVIII асрларда Франция тараққиётининг хусусиятлари ва уни П.Буагильбер қарашларида акс этиши 4. Физиократизм. Ф.Кенэ ва А.Тюргонинг иқтисодий таълимотлари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Илк классик мактаб вакилларининг иқтисодий	

таълимотлари бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.	
Педагогик вазифалар: -Классик иқтисодий мактаб вакилларининг вужудга келиш шарт-шароитлари билан таништириш; -классик иқтисодий мактабнинг асосчиларини таништириш; - илк классик мактаб вакилларининг иқтисодий қарашларини ёритиб бериш; - Илк классик мактаб вакилларининг иқтисодий таълимотларининг аҳамиятини очиб бериш.	**Ўқув фаолиятининг натижалари:** -класссик иқтисодий мактаб вакилларининг вужудга келиш шарт шароитларини тушунтириш берадилар; -классик иқтисодий мактабнинг асосчиларини шаклланишини айтиб берадилар ва уларга тавсиф берадилар; -классик мактаб вакилларининг иқтисодий қарашларини санаб берадилар; -илк классик мактаб вакилларининг иқтисодий таълимотларининг аҳамиятини ёритиб берадилар.
Ўқитиш усуллари	Маъруза-визуализация, ақлий хужум, блиц-сўров, график ташкил этувчилар, кластер, таққослаш жадвали
Ўқитиш воситалари	Кўргазмали материаллар, маъруза матни, лазерли проектор, ахборот таъминоти
Ўқитиш шакли	Индивидуал, фронтал, гурухларда ишлаш
Ўқитиш шароитлари	ТСО билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва бахолаш	Оғзаки назорат: диққатни жалб қилувчи саволлар жадвалини тўлдириш

Маърузанинг технологик картаси		
Босқичлар, вақт	**Фаолият**	
	Ўқитувчи	**Талабалар**
1-босқич Ўқув машғулоти кириш 5 мин	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтқазиш режасини айтади. Ўқитиш билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш технологияси асосида олиб борилишини эълон қилади.	1.1.Эшитадилар, ёзиб оладилар
2-босқич Билимларни фаоллаштириш (15 мин)	2.1.Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва блиц- сўров ўтказади. 2.2. Иш гуруҳларида, жуфтликларда ўқув вазифалари бажарилгандан сўнг “Давра суҳбати” сифатида давом эттирилишини эълон қилади. “Давра суҳбати” қоидалари билан таништиради (2-илова). Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.	2.1. Иқтисодий тушунчаларга таъриф берадилар. 2.2. Эссе ёзадилар ва ўқиб берадилар. 2.3.Тинглайдилар, савол берадилар

3-босқич Гуруҳларда жуфтликларда ишлаш (10 мин)	3.1. Талабаларни гуруҳларга/ жуфтликларга бўлади. Давра суҳбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатади, гуруҳлар/ жуфтликларга тақсимлайди. Вазифани бажаришда қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варақларини тарқатади (3- илова). 3.2. Гуруҳларда иш бошланганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради.	3.1. Ўқув вазифалари, йўриқнома ва натижалар карточкаси билан танишадилар. 3.2. Вазифани бажарадилар тақдимот варақларини расмийлаштирадилар.
4- босқич “Давра суҳбати” муҳокамаси (55 мин)	4.1. Гуруҳларда бажарилган ишнинг натижаларини муҳокамаси ва баҳоланишини ташкил этади. Вазифаларни бажариш жараёнида қилинган умумлаштиришларга алоҳида эътибор қаратилади.	4.1. Гуруҳларда етакчилар жамоавий ишлаб чиқилган фикрни баён қиладилар. Иштирокчилар қўшимча қиладилар саволлар берадилар.
5-босқич Якуний (5 мин)	5.1. ишга якун ясайди, баҳолар қўяди. 5.2. мустақил иш учун вазифа беради. (4- илова).	5.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. 5.2. мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар.

1.1. Таянч иборалар асосидаги визуал маълумотлар

1-илова

XVII-XVIII асрда Англия ва Францияда классик иқтисодий мактаб вужудга келди, унинг асосчилари В. Петти , П. Буагельбер (Илк классик мактаб вакиллари)

Классик сиёсий иқтисод - бойлик фақат қишлоқ бўжалигида эмас балки саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳам яратилишини исботлаб берди.

-У.Петти (1623-1686 й.й.) бойликнинг манбаи ер ва меҳнат эканлигини эътироф этган. Меҳнат бойликнинг отаси ер унинг онаси деган ибора унга тегишлидир.

2-илова

XVII аср охири ва XVIII аср бошида Францияда классик иқтисодий мактабнинг асосчиларидан бири П. Буагельбер (1646-1714 й.) ўз иқтисодий қарашлари билан бу мактабни бойитди. У пул , қиймат пропорционал бахолар, иқтисодий инқироз тўғрисида мулохазалар юритди.

1.2. “Блиц-сўров” саволлари:

1. Физиократизм сўзининг мазмуни ва бу таълимотнинг асоси нима, унинг муҳим хусусиятлари нимадан иборат?
2. Ф. Кенэ ҳаёти ва ижодининг ўзига хос томонларини кўрсатиб беринг?
3. Капиталга қандай изоҳ берилади?.
4. А. Тюргонинг ҳаёти ва ижодидаги асосий хусусиятлар нима?
5. Классик иқтисодий мактабнинг Англияда вужудга келиши қандай ижтимоийва иқтисодий шароитларда рўй берди?
6. А. Смитнинг пул, қиймат, даромадлар, иш ҳақи, капитал тўғрисидаги таълимотларга қисқача изоҳ беринг?

3-илова

Илк классик мактаб таълимотлари
Асосчилари; В. Петти (1623-1687 йил)
П. Буагилбер (1646-1714 йил)
В.Петти иқтисодий муаммоларга бағишланган асарлари:

«**Солиқлар ва йиғимлар тўғрисида рисола**» (1662й.), «**Сўз донишмандларга**» (1665й.), «**Ирландиянинг сиёсий анатомияси**» (1672й.), «**Сиёсий арифметика**» (1683й.) «**Пул тўғрисида бир неча оғиз сўз**» (1682 й)
В.Петти - Англия классик иқтисодий мактабининг асосчиси
Рента, ернинг баҳоси масалалари
Пулга
бўлган муносабат
Қийматнинг меҳнат назариясига асос солиниши

4-илова

Иқтисодий муаммоларга аталган асарлар
Қишлоқ хўжалиги
Минимал иш ҳақи
Даромадлар назарияси
Солиқ
Сиёсий арифметика
Донишмандларга сўз
Солиқлар ва йиғимлар тўғрисида
Қиймат назарияси
Бойлик ва пул назарияси
Вилям Петти
(1623-1687)
Классик иқтисодий мактаб
Бойлик
Нарх
Пул
Қийматнинг меҳнат назарияси
П. Буагилбер
(1646-1714)
Нарх

4 - МАВЗУ	А.Смит ва Д.Рикардонинг иқтисодий таълимотлари.

(Маъруза 2 соат)

ТЕХНОЛОГИК КАРТА.

2.1.Маърузада таълим технологияси

Талабалар сони 30 нафар	Вақти -2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот маъруза визуализация
Маъруза режаси	1. А.Смит мануфактура даврининг иқтисодчи назариётчиси 2. Смитнинг қийматнинг меҳнат назарияси 3. А.Смит ва ҳозирги замон 4. Д.Рикардо саноат тунтариши даврининг назариётчиси 5. Д.Рикардо таълимотининг аҳамияти
Ўқув машғулотининг мақсади: Классик иқтисодий мактабнинг тўла шаклланишининг иқтисодий таълимотларни ўрганиш	
Педагогик вазифалар: -классик иқтисодий мактабнинг тўла шаклланишини вужудга келиш шарт-шароитлари билан таништириш; -классик иқтисодий мактабнинг тўла шаклланишининг асосчиларини таништириш; -тўла иқтисодий мактаб вакилларининг иқтисодий қарашларини ёритиб бериш; -тўла классик мактаб вакилларининг иқтисодий таълимотларининг аҳамиятини очиб бериш.	**Ўқув фаолиятининг натижалари:** -класссик иқтисодий мактаб вакилларининг вужудга келиш шарт шароитларини тушунтириб берадилар; -тўла классик иқтисодий мактабнинг асосчиларини шаклланишини айтиб берадилар ва уларга тавсиф берадилар; -тўла классик мактаб вакилларининг иқтисодий қарашларини санаб берадилар; -тўла классик мактаб вакилларининг иқтисодий таълимотларининг аҳамиятини ёритиб берадилар.
Ўқитиш усуллари	Маъруза-визуализация, ақлий хужум, блиц-сўров, график ташкил этувчилар, кластер, таққослаш жадвали
Ўқитиш воситалари	Кўргазмали материаллар, маъруза матни, лазерли проектор, ахборот таъминоти
Ўқитиш шакли	Индивидуал, фронтал, гурухларда ишлаш
Ўқитиш шароитлари	ТСО билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва бахолаш	Оғзаки назорат: диққатни жалб қилувчи саволлар жадвалини тўлдириш

Маърузанинг технологик картаси		
Босқичлар, вақт	**Фаолият**	
	Ўқитувчи	**Талабалар**
1-босқич Кириш 10 мин	1.1. Мавзуни, унинг мақсади ўқув машғулотининг натижаларини маълум қилади. (1-илова)	1.1.Эшитадилар, ёзиб оладилар
2-босқич Ахборот босқичи (60 мин)	2.1.Мавзу бўйича тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади. 2.2.Режа саволлари бўйича маъруза материалларини гапириб беради, визуал материалларда фойдаланилади. (1- илова), диққатни жалб этувчи саволлар беради. Режадаги 1- савол бўйича- А.Смит мавкур даврининг иқтисодчи назариячиси. 2.3.Режадаги 2- савол бўйича А. Смитнинг қийматнинг мехнат назарияси, пул назарияси саволлари бўйича талабаларни 2 гурухга ажратади ва ақлий хужум усули билан мавзуни ёритади. 2.4.Мавзунинг асосий жихатларига эътиборни қаратади ва уларни ёзиб олишни таклиф этади.	2.1. Тинглайдилар 2.2.Саволларга жавоб берадилар. 2.3.Жуфтликларда ишлайдилар 2.4.Ёзиб оладилар
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1.Ўзлаштириш даражасини синаш учун савол беради.Блиц-сўров техникасидан фойдаланилади. (3-илова) 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради.	3.1.Саволларга жавоб берадилар Вазифани ёзиб оладилар

1-илова

Визуал материаллар

1 слайд

А.Смит “Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот” (1776 й) асарида талаб ва таклиф асосида шаклланадиган эркин нархлар асосида бозор ўз-ўзини тартибга солиши (“кўринмас қўл”) ғоясини илгари суради. Инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий манфаатдир деб кўрсатади

2 слайд

А.Смит пулнинг муомала воситаси функциясини бошқаларга нисбатан алоҳида таъкидлайди.Смит фикрича пул техник қурол бўлиб, иқтисодий жараёнларни енгиллаштиради, уни “муомаланинг буюк ғилдираги” деб бахолайди. А. Смит олтин ва кумуш пулларни қоғоз пул билан алмаштириш мақсадга мувофиқ, уни эса банклар чеклаган миқдорда чиқариши зарур деб хисоблаган.

3 слайд

Д.Рикардо (1772-1823) қийматнинг турли синфлар даромадлари ва фойданинг ягона манбаи меҳнат эканлигини кўрсатади. Қўшимча қийматнинг аниқ шакллари –фойда ссуда фоизи, рента сифатида тахлил этди. Нисбий авзаллик тамойили, дифференциал рента, пул назарияларини яратди.

У А. Смит ва В. Петти иқтисодий ғояларини янада ривожлантирди.

2- илова

Классик иқтисодий мактабнинг ривожланиши

Иш ҳақи ва қиймат назариялари

Қиёсий устунлик назарияси

Рента назарияси

Қиймат назарияси

Капитал назарияси

Давид Рикардо

(1772-1823)

Рента назарияси

Синфлар ва даромадлар

Кўринмас қўл

Иқтисодий эркинлик принципи

Адам Смит

(1723-1790)

Классик иқтисодий мактабнинг ривожланиши

Қиймат ва баҳонинг шаклланиши

Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидатадқиқот

Бойликни кўпайтириш омиллари: меҳнат тақсимоти, пул, капитал

3- илова

Адам Смит иқтисодий таълимотининг “кластер” усилида ифодаланиши

Асосий

Бошқалар манфаати

Фойда

Солиқ

Рақобат

Нарх

Эгоизм

Кўринмас қўл

Ёлланма ишчилар

тадбиркорлар

Айланма

пул

Рента

Иш ҳақи

Даромадлар

Адам Смит иқтисодий таълимоти

1723-1790

капитал
Ер эгалари
синфлар
Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидатадқиқот
фойда
Қиймат ва қўшимча даромад муаммолари
Капитал жамғарилиши ва унинг функционал шакллари
Капитал
Капитализмнинг ривожланишининг тарихий шарт- шароитлари
Меркантилизм ва физиократлар таълимотига бўлган муносабати
Давлат молияси
Талаб ва таклиф

5- илова

***Табиий тартиб* тамойилига кўра қуйидагилар таклиф этилади**
Ишчи кучининг эркин ҳаракати;
Савдода (ер савдосида ҳам) тўла эркинлик
Саноат ва ички савдони хукумат томонидан регламентация қилишга қатъий қаршилик
Эркин ташқи савдо (*протекционизм*га қарши)

6-илова

Меҳнат тақсимоти туфайли айрим ишчиларнинг чаққонлиги ва моҳирлиги ошади
Меҳнат унумдорлиги
Бир турдаги ишдан бошқасига ўтиш учун кетадиган вақт иқтисод қилинади (дастгоҳдан дастгоҳга бориш вақти ва янги турдаги ишга психологик мослашиш учун кетадиган вақт иқтисод қилинади);
Меҳнат тақсимоти машиналар ихтиро қилишга имкон туғдиради, яъни такрорланадиган жараёнлар машина қўллашга қулайлик яратади

7- илова

Смит ночор аҳволга тушиб қолган иқтисодиётни ривожлантириш учун қуйидаги уч омилни кўрсатиб берган
1) мамлакатда тинчлик, осойишталик бўлиши ва сақланиши
2) меъёрдаги енгил солиқлар тизими
3) давлат иқтисодиёт ишларига ҳадеб аралашавермаслиги зарур, иқтисодиёт табиий равишда амалга ошаверади

8-илова

Блиц сўров саволлари

1. А. Смит таълимотининг мазмуни?
2. Д. Рикардо таълимотининг мазмуни?
3. “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқот” асари таркиби.
4. А.Смит ва физиократлар.
5. Мехнат тақсимоти унинг ижобий ва салбий хусусиятлари.
6. “Кўринмас қўл” ва “табиий тартиб”
7. Даромадлар, иш хақи, фойда ва рента назариялари.

8. Капитал ва унинг шаклланиш хусусиятлари.
9. Унумли ва унумсиз мехнат талқини. А. Смит ва хозирги замон

5 – **МАВЗУ**	**Классик иқтисодий мактабга мухолиф ғояларнинг вужудга келиши.**

(Маърузада ўқитиш технологияси 2 соат)

ТЕХНОЛОГИК КАРТА.

2.1. Маърузада таълим технологияси

Талабалар сони 30 нафар	Вақти -2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот маъруза визуализация
Маъруза режаси	1. XIX асрнинг II-III чорагидаги ижтимоий иқтисодий вазият 2. Англиядаги намоёндаларининг ғоялари 3. Франциядаги намоёндаларнинг ғоялари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Классик иқтисодий мактабга мухолиф ғояларнинг вужудга келишини ўрганиш.	
Педагогик вазифалар: -Классик иқтисодий мактабга мухолиф ғояларни вужудга келиш шарт-шароитлари билан таништириш; -Классик иқтисодий мактабга мухолиф ғояларининг асосчиларини таништириш; - Классик иқтисодий мактабга мухолиф ғояларни иқтисодий қарашларини ёритиб бериш;	**Ўқув фаолиятининг натижалари:** - Классик иқтисодий мактабга мухолиф ғояларнинг вужудга келиш шарт шароитларини тушунтириб берадилар; -Классик иқтисодий мактабга мухолиф ғояларнинг шаклланишини айтиб берадилар ва уларга тавсиф берадилар; -Классик иқтисодий мактабга мухолиф ғояларнинг иқтисодий қарашларини санаб берадилар; -Классик иқтисодий мактабга мухолиф ғоялар вакилларининг иқтисодий таълимотларининг аҳамиятини ёритиб берадилар.
Ўқитиш усуллари	Маъруза-визуализация, блиц-сўров, график ташкил этувчилар, кластер,
Ўқитиш воситалари	Кўргазмали материаллар, маъруза матни, лазерли проектор, ахборот таъминоти
Ўқитиш шакли	Индивидуал, фронтал, гурухларда ишлаш
Ўқитиш шароитлари	ТСО билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва бахолаш	Оғзаки назорат: диққатни жалб қилувчи саволлар жадвалини тўлдириш
Маърузанинг технологик картаси	
Босқичлар, вақт	**Фаолият**

	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич Ўқув машғулоти кириш 5 мин	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтқазиш режасини айтади. Ўқитиш билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш технологияси асосида олиб борилишини эълон қилади.	1.1.Эшитадилар, ёзиб оладилар
2-босқич Билимларни фаоллаштириш (15 мин)	2.1.Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва блиц- сўров ўтказади. 2.2. Иш гуруҳларида, жуфтликларда ўқув вазифалари бажарилгандан сўнг "Давра суҳбати" сифатида давом эттирилишини эълон қилади. "Давра суҳбати" қоидалари билан таништиради (2-илова). Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.	2.1. Иқтисодий тушунчаларга таъриф берадилар. 2.2. Эссе ёзадилар ва ўқиб берадилар. 2.3.Тинглайдилар, савол берадилар
3-босқич Гуруҳларда жуфтликларда ишлаш (10 мин)	3.1. Талабаларни гуруҳларга/ жуфтликларга бўлади. Давра суҳбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатади, гуруҳлар/ жуфтликларга тақсимлайди. Вазифани бажаришда қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варақларини тарқатади (3- илова). 3.2. Гуруҳларда иш бошланганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради.	3.1. Ўқув вазифалари, йўриқнома ва натижалар карточкаси билан танишадилар. 3.2. Вазифани бажарадилар тақдимот варақларини расмийлаштирадилар.
4- босқич "Давра суҳбати" муҳокамаси (55 мин)	4.1. Гуруҳларда бажарилган ишнинг натижаларини муҳокамаси ва баҳоланишини ташкил этади. Вазифаларни бажариш жараёнида қилинган умумлаштиришларга алоҳида эътибор қаратилади.	4.1. Гуруҳларда етакчилар жамоавий ишлаб чиқилган фикрни баён қиладилар. Иштирокчилар қўшимча қиладилар саволлар берадилар.
5-босқич Якуний (5 мин)	5.1. ишга якун ясайди, баҳолар қўяди. 5.2. мустақил иш учун вазифа беради. (4- илова).	5.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. 5.2. мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар.

1.1. Таянч иборалар асосидаги визуал маълумотлар

1-илова

Т.Р. Мальтус (1766-1834) инглиз иқтисодчиси “Нуфуз назариясини” илк бор яратди. Унинг асосий асарлари қуйидагилар “Ахоли нуфузи қонуни тўғрисидаги тажриба” (1798й.) “Ер рентасининг табиати ва ўсиш тўғрисидаги тажриба” (1815й.), “Сиёсий иқтисод принциплари” (1820й.). Т. Мальтус қиймат даромад, фойда ва реализация бўйича иқтисодий ғояларни яратди.

2-илова

Нассау Вильям Сениор (1790-1864) Лондондаги машҳур Оксфорд университетининг сиёсий иқтисод кафедраси профессори, “тийилиш” ва “Сўнгги соат” назарияларининг муаллифи сифатида машҳур бўлди.

1.1. “Блиц-сўров” саволлари:

1. Майда иқтисодиёт назариячиларига хос хусусиятлар нималардан иборат?
2. С. Сисмондининг услубиётига хос хусусият нималардан иборат? Унинг фикрича бойликнинг манбаи нима?
3. С. Сисмондининг иқтисодий мавзудаги қандай асарларини биласиз?
4. С.Сисмонди таълимотида қайси иқтисодий назария асосий ўрин тутади?
5. Майда буржуа назариясининг вужудга келиш сабабларини тушунтириб беринг?
6. П. Прудоннинг қайси асарларини биласиз?
7. К. Родбертус қайси назарий мактабнинг вакили?
8. С. Сисмонди капитализмни қандай тарзда танқид қилди?

6 – МАВЗУ	**Маржинализм таълимоти ва неоклассик иқтисодий мактаблар**

(Маъруза 2 соат)

ТЕХНОЛОГИК КАРТА.

2.1.Маърузада таълим технологияси

Талабалар сони 30 нафар	Вақти -2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот маъруза визуализация
Маъруза режаси	1. Маржинализм иқтисодий таълимотининг шаклланиши, умумий таърифи 2. Австрия мактаби ва унинг хусусиятлари 3. Кембридж мактаби А.Маршалл таълимоти 4. Лозанна мактабининг хусусиятлари 5. Маржиналистик таълимотнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Ўқув машғулотининг мақсади: Маржинализм таълимоти ва неоклассик иқтисодий мактабларини ўрганиш.	
Педагогик вазифалар: - Маржинализм таълимоти ва неоклассик иқтисодий мактабларини вужудга келиш шарт-шароитлари билан таништириш; - Маржинализм таълимоти ва неоклассик иқтисодий мактабларини асосчиларини таништириш; - Маржинализм таълимоти ва неоклассик иқтисодий мактабларини иқтисодий қарашларини ёритиб бериш; - Маржинализм таълимоти вакилларининг иқтисодий қарашларини ёритиб бериш; - Маржинализм таълимоти вакилларининг иқтисодий таълимотларининг аҳамиятини очиб бериш.	**Ўқув фаолиятининг натижалари:** - Маржинализм таълимоти вакилларининг вужудга келиш шарт шароитларини тушунтириб берадилар; - Маржинализм таълимотининг асосчиларини шаклланишини айтиб берадилар ва уларга тавсиф берадилар; - Маржинализм таълимоти вакилларининг иқтисодий қарашларини санаб берадилар; - Маржинализм таълимоти вакилларининг иқтисодий таълимотларининг аҳамиятини ёритиб берадилар.
Ўқитиш усуллари	Маъруза-визуализация, ақлий хужум, блиц-сўров, кластер, таққослаш жадвали
Ўқитиш воситалари	Кўргазмали материаллар, маъруза матни, лазерли проектор, ахборот таъминоти
Ўқитиш шакли	Индивидуал, фронтал, гурухларда ишлаш
Ўқитиш шароитлари	ТСО билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва бахолаш	Оғзаки назорат: диққатни жалб қилувчи саволлар жадвалини тўлдириш

Маърузанинг технологик картаси

Босқичлар, вақт	**Фаолият**	
	Ўқитувчи	**Талабалар**
1-босқич Кириш 10 мин	1.1. Мавзуни, унинг мақсади ўқув машғулотининг натижаларини маълум қилади. (1-илова)	1.1.Эшитадилар, ёзиб оладилар
2-босқич Ахборот босқичи (60 мин)	2.1.Мавзу бўйича тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади. 2.2.Режа саволлари бўйича маъруза материалларини гапириб беради, визуал материалларда фойдаланилади. (1-илова), диққатни жалб этувчи саволлар беради. Режадаги 1- савол бўйича- К. Мингер мазкур даврининг иқтисодчи назариячиси. 2.3.Режадаги 2- савол бўйича Энг юқори наф назарияси саволлари бўйича талабаларни 2 гурухга ажратади ва ақлий хужум усули билан мавзуни ёритади.	2.1. Тинглайдилар. 2.2.Саволларга жавоб берадилар. 2.3.Жуфтликларда ишлайдилар 2.4.Ёзиб оладилар

	2.4.Мавзунинг асосий жихатларига эътиборни қаратади ва уларни ёзиб олишни таклиф этади.	
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1.Ўзлаштириш даражасини синаш учун савол беради.Блиц-сўров техникасидан фойдаланилади. (3-илова) 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради.	3.1.Саволларга жавоб берадилар Вазифани ёзиб оладилар

1.1. Таянч иборалар асосидаги визуал маълумотлар

1-илова

Маржинализим вакиллари (marginal-кейинги, қўшилган) - кейинги товар нафлилиги, қўшилган меҳнат ёки ресурс унимдорлигининг пасайиб бориши назарияларни ишлаб чиққан. Кейинги товар нафлилигининг камайиб бориши қонуни бу оқимнинг асосий принципи ҳисобланади. Шунга кўра, нарх харажатга боғлиқ бўлмай кейинги нафлилик асосида белгиланади. Маржинализм асосчилари Карл Менгер, Фридрих Фон Бизер, Эйген фон Бем-Баверк, Уилиьям Стэнли Жевонс ҳисобланади.

2-илова

Неоклассик мактаб **(асосчиси Альфред Маршалл) бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг аралашувини чеклаш ғоясини илгари суради. Бозор механизмининг бузилиши монополиялар вужудга келганда ҳам юз беришини кўрсатади. Функционал боғланиш ғоясини асослайди, бозор баҳосини белгиловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат деб ҳисоблайди.**
Бу мактаб вакилларидан Л.Валларс умумий иқтисодий мувозанатлар моделини ишлаб чиқаришга, И.Шум Петер эса иқтисодий тизимлар ўзгаришини икки кучларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган деган хулосага келган.

3-илова

Иқтисодиёт фани
Қадрият
Австрия мактаби
Ижтимоий максимал нафлик
Сиёсий иқтисод таълимоти (1906)
Лозанна
Энг юқори нафлик
Ижтимоий- иқтисодий динамика
Бойликнинг универсал ходисалари
Ижтимоий – иқтисодий статистика
Кембриж мактаби
Субъектив ва психологик
Валфредо Парето
Сиёсий иқтисод курси (1898)
Фридрих Визер

Бём - Баверк
К. Менгер
Ж. Б. Кларк
Алфред Маршал
АҚШ мактаби
Маржинализм
Маржинализм
4-илова
Маршалл крести
Эластик таклиф
Эластик талаб
Субъектив баҳолаш

Маржинализм
Госсен қонуни
Субъектив психологик
Меъёрли фойдалилик
Қиммат
Ишлаб чиқариш ҳаражатлари

ЭССЕ **5 -*илова***

Эссе – таклиф этилган мавзуга 1000 дан 5000 гача сўз ҳажмидаги иншо.

Эссе – бу муаллифнинг шахсий нуқтаи назарини ёзма равишда эркин ифода этиш шакли; қандайдир предмет бўйича умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

Беш дақиқалик эссе

Беш дақиқали эссе – ўрганилаётган мавзу бўйича олинган билимларни умумлаштириш, мушоҳада қилиш мақсадида ўқув машғулотида охирида 5 дақиқа оралиғида олиб борилади.

XIX асрнинг 70-80-йилларини ўз ичига олиб иқтисодий таҳлилнинг дастлабки маржиналистик ғояларини мужассам қилган дастлабки илмий асарлар яратилди.(К.Менгер, У.Жевонс ва Л.Вальрас). «субъектив йўналиш»

Маржинализм ва унинг ривожланиш даври

6-илова

Биринчи босқич

XIX асрнинг 90-йиллари, маржинализм кўпгина мамлакатларда машҳур ва асосий таълимотга айланди. Уларнинг бу даврда эришган асосий ютуқлари субъектив-психологик йўналишдан воз кечиб иқтисодиётнинг асосий мақсади бу иқтисодий ҳаётнинг доимий боришини мавжуд шарт-шароитлар асосида тушунтира билиш

Иккинчи босқич

Таянч тушунча ва иборалар

- **Маржинализм; энг юқори (чегаравий) наф; ноёблик;**
- **экономикс; субъектив-психологик; иқтисодий либерализм;**
Низомулмулк (1018-1092) - Салжуқийлар давлати вазири сифатида «Сиёсатнома» асарини ёзди, унда солиқ , давлат маблағларининг ҳисоб-китоби, иқтоъ (чек ер) тўғрисида қимматли ғоялар берилган.

Ибн Халдун Абу Раҳмон Абу Зайд (1332-1406) - араб олими, «Ибратли мисоллар китоби» (1370)да иқтисодий ғоялари жамланган. Унинг фикрича, «жамият моддий қийматлар ишлаб чиқарувчилар» жамоасидан иборат. Асарларида моддий зарурат тарихни ҳаракатлантирувчи асосий куч, меҳнат унумдорлиги, зарурий ва қўшимча меҳнат, қиймат тушунчалари келтирилган. 1401 йилда Амир Темур билан учрашган. «Ижтимоий фикр» журналининг 1998 йил, 1-сонида лавҳа берилган.

Амир Темур (1336-1405) - Марказий Осиёда марказлашган давлат асосчиси, унинг олиб борган тўғри иқтисодий сиёсати туфайли мамлакат обод бўлди, илм-фан равнақ топди. «Темур тузуклари» китобида бир қанча муҳим ижтимоий-иқтисодий ғоялари берилган. Масалан, солиқ, маош, бюджет тўғрисида қимматли фикрлари бор. Янги ерлар очган деҳқон уч йилгача солиқдан озод қилинган, ўғрилик, қаллоблик, товламачилик қаттиқ жазоланган. Унинг даврида Буюк Ипак йўли ривож топган, савдогарлар қароқчилардан ҳимоя қилинган, карвонсаройлар қурилган. «Кам егин, кам ухла, кам гапир» ақидасига амал қилган.

Улуғбек Муҳаммад Тарағай (1394-1449) - А.Темурнинг набираси, Шоҳруҳнинг ўғли, 1409-49 йй. Мовароуннаҳрда подшолик қилди, илм-фан, маданият ривожига, мамлакатнинг иқтисодий равнақига катта ҳисса қўшди, 1428 й. Фулусий пуллар ислоҳотини ўтказиб, чақа пуллар қадрини мустаҳкамлади, «Тамға» божига алоҳида эътибор берди, унинг подшолик даврида мамлакатда ички ва ташқи савдо ўсди.

Алишер Навоий (1441-1501) - темурийлардан, шоир, давлат арбоби сифатида иқтисодиёт масалаларига катта эътибор берган. «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида деҳқон, ҳунарманд ва савдогарлар фаолиятига алоҳида баҳо беради, унинг фикрларида алмашув зарурати кўрсатилган, капитал тушунчасининг элементлари бор.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) - Андижон, Қобул ва Ҳиндистон ҳукмдори, «Бобурнома», «Мубаййин» асарларида солиқ сиёсати, масалан, закот тўғрисида қимматли ғоялари берилган. Энг муҳими, даромад ошган сари солиқнинг камайиб боришининг аҳамияти тушунтирилади. Савдо ва айниқса ташқи муносабатларга катта эътибор берган.

Томас Мор (1478-1535) - инглиз олими. «Утопия» (1516) асарида хаёлий социализм ғоялари берилган, «қўйлар одамларни еб қўйди» иборасининг муаллифи (деҳқонларнинг ўз ерларидан маҳрум қилиниши). «Утопия» сўзи юнонча «*у*-» /йўқ/ ва «*топос*» /жой/ сўзларидан ташкил топган, яъни бу сўзнинг маъноси «ўзи йўқ жой»дир.

Томмазо Кампанелла (1568-1639) - итальян иқтисодчиси, Италиядаги оғир иқтисодий аҳволни кўрган. «Офтоб шаҳри» (1602 йилда ёзилиб, 1632 йилда чоп этилган) китобида умумий мулкчилик, меҳнат асосида хаёлий социализм ғоялари ривожлантирилган.

Меркантилизм - итальянча сўз бўлиб, савдогар дегани, феодализмнинг емирилиши ва илк капитализм давридаги дастлабки бозор иқтисодий мактаби; илк меркантилизм (монетаризм) ва ривожланган меркантилизм даврларига бўлинади; бойликнинг асоси муомала (савдо)да юзага келади, деган ғоя илгари сурилган.

Антуан Монкретьен (1565-1621) - франциялик иқтисодчи, биринчи бўлиб «сиёсий иқтисод» тушунчасини киритган, меркантилизмни, савдо ривожини қўллаган, дворянларнинг зеб-зийнатга берилишини қоралаган.
Жан Батист Кольбер (1619-1683) - Франция қироли Людовик XIV даврида молия вазири бўлган, меркантилизмни жон-жаҳди билан қўллаган, унинг даврида аграр соҳага эътибор камайган, кольбертизм сиёсатининг муаллифи. Банк, саноат ва савдо ривожига ҳисса қўшган.
Камералистика - меркантилизмнинг Германиядаги шакли. Бу ғоя тарафдорлари йирик феодаллар хўжаликларини бошқариш масаласини юқори қўядилар ва буни идора доирасида ҳал қиладилар.
Жон Лоу (1671-1729) - асли шотландиялик, аммо кўпроқ Францияда ижод этган. Меркантилизмнинг бир оқимини, яъни корхоналар ва савдо ҳақиқий бойликдир, деган ғояни илгари сурган. Банк, акция, облигация ва қимматли қоғозлар сотиш йўлини тутган. Ҳозирги «пирамида» усулининг муаллифи. Охир-оқибатда инқирозга учради (Москвадаги «МММ» ва бошқа шу каби акционер жамиятларининг ибтидоси). Банкларнинг ижобий томонини кўра билди.
XVII асрнинг ўрталарида (1640-1660) Англияда буржуа инқилоби бўлиб ўтди, феодалистик муносабатлар синиб, капиталистик муносабатлар шакллана бошлади.
Мануфактура - итальянча «қўл маҳсулоти» дегани, меҳнат тақсимоти, қўл ҳунармандчилиги ва ёлланма меҳнатга асосланган оддий капиталистик кооперациядан кейинги иккинчи босқич. XVI асрнинг ўрталарида пайдо бўлди, саноат тўнтарилишига, яъни фабрикага замин тайёрлади. А.Смит томонидан энг мукаммал корхона тури деб ҳисобланган.
Петти Вильям (1623-1687) - Англия классик иқтисодий мактабининг асосчиси, меркантилизмни инкор этган, бойликнинг асоси ишлаб чиқаришда, деган фикрни илгари сурган, «меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онасидир» деган иборани қўллаган. Капиталистик тузумни табиий ва абадий деб ҳисоблаган. Товарнинг алмашув қийматини тан олган. Статистика («Сиёсий арифметика») фанига асос солган. Аҳолига бойлик яратувчи сифатида қаради.
Буагильбер Пьер (1646-1714) - Франция классик иқтисодий мактабининг асосчиси. Аграр соҳанинг ривожига эътибор берди, кольбертизмга қарши курашди, солиқ тизимни ислоҳ қилишни таклиф этди. Пулга «буюк ёвузлик» деб қаради. Қийматнинг истеъмол шаклини тан олди, савдо ва саноатни тўғри баҳоламади. Эркин савдо, пропорционал баҳолар тарафдори бўлди ва эркин рақобатни қўллаб-қувватлади.
Физиократлар - юнонча «табиат» ва «ҳокимият» сўзларидан ташкил топган бўлиб Франциядаги классик сиёсий иқтисод намояндалари Ф.Кенэ, А.Р.Тюрго ва бошқалар физиократизмга асос солдилар. Тадқиқот мавзуини муомала соҳасидан (меркантилизм) ишлаб чиқариш соҳасига кўчирдилар; эркин савдо тарафдорлари эдилар. Фермерлар, қишлоқ хўжалиги мамлакат равнақининг асоси деб ҳисобланади.
Кенэ Франсуа (1694-1774) - франциялик физиократизм оқимининг асосчиси, «Табиий тартиб концепцияси», «Соф маҳсулот» «Унумли меҳнат» тўғрисидаги таълимотни яратди. Ўзининг «Иқтисодий жадвал»ида такрор ишлаб чиқаришни ва синфларни таҳлил этди, капиталга (доимий ва айланма) изоҳ берди. Алмашув эквивалентлиги таълимотини илгари сурди, унда бойлик яратилмаслигини исботлади. Бойлик яратишда табиатнинг иштирокини тан олди.

Фермер, фермер хўжалиги - хусусий ёки ижарага (лендлордан) олинган ерда олиб бориладиган соҳибкорлик типидаги хўжалик. Капиталистик фермерчиликда ёлланма меҳнатни жалб этиш, оилавий шакли эса аксарият хўжалик эгасининг (фермер ва унинг оиласи) кучи билан олиб борилади. Дастлаб Англияда XVII асрда вужудга келди. Ҳозир деярли барча мамлакатларда мавжуд. Физиократлар қўллаб-қувватлаган хўжалик тури. Эркин савдо, хусусий мулк ва мавжуд тузум табиий деб баҳоланади.

Тюрго Анн Робер Жак (1727-1781) - франциялик, физиократизм ғоясини ривожлантирди. Соф бозор иқтисодиёти тарафдори. Минимал иш ҳақини қўллаган, жамиятда (капиталист ва ишчиларни қўшган ҳолда) бешта синф (Кенэда эса учта) борлигини айтди.

Смит Адам (1723-1790) - Англия классик иқтисодий мактабининг буюк назариётчиси, мануфактура даврининг иқтисодчиси. Асосий асари «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқот» (1776) бўлиб, унда ҳозирги тил билан айтганда эркин бозор муносабатлари ўз аксини топган. Унда капиталистик иқтисодиёт, хусусий мулк идеал деб ҳисобланади. Меҳнат тақсимоти (вақтдан, малака ошишидан, машина қўллашга имкон яратишдан) уч ютуқ беришини исботлаган. Давлатнинг иқтисодга аралашуви имкони борича кам бўлиши керак, дейди. Эгоизм хусусияти жамият манфаатларига қарама-қарши эмас, деган хулоса чиқаради. Халқ бойлиги ишлаётган одамларнинг сонига ва уларнинг меҳнат унумдорлиги даражасига боғлиқ деб ўйлаган. Мануфактурани саноатнинг энг юксак чўққиси деб билган (бу фикр хато эди, чунки фабрика устунроқ). «Смит догмаси» деб аталадиган хатога йўл қўйган.

Герцог Баклю - Адам Смит тарбиячилик қилган оила.

Саноат тўнтарилиши (инқилоби) - Англияда биринчи бор XVIII аср ўрталарида қўл кучига асосланган мануфактурадан (иккинчи босқичдан) машиналашган завод-фабрикага (учинчи босқичга) ўтиш жараёни (XIX асрнинг ўрталарида якунланган). Иқтисодий ривожланишда муҳим ўринни эгаллайди, ижтимоий-сиёсий соҳаларда катта ўзгаришларга сабаб бўлган.

Рикардо Давид (1772-1823) - А.Смит таълимотининг буюк давомчиси, саноат тўнтариши даврининг иқтисодчиси. Меҳнат тақсимотини корхона доирасидан мамлакатларга ҳам жорий этишни таклиф этган, нисбий устунлик, нисбий чиқимлар устунлиги назарияларига асос солган. Фабрика даврини тўғри тушунган, фритрейдерликни (эркин савдо) қўллаб-қувватлаган.

Протекционизм - лотинча, давлатнинг миллий иқтисодиётини чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат.

Фритрейдерлик - инглизча, эркин савдо сиёсати, протекционизмга зид. Бу сиёсатни бозор муносабатларига ўтган давлатлар ташқи савдода қўллайдилар.

Сисмонди Шарль (1773-1842) - Женевада туғилган, Францияда яшаган, майда ишлаб чиқариш иқтисодининг асосчиси, йирик капиталистик ишлаб чиқаришга қарши чиқди ва буни «исботлаб бериш»га ҳаракат қилди. Мамлакатдаги барча иллатлар йирик ишлаб чиқариш туфайли деб ҳисоблаган, у капитализмни тан олмаган, давлат йўли билан йирик корхоналарни тугатишни таклиф этган. Классик мактабга муҳолиф.

Прудон Пьер Жозеф (1809-1865) - франциялик майда ишлаб чиқариш иқтисодчиси ва социологи, майда ишлаб чиқаришни ҳимоя қилди, «ишчи пули» орқали маҳсулот сотишни таклиф этди. Капитализмни ислоҳ қилишни таклиф этди. П. пулга қарши бўлган. Классик мактабга муқобил фикрлар билдирган.

Родбертус Карл Иоганн (1805-1875) - немис иқтисодчиси, ўз иқтисодий ғояларини «Социал хатлар» шаклида илгари сурди, қўшимча қиймат, пул ва рента бўйича майда буржуача қарашлар тарафдори. Вульгар қараш - «ўта соддалаштирилган», «сохталаштирилган» деган маъноси бор, ғайриилмий иқтисодий назариялар мажмуи, асосий намояндалари Сэй (1767-1832) ва Мальтусдир (1766-1834). Улар капитализмни ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий жараёнларнинг ташқи кўринишини тавсифлаш ва «хўжакўрсин»га классификация қилиш билан чегараланиб, ҳодисанинг моҳиятини тадқиқ этмайдилар. Уларга фақат айрим масаланигина олиб, бутун муаммони ҳал қилиш хосдир. В.к. намояндалари классик иқтисодий мактабни инкор этадилар.

Апологетика - бирор ғоя ёки таълимотни хато бўлса ҳам кўр-кўрона ҳимоя қилиш. Маълум синф, гуруҳлар манфаати ҳимоя қилинади.

Милль Жеймс (1773-1836) - инглиз иқтисодчиси, иш ҳақини ошириш учун курашмаслик тарафдори, жонли меҳнат билан бирга ишлаб чиқариш воситаларининг меҳнатини ҳам тан олишни талаб қилган.

Мак-Куллох Жон Рамсей (1789-1864) - инглиз олими, Мальтусни қўллаган, меҳнат билан бирга капитал ҳам бойлик яратишда иштирок этади, деган фикрни илгари сурди.

Сениор А. (1790-1864) - инглиз сиёсий иқтисоди вакили, «Сўнгги соат» ва «Тийилиш» назарияларини илгари сурган, унга кўра гўёки ишчилар ўн бир ярим соат иш вақтининг фақат охирги бир соати давомидагина фойда келтирар эканлар.

Сэй Жан Батист (1767-1837) - француз иқтисодчиси, классик мактабга қарши, «компенсация» назариясини илгари сурган, «Сэй қонуни»нинг («Бозорлар қонуни») муаллифи, унга кўра таклиф талабни автоматик равишда вужудга келтиради, С. инқирозларни инкор этган, синфлар ўртасидаги қарама-қаршиликни тан олмайди («улар ўртасида уйғунлик бор», дейди). Протекционизм ўрнига савдони тарғиб қилган. Ишлаб чиқаришнинг уч омилини (капитал, ишчи кучи ва ер) илгари сурди.

Мальтус Томас Роберт (1766-1834) - инглиз иқтисодчиси, «Нуфус назарияси», «Тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши қонуни»нинг муаллифи. Унингча аҳоли геометрик прогрессия асосида, ноз-неъматлар эса арифметик прогрессия асосида ўсиб боради, оқибатда қашшоқликнинг сабаби аҳоли сонига боғлиқ деб кўрсатилади. М. аҳоли сонининг ўсишини чеклаш тарафдори бўлган.

«Учинчи шахслар» - XIX аср бошларида муомалага киритилган тушунча. Хўжалик ҳаётини синфий таҳлил қилиш методида қўлланилади. Жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучлари бўлган тадбиркорлар ва ёлланма ишчилардан ташқари қатлам бўлиб, олимлар фикри бўйича улар маҳсулотни яратиш ва реализация қилишга имкон беради.

Бастиа Ф. (1801-1850) - француз иқтисодчиси, «Иқтисодий гармониялар» китоби ва ғояси, «манфаатлар уйғунлиги» ва «хизматлар» назарияларининг муаллифи.

Кэри Генри Чарльз (1793-1879) - америкалик иқтисодчи, «Манфаатлар уйғунлиги» (1872) асарини ёзган. Шу ғоянинг тарафдори бўлган, миллатлар уйғунлиги ғоясини илгари сурди, Рикардо ва Мальтусга қарши чиқди. Эркин савдони рад этди, протекционизм ва қулчиликни қўллади.

Эконометрика (Эконометрия) - иқтисодий жараёнларга математик усулларни қўллаш билан боғлиқ иқтисодий математик йўналиш. XIX асрнинг бошларида вужудга келди ва ҳозирги кунда назария ва амалиётда кенг қўлланилади.

Курно Антуан Огюстен (1801-1877) - франциялик математик, биринчилардан бўлиб математикани иқтисодий жараёнларга кенг қўллаш услубини ишлаб чиқди.

Эконометрика йўналишининг асосчиларидан бири, «талабларнинг эластиклиги» функцияси ва графигини яратди.

Иоганн Генрих фон Тюнен (1783-1850) - немис олими, эконометрикада математик моделлаштириш бўйича йирик мутахассис.

Иқтисодий таълимот, назария, қонун, категория - меркантилизм, физиократизм, классик иқтисодий мактаб, маржинализм - бу иқтисодий таълимотлардир; «нуфус», «сўнгги соат», «учинчи шахслар», юқори фойдалилик, умумий бандлик, қийматнинг меҳнат назарияси; қиймат, қўшимча қиймат, талаб ва таклиф қонунлари; товар, меҳнат тақсимоти, пул, нарх, иш ҳақи, рента ва бошқалар иқтисодий категориялардир.

Концепция (лотинча тушунча, тизим дегани) - маълум предмет, ҳодиса ва жараёнларни тушунтириш услуби, предмет ва бошқаларга қаратилган асосий кўзқараш; уларни систематик ёритиб бериш учун бош ғоя; бу матн илмий ва бошқа фаолиятдаги асосий фикрни, конструктив тамойилни белгилаш учун ҳам қўлланилади. Масалан, табиий тартиб концепцияси ва бошқалар.

Тарихий мактаб - Германияда (вакиллари: Ф.Лист, В.Рошер, Б.Гильдебранд, К.Книс) вужудга келган сиёсий иқтисод. Унда фойдалилик ва юқори наф биринчи ўринга қўйилади. Иқтисодий қонунлар инкор этилиб, иқтисодий тарих билан алмаштирилади.

Фридрих Лист (1789-1846) - немис иқтисодчиси, тарихий мактаб асосчиларидан бири, унинг таълимотига кўра, қиймат «миллатнинг руҳи» томонидан яратилади; Ф.Л. тараққиётни беш босқичга бўлади: бадавийлик, чўпонлик, деҳқончилик - мануфактура, деҳқончилик - мануфактура - савдо; уруш ва босқинчиликларнинг тарафдори бўлган, Ф.Л. фашизмнинг иқтисодий назариётчисидир.

Рошер Вильгельм Георг (1817-1894) - Германия тарихий мни мақтабининг фаолларидан, иқтисодий қонунларнинг объективлигини рад этади, иқтисодиётни маънавий фан дейди, синфий курашнинг мавжудлигини рад этади, урушлар мадҳиячиси, Сэй ғояларини қўллаб-қувватлайди.

Книс Карл (1821-1892) - немис иқтисодчиси, унингча, иқтисодий қонунлар йўқ ва табиий қонунлар бор. К.К. хусусий мулк ва капитализмни абадий деб ҳисоблаган. Иқтисодий сиёсатга катта ўрин берган.

Гильдебранд Бруно (1812-1878) - немис иқтисодчиси, иқтисодий ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг ўз тарихий усулини илгари сурди (натура, пул, кредит), унингча қиймат - фойдалиликдир ва хусусий мулк абадийдир.

Сен-Симон Клод Анри (1760-1825) - Франция хаёлий социализмининг вакили, аммо С.С. хусусий мулкни сақлаб қолиш тарадори бўлган.

Фурье Франсуа Мари Шарль (1772-1837) - Франция хаёлий социализмининг вакили, келажакни синфсиз кўрган, унингча жамият ишлаб чиқариш бирлашмалари - фалангалардан иборат бўлади («Иш роҳат бағишлаши зарур»).

Оуэн Роберт (1771-1858) - инглиз хаёлий социализмининг вакили, келажакда хусусий мулкни инкор этган, барча соғ одамлар учун меҳнат зарур деб ҳисоблаб, «ҳар кимдан қобилиятига яраша ва ҳар кимга меҳнатига яраша» принципини илгари сурган.

Маркс Карл (1818-1883), Энгельс Фридрих (1820-1895) - илмий социализм назариясининг асосчилари. Капитализмнинг ўрнига социализм келишини башорат этганлар. Хусусий мулкни инкор қилишган. Умумхалқ мулкини асосий деб қарашган (тарих буларни инкор этмоқда).

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлари - янги тарихий мактаб ва «социал йўналиш» пайдо бўлди. Унинг вакиллари Г.Шмоллер (1838-1917), Л.Брентано (1844-1931) ва К.Бюхерлардир (1847-1930).

«Неоклассицизм», Австрия мактаби - XIX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлди, унинг асосий мақсади Марксннинг қийматнинг меҳнат назариясига қарши кураш эди. Вакиллари: К.Менгер (1840-1920), Е.Бём-Баверк (1851-1914), Ф.Визер (1951-1926). Маржинализм, энг юқори наф, энг юқори унумдорлик ғоялари қўлланилади.

Шмоллер Густав (1838-1917) - немис иқтисодчиси, янги тарихий мактабнинг асосчиси, сиёсий иқтисодни халқ хўжалиги тарихи билан бир деб қаради, тарихий формацияга қарши чиқди, унга эмпиризм хос эди. Иқтисодиётда одоб-ҳуқуқ омилини биринчи ўринга қўйган.

Брентано Луи (1844-1931) - янги тарихий мактаб вакили, капитализмни мадҳ этган, «Ижтимоий иноқлик» тарафдори, «давлат социализми» ғояларини илгари сурган.

Вернер Зомбарт (1863-1941) - янги тарихий мактабга яқин турган немис иқтисодчиси, антагонистик зиддиятлар ва иқтисодий инқирозларнинг муқаррарлигини инкор этган, капитализм тартибга солинган ва режали ривожланиб борадиган хўжалик тарзи деб тасвирланади. Турли тизимларни плюрализм асосида яқинлаштириш мумкин, дейди. В.З. шовинизм позицияларида турган ва фашизм мафкурасининг шаклланишига кўмаклашган.

Менгер Карл (1840-1921), Бём-Баверк Евгений (1851-1914), Визер Фридрих (1851-1926) - Австрия мактаби вакиллари, истеъмол ишлаб чиқаришдан устун қўйилган, тадқиқотнинг Робинзонада усули кенг қўлланилган, қадриятлар (юқори фойдалилик) назарияси илгари сурилган. Қиймат истеъмол қиймати билан айнан бир хил деб талқин қилинган.

Ленин (Ульянов) Владимир Ильич (1870-1924) - марксизмни ривожлантирган, империализм тўғрисидаги таълимотни яратди, Совет давлатининг асосчиси ва раҳбари, «Ҳарбий коммунизм», «Янги иқтисодий сиёсат» муаллифи, умрининг охирида социализмга янгича қараш тарафдори бўлди. Л. нинг асосий ғоялари (умумхалқ мулки, қатъий режалаштириш, шўролар тизими) инқирозга учради.

Маъмурий-буйруқбозлик (режалаштирилган бозор) - собиқ СССР ва «социалистик» деб аталган давлатларда амалга оширилган бозор тури, унда давлат мулки устун ва хусусий мулк деярли йўқ, императив қатъий режа ҳукмрон, эркин рақобат инкор этилади; қатъий баҳолар қўлланади. Ҳаёт бозорнинг бу турини инкор этмоқда.

«Ҳарбий коммунизм» сиёсати (1918-1920) - Совет давлатида қўлланилган, товар-пул муносабатлари инкор этилган, қатъий тақсимот ва тўла миллийлаштириш ҳамда озиқ-овқат разверсткаси амалга оширилган, бир қанча социал соҳалар текин бўлган (транспорт, электр энергияси, коммунал хизматлар). Х.к. даврида мамлакат оғир инқирозга учради.

«Янги иқтисодий сиёсат» (Новая экономическая политика, «НЭП») - Совет давлатида 1921 йилда жорий этилган. Товар-пул муносабатларига кенг ўрин берилган, денационализация амалга оширилган, хусусий ишлаб чиқариш ва савдога кенг ўрин берилган ва ягона озиқ-овқат солиғи жорий этилган. Я.и.с.даги капиталистик муносабатлар иқтисодиётни тез тиклаш ва ривожлантиришга имкон берди. Фақат оғир саноат, банк, темир йўл, ташқи савдогина давлат монополиясида бўлган. Молия тизими пул ислоҳоти орқали кучайтирилган. 1928 йилдан бошлаб инкор этилиб, маъмурий-буйруқбозликка ўтилди.

Чаянов Александр Васильевич (1888-1937) - таниқли иқтисодчи, Россияда ташкилий ишлаб чиқариш мактабининг асосчиси, деҳқонни меҳнат хўжалигининг асоси деб, оилавий меҳнат ячейкасини ташкил этган (коллективизацияга қарши); кооперация ва аграр соҳаларда 200 га яқин асар ёзган, бош асари «Хўжаликнинг нокапиталистик системалари назарияси»дир. Ч. 1937 йилда репрессия қилиниб, қатл этилган. Илмий ғоялари ҳозирда ҳам илмий-амалий аҳамият касб этади.

Монополия - ишлаб чиқариш ва банкларнинг йириклашуви ва марказлашуви, соф рақобат йўқолади (номукаммал рақобат), монопол баҳо, фойда юзага келади.

Маржинализм - французча «чегаравий» маъносидаги сўздан олинган, XIX асрнинг 70-йиллари Жевонс, Менгер, Вальраслар томонидан очилган иқтисодиётнинг методологик принципларидан бири, иқтисодий ҳодисаларни таҳлил этишда энг чекка кўрсаткичларга суянади. Истеъмолни ишлаб чиқаришдан устун қўяди. Қийматнинг меҳнат назарияси инкор этилади. Австрия мактаби вакиллари томонидан қўлланилган. XIX асрнинг ўрталарида француз иқтисодчиси Курно (1821-1877), немис иқтисодчилари Тюнен (1783-1850), Госсен (1810-1858) биринчи бўлиб маржинал таҳлилни иқтисодий назарияга жорий этишга уринган. Унинг категориялари: қиммат, энг юқори, чегаралланган наф, ноёблик, ишлаб чиқаришнинг энг юқори унумдорлиги ва бошқалар.

Кембридж мактаби (Англия)- асосий вакили Альфред Маршалл (1842-1924), «қийматсиз баҳо» назариясини илгари сурди, баҳога «энг юқори наф» ва ишлаб чиқариш чиқимлари таъсир қилади, деган. Марксниг «қийматнинг меҳнат назарияси»га қарши. «Сиёсий иқтисод»ни «Экономикс» билан алмаштирди. Асосий асари «Иқтисодиёт принциплари» (1890), 3 жилддан иборат, рус тилига ўгирилган.

Лозанна мактаби - Л.Вальрас ва В.Парето (1848-1923) томонидан иқтисодиётда эконометрика усулларини кенг қўллаш туфайли пайдо бўлган.

Америка мактаби Жон Бейтс Кларк (1847-1938) - Америка мактаби вакилларидан, АҚШ ва Колумбия университетлари профессори, Америка мактаби асосчиси, Америка иқтисодий уюшмасини тузиш (1885) ташаббускорларидан бири. Психологик ва маънавий омиллар ҳал қилувчи деб қаралган. Австрия мактаби принципларига қўшилган. «Меҳнат ва капиталнинг пасайиб борувчи унумдорлиги» қонунини кашф этган. Маржинализм ғояларини ривожлантирган.

Бозор иқтисодиёти - товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонунлар асосида бошқариладиган иқтисодиёт. Узоқ тарихга эга бўлиб, соҳибкорларнинг эркинлиги ва рақобатни тақозо этади. Қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи қонуни Б.и.га хос объектив қонунлардир. Бозор эса сотувчи билан харидор ўртасида товарни пулга айирбошлаш муносабатидир.

Бозор муносабатларининг шаклланиши - ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши давридаёқ бошланган, аммо товар-пул муносабатларининг ривожи капитализм босқичига тўғри келади (Макконелл К.Р., Брю С.П., «Экономикс», М.,1992, 12-бет).

Ҳозирги замон иқтисодий таълимотларининг уч асосий йўналиши мавжуд: 1.Неоклассик (янги классик); 2. Кейнсчилик; 3. Институционал.

Институционализм - лотинча «урф-одат», «муассаса», «кўрсатма», яъни айрим институтлар (оила, давлат, монополия, касаба уюшмаси) ижтимоий тараққиётнинг асоси деб қабул қилган назария.XX асрнинг 20-30-йилларида АҚШда кенг тарқалди. Т.Веблен (1857-1920), Ж.Р.Коммонс (1862-1945), У.К.Митчелл (1874-1948), Ж.Гобсон (1858-1940) ва бошқалар бу назариянинг 20-30-йиллардаги вакилларидир, кейингилари эса Кларк, Берли, Г.Минз (50-йиллар), Лоу, Мюрдал,

Гельбрейт, Хейлбронер (60-йиллар ва ҳозирги давр) объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлигини инкор этадилар.
Буюк депрессия - 1929-1933 йй. ва ҳатто 1940 йилгача АҚШ ва жаҳондаги йирик иқтисодий инқироз, ишлаб чиқариш 50% камайган, ишсизлик 25% ошган (17 млн.).
Кейнс Жон Мейнард (1883-1946) - инглиз иқтисодчиси, кейнсчиликнинг асосчиси, 1929-1933 йилларда Буюк инқирозни таҳлил этиб, жамоат ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида давлатни капиталистик иқтисодиётни бошқаришига асосланган назариясини яратди. Миллий даромад, капитал маблағ, иш билан бандлик, истеъмол, жамғариш ва бошқа иқтисодий миқдорларнинг таҳлилига алоҳида эътибор берди. «Бошқариладиган капитализм»нинг тарафдори бўлди, турли йўналишлари мавжуд. А.Маршаллнинг дўсти, марксизмнинг ашаддий душмани, «аралаш иқтисодиёт»нинг отаси ва «Иқтисодий журнал»нинг муҳаррири. Асосий асари «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936). *Мультипликатор* формуласини таклиф этган, инвестицияларнинг ўсиши, бандлик ва даромадларнинг ўсиши ўртасидаги нисбатни кўрсатган, масалан, АҚШ учун ўша даврда бу кўрсаткич 2.5 бўлган, яъни инвестиция қилинган 1 доллар 2.5 доллар даромад келтирган.
Ликвидлик - моддий неъматлар ва бошқа ресурсларнинг тез пулга айлана олиш қобиляти; корхонани ўз мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олиш қобилияти баланснинг актив пунктларини пулга айлантириш.
Кейнсчилик - Ж.М.Кейнснинг фикрларини илгари сурувчи йўналиш, уч оқими мавжуд: 1. Ўнг оқим - ўта реакцион оқим, қуролланиш тарафдори, тартибга солиш таклифлари бор. Германия ва Италияда кенг тарқалган; 2. Либерал оқим - монополия манфаатларини ҳимоя қилувчи ва қуролланишни инкор этувчи оқим. Унинг асосий вакили Женни Робинсон хоним, бу оқимда касаба уюшмаларига кенг ўрин берилган. Францияда «дирижизм» (дирижер сўзидан олинган) назарияси вужудга келган; 3. Янги кейнсчилик, кейинроқ ортодоксал кейнсчилик - Ж.М.Кейнснинг қоидалари тўла қабул қилинган ҳолда А.Хансен томонидан стагнация назарияси билан тўлдирилади. А.Хансен ва К.Кларк мультипликатор принципини *акселератор* принципи билан тўлдирдилар, индуцирланган инвестиция тушунчасини киритдилар. *Императив* (зарурий) ва *Индикатив* (таклиф мажбурий эмас) режалаштиришлардан фойдаланиш мумкинлиги айтилади (Франция ва бир қанча мамлакатларда кенг тарқалган). Асосий вакиллари франциялик Г.Ардан, Г.Мендес-Франс, Ф.Перру, С.Харрислардир. Янги кейнсчилик ўрнига посткейнсчилик вужудга келди, унинг вакиллари Ж.Робинсон, Н.Калдор, П.Сраффа (Англия), Л.Эйхнер, .Вайнтрауб (АҚШ); бу оқимда ўсиш ва тақсимот марказий деб ҳисобланади. Иқтисодни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш таклиф этилади.
Мультипликатор - кўпайтирувчи; иқтисодиёт таълимотларида маълум боғланишларни ўрганишда, мультипликация эффекти бор жойларда қўлланилади. Масалан, Кейнс таълимоти бўйича қўйилган инвестиция ва даромадлар ўртасидаги боғланишни кўрсатувчи коэффициент.
Акселератор-мультипликаторга тескари бўлган коэффициент бўлиб, миллий даромад ўсишининг инвестиция ўсувига таъсирини кўрсатади (неокейнсчилар қўллаган).
Янги классик (неоклассик) йўналиш - Ғарб иқтисодий адабиётида «Янги классик экономикс» деб аталади ва бу йўналиш асосида маржинализм ғоялари ётади. Буюк инглиз иқтисодчиси А.Маршалл (1842-1894) номи билан боғлиқ. Шу даврда «Сиёсий иқтисод» ўрнига мафкурасиз «Экономикс» матни пайдо бўлди.

Унда соф эркин бозор иқтисодиёти тарғиб этилади, давлатнинг роли имкони борича кам бўлмоғи керак. Бу йўналишда либерализм ва неолиберализм оқимлари мавжуд. Америка монетаризми - М.Фридман (1912, АҚШ) ўзининг «Капитализм ва эркинлик» (1960) китобида «эркин ишбилармонлик»ни ҳимоя қилади. «Озодлик йўлида қурбон бериш»ни ва «табиий ишсизлик»ни қўллаб-қувватлайди, давлат томонидан бериладиган ёрдамга қарши чиқади, иқтисодиётни тўғри пул сиёсати билан (давлат кам аралашади) тартибга солиш тарафдори. Бу оқим ғоялари Россия Федерацияси иқтисодиётида қўлланилмоқда.

«Маршалл хочи» - талаб ва таклиф эгри чизиқларининг кесишганлигини кўрсатади; кесишган нуқта уларнинг мувозанатини ҳамда турғун баҳони кўрсатади.

Фридман Милтон (1912, Нью Йорк) - *истеъмол: пулнинг тарихи ва назарияси* соҳаларидаги тадқиқотлари учун 1976 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган. Унинг пул тўғрисидаги ғоялари (монетаризм) АҚШда Р.Рейган, Буюк Британияда М.Тэтчер иқтисодий сиёсатида қўлланилган.

Самуэльсон Пол (1915, АҚШ) -кўп марта қайта нашр этилган «Экономикс» (1948) дарслигини яратди (рус тилига ҳам ағдарилган), 1970 йилда иқтисодиёт фанларида илмий таҳлил даражасини оширишга қўшган ҳиссаси учун Нобель мукофотини олган. Иқтисодиётнинг барча соҳаларига оид илмий ишлари бор. «Аралаш иқтисодиёт»нинг назариётчиси. Неоклассик таҳлил бўйча, тараққиётнинг «тўрт ғилдираги» асосчиси.

Неолиберализм - неоклассиканинг бир оқими, классик иқтисодий мактабни ва кейнсчиликни бирга қўллаш тарафдори, бунда давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги таклиф этилади. Асосий вакиллари Л. фон Мизес (1881-1973), Ф. фон Хайек (1899-1992) бўлиб, бу оқим Австрия мактаби деб ҳам юритилади. Социалистик (императив) режалаштиришга қатъий қарши, чунки бу режаланган тартибсизликка олиб келади, меҳнат тақсимоти, хусусий мулк ва эркин алмашув цивилизациянинг мутлақ асоси деб саналади. Хайек 1974 йилда Нобель мукофоти совриндори бўлган. Неолиберализм ғоялари асосида «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти» юзага келади, унинг асосчилари - немис олимлари В.Ребке (1899-1966), В.Ойкен (1891-1950), Л.Эрхард (1897-1977)лардир. Бу концепция ГФР ва Швецияда яхши натижа берди, унинг асосий ғоялари мустақил Ўзбекистон иқтисодиётида қўлланилмоқда. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий қоидалари: эркин баҳоларнинг зарурлиги; эркин рақобат; талаб ва таклифнинг мувозанати; иқтисодиётнинг мувозанати; давлат бозор хўжалигида шу шартларни кафолатлаши ва унинг ижтимоий йўналтирилган ривожини таъминлаш. Н. нафақат маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, балки капитализмнинг эркин рақобатларга асосланган давридан ҳам қатъиян фарқ қилади. Мустақил Ўзбекистонда ундан ижобий фойдаланилмоқда.

Лукас Р.И. - неолиберализмнинг тарафдори, «Рационал кутилмалар» назарияси учун 1995 йилда Нобель мукофоти совриндори. Ижтимоий-институционал йўналиш эволюцияси индустриал жамиятдан постиндустриал, супериндустриал (неоиндустриал) жамият сари борадиган конвергенция назарияларида (Гэлбрейт, П.Сорокин - АҚШ, Раймон, Арон - Франция, Тинберген - Нидерландия) капитализм ва социализмнинг илғор томонларини олиш ва амалда қўллаш таклиф этилади.

«Халқ капитализми» назарияси - капитализм трансформацияси (ўзгариши) билан боғлиқ, гўёки ҳозирги капитализм «эски капитализм»дан кескин фарқ қилади, илгариги иллатлар йўқолган. Х.к.нинг вакиллари: Берли, Нидлер, Чэйз, Кларк,

Гелбрейт... «Капиталнинг демократизациялашуви» («Мулк диффузияси») йўли билан аҳолининг барча қисми мулкка эгалик қилади (акционерлик жамиятлари).

Конвергенция назарияси - бу назариянинг асосида капиталистик ижтимоий системалар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий тафовутлар гўё аста-секин бартараф этилади, деган ғоя ётади. Асосий вакиллари: У.Ростоу, Ж.Гэлбрейт (1908), Я.Тинберген (1903).

Эконометрика концепциялари - иқтисодиётда математика методларидан кенг фойдаланишга асосланган концепциялар. Асосий вакиллари Л.Вальрас, В.Парето (Лозанна университети), фон Нейман, У.Митчелл, Э.Бароне, М.Пантелеони. 1910 йилда польшалик иқтисодчи П.Чомпа «Эконометрия» («Экономтерика») матнини қўллаган. Илмий муомалага (1926) норвегиялик Р.Фриш киритган. АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия ва бошқа мамлакатларда кенг ривож топмоқда. Турли иқтисодий таълимот йўналишларида қўлланилади, илмий ва амалий аҳамиятга молик. В.Леонтьев ҳам бу концепциялардан (1906) ўзининг «чиқим - чиқариш» услубида фойдаланган (У 1973 йилда Нобель мукофоти совриндори бўлди). 60-70-йилларда бу йўналиш собиқ СССР, хусусан Ўзбекистонда ривож топди. Республикамизнинг олим ва мутахассислари томонидан иқтисодий моделлаштириш ва алгоритмлаш бўйича муҳим тадқиқотлар амалга оширилган.

Жаҳон хўжалиги - қадимдан вужудга келган, аммо XVI асрдаги буюк географик кашфиётлар туфайли ривож топган, айниқса II Жаҳон урушидан кейин авж олган халқаро иқтисодий муносабатлар мажмуи. Халқаро меҳнат тақсимоти бу хўжаликнинг моддий асосини ташкил этади. Халқаро интеграцияда байналмилаллик хос.

Халқаро меҳнат тақсимоти - бутун жаҳон хўжалигининг ташкил топиш ва ривожланишининг ҳал қилувчи омили. Биринчи бўлиб унинг зарурлигини Д.Рикардо айтган. Айрим ишлаб чиқариш корхоналаридаги каби (А.Смит), жаҳон хўжалигида ҳам меҳнат тақсимоти нисбий чиқимлар устунлигини беради, яъни айрим мамлакатларнинг маълум соҳада ихтисослашуви юқори самара беради.

Жаҳон иқтисодиёти назариялари - жаҳон бозорида маҳсулот, валюта, ишчи кучи ва бошқаларнинг ҳаракат жараёнларига хос қонун ва қонуниятларини ўрганувчи назариялар. «Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимоти» назарияси типикдир (Э.Хекшер, Б.Олин, П.Самуэльсон); «Маҳсулот ҳаёти цикли» назарияси (Г.Хуфбауэр, Р.Вернон, М.Познер); Монополистик рақобат назарияси (Э.Х.Чэмберлин) ва бошқалар.

Абсолют (мутлақ) афзаллик принципи - А. Смит томонидан илгари сурилган ғоя бўлиб, савдо муносабатларидаги мутлақ афзалликни англатади (товарларни ишлаб чиқаришда сарф-харажатларнинг устунлиги ҳал қилувчи ҳисобланади).

Нисбий афзаллик принципи - Д. Рикардо томонидан изоҳлаб берилган принцип бўлиб, ишлаб чиқариш омиллари (капитал, меҳнат, ер) харажатларининг афзаллигини кўрсатади ва ташқи иқтисодий алоқаларда кенг қўлланилади.

Инсоний ривожланиш концепцияси - БМТ томонидан 90-йилларда илгари сурилган. Унда тараққиёт натижаларининг инсон билан ҳамоҳанг бўлиши кўзда тутилади, моддий бойлик (ялпи миллий маҳсулот) билан бирга соғлом ҳаёт, саводхонлик, демократик институтлар билан биринчи ўринга қўйилади (айрим давлатлар камбағал бўлишига қарамай, бу соҳада юқори натижага эришмоқдалар ва аксинча) ҳамда «ижтимоий ривожланиш индекси» (ИРИ) билан ўлчанади.

Нокапиталистик (капитализмни четлаб) ривожланиш концепцияси - илгари қолоқ бўлган, капитализм тараққиёти босқичини тўла босиб ўтмаган мамлакатлар

учун тавсия этилган ривожланиш йўли. Бир қанча мамлакатлар шу йўлдан бориб, социализм қуряпмиз, деб ўйлаган. Ҳаёт буни инкор этди.

Ўтиш даври - бу ерда маъмурий-буйруқбозлик (императив режалаштирилган) иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш даври. Ўз даврида социолистик деб аталган мамлакатларнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш даври.

Иқтисодий ривожланишнинг «ўзбек модели» - 1991 йил 1 сентябрдан мустақил тараққиёт йўлига ўтган Республикамизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган, унинг беш тамойили мавжуд: *1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиётнинг ҳар қандай мафкурадан холи бўлиши. 2. Давлат бош ислоҳотчи. 3. Қонуннинг ҳамма нарсадан устун туриши. 4. Кучли ижтимоий сиёсат. 5. Бозорга босқичма-босқич, тадрижий (эволюцион) йўл билан бориш.*

ГЛОССАРИЙ

Иқтисодий	**Экономическая**	**economic**	– чекланган иқтисодий ресурслардан

фаолият	**деятельность**	**activity**	унумли фойдаланиб, кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятлар мажмуи.
Иқтисодиёт	**Экономика**	**Economy**	– мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган хўжаликлардан, хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар, корпорациялар, концернлар, қўшма корхоналар, молия ва банк тизимларидан, давлатлар ўртасидаги турли иқтисодий муносабатлардан иборат ўта мураккаб ижтимоий тизим.
Ишлаб чиқариш	**Производство**	**Production**	– кишилик жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни яратиш жараёни.
Тақсимот	**Распределение**	**Distribution**	– ишлаб чиқариш омиллари ва унинг натижаларини иқтисодиётнинг турли қисм ва субъектлари ўртасида тақсимлаш жараёни.
Айирбошлаш	**Обмен**	**Exchange**	– жамият аъзоларининг иқтисодий фаолият турлари ёки ишлаб чиқариш натижалари бўйича ўзаро алмашиш жараёни.
Истеъмол	**Потребление**	**Consumption**	– эҳтиёжларни қондириш мақсадида маҳсулот ва хизматларнинг ишлатилиши жараёни.
Эҳтиёж	**Потребность**	**Need**	– инсоннинг яшаши ва камол топиши, умуман инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситаларга бўлган зарурат.
Моддий эҳтиёж	**Материальные потребности**	**material needs**	– моддий кўринишдаги неъматлар воситасида қондирилувчи зарурат.
Маънавий эҳтиёж	**Духовные потребности**	**Spiritual needs**	– инсоннинг шахс сифатида камол топиши, дунёқараши ва маънавиятининг шаклланиши учун тақозо этиладиган номоддий неъмат ва хизматларга бўлган зарурат.
Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни	**Закон возвышения потребностей**	**elevation Act needs**	– эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб, сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши.
Иқтисодий ресурслар	**Экономические ресурсы**	**economic resources**	– товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган барча восита ва

			имкониятлар мажмуи.
Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети	**Предмет науки экономическая теория**	**The subject of science economics**	– иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳаётий неъматларни (ва хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонун-қоидаларини ўрганиш.
Иқтисодий қонун	**Экономические законы**	**Economic laws**	– иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий, такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
Иқтисодий категория	**Экономические категории**	**Economic categories**	– доимо такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунча.
Услубият	**Методология**	**Methodology**	– илмий билишнинг тамойиллари тизими, йўллари, қонун-қоидалари ва аниқ ҳадислари.
Илмий абстракция усули	**Метод научной абстракции**	**The method of scientific abstraction**	– таҳлил пайтида халал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътиборни қаратиш.
Иқтисодий фаолият	**Экономическая деятельность**	**economic activity**	– чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятлар мажмуи.
Иқтисодиёт	**Экономика**	**Economy**	– мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган хўжаликлардан, хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар, корпорациялар, концернлар, қўшма корхоналар, молия

			ва банк тизимларидан, давлатлар ўртасидаги турли иқтисодий муносабатлардан иборат ўта мураккаб ижтимоий тизим.
Ишлаб чиқариш	**Производство**	**Production**	– кишилик жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни яратиш жараёни.
Тақсимот	**Распределение**	**Distribution**	– ишлаб чиқариш омиллари ва унинг натижаларини иқтисодиётнинг турли қисм ва субъектлари ўртасида тақсимлаш жараёни.
Айирбошлаш	**Обмен**	**Exchange**	– жамият аъзоларининг иқтисодий фаолият турлари ёки ишлаб чиқариш натижалари бўйича ўзаро алмашиш жараёни.
Истеъмол	**Потребление**	**Consumption**	– эҳтиёжларни қондириш мақсадида маҳсулот ва хизматларнинг ишлатилиши жараёни.
Эҳтиёж	**Потребность**	**Need**	– инсоннинг яшаши ва камол топиши, умуман инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситаларга бўлган зарурат.
Моддий эҳтиёж	**Материальные потребности**	**material needs**	– моддий кўринишдаги неъматлар воситасида қондирилувчи зарурат.
Маънавий эҳтиёж	**Духовные потребности**	**Spiritual needs**	– инсоннинг шахс сифатида камол топиши, дунёқараши ва маънавиятининг шаклланиши учун тақозо этиладиган номоддий неъмат ва хизматларга бўлган зарурат.
Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни	**Закон возвышения потребностей**	**elevation Act needs**	– эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб, сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши.
Иқтисодий ресурслар	**Экономические ресурсы**	**economic resources**	– товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган барча восита ва имкониятлар мажмуи.
Илмий абстракция усули	**Метод научной абстракции**	**The method of scientific abstraction**	– таҳлил пайтида халал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътиборни қаратиш.

Ижтимоий-иқтисодий тизим	**Экономическая система**	**Economic system**	жамиятдаги турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар ва жараёнларни бир бутун ҳолда, муайян тарзда таркиб топиши ва тартибга солинишини ифодалайди.
Анъанавий жамият	**Традиционная экономика**	**Traditional economy**	қишлоқ хўжалик устувор, меҳнат қуроллари оддий, меҳнат унумдорлиги паст, ишлаб чиқариш ва тақсимот иқтисодий алоқа жараёнларни уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш, ишлаб чиқариш ва истеъмол анъана ва урф-одатлар асосида ташкил этиладиган тизим.
Асосий капитал	**Основной капитал**	**Working capital**	ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида бир қатор доиравий айланишлар давомида қатнашиб, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулотга (хизматга) бўлиб-бўлиб ўтказиб боради ва ашёвий-буюм шаклини ўзгартирмайди.
Айланма капитал	**Оборотный капитал**	**Cycle capital**	бу унумли капиталнинг бир доиравий айланиш давомидаги ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ истеъмол қилинадиган ўз қийматини яратилган маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган ва ашёвий-буюм шаклини ҳам йўқотадиган қисми.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Ижтимоий-иқтисодий” факультети

“Иқтисодиёт” кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўқув ишлари бўйича проректори
_____Т.ф.д..Н.Баракаев

«___» _____2017 й.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

фани бўйича
Таълим йўналиши: 5230100 иқтисодиёт

ишчи ўқув дастури

Умумий ўқув соати	**- 124**
Шу жумладан:	
Маъруза	**- 36**
семинар машғулот	**-36**
Мустақил таълим соати	**- 52**

ГУЛИСТОН – 2017

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи: О.А.Юсуфалиев –Гул ДУ “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси _____(имзо)

Тақризчи: А. Маматов – Гул ДУ и.ф.д_____имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Иқтисодиёт“ кафедрасининг 2017 йил ___” _____ даги ___ - сонли мажлисида кўриб чиқилиб, факультет Илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

Кафедра мудири: О.Т.Сатторқулов

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Ижтимоий-иқтисодий” факультети Илмий-услубий Кенгашининг 2017 йил “___” _____ даги “____” - сонли мажлисида тасдиқланди.

Факультет Илмий-услубий

Кенгаши раиси: Б.Б.Тўйчибоев

Кириш

«Иктисодий таълимотлар тарихи» фани иқгисодиёт йуналишларидаги олий таълим муассасаларида асосий фан сифатида ўкитилади. Бу фан иктисодиёгаинг услубий асосларини таъминловчи ва яратувчи фан сифатида ахамиятлидир. Шу сабабли, ушбу фан икгисодиёт назарияси фанининг ажралмас ва таркибий кием и хисобланади. Ушбу укув дастурида фанни ўкитишнинг максади, вазифалари, укув тайёргарликларининг мазмуни, семинар маштулотлари мавзулари, мустакил иш мавзулари, зарурий ва кушимча адабиётлар келтирилган. Укув дастурида кейинги даврларда руй берган иктисодий тафаккурдаги узгаришлар хисобга олинган.

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг "Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари" номли асарида келтирилган материаллар, коидалар ва хулосаларни пухта узлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари хамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фанни урганиш олдида турган асосий вазифалардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йипнинг асосий якунлари ва 2014 йилда Узбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг мухим устувор йуналишларига багишланган маърузасида "...мамлакатимизнинг иктисодий ва ижтимоий сохаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация хисобидан юкори суръатлар билан ривожланганини кайд этамиз. Мамлакатимиз ялпи ички махсулоти 8 фоизга усди, саноат махсулотлари ишлаб чикариш хажми 8,8 фоизга, кишлок хужалиги - 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси - 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз курсаткичидан паст булди ва 6,8 фоизни ташкил этди"[3] - деб таъкидлаб утдилар.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ўз маърузасида, "Республика ва махаллий бюджетлар хисобидан автомобил йуллари, ички коммуникация тармокдарини куриш, сув, газ ва энергия таъминотини йулга куйиш албатта амалга оширилиши лозим булган мухим шартлардандир"[4]2 деб таъкидлаб утдилар.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Крнунчилик пал атас и ва Сенатининг кушма [5] мажлисидаги маърузасида3 хам билдирган фикрларини хисобга оладиган булсак, ушбу фанни укитишнинг долзарб эканлигини куришимиз мумкин.

---

[3] Каримов И. А. 2014 йил юкори усиш суръатлар и билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини окпаган ислох,отлар стратегиясини изчил давом эттириш йили булади. Т.: Узбекистон, 2014.-30 б.

[4] Каримов И. А. "Замонавий уй-жой курилиши - кишлок жойларини комплекс ривожлантириш ва кнёфаеннн узгартириш хдмда ах,оли каётининг сифатини яхшилаш о мили" мавзусидаги халкаро конференция нинг очилиш маросимидаги *нутқ Н* Халк сузи, 2013 йил 17 апрел.

[5] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кпнунчигппг палатаси ва Сенатининг кушма мажлисидаги маърузаси. Т.: Узбекистон, 2010. - 56 б.

Булажак мутахассислар бу фан ёрдамида авлод-аждодларимизнинг бой меросини урганиш ва уни амалиётда куллаш йулларини ишлаб чикиш имконига эга буладилар. Чунки талабаларнинг утмишдаги иктисодий карашлар ва гоялар, хамда олиб борилган иктисодий сиёсат юзасидан холис хулоса чикаришлари хам назарий, хам амалий ахамият касб этади. Миллий маънавий меросимизда жамият тараккиётига ижобий хизмат хилган ижтимоий-иктисодий гоялар
булганлиги тарихдан маълум.

Шу боис, мамлакатимизда шаклланаётган миллий иктисодий тафаккурнинг инсонпарвар ва умумбашарий булишлиги учун миллий кадриятларни хам синчиклаб урганиш бекиёс ахамият касб этади ва фаннинг долзарблигини белгилайди. «Иктисодий таълимотлар тарихи» фанини урганишнинг долзарблиги айникса хозирги кунда ортиб бормокда, чунки бу фан инсоният жамияти пайдо булган дан бошлаб юзага келган илк иктисодий назариядан тортиб то замонавий иктисодий таълимотлар вужудга келиш жараёни ва мазмунини объектив ёритиб беради.

Ўқув дастурининг мақсади ва вазифалари

Хозирги замон бозор иктисодиётига утиш даври иктисодчилардан, шу жумладан, хужалик хаётидан бошка сохаларида машгул булган мутахассислардан сиёсатдан мустасно булган эркин иктисодий фикрлашни, шу асосда амалий хаётда тегишли тажриба орттириб самарали тадбирларни ишлаб чикишни амалга оширишни талаб килади.

Эркин бозор муносабатлари жараёнини мукаммал тушуниб олиш учун факатгина маълум даражадаги амалий фанларни узгартириш етарли эмасдир. Икгисодиёт буйича Нобель мукофоти лауреати (1970) америкалик олим Пол Энтони Самуэльсон узининг «Экономикс» дарслигида икгисодиёт фани тарихи билан чамбарчас равишда богликдир, деб тугри таъкидлайди.

Шу сабабли иктисодиёт буйича мутахассислар тайёрлашда Иктисодий таълимотлар тарихи фани алохида уринни эгаллайди ва зарурий файл аргурухига киради. Гарвард, Истанбул университети ва бошка етакчи чет эл олий Укув юртларида хам бу фанга эътибор каттадир.

Утиш даври иктисодий муаммолари ечимига киска муддатларда эришишнинг зарурий шартларидан бири шаклланаётган миллий иктисодий тафаккурнинг утмишда ва хозирги даврдаги илгор ёндошувларга мое келишидир. Шунинг учун хам миллий олий тизимимизда дунё иктисодиётининг тарихий тажрибасида тупланган ютук ва муаммоларни чукур ва пухта урганишга жиддий эътибор каратилмокда. Чунончи, бакалавриат боскичининг барча иктисодий мутахассисликлар йуналиши талабалари укув

3. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кпнунчигппг палатаси ва Сенатининг кушма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2010. - 56 б.

4 режасига киритилганлиги хам диккатга сазовордир. Дархакикат ушбу фан миллий иктисодиётнинг назарий асосларини шакллантириш ва ривожлантиришда, пухта иктисодий сиёсатни ишлаб чикишда хамда баркарор ижтимоий-иктисодий тараккиётга эришишда асосий услубий восита эканлиги билан ахамиятлидир.

Фанни ўқитишдан асосий максад ва вазифапар - талабалар тафаккурида айрим шахслар, ижгимоий гурухдар ёки умумжамият манфаатларини ифодаловчи

иктисодий фикр, караш, гоя, назария ва таълимотларнинг шаклланиши, ривожланиши, “емирилиши” ва алмашинувининг тарихий жараёнини изчил ёритиш асосида миллий истиклол мафкурасининг мохияти ва мазмунига мос, туб ислохотлар миллий моделининг етук амалиётчисига хос иктисодий дунёкарашни шакллантиришдан иборат.

Бу фаннинг бошка файл ар билан богликдиги турт гурухда ташкил этил гаи. Биринчи гурух - аник иктисодий фанлар, жумладан, тармокдар, корхоналархамда мамлакатлар иктисодиёти фанлари, иккинчи гурух - махсус иктисодий тузилмавий фанлар (молия, кредит, маркетинг), учинчи гурух - ахборот-тахдилий фанлар (иктисодий-математик усуллар, статистика ва бошкалар), туртинчи гурух - умумиктисодий назария ва икгисодиёт тарихи фанлари билан уз ифодасини топади.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, куникма ва малакасига қуйиладиган талаблар

«Иктисодий таълимотлар тарихи» укув фанини узлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- турли даврлар ва жамиятларда пайдо булган иктисодий фикрлар ва таълимотларнинг мамлакат ривожига таъсири тугрисида ***билиши керак;***
- иктисодий тараккиётга олиб келган гоялар ва иктисодий сиёсатнинг мазмунини, иктисодий ривожланишнинг юксапиш ва сустлашув сабабларини, ижобий гояларнинг иктисодий таълимот ёки назариялар даражасига эришмаганлигини, иктисодий гоялари ривожидаги чекланганликни батафсил тахлил этиш ***куникмаларига эга булишлари керак;***
